

ШОИСЛОМ  
ШОМУҲАМЕДОВ  
•  
ХАЗИНАЛАР  
ЖИЛОСИ

Тошкент

---

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981








© (1981)  
ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ

---

ХАЗИНАЛАР  
ЖИЛОСИ



Тошкент  
Ғафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981







## ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Эсимда: бунга чамаси ўн йилдан ошди. Алишер Навоий номидаги Академик Опера ва балет театрининг муҳташам биносида республикамиз ҳаётида катта воқеа — Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ўтмоқда эди. Танаффус вақтида бинодан чиққан деярлик ҳар бир съезд делегатининг қўлида камида иккитадан машҳур форс-тожик шоири Умар Хайём рубоийларининг янги наشري бор эди.

— Нега иккитадан олдингизлар? Хайёмга шогирд тушмоқчимисизлар?— деб ҳазиллашдик съезд делегатларидан бир дўстимизга. У қўлидаги сариқ муқовали, ўрта ҳажмли китобининг иккаласини бизга мақтангандай кўз-кўз қилиб:

— Яхши китобни одатда иккитадан олиш керак. Чунки Сизларга ўхшаган шинавандалар келиб биттасини олиб кетса, иккинчиси қолади,— деди кулиб.— Қолаверса, бу Умар Хайёмнинг китоби,— деб қўшиб қўйди.

Биз ҳам кулишдик. Унинг қисқа ва лўнда жавоби ҳаммамизга манзур бўлди. Бу китобдаги бир кам уч юз рубоийни эса ўзбек тилига Шонслом Шомуҳамедов таржима қилган.

Шонслом Шомуҳамедов ўзбек совет зиёлиларининг энг заҳматкаш вакилларида бири, шарқшунос олим, таржимон, Владимир Ильич Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, актив жамоатчи. Мана, қарийб 30 йилдирки, унинг қўлидан қалам тушмайди. Дарс беради, тадқиқот олиб боради, таржима қилади. Унинг илмий китоблари, таржималари, мақолалари, муҳаррирлик қилган асарлари, тузган тўпламлари аллақачон китоб жавонларидан бир эмас, бир неча қаторини эгаллаган. Унинг олимлик шухрати эса бизнинг мамлакатимиздагина эмас, қатор Шарқ ва Ғарб мамлакатларига ҳам тарқалган.

Бўлажак олим Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида оддий ҳунарманд оиласида туғилиб (1921 йил, 16 апрель), жуда эрта—етти ёшда отадан етим қолди. Ака-укалар бир-бирларига ёрдамлашиб, Шонслом мактабни, 1939 йили энгил саноат техникумини тамомлайди. Шомаҳмуд ота оиласида, қариндош-уруғлар орасида қадим Шарқ адабиёти ва маданиятига юксак ихлос билан қараш дои-



мий одат бўлиб келган бўлса ҳам, лекин Шонслом «Шарқшунослик» деб ном олган фан даргоҳига тез ва тўғридан-тўғри эмас, балки заҳматли йўллар билан бир неча зиналар оша кириб келди. Шундай ҳам бўлар экан-да. Техникумдан сўнг унинг йўли В. И. Ленин номидаги Тошкент пёёдалар ҳарбий ўқув юртига тушди. 1941 йили у ёш командир сифатида Вильнюс шаҳрига йўлланма олди, шу ерда Улуғ Ватан урушини кутиб олишига тўғри келди. Қўкрагидан ўқиб, оғир ярадор бўлиб фронтдан қайтгач, Шонслом маълум вақт педагоглик фаолияти билан шуғулланди. Сўнгроқ яна ҳарбий хизматга ўтиб, чегара қўшинлари сафида жанговар вазифада бўлди. Урушдан кейин армиядан бўшагач, 1947 йилдагина у Ўрта Оснё Давлат университетининг Шарқ факультетига таълим ола бошлади.

Равшанки, Шонслом бу ўқишга бошқалардан фарқли ўлароқ бой ҳаёт тажрибаси, илм олишга алоҳида чанқоқлик билан келди ва билим марраларини эгаллашга астойдил киришди. А. Н. Болдирев, А. Т. Тагирджанов каби шарқшунос олимларнинг лекциялари унда бир умрлик таассурот қолдирди. Сўнг аспирантурада ўқиш, аспирантурадан кейин ўзи ўқиб таълим олган даргоҳда форс-тожик адабиётининг йирик мутахассиси сифатида ишлай бошлаш... муаллимлик, деканлик, университетда илмий ишлар бўйича проректорлик ва ҳоказо.

Шонслом Шомухамедовнинг кандидатлик диссертацияси ҳозирги замон прогрессив Эрон шоири Эҳсон Табарий ҳақида бўлиб, шу мавзу туфайли муаллиф замонавий Эрон адабиёти, маданияти, халқ оммасининг аҳволи, кайфияти билан чуқур ва атрофлича танишди. Натижада ёш олимнинг «Эҳсон Табарий» (1959, рус тилида), «Маликушшуаро Баҳор» (1967) каби илмий монографиялари юзага келди ва босилиб чиқди. Ўзбек китобхонлари тарихида биринчи марта ба ҳозирги замон Эрон адабиёти, унинг энг йирик намояндалари ҳақида жиддий китобларни ўқишга муяссар бўлди.

Бу ёш тадқиқотчи олим фаолиятининг бошланишигина эди. Олимнинг катта илмий-адабий иқтидори унинг буидан кейинги ишларида янада ёрқинроқ очилади. Унинг ишқи бутун оламга маълум ва машҳур форс-тожик классикларига тушган эди. Лекин улар яратган ўлмас асарлар бошқа тилда-ку? Бу масалани қандай ҳал этиш керак? Таржима қилиш керак! Таржимани ким қилиши керак? Бу катта проблема. Ташқаридан қараганда форс-тожик классиклари асарлари ўзбек китобхонига тушунарлидай. Аслида катта тарихга эга бўлган бу бой ва ранг-баранг адабиёт бутунлай бошқа системадаги бир тилда яратилган ва ўзича бир олам. Кучга, ғайратга тўла ёш олим мардлик қилди, жасорат кўрсатди. У бу улкан вазифани ҳам ўз зиммасига олди, таржимонликни иккинчи, иккинчи бўлса ҳам лекин сеvimли касбига айлантирди. Бунда унинг ёшликдан шеърни севганлиги, мактаб партасидан бошлаб, уруш даврида жанг майдонларида ҳам шеър ёзишни машқ қилиб юрганлиги қўл келди. Бу ҳақда унинг «Гулбоғ» номли ҳикоялар тўпламида «Устод» деган воқеий ҳикоясини ўқиш мароқли. Бироқ классикларнинг шеърларини ўзбекчага яхшилаб таржима қилиш учун бу талант ва форс тилини билишнинг ўзи етарли эмас эди. У кечани кеча, кундузни кундуз демай, шеърят сирларини, қонуниятларини, форсий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, ўзбек тилининг Алишер Навоий таъкидлаб ўтган бойлиқларини интенсив ўрганиб ўзлаштира бошлади. Бу ишда муваффақият қозониш учун тиңмай меҳнат, меҳнат қилиш керак эди. Натижада қисқа вақт ичида Умар Хайём, Саъдий



Шерозий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Деҳлавий, Фоний, Мирзо Бедил, Абу Али ибн Сино, Абулқосим Фирдавсий асарлари таржималари юзага келди, кенг китобхонлар оммаси томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Биргина Умар Хайём рубоийларининг ўзи Шонслом Шомуҳамедов таржимасида 1958—1970 йиллар орасида беш мартаба нашр этилди. Шонслом Шомуҳамедовнинг номи эса шоир-таржимон сифатида кенг эътирофга сазовор бўлди. Ота-боболаримиз томонидан эъзозланиб келган Фирдавсий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Бедил асарлари ўзбек хонадонлари тўридан жой олиб, кундалик мутолаа китобларига айланди.

Биргина Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonини олайлик. Утмишда Ўзбекистонда бу асарнинг насрий варианты кенг тарқалган эди. Энди эса Ш. Шомуҳамедов, Ҳ. Фулом, Ж. Жабборов, Назарматлар томонидан амалга оширилган уч жилдлик шеърый таржимаси яратилди. Бу эса ўзбек маданияти тарихида бениҳоя катта воқеа эди. Бунда ҳам ташиқлотчи, ҳам таржимон, ҳам муҳаррир сифатида Ш. Шомуҳамедовнинг роли жуда катта бўлди.

Биз учун муҳими яна бошқа томонда. Ш. Шомуҳамедов шу 60—70-йиллар давомида бадний таржимани муттасил илмий текшириш ишлари билан қўшиб олиб борди, форс адабиёти классиклари ижодига бағишланган ўнлаб илмий китоблар ёзди, газета ва журналларда юзлаб мақолалар эълон қилди. «Умар Хайём» деб номланган китобида (1962 йил) Ш. Шомуҳамедов китобхонни XI—XII асрларининг буюк астроном ва математик олими, машҳур файласуф шоир Умар Хайём дунёсига олиб киради. Хайём илмий ва адабий меросининг вужудга келиш тарихини у гоёт мароқли ва ишончли қилиб ёритиб беради.

Муаллифнинг 1963 йилги улуғ шоир ва мутафаккир, Алишер Навоийнинг дўсти ва устози Абдурахмон Жомий таваллудининг 550 йиллиги олдидан «Абдурахмон Жомий» китоби, 1964 йили «Саъдий Шерозий», 1965 йили «Ҳофиз Шерозий» номли китоблари босмадан чиқди. Бу илмий ва илмий-оммабоп асарларининг ҳар бирининг нашр этилиши ўзбек халқининг дилига, адабий-маданий традицияларига яқин, қондош бўлган форс-тожик адабиётининг севиб ўрғанишга йўл очди. Сўнграқ Ш. Шомуҳамедов шавқу завқ билан Амир Хусрав Деҳлавий, Бедил ижоди ҳақида, уларнинг яхши намуналарини таржима қилиш бўйича иш олиб борди.

Ш. Шомуҳамедов. форс-тожик классиклари асарларини паллартиш тарзда эмас, маълум мақсад билан, ҳормай-толмай, доимий муҳаббат билан текширар ва ўрганар экан, бунда қандай сир бор? Бу мероснинг оҳанрабои нимада? Бу мероснинг бизни ўзига тортувчи сирни, оҳанрабои бизнинг, янги жамият қурувчи авлодларнинг қалбига, дунёқарашига, олижаноб интилишларига яқинлигида, ҳамоҳанглигида! Ш. Шомуҳамедов бу фикр, бу гоёни, бу яқинликни ўз мақола ва китобларида қандай ифодалаган? Уларнинг бизга яқинлиги улар ижодининг гуманистик пафосида, гуманистик моҳиятида!— деб ифодалаган ва бу фикрни ўз илмий тадқиқотларининг асосий концепцияси қилиб олган. Шу тарзда олимнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм», «Гуманизм — абадийлик ялови» каби илмий монографиялари юзага келди. Бу китоблар совет шарқшунослиги ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шу мавзудаги ишлари учун авторга 1969 йили филология фанлари доктори илмий даражаси берилди.

Чиндан ҳам Фирдавсий:

Қудратлидир, кимки бўлса билимдон,  
Илмдан кексалар дили навқирон,—

дер экан, ёки Саъдий:

Ҳар ишдаким инсон кўрсатар ҳиммат,  
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат,—

дер экан, ёки Низомий:

Ҳамиша ярагил халқ хизматига,  
Безак бўл оламу одам зотига,—

дер экан, ёки Ҳофиз:

Одам ҳамиша ҳам гирифтори бўлиб қолмайди!..—

дер экан, ёки Жомий:

Мансаб билан баландмас одам;  
Мансаб одам билан муҳтарам,—

дер экан, бу хил мисолларда Шарқ гуманизмининг хилма-хил ажойиб қирраларини кўриш мумкин. Уларда ахлоқий поклик, юксак инсоний интилиш, адолатли жамиятни орзу қилиш гуманизмининг энг гўзал принциплари сифатида кўзга ташланади ва ҳамон кишиларни маънавий юксакликка чорлайди. Чунки, биз, Ш. Шомуҳамедов ўз китобларидан биринда ёзганларидек, «башарият тараққиёти тарихининг энг нузли чўққиси, асрлар давомида инсониятнинг энг доно фарзандлари орзу ва хаёл қилган жамиятни қураётирмиз», бизга улуғ ижодкорлар — «ҳақиқий гуманистлар руҳи мададкорлик қилади».

Хуллас, улуғ бобокалон шоиримиз:

Эмас осон бу майдон ичра турмак....—

деб ёзганидек, Ш. Шомуҳамедов ҳам фан ва адабиётнинг қийин икки соҳасида муваффақият билан кураш олиб бормоқда, шеърнатиқимизда ҳаминқадар услуб яратмоқда, илмда янгилликлар кашф этмоқда. Бунга зўрма-зўракилик билан эмас, кундалик меҳнати, қунти, таланти, инсоний орзу-ҳаваси, ўз даври, яшаб турган жамиятига, атрофини қуршаган замондошларига самимий ҳурмати ва муҳаббати туфайли эришмоқда.

Ш. Шомуҳамедов ўзининг навбатдаги китобига «Ҳазиналар жидоси» деб ном қўйибди. Унда китобхон муаллифнинг Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий ҳақидаги очерклари билан танишади, қадим ва ҳамиша навқирон классик Шарқ шеърнатиқининг сеҳри нафосатини яна бир бор ҳис қилади. Бу очеркларни илк марта ўқиётган адабиёт шинавандалари эса бу буюк сўз санъаткорларини

нинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида бой маълумот ва таассуротга эга бўлади.

Мазкур китобларни мутолаа қилиб чиққан китобхонда муаллиф ушбу шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мавжуд факт ва фикрларни системага солиш билан чегараланган,— деган тасаввур қолмайди. Муаллиф ҳар бир китобида қатор масалалар юзасидан янги фактлар қидиради ва янги фикрлар айтади, кўп масалаларга ўзича ёндашади. Биз буни автор томонидан Саъдий ижодининг реалистик ва фольклорга яқин томонларини, услубининг соддалигини, Ҳофиздаги исёнкор кайфиятларини, Жомий билан Навоий ўртасидаги муносабатларини ва ҳоказоларни текширишда яққол кўрамыз.

Шоислом Шомуҳамедовнинг текшириш методидаги энг кучли томонлардан бири қиёсий ўрганиш, чорғитиришдир. Масалан, у Хайём ва Ҳофиз ижодини бир-бирига таққослар экан, прогрессив форс-тожик поэзиясининг ғоявий-бадний тараққиётидаги муҳим изчиллик ва издошлик хусусиятларини очиб ташлайдики, бунда кўп янгиликлар бор. Автор ушбу ижодкорларнинг дунёқарашидаги тарихий чекланган томонларини ҳам тўғри қайд этади.

Тўпламнинг иккинчи бўлимида Ш. Шомуҳамедовнинг «Фоний девони» мақоласини, айрим китобларга ёзган сўзбоши ва тақризларини, яқин кишилари, устоз ва шогирдларининг ҳаёт йўли, турмуш тарзи ҳақидаги мулоҳазаларини ўқиш мумкин. Олим «Девони Фоний» мақоласида Навоийнинг форсий тилдаги шеърли меросига турли томондан ёндашиб, унинг ғоявий-бадний фазилатларига конкрет баҳо беради, улуғ шоирнинг форсий тилдаги бой адабиётига, унинг Умар Хайём, Ҳофиз каби намоёндалари ижодига муносабати тўғри очиб берилади.

Ш. Шомуҳамедов бу тўпламдаги мақола ва публицистик лавҳаларида нима ҳақда ёзмасини, ҳар бир ўринда бир икки халқнинг эмас, Шарқ мамлакатларидаги кўпгина халқларнинг талантили фарзандлари томонидан яратилган илғор форсий адабиёт, форсий шеърини унга илҳом беради, фикр ва мулоҳазаларини қуюқлаштиради, услубига равшанлик ва гўзаллик бағишлайди. Тўпламда унинг замонавий ҳаёт проблемалари ҳақидаги «Мард кишига олам кенг», «Тутун ҳам олов фарзанди», «Тошмуҳаммад домланинг сабоқлари» мақолалари бунга яхши мисол бўла олади. Уларда ҳозирги турмуш жумбоқларини тушуниб олишимизга классиклар ўз доно панд-насиҳатлари билан ёрдамга келган.

Муаллифнинг бошқа мақолалари, мазмундор, ҳаётини шеър ва ҳикоялари ҳам шавқ-завқ билан ўқилади.

Филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомуҳамедовнинг Совет фани ва адабиёти олдидаги, халқ ва мамлакат олдидаги хизматлари партия ва ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга 1977 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди. У 1959 йилдан буён СССР ёзувчилар союзининг аъзоси. 1974 йилда эса Эроншунослик соҳасидаги алоҳида хизматлари учун Халқаро Фирдавсий мукофотини олишга мушарраф бўлди. У тўрт марта ЎзССР Олий Совети Президиуми ва бир марта ҚҚ АССР Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиқлар и билан тақдирланган. Унинг кўкрагини эса, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси сифатида бир неча жанговар медаллар беаб турибди.

Принципиал коммунист, актив жамоатчи Шоислом Шомуҳамедов ҳозир 60 ёшда. У бутун вужуди билан ижодкор шахс. У ўз



касбини улуғлаб яна кўп китоблар ёзишига, шеърлар таржима қилишига, мақолалар эълон қилишига, ўзига издош кадрлар тайёрлашига ишончимиз комил. Чунки у ўз рубойларидан бирида:


Бефойда ўтаркан бир дам қирқилсин,  
Ҳар орзу, ҳар нафас, ҳар дам қирқилсин.  
Агар қўйилмаса халқ хизматига,  
Қадаммас, ундайин қадам қирқилсин,—

дегандек, олим ҳам ўз ҳаётини, фаолиятини бошқача тасаввур эта олмайди.

*АБДУҚОДИР ҲАИИТМЕТОВ.  
Филология фанлари доктори, профессор,  
Беруний мукофоти лауреати.*

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

Очерклар





# УМАР ХАЙЁМ

## ҲАЁТ

Бирор кун тузоқдан озод бўлмадим,  
Бир нафас олмоқдан ҳеч шод бўлмадим.

Дарҳақиқат, Хайём яшаган замон Урта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг нотинч даврлардан бири эди. Аммо шундай бўлишига қарамай, бу Хуросон халқларининг уйғониш даври бўлди; улар араб босқинчилари зулмидан қутулиб, ўз анъаналарини тиклаб ва янги куч билан тараққий эттириб, илм-фан, маданият ва адабиёт соҳасида жуда катта ютуқларга эришдилар.

Урта Осиё ва Эрон халқларининг араб халифалиги ҳукмронлигидан қутулиши Тоҳирийлар (821—873), Саффорийлар (861—903) ва Сомонийлар (875—999) сулолалари ҳукмронлиги даврида юз берди.

Урта Осиё ва Эроннинг сиёсий мустақилликка эришиши фан ва маданиятнинг тараққий қилиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

X асрда пойтахти Бухоро бўлган Сомонийлар давлати, айниқса, илғор фикр, илғор фан ва адабиёт маркази бўлди. Бу даврда Урта Осиёда яшаб ижод этган олимларнинг асарлари фақат Шарқдагина эмас, Фарбда ҳам кейинги асрларда илм-фаннинг тараққиётига катта таъсир кўрсатди ҳамда башарият маданий меросига қўшилган зўр ҳисса бўлди.

Абу Абдулло Рудакий, Шоҳид Балхий, Абу Мансур Дақиқий, Абулқосим Фирдавсий каби шоирлар, Розиий, Форобий, Ибн Сино каби файласуфлар худди мана шу даврда етишиб чиққан эди.

Ана шулардан бири — Урта Осиёнинг атоқли олими Абубакир Муҳаммад бинни Закарнё Розий (865—925) фалсафа, табииёт, математика, кимё ва айниқса, тиб

илмлари соҳасида кўп асарлар ижод этган. У ажойиб мутафаккир, маданият арбоби эди. Олимнинг китоблари Шарқ ва Ғарбнинг бир қанча тилларига таржима этилган.

Розий ўз даврининг илғор олими ва мутафаккири сифатида бир қатор материалистик фикрлар айтиб қолдирган.

Шуниси диққатга сазоворки, ўша даврдаги мутакаллимлар ва ҳатто, Аристотелнинг Шарқдаги шогирдларидан баъзилари ҳам Аристотель таълимотини ислом динига яқинлаштиришга ҳаракат қилган бир пайтда, Розий фалсафанинг илм эканини таъкидлади ҳамда фалсафа ва дин бир-бири билан ҳеч келиштириб бўлмайдиган душман эканлигини кўрсатди. Ислом ула молари Розийни кофир деб эълон қилдилар ва уни таъқиб этдилар.

Ватанимизнинг ажойиб ўгилларидан яна бири замонасининг улуғ мутафаккир файласуфи Абу Наср Муҳаммад Форобий (875—950) эди. У Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрида тугилган. Бошланғич маълумотни ўз юртида олгач, ўқиш-ўрганиш учун Бағдодга боради, ундан Харрон ва Мисрга ўтади: Дамашқ, Халаб шаҳарларида бўлиб, илм таҳсил қилади, Аристотелнинг шарҳчилари билан танишади. Шарқда Арасту номини билан машҳур бўлган бу юнон олимнинг мавқеи жуда зўр эди. Аммо мусулмон ула молари Аристотель фалсафасининг мағзини олиб ташлашга, унга Платон идеализмини тиркаб бузиб кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар.

Аристотель эса, Маркс айтганидек, индивидуал руҳнинг абадийлигини инкор этади: у руҳ тапасиз яшай олмайди, деб таълим беради. В. И. Ленин Аристотелдаги инсон идрокига, кишининг билим қудратига бўлган чуқур ишончни жуда қадрлар эди.

Форобий мана шу ҳақиқий Аристотелни ўрганишга, унинг фикр-ғояларини тушуниб олишга ҳаракат қилди. У ўша вақтдаги ахлоқ, психология, табиёт, мусиқа, фалсафа каби фанларни ўрганди. Унинг фалсафа ва мантиқ соҳасидаги китоблари оламга машҳур бўлди.

Аристотель китобларини шарҳлаб бергани ва унинг фалсафий қарашларини давом эттиргани учун буюк олим Форобийга Аристотелдан кейин «Иккинчи муаллим» («Муаллими соний») лақаби берилган.

Ибн Сино Аристотелнинг «Метафизика» асарини

қирқ мартаба ўқиб ҳам тушунолмагани, бир маҳал бу китобга Форобий ёзган шарҳ қўлига тушиб қолиб, шуни ўқигачина тушунганлиги ҳақида гапирди.

Форобий табиатдаги ҳамма воқеаларнинг ҳақиқий сабабини нарсаларнинг ўз хоссаларидан излаб топишга ҳаракат қилади. «Ҳамма осмоний жисмлар умумий хусусиятга эгадир, худди шунинг учун ҳам улар ҳаракатга келган»,— деб ёзади у «Қамолат шаҳри аҳолисининг қарашлари ҳақидаги рисола» китобида.

Форобий фикрича, киши ақл-идрок ёрдамида воқеаларни олдиндан кўриш, яъни башорат қилиш қобилиятига эга. Бу билан у диний «каромат»ларга қаттиқ зарба беради. Шу билан бирга, олим илмий башорат қилиш учун чуқур дунёвий билим лозим эканлигини таъкидлаб ўтади. Буёқ олимнинг фикрича, киши ақлининг ижодий меҳнат фаолияти билан қўшилиши ахлоқ ва сиёсат соҳасида тараққиётнинг асосий шартидир.

Форобий ўзининг давлатга бўлган қарашларини «Гражданлик сиёсати» номли китобида баён этади. Унингча, адолатли ва адолатсиз давлат бўлади. Ўз ҳаётини ижод ва яратиш асосига қурган давлат адолатли давлатдир. Бундай давлатда ижодий фаолият ва илму дониш қадрланади. Форобийнинг таъкидлашича, илму дониш одамларнинг кўп воқеалар сирини тушунишга, келгусини олдиндан кўришига имкон беради.

Ҳар қандай яхшиликни инсон ўз ақли билан танлаб олади, дейди улуғ мутафаккир, кишилар ўз фойдаларини ва орзуларини бирлаштирганларидагина адолатли давлат вужудга келтирадилар ва бахтли ҳаёт кечирадилар.

Шундай қилиб, Форобий Аристотелнинг киши ижтимоий мавжудотдир, деган фикрини қувватлайди. Кишиларнинг бахт-саодатга эришиш изми уларнинг ўз қўлларида, ўз ақл-идроклари ҳукмида эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Форобий фақат бир давлатда яшовчи одамларгина эмас, балки турли халқлар ҳам бир-бирига ёрдам берса, дунёнинг ҳамма ерида адолат ва саодат ўрнатилди, дейди.

Улуғ маърифатпарвар олим ўзининг социал орзуларига етишишнинг тўғри йўлнинг топа олмаган бўлса ҳам, унинг фикрлари ўрта аср зулматини ёритиб турган машъал эди. Форобий киши идрокининг ғалаба қилишига чуқур ишонарди.

Улуғ энциклопедист олим Форобий илмнинг ўша

замондаги ҳамма соҳаларида муваффақият билан иш олиб борди ва авлодлар учун ажойиб асарлар ёзиб қолдирди.

Унинг «Илмларнинг бошланиши» асари турли фанлар ҳақида маълумот беради. Бу асарда олим тил ҳақидаги илм, мантиқ, табиёт, илоҳиёт, фикр, ҳисоб, ҳандаса, оптика, механика фанлари, музыка илми ҳақидаги фикрларини баён этади, қадим юнон ва ўз давридаги олимларнинг бу фанлар соҳасидаги ютуқларига яқин ясайди.

Фаробий ажойиб чолғучи ва бастакор ҳам бўлган. У Қонун номли чолғу асбоби ва бир қанча куйлар яратган. Ўрта аср олимларининг хабар беришларига кўра, Фаробий музикага оид етмишга яқин китоб ёзган. Унинг куйлар, чолғу асбобларининг келиб чиқиши, уларнинг турлари ва ўрни ҳақидаги фикрлари музика билими тарихида катта ўрин тутди.

Фаробий, булардан ташқари, табиётшуносликка оид, амалий ҳунармандчилик масалаларига оид, тилшунослик, ҳуснихат, поэтика ва бошқа фанларга оид жуда кўп асарлар ёзган. Унинг «Ҳажм ва миқдор ҳақида китоб», «Ҳазо геометриясига кириш ҳақида...», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Илм ва ҳунарларнинг фазилати ҳақида», «Ҳасоҳат ҳақида...», «Ёзув санъати ҳақида...», «Шеър ва қофиялар ҳақида...», «**Катта музика китоби**» каби асарлари шулар жумласидандир.

Фаробийнинг прогрессив фикрлари Шарқнинг ундан кейинги даврда яшаган мутафаккирлари Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Фирдавсий, Низомий ва бошқалар дунёқарашининг шаклланишида жуда катта роль ўйнади.

Абу Райҳон Беруний (973—1048) қадимий Хоразм пойтахти Қиёт шаҳри яқинида туғилиб, Хоразмда ўқиб-улғайган буюк сиймодир. Шарқ файласуфларининг асарларини ўқиб-ўрганиб, ўз даврида маълум барча илмлардан чуқур маълумот олган, қомусий билимга эга бўлган бу буюк олим 22—23 ёшларидаёқ илмий-танқидий дунёқараш системасини ишлаб чиқа бошлаган.

Маҳмуд Ғазнавий қилич ва найза, ўт ва дор кучи билан, ислом байроғи остида қора хурофотни мустаҳкамлаётган оғир бир даврда Беруний илмий фаолияти-



ни давом эттирди. Султон Маҳмуднинг зўри ҳам, зари ҳам буюк олимни сарой хизматида қўл қовуштириб туришга мажбур этилмади. У аввалига Маҳмуд саройига боришга мажбур этилган бўлса-да, умрининг охиригача илм-маърифат йўлида тинмай хизмат қилди. Беруний доимо илмда ҳақиқатни излади. «...кишилар биладиларким, танга-кумуш кетади, аммо илм абадий қолади. Мен идрок амрига бўйсунаман ва ҳеч қачон бир онлик зар жилвасига безавол илмий билимимни сотмайман»,— деб ёзган эди у «Номаёе донишварон» китобида. Беруний илмий тадқиқот методи тўғрисида гапирар экан, аввало, фикрни «таассуф ғалваларидан... тозалаш...» эканлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Берунийнинг фикрича, «қувван табия» («табиат қуввати») бор. Бу табиатнинг ўз хусусияти бўлиб, табиат ҳеч қандай ғойибий кучга муҳтож эмас. Мана шу куч туфайли табиатда тўхтовсиз ҳаракат, ўзгариш, пайдо бўлиш ва емирилиш бўлиб туради. «Материя конкретлилик либосига ўралиб, у ёки бу нарса қиёфасида кўринади»,— дейди олим.

Беруний табиёт фанлари тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди. 48 бобдан иборат табиётшуносликка оид «Минералогия» китобида олим қимматбаҳо тошлар устида, уларни топиш ва ишлаш йўллари тўғрисида батафсил тўхталади.

Буюк олим ўзининг «Осори боқия», «Ал қонун ал Маъсудий» каби асарларида жуғрофия, этнография ва бошқа фанларни тараққий эттирган.

Унинг математика, геодезия, астрономия соҳасидаги тадқиқотлари ҳам бутун дунёга машҳур.

Унинг баъзи фикрлари ўз давридан неча асрлар олгарилаб кетган. Масалан, олим Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳам мумкинлиги, шундай деб қараганимизда ҳам ер ва осмонда бўлиб турадиган кўпгина ҳодисаларнинг қонуний оқими бузилмаслиги ҳақидаги фикрни олға суради. Бу фикрнинг қанчалик катта аҳамиятга эгаллиги ва оламнинг тузилиши ҳақидаги диний қарашларга берилган кучли зарба эканини тушунмоқ қийин эмас. Бу ўринда Берунийдан 4—5 аср кейин

<sup>1</sup> «Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар». Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, 77-бетга қаралсин.

13800

Ғарбда худди мана шундай фикрлари учун улуғ итальян олими Жордано Брунонинг 1600 йилда тириклайини куйдириб ўлдирилганини, Галилео Галилейнинг таъқиб этилганини эслашнинг ўзи кифоя.

Улуғ ватандошимиз ҳам ўзининг илгор фикрлари туфайли «Ислом ҳомийси» жоҳил Маҳмуд Ғазнавий ва унинг атрофидаги мутаассиб уламолар томонидан таъқиб этилди. Ривоятларга кўра, олимнинг, ҳатто, ўлимга ҳукм қилинган, зиндонга ташланган вақтлари ҳам бўлган. Маҳмуд: «Агар бахт истасанг—ўз илмингга қараб эмас, менинг таъбимга қараб гапир»,— деб талаб қилган бир даврда Беруний илм машъалини ёқиб, авлодлар йўлини ёритган олимлардан биридир.

Шарқ ва Ғарб донишманди, «Шайхурранс», яъни «Донишмандлар раиси» номи билан машҳур бўлган улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино Бухорода етишган олимдир. У 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона деган кичик шаҳарчада туғилди. Ибн Сино Бухоронинг энг пешқадам олимлари қўлида илм олди, ўша даврда дунёдаги энг бой кутубхоналардан бири бўлган Сомонийлар кутубхонасида мустақил китоб мутолаа қилди ва замонасининг билимдон кишиларидан бири бўлиб етишди. У илмнинг фалсафа, тиббиёт, мантиқ ва бошқа соҳаларида жуда кўп асарлар ёзиб қолдирди. Олимнинг шоғирди Абу Убайд Жузжоний тузган рўйхатга қараганда, у 147 та китоб ёзган.

Абу Али ибн Сино билимнинг хилма-хиллиги ва чуқурлиги билангина эмас, ажойиб инсонпарварлиги билан ҳам жаҳонга машҳурдир. У Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигида — феодал зулмининг авжга минган даврда илгор фикрнинг тантанаси учун, руҳий эркинлик ва ҳақиқат учун, киши ақлининг тантанаси учун курашди. Ибн Синонинг буюклиги ҳам шундадир.

Олим ўзининг бирдан-бир эътиқод қиладиган динимони ақл эканлигига ишора қилиб:

Мени кофир этмак эмасдир осон,  
Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.  
Юз йилда бир келур менингдек инсон,  
Демак, бу оламда йўқ бир мусулмон!—

деб ёзган эди.



Маълумотли, билимдон кишиларни Ибн Сино энг жасоратли кишилар деб ҳисоблайди. Жаҳолат ва қоронғиликка қарши курашиб, ўз билимини оширишни ў қаҳрамонлик деб билади. «Кўзи кўрлар қуёшни кўролмагани каби, жоҳиллар ҳам тўғри йўл байроғи (илм)ни кўролмайдилар», — деб ишонган улуг мутафаккир: «Мен илмда энг юқори чўққиларга етмоқ истайман. Мен у чўққиларга ё етаман, ё ўлим мени тинчитади», — деб ёзади. Бу сўзлар Фирдавсийнинг:

Қудратлидир — кимки бўлса билимдон,  
Илмдан кексалар дили навқирон,—

деган фикри билан нақадар ҳамоҳанг!

Ибн Сино зотим Маҳмуд саройинга бориб ўз эркини сотишдан бош тортганлиги, илгор фикрлари учун қувғинга учради, унинг ҳаёти ватанидан узоқда, дарбадарликда ўтди. Аммо, шунга қарамай, Абу Али ибн Сино ўз давридаги барча фанларни чуқур эгаллаган ва илмининг ҳамма соҳаларида ҳам муҳим ихтиролар қилган буюк энциклопедист олим ва ажойиб ҳаким эди. У, айниқса, тиб соҳасида кўп ишлар қилди. Тибга оид 40 дан ортиқ, астрономия ва табиий фанларга оид 30 га яқин, фалсафа, мантиқ ва илоҳиёт фанлари борасида 185 та, бундан ташқари, музика ҳақида 3 та китоб ёзиб қолдирган.

Ибн Сино дунёни абадий ва азалий деб тушунади, нарини дунё ҳақидаги сафсаталарни ақлга сиғмайдиган нарса дейди. Уткир идрок кўзи билан ҳақиқатни излаган олим:

Ҳақ жаҳоннинг жонидур, бадандур жаҳон,  
Фаришталар бу танга сезги бегумон,  
Унсурлардан барча жисм маволид<sup>1</sup> аъзо,  
Шудир бирлик, қолгани ҳийлаю ёлгон,—

дейди.

Ибн Сино дунёни сезги органлари орқали сезиб билишга, уни ўрганишга чақиради. «Ҳар бир нарсани билиш унинг сабабларини (агар шундай сабаблар бўлса) ва туб асосларини ўрганиш билан ҳосил бўлади»<sup>2</sup>, деб ёзади буюк олим. Бундан очиқ-ойдин кўриниб ту-

<sup>1</sup> Маволид — ўсимлик, ҳайвон ва неорганик моддалар олами.

<sup>2</sup> Ибн Сино. Тиб қонувлари. 1-китоб, Тошкент, 1953, 6-бет.



рибдики, Ибн Сино дунёнинг абадий мавжудлигини, унинг ўз қонунияти борлигини, бу қонуният объектив эканлигини эътироф этади. Бундан ташқари, Ибн Сино табиат ҳодисалари ва, жумладан, киши организмда бўлиб турадиган ҳодисалар сабабини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш ёки оқибатини йўқотиш мумкинлиги ҳақида гапирди.

Бу жиҳатдан унинг тиббиёт фанига берган таърифи айниқса диққатга сазовор: «Тиб шундай бир илмки, у билан одам танининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатдан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиги сақланади ва йўқотилгани қайтарилади».

Тиб соҳасида Ибн Сино жуда катта кашфиётлар қилган.

Олим плеврит, меъда яраси, захм ва менингит каби касалликларнинг сабабларини текшириб чиқди ва уларни тўғри таҳлил қилиб берди. Улуғ олим одам кўз гавҳари ва тўрпардасининг тузилиши, фаолияти ва вазифаларини биринчи бўлиб тўғри тушунтириб берди; касалликларни юқтирувчи кўзга кўринмайдиган жониворлар (микроблар, вируслар) борлигини ҳали микроскоп йўқ вақтда Ибн Сино башорат қилиб айтган эди.

Ибн Сино минералларни тасниф қилиши ҳамда тоғлар, дараларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги геннал фикрлари билан фан тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Сино азайимхон, дуохон эшонларга қарши кескин курашди. Касалликларни уларнинг объектив сабабларига қараб тасниф қилди ва даволаш усулларини ишлаб чиқди. Олим қўллаган даволаш усуллари эса тажрибага асосланган, ҳаётни чуқур ўрганиш асосида вужудга келган усуллардир.

**Ибн Сино Маҳмуд** Ғазнавий ва мутаассиб уламолар қувғинига учраб, она шаҳри Бухородан йироқда, Ҳамадонда 1037 йилда вафот этди. Унинг қабри ҳам шу ердадир.

Буюк олим кам — 57 йилгина умр кўрди; дарбадарлик ва қувғин, таъқиблар унинг ҳаётига раҳна солди, умрини қисқартирди. Унинг ўзи бир рубойида:

Яхшидур кетмасдан ушбу жаҳондан  
Ақлинг халос бўлса ҳар пушаймондан,  
Эрта қўлдан келганин қилмоқдан ожиз —  
Қоласан, фойдалан бу кун имкондан,—

деб ёзган эди. Ибн Сино табиат қонуниятларини ўрганиш учун бор имкониятларнинг барчасидан фойдаланди, келажак авлодлар учун ўлмас асарлар ёзиб қолдирди. Олим табиатнинггина эмас, ижтимоий ҳаёт қонунларини ҳам ўрганишга астойдил ҳаракат қилди. У ҳам: «Одам ижтимоий жондир»,— деган фикрни олга сурди. Шунинг учун ҳам олим одамнинг яшаши учун энг зарур шароит ижтимоий муносабатлар эканлигини таъкидлади. Буюк гуманист ўзининг фалсафий китоби — «Китобуш шифо» асарининг охирида идеал давлат тузуми картинасини чизиб берди. Бу давлатда ҳамма озод; ҳамма фойдали меҳнат билан банд. Бу давлатнинг граждандари уч гуруҳга бўлинади, булар: идора хизматчилари (маъмурият), аскарлар ва ишлаб чиқарувчилар. Хаёлий социализмга ўхшаш бундай фикрларни биз Ибн Синодан ташқари, Фирдавсийда ҳам, Носир Хисровда ҳам учратамиз.

Ибн Сино буюк олимгина эмас, тирак фикр, поэтик ҳисли адиб ва шоир ҳам бўлган, ундан бизга бир неча қиссалар, ғазаллар, қитъалар ва ажойиб рубоийлар етиб келган.

Бутун умр бўйи табиат ҳақиқатини англашга ҳаракат қилган мутафаккир шоир бир шеърда:

Эй, кошки билолсам — мен қандай инсон,  
Оламда не излаб бунча саргардон?  
Кераклигим бўлса — яшасам хандон,  
Бўлмаса — минг кўздан ёш тўқсам нолон,—

дер экан, унинг ўз-ўзига қуйиб-ёниб берган бу саволига 1952 йилда олим хотирасига бағишлаб бутун дунёда ўтказилган юбилей байрамлари, асарлари чуқур ўрганилиб, ўзбек ва рус тилларида тўла босилаётганлиги муносиб жавоб бўлди.

Буюк ватандошимиз ўрта асрчилик зулмати ҳукм сурган замонда ақл-маърифат машъалини ёқиб, кишиларнинг онгини ёритди. Ибн Сино Форобий ҳақида гапириб: «У кўзи кўрларга зно берди, у — бизнинг муаллим», деган экан, олимнинг бу сўзларини унинг ўзи ҳақида ҳам баралла айтиш мумкин.

Ф. Энгельснинг юқори баҳосига сазовор бўлган Шарқ мутафаккирларидаги «ҳаётга жўшқин муҳаббат билан

тўлиб-тошган эркин фикрлилиқ» Ибн Сино асарларининг ҳам мағиз-мағизига сингиб кетган.

Фан осмонида сўнмас юлдуз бўлган Ибн Сино неча асрлардан буён Шарқ ва Ғарб илм аҳллариининг йўлини ёритиб келмоқда. Мутафаккир олимнинг ўзи ҳақида:

Қора ер қаъридан то авжи Зуҳал,  
Кониот мушкулин борин қилдим ҳал.  
Кўп мушкул тугунни онгладим, ечдим,  
Ечилмай қолгани биргина ажал,—

дейиши бежиз эмас эди. У ҳаётининг охири дақиқаларида ҳам ижод қилишдан тинмади. Ҳали жуда кўп илмий режалари амалга ошмай қолган олим ўлими олдида араб тилида қуйидаги рубоийни айтган эди:

Дил бу чўл ичинда қанча чопмади,  
Қирққа бўлинди-ю, бир қил топмади.  
Кўнгилда минг қуёш нур сочди, бироқ,  
Камолга заррача ҳам йўл топмади.

Илм-фанга иштиёқ, дунё сирларини англашга интилиш халқимизнинг барча илғор фарзандлари, мутафаккир олим ва шоирларимизга хос хусусият эди. Улар ҳаёт муаммоларини ечишга, инсон онгининг дин томонидан камситилиши ва чекланишига қарши исён кўтарган.

Буюк астроном ва математик олим, ажойиб шоир Умар Хайём улар орасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Хайёмнинг бизгача етиб келган асарларининг энг аввалгиси XI асрнинг 60- йилларида ёзилган. Бу даврда фан соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, юқорида биз кўрсатиб ўтган олимлар шу даврда етишиб чиққан. Лекин бу давр Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг гуллаган давр бўлишига қарамай, халқ тинч, осойишта яшамаган.

XI асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё ва Эронда феодализмнинг кўтарилиб, мустаҳкамланиб келаётган даври бўлди.

Сомонийлар сулоласи тугатилгач, мустабид шоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг талончилик урушлари бошланди.

Биз юқорида Ўрта осиелик буюк олимларнинг таъқиб



этилганлиги, кўплари дарбадарликда ҳаёт кечириб, ўз элидан узоқда — чет ўлкаларда гурбатда вафот этиб кетганлиги ҳақида гапириб ўтдик.

Зотан, бу даврда Хуросон бошидан кўп оғир кунлар кечган эди. Ушлаб-юзлаб мутаассиб жаҳолатпарастлар эркесвар, равшан фикрли олимларимиз фаолиятига бор кучи билан қаршилик қилган, кўпинча куч-қудрат, ҳокимият шу жоҳиллар қўлида бўлган. Хайём шуларга нмо қилиб:

Осмонда бир ҳўкиз, номиниш Парвин,  
Бириси қуйида кўтарар замин.  
Кўзинини катта оч, қўш ҳўкиз аро  
Кўриб қўй, қанчалар эшак юргани,—

деган эди. Хуросон халқи айниқса Ғазнавийлар даврида қаттиқ зулмга дучор бўлган. Хайёмнинг шогирди ва замондошларидан тарихчи Абул Ҳасан Али ибн Зайд Байҳақий<sup>1</sup> мамлакат аҳолиси, айниқса, ерлик заминдорлар қаттиқ таланганлигини кўрсатиб, Хуросонга туркманлар келганда бу ерда бошбошоқлик ҳукм сураб, бор-будидан айрилиб, Мовароуннаҳрга ёрдам сўраб хат ёзар эдилар, охири улар туркманларнинг келишини ташвиқ қилдилар, деб ёзади.

Хуросон халқи Ғазнавийлар зулмидан қутулмай туриб, узоқ йилларга чўзилган салжуқ урушлари бошланиб кетди. XI асрнинг 30-йилларида Ғазнавийларга қарам ерларга кўчманчи туркман қабилалари бостириб кира бошлади. Бу қабилаларга ака-ука Тўғрулбек ва Чағрибек Довуд ҳамда уларнинг амакиси Мусо Ёбғу бошчилик қиларди.

Салжуқлар ҳаракати тобора кучайиб, кенгайиб бормоқда эди. Маҳмуд Ғазнавийнинг вориси Султон Маъсуд даврида Салжуқийлар билан Ғазнавийлар ўртасида ҳал қилувчи жанглар бўлди. 1040 йилда Марв билан Сараҳс орасидаги Дандонакон шаҳрида бўлган жангда Ғазнавийлар тору мор келтирилди. Шундан сўнг Салжуқийлар бутун Хуросон ерларини ва ҳозирги Эроннинг катта бир қисмини босиб олди. Кейин улар Форс Ироқи,

<sup>1</sup> Байҳақий ва бошқа тарихчиларнинг Хайём ҳақидаги маълумотлари Низомий Арузий «Чор мақола» китоби Лондон босмасининг (1920) ҳошиясидан олинди. Ҳошияни Эрон адабиётшуноси Муҳаммад Қазвиний тузган.

Курдистон, Кўҳистон, Озарбайжон ерларини босиб олиб, халифаликнинг марказига таҳдид солдилар. Чағрибек Марв шаҳридаги қароргоҳидан туриб мамлакатни идора қилар, Тўғрулбек эса ўзининг кўчманчи қабилалардан тўпланган қўшинлари билан ҳамон жанубга итилар эди.

Ниҳоят, 1055 йилда Тўғрулбек Аббосийлар ҳукумати-нинг маркази — Бағдодни забт қилди, унинг номи хутба-га қўшиб ўқитилди. Диний ҳокимият Аббосий халифа қўлида бўлса ҳам, дунёвий ҳокимият султон унвонини олган Тўғрулбекка топширилди. Халифа, амалда, султоннинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган, у нима деса шуни қилар эди.

Салжуқларнинг босқинчилик урушлари Тўғрулбекдан кейин ҳам давом этди.

Малик шоҳ (1072—1092) замонасида Салжуқийлар давлати Хитой чегараларидан тортиб, то Урта денгизгача бўлган ерларни ўз ичига олган империяга айланди. Бу давлатда деҳқонларни қаттиқ эксплуатация қилишга асосланган иқтадор-феодаллар ҳукмрон кучга айлана бошлади.

Салжуқлар ўз қариндош-уруғларига, босқинчилик юришларида иш кўрсатган шахсларга ер совға қилар эдилар. Совға қилинган ер «танҳо» деб аталарди. Танҳо ерлари — иқталар бошда вақтинча берилган бўлса-да, кейинчалик ер эгаларининг ихтиёрига ўтиб кетди ва отадан болага мерос қоладиган бўлди. Бундай ерларда ишлайдиган деҳқонлар эса шу ерларга бириктирилди.

Шундай қилиб, янги феодал-заминдорлар синфи вужудга келди. Агар Салжуқийлар сулоласининг дастлабки йилларида иқтадор-феодаллар деҳқонлардан фақат белгиланган солиқларнигина олган бўлса, кейинчалик, **танҳо ерларида** ишлайдиган деҳқонлар шу ерга бириктирилгандан кейин, барча мол-мулки билан иқтадорнинг қўлига ўтиб, унинг мулкига айланиб қолди. Бу эса феодал бошбошдоқликни юзага келтирди, марказий ҳокимиятга путур етказди.

Шундай қилиб, кейинги Салжуқийлар даврида кучли марказлашган давлат емирилиб, мамлакат айрим хонликларга бўлиниб кетди. Хонлар фақат расман марказий ҳокимиятга тобе бўлиб, ҳақиқатда эса ҳар бири ўз ерларида ўзи чексиз ҳукмдор, кўнглига келганини қилар эди.

Аммо Салжуқийлар давлатининг кучайган вақтлари-



да — Алп Арслон (1063—1072) ва Малик шоҳлар ҳукмронлиги даврида солиқ йиғиш, мамлакатни идора қилиш ишлари марказлаштирилган эди. Лекин марказий ҳукумат иқтадорларга деҳқонлар уларнинг мулки эмаслигини, уларга ҳукумат белгилаганча муносабатда бўлиш кераклигини уқтиришга ҳаракат қилса ҳам, амалда аҳвол ўзгармади.

«Муқта (яъни иқтадор — Ш. Ш.) биласизким,— деб ёзган эди Салжуқларнинг улуг вазири Низомулмулк ўзининг «Сиясатнома» асарида,— уларга халқ билан яхши муносабатда бўлиб, қонун белгилаган солиқни йиғишдан бошқа нарса амр этилмаган. Улар солиқларни йиғиб олганларидан кейин, халқнинг мол-жопи, хотин-бола-чақаси, мулки хавфу хатарсиз бўлиши керак, бу нарсаларга муқтанинг ҳеч қандай дахли бўлмасин. Агар халқдан бирор киши ўз аҳволини маълум қилмоқ учун саройга йўл олса, унга ҳеч қандай монелик кўрсатилмасин; кимки шундай қилса (яъни монелик кўрсатса — Ш. Ш.) унинг қўли қисқартирилсин, ундан иқта тортиб олинсин, токи бошқаларга ибрат бўлсин. Улар (муқталар — Ш. Ш.) билиб қўйишлари керакким, подшолик ва халқ султонга тегишлидир... Халқ ҳам рози бўлсин, улар ҳам у дунё азоб-уқубатларидан озод бўлишсин».<sup>1</sup>

Аммо амалда бу кўрсатмалар бажарилмас эди. Ер-сиз деҳқон бир муқтадан қочса, иккинчисининг қўлига тушар эди.

Бундан ташқари, Салжуқийлар гоҳ Шарққа, гоҳ Фарбга юриш қилиб турар, Қорахонийлар билан улар ўртасида урушлар узоқ вақтдан бери давом этиб келар, мамлакат ичида ҳам турли гуруҳларнинг ҳокимият учун кураши аланга олган эди.

Бундай курашлар ҳамма жабҳада, шу жумладан, мафкура соҳасида ҳам жуда кучли бўлиб, мафкуравий кураш диний қобикқа ўралган эди. Бу даврда ислом динининг ўзида ҳам турли-туман оқимлар курашининг авж олганини, шиалар билан суннийлар орасидаги курашдан ташқари, сўфийлик байроғи остида ортодоксал исломга қарши чиқишлар, исмоилия ғояларини фақат тарғиб этишгина эмас, қурол кучи билан жорий қилишга уринишларни кўрамиз. Мана шу хил оқимларнинг

<sup>1</sup> Низамульмулк. Сиясатнамэ. Перевод Б. Н. Заходера, М., 1949, стр. 34.

асосийларидан биттаси исмоилия мазҳабида пайдо бўлган ҳашишийлар ҳаракати эди.

Салжуқийларнинг ҳокимият тепасига келиши билан ер-сувидан ажраган Эрон зодагонлари уларга қарши курашни исмоилия ғоялари учун кураш ниқоби остида олиб борарди. Салжуқийлар суннийлар мазҳабидан бўлгани учун, исмоилизм ҳаракатини уларга қарши қўйиш қулай эди. Исмоилизм тарафдорлари турли жамиятлар тузиб, бир қанча қалъаларни босиб олди: улар қалъалар атрофидаги ерларда ишлайдиган деҳқонлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатилга интилди.

Улар уюшган турли жамият ва ташкилотларнинг бошлиқлари XI асрда деярли ҳамма вилоятларда тинимсиз равишда юз бериб турган деҳқон исёнларидан ҳам усталик билан фойдаланар эди.

Шундай исмоилия жамоаларидан (сулукларидан) бири террористик ҳашишийлар ташкилоти бўлиб, унга Ҳасан ибн Саббоҳ (ёки Ҳасани Саббоҳ) асос солган эди.

Ҳасани Саббоҳ 1090 йилда Қазвин шаҳарининг шимоли-шарқий томонида Элбрус тоғида жойлашган Оламут қалъасини босиб олади ва уни ўз қароргоҳига айлантди.

Янги исмоилия ғояларининг асосчиси, ҳашишийларнинг биринчи шайхи Ҳасани Саббоҳ ва унинг фидойилари ҳақида, шу киши асос солиб, 1256 йилгача яшаб келган сулук ҳақида жуда кўп ривоятлар бор; бу тўғрида тарихий китоблар ҳам хабар қилади. Шундай ривоятлардан бирини XIII асрда яшаган саёҳатчи отаси ҳам, амакиси ҳам Шарқ мамлакатларига саёҳат қилиб ўтган Венеция савдогари Марко Поло (1254—1323) келтиради. Бу жуда кенг тарқалган ривоятдир. Марко Поло ўз саёҳатларига бағишланган китобида шундай ҳикоя қилади:

«Мулхид (яъни даҳрий — Ш. Ш.) лар диёрида тоғ шайхи яшар эди. Мулхид ҳаромлар макони демакдир. Марко ҳикоя қилганларининг ҳаммасини сизга айтиб бераман. У бу ҳақида кўп кишилардан эшитган. Шайхни улар Аловиддин<sup>1</sup> деб атайди. У икки тоғ орасидаги водийда катта, ажойиб бир боғ яратган, бундай боғни ҳеч ким кўрмаган. Боғда дунёдаги энг яхши мевалар бўл-

<sup>1</sup> Ҳашиший пирларидан бири Аловиддин Муҳаммад 1255 йилнинг охирида Шеркуҳда ўлдирилган.



ган. Шайх энг яхши уйлар, илгари ҳеч қаерда кўрилмаган кошоналар қурган. Улар олтин билан безатилган ва дунёдаги энг аъло моллар билан ясатилган. У боғда ариқлар қаздирган, ариқларнинг бирида шароб, бошқасида сут, учинчисида бол, яна бошқасида сув оққан. Оламдаги энг гўзал қиз-жувонлар шу ерда бўлган. Улар барча чолғу асбобларини чала олганлар, дунёдаги ҳамма аёллардан яхши кўшиқ айтиб, ўйинга тушганлар. Шайх ўз кишиларига бу боғни биҳишт деб тушунтирган. Муҳаммад мусулмонларга биҳишт боғини қандай таърифлаган бўлса, шайх бу боғни худди шундай барпо этган. Қимки жаннати бўлса, ўзи хоҳлаганича чиройли хотинларга эга бўлади: у ерда шароб, сут, бол, сув ариқларда оқади (деган эди Муҳаммад). Шунинг учун шайх боғни худди Муҳаммад таърифлаганидек қилиб яратган ва у ердаги мусулмонлар бунинг биҳишт боғи эканлигига ишонганлар.

Унга фақат ҳашишийлар бошлиғи рухсат берган кишиларгина киритилган. Боғнинг бўсағасида мустаҳкам қалъа бўлган. Уни ҳеч ким ололмаган. Боққа кириш учун бошқа йўл бўлмаган.

Шайх ўша атрофдаги 12 дан 20 ёшгача бўлган ҳамма йигитларни ўз саройида сақлаган. Улар соқчилик қилганлар; улар Муҳаммад пайғамбарлари жаннатни қандай таърифлаган бўлса, бу боғ ҳам шундай эканлигини эшитиб билганлар... Шайх ўз хоҳишига қараб бу боққа тўрттадан, ўнтадан ё йигирматадан ёш йигитларни олиб киришга буйруқ берган. Боққа қўйиш йўли шундай бўлган: аввал йигитларни маст қилиб, ухлатганлар, кейин уйқуда боққа олиб кирганлар ва у ерда уйғотганлар.

Йигит уйғониб, мен сизга таърифлаган боғни кўрган ва ҳақиқатан ҳам биҳишт боғида эканлигига ишонган. Қиз-жувонлар эса кечаю кундуз у билан бирга; чолғу чаладилар, кўшиқ айтадилар, уни ҳурсанд қиладилар, барча истаklarини бажо келтирадилар; кўнгли нимакин иста— ҳаммаси муҳайё. Ўз хоҳиши билан бу жойдан ҳеч қачон чиқиб кетмаган.

Тоғ шайхи ўз саройини яхши ва бадавлат сақлайди, гўзал яшайди, оддий тоғликларни ўзининг имом эканига ишонтиради: улар бунга ҳақиқатан ҳам ишондилар.

Агар шайх бирер кишини ўлдирмоқ учун ўз одам-

ларини юбормоқчи бўлса, кераклигинча йиғитни маст қилишга амр этади, улар ухлаб қолганларидан кейин, ўз саройига олиб киришга буйруқ беради. Йиғитлар уйғониб, ўзларини саройда кўрадилар ва бундан ҳайрон бўладилар. Аммо улар секинмайдилар, чунки ҳеч ким боғдан ўз хоҳиши билан чиқиб кетишни истамайди. Улар шайх олдига келадилар, уни имом деб, ҳурмат ва итоат билан унга сажда қиладилар. Шайх бўлса, уларнинг қаердан келганини сўрайди. Жаннатдан, деб жавоб беради йиғитлар. Сўнгра (кўрганларининг) ҳаммасини таърифлаб беришади— худди уларнинг ажодларига Муҳаммад айтган жаннатнинг ўзгинаси.

Боғда бўлмаганлар ҳам бу гапларни эшитиб туришади, уларнинг ҳам бу жаннатнинг кўргилари келади.

Улар ўлимга ҳам тайёр, фақат жаннатга тушсалар бас. У ерга борадиган кунни интизорлик билан кутадилар. Шайх бирор кишини ўлдирмоқчи бўлса ҳашишийлар ичидан энг содиқларидан танилаб олишни буюради. Улардан кўпларини унча узоқ бўлмаган ўлкаларга одамларни ўлдиришни буюриб жўнатади. Улар бориб буйруқни бажо келтирадилар. Ким соғ қолса— саройга қайтиб келади. Кўпинча, бировни ўлдирганларидан кейин ўзлари қўлга тушадилар ва қатл этиладилар.

Соғ қолганлари ўз шайхлари ёнига келиб, ишни қандай бажарганликларини аниқ ҳикоя қилиб беради. Шайх бўлса (бу муносабат билан), катта базм қуриб, ўйин-кулги қилади. Ким жасур эканини у яхши билади. Бирор вазифа билан юборилган ҳар бир кишининг орақасидан одам қўяди ва булар ким жасур, чаққон эканлигини шайхга келиб айтадилар.

Бировни ўлдиришни ният қилган шайх ўз одамларидан кераклигини чақириб олиб, уни жаннатга юбормоқчи эканлигини, шунинг учун фалон жойга бориб, фалон кишини ўлдириши лозимлигини айтади, агар ҳашишийнинг ўзи ҳам ўлдирилса, у тўппа-тўғри жаннатга тушишини тушутиради. Шайхдан бундай амр олган кишини қўлдан келганини аямаган, шайх буюрган ҳамма нарсани бажо келтирган. Тоғ шайхи кимники ўлдирмоқчи бўлар экан— унга нажот йўқ. Сизга ҳақиқатни айтсам кўп хон ва подшолар шайхдан қўрқиб, унга ўлпон тўлаб турганлар ва у билан яхши алоқада бўлганлар.

Мен сизларга тоғ шайхи ва унинг ҳашишийлари иш-

ларидан ҳикоя қилиб бердим, энди унинг ким тарафидан ва қандай қилиб йўқотилганини баён қиламан.

Ҳа, айтгандай, бир гап эсимдан чиқибди. Уни ҳам айтиб ўтай:

«Шайхга тобе ва унинг йўриғи билан яшовчилар Дамашқдан тортиб, то Курдистонгача чўзилган мамлакатнинг ҳамма ерида бўлган.

Бу ҳақда энди етар, унинг ҳалокати тўғрисида гапирайлик.

Бу 1262 йилда юз берган эди. Шарқий татарлар подшохи Хулакухон шайхнинг ҳамма ёмон ишлари ҳақида маълумот олиб, уни йўқотишга қарор қилган. Ўз хонларидан катта қўшин тўплаб, уларни ўша қалъага юборган. Қалъани уч йил қамал қилганлар, ололмаганлар. Агар у ерда озиқ-овқат бўлганида, ҳеч олиб бўлмас эди. Аммо уч йилдан кейин у ерда ейдиган ҳеч нарса қолмаган. Шундай қилиб, шайх Аловиддин қўлга олинган ва барча одамлари билан бирга қатл этилган.

Ушандан бошлаб то ҳозиргача шайх ҳам, ҳашишийлар ҳам йўқ. Унинг ҳукмронлиги ҳам, қадимдан қилиб келган ярамас ишлари ҳам тугалланган».<sup>1</sup>

Ясама жаннат ва ҳашишийлар ҳақидаги бу афсонавий ҳикоя жуда кўп кишиларнинг диққат марказида бўлгани учун воқеалар, кишилар номи, тарихий ҳужжатлар билан боғлиқ эканини назарда тутиб ва саҳҳатчи Марко Полонинг бу қизиқарли китоби ҳали ўзбекчага таржима қилинмаганлигидан биз бу ерда китобнинг 41, 42 ва 43-бобларидан таржима қилиб келтиришни лозим кўрдик.

Исломи тарихи бўйича йирик мутахассис совет олими Е. А. Беляев ҳикоядаги ясама жаннат тўғрисидаги гапларни ҳақиқатдан узоқ деб ҳисоблайди.

Марко Поло китоби 1955 йил нашрининг редактори берган изоҳда бундай «жаннат»нинг бўлган бўлиши мумкинлиги, наша (ҳашиш) чекувчиларда галлюцинациялар бўлиши ҳақида гапирилади.

Тарихий ҳужжатлардан ҳам маълумки, янги исомия мазҳаби тарафдорлари ҳақиқатан ҳам бу даврда юқоридаги Оламут қалъасини босиб олган ва атроф ўлкаларга ваҳима солиб туришган. Оламут шайхлари ўзларини имом эълон қилганлар. Бу мазҳабнинг тари-

<sup>1</sup> Книга Марко Поло, М., 155, стр. 70, 71, 72.



қатида фидойи погонаси ҳам бўлган. Фидойилар мазҳаб йўлида, шайхнинг амрини бажариш йўлида ўзларини қурбон қилишга ҳам доим ҳозир турганлар.

Улар ҳар қандай суиқасддан, террорчиликдан тап тортмаган. Утакетган мутаассиб бўлган фидойилар шайх буюрган одамни ўлдириш учун ўзлари шаҳид бўлса, албатта жаннатга тушажагига ишонган, шунинг учун ўлимдан ҳеч қўрқмаган. Фанатизм шу даражада бўлганки, тирик қолганларнинг ўзларигина эмас, оналари ҳам фигон чекиб, «ўғлим шаҳид бўлмади», «жаннатга туша олмади» деб қайгурган.

Бу мазҳабдагиларнинг ҳашиший деб аталишига сабаб, уларнинг наша (форсча ҳашиш) чекишга ўргатилиши бўлган.

Ҳашишийлар қўлида жуда кўп одамлар ҳалок бўлган. Шу даврда бўлиб турган салб юришлари вақтида Европадан Шарққа келган кўп рицарлар, баронлар ҳам ҳашишийлар тифидан ҳалок бўлган, шунинг учун ҳашиший сўзи Европа тилларига «асасин» тарзида кирган бўлиб, бу сўз француз, инглиз, испан, италиян, португал тилларида «қотил» маъносига то ҳозирги кунгача ишлатилади.

Умар Хайёмнинг ҳаётига оид ривоятлардан бирида «Хайём» номи манъа шу ҳашишийлар пири Ҳасани Саббоҳ номи билан боғланади. Бу ривоятга кўра, гўё Хурсон мадрасаларидан бирида уч зийрак йигит ўқир экан. Улар ўзаро жуда дўст ва иноқ эканлар. Бир кун улар дўстликка абадий содиқ бўлиш ҳақида қасамёд қилишиб, уччаласидан бирортаси каттароқ мансабга миниб қолса, қолган икки дўстига ёрдамлашишга ваъда беришибди.

Йиллар ўтибди. Йигитлардан бири—Абу Али Ҳасан талантили давлат арбоби бўлиб етишибди, у Салжуқ шоҳларидан Алп Арслон саройида вазирлик лавозимига кўтарилиб, «Низомулмулк» уивонини олибди. Низомулмулк ўз ўртоқларининг истакларини бажо келтирибди. Улардан бири—Ҳасани Саббоҳ сарой хизматида бўлишни орзу қилар экан. Низомулмулк уни саройга олибди.

Ҳасани Саббоҳ жуда ичи қора киши бўлганидан шоҳнинг ишончини қозонгач, ўз дўсти Низомулмулкнинг ўрнини эгалламоқчи бўлиб, унга қарши фитна уюштирган. Лекин фитна муваффақиятсиз чиқиб, у саройдан қувилган. Шундан кейин у Оламут қалъасида

исмоиллийларнинг террорчилик ташкилотини тузиб, курашини давом эттирган.

Дўстларнинг учинчиси эса Ғиёсиддин Абулфатҳ бинини Иброҳим Умар Хайём экан. Умар Хайём уларнинг орасида ўзининг юмшоқ табияти, мансабга қизиқмаслиги ва ўйчанлиги билан ажралиб турар экан. У мадрасада ўқиб юрган пайтларидаёқ астрономия, математика ва фалсафа фанларини жуда севиб ўрганган.

Низомулмулк уни ҳам саройга таклиф қилган, аммо Хайём бунга жавобан: «Мен бир дарвеш, фақир кишиман, ўз қишлоғимдан тушадиган солиқни менинг ихтиёримга берсангиз, бас»,— деган ва дунё гавголарида четроқда, кўнглини банд этган шеърий ва илму фан билан машғул бўлмоқчи эканини айтган. Низомулмулк бу дўстнинг ҳам тилагини бажо келтирган.

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам жуда кенг тарқалган уч мактабдош ўртоқ ҳақидаги бу афсонага кўп йиллар давомида Умар Хайём биографияси сифатида қараб келинди. Ҳасани Саббоҳнинг Оламут қалъасида ясама жаннат барпо этиб, исмоиллийларнинг террорчилик ташкилотларини тузганлиги, Низомулмулкнинг шулар тигидан ҳалок бўлгани, Хайёмнинг сарой хизматига чақирилганлиги тарихий факт бўлса-да, юқорида келтирилган уч ўртоқ ҳақидаги ҳикоя афсонадан бошқа нарса эмас.

Форс-тожик адабиёти тарихида ҳам, шу билан бирга, жаҳон адабиётида ҳам ўзига хос ўрин тутган файласуф шоир Умар Хайёмнинг номини жуда кўп ривоят ва афсоналар чулғаб олган. Шоирнинг бутун ҳаёт йўли ҳақида, айрим рубойларининг майдонга келиши ҳақида жуда кўп ривоятларни учратамиз. Аммо, шунга қарамай, шоирнинг реал биографиясига оид маълумотлар жуда оз. Ривоят ва афсоналар эса унинг ҳақиқий қиёфасини тасаввур этишга ёрдам бериши ҳам, бунини мушкуллаштириб юбориши ҳам мумкин. Юқорида келтирилган афсонани тарихий фактлар билан таққослаб кўриш натижасида, Умар Хайёмнинг Ҳасани Саббоҳга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, Низомулмулк мадрасада ўқиган вақтда эса Умар Хайём ҳали дунёга келмагандиги, у Низомулмулкдан тахминан 25—30 ёш кичикроқ бўлганлиги туфайли, уларнинг бирга ўқишлари мумкин эмаслиги аниқланган. Умар Хайём мустақил ҳаётга

қадам қўйиб, олимпик шухрати эндиғина ёйила бошлаганда Низомулмулк улуғ вазир эди.

Умар Хайём ёки ал Хайёмий Нишопур шаҳри ё шу атрофдаги қишлоқлардан бирида чодир (хийма) тикувчи косиб онласида дунёга келди. Унинг Хайём лақаби ҳам отаси машғул бўлган ҳунар номидан олинган. Хайём «чодирчи» демакдир. Унинг тўла исми Гийёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳимдир.

Хайёмнинг тугилган йили аниқ эмас, турли тарихларда 1016 йилдан тортиб то 1048 йилгача бўлган давр ораси кўрсатилади. Аммо адабиётда, кўпроқ, 1040 йил қабул қилинган.

Хайём тугилган даврда Нишопур ўрта асрнинг катта шаҳарларидан бўлган. Бу ерда элликдан ортиқ ҳунар тараққий қилган. Кўпгина мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиб тургани учун, шаҳарнинг бозорлари, расталари доимо гавжум бўлган.

Шаҳарда ўз даврига кўра анча кенг миқёсда қурлишлар олиб борилган, чиройли мадраса, мачитлар, миноралар барпо этилган. Бу ерда ҳар хил ҳунар усталари, атоқли олимлар яшаган. Умар Хайём шулар қўлида тарбияланган.

Унинг биринчи устозларидан бири Насриддин шайх Муҳаммад Мансур (вафоти 1104 й.) бўлган. Бу киши диний билимлар бўйича ўз даврининг таниқли олими бўлиб, машҳур тасаввуфчи шоир Шайх Санойӣ ҳам шу кишининг шогирдларидан эди.

Ешлигиданоқ ажойиб истеъдод эгаси эканини намойиш қилган Умар Хайём ҳисоб, ҳандаса, физика, жуғрофия, илми ҳайъат, илми нужум, фалсафа, илоҳиёт, қуръон талқини, тарих, форс адабиёти, араб тили ва адабиёти каби фанларни қўп билан ўрганади ва тез орада бу фанларнинг ҳаммасини яхши эгаллаб олган олим бўлиб етишади.

Хайём ўқиш-ўрганишни давом эттириб, қадим юнон фалсафаси ва бошқа илмлар билан таниша бошлайди. Илм қидириб, ўша даврнинг маданий-илмий марказларига боради.

Йигитлик чоғларида у Балхда ҳам бўлиб, илм таҳсил қилганлиги маълум. Бу даврда олим математика билан жуда қизиқади ва бу фанга доир иккита китоб ҳам ёзади: «Абулфатҳ Умар ибн ал Хайём» рисола-си ва «Ҳисобнинг қийин масалалари» номли бу асарлар

Хайёмнинг ўз давридаги ва қадим юнон математи-  
касида жуда яхши хабардор бўлганини кўрсатди.

Олим сифатида шуҳрат қозона бошлаган Хайёмни  
Бухоро ҳокими Шамсулмулк (1068—1079) ўз саройига  
таклиф этади. Табиатан илм қидиришга мойил бўл-  
ган Хайём бу таклифга рози бўлиб, Бухорога бо-  
ради.

Машҳур тарихчи Байҳақий бу воқеа ҳақида: «Хоқон  
Шамсулмулк Бухорий имом Умарни катта обрў-эътибор  
билан кутиб олди, уни тахтга — ўз ёнига ўлтиргиз-  
ди», — деб ёзади. Хайём Бухорода ҳам илм-фан ўрга-  
нишни давом эттиради.

Малик шоҳнинг улуғ вазирни Низомулмулкнинг так-  
лифи билан олим 1074 йилда Салжуқийлар пойтахти  
Исфаҳонга келади. Байҳақий ва бошқа тарихчилар  
Хайёмни Малик шоҳ ўз надимлари қаторига қўшиб ол-  
ганлиги ҳақида гапирадилар. Қомусий билимга эга  
бўлган Хайём султон саройида мунажжимлик ва табиб-  
лик вазифаларини бажаради.

Хайёмнинг билимдонлиги ҳақида Байҳақий шундай  
маълумот беради:

«Умар ибн Иброҳим Хайём, ота-боболари каби,  
нишопурлик эди. Фалсафий билимлар бобинда Абу Алига  
эргашар, ўзи эса дағал сўз, пинҳон феъл одам эди. У  
Исфаҳонда бир китобни етти марта ўқиб чиқиб, уни  
ёдлаб олган. Нишопурга қайтиб келгач уни (ёдаки) ёзиб  
чиққанида асли билан солиштирилса, кўп фарқ қилма-  
ган. Асар ёзиш ва ўргатишга ҳуши йўқ эди. Унинг «Мух-  
тасар физика», «Борлиқ ҳақида рисола», «Борлиқ ва  
бурч ҳақида» бир ри соласи бор. У фикҳ, тил ва тарих  
олими эди. Хайём вазир Абдураззоқ олдига кирганлиги-  
ни ҳикоя қиладилар. Унинг (вазирнинг — Ш. Ш.) Абул-  
қосим Ғаззолий (деган) қорибошиси бор эди. Икко-  
ви қориларнинг бир сура устидаги келишмовчилиги  
ҳақида сўзлашаётган эдилар. Вазир, биладиган одамни  
топдик деб, Хайёмдан сўради. У қориларнинг келиш-  
мовчилигини, ҳар бирининг камчилигини, нотўғри ва  
хато жойларини айтиб берди ва бирини маъқуллади.  
Ғаззолий: «Худо сен каби олимларни зиёда қилсин, ҳа-  
кимлар эмас, ҳатто, қорилардан ҳам ҳеч ким бунча  
нарсани ёд олиб қолади деб ўйламаган эдим, мени ўз  
чоқаринг ҳисоб эт», деди. Фалсафий илмлар, математи-  
ка ва мантиқни эса у (Хайём Ш. Ш.) жуда ўзиники қи-

либ олган эди. Бир куни ислом шоҳиди Ғаззолий келиб, ундан ҳамма томонлари ўхшаш бўлган қутб осмони қисмларини (ўзаро қандай) аниқлаб олиш мумкинлигини сўради. Хайём гапни чўзиб, тушунчадан бошлади. У тортишувга берилишни истамасди — бу ҳол мўътабар шайхга одат эди. Пешин азони айтилгач, Ғаззолий: «Ҳақ келди ва ноҳақ йўқолди», — деб ўрнидан турди».<sup>1</sup>

Тарихчилар Малик шоҳ Хайём учун катта маблағ ажратганлигини ҳикоя қиладилар. Бу маблағ ҳисоби-га Исфаҳонда расадхона солинган ва унга керакли асбоб-ускуна сотиб олинган.

Расадхонага Хайём бошчилик қилган.

У саройнинг нотинч ҳаётини ёқтирмаган, ундан узоқроқда илмий иш билан машғул бўлишга мойил бўлса керак. Байҳақий унинг тўғрисида: «... дағал сўз, пинҳон табиат», дер экан, бу, кўпроқ, Хайёмнинг дағал туюладиган тўғри сўзлигидан бўлса керак, унинг бундай одати сабабли фисқу фужур уясига айланган феодал саройида олимнинг бошига кўп ташвишлар тушгандирки, у «пинҳон табиат», «ичимдагини топ» одам бўлган, юрак сирларини ҳар кимга ҳам айта бермаган.

Рубойларидан бирида шоир бошқаларга ҳам шундай бўлишни маслаҳат кўради:

Нокасдан сир беркит, тилингни боғла,  
Аблаҳдан яширин бўлмоқни чоғла,  
Кишилар жонига ўз қилмишинг кўр,  
Сен ҳам шунга кўз тут, шуни сўроғла.

Бунинг яна бир сабаби, илм-фан соҳасида ўз даврига қараганда бир неча асрлар илгарилаб кетган олимга яққол кўриниб турган уфқларни бошқалар кўрмас, уни кофирликда айблар эдилар. Бундайлар ҳақида улуг Ибн Сино айтгандек Хайём ҳам:

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон  
Эшак табиатин қилур намоён.

<sup>1</sup> «Чор мақола». 212—213-бетлар.



Булар суҳбатнда сен ҳам эшак бўл,  
Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон,<sup>1</sup>

деган эди.

Шундай қилиб, Хайём саройдан узоқроқда яшаб, дунё фалсафаси билан шуғулланди, мавжудотнинг сирини излаш билан банд бўлди. Фақат Малик шоҳ талаб қилган пайтлардагина саройга келиб, унинг хизматида бўлган ёки шоҳни турли сафар, овларда кузатиб борган.

Аmmo Низомулмулкнинг фожнали ўлимидан сўнг реакцион руҳоний гуруҳларнинг кучайиб кетиши натижасида Хайёмнинг аҳволи жуда оғирлашади. Айниқса, Низомулмулкнинг ҳалокати ва Малик шоҳнинг ўлимидан кейин мамлакатда яна тахт учун кураш, низолар ва қон тўкишлар авж олиб кетди. Сўнгсиз ҳарбий юришлар халқни хонавайрон қилар, экинлар пайҳон бўлар, ариқ ва каналлар хароб қилинар, деҳқонлар борган сари қашшоқлашар эди. Деҳқонларнинг норозиликлари авжига чиққан, мамлакатда реакция кучайган эди.

Умар Хайём «Рисолаи жабр» китобининг муқаддимасида жоҳил ва мутаассиб уламоларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келганлиги ҳақида гапириб: «Биз илм аҳлининг инқирозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган фақат бир кичик гуруҳгина қолди, холос... Энди бизнинг замон донишмандларининг аксарияти ростни ёлғон билан яширадилар, билимда фириб ва шуҳратпарастликдан нарига ўтолмайдилар. Агар илм бобида бирор нарса билсалар, ундан ҳам фақат тубан мақсадларда, ўз маншатлари учун фойдаланадилар. Агар бирор киши ҳақиқатни қаттиқ талаб қилса, тўғрилиқни афзал кўрса, фириб ва ёлғонни рад этишга ҳаракат қилса риёкорлик ва ҳийладан халос бўлишга азм этса — уни ҳақорат қиладилар, масхаралайдилар»,<sup>2</sup> деб ёзган эди.

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа бир неча рубойлар Хайёмга ҳам, Абу Али ибн Синога ҳам нисбат бериледи. Фикримизча, Хайём устози ибн Синонинг ўзига жуда маъқул тушган рубойларини дафтарига ёки китоблари четига ёзиб қўйган бўлса, кейинчалик буларни ҳам Хайём рубойларига қўшиб кўчира бошлаган бўлишлари мумкин.

<sup>2</sup> «Историко-математические исследования», вып. №1. М., 1953, стр. 16. Хайям. Математические трактаты, стр. 16.

Хайём асарларида кучли материаллистик ва даҳрийлик мотивлари яққол кўзга ташланиб турганидан бўлса керак, уни динсизликда айбламоқчи бўлишган. Бундан қутулиш мақсадида улуғ олим қариган чоғида ҳаж қилишга қарор бериб, Маккага бориб келган.

Хайём бир рубойида:

Мачитга келгандим бир ниёз учун,  
Рост айтсам, ўйлама, ҳеч намоз учун,  
Жойнамоз ўғирлаб эдим, эскибли,  
Яна аста келдим жойнамоз учун.—

деб қулган эди: унинг Маккага бориши ҳам шу тахлитда бўлган бўлса керак. Буни унинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам билишган. Чунинчи, Хайёмнинг рақибларидан бири Жамолиддин ибн Юсуф Қифтий (1172—1239) «Тарихул ҳукамо» («Донолар тарихи») китобида бу тўғрида: «Замон аҳли унинг динсизлигини таъна қилиб, яширинча сирлари очилиб кетгач, ўз жонидан қўрқиб, қалами ва тилининг жиловини тортди ва художўйликдан эмас, балки қўрққанидан ҳажга жўнаб, ўзининг нопок сирларини ошкор қилди»,<sup>1</sup> деб ёзган эди.

Хайём ҳаётининг охириги йиллари айниқса огир кечган. Ўзининг машаққатли ҳаётига яқун ясаб, шоир:

Уру қир айландик, хўп кездик олам,  
Ишимиз ўриглаб тузалмади ҳам.  
Ноқулай замонда ўтган умримиз,  
Яхши ўтмаса ҳам ўтолди кам-кам,

ёки:

Токай ҳийлагар умр солар тузоққа,  
Токай май лойқасин тутар дулоққа.  
Ҳийласи дастидан қолган умримни  
Бир қултум май каби сочай тупроққа,—

деб ёзган эди.

Хайём бу пайтда Нишопурга қайтиб келиб, фақирона ҳаёт кечирган бўлишига қарамай, илмий ишларини

<sup>1</sup>«Чор мақола», 214—215-бетлар.

тарк этмаган. Улуғ олим шундай шаронгда ҳам математика, астрономия ва фалсафадан бир қанча асарлар ёзади. Ундан ташқари, ўз агрофига содиқ шогирдлар йиғиб, лекциялар ўқийди, бир гуруҳ олимлар тарбиялаб етиштиради. Булар орасидан астрономлар, математиклар, физиклар етишиб чиққан. Фан тарихида сезиларли из қолдирган олимлардан файласуф Абдулло Миёнжий, Муҳаммад Илоқий, Табиб Али ибн Муҳаммад Коиний кабилар шулар жумласидандир.

Хайёмнинг энг яқин дўсти китоб бўлган. Айниқса, у устози Абу Али ибн Синонинг китобларини қайта-қайта мутолаа қилган.

Байҳақий Хайём ҳаётининг охири дақиқаларида ҳам Ибн Сино китобларини қўлидан қўймагани ҳақида ҳикоя қилади: «У олтин мисвок<sup>1</sup> билан варақлаб, «Шифо»нинг «Илоҳиёт» (қисмини) ўқир эди. «Бирлик ва умумийлик» фаслига етганда, мисвокни китобга қистириб, ўрнидан турди, намоз ўқиди, васият қилди, емадинчмади, хуфтон ўқигач, сажда қилиб, эй худо, имкон борича сени танидим... кечир, деб вафот этди».<sup>2</sup>

Бу воқеа 517 ҳижрий қамарий (1122—1123 мелодий) йили рўй берди. Хайём ўз ватани Нишопур шаҳрида қабрга қўйилди.

1934 йилда улуғ шоир ва олимнинг турли мамлакатлардаги мухлислари орасида маблағ тўпланиб, унинг мозорига мақбара ўрнатилди. Учи қуббалик қилиниб ишланган минора шаклидаги баланд мрамартошга; «Ҳаким Умар Хайём, ўлган йили 516 ҳижрий қамарий» деб ёзиб қўйилган. Бунинг тағига эса мақбара ўрнатилиши тарихини билдирадиган рубоий битилган. Биз рубоийнинг таржимасини келтирамиз:

Хайём қабрига кел — сен мақсад талаб,  
Айём андуҳидан омонлик талаб.  
Қуббаси тарихин билмоқ эрсанг, бил —  
Хайём қабридан дин, дил розин сўраб.

Рубоийнинг охириги мисраси (форсча: «Рози дилу дин З-қабри Хайём талаб») абжад ҳисоби билан 1313 ҳижрий қамарий (1934 мелодий) йилни кўрсатади.

<sup>1</sup> Хатчўп маъносида.

<sup>2</sup> «Чор мақола», 213-бет.

## ҲАЁТ ШОГИРДИ

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди.  
Бир сир қолмадики, мафҳум бўлмабди.  
Тулу кун ўйладим етмиш икки йил.  
Онгладим — ҳеч нарса маълум бўлмабди.

Умар Хайём машҳур шоир сифатида бутун дунёга донг чиқарган бўлса-да, бу шуҳрат ундан бир неча аср кейин пайдо бўлди.

Илм-фаннинг чегараси йўқ эканлигини қайта-қайта таъкидлаган улуғ файласуф-шоир замонасининг етук алломаларидан эканлиги юқоридаги рубонидан ҳам кўриниб турибди.

Умар Хайёмнинг номи Шарқда, аввало, улуғ ҳаким, математик, астроном сифатида машҳур бўлди.

Ҳатто XIX аср охирларида Хайём рубойлари Эронда кенг тарқалган бўлишига қарамай, улар базмлардагина ўқилар ёки айрим тили ботир, жасур кишилар уларни руҳонийлардан кулиш учун айтиб юрар эди. Хайёмнинг ўзини эса афандинамо, қизиқ табнатли бир киши, масхарабоз сифатида тасаввур қилишарди.

У шоир сифатида, даставвал, Европада шуҳрат қозонди. Украин шарқшунос олими академик А. Крымский Хайёмнинг Эронда шоир сифатида машҳур бўлмаганини таъкидлаб ўтган эди: «1913 йил октябрида мен бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдим, ҳозир (яъни 1914—15-йилларда — Ш. Ш.) Эрон ташқи ишлар министрлигининг хизматчиси бўлмиш Мирза Ҳамид у вақтда (яъни 1913 йилда — Ш. Ш.) Москва Давлат университетида билимини такомиллаштирар эди. Эронда жуда мукамал билим олган бу киши менга чин кўнгилдан эътироф қилиб, «ҳозирги форслар унинг (Хайёмнинг — Ш. Ш.) шеърларини ўқиганларида уни Хўжа Насриддинга ўхшаган хушчақчақ, масхарабоз киши сифатида тасаввур қиладилар. Ҳиндистонда эса уни авлиё-суфий санаб, нашр этадилар, мен, то «Эрон ва Эрон адабиёти тарихи» китобини рус тилида мутолаа қилмагунимча, Умар Хайёмнинг улуғ олим, теран фикрли файласуф, донишманд эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, деди».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> А. Крымский. История Персия, ея литературы, дервишеской теософий, т. I. №4, М., 1915, стр. 416—462.



Шу билан бирга, Шарқнинг адабиётшунослари ва, айниқса, астроном, математик ва файласуфлари унинг ўз даврининг йирик олими, файласуфи ва донишманди эканлигини яхши тушунганлар. Қадимий тазкиралардан тортиб, ҳар турли тарихий ва илмий китобларнинг ҳаммасида Хайём номи чуқур ҳурмат билан тилга олинган.

Халқ томонидан тўқилиб, тилдан-тилга кўчиб юрган ва қадимий китобларда ёзиб қолдирилган ривоят, ҳикоятларда балқиб турган Хайёмга нисбатан меҳр-муҳаббат ва унинг донишмандлиги олдида бўйин эгиш ҳам бунинг ёрқин гувоҳидир.

Дарҳақиқат, Хайём математика, астрономия ва бошқа кўп фанларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган улўф олим эди. Буни яққол тасаввур қилмоқ учун Хайём яшаган даврдаги илм-фан ва айниқса, аниқ фанлар тараққиёти тарихига бир назар ташлаб ўтишга тўғри келади.

Ўрта асрлардаги Шарқ маданияти, Шарқ халқлари яратган ва ривожлантирган илм-фан Ғарб буржуа илмий ҳамда тарихий адабиётида «араб фани», «араб маданияти» номи билан машҳур.

Авалло шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўша даврдаги тарихий шарт-шарондда араб тили бир қанча мамлакатларда, шу жумладан, Ўрта Осиё ва Эронда ҳам илмий тил бўлиб хизмат қилди. Бу мамлакатларнинг олимлари ўз илмий асарларини, асосан, араб тилида ёзарди. Демак, «араб фани» термини билан аталиб келган илм-фанни тараққий эттириш ўрта асрларда араб халифалиги зиммасига кирган ва мусулмон дини жорий қилинган ва бу фанга Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Шимолий Африка, Сицилия, Пириней ярим оролини ўз ичига олувчи жуда катта территорияда яшовчи халқлар ҳисса қўшган. Баъзи буржуа олимлари ҳам «араб фани» терминининг аниқ эмаслигини эътироф қиладилар.

Ана шу илм-фанни ривожлантиришда Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг намоёндалари илғор сафларда борган.

Математика фани ўрта асрларда Шарқда анча ривож топган фан эди. Бир гуруҳ буржуа олимлари орасида ўрта асрда яшаган Шарқ математиклари, асосан, келажак учун қадимги математика ютуқларини сақлаб қолдилар, улар бу соҳада ҳиндлар билан қадимги грек-

лар эришган ютуқларни бирлаштирдилар, холос. деган фикр ҳукмрон эди.

Албатта, шунинг ўзи ҳам катта аҳамиятга молик эди —буни барча олимлар қайд қиладилар.

Аммо фан тарихи билан шугулланувчи илм бу фикрнинг нотўғри эканлигини исбот этмоқда.

Улуғ ватандошларимиз Насриддин Тусий, Умар Хайём, Улуғбек каби олимлар аниқ фанлар соҳасида ўз замонасига қараганда 200—400 йил илгарилаб кетган; улар математика, геометрия, тригонометрия, астрономия фанларида жуда муҳим кашфиётлар қилган. Масалан, Европада тригонометрия асосчиси ҳисобланган Регимонтаннинг баъзи кашфиётлари ундан икки юз йил илгари улуғ Озарбайжон математиги Насриддин Тусий (1201—1274) томонидан қилинганлиги аниқланган.

Умуман, аниқ фанлар соҳасида Ўрта Осиё олимлари жуда илгарилаб кетган. Проф. Т. Қори Ниёзий бу ҳақида: «Птоломейнинг улкан асари (гап «Алмагест»—«Буюк тўплами» китоби ҳақида бормоқда—Ш. Ш.) билан грек астрономияси тугалланди. Шундан кейин кўп асрлик узоқ турғунлик бошланди...»—дейди ва яна давом этиб, ёзади: «Ғарбий Европада тўла тушкунлик ва (деярли олти аср давомида) узоқ давр турғунликдан кейин, илм-фан энди янги заминда—Шарқда, кўпроқ Ўрта Осиёда янгитдан ривож топади.

Шундай қилиб, Ғарбий Европанинг маданий тараққиёти жуда тубан даражада бўлган бир пайтда, бу ерда—Ўрта Осиёда фан ва маданият, айниқса, математика ва астрономия равнақ топади.

Етти аср давомида бу ердаги ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва бошқа халқлар вакилларида ноборат юздан ортиқ Ўрта Осиё олимларини санаш мумкин».<sup>1</sup>

Булар орасида Муҳаммад Мусо Хоразмий (вафоти 847 йиллар), ал Хўжандий (вафоти 1000 йиллар атрофида), Абулвафо (940—997), Алкуҳий (990 йиллар), Беруний (973—1048), Аннасавий (1030 йиллар), Умар Хайём, Насриддин Тусий (1201—1274), Ғиёсиддин Жамшид (1427 йил атрофи), Улуғбек (1394—1449) ва бошқа машҳур олимларни кўриш мумкин.

---

<sup>1</sup> Т. Н. Қары Ниязов. Астрономическая школа Улуғбека. М.,—Л., 1950, стр. 41.

Бу олимлар қадимги юнон ва ҳинд математикаси ҳамда астрономиясини яхши ўзлаштирган ва фан соҳасида ўз ватанларида яратилган анъаналарга асосланиб бу илмларни ривожлантирганлар.

Ўрта Осиёда математика бу даврда ўсиб кетаётган астрономияга хизмат қилиб, кўпроқ ҳисоблаш математикасига айланиб борди. Бу янги типдаги математиканинг асосий қисми ҳисоблаш алгоритмлари, алгебра ва бошқалардан иборат эди.

Математика олдида ўсиб келаётган ўрта аср феодал шахри, савдо-сотиқ, ҳунармандчиликка боғлиқ бир қатор масалаларни ечиш, ер ўлчаш, география, астрономияга оид, йил ҳисоби, узоқ юртларга карвон йўллари солиш соҳасидаги турмуш тақозоси билан туғилаётган муҳим проблемаларни ҳал этиш вазифаси турарди.

Улуғ ватандошларимизнинг математикада бу соҳада яратган ана шу йўналишлари Ньютон, Лобачевскийларнинг ишларини асос бўлган. Ҳозирги электрон-ҳисоблаш машиналарининг иш принципи асосида ҳам ватандошимиз Хоразмий кашф этган ва унинг номи билан аталган алгоритмлар ётишини эслаш kifоя.

Ўрта Осиё олимлари математика фанига янги йўналиш берибгина қолмай, балки бу соҳада улкан кашфиётлар ҳам қилдилар. Олтмишлик позицион ҳисоб системасини такомиллаштириш, ўнлик касрлар системасини очиш, сонлар илдизини топиш йўллариини ишлаб чиқиш, математика тарихида биринчи бўлиб кейинчалик Ньютон биноми деб номланган бином формуласини қўллаш, мусбат сонлар тушунчасини кенгайтириш, алгебрали геометрия ва тригонометрияда қўллаш, квадрат ва куб тенгламаларини алгебраик ва геометрик усулда ечиш, текис сатҳ тригонометриясини ишлаб чиқиш каби буюк кашфиётлар шулар жумласидандир. Бундай ҳар бири бир жаҳон аҳамиятга эга кашфиётларни биз икки оғиз гап билан санаб қўя қолдик. Ҳурматли китобхон уларнинг аҳамиятини тўла тасаввур қилиш учун бир неча масалаларни алоҳида қайд қилиб ўтамиз.

Ўрта Осиё математикларининг энг қадимги буюк кашфиётларидан бири олтмишлик позицион ҳисоб системани ишлаб чиқиш эди. Бу система Шарқда X—XI асрлардан бери астрономияда кенг қўлланилади. Европа

олимлари эса ундан фақат XV — XVI асрлардагина фойдалана бошладилар.

Ўнлик касрлар системаси кашф этилишининг нақадар жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлигини эса ҳар бир ўрта маълумотли киши яхши тушунади. Бу система Ўрта Осиё олимлари томонидан очилиб, уни Ғиёсиддин кенг қўллай бошлаган. Европада эса ундан 150 йил кейин С. Стевин бу системадан фойдаланган (Стевиннинг «Ундан бир» китоби 1585 йилда чиққан эди).

Ўрта Осиё олимларидан Абулвафо, Абу Райҳон Беруний ва Умар Хайём сонларнинг илдизини ҳисоблаш устида жуда кўп ишлашган. Ҳар қандай соннинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи илдизини топиш йўлларини шу олимлар кашф этган. Уларнинг ишини давом эттирган Ғиёсиддин кейинчалик Ньютон биноми деб номланган бином қаторларини очишга муваффақ бўлди, Европада эса бу математик ҳодиса фақат XIX аср бошларида (1814) кашф этилган бўлиб, Горнер ва Руффини номи билан боғланади.

Иррационал ҳисоблашларни кенг қўллаш натижасида бизнинг математик олимларимиз катта назарий умумлашмалар қилганлар. Улар «мусбат сон» ибораси маъносини кенгайтириб, уни яна ҳам умумлаштириб, мавҳумот даражасига кўтарганлар.

Агар греклар «сон» деганда бирлик (алиф)ларнинг йиғиндисини тушунган бўлсалар, Насриддин Тусий асарларида эса бу маънода миқдорлар (величини) муносабати тушунилади. Олим «Тўрт бурчак» деб аталган рисоласида ана шу фикрни аниқ ифодалаб беради. Европада эса Тусийдан 400 йил кейингина шундай натижага келинган.

Ўрта Осиё олимларининг математика соҳасидаги қилинган энг буюк кашфиётларидан бири алгебрани мустақил фан даражасига кўтариш бўлди. Хоразмий ўзининг асарларида биринчи бўлиб алгебрани математиканинг мустақил соҳаси сифатида талқин этди. Алгебра деган сўзнинг ўзи ҳам унинг шу соҳадаги асари — «Ҳисоб ал жабр вал муқобала» номидан олинган. Хоразмийнинг бу асари ўрта аср Европа олимларини квадрат тенгламаларни ечиш йўллари билан таништирувчи бирда-бир асар эди.

Ал-Хоразмийнинг «Ҳисоб ал жабр вал муқобала» асари XII асрда «*Libir de algebra et al mucadoea*» номи



билан лотин тилида босилиб чиқди. Рисола беш бўлимдан иборат эди, унинг аввалги бобида биринчи ва иккинчи даражали тенгламалар, иккинчи бобида уларни ечишнинг ҳандасий асослари, учинчи, тўртинчи бобларида жабр масалаларини ечиш қоидалари, бешинчи бобида эса жабр ҳисоби ёрдами билан бир неча практик масалаларни ҳал этиш мисоллари берилган. Хоразмийнинг алгебрага оид бу асари бир неча аср давомида Европа математиклари учун шу соҳадаги асосий қўлланма бўлиб хизмат этади.

Шу равишда, бу рисола лотин тилига таржима қилиниши натижасида жаҳон математика фани тараққиётида жуда катта роль ўйнайди. Фибоначчи, Лука Пагиоли, Никкола Тарталья, Жераламо Кардан, Лодовико Феррори каби машҳур итальян математиклари Хоразмий асарининг лотинча таржимасидан фойдаланганлари маълум.

Хоразмийнинг ҳинд ҳисоб системаси ҳақидаги китоби ҳам жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Бу китоб орқали бутун Шарқ халқлари, XII асрда у лотин тилига таржима этилгач эса Европа халқлари ҳам ҳинд математикларининг улуғ кашфиётлари билан танишдилар. Бу — ҳозирги замонда ҳамма соҳада ва барча томонидан кенг қўлланилаётган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси эди. Бу система кашф этилишининг тарихида нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги қуёшдай равшан. Уни ёзувнинг кашф этилиши билан тенглаштириш мумкин. Ана шундай буюк математик кашфиёт билан Европани биринчи марта таништирган киши улуғ олим Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий бўлди.

Биринчи, иккинчи даражали тенгламалар ечилишини Хоразмий ҳал этганлигини айтган эдик, ундан кейин яшаган олимлар энди учинчи даражали тенгламаларни ечишга киришдилар.

Урта Осиёнинг машҳур математиклари орасида Умар Хайём номи ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

Умар Хайём олим сифатида фан оламида катта обрў-эътиборга эга бўлган, унинг математика ва астрономия соҳасидаги хизматларини, ҳатто, ғоявий душманлари ҳам эътироф этишга мажбур бўлган. Қадимий китобларда, астрономия ва математикада Умар Хайём ўз даврининг тенги йўқ билимдони бўлганлиги қайд қилинади.

Хайёмнинг математикага оид бизгача етиб келган

асари «Мақолат фи жабр вал муқобала» («Алгебра масалалари ҳақидаги мақолалар») деб аталади; бу классик асар 1069—1074 йилларда ёзилган. Уни биринчи марта француз олими Ф. Венке таржима қилиб, ўз шарҳларини ва алоҳида мақола илова қилган ҳолда 1851 йили Парижда нашр этган. Кейинчалик Д. Кассир томонидан инглиз тилига қилинган таржимаси 1931 йилда босилиб чиқди. Россияда эса XIX асрдаёқ М. Е. Вашенко-Захарченко ўзининг «Математика тарихи» (Киев, 1883 йил) номли китобида Хайёмнинг айрим тенгламаларни ечиш усуллари ҳақида муфассал тўхталиб ўтган эди.

XX асрнинг ўрталарида Хайём-математикнинг илмий меросини ўрганиш бизда анча жонланди. 1948 йилда совет олими А. П. Юшкевичнинг «Умар Хайём ва унинг алгебраси» номли асари «Табииёт фани тарихи институти асарлари»нинг II томида эълон қилинди.<sup>1</sup> Бу асарда Умар Хайёмнинг математика соҳасидаги буюк кашфиётлари ёрқин далиллар билан кўрсатиб берилди.

Бундан кейин улуғ олимнинг математикага онд учта илмий асари Б. Розенфельд томонидан рус тилига таржима қилиниб, «Тарихий-математик тадқиқотлар»<sup>2</sup>нинг VI китобида нашр этилди. Ана шу учта рисола орасида юқорида номи келтирилган асардан ташқари, олимнинг «Рисола фи шарҳ мо ишкол мин мусодирот китоби Уқлидис» («Эвклид принципларининг қийин жойлари шарҳи ҳақида рисола») (1077 йилда ёзиб тамомланган) ҳамда «Таркибида олтин ва кумуш бор нарсаларда уларнинг миқдорини аниқлаш санъати» номли илмий ишлари ҳам бор эди.

Юқоридаги уч асарнинг тўла арабча номи қуйидагича:

I. «Рисолатул ҳакимил фозил Гиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳимил Хайёмий ан Нишонурий фил барахин ало масойилил жабр вал муқобала» («Ҳаким

---

<sup>1</sup> А. П. Юшкевич. Омар Хайям и его «Алгебра». «Труды института истории естествознания». т. П, М.—Л., изд-во АН СССР, 1948, стр. 499—534.

<sup>2</sup> «Историко-математические исследования», выпуск VI, М., 1953, стр. 11—17.

ва фозил Гисендин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайёмий Нишопурийнинг алгебра ва муқобала масалалари ҳақидаги рисоласи»).

2. «Рисола фи шарҳ мо ишкол ми мусодироти китоби Уқлидис салосу мақололот таснифуш шайхил имоммил ажалл ҳужжаттил ҳаққ Абулфатҳ ибн Иброҳимил Хайёмий» («Шухратли шайх ва имом, ҳақиқат ҳужжати Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайёмийнинг уч китобдан иборат «Эвклид принциплари қийин жойларининг шарҳи ҳақидаги рисоласи»). Бунинг арабча тексти 1936 йилда Техронда Эрон прогрессив олим ва революционерн Таги Эроний томонидан нашр этилган.

3. «Рисолатул ҳакимил фозил Абулфатҳ Умар ибн Иброҳимил Хайёмий фил иктиёл ал маърифати миқдорайиниз заҳаб вал филда фи жисмин мураккабин минхумо» («Ҳаким ва фозил Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим ал Хайёмийнинг таркибида олтин ва кумуш бор нарсаларда уларнинг миқдорини аниқлаш санъати ҳақидаги рисоласи»).

1953 йилда буюк олимнинг энг даққатга сазовор ва муҳим асарларидан бири — «Евклид принциплари қийин жойларининг шарҳи ҳақидаги рисола» биринчи марта араб тилидан рус тилига таржима қилиниб нашр этилди. Асар Хайём томонидан Самарқандда XI асрнинг 70-йилларида ёзилган бўлиб, қисман Европа тилларида босилган эди.<sup>1</sup>

Эндиликда жуда кўп математик олимлар ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Умар Хайём ўзининг ана шу асарида параллел (мусовий) чизиқларнинг янги принцида қурилган оригинал назариясини таклиф этган. Унда сонлар муносабати ҳақида ҳам янги фикрлар айтилган бўлиб, сонлар тўғрисида антик даврда вужудга келган билимлар яқунланган.

Хайёмнинг бу китобида баён этилган фикрлар Шарқ ва Ғарбда математика фанининг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Хайём ана шу асарининг бир ўрнида «Арифметика мушукуллари ҳақида» ҳам китоб ёзганлигини айтади.

Хайём ўз асарида биринчи бўлиб сонларнинг «*n*» даражалли илдизини аниқлашнинг умумий формуласини

<sup>1</sup> 1912 йилда Э. Видеман ва Г. Якоб асар муқаллимасини немис тилига таржима қилиб, нашр этган эдилар.

таклиф этади. Афсуски, буюк олимнинг бу кашфиёт ҳақидаги рисоласи ҳали топилмаган. Сонларнинг «л» даражали илдизларини Нютон биноми формуласи ёрдамида аниқлаш усули бизгача етиб келган асарлар ичида, даставвал, Самарқанд математиги ва астрономи Ғиёсиддин Жамшид Қоший асарларида муфассал баён этилади. Бу усулни Қоший Хайёмдан 2—3 аср кейин, Европа олимлари эса XVII—XVIII асрларда, яъни 4—5 аср кейингина топганлар.

Математикага оид иккинчи рисоласида ҳам Хайём ўздан илгариги математика ютуқларини умумлаштириш билан бирга, бир қанча муҳим кашфиётлар қилган. Масалан, чексизлик назарияси фанда ҳали яхши ишлаб чиқилмаган бўлса-да, аммо бундан қадимги олимлар хабардор бўлган. Бор маълумотларни аниқ ўзлаштирган ва уларни тараққий эттирган Умар Хайём, ниҳоят, «чексизлик аксиомаси»ни ишлаб чиқади ва буни ўз китобида баён этади.

Хайём юқорида айтганимиз сон ҳақида янги таърифни ҳам шу асарда келтирган. Унингча, сон фақат миқдорлар (бирликлар) йиғиндисигина эмас, балки улар орасидаги муносабатдан ҳам иборатдир.

Шундай қилиб, олим умумий абстракт сон тушунчасини киритди ва иррационал сонлар идеясигача бориб етди. Бу — математика фанининг бундан кейинги тараққиётида жуда муҳим роль ўйнаган кашфиёт эди. Соннинг мавҳумлиги маъносининг бу қадар кенгайтирилиши кундалик турмушда, ҳисоблаш ишларида, ер ўлчашда, тригонометрия, жуғрофия ва астрономияда ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Буни Хайёмнинг ўзи ҳам яхши тушунган ва таъкидлаб ўтган. Буюк олимнинг бу кашфиётлари кейинчалик Насриддин Тусий томонидан яна ҳам муфассалроқ ишлаб чиқилди.

Умар Хайёмнинг рус тилига таржима қилиниб босилиб чиққан учинчи рисоласи жинслар таркибидаги моддаларни (кўпинча, олтинни) аниқлашга доир классик масалага бағишланган. Маълумки, бу муаммони қадимги даврда Сиракуз подшоси Гиероннинг илтимосига кўра Архимед ечиб берган эди. Бу — суюқликка ботирилган жисмга ўзи сиқиб чиқарган суюқлик оғирлигига тенг «кўтарувчи куч» таъсир қилади деган гидростатика қонуни асосида ечилади. Умар Хайём ҳам масалани шу усулда, яъни тарозининг бир палласидаги



нарсани ҳавода ўлчаб, сўнг сувга ботириш орқали ҳам қилади.

Совет олимларидан Б. А. Розенфельд ва А. П. Юшкевичлар ана шу қонунга асосланиб иш кўрган Ўрта оснёллик олимларнинг, шу жумладан, Хайёмнинг ҳам турли моддалар солиштирма оғирлигини аниқлашда жуда катта аниқликка эришганини қайд қилади.<sup>1</sup>

Хайёмнинг математика фани олдидаги буюк хизматларини яна ҳам тўлароқ тасаввур этиш учун унинг баъзи кашфиётларини шу соҳада Европа математикаси эришган ютуқлар билан таққослаб кўриш мақсадга мувофиқ.

Хайём «илмий санъат» сифатида алгебра фани тараққиётини яқинлайди; у алгебранинг асосий предмети маъlum сонлар билан муносабатлари белгилли бўлган номаъlum сонлар эканлигини қайд қилади: номаъlum сон деганда фақат сонларнигина эмас, балки геометрик миқдорларни ҳам кўзда тутиш кераклигини айтади.

Хайём, ўша давр олимлари қатори, фақат мусбат илдизли сонлар алгебрасинигина ривожлантиради, манфий илдизли сонларни эса ҳамма вақт тенгламадан чиқариб ташлайди.

Умар Хайём математика фанида биринчи бўлиб тенгламаларни классификация қилиб чиққан, куб тенгламаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, тенгламаларнинг алгебраик ва геометрик ечилиш усулларини муфассал шарҳлаб берган олимдир. Масалан, квадрат тенгламаларнинг ечилиш усулини шарҳлар экан, у  $x^2 + 10x = 39$  тенгламасини келтиради. Учинчи даражали тенгламаларни ечиш учун эса олим конус кесмаларидан, яъни айлана, тенг тарафли гипербола ва параболалардан фойдаланади ҳамда куб тенгламаларни ечиш усулларини кўрсатиб беради. Профессор А. Юшкевичнинг фикрича, Хайёмнинг куб тенгламаларни геометрик ечиш усуллари Шарқ алгебра фанининг чўққиси бўлиб ҳисобланади.<sup>2</sup>

Хайёмнинг бу кашфиётлари Европада тахминан 550 — 600 йилдан кейин Ренэ Декарт томонидан қайта-

---

<sup>1</sup> Қаранг: «Историко-математические исследования», выпуск VI. М., 1953, стр. 170.

<sup>2</sup> Қаранг: А. П. Юшкевич. «Умар Хайём и его «Алгебра». «Труды института истории естествознания», т. П. М., 1948, стр. 528.

дан қилинган эди. А. Юшкевич Хайём фикрлари, хулосаларини Декарт «Геометрия»си билан таққослаб кўрар экан, жуда кўп ўхшашликлар топади, ҳар иккала олим ҳам бир хил йўлдан бориб, бир хил натижаларга келганлигини қайд қилади. Бундан кўринадики, Хайём XI асрдаёқ эришган даражага Европа математикаси XVII асрдагина кўтарила олган.

«Эвклид принциплари қийин жойларининг шарҳи...» китобида эса Хайём геометрия фанини ривожлантириб, Эвклид принципларига кирмаган янги геометрик қонусларни очишга муваффақ бўлди.

1953 йилда Д. Э. Смит Пасриддин Тусий рисоласининг қўлёзмасини ўрганар экан, унда Геометрияга оид Умар Хайём рисоласининг мазмун келтирилганлигини кўрди. Тусий Хайём фикрларини келтирган ва уларга изоҳлар берган.

Ҳақиқатан ҳам юқорида ном келтирилган рисола-нинг биринчи бўлимида Хайём Эвклиддан кейинги геометрияни ривожлантириш соҳасида олга бир қадам қўйганки, бу иш ҳам Европада фақат XVI асрдагина амалга ошган эди.

Хайём ўзининг бу асаридан бирор асосга қурилган икки тўғри бурчаклик тўрт бурчакнинг юқоридаги бурчаклари ҳақида гапириб, тор бурчак, кенг бурчак ва тўғри бурчаклар тўғрисида айтган гипотезаларини ундан кейин Европада 1667—1733 йилларда яшаган Саккери қайтарган эди; бу ҳодиса фанда «Саккери тўрт бурчаги» номини олган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо юқоридагиларнинг ўзи ҳам Умар Хайёмнинг математика ва геометрия соҳасида нақадар буюк бир сиймо эканлигини кўрсатиб турибди.

Улуғ мутафаккирнинг оташзабон рубойлари, фалсафий фикрлари ўтидан, теран нигоҳи нуридан қўрққан кўршапалаклар унинг ажойиб асарларини тарғиб этиш эмас, унут қилиб юборишга ҳаракат қилганлар. Ислом уламулари унинг ўзини даҳрий деб, китобларини халқдан яширганлар. Натижада шундай ажойиб илм хазинаси неча асрлар давомида Европада ҳам маълум бўлмаётган.

Проф. А. П. Юшкевич бу ҳақда жуда ачиниб сўзлаган эди:

«Минг афсуским, XV—XVI аср Европа математикаси

тикларига Хайём китоблари маълум бўлмаган,— деб ёзди у,— куб тенгламаларнинг рақамли ечилиши масаласи қанча аввал кўтарилган, янги олий алгебра ижодчиларининг заҳмати нақадар енгиллашган бўлур эди! Воқеалар бошқача рўй берди.

Улуғ Шарқ шоири ва олим аллақачон кашф этиб қўйган йўлни яна қайтадан ўтиш учун Европа олимларига озмунча меҳнат қилишга тўғри келмади».<sup>1</sup>

Хайём, асосан, математикага кўпроқ қизиққан, ammo улуғ олим фақат математикадагина эмас, астрономия, музика, тарих ва бошқа соҳаларда ҳам катта ишлар қилган.

Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг ўрта асрларда астрономия соҳасида эришган ютуқлари инсоният тараққиётида ихёят катта аҳамиятга эга бўлди. Буни проф. Қори Ниёзий ўзининг «Улуғбекнинг астрономия мактаби»<sup>2</sup> номли йирик монографик асаринда аниқ исботлаб ва яққол кўрсатиб берди.

Улуғбек мактаби эришган ажойиб муваффақиятларда ўрта аср Шарқининг йирик расадхоналари ва уларда ишлаган олимларининг ҳиссаси катта бўлди. Булар орасида айниқса муҳим астрономик кузатишлар олиб борган ва бу соҳада катта-катта илмий кашфиётлар қилган олимлар: Муҳаммад Хоразмий ишлари, Берунийнинг астрономия соҳасидаги асарлари, Насриддин Тусийнинг астрономик ижоди алоҳида таъкидлаб ўтилиши лозим.

Шу соҳада Умар Хайёмнинг Исфаҳон расадхонасида олиб борган муҳим кузатишлари, салмоқдор илмий тадқиқотлари ва кашфиётлари ҳам ўзига муносиб ўрин тутади.

Умар Хайём фақат астрономия соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб боришдан ташқари, сарой мунажжими сифатида астрология билан, яъни юлдузларга қараб тақдирни олдиндан айтиб бериш билан ҳам машғул бўлган бўлса керак. Замондошларининг ёзишларига қараганда, Хайём бу соҳада катта маҳорат кўрсатган. Низомий Арузий Самарқандий ўзининг 1156 йилда ёзилган «Чор мақола» асарида шундай бир ҳи-

<sup>1</sup> А. П. Юшкевич. Омар Хайям и его «Алгебра». Юқорида кўрсатилган тўплам, 531-бет.

<sup>2</sup> Т. Н. Кары-Ниязов. Астрономическая школа Улуғбека. Изд-во АН СССР, М.—Л., 1950.

коя келтиради. 1114 йилнинг қишида султон овга чиқмоқчи бўлиб, мунажжими Умар Хайёмни олдига чақирган ва: «Бизга шундай кун тайин қилгинки, бир неча вақтгача ҳаво очиқ турсин», деган. Хайём бир кунни тайин этган. Шу куни шоҳ амалдорлари, соқчилари, мулозимлари билан овга отланган, аммо бир чақиримча йўл юрилгач, осмонни булут қоплаб, шамол туриб, қор учқунлай бошлаган. Шоҳ ва аъёнлари Хайём қилган «каромат»дан кулишган. Шоҳ орқага қайтмоқчи бўлган.

Шунда Хайём шоҳдан тинчланишни илтимос қилган ва: «...шу соатнинг ўзидаёқ ҳаво очилиб, беш кун давомида ҳаводан ҳеч қандай рутубат тушмайди, ҳеч кимса (осмонда) булут кўрмайди»,— деган. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиққан.<sup>1</sup>

Умуман, Низомий Арузий Хайёмни кароматчи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади.

«Чор мақола»да яна бир ҳикоя келтирилади. Арузий 506 ҳижрий (1112/13) йилда Балхда Хайём билан учрашган. Учрашиш вақтида у Хайёмнинг: «Менинг мазорим шундай жойда бўладики, уни дарахтлар йилига икки марта гулга кўмади»,— деган гапини эшитиб қолган. Ҳақиқатан ҳам, Хайём ўлиmidан бир неча муддат кейин—530 ҳижрий (1135/36) йилда Низомий Арузий Нишопурга келиб, Хайём мазорини зиёрат қилгани борганида бу улуғ инсон қабрининг ўрик ва нок гулига кўмилиб ётганини кўрган.

Аммо, шу билан бирга, унинг «каромат»лари ҳақида ёзган Низомий Арузий ҳам, бошқа ёзувчи ва тарихчилар ҳам Хайёмнинг ўзи астрологияга ишонмаганлигини қайд қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам, фалсафа, математика, астрономия соҳасида ажойиб тадқиқотлар олиб борган, хурофотга қарши курашган олимнинг астрологияга чин кўнгилдан ишонганлигини кўз олдига келтириш қийин. Хайём Исфаҳон расадхонасига бошчилик қилиш ҳуқуқини олиш учунгина саройда мунажжимлик қилган бўлса керак. **Лекин олимнинг мақсади тамомила бошқача бўлган, у осмон жисмлари устида узоқ ва тинимсиз кузатишлар олиб борган, коинотнинг тузилиши ҳақида чуқур фикр қилиб, дунё сирини излаган.**

<sup>1</sup> «Чор мақола», 23—24-бетлар.



Расадхонада Хайём билан бирга XI асрнинг машхур олимларидан Абдурахмон Ҳазиний, Абулаббос Лукарий, Абуҳотам Музаффар Исфизорий ва бошқалар ишлаганлар. Улуғ олим уларнинг ҳайъатшунослик (астрономия)га оид ишларига раҳбарлик қилган.

Бу олимлар Хайём бошчилигида янги календарь ишлаб чиқишган ва уни жорий этишган.

Маълумки, Урта Осиё ва Эрон халқлари араб истилочилари келмасдан илгари, оташпарастилик даврида, қуёш календаридан фойдаланар эдилар. Мусулмонлик билан бирга бу ўлкаларга ҳижрий қамарий календарь (яъни ой календари) киритилди.

Ойларнинг ўзгариб туришига қараб тузилган бу календарга кўра бир ой 29, 5306 суткага, 12 ой эса 354, 3672 суткага тенг, бу календарнинг бир йили тропик йилдан 10 кун қисқароқ.

Ҳижрий календарь турмушда жуда кўп ноқулайликлар келтирар, қишлоқ хўжалик ишларини олиб боришда маълум муддатларни аниқ белгилаб бўлмас, чунки ой ҳар йили 10 кунга сурилиб турар эди. Шу сабабли сугориш системасига асосланган, ўз даврига нисбатан юқори даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи Урта Осиё ва Эрон халқлари бундан кейин ҳам қадимий қуёш календаридан фойдаланавердилар.

Қуёш календари 365 кеча-кундуз ҳисобланиб, бир йил ичида тахминан 6 соатдан бўлган фарқ натижасида, 120 йил ичида бутун бир ой сурилиб кетгач, календарь бирданига бир ойга орттирилар эди.

Ислом қарор топишидан олдинги қуёш календари сўнгги Сосоний шоҳи Яздигард III замонида жорий қилинган эди. Аммо бу календарнинг 365 $\frac{1}{4}$  суткадан иборат тропик йили баҳордаги кеча-кундуз тенг келадиган кундан бошлаб яна шу кунни тамом бўладиган ҳақиқий йил узунлигига қараганда узунроқ бўлганидан, янги йил боши — наврўз сурилиб кетган; бу фарқ Умар Хайём замонида икки ҳафтага бориб қолган эди. Шу сабабли Хайём ва унинг илмий сафдошларига янги календарь ишлаб чиқиш топширилган. Улуғ астроном Умар Хайём раҳбарлигида бу вазифа катта муваффақият билан бажарилган. Янги тузилган календарь уни тузишни топширган Жалолиддин Малик шоҳ номига

нисбат берилиб, «Тақвими Жалолӣ» («Жалол календарӣ») деб аталган.

Янги календарь тузиш иши тугатилди ва шу йилнинг 16 мартдан бошлаб жорий ҳам қилинди. Аммо тез орада Низомулмулкнинг ўлдирлиши, кўп ўтмай Малик шоҳнинг ҳам вафот этишидан сўнг мамлакатда ички урушлар бошланиб кетди, натижада календарь ҳам йўқолди.

Хайём раҳбарлигида тузилган бу календарь ҳозирги кунда амалда бўлган Григориян календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

Хайём календаридида кабиса (тўла) йил ҳисобига 33 йилда 8 кун, Григориян календаридида эса февралнинг 28 эмас, 29 кун бўлиши ҳисобига 32 йилда 8 кун қўшилади. Бунинг натижасида Григориян календаридида 3300 йилда бир кунлик хато йиғилса, Хайём календари бўйича эса бу хато 5000 йилдагина содир бўлади. Хайём календари йўқолиб кетгани сабабли, ундан 500 йил кейин Европада Григорий бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар буюк астроном бажарган ишни қайтадан қилишга мажбур бўлдилар.

Хайём календари ҳақида Улугбек ўзининг астрономик жадваллари — «Зижи Кўрагоний»нинг кириш қисмида муфассал маълумот беради. Умар Хайём ўзи эса бу тўғрида календарларни ислоҳ қилиш тарихига бағишланган «Наврўзнома» китобининг бобида сўзлаб ўтган.

Бундан ташқари, Умар Хайём Исфаҳон расадхонасида юлдузлар мавқеи ва сайёралар ҳаракатини узоқ текшириш натижасида «Зижжи Малик шоҳий» номи билан машҳур бўлган юлдузлар жадвалини тузган. Шарқда жуда машҳур бўлган бу зижжнинг фан тарихида аҳамияти катта эди, ўрта асрнинг кўпгина астрономлари буни қайд қиладилар, аммо, бахтга қарши, бу ажойиб асар бизгача етиб келмаган.

Хайём астрономиядан ташқари, бошқа фанлар билан ҳам шуғулланган, буюк олим табобат, тарих, жуғрофия, мусиқа ва бошқа соҳаларда китоблар ёзган.

Олимнинг, айниқса, Ибн Сино фалсафасини чуқур ўрганганини айтиб ўтган эдик. У бир гуруҳ дўстларининг илтимоси билан 1177 йили Ибн Синонинг «Хутба» номли фалсафий китобини арабчадан форсчага таржима ҳам қилган.

Улуғ шоир рубонийларидан бирида:

Мени файласуф деб ёв қилур хато,  
Мен ундай эмасман, биладн худо.  
Шу қайғу уйнга келгач, ўзимни —  
Ким билсам — ўшандан камроқман ҳатто,—

деб камтаринлик қилган бўлса-да, фалсафада замонасининг забардаст олимларидан бўлган. Абу Али ибн Сино асарларига тушуна олмаган кишилар изоҳ ва шарҳ учун Умар Хайёмга мурожаат қилганлар. Шундайлардан бири — Ибн Синонинг шогирди ва издошларидан, Форс вилоятининг қозиси бўлмиш Абунаسر ибн Абдурахмон Насафий 1080 йилда Хайёмга мактуб ёзиб, баъзи фалсафий масалаларни тушунтириб беришни илтимос қилган. Умар Хайёмнинг Насафийга жавоби «Рисолатул кави ват таклиф» («Қоннот ва унинг вазифалари ҳақида рисола») номи билан машҳур бўлган. Бу рисола бизнинг кунларимизга қадар етиб келган. Рисоланинг кириш қисмида олим унинг мулоҳазасига тақдим этилган масалаларнинг ҳаммасига мукаммал жавоб беришга вақт ҳам, имконият ҳам йўқлиги ҳақида гапирди: бу масалаларни бир-биридан ажратиб, категорияларга бўлиб, қўлида бор ҳужжат — исботларни келтириб, устодидан олган билим ёрдамида қисқа-қисқагина шарҳлаб беришни айтади. (Хайём ўзининг фалсафий асарларида Ибн Синони ҳурмат билан ҳар доим «устод» деб атайдн.)

Бу рисола ни таҳлил қилиш ҳам Умар Хайём фалсафанинг кўп масалаларида улуғ Абу Али ибн Синонинг истеъдодли шогирди ва изчил давомчиси эканини кўрсатди.

Хайём бу асарида Ибн Сино фикрларини ривожлантира бориб, дунёдаги ҳамма нарса, ҳамма воқеалар ўзаро бузилмас алоқада эканлигини, улар бир-бирини тақозо этишини, бир-бирига сабаб ва бири-бирининг натижаси эканлигини кўрсатади. Борлиқ жаҳоннинг пайдо бўлишида биринчи сабабкор худо эканлигини эътироф қилган Хайём, дунёдаги тартиботда худонинг закосини кўради, аммо ҳар бир воқеа сабабини табиатнинг ўзидан қидириш лозимлигини уқтиради. Бу эса худо ва пайғамбар — авлиёлар томонидан қилинадиган муъжизаларни инкор қилиш, табиатдаги объектив қо-

нуниятни таъкидлаш эди. Бундай фикрлар, албатта, ортодоксал ислом ғояларига тўғри келмас эди. Баъзи манбаларнинг хабар беришига кўра, шу сабабдан Х аср уламоларидан ал Ашарийнинг издошлари ва шогирдлари Хайёмга қарши чиққанлар. Ал Ашарий ва унинг издошлари табиат ва жамиятдаги нарсалар, воқеалар орасидаги боғланишни инкор этар, ҳар бир воқеа худонинг иродаси билангина бўлади, деб тушутирар эдилар.

Аммо Хайёмнинг билим доираси шунчалик кенг ва чуқур бўлганки, ғоявий душманлари ҳам келиб ундан сабоқ олишга мажбур бўлганлар.

XIII аср тарихчиси Закариё Қазвиний (1203—1283) «Осорул билод» («Мамлакатлар осори») номли китобида қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади:

Уша замоннинг машҳур фақиҳларидан (шариат қонуншуносларидан) бири Хайёмдан илм ўрганар экан, аммо бошқа жойларда, одамлар орасида олимни сўкиб, ёмонлаб юрар экан. Хайём бу риёкор фақиҳнинг адабини бериб қўйишга қарор қилибди. Қунлардан бирида унинг келар вақтини мўлжаллаб, уйига ноғорачи ва карнайчиларни йиғибди. Фақиҳ кириб келиши билан ноғорачи, карнайчилар Хайёмнинг амри билан уйни бошига кўтариб чала бошлабди. Буни эшитиб, халқ тўпланибди. Шунда Хайём тўпланганларга қараб: «Эй Нишопур халқи! Мана бу киши сизнинг олимингиз! У ҳар куни шу пайтда келиб мендан сабоқ олади. Аммо сизларнинг ораларингизда менинг тўғримда нималар деб юришини ўзингиз яхши биласиз. Агар мен ҳақиқатан ҳам бу айтгандек бўлсам, нега мендан илм ўрғанади, агар ундай бўлмасам, нега ўз устодини ҳақорат қилади?!»<sup>1</sup> Шундай қилиб, фақиҳ халқ олдида шармандаю-шармисор бўлибди.

Улуғ олим дунёқараши жиҳатдан, асосан, идеалистик позицияда турган бўлса-да, унинг фалсафасида материалистик элементлар ҳам мавжуд.

Хайёмнинг кўп фалсафий фикрлари 1095—1100 йилларда ёзилган «Рисолатул кавн ват таклиф» («Қоинот

---

<sup>1</sup> Закариё ал Қазвинийнинг «Осорул билод» китобини араб тилида 1848 йилда Геттинганда Ф. Вюстенвальд нашр қилган. Юқоридаги ҳикоя шу нашрнинг 318-бетига келтирилади. Биз ҳикояни М. Занд томонидан қилинган тожикча таржимасидан олдик. Қараи: Умари Хайём, Рубоёт, 1955, саҳифаи 318.



ва унинг вазифалари») ва араб тилидаги «Рисола фил вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола») номли китобларида баён қилинган. Улуғ мутафаккирнинг фалсафага оид бундан бошқа асарлари ҳам бор. Унинг фалсафий фикрлари, айниқса, рубоийларида жуда ёрқин ифодасини топган.

## ҲАЁТ ОШИҒИ

Истагим майи ноб бўлгани-бўлган,  
Тинглаганим рубоб бўлгани-бўлган,  
Меънинг тупроғимдан кўза қилсалар,  
У ҳам тўла шароб бўлгани-бўлган.

Бу мисраларни жўшқин ҳаёт ошиғи, бутун вужуди, қалби билан шоир бўлмаган киши ёза олармиди?

Умар Хайёмнинг шоирлик шухрати унинг ўзидан неча асрлар кейин, даставвал, Европа мамлакатларида тарқалди.

Албатта, тадқиқотчилар унинг илмий асарларидан ҳам хабардор бўлганлар: лекин Хайёмнинг мухлислари уни, асосан, шоир сифатида ҳурмат қилишган. Хайём ижоди ҳақида ёзилган тадқиқий адабиёт ҳам, асосан, унинг рубоийлари тўғрисидадир.

Тадқиқотчилар Хайёмнинг шеърини ижодинигина текширадилар. Баъзи олимлар эса, аксинча, унинг буюк олим эканлигини таъкидлаб, шеър ёзиш унга эрмак бўлган, деган фикрни айтадилар. Қадимги адабиётчилар, тарихчилар унинг олимлиги ҳақида гапириб, «унинг яхши шеърлари ҳам бор...» деган маънода қўшимча қилиб кетадилар. Масалан, юқорида номни тилга олинган ал Қифтий Хайёмнинг руҳонийлар таъқибидан қутулиш учун Маккага борганлиги ҳақида гапириб: «Ўз сирларини сақлар ва қилмишидан қайтмас эди. Астрономия ва фалсафада унинг тенги йўқ эди. Унинг яширин маънолари кўриниб турган, томири мақсадининг лойқасини булғаб турган маълум шеъри бор...»,<sup>1</sup>— дейди ва бир арабча шеър келтиради.

Баъзи олимлар эса, жумладан, проф. Фитрат Хайёмни кўпроқ шоир, ҳатто сарой шоири ҳисоблайди. Фитрат

<sup>1</sup> «Чор мақола», 215-бет.

Ўзбек тилида биринчи бор 1929 йилда «Форс шоири Умар Хайём» номли китоб нашр этган. Бу китобда Хайёмнинг олимлиги тўғрисида ҳам гапирилади, ammo унинг поэтик ижодига тамомила нотўғри баҳо берилди. Китобда Хайёмнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган каттагина мақоладан кейин шоирнинг ўн рубойиёси насрий таржимаси билан келтирилади.

Проф. Фитрат форс-тожик адабиётида рубойий жанри-ни бунчалик юксакликка кўтарган Хайём ижодини адабиётнинг тарихий тараққиёти жараёнидан ажратиб олади. Китобчада Салжуқийлар ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайдиган, ҳатто ўзларини ҳимоя қилишдан ожиз, умидсизликка тушиб қолган, инқирозга юз тутган сулола сифатида таърифланади. Хайём эса уларнинг сарой шоири, ўшалар идеологиясини куйловчи маддоҳ қилиб кўрсатилади.

Проф. Фитрат шоир ўн рубойиёсининг таржимасини келтирганидан кейин қуйидагиларни ёзди: «Бу рубойлар зоҳири дабдабасининг юздангина кўрнинишининг шуҳрати мингларча қасидаларни тўлдирган Салжуқлар саройининг энг теран ҳам энг кибрли нуқталаригача кўрсатувчи чиройли ойначалардир. Булар Эрон Салжуқий саройида йиғилиб, ҳукумат идораси бошида ўтирган, ўзининг бир дақиқалик кайф-сафосидан бошқа ҳеч нарсани тушунмаган, мамлакат идораси, халқ ҳақида эмас, ўзининг эртаси ҳақида ўйлашдан ҳам безган, илаксиз-иродасиз, узоқ гуруҳ бир жамоатнинг руҳий ҳолатларини кўрсатадилар.

Мамлакатнинг эртасини ўйламоқ булар учун ғафлат саналадир. Ҳатто, шу сафоҳат кечаларини ўзининг манглай тери билан таъмин этганларнинг тинчлиги ҳақида тушунмоқ булар учун ҳаётнинг қадрини билмасликдир. Буларнинг шоири:

«Эртани ўйлама

Май кетир!

Кеча ўтмасин!»<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Автор Хайёмнинг:

Ўтиб борар ажиб умр карвони,  
Қўлингдан чиқмасин шодлик замони,  
Соқи, эрта куннинг ғамин емагин,  
Қадаҳ суи! Ўтмасин туннинг бир они  
рубойисининг охирги икки сатрини келтирмоқчи.

Булар эрта-индин ўз бошларига ҳам катта фалокатларнинг келишини кўриб турганлар, шуларнинг олдини олишга ҳам кучсизлик, продасизлик кўрсатганлар...»<sup>1</sup> Хайём эса, авторнинг таъкидлашича, шуларнинг маддоҳи: «Хайём шеърининг энг катта вазифаси, юқорида кўрганимиз каби, май мажлисларини мақтамоқ, бу мажлисларни давом қилдиришга сарой эгаларини, давлатли феодалларни ташвиқ қилмоқ, шуларнинг теграсида юрган, шуларнинг қиссасига қараб турган паразитларнинг «фикр»ларини ҳимоя қилмоқдир»<sup>1</sup>.

Бу фикрнинг нақадар сохта эканлигини исботлаб ўтириш лозим ҳам бўлмаса керак.

Агар Хайём ҳақиқатан ҳам мана шу «сарой эгаларини, ...шуларнинг қиссасига қараб турган паразитлар»нинг кайфу сафосини васф этиш, базм кечаларида майхўрликка ташвиқ қилиш билан шугулланганда эди, унинг шеърлари ҳам ўшалар билан бирга кўмилиб, йўқ бўлиб кетган бўлар эди.

Проф. Фитрат Хайёмни сарой шоири — Ғазнавийлар маддоҳи Унсурийга ўхшатади. Катта маҳорат эгаси бўлган сарой шоири Унсурийнинг асарларини халқ нима учун унутиб юборди? Нега энди унинг шеърлари фақат форс адабиёти тарихини ўрганувчилар учунгина поэзия тарихи ва услуб нуқтаи назаридангина диққатга сазовор, холос? Нима учун Хайём рубоийлари замонлар оша, миллий давлат чегараларини енгиб, халқлар орасида машҳур бўлиб келмоқда? Бу Фитрат фикрининг реал асосга эга эмаслигини кўрсатмай-дими?

Баъзилар эса, юқорида айтганимиз каби, Хайёмни умуман шоир ҳисоблашмайди, уни шеърни эрмак сифатида ёзган дейишади. Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола» китобини нашрга тайёрлаб, бостириб чиқарган Эроннинг ҳозирги замон йирик адабиётшунос олимларидан Муҳаммад Қазвиний китобнинг ҳошиясида: «Ҳожа Имом Умар Хайёмий, Абдулфатҳ Умар бинни Иброҳим ал Хайёмийан Нишопурий ҳижрий V аср охири, VI аср бошларидаги машҳур риёзатчи олимлардан бўлиб, Эроннинг фахри бўлган буюк кишилардан биридир. Аммо Шарқ ва кейинги

<sup>1</sup> Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. Ўздавнашр, Самарқанд—Тошкент, 1929, 56—57-бетлар.

<sup>1</sup> Уша китоб, 50-бет.

йилларда Европа ҳам Америка мамлакатларида қозонган фавқуллодда катта шухрати кўпроқ ёки фақат ҳикматомуз рубойлари туфайлидир. Бу рубойларни дам олиш пайтларида, хотири шод, зеҳни бўш вақтларда айтгандир...»<sup>1</sup> — деб ёзади.

Бизнинг фикримизча, Умар Хайёмга шеър орқасидан кун кўрган сарой шоири деб ҳам, зерикканда, эрмак учунгина шеър машқ қилган киши деб ҳам қараш хатодир. Хайём қанчалик улуг олим, мутафаккир, файласуф бўлса, шунчалик улкан шоир ҳамдир. Бутун қалби билан шоир бўлган Хайём поэтик асарларида ҳам ўзини кечаю кундуз қийнаган, бир лаҳза ҳам тинч қўймаган сўроқларга жавоб излаган:

Сирлар пардасига ҳеч кимга йўқ йўл,  
Жон қийнар саволдан барча одам гўл.  
Бизларга тупроқдан бошқа ўрин йўқ,  
Бу ҳақда эртақлар айтаверса — мўл.

Буни яққолроқ тасаввур қилиш учун улуг шоир асарларига мурожаат қилишнинг ўзи кифоя.

Урта асрларда яшаган олим, файласуф, мутафаккирларнинг дунёқарашлари, фалсафий таълимотларини тушунишда уларнинг ҳукмрон идеология—динга бўлган муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Биз қуйида Хайём рубойларига шу нуқтаи назардан ёндашамиз.

\* \* \*

Хайём рубойларини тематикасига қараб бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Унинг ижодида кишилик тафаккурининг бутун бир даври ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Умар **Хайём асарларида** бир неча асосий тематик йўналишларни кўрамиз.

Мутафаккир шоир дунёнинг тузилиши, унда одамнинг ўрни ҳақида чуқур фикр қилар экан, инсон дунёдаги энг олий мавжудот эканлигини таъкидлайди:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.  
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз, унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

<sup>1</sup> «Чор мақола», 209-бет.



Аммо коннотнинг моҳияти ва асоси ҳисобланган инсоннинг қадрсизлигини, унинг фожияли ҳаётини кўрар экан, шоир дунёнинг нобоп тузилганлигини, унинг ноқислигини кўриб хуноб бўлади. Тангрига қарши чиқиб, иложи бўлса, бундай дунёни барбод этиб қайтадан тузардим, дейди:

Фалакка ҳукм этган тангридай бўлсам,  
Фалакни қилардим ўртадан барҳам.  
Янгидан шундай бир фалак тузардим —  
Яхшилар тилакка етарди ул дам.

Хайём ижодига умуман назар ташласак, унда ёрқин материалистик ва атенстик мотивлар жуда кучли эканини кўрамиз. Хайём материализми, энг аввало, материянинг йўқолмаслиги, унинг бир суратдан иккинчи суратга ўтиб юриши, одам ҳам вафот этгач, шу моддий дунёдаги ўлик жисмларга қўшилиб кетиши, бу нуқтаи назардан тирик ва ўлик табнат орасида кескин чегара йўқлигини эътироф қилишда, объектив дунёнинг киши онгидан ташқарида мавжудлигини, унинг абадий ва азалий эканлигини тасдиқлашда яққол кўриниб туради;

Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлғуси,  
Бизлардан на ному нишон бўлғуси.  
Аввал-ку йўқ эдик — етмовди халал,  
Яна бўлмасак ҳам ҳамон бўлғуси.

Яна:

Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,  
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.  
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,  
Бу тупроқ қаро кўз — бир нигор эди.

Хайём бир қатор рубойларида турли образлар ёрдамида материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб юришини аниқ кўрсатиб беради. Унингча, одам ўлганидан кейин тупроққа айланади: заминда инсон танасининг заррачалари бор, улар ердан униб чиққан гиёҳлар, экинлар воситаси билан яна одам танасига ўтади ва ҳоказо; материя айланиб юра беради; нариги дунёга, одамнинг яна қайта тирилишига ишониб бўлмайди;

Лола юзин ювди ёғингар кўклам,  
Лиммо-лим қадаҳга қўл узат бардам.  
Букун сен сайр этган ушбу кўкатлар  
Эрта тупроғингдан унар жамулжам.

Жонимиз бу таъни тарк этиб кетар,  
Икки гишт гўримиз кўзин беркитар,  
Кейин бошқа гўрга гишт қўймоқ учун  
Бизнинг тупроқларни эзиб лой этар.

Бу ернинг юзида ҳар зарраки бор —  
Бир замон бўлмишди ой юзли дилдор.  
Нозанинлар юзин гардин аста арт,  
Гўзал чехра эди бир вақт бу гўбор.

Яна:

Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат —  
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.  
Бу сабза лоладек юзлар тупроғи —  
Сабзага авайлаб оёқ қўй ғоят.

Хайём, айниқса, юқоридаги фикрни кўза образи орқали ёрқин ифодалайди. Ғарбда унинг бундай шеърлари «Кўзанома» номи билан машҳур. Шоир буларда одам танаси тупроққа айланиб кетгач, ундан бошқа нарсалар қатори, кўзалар ҳам ясалиши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайди:

Кўзаю косангни кўтар, эй дилдор,  
Кўклам сув бўйи, салқин жойга бор.  
Бу чарх кўп сарв қад, ой юзлиларни  
Гоҳ кўза, гоҳ коса қилмиш неча бор!

Лойни муштраб турган анави кулол  
Қилсайди ақл ила чуқурроқ хаёл,  
Ҳеч қачон бунчалик тепкиламасди,  
Ота тупроғидан ясаркан сопол.

Хайём рубонийларида кўза ясовчи кулол образи яратувчи (тангри) образидир. Шунинг учун шоир дунёнинг нобоп тузилганлиги ҳақида, кўзагар нима учундир ажойиб кўза ва косалар ясаб, уни яна чилпарчин қилиб

синдириши ҳақида куйиниб гапирди: яхши бўлса нима учун синдиради-ю, ёмон ясалган бўлса, ким айбдор?

Бу жомни кўрганлар офарин дейди,  
Юз марта манглайин ўпиб ким тўйди?  
Фалак кулолининг қилмишига боқ:  
Нозик жон ясади — синдирди-қўйди.

Аммо буюк мутафаккир таангрига шундай саволлар билан фақат кўзагар образи орқалигина эмас, тўғридан-тўғри ҳам мурожаат этиб, ўзини қийнаган масалаларга мантиқий жавоб излайди:

Ўлик-тирик ишини тузаткувчисен,  
Тарқоқ кинотни кузаткувчисен.  
Мен ёмон бўлсам ҳам сенинг бандангмен,  
Мен нима ҳам қилай, яраткувчи — сен.

Азалда лойимни қорганда худо,  
Биларди — феълимдан не бўлур пайдо.  
Ҳукмидан ташқари эмас гуноҳим,  
Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?!

Худо бандаларини ўзи яратиб, ўзи уларнинг тақдирини ҳал қилса, «оллоҳнинг амрсиз бир тикан ҳам» кирмаса, бизнинг ҳамма ишимиз, ҳар бир ҳаракатимиз худонинг хоҳиши билан бўлса — у бизни қандай қилиб гуноҳкор этади? Бизнинг нима айбимиз борки, қиёмат кунини сўроқ қилиб, жазо беради?

Менсиз қалам сурмиш қазову қадар,  
Мендан нечун яхши-ёмоним сўрар?  
Кеча менсиз ўтди, ўтар бугун ҳам,  
Тонг-ла кун нима деб қилур жавобгар?!

Эксплуататорлик жамиятида қуллик ва асоратда бахтсиз ҳаёт кечиришга мажбур бўлган меҳнаткаш халқни дин у дунёдаги бахтли ва фаровон ҳаёт, жаннат билан алдаб келди. Аммо бу гапларга ишонса бўладими? Охират, у дунё, жаннат ва дўзах борми? Бу хил саволлар кўп асрлар давомида кишилар фикрини банд этиб келди. Инсоният тарихида ўтган барча машҳур олим ва мутафаккирлар, шоир ва ёзувчилар бу

муаммолар устида бош қотириб, ҳақиқатни билишга ҳаракат қилишди. Бу ҳақда жуда кўп фикр қилган, ўз илмий ва бадий асарларида қайта-қайта шу масалага қайтган Умар Хайём:

Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил?  
У дунё хабарин ким берган, э дил?  
Қўрқув-умидимиз шулардан, аммо  
Ному нишонасин ким билган, э дил?—

деб нидо қилади. Баъзан эса ўз-ўзига жавоб бергандай бўлади:

Масжиду бутхона, минбарда «Е-ху!»  
Жаннатга умиду дўзахдан қўрқув —  
Фақат дунё сирин англаган қалбдан  
Абадий қувилмиш бу ташвиш, қайғу.

Кўриниб турибдики, бунда файласуф шоир охиратни ҳеч ким кўрмаганини, бу гапларнинг ҳаммаси одамларни овутиш ёки қўрқитиш учун тўқилган уйдирма эканлигини очиқ-ойдин айтади.

Улуғ шоир ва олим Алишер Навоий ҳам бу ҳақда фикр юритар экан, зоҳидга мурожаат этиб:

Қўрқитма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях,  
Жаннат менга дебон бўлғуси урма занях.  
Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур,  
Жаннат бари сенинг биладир дўзах,—

деган; жаннат ва дўзах ҳақидаги диний афсоналарга хилоф равишда, жаннат ёки дўзахни кишиларнинг хулқи билан боғлаган эди.

Тоҷик классик адабиётининг ажойиб намояндаларидан бири Хўжа Ҳофиз Шерозий ҳам шу маънода:

Ҳар ким қўлидан кетса агар васли ёр,  
Биҳишт ҳури лабидан топмагай бол!—

дейди. У дунёдаги насиа ҳуру филмонларга ишбониб, бу дунёдаги нақд лаззатлардан қуруқ қолиш ақлдан эмаслигини Ҳофиз бошқа шеърларида ҳам кўп марта таъкидлайди.



Хайём ҳам рубойларининг кўпида у дунёга мана шу реал дунёни қарши қўяди:

Афсус ҳаёт кетди, тонгим тун бўлди,  
Ажал дастидан кўп жигар хун бўлди.  
У дунёдан келиб, ҳеч ким айтмади:  
Кетганлар бошида қандай кун бўлди.

Хайём ижодига назар ташлар эканмиз, мутафаккир шоирнинг умр бўйи ҳақиқат излаб, чуқур мулоҳазалар қилиш натижасида у дунё ҳақидаги афсоналарнинг пуч эканлигини тушунганини кўрамиз. Унинг фикрича, бизга кўриниб турган дунёдан бошқа ҳаёт йўқ. Инсон ўлганидан кейин унинг руҳи умумий руҳга, танаси эса чириб тупроққа қўшилиб кетади: биз босиб юрган ернинг ҳар бир гарди қачонлардир шоҳларнинг боши ё гадоларнинг қўли ёки гўзалларнинг кўз қорачиғи бўлгандир. Ана шундай фикрий ассоциациялар сабабли Хайём кўкатлар устидан босиб борар ёки йўл устидаги ажойиб қасрларга назар ташлар экан, уларда шоҳлар бошини, гадолар қўлини, гўзаллар ёноғини кўради:

Тупроқни топтайди подон оёғи,  
Билмаски — бу жонон юзин тупроғи.  
Сарой кунгурасин безаган ҳар гишт —  
Султон калласи ё вазир бармоғи.

Ёки:

Қайдаки гулзордир, шан лозордир —  
У ерда шаҳриёр — шоҳ қони бордир.  
Қайдаки бинафша унади ердан —  
Бир гўзал холи эди, энди ғубордир.

Шоир кулол қўлидаги лойнинг: «Мени секинроқ муштла, мен ҳам кулол эдим», — деган товушини эшитади. Кулол дўконига қатор турган кўзалар шоирга улар ҳам бир вақтлар одам бўлганликларини, ораларида кўзагарлар, кўза сотувчи ва олувчилар бўлганлигини айтадилар:

Кулол дўконига ташладим назар —  
Икки мингча кўза жим суҳбат қурар:

«Қайсимиз сотувчи,— деди бир кўза,—  
Қайсимиз олувчи, қани кўзагар?»

Бундай «суҳбатларни» фақат тинмай ҳаёт ва борлиқ сирларини излаган мутафаккиргина «эшитишни» мумкин эди.

Ёки:

Кулол дўконига кирдим бир сафар,  
Дастгоҳда ишларди уста кўзагар.  
Гадо қўлидану шоҳнинг бошидан —  
Кўзанинг бўйнию дастасин ясар.

Модомики, шундай экан, у дунё ва охираат ҳақидаги афсоналар кимга керак, ким уларни тарғиб этади?

Бу афсоналар биринчи галда меҳнаткаш халқ меҳнати ҳисобига яшовчилар, мутаассиб руҳонийлар учун зарур эди. Улар ана шундай уйдирмалар ёрдамида халқнинг қўл-оёғини боғлаб, онгини дин билан заҳарлар эдилар. «Дин— маънавий оғунинг бир навидир,— деган эди В. И. Ленин,— капитал қуллари ўзларининг кишилик қиёфатларини, кишига бирмунча муносиб турмуш кечирishi тўғрисидаги талабларини шу оғуда ҳалок қилмоқдалар».<sup>1</sup>

Революциядан олдин бизда ҳам, ҳозирги мустамлака мамлакатларида бўлгани каби, «сув келтирган хорзору, кўза синдирган азиз» эди. Жафокаш халқ меҳнатинини бутун ея олмас, ўз меҳнати орқали дунёнинг барча бойликларини яратганларнинг ҳаёти донмо қашшоқликда ўтар, ҳузур-ҳаловатни эса зolimлар кўрар эди. Шунинг учун ҳам Хайём замонасига қаратилган ўтли сатрларида:

Эй чарх, нокасларни қилдинг фаровон,  
Ҳаммому уй бердинг, ер-сув, тегирмон.  
Тўғри киши гаров бир бурда нонга,  
Жирттакка арзимас бундайин даврон!—

деб фиғон чекади.

Текинхўр муллалар, шайхлар, сўфилар— руҳонийлар халқни алдаб, товламачилик қилиш, жаҳолатда қолган

<sup>1</sup> В. И. Л е н и н. Асарлар, 10-том, 76-бет.

соддадил кишиларнинг понини «туя қилиш» билан маш-  
ғул. Ана шундай шахсларни фош қилиб, Хайём:

Муфти, сендан кўра пуркорроқдирмиз,  
Ута маст бўлсак ҳам ҳушёрроқдирмиз.  
Биз ток қонин ичамиз, сен — одам қонин,  
Инсоф қил, қайсимиз хунхорроқдирмиз,

дейди.

Дастлаб, табиат сирларини тушунмаслик, табиат  
олдида ожизлик натижасида юзага келган дин бориб-  
бориб текинхўр руҳонийлар қўлида халқни талаш қу-  
роли бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам биз ўтмишдаги  
жуда кўп шоирларимиз ижодида, шу жумладан, Хайём  
асарларида ҳам, гарчи уларнинг ўзлари диний ақида-  
лардан батамом қутулиб кетолмаган бўлсалар-да,  
мана шу текинхўр золимларга қарши айтилган ўтли  
сатрларини кўплаб учратамиз.

Диний эътиқод ва маросимлар орасида рўза алоҳи-  
да ўринда туради.

Рўза (ёки рамазон) арабларда ислом дини вужудга  
келмасдан олдин ҳам бўлган. Рамазон ойн эски араб  
календаринда энг иссиқ вақтга тўғри келган. Бу мав-  
сумда Арабистонда ҳавонинг ҳарорати жуда юқори да-  
ражага чиқиб кетади. Ҳатто, ариқларда сувлар ҳам  
қуриб қолади. Одамлар бу офатни худо юборган деб,  
куни бўйи овқат емай, сув ичмай тангрига нола билан  
тоат-ибодат қилганлар.

Ислом дини жорий қилингандан кейин ҳам бу маро-  
сим сақланиб қолди ва бутун мусулмон мамлакатлари-  
га тарқалди. Аммо, энди мусулмон календари ойнинг  
фаслий ўзгаришларига қараб тузилганлиги учун, рама-  
зон ойн йилнинг турли вақтларида келадиган бўлиб  
қолди.

Рўза (рамазон) одамни меҳнатдан қолдирадиган,  
соғлиққа катта зарар келтирадиган маросимдир. Шу-  
нинг учун ҳам Абу Али ибн Сино: «Рамазон — Мара-  
зон», — деган эди. «Рамазон» сўзидаги икки ҳарф —  
«р» билан «м»нинг ўрнини алмаштириб, Шарқ адаби-  
ётига хос қалб (метатеза) санъатини ишлатиш билан  
ҳосил қилинган бу иборадан: «Рамазон касалликлар-  
дир» деган маъно чиқади.

Умар Хайём бир рубонийсида рўза — рамазон ҳақидаги жиддий гапларнинг ҳаммасини мазах қилиб:

Дерларки, шаъбонда май ичиб бўлмас,  
Ражаб — худо ойи, ичма бир нафас.  
Шаъбон, ражаб — худо, пайғамбар ойи,  
Рамазон бизники, шунда ичсак бас,—

деса, яна бошқа бир рубонийда ундан намоз ўқиш, рўза тутишни талаб қилган муҳтасиб устидан, умуман, ана шу маросимлардан аччиқ кулади.

Аммо Умар Хайёмнинг фикр-хаёлини фақат шу масалаларгина банд қилган, десак ҳақиқатга хилоф бўлур эди. Мамлакатимизнинг илғор кишилари қатори, Хайём ҳам умуман диннинг, хусусан, ислом динининг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилган. Улар неча асрлар давомида коинот ҳақида, ер юзида ҳаётнинг вужудга келиши ва ривожланиши, одамзоднинг пайдо бўлиши, унинг ўз тараққиётида қайдан келиб, қаёққа кетаётганлигини, дунёда нечун антиқсизликлар борлиги, диний доғмаларда инсон ақлига сиғмайдиган изоҳ, тушунтиришларнинг мавжудлиги ҳақида ўйлаб, бу муаммоларга жавоб излаганлар:

Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,  
Ерга чанг қўнди-ю, кўмилиб кетди.  
Дунёга келишинг — кетишинг инма —  
Бир чивин туғилди ё ўлиб кетди.

Хайём бу жумбоқ ҳақида дейди:

Э дил, бу жумбоқни ҳал этолмассан,  
Донолар сўзини сен айтолмассан.

Дин арбоблари бундай муаммолар устида бош қотириб ўтирмай оддий қилиб: «Ҳаммасини худо яратган, ҳамма нарса худонинг иродаси билан бўлади», деб жавоб бериб қўя қолади. Аммо бу жавобдан сўнг масала ойдинлашиш ўрнига, яна баттарроқ чалкашади. Бир савол ўрнига ўнлаб янги саволлар туғилади. Бундан қаноатланмаган Хайём:

Қўплар донишманд деб билдилар ўзни,  
Худонинг зотидан очдилар сўзни.

7,5

Ҳеч бири билолмай азал сирларин.  
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни,

дейди.

Агар, қуръонда айтилганидек, одамни худо яратган бўлса, ҳамма нарсани одам учун, унинг бахт-саодати учун вужудга келтирган бўлса, нега уни яна ўлимга маҳкум этган?

Ҳамма нарсаларни яратиб оллоҳ,  
На учун сндириб отади, эвоҳ!  
Яхши бўлса нега парчалар уни?  
Ёмон бўлганда, айт, кимда гуноҳ?!

Бу савол кўп асрлардан бери кишилар фикрини банд этиб келган. Бунга ҳам руҳонийлар: «Кишилар ўлмасалар, у дунёда ўз қилмишларидан ҳисоб бермасалар, дунёда гуноҳкорлар кўпайиб кетади, қиёматқонм бўлади»,— деб «жавоб» берадилар. Аммо бу ҳам яна янги-янги саволлар туғдиради, янги қарама-қаршиликларни вужудга келтиради.

Жуда кенг тарқалган ва руҳонийлар қўлида кучли қурол бўлиб келган диний ақидалардан бири тақдири азал ҳақидаги уйдирмалардир.

Қуръоннинг 37-сура, 94-оятда бу ҳақда: «Худо сизни ва ҳамма амалларингизни (яъни ишларингизни) яратди»,— дейилади. Қуръон одамни продасиз, ҳуқуқсиз бир махлуқ ҳисоблаб: «Кишилар фақат худо хоҳлаганини хоҳлай олади» (81-сура, 29-оят), «уларнинг ихтиёри ўзида эмас» (28-сура, 68-оят),— дейди. Қуръонда инсон ақли идроки, унинг иродаси инкор этилиб, тақдири азал биринчи ўринга қўйилади. Шунинг учун ҳам К. Маркс: «Мусулмонликнинг асоси тақдирга ишонишдир»,<sup>1</sup> деб ёзган эди.

Қуръонда киши ўз тақдиридан ташқари чиқиб кета олмаслиги, кимда-ким ўз хоҳиши билан яшамоқчи бўлса, қаттиқ жазога дучор бўлиши уқтирилади.

Модомки, одамларнинг тақдири яратган тангри томонидан азалдан белгиланиб қўйилган бўлса, уларнинг ҳар бир ташлаган қадами, қиладиган иши худонинг иродаси билан бўлса, у вақтда нега инсон қилмишлари учун жавобгар бўлади?

<sup>1</sup> К. Маркс. Ф. Энгельс. Сочинение, том 9, стр. 427.



Ераб, лойимни-ку қорган ўзингсан,  
Ўриш-арқогимни ўрган ўзингсан.  
Емонманми, яхши — мен қандоқ қилай?  
Тақдир манглайини берган ўзингсан.

Яна:

Тангри, ўзинг шундай яратдинг мени,  
Маю чолғучига қаратдинг мени.  
Азалдан шу хилда яратиб қўйиб,  
Нечун дўзахингга қулатдинг мени?!

Улуғ шоирнинг бундай саволларига жавоб беришдан  
днн ожиз эди.

Ўтмишнинг жуда кўп мутафаккирлари сингари,  
Хайём ҳам динни бутунлай инкор этмаган бўлса-да,  
унинг айрим томонларини, жумладан, тақдирни азал ҳа-  
қидаги гапларни шубҳа остига олган эди. Худонинг иро-  
даси, худонинг хоҳиши ҳақидаги диний тушунчаларга  
қарши Хайём жасурлик билан:

Хоҳлаган ишимни хоҳламас худо,  
Қачон истагимни айлабди бажо?  
Унинг истаклари тўп-тўғри бўлса,  
Менинг истаklarим барчаси хато,—

дейди.

Ҳамма динлар ҳам қуллик ва бандаликни тарғиб  
этади, озодликка интилган инсон иродасини букиб, унда  
қулларга хос хислатларни тарбиялашга интилади. Бу-  
ни фош қилиб, Хайём:

Каъбаю бутхона — қуллик хонаси,  
Бутхона занги ҳам шум таронаси.  
Меҳробу калисо, тасбиҳу салиб —  
Барчаси қулликнинг бир нишонаси,—

дейди.

Инсоннинг мағрур руҳи ҳамма нарсадан юқори  
эканлигини тушунган мутафаккир шоир қуллик ва бан-  
даликка қарши исён кўтаради, ақл ва мантиқ кучини  
диний ақидалардан юқори қўяди.

Руҳонийлар динни ниқоб қилиб, турли диндаги миллатлар орасига низолар солаётган ўрта асрчилик зулматида Умар Хайём инсоннинг энг яхши фазилатларини: бир-биринга ёрдам бериш, дўстлик, биродарликни улуглади ва тарғиб қилди, одамларга яхшилик қилиш-ни тоат-ибодатдан ҳам юқори қўйди:

Кўп сусткашлик қилмай ўтказ намозинг,  
Барча билан баҳам кўр кўпу озинг.  
Қасд қилма бировнинг молу жонига,  
Тонг-ла мен жавобгар, бер маю созинг.

Унингча, ҳатто Маккага бориб зиёрат қилиб келиш ҳам бирор кишининг дилини овлаш, кўнглини олиш олдиди ҳеч гап эмас:

Муҳтожлик кўйида ҳар дилни овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Минг Қаъба сафари бир дилча турмас,  
Маккада нима бор, кўнглини овла.

Яна:

Бир гариб кўнглини қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.

Хайём ўзининг:

Киши ўзлигидан яхши, ёмон ҳам  
Қозову қадору қувонч ҳамда ғам.

Хуррамлик асоси, кони алам биз,  
Ситам асли, адл мояси ҳам биз.  
Пастмизу, баландмиз, етукмиз, кам биз,  
Занг босган оина ҳам жоми жам биз.  
Умринг қачонгача ўзим деб ўтар,  
Йўқлик-борлик аро кездим деб ўтар?

Ҳар сирни дилда сақласа доно,  
У яширини бўлсин мисоли анқо.  
Садафининг ичида қатра дур бўлур,  
Сир қилиб қалбида яширгач дарё,—

каби бир қатор рубойларида инсонни меҳнатсеварликка, билим, санъат ўрганишга чақиради. Унинг фикрича,

кишини бахтсизликларга олиб келадиган нарса мол-мулкка ҳирс қўйиш ва тамагирликдир. Шоир: «Шод бўлмоқ истасанг— элдан тама уз»,— дейди ва дунёга ҳирс қўймасликка, қаноат билан яшашга чақиради:

Мол-дунё ҳасрати қилмасни афгор.  
Токай рангу бўгга асир бўлурсан.  
Яхши-ёмонни деб дилгир бўлурсан.

Унинг фикрича, меҳнат қилиб топиб ейилган нон қадрли ва ширин бўлади:

Бир сўнгакка сордек қаноат қилгон  
Афзалдир нокасга бўлгандан меҳмон.  
Нокасининг шининлик понидан яхши  
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.

Киши қанчалик камсухан, меҳнаткаш, камтарин бўлса, унинг фазилатлари шунча аъло, эл ичиди эътибори баланд бўлишлигини шоир ажойиб образлар орқали таърифлайди:

Биласанми савсан ҳам сарв тақдирини,  
Оғизларда дoston бўлганлик сирин?  
Бириси юз тили билан жим турар,  
Бириси юз қўлдан узатмас бирин.

Шоир одамларни иноқ-иттифоқликка чақиради:

Қўлни қўлга бериб бўлмасак ҳамдам,  
Шодлик оёғидан тепки емас гам.

Хайём гуманизми унинг барча шеърларида яққол кўзга ташланиб туради.

Умар Хайём инсоният олдида жуда катта хизмат қилди, зулматичида билим машъалини ёқди, инсон тақдирини ўйлаб, унинг «бекордан-бекорга кукун бўлаётгани», «очилмай сўлаётгани»га қайғурди, «бу қора тундан» қутулиш йўлларини излади.

Исёнкор шоир ҳақсизлик ва ситамга барҳам бериш йўлларини топа олмагач, ҳар дами ғанимат билишга чақириб, гедонизм ғояларини тарғиб қила бошлади. Умр бир неча кунлик омонат, ундан олганингча олиб қол, қайғу, алам ҳам, шодлик ҳам ўткинчи, шунинг учун

бу умрнч ғам билан ўтказсанг — ғам билан, қувноқлик билан ўтказсанг— қувонч билан ўтади, деган хулосага келди:

Гул кулиб боқарди, май — жомда ёқут,  
Бир маст булбул кўриб, этолмай сукут  
Юрак тили билан шивирлаб айтди:  
«Умр ўтиб боради, ҳар фурсатни тут!..»

Яна:

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,  
Қўлдан чиқармагил бўлмаини шодон.  
Қандоқ ўтказурсан — шундоқ ўтар умр,  
Хушёр бўл, шунақа аслида жаҳон.

Табиий фанлар, математика, астрономия соҳасида даврдан ўзиб кета олган олим ва файласуф-шоир жамият тараққиёти қонунларини тушунишда замонасининг қобилидан чиқа олмади. Шунинг натижасида ҳаётда кўп қийинчиликларга учраган, олижаноб орзу-умидлари чил-чил синган шоир бир қатор рубоийларида фатализмга берилади, ўзини тақдири азалга топшириш керак, деган хулосага келади, тақдир қалами нима ёзган бўлса, шу бўлади, уни ўзгартришга одамзоднинг қурби етмайди, деган фикрларни қайта-қайта такрорлайди:

Ризқингни ошиғу кам қилиб бўлмас,  
Оз-кўп деб кўнгилга ғам қилиб бўлмас.  
Бу ишлар сен, менинг қўлимиздаги  
Мум эмас-да, эзиб ҳам қилиб бўлмас.

Натижада шоир чуқур фалсафий умидсизликка тушади, энди: коннот сирини тушуниб бўлмайди деган хулосага келиб, агностицизмга ҳам йўл қўяди. У ноҳақлик ва истибдодга қарши курашга чақириш ўрнига, қудрат қалами билан ёзилган тақдирга тан беришга даъват этади. Бу— шоирнинг айби эмас; пессимизм шоирнинг фалсафаси ҳам эмас, балки унинг фожияси эди.

Хайём поэзиясининг тадқиқотчилари унинг шеърларида умидсизлик кайфияти кучли эканини қайд қилиб, унинг пессимизминини айрича таъкидлайдилар.

Ҳақиқатан ҳам унинг жуда кўп шеърларида умид-

сизлик, пессимизм руҳи кучли. Аммо Хайём пессимизми характери билан ҳам, уни юзага келтирган сабаблар эътибори билан ҳам ўзига хос эканлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Умидсизлик, дунёдан воз кечиш, бу дунё ўткинчи, вақтинча деб қараш Шарқда кенг тарқалган, айниқса, сўфийлар томонидан тарғиб қилинган ғоялардан эди.

Дунёвий ҳаётга меҳр қўймаслик кайфиятлари, асосан, бу дунё ўткинчи, ҳақиқий ҳаёт у дунёда бўлади, деган ақидадан келиб чиққан эди. Умар Хайёмда эса биз бунинг аксини кўрамиз. Улуғ мутафаккир нариги дунё ва ундаги ҳақиқий ҳаёт ҳақидаги гапларнинг афсона эканлигини яхши тушунган, реал ҳаётни севган, унинг ҳаётга муҳаббати шунчалик кучли бўлганки, мангу яшаш ҳақида тинимсиз орзу қилган:

Май ич — мангу ҳаёт, ҳайҳот, мана шу!  
Ешликнинг даврони, эй зот, мана шу!  
Гул фаслида маю маст улфат билан  
Бир дам ўлтир — асли ҳаёт мана шу!

Ҳаётнинг нақадар қисқалигини, энг олий мавжудот — қудратли инсон ҳам охири тупроқ билан қўшилишини кўрган ва ўлимга чора топиш мумкин эмаслигини тушунган шоир: шундай экан, бу дунёга келишнинг нима қизиги бор эди, деган хулосага келади:

Келмоқ қўлда бўлса, келмасдим бир дам,  
Кетмоқ қўлда бўлса, кетмас эдим ҳам,  
Жуда соз бўларди — бу ғамхонага  
Келмасам, турмасам, келиб-кетмасам.

Шунинг учун ҳам Хайёмнинг умидсизлик руҳи бор дейиш мумкин бўлган ҳар бир рубонийсида ҳаётга жўшқин муҳаббат қулф уруб туради, мангу ҳаётни орзу қилиш сезилади. Шоир умуман ҳаётга қарши эмас, у ҳаётдаги ўткинчиликка ва носозликларга қаршидир, чунки:

Бу кулфатхонада ҳосили инсон —  
Ғуссадан бўлакмас чиққунича жон.  
Хуррамдир — ким тезроқ кетди жаҳондан,  
Осудадир — кимки келмаса бир он,



Шунниг учун ҳам шоир куйиниб дейди:

Мен келдиму — дунё кўрдими фойда?  
Кетсам мартабаси ошарми? Қайда!  
Ҳеч ким тушунтириб бера олмади:  
Келишим-кеттишим сабаби қайда?

Хайём у дунё ҳақидаги афсоналарни тўқиганлар ҳам шу дунёда мавжуд нарсалар донрасидан четга чиқа олмаганлар, деган фикрни кўп рубоийларида такрорлайди. Улар жаннатда май, ҳур қизлар, сеҳрли чолғу ваъда қилдилар, булар ҳаммаси қуруқ гап:

Овоза тарқалса — чиқди янги гул,  
Ой юзли гўзалим, шароб келтиргил,  
Уйлама дўзаху жаннату ҳурини —  
Ҳаммаси овоза, яйраб ўлтиргил.

Жаннатда ваъда қилинганларнинг ҳаммаси ҳаётнинг ўзида мавжуд бўлса-ю, нега уларга эришиш гуноҳ ҳисобланади:

Жаннатда ҳам ҳуру ҳам май бўлармиш,  
Ҳаммаси мўл-кўлу нўмай бўлармиш.  
Биз маю машуқни севсак арзийди,  
Чунки оқибат ҳам шундай бўлармиш.

Аmmo:

Дерлар: жаннатда ҳур, кавсар бўлармиш,  
Ҳаммаси мўл-кўлу нўмай бўлармиш.  
Қадаҳини тўлдириб қўлгинамга бер,  
Минг насиядан бир нақд хуштар бўлармиш.

У ён-бу ёнимга ташлайман назар:  
Боғларда шилдираб оққан сув — кавсар.  
Кавсардан сўз очма, далалар жаннат,  
Шу жаннатда ўтир, ёнингда дилбар.

Шундай экан, жаннатни шу ҳаётда яратмоқ керак:

Э дил, бу жумбоқни ҳал этолмассаң,  
Донолар сўзини сен айтолмассаң.

Май ичиб, шу ерда жаннат пайдо қил.  
Жаннатга етарсан ё етолмассан.

Шоир умрни хушнудлик, вақтчоғлик билан ўтка-  
зишга чақиради:

Хуррамлик китобни ўқимоқ керак,  
Дилда гам кўкати ўсмасин андак.  
Май ичиб истагинг ўрнилат доим,  
Маълумки, тез келур ўлимдан дарак.

Жаҳонда гам ема қўлингдан келса,  
Яшимас бор-йўқдан дил дардга тўлса.  
Беш кулик дунёда шодлик-ла еб-ич,  
Бир дои этолмассан хазинанг бўлса.

Дунёни нима учун севмаслиги сабабини у бир  
рубойида шундай тушунтиради:

Сенга кўрсатсалар ясоглиқ олам,  
Сен севма — севмайди ақлли одам.  
Сендеклар бирталай келдию кетди,  
Сени олмай туриб, олиб қол сен ҳам.

Аммо геннал мутафаккир қандайдир ички ҳиссиёти  
билан олам абадий шундай қолмаслигини, инсон охири  
бошқа бир ҳаётга эришажагини сезади ва асрлар оша  
ўша ҳаётни кўришни орзу қилади:

Қошки тинч жой топиб, кетиб бўлсайди,  
Ё бу узоқ йўлни ўтиб бўлсайди,  
Юз минг йилдан кейин орзу-умидлар  
Тупроқдан кўкатдек униб кулсайди.

Шоир яна ҳамма нарса шу қудратли инсон қўлида  
эканлигини қайд қилиб, ёзади:

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,  
Қўлдан чиқармагил бўлмайин шодон.  
Қандоқ ўтказурсан — шундоқ ўтар умр,  
Ҳушёр бўл, шунақа аслида жаҳон.

Хайём дунёқарашидаги турли қарама-қаршиликлар,  
чалкашликлар ўша замондаги диний ақидаларнинг таъ-

сирдан, буюк шоир тафаккурининг ўша давр билан чегараланганлигидан ҳамда қадимий файласуфлар каби, у ҳам ўз замонасини тушунишга, дунёни тушунтириб беришга ҳаракат қилгану, аммо уни ўзгартриш йўлларини кўра олмаганлигидан эди.

Хайём рубоийларида талқин ва тарғиб этилган ғояларининг бир қисми бизга жуда оддий, ибтидоий бўлиб кўринса, яна бир қисми бутунлай ётдир. Аммо Хайём ижодини бир бутунлигича олиб қаралса, у ёрқин материалистик ва атеистик мотивларининг жуда кучлилиги билан ўз даври учун прогрессив воқеа эканлиги очиқ-ойдин кўринади.

«Умар Хайём майнараст бўлганми?» «Умар Хайём шеърларида нега май, шароб ҳақида кўп гапирилади?» деган саволларни жуда кўп эшитиш мумкин. Шунинг учун Хайём рубоийлари мавзун ва улардаги фалсафий фикрлар ҳақидаги суҳбатимизни тугатар эканмиз, унинг шеърларидаги май образи ҳақида мулоҳазаларимизни баён этиб ўтишни лозим кўрамиз.

Авалло шунни айтиш керакки, майни мақташ, уни шодлик ва қувноқлик рамзи сифатида таъриф этиш форс-тожик классик адабиётининг бошлангидаёқ шеъриятга кириб кела бошлаган. Биз бундай шеърларни улуғ Рудакийда ҳам, Шоҳид Балхний, Абумансур Дақиқий ва бошқа шоирлар ижодида ҳам кўплаб учратамиз. Шодлик, хуррам ва осойишта ҳаёт май, чолғу ва ёр ви-соли орқали куйланган. Хайём айтганидек:

Харобада мену май, маъшуқ учов  
Усту бош, жону дил шаробга гаров.  
Лутф умиди, азоб ваҳми писандмас,  
Бизга бедахл шамол, тупроқ, сув, олов.

Шунинг ҳам айтиш керакки, Умар Хайём май образини поэзияга киритишда устоз Абу Али ибн Сино издан боради ва унинг фикрларини ривожлантиради.

Маълумки, май, шароб ислом динида ҳаром ҳисобланиб, уни ичиш тақиқланади. Аммо Абу Али ибн Сино майга медицина нуқтаи назаридан баҳо бериб, бир қанча илмий китобларида, шеърини асарларида май ичишни тавсия этади. Масалан, у ўз автобиографиясида кечалари ҳориб, толиқиб, уйқуси ғолиб келган пайтларда бир қадаҳ май ичиб, ундан қувват олиб, тун бўйи илмий

иш билан машгул бўлганлигини айтади. Шеърларидан бирида яна:

Беродур руҳга озуқа тиниқ ички, бу гапдир ҳақ,  
Унинг ранги билан бўйи атиргулдин ўтар мутлақ,  
Ақиқдек кўринур, ёқут ранг, лаъли сифатдир ул,  
Ҳумойга айланур одам бирор жом ичган ониёқ,  
Боболар пандидек аччиқ эрурку, фойдадир, фойда,  
Фирибгарга фирибдир у, ҳақиқатчи учун ул ҳақ,  
Ақл фатвоси-ла доно кишиларга ҳалол эрди,  
Ҳаром бўлди шариятда ани ичган чоғи аҳмоқ,

дейди.

Бу шаробни тақинқлаган исломга қарши отилган ўқ эди.

Улуғ ҳаким «Май ичиш тадбири»да ва бошқа шеър ҳамда рубойларида гўё май ичишнинг рецентини беради. Масалан, бир рубойида у шундай ёзади:

Май мастга душману ҳушёрга ёрдир,  
Ози — тарёк, кўпи бир заҳри мордир,  
Кўп бўлса зарари оз эмас унинг,  
Оз бўлса унда кўп манфаат бордир.

Яна бошқа бир ўринда эса:

Кўп ичмак этма одат ҳам қулоқ сол:  
Озига қил қаноат, гоҳ қадаҳ ол,  
Қизил гулдек шароб руҳни этар шод,  
Вале очликда майни айлама ёд,  
Суюқ овқат билан парҳез қилгил,  
Ҳам иссиқ ош егач майдни тийилгил,  
Қўлингда бўлмасин пайваста бода,  
Бир ойда бир бор ичсанг — шул кифоя,

дейди.

Умар Хайёмда ҳам биз шунга ҳамоҳанг мисраларни учратамиз:

Май ичсанг оқилу доно билан ич,  
Ёки бир гул юзли зебо билан ич,  
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич ҳам яширин ич,  
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Яна:

Хушёр бўлсам — менам хурсандлик йироқ,  
Маст бўлсам ақлимдан ажрайман бироқ,  
Мастлигу хушёрлик оралиги бор —  
Ҳаёт шу, унга қул бўлсам яхшироқ.

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, Хайём майни бир зум бўлса-да, дунё ташвишидан қутулиш воқитаси, олим ва фозил кишиларни эзган ғам-аламга қарши тарёк, шунингдек, руҳий озик сифатида ҳам тавсия этади:

Қиш ўтиб, келадн баҳор садоси,  
Етар умр варағини ҳам иштиҳоси.  
Ғам ема, май ичгил, ҳақим дебдики:  
«Жаҳон ғами — заҳар, шароб — давоси».

У «Наврўзнома» китобида ҳам ҳақим сифатида шундай фикрларни айтади; китобнинг «Шароб манфати ҳақида сўз» деган бобида ёзади: «Жолнус (Гален), Суқрат (Сократ), Буқрат (Гиппократ), Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Закарня Розий каби тиб олимлари киши танаси учун шаробдан фойдалироқ ҳеч нарса йўқ, айниқса, у аччиқ ва соф узум шароби бўлса, деганлар. Унинг хусусияти шундаким, у қайғунин олиб кетади, दिलни хуррам этади, танни тоза қилади, гализ таомларни ҳазм қилдиради, ёноқларни қизартиради, териш тиниқ ва равшан қилади, эс-ҳушни ўткирлаб, фаҳмни кучайтиради, бахилни сахий, юраксизни дадил қилади, шароб ичувчининг касалликларини камайтиради, у кўпинча саломат юради... Баъзи зийрак кишилар шаробни мардлик ўлчови деб биладилар, баъзилар уни ақл мунаққиди ҳисоблайдилар, баъзилар билим тарозиси ва баъзилар истеъдод белгиловчиси деб биладилар: улуғлар шаробни аламни ювадиган совун, баъзилар эса ғам ўришга шодлик келтирувчи дейдилар: кимки 5 коса тоза шароб ичса, унинг ҳамма яхшилигу ёмонлиги зоҳир бўлади ва ўз гавҳарини (яъни ўзининг қандайлигини, кимлигини— Ш.Ш.) намоён қилади. У (яъни шароб— Ш.Ш.) бегонани дўстга айлантиради, дўстликни оширади; яна унинг шундай хусусияти борким, у дўстларни бир улфатга йиғади.



Шаробнинг латифлиги ҳамма еб-ичадиган нарсалардан ортиқ, чунки дунёдаги ёгли, шириш, нордон, аччиқ нарсаларни, бир тўйгандан кейин, ортиқ еб ичолмайсан, ортиқчаси дарров кўнгилга уради, шаробни эса қанча ичсанг, шунча ичгинг келади, унга одам тўймайди ҳам, киши кўнгилга урмайди ҳам. Шароб ичимликлар подшосидир, жаннатда ҳам неъматлар кўп, аммо ундаги неъматларнинг энг яхшиси шаробдир, агар шундай бўлмаганида уни (худо) ўзига махсус қилиб қўймас эди. (Ҳарчандки икки дунё неъматини унинг ҳукмида бўлишига қарамай), у ўз китобида: «Васоқоҳум раббихум шаробан таҳуро» — «Уларнинг худолари уларга (гап жаннатдагилар устида бораётир — Ш. Ш.) тоза май ичирди», демаганми. Одамларга унинг манфаати кўп, лекин унинг манфаатидан касофати кўпроқ.

Доно киши шундай ичиши керакким, касофатидан манфаати кўпроқ бўлсини, унга кўп азоб келтирмасин. У риёзат чекиб, ўзини шундай даражага етказиши керакким, шароб ичганида бошдан-охиригача ундан бирор ёмон сўз ва ёмон қилиқ зоҳир бўлмасин. Узини шундай ўргатиб олгандан кейингина шароб ичса бўлади».<sup>1</sup>

Бундан кейин автор турли шаробларнинг хусусиятлари ҳақида ёзди: «Маст қилувчи шаробнинг манфаати шундаким, у таомни ҳазм қилади ва асл ҳароратни, яъни табиий ҳароратни оширади, таини бақувват қилади ҳамда уни сийдик, тер ва буғланиш ёрдамида тозалайди.

У қизиқ қонли кишиларга зарар қилади. Агар қизиқ қонли кишиларнинг шароб ичиши лозим бўлса уни сув ёки гулоб қўшиб, зарардан холи қилиш мумкин.

Оқ, суюқ шаробнинг нафи: у кам овқат талаб қилади, қизиқ қон кишиларга ҳам ярайди. У сийдик билан аста-секин сафрони тозалайди. Унинг зарари: меъдасида сафро ошиб кетган кишиларда юракни дам қилади, бўғинларни оғритади. Зарарини йўқотиш: қатиқ, газак, қоқ кабоб билан уни зарарсизлантириш мумкин. Шунда у зарарсиз ва фойдали бўлади...

Аччиқ қора шаробнинг фойдаси: балғамни йўқотади — юракни дам бўлишидан халос қилади, меъда дардига нафи тегади...

Райҳоний шаробнинг фойдаси: юрак ва меъдани бақувват қилади, касалликлар натижасида юз берган

<sup>1</sup> Умар Хайём. Наврўзнома (форс тилида, нашрга тайёрловчи Муттабо Минавий). Техрон. 1933, 60—61-бетлар.

иситма пайтида фойдали. Зарари: кўз ва бошни оғри-  
тади, мияга уради. Уни кофур, гулоб, бинафша ёрда-  
мида ва нордон мевалардан газак истеъмол этиб зарар-  
сизлантириш мумкин».<sup>1</sup>

Бу табибона фикрлар Иби Синоннинг юқорида кел-  
тирганимиз шеърларида ва бир қанча тиббий китоблари-  
да баён этилган фикрлари билан ҳамоҳанг. Хайём ру-  
бонийларининг кўпида ҳам шу фикрлар ўзининг поэтик  
ифодасини топган. Кези келганда яна бир бор шунини  
ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, кўпчилик рубонийларида-  
ги каби, Хайём юқорида тасаввуф маъносини тақиб  
бўлмайдиган аниқлик билан узум ширасидан бўлган,  
кишини маст қиладиган, шу дунёда мавжуд моддий  
шароб ҳақида сўз юритмоқда. Муаллиф бу бобни май-  
нинг келиб чиқини ҳақидаги қизиқ бир ривоят билан  
туғатади. Ривоятда айтилишига кўра, «Хирот подшоеси  
Шамироннинг ўғли Бодом Хумо қушининг бўйинига ўра-  
либ олиб, уни чақмоқчи бўлиб турган илонни ўқ билан  
уриб ҳалок қилади ва қушини ўлимдан сақлаб қолади.  
Янаги йили худди шу кунин подшо томоша қилиб ўтирса,  
Хумо қушини унга бир нарсанинг уруғини олиб келиб таш-  
лаб кетади. Шамирон уруғини боғбонига бериб, ўстиради,  
тарбия қилдиради. Уруғдан ўсиб чиққан ток ҳеч ким  
кўрмаган бир мева беради. Мевани ейишни билмаган  
арбобу аъёнлар йиғилиб, бунинг фойдаси шарбатиди  
бўлса керак, деган ҳукм чиқарадилар. Шу боғнинг  
ўзига бир хум келтириб, ҳамма мевани эзиб, хумга со-  
лишади. Боғбон унинг қайнаб чиққанлигини, кейин ти-  
ниганлигини кузатиб боради ва шоҳга хабар қилиб ту-  
ради. Шарбат тиниқ, шаффоф ҳолга келгач, уни синаб  
кўрмоқ учун ўлимга ҳукм қилинган бир маҳбусни олиб  
келиб, уч коса ичиринишади. Маҳбус шарбатни ичгач, жуда  
қувноқ бир ҳолга келиб, шоҳни ҳам, вазирни ҳам писанд  
қилмайди, ўйнаб-кулиб охири ухлаб қолади. Эртасига  
уйғонганидан кейин, уни подшо ҳузурига олиб келиша-  
ди. Шоҳ ундан: «Кеча нима ичдинг ва нималар ҳис қил-  
динг»,— деб сўрайди. У бўлса шундай жавоб беради:

«Нима ичганлигимдан хабарим йўқ, аммо жуда ях-  
ши нарса эди. Бугун ҳам ўшандан уч коса топилса қа-  
нийди! Биринчи қадаҳни қийналиб ичдим, чунки таъми  
аччиқ эди, меъдамга жойлашиб олгач, таъбим яна истаб

<sup>1</sup> Уша асар, 62—63-бетлар.

қолди. Иккинчи қадаҳни ичганимда дилимга шоду хурамлик кирди, кўзларимдан шарму ҳаё кетди, дунё менга жуда енгил кўриниб қолди, мен билан шоҳ орасида ҳеч фарқ йўқдек туюлди, жаҳон ғами дилимдан кўтарилди. Учинчи қадаҳни ичганимда кўзимни уйқу босди». Сўнг шоҳ унинг гуноҳидан ўтиб, озод қилиб юборибди. Шу сабабдан ҳамма донишмандлар шаробдан яхши ичимлик, йўқ деган фикрга келибдилар. Зеро унинг бундай хусусиятлари ҳеч бир таом ва мевада йўқ. Шоҳ Шамиронга шароб ичиш шундай маълум бўлган... У базмлар қурган... Узум токи Ҳиротдан бутун жаҳонга тарқалган, дейишади».<sup>1</sup>

Бу гаплардан кўриниб турибдики, Умар Хайём юқоридан келтирганимиз рубоийлардаги каби, бу китобда ҳам улуғ устози Абу Али ибн Сино изидан бориб, майга ўша замон тиб фани нуқтан назаридан қарайди ва уни дори учун оз-оз ичиш кераклиги, унинг қизиққон кишиларга зарари, турли касалликларга ҳам фойда-зарари ҳақида сўз юритади.

Аммо бир қатор рубоийларида Хайём шонрона муболага билан ана шу чегаралардан чиқиб кетади. Масалан,

Бир ботмон бодани бир жомга солсам,  
Икки жом май билан бой бўла қолсам.  
Аввал ақлу диним қилиб уч талоқ,  
Сўнгра ток қизига уйланиб олсам.

Яна:

Шундай ичайинки, ўлсам ул шароб —  
Ҳиди мазоримдан чиқсин бурқираб.  
Хумори ўтарса қабрим бошидан,  
Иси элитсини айласин хароб!

Уша даврда: «Шундай ичайинки...» деган хитобнинг ўзи мусулмончилик ақидаларига қарши чиқиш эди. Хайём май образидан гоҳо кишилар портретини чиқиш учун фойдаланади:

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,  
Майдан ечилмаган бирор тугун кам.

<sup>1</sup> Уша асар, 69—70-бетлар.

Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон,  
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.

Гоҳо худбинликни фош қилади:

Май ичман, мастлик қилмайман асло,  
Қадаҳдан ўзгага бўлмайман бало.  
Бода ичинликдан менинг гаразим —  
Ўзимга сен каби қўймаслик бино.

Аммо кўпчилик рубоийларида мутафаккир олим  
фалсафий фикрларини баён қилиш учун май образидан  
қайта-қайта фойдаланади. Масалан, материянинг аба-  
дийлиги, унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши,  
ўлик ва тирик табиат ўртасида ўтиб бўлмас чегаранинг  
йўқлигини эътироф қилар экан, бу фикрларни:

Лабим қўйиб кўза лабига бир дам,  
Узуи умр воситаси талабин қилсам,  
Лабин келтирдю лабимга, деди:  
«Мен ҳам сендек эдим, бир дам бўл ҳамдам».

Тур, гўзал, очилсин баҳри-дилимиз,  
Жамолини ҳал қилсин ҳар мушкулумиз.  
Тупроғимиз кўза бўлмасдан бурун  
Бир кўза ичайлик, жўйсин дилимиз,—

каби мисраларда май ва кўза образлари ёрдамида те-  
ран фалсафий фикрларни катта маҳорат билан баён эта-  
ди.

Хайём халқнинг моддий ҳаётинигина эмас, маъна-  
вий ҳаёти, фикр-ўйларига ҳам золим ҳукмдорлар, жо-  
ҳил, мутаассиб руҳонийлар ҳукм ўтказиб келаётган бир  
даврда мана шу зотларни фош қилиш, ўзининг илғор  
фикрларини яшириш учун маст ринд образидан фойда-  
ланади. Баъзан у ҳушёрликда беролмайдиган саволлари-  
ни мастликда журъат этиб ўртага ташлайди ва ўзи каби  
«маст» киши тилидан жавоб беради:

Мастона йўл олдим майхона томон,  
Кўза қучган маст чол бўлди намоён.  
Дедим: уялмайсан худодан нечун?  
Ул деди: ичавер, худо меҳрибон.

Дунёга келиб мен бўлдим донм маст,  
Қадр кечаси ҳам мен масту аласт.  
Лабим жом лабида, қучоғимда хум,  
Тонг отгунча қўлим кўзага пайваст.

Кўрдим, майхонада мўйсафид хуммор,  
Кетганлар хабарин қил, дедим, изҳор.  
Дедиким; май ичгил, биздеклар бисёр.  
Кетишди, хабари келмади эинҳор.

Бу шеърларда тасвирланган зеҳни май билан хираланган сармаст кишининг берган жавоблари ўткир, чуқур маънога эга, жиддий фалсафий мулоҳазаларнинг яқунидир. Бу жавоблар ҳушёр ва «билимдон» руҳонийларнинг муқаддас китоблар талқинида келтирилган далилларида кўра мантиқийроқ. Баъзида шоир бундай «маст»ларни тўғридан-тўғри муҳтасиблар, зоҳидлар билан тўқнаштириб, тўрттагина мисрадан иборат кичкина шеърда ўткир, ажойиб таъсир кучига эга бўлган драматик диалоглар яратади:

Шайх фоҳишага дер: «Нима бу ишинг,  
Май ичиб қўлма-қўл қўниб юришинг?!»  
У дер: «Мен шундаймен, аммо сен айт-чи,  
Сиртинг кўрсатгандай покми қилмишинг?!»

Ёки лирик қаҳрамон — автор: «Нега намоз ўқимадинг, нега рўза тутмадинг?» — деб унинг тепасига келган муҳтасибга жавоб бергандек бўлади:

Кўнглим бўлгач, намоз-рўзага мойил,  
Дедим, буткул мурод бўлгуси ҳосил.  
Бир ел билан, афсус, синди таҳорат,  
Рўзамни бир қултум май қилди ботил.

Бу рубойда шоир мусулмончиликнинг «ҳам фарз, ҳам қарз» ақидалари — намоз, рўза устидан қаттиқ кулаётгани аниқ. Бу Эрон рассомларидан М. Тажвизийнинг мазкур рубойга ишлаган расмида ҳам яхши тасвирланган.

Умар Хайём бир қатор рубойларида фақат уламо, муҳтасиб, муфти кабилар устидан кулиш учунгина эмас,



балки умуман, дин ёки дин ақидаларини мазах қилиш  
учун ҳам май образидан усталик билан фойдаланган:

Хум тувоғи Жамшид давлатидан соз,  
Қултум май Марямнинг овқатидан соз.  
Мастларнинг тонготар чеккан оҳлари  
Бусайид, Адҳамнинг ниятидан соз.

Май ичиб, яхшилар қўрни қуршамоқ —  
Суфийванид жаврашдан минг бор яхшироқ.  
Агар ошиқу маст дўзахий бўлса,  
Жаннат бетини ҳеч ким кўрмасди ҳеч чоғ.

Сотардик хон тахти, тожи Қай бўлса,  
Салла, чопонини ҳам, агар най бўлса,  
Фирибнинг лашкари бўлган тасбиҳни  
Бирдан сотар эдик, қултум май бўлса.

Улуғ файласуф май ичиладиган пиёла четига битил-  
ган оят қуръонга қараганда ҳам кўпроқ ўқилишини таъ-  
кидлайди:

Дунёда улуғ сўз — қуръон ўқилур,  
У ҳам мудом эмас, аҳён ўқилур.  
Пиёла четнда бир оят борки,  
Ҳар жойда, ҳамиша, ҳамон ўқилур.

Бошқа рубоийларда эса шоир тўғридан-тўғри қуръ-  
ондан олинган парчаларни тазмин қилиб, уларга ўзга  
маъно беради:

Бир кекса маст эрди, уйқуда эрди,  
Эс-ҳушин шипириб шамолга берди.  
Май ичиб, маст бўлиб, ухлаб гангираб,  
«Валлоҳу латифун бинбодих»<sup>1</sup>, дерди.

Офтоб тонг камидини туширди томга,  
Кундуз шоҳи муҳра солмишдир жомга.  
Май ич: ишқ нидоси саҳар пайтида  
«Ишрабу...»<sup>2</sup> овозини ёйди айёмга.

<sup>1</sup> «Худо бандаларига лутф қилувчидир».

<sup>2</sup> Ич — қуръондаги: «Ё, ич, исроф қилма» оятидан олинган.

Май образи тасаввуф адабиётида «ишқ шароби», худога бўлган муҳаббат маъносида ишлатилади. Баъзи тадқиқотчилар, айниқса, Эрон, Ҳиндистон ва Ғарбий Европа тадқиқотчилари (Никола, Свами Говинда Тиртха, Муҳаммад Али Фуруғий кабилар) Хайёмни ҳам тасаввуф шоири, суфийлик гоёларининг тарафдори ҳисоблаб, унинг шеърларидаги «май», «шароб» сўзларини тасаввуф маъносида талқин этишга уринадилар. Биз Хайёмнинг тасаввуфдан узоқ, унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган олим ва файласуф эканлигини айтган эдик. Юқоридаги рубойларда ишлатилган «май» сўзи ва бу сўзнинг ишлатилиш шароити ҳам ана шу фикрнинг тўла тасдиқламайдими? Ахир тасаввуфчи шоир юқоридаги фикрларни айтиши мумкинми?

Хайём баъзан жуда катта жасорат билан маст риндини худонинг ўзига ҳам қарши қўяди:

Маст қўлига тушса пиёла, асло —  
Уни синдирмоқни кўрмайди раво.  
Шунча нозанинлар қўл, бош чаногини  
Ким синдиради, ким берганди оро!

Худонинг ўзи ясаб, ўзи бузиши каби мантиқсизликлардан ажабланган шоир эртага синиб, тупроқ бўлиб кетадиган нарсанинг нечун бунча чиройли яратилишига ҳам ҳайрон:

Ҳар қанча бўлса ҳам юзгинам гўзал,  
Қоматим сарв каби тикка мукаммал,  
Тушуна олмадим — нега бунчалик  
Оро берган экан наққоши азал.

Хайём, ҳатто, дунёвий ҳақиқий ишқ-муҳаббатини тасвирлаган шеърларида ҳам май образидан фойдаланади:

Уйлама, пулсизу ночор ичмайман,  
Ё мастликдан қилиб мен ор ичмайман.  
Мен майни дилхушлик учун ичардим,  
Букун-чи, дилимда сен бор, ичмайман.

Май образи орқали шундай хилма-хил ва теран фалсафий фикрларни ифода эта билган шоир, май ҳақида яна:

Зухра, ой осмонга чиққан кезданоқ  
Майдан соз нарсани ким кўрган? Бироқ —  
Ҳайронман, майфуруш бодани сотиб  
Пулга нима олур ундан яхшироқ<sup>1</sup>,—

дейди. Лекин Хайём асло майпараст бўлмаган, у майга вақтихушлик бу дунёдан лаззат олиш воситаси деб қараган. Ўз даврининг барча фанларини ўрганган, астрономия, математика, геометрия, тарих, география, табобат соҳаларида йирик кашфиётлар қилган олимни майпарастлик билан вақт ўтказган дейишга ҳеч қандай асос йўқ, албатта.

Бундай доҳиёна кишилар бошқалардан фақат ўз қобилияти билангина эмас, меҳнаткашлиги, бор вақтинини жуда тежаб-тергаб илм-фанга сарфлаши билан ҳам ажралиб турган. Зотан вақтини маю кайфу сафога қурбон қилган кишидан нима ҳам кутиш мумкин? Хайём ўз шеърларида кўза образидан ҳам фойдаланган, аммо фақат бунинг учун уни кўзагар кулол дейишмайди-ку, ахир.

Хайём рубойларидаги май образи: у дунёга ишониб юрма, бу дунё лаззатларидан баҳраманд бўл, деган чақирикни ҳам ўзида мужассамлантирган, бу— шодлик, қувноқлик, реал ҳаёт рамзидир. Аммо, шу билан бирга, Хайём ижодида биз охири ўлим, йўқлик, деган фикрдан асло халос бўлолмаслик, умидсизлик кайфиятларининг ҳам кучли эканини кўраемиз. Шунинг учун шоир дунёнинг нобоплигидан куйиниб:

Эй онгсиз, билмайсан, бу олам ҳечдир,  
Негизинг шамолдир — бир тутам, ҳечдир,  
Икки йўқлик аро қолмиш борлигинг,  
Атрофинг йўқлиғу ўрта ҳам ҳечдир,—

дейишга мажбур эди.

---

<sup>1</sup> Бу рубойи X аср шоири Ҳаким Қисон Марвазийнинг гул ҳақидаги куйидаги рубойисига назира тарзида ёзилган:

Гул жаннатдан ҳадя бир неъмат эрур,  
Кишилар кўнглига гулдан ёғар нур.  
Ул гулфуруш гулни кумушга сотиб,  
Бу кумушга гулдан яхши не олур?!<sup>1</sup>

Бу рубойига жуда кўп шоирлар назира боғлаганлар, лекин ҳаммаси ҳам муваффақиятсиз чиққан.

Бу кайфият ўша даврда инсоннинг табиат кучлари олдида ҳам, жамият кучлари олдида ҳам ожизлигидан, тақдир, фалак сифатида мужассамлашган даҳшатли кучларнинг энгилмас, абадий бўлиб кўринганидан келиб чиққан эди.

Носир Хисрав халқни эзгулик билангина фаровонликка, бахт-саодатга етказиш мумкин деб билган бўлса, Умар Хайём ҳақиқат излаб, турли динларни, улардаги турли йўналишларни чуқур мулоҳаза қилиб кўради ва динлар орасида ҳеч бир фарқ кўрмай, уларнинг ҳаммаси ҳам бир гўр— одамни қулликка олиб боради, киши иродасини синдиради, деган фикрга келади. Аммо худо тўғрисидаги идеядан батамом қутулиб чиқиб кетолмагани сабабли, у на тўла атеисту, на тўла мусулмон:

Бир қўлда қуръону, биттасида жом,  
Баъзида ҳалолмиз, баъзида ҳаром.  
Фируза гумбазли осмон тагида  
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом.

Хайём, асосан, идеалист, аммо, у кўпинча, стихияли материалист ҳам.

Шундай теран фикрларни шеърини ифода эта олган, бутун-бутун фалсафий рисолалар юкнини тўрт мисрадангина иборат кичик бир рубойга юклай олган гениал шоир шеърга бир эрмак деб қараши мумкин эмас эди. Хайём учун шеърини ҳам жаҳон сирларини излаш воситаси эканлиги шубҳасиздир.

Шеърини ҳам унга илмий асбоблар: сектант, квадрант, астролябия асбоби каби хизмат қилган.

Поэзия ҳам, аслида дунёни билиш воситаси эмасми? Олим ҳам, шоир ҳам табиат ва жамият воқеаларини билишга ва уларни одамларга тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Олим категориялар, мантиқий мулоҳазалар билан фикр юритса, шоир ҳам мантиқ, ҳам (кўпроқ!) сезги-ҳис билан иш кўради ва ўз фикрини образлар билан ифодалайди.

Тарихда поэзияни ҳам, илм-фанни ҳам ўзида мужассамлаштирган шахсларни кўплаб учратамиз. Бу ҳолни биз Аристотелдан тортиб Ломоносовгача жуда кўп олимларда кўраамиз.

Шеърини— бу гўзалликдир. Гўзалликни кўришгина

эмас, ҳис этиш ҳам керак. Ҳар бир ишнинг, ҳар бир му-  
тахассисликнинг ўзига хос гўзаллиги бор. Бунни сеза бил-  
ган, унинг сирларини оча олган кишигина олим. У ўз  
соҳасининг шоири ҳамдир.

Демак, шеърят, биринчи галда, илмдир. Фақат бун-  
да олим поэтик шакллар, шеър қонунларидан хабардор  
бўлиши керак, холос. Талант эса олим учун ҳам, шоир  
учун ҳам бирдек зарур нарса, уларнинг илҳом манбаи  
ҳам бир.

А. С. Пушкин: «Илҳом— қалбнинг таассуротларни  
энг жонли қабул қилишга мойиллиги, тушунчаларни  
тушуниш, демак, уларни изоҳлаб беришдир»,<sup>1</sup> деган  
эди. Зотан улуг шоирнинг ўзи «Евгений Онегин»ни ёзар  
экан, ўша давр рус ҳаётини тарихчи олим каби синчик-  
лаб ўрганмадими?

Шеърят ва илм-фаннинг бирлигини В. Г. Белин-  
ский ҳам айрим қайд қилиб ўтган: «Агар илм деганда  
биз фақат билимлар схемасининг тушунмай, балки  
унда жо бўлган фикрлар тушунчасини олсак, шеърят  
ва илм бир-бирига тенгдир.

Шеърят ва илм мусовийдир, чунки улар руҳимиз-  
нинг қандайдир қобилияти билангина эмас, балки  
«ақл» деб аталган сўз билан ифодаланувчи бутун  
руҳий камолат ёрдамида қўлга киритилади»<sup>2</sup>.

Шарқда халқ шоирларни, улар ақли, мутафаккир  
кишилар бўлганлиги учун, олимлар қаторига қўйиб,  
«ҳаким» (билимдон) деб атаганлиги бежиз эмас. Ибн  
Сино, Форобий каби олимларнинг илмий фикрларини  
шеър билан ҳам дуруст ифода эта олган шоир бўлган-  
лиги, Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий, Навоий, Жомий  
каби шоирларнинг эса замонасининг барча илмларини  
пухта эгаллаган фозил кишилар бўлганлиги тарихдан  
маълум.

Фозил киши улкан ҳаёт китобини варақлар экан,  
унинг ақли таскин топади, юраги тўлқинланади, қалби  
мавж уради, дили ҳаяжонланади. Унинг олимлик ниго-  
ҳи, зийраклиги қанча ўткир бўлса, шоирона сезгиси,  
бадий тафаккур қилиш қобилияти қанча нозик, бар-  
камол бўлса, қалби қанчалик ҳассос бўлса, ҳаётни шун-

<sup>1</sup> А. С. Пушкин. Полн. собр. сочинений, том VII, М.,—Л.,  
1949, стр. 57.

<sup>2</sup> В. Г. Белинский. Полн. собр. сочинений, том IV, М.,  
1954, стр. 480.



ча чуқурроқ ҳис этади, унда бошқалар кўрмаган ажойиб гўзалликларни кўра билади. Шунинг учун ҳам форс-тожик адабиётининг асосчиси улуғ Рудакий қаринлик ҳақида ёзган шеърда:

Кўзинг соққасидек айланиб турувчи жаҳон  
Ҳамиша айланади, ҳаммавақт гардон эди.

Қачонки дорию дармони оғриқ ўрнидадир,  
Кезида оғриги ҳам дори бирла дармон эди.

Кўз очкуча тўзитар у қаерда янги эса,  
Дам ўтмайини тузатар у қайдаки вайрон эди.

Талайча боғнинг ўрини чўл этиб қўйди  
Ва қанча боғлар ўрни бурун биёбон эди<sup>1</sup>,

дер экан, ўгкир олим каби, дунёни донмий ўзгартириш ва янгилаштиришда кўради, ўзаро қарама-қарши зиддиятларни диалектик бирликда тушунади.

Замонасининг энциклопедист олими Абу Али ибн Сино эса:

Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,  
Жуда оз сир қолди мафҳум бўлмаган,  
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,  
Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Дил бу чўл ичинда қанча чопмади,  
Қирққа бўлинидю бир қил топмади.  
Кўнглимда минг қуёш нур сочди, лекин  
Камолга заррача ҳам йўл топмади,—

каби мисраларида ёки Абунасер Форобий:

Вужуд сирлари хом, пиширилмай қолди,  
Бу қиммат дур шогга тизилмай қолди.  
Ҳар ким ўз ақлича бир сўз дедию,  
Аммо асл сир ҳеч очилмай қолди,—

каби ажойиб рубойида чуқур фалсафий фикрларни ифода этар экан, уларни шоир демай бўладими!

<sup>1</sup> Рудакий. Шеърлар. Тошкент, Ўзадабийнашр, 1957, 31—32-бетлар.

Поэзия борлиқни образли қабул қилиш, уни чуқур ҳис қилишдир. Хайём, олим сифатида, бутун борлиғи, ҳис-туйғулари билан дунё сирларини тушунишга ҳаракат қилар экан, бу ҳиссиёт унинг вужудига қақраб ётган ёмғир суви синггани каби сингиб боради ва яна шаффоф булоқдек қайнаб чиқади. Унинг поэзияси, бадий маҳорати сирли ҳам мана шунда.

Шунинг учун ҳам улкан олим ва талантли шоир Хайёмнинг ҳар бир рубойида фалсафий фикр теранлиги, математик формула сиққилиги ва математика аниқлиги билан бирга ажойиб образлилик яққол кўриниб туради.

Рубойи форс-тожик адабиётининг ўзига хос ва қадимий формаларидандир. Форс-тожик адабиёти классикларининг ижодига назар ташлар эканмиз, уларнинг деярли ҳаммаси ҳам, ҳеч бўлмаганда, бир неча рубойи ёзганини кўрамиз. Умар Хайём эса ана шу жанрни ҳар томонлама камолатга етказган ижодкордир.

Хайём форс ва араб тилларида бошқа формаларда ҳам бир неча шеърлар ёзган, лекин унинг поэтик ижодида сон жиҳатдан ҳам, салмоқ жиҳатдан ҳам асосий ўринни рубойлар эгаллайди. Рубойчиликда Умар Хайём шундай юксак маҳорат касб этдики, ҳеч бир халқнинг адабиёт тарихида бу соҳада шу даражага кўтарилган шоир топилмайди, дейиш мумкин. Бу ажойиб санъаткорнинг рубойларида озгина сўзлар билан ниҳоятда чуқур мазмун ифодаланади. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир рубойи бир ҳикмат, афоризм даражасига кўтарилган.

Хайём бадий маҳоратига юксаклик ва теранлик деган икки сўз билан баҳо берса бўлади. Шоир содда, аммо чуқур мазмунли образлар, ташбиҳ ва истиоралар, мажоз ва киноялар ёрдами билан бадий юксакликка ва маънавий теранликка эриша олган.

Тўртгина мисра шеърга забардаст фалсафий фикрларни сиғдира олишига қарамай, Хайёмнинг услуби— доҳиёна содда, ниҳоятда табиий, барчага тушунарли услуб. Унинг жарангдор шеърлари форс-тожик адабиётининг бой хазинасидаги энг нафис инжулардандир. Улуғ шоир ўз рубойларида форс-тожик классик адабиётида ишланиб, қиёмига ета бошлаган бадий ифода воситаларидан ҳам, халқ оғзаки ижодида кенг қўлланиладиган бадий воситалардан ҳам жуда усталлик

билан фойдаланиш натижасида шунга эришган. Бир неча мисоллар келтирайлик.

Хайём халқ оғзаки адабиётида қўлланиладиган жонлантириш приёмидан усталлик билан фойдаланар экан, қатор турган хумлар, кўза, кулол тепиб турган лой кабиларни тилга киритиб, ажойиб образлар яратади:

Мастдим, тошга урдим кўзамини бир кун,  
Ул кўнгил тилидан чиқарди бир ун:  
«Мен ҳам сендек эдим, сен ҳам охири  
Бўлурсан менингдек — раижитмоқ нечун!»

Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар  
Бир бўлак хом лойни тепиб пиштар.  
Лой инграб айтади: «Ҳой, секинроқ теп,  
Мен ҳам кулол эдим сендек, биродар».

Бир қатор рубойларида шоир классик шеърингта кенг қўлланилган «тансиқ ал сифот» (сифатларни қатор тизиш) каби нозик усулдан фойдаланиб, шеър мазмунини ниҳоятда теранлаштиришга, сўзни жуда ҳам таъсирли қилишга эришади. Бундай рубойларнинг биринчи уч сатри фикрни аста-секин тайёрлаб келади, тўртинчи сатрда эса файласуф шоир фикрни аниқ, тегран ифодалаб берувчи сўзларни қатор тизиб ташлайди:

Шодлик истама, қўй, умринг бир дамдир,  
Тупроқда ҳар зарра Қайқубод, Жамдир.  
Жаҳону борлиқнинг иши бир йўла —  
Уйқудир, хаёлдир, ҳийладир, ғамдир.

Қарилкдан бошда не чоғлиқ бало,  
Еногим гулнори — ҳозир қаҳрабо,  
Вужудим томию тўртта устуни  
Бузилган, нураган, хароб, бедаво.

Кекса, ёш — ҳаётга ҳар кимки етар —  
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар.  
Бу дунёда ҳеч ким қолмас абадий,  
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Хайём яна бошқа хил рубойларида «хусни таълил» (чиройли исботлаш) воситасидан фойдаланади:

Эрта тоғ нурини сочганда офтоб,  
Қўлингда тўла жом бўлмоғи савоб.  
Ҳақиқат аччиқдир, деган гап бор-ку,  
Шу далил билан ҳақ экан майи ноб.

Бу рубонийда жуда ажойиб сўз ўйини ҳам бор, бунда Шарқ поэтикасида ихом (ёзилиши бир, лекин маъноси ҳар хил сўзларни ишлатиш) деб аталган бадний восита ёрдамида Хайём очик айтиб бўлмайдиган фикрни жасурлик билан баён қилган. Шоирнинг: «Шу далил билан ҳақ экан майи ноб» мисрасини «тоза май — ҳақиқат», деб ҳам, «тоза май — худо» («Ҳақ» — худо маъносида ҳам қўлланилган) деб ҳам тушуниш мумкин.

Хайём шеърни эсда қоладиган, таъсирчан қилишга, ундаги фикрларни лўнда, мақсадни яққол кўрсатишга, кичкина шеърга жуда улкан маъно сиғдира билишга жуда моҳир. Бунинг учун у халқ ривоят ва афсоналаридан, қадимий афсонавий Эрон шоҳлари образларидан, ўз даврининг фалсафий, илмий фикридан, қуръон ҳикояларидаги персонажлардан жуда ўринли фойдаланади.

Мисоллар:

Танангда бор экан томир, суяк, пай,  
Яшайвер тақдирининг уйдан чиқмай,  
Ёв Рустам бўлса ҳам бўйинингги эгма,  
Миннат чекма дўстинг бўлса Ҳотам Той.

Гул дер: «Мен Юсуфмен Миср-чаманда».  
Ёқутдан қимматроқ — зар тўла ханда.  
Дедим: «Юсуф бўлсанг, кўрсат нишона»,  
Деди: «Боқ, қонлидир кўйлагим танда».

Хум тувоғи Жамшид давлатидан соз,  
Қултум май Марямнинг овқатидан соз.  
Мастрларнинг тонготар чеккан оҳлари  
Бусайид, Адҳамнинг ниятидан соз.

Харобада мену май, маъшуқ — учов  
Усти-бош, жону дил шаробга гаров.  
Луғф умиди, азоб ваҳми писандмас,  
Бизга бедахл шамол, тупроқ, сув, олов.

Сўнгги рубойда ўша давр ақидасига кўра дунё асосини ташкил қилган «чор унсур»: ҳаво, ер, сув, ўт бир мисрада санаб ўтилмоқда.

Шу мисоллардан ҳам яққол кўринадики, турли-туман ғояларни, фикрларни баён этувчи рубойлар шоир ижодида бир-бирига ҳамоҳанг жаранглайди. Улар вази соддалиги ва оҳангдорлиги жиҳатидан халқ қўшиқларига жуда яқин. Шунинг учун ҳам ўқувчини чарчатмайди ва осон ёдда қолади. Хайём куйлаган соф муҳаббат, севиқли ёр қўлидаги биллур қадаҳ қандай ширин бўлса, шоирнинг рубойлари ҳам шундай лазиз ва роҳатбахш.

Хайём асарларидаги нозик баён, айниқса, мантиқ ва фикр қудрати аллақачонларданоқ кишилар қалбини мафтун этган эди. Моҳир санъаткорнинг асарларидаги ҳар бир образ, ҳар бир бадний восита фалсафий фикрни тўлароқ ва ҳар томонлама ечиб беришга хизмат қилади.

Хайём табиатни шоирона ҳис қилиб, ажойиб параллелизмлар яратади:

Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,  
Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок.  
Гул тагида ўтир, чунки жуда тез  
Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.

Лола юзин ювди ёғингар кўклам,  
Лиммо-лим қадаҳга қўл узат бардам.  
Букун сен сайр этган ушбу кўкатлар  
Эрта тупроғингдан унар жамуляжам.

Шу вў шу каби рубойларида шоир томонидан моҳирлик билан чизилган қабристон, кўклам жой, баҳор булути, булбул ноласи, чанг овози, гул ҳиди ва бошқа ажойиб картиналар киши қалбини тўлқинлантириб, дилкушо ва жўшқин ҳаётга чақиради:

На иссиқ, на совуқ — чиройли баҳор,  
Булут гул юзидан ювади ғубор.  
Сариқ гулга булбул юрак тилидан  
Фарёд қилиб дейди: «Май ичмоқ даркор!»



Хайём поэтикасининг энг таъсирли воситаларидан бири илтифот экамлигини айрим қайд қилиб ўтиш зарур.

Хайёмнинг кўп рубойлари айрим шахсларга, зоҳидга, муҳтасибга, фалакка, ҳатто, худонинг ўзига қаршини до билан бошланади:

Эй фалак, донмо ҳунарниг — бузмоқ,  
Эскидан одатниг — зулм кўргизмоқ.  
Ер! Агар бағрингни ёриб кўрсалар,  
Чиқарди қанчалаб ишжу ялтироқ.

Эй кўз, кўр бўлмасанг гўрдан бўл огоҳ,  
Фитна тўла олам, ҳар ён қайғу-оҳ.  
Чумоли оғзида ойдек ёноқлар,  
Ер қўйнида султон, сардор, подшоҳ.

Мастни таъна қилма, ичмасанг соғар,  
Ғийбат-достон қилма, бўлма ҳийлагар,  
Кеккая кўрма ҳеч май ичмайман деб,  
Сенинг қилмишларниг мастликдан баттар.

Тур, э, дил, чанг чалиб базм қурайлик,  
Ичиб, ёмонликка номни бурайлик,  
Сотиб жойнамозни пиёла майга,  
Риё ишшасини тошга урайлик.

Кўринадики, бу услуб ёрдамида шеър кучга айланади, унинг таъсиригина эмас, жанговарлиги ҳам ошиб, рақиблар билан бўлаётган мунозарада шоир айтаётган сўзлар моҳир мерган жангда отган ўққа айланади.

Хайём рубойларининг кўпчилик қисми шундай руҳда ёзилган.

Шоир юқоридаги усулнинг имкониятларидан усталлик билан фойдаланиб, бир қатор рубойларида худо билан мунозара қилади:

Ераб, лойимни-ку қорган ўзингсан,  
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан.  
Ёмонманми, яхши — мен қандоқ қилай?  
Тақдир манглайини берган ўзингсан.

Ўлик-тирик ишин тузаткувчи сен,  
Тарқоқ кинотини кузаткувчи сен.

Сўнги рубойда ўша давр ақидасига кўра дунё асосини ташкил қилган «чор унсур»: ҳаво, ер, сув, ўт бир мисрада санаб ўтилмоқда.

Шу мисоллардан ҳам яққол кўринадики, турли-туман ғояларни, фикрларни баён этувчи рубойлар шоир ижодида бир-бирига ҳамоҳанг жаранглайди. Улар вазн соддалиги ва оҳангдорлиги жиҳатидан халқ қўшиқларига жуда яқин. Шунинг учун ҳам ўқувчини чарчатмайди ва осон ёдда қолади. Хайём куйлаган соф муҳаббат, севикли ёр қўлидаги биллур қадаҳ қандай ширин бўлса, шоирнинг рубойлари ҳам шундай лазиз ва роҳатбахш.

Хайём асарларидаги нозик баён, айниқса, маънавий ва фикр қудрати аллақачонларданоқ кишилар қалбини мафтун этган эди. Моҳир санъаткорнинг асарларидаги ҳар бир образ, ҳар бир бадий восита фалсафий фикрни тўлароқ ва ҳар томонлама ечиб беришга хизмат қилади.

Хайём табиатни шоирона ҳис қилиб, ажойиб параллелизмлар яратади:

Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,  
Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок.  
Гул тагида ўтир, чунки жуда тез  
Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.

Лола юзин ювди ёғингар кўклам,  
Лиммо-лим қадаҳга қўл узат бардам.  
Букун сен сайр этган ушбу кўкатлар  
Эрта тупроғингдан унар жамулжам.

Шу вў шу каби рубойларида шоир томонидан моҳирлик билан чизилган қабристон, кўклам жой, баҳор булути, булбул ноласи, чанг овози, гул ҳиди ва бошқа ажойиб картиналар киши қалбини тўлқинлантириб, дилкушо ва жўшқин ҳаётга чақиради:

На иссиқ, на совуқ — чиройли баҳор,  
Булут гул юзидан ювади ғубор.  
Сариқ гулга булбул юрак тилидан  
Фарёд қилиб дейди: «Май нчмоқ даркор!»

Хайём поэтикасининг энг таъсирли воситаларидан бири илтифот эканлигини айрим қайд қилиб ўтиш зарур.

Хайёмнинг кўп рубойлари айричм шахсларга, зоҳидга, муҳтасибга, фалакка, ҳатто, худонинг ўзига қарши нидо билан бошланади:

Эй фалак, доимо ҳунаринг — бузмоқ,  
Эскидан одатинг — зулм кўргизмоқ.  
Ер! Агар бағрингни ёриб кўрсалар,  
Чиқарди қанчалаб ишжу ялтироқ.

Эй кўз, кўр бўлмасанг гўрдан бўл огоҳ,  
Фитна тўла олам, ҳар ён қайгу-оҳ.  
Чумоли оғзида ойдек ёноқлар,  
Ер қўйнида султон, сардор, подшоҳ.

Мастни таъна қилма, ичмасанг соғар,  
Ғийбат-достон қилма, бўлма ҳийлагар,  
Кеккая кўрма ҳеч май ичмайман деб,  
Сенинг қилмишларинг мастликдан баттар.

Тур, э, дил, чанг чалиб баэм қурайлик,  
Ичиб, ёмонликка номин бурайлик,  
Сотиб жойнамозни пиёла майга,  
Риё шишасини тошга урайлик.

Кўринадики, бу услуб ёрдамида шеър кучга айланади, унинг таъсирлиги эмас, жанговарлиги ҳам ошиб, рақиблар билан бўлаётган мунозарада шоир айтаётган сўзлар моҳир мерган жангда отган ўққа айланади.

Хайём рубойларининг кўпчилиги қисми шундай руҳда ёзилган.

Шоир юқоридаги усулнинг имкониятларидан усталлик билан фойдаланиб, бир қатор рубойларида худо билан мунозара қилади:

Ераб, лойимши-ку қорган ўзингсан,  
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан.  
Ёмонманми, яхши — мен қандоқ қилай?  
Тақдир манглайини берган ўзингсан.

Ўлик-тирик ишин тузаткувчи сен,  
Тарқоқ кинотини кузаткувчи сен.

Ёмон бўлсам ҳамки, сенинг бандангман,  
Мен нима ҳам қилай? Яраткувчи — сен.

Ераб, сен Қаримсен, карими карам,  
Нечун осийларга берк боғи Эрам.  
Сигинсам, кечирсанг — бу карам эмас,  
Гуноҳим кечирсанг — карамдур, карам.

Тангри ўзинг шундай яратдинг мени,  
Маю чолгучига қаратдинг мени.  
Азалда шу хилда яратиб қўйиб,  
Нечун дўзахингга қулатдинг мени?!

Хайёмнинг бу рубойлари форс-тожик адабиётининг яна бир забардаст намояндаси, тарихда «Ҳақиқат изловчи» номи билан машҳур бўлган ажойиб файласуф шоир, халқ саодати учун жасур курашчи Носир Хисрав (1004 — 1088) шеърлари билан ҳамоҳанг жаранглайди. Қуйидаги мисраларни Хайём рубойлари билан солиштириб кўринг:

...Дилларга сен экнинг фитна уругин  
Ҳамма халойиқни яратган замон.  
Қандай уруғниким сепмасин леҳқон —  
Албатта еру кўк ўстирар уни.  
Арпа эккан киши арпа ўргандек,  
Буғдой эккан киши ўради шуни.  
Тоабад тортамиз бизлар машаққат,  
Азобни азалдан сен этгач рўзи.  
Тоат учун бизни яратган бўлсанг,  
Шайтонни яратмоқ нимадир ўзи?

...Тонг-ла қаттиққўллик қилган чоғингда  
Қандай бўлур экан ҳисоб-китобим?  
Керак эди ҳайвон қилиб яратиш,  
Агар истамасанг савол-жавобим.

Ҳар ишни фарқ этмоқ сенинг бўйинигда,  
Бизсиз ҳам асрорини яхши биласан,  
Гуноҳ қилмоқ лозим эмас бандага,  
Лекин сабабларин барпо қиласан.

...Мақсадинг дўзахга юбормоқ бўлса,  
Бунча узр айттириш нимага даркор?  
Буюргил — дўзахга элтсинлар мени,  
Гайр кўз-ла қарашнинг не ҳожати бор?!<sup>1</sup>

Шайтон фитнасига қулоқ солма деб,  
Сен ўзинг берурсан бизларга фармон,  
Ўзинг томиримдан жой бердинг унга,  
Аллаб ёмон йўлга бошлагай ҳар он.

Ибодат қилишни бизга буюриб,  
Шайтонга берибсан танимиздан жой,  
Дўстингга душмани қарши қўзгатиш,  
Абадий зотингга ярашмас асло.

Ҳар ким қилмишича мукофот олса,  
Фарқимиз не бўлур биз билан сенинг.  
Яхшиманми, ёмонманми — бандангман,  
Яхшилаб яратмоқ керак-ди мени<sup>1</sup>.

Умар Хайём араб тилини ўз она тилидек билгани, бу тилда илмий ва бадний асарлар ижод этганлигига қарамасдан, унинг рубоийлари тилида араб сўзлари жуда кам учрайди: шоир содда ва маънодор халқ сўзларидан жуда кенг ва ўринли фойдаланади.

Бир қатор рубоийларини шоир халқ мақоллари билан хулосалайди, яъни ўша давр поэтикаси тили билан айтганда, «ирсолул масал» қилади:

Дерлар: жаннатда ҳур бўлмоғи яхши,  
Менга узум сувин булоғи яхши,  
Чунки насясидан нақдроғи яхши,  
Ногора товушининг узоғи яхши.

Қайғумдек узоқ умр кўрсин у ғазол,  
Букун яна лутфдан кўрсатиб жамол  
Кўзимга бир нигоҳ ташлади-кетди,  
Яъни — «Яхшиликни қил, дарёга сол...»

Хайём мутаассиб уламоларни фош қилувчи рубоийларида уларнинг ўзлари жуда кўп ишлатадиган: «Худо

<sup>1</sup> М. Муинзода таржимаси. «Тафаккур мевалари», Тошкент. 1960, 18—20-бетлар.



меҳрибон», «Оллоҳи карим», «Валлоҳи латифун бибодидиҳ»<sup>1</sup> каби ҳадис ва қуръондан келтирилган ибораларда моҳирона фойдаланади:

Мастона йўл олдим майхона томон,  
Қўза қучган маст чол бўлди намоён.  
Дедим: «Уялмайсен худодан нечун?»  
Ул деди: «Ичавер, худо меҳрибон».

Бир кекса маст эрди, уйқуда эрди,  
Эс-ҳушин шипириб шамолга берди.  
Май ичиб, маст бўлиб, ухлаб гангираб:  
«Валлоҳу латифун бибодидиҳ», деди.

Бу усул Шарқда «иқд» деб аталган ва юксак маҳорат нишонаси ҳисобланган.

Хайём рубонийларида усталлик билан қушлар овозига тақлид қилиб ишлатилган сўзлар, бошқа тилда бериб бўлмайдиган гўзал сўз ўйинлари тез-тез учраб туради:

Саҳар садо берди бизнинг майхона,  
Ки, эй майхонамиз ринди — девона,  
Турғил, паймонани тўлдир шаробга,  
Ҳали тўлмай туриб бизнинг паймона.

Умар Хайём ижодида бир неча рубонийларда бир мавзунинг турли томонларини тасвирлаш ва уни янги-янги образларда очиб беришни, бир қофияда бир неча рубоний ёзиш, ҳатто, бир ўзакдан тузилган сўзларни қофиялаш ҳолларини учратамиз. Аммо уларнинг ҳар бири бутунлай янги, бадийий юксак асарлардир.

Умар Хайёмнинг фалсафий фикрлари ундан кейинги даврларда яшаган кўп шоирларнинг ижодига катта таъсир кўрсатди. Жалолиддин Румий, Муслухиддин Саъдий, Ҳофиз Шерозий каби буюк сўз санъаткорлари асарларида буни яққол кўриш мумкин. Масалан, Ҳофизнинг қуйидаги мисраларидан унинг Хайём ижодидан илҳом олгани, Хайём фикрларидан таъсирлангани сезилиб турибди:

Фалакдан мен тубанлик миннатин ҳеч кўтармасмен,  
Агар раъйим билан юрмас экан, барбод эткүмдир.

<sup>1</sup> Маъноси: «Худо бандаларига лутф қилувчидир».

Кел энди гул сочиб ҳар ён, қадаҳ қўлла ўтиргаймиз,  
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарх ила тузгаймиз.

Агар жаннат тиларсан биз билан майхонга юргил,  
Сени хумнинг тагидан ҳовзи ковсарга етургаймиз.

Хайёмнинг ажойиб рубоийлари ўзбек классик адабиёти тараққиётида ҳам сезиларли из қолдирган. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобир каби ўзбек классик адабиётининг забардаст намояндалари ижодида биз хайёмона рубоийлар ва байтларни кўплаб учратамиз. Бу ўзбек ва тожик халқлари орасида кўп асрлардан бери давом этиб келаётган адабий ҳамкорликни кўрсатувчи ёрқин мисоллардан биридир. Аммо бу масала ҳали яхши текширилмаган. У чуқур ва изчил тадқиқ қилишга муҳтож.

### ҲАЁТ УСТОДИ

Умар Хайём адабий мероси фақат рубоийлардангина иборат эмас, у араб тилида ҳам шеърлар ёзган, булардан бир неча парчагина сақланиб қолган, уларда ҳам шоир, асосан, рубоийларидаги фикрларини, борлиқ, ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларини баён этади.

Бундан ташқари, бизгача Хайём номи билан боғланган «Наврўзнома» деган бир китоб етиб келган. Унда янги йил байрами — наврўзнинг келиб чиқиши, байрамнинг ўзи муфассал таърифланади.

Эроннинг ҳозирги замон шоири ва машҳур адабиётшуносларидан Маликушшуаро Баҳорнинг айтишига кўра, форс адабиётида бундан олдин наврўз ҳақида ёзилган ҳеч қандай китоб бўлмаган.

Хайём «Наврўзнома»да, бундан ташқари, ер бойликлари, ҳайвонот дунёси, шароб ҳақидаги мулоҳазаларини баён этади, ҳакимлар тўғрисида, қуш билан сув қилиш, астрономия, от миниш, шоҳона базм қуриш каби масалалар устида сўз юритади.

Китобнинг биргина нусха қўлёзмаси Берлин кутубхоналаридан бирида сақланади. «Наврўзнома»ни 1933 йилда Эрон адабиётшунос олими Минавий нашр эттирди. Унинг сўз бошисида китобнинг автори Умар

Хайём эканлиги айтилган. Аммо олимлар орасида бу асарни Хайём ёзмаган, деган фикрлар ҳам бор.

Китобнинг ҳар бир бобига ахлоқий темада қисқа-қисқа ҳикоячалар киритилган. Шу жиҳатдан асар фақат илмий рисолагина бўлмай, бадний наср намунаси ҳамдир. Китобда ана шундай 21 та ҳикоя бор.

«Наврўзнома» форс адабиёти тарихида проза жанрининг тараққиётида маълум аҳамиятга эга бўлган асарлардандир.

Асарнинг тили содда, маъноли, образли ва жуда ёрқин. Бундан ташқари, унда ўша давр сарой ҳаётига, астрономияга, минералогияга, этнографияга, овчиликка ва бошқа соҳаларга оид жуда кўп терминлар бор. Бу эса луғатшунослар учун жуда катта материаллар ва қизиқарли маълумотлар беради.

Аммо улуғ олим ва адиб, даставвал, ўзининг рубойлари билан машҳур бўлган. Хайём Европада форс адабиётининг энг забардаст намоёндалари: Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз каби шоирлар қатори, ҳатто улардан кўра ҳам кўпроқ шуҳрат қозонди.

XIX асрнинг ўрталарида яшаган инглиз шоири Эдвард Фицджеральд Умар Хайём шеърларини ўз она тилига таржима қилди<sup>1</sup>. Бу ҳали оригиналдан анча узоқ, жуда эркин қилинган таржималар Европада катта шуҳрат қозонди ва XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ 25 марта босилиб чиқди. Шу вақтдан бошлаб, Хайём рубойларини нашр қилиш йилдан-йилга кучая борди, унинг ижодига бағишланган жуда кўп асарлар юзага келди.

Аммо Хайём рубойларининг ёзилган вақти, уларнинг сони ва бошқа кўпгина масалалар оидин эмас эди. Қадимий китобларда эса бу тўғрида турли ривоятлардан бошқа маълумот топиш қийин эди. Масалан, улардан бирида Хайём таносух (руҳнинг кўчиб юриши)га ишонганлиги ҳикоя қилинади. Ривоятда айтилишича, Хайём шогирдлари билан кўчадан ўтиб бораётган экан. Эски бир мадрасани тузатиш учун эшакларда гишт ташиётган эканлар. Бир эшак устидаги юки билан таққа тўхтаб, мадрасага киришга тихирлик қилиб туриб олибди. Уриб-ниқтаб ҳам уни жойидан жилдира олишмабди. Шунда Хайём бориб

<sup>1</sup> Бу таржималар биринчи бор 1859 йилда босилган.

эшакнинг қулоғига бир нарса деб шивирлабди. Эшак шу ондаёқ мадрасага кириб кетган эмиш.

Хайёмнинг шогирдлари ундан бунинг сирини сўрашибди, у шундай деб жавоб берибди:

«Шу мадрасада мударрислик қилган кишининг руҳи ўлганидан кейин шу эшакка кўчган, илгари мударрис бўлиб кирган эшигига энди эшак бўлиб киришга уялиб турган эди. Мен унинг қулоғига шундай рубой ўқидим:

Кетибсан, қайтибсан алашиброқ яна ҳам,  
Немнинг кўтарилаганди ёдимиздан, эй одам,  
Соқолнинг дум бўлибди, ўсиб чиқиб ортингдан,  
Тирноқларинг бирлашиб туёқ бўлмишлар бу дам.

Ўзининг барибир фош бўлганлигини кўргач, дарров кўздан ғойиб бўлди».

Яна бошқа бир ҳикоятда Хайём образи зўр олим, шу билан бирга, турли ҳаётий воқеаларга жуда ҳозиржавоб шоиртабиат киши сифатида чизилади. Ҳикоя қилинишича, бир кун Хайём уч-тўрт улфати билан боғда май ичиб ўтирган экан, тўсатдан турган шамол май солинган кўзани ағдариб юборибди, шунда Хайём худога қараб:

Кўзамни синдириб, иргитдинг, тангри,  
Хуррамлик эшигин беркитдинг, тангри,  
Тупроққа тўқдинг-ку гулгун майимни,  
Мен ичдим — мастликни сен этдинг, тангри,—

дебди. Бу сўзлардан ғазабланган тангри Хайёмнинг юзини қорайтириб қўйган эмиш. Уртоқларидан бунни эшитиб, у дарҳол иккинчи бир рубойини ўқибди:

Ахир, бу оламда бегуноҳ ким бор?  
Нечук яшай олди бўлмай гуноҳкор?  
Ёмонлик қайтарсанг ёмонлигимга,  
Фарқимиз не бўлди, айт, парвардигор!

Бу сўзларни эшитиб ўз қилмишидан уялган тангри унинг юзини аслига қайтарган эмиш.

Бу хил афсона ва ривоятлар, албатта, ҳаётдан узоқ ва баъзилари улуг шоир қиёфасини бузиб кўрсатади, холос,

Кейинги асрларда тузилган тазкиралар, турли тўпламлардаги Хайёмга нисбат берилган рубойлар ёрдамида ҳам унинг ҳақиқий қиёфасини аниқ тасаввур этиш жуда қийин. Бундай рубойлар сони 5000 тагача етади. Бу рақамнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида ҳам турли фикрлар бор.

Ана шундай рубойларда баён этилган фикрларга қараб Хайём қиёфасини чизмоқчи бўлган олимлар унга ҳар хил хислатларни таққанлар. Рус олими В. А. Жуковский турли кишилар томонидан Умар Хайёмга берилган тавсифларни йиққанида, қуйидагича образ гавдаланган:

«У — эркин фикр, диннинг тагига болта урувчи; у — худосиз, материалист; у — мистикани масхараловчи пантеист; у диндор мусулмон, ўткир файласуф, изчил кузатувчи олим; у — шалоқ юрувчи, бузуқ; у — рёкор, мунофиқ; у — худони оддий таҳқирловчигина эмас, динимонни батамом рад этишнинг тажассуми; у — юмшоқ табиат, ҳаёт лаззатидан кўра илоҳиётга кўпроқ берилган киши; у — скептик-эпикурчи; у — форсларнинг Абульалоси, Вольтери, Гейнеси».<sup>1</sup>

В. А. Жуковский Хайёмга берилган бундай тавсифни шарҳлаб: «Агар у маънавий майиб бўлмаса, бир кишида шунчалик хилма-хил эътиқодларнинг, қарама-қарши таъб ва йўналишларнинг, олий хулқ ва паст табиатнинг, шубҳалар, иккиланишларнинг мавжудлиги ва бирлашганлигини тасаввур этиш қийин», — деб ёзади.<sup>2</sup> Шунинг учун В.А.Жуковский Умар Хайёмга нисбат берилаётган рубойларнинг ҳаммаси ҳам уники эмас, деган фикрга келади. Бундан ташқари, «Умар Хайём ва кўчма рубойлар» деган муҳим бир асарида Хайём номи билан боғланган бир қанча рубойларнинг бошқа шоирлар дево­нида ҳам учрашини кўрсатиб ўтади.

Шундан сўнг Умар Хайём рубойлари сонини аниқлаш устида иш қизиб кетди. Бунинг учун хилма-хил усуллар таклиф этилди. Аммо уларнинг ҳеч қайсиси ҳам ҳали қониқарли натижа бергани йўқ.

Бу соҳада рус олимлари В.Жуковский, К.Смирнов, А.Болотников, С.Морочник, М.Занд ва бошқалар, француз олими Ф.В.Николас, дания олими А.Кристенсен, немис олимлари Ф.Розен ва Г.Ремпис, венгер олими Сил-

<sup>1</sup> В. А. Жуковский. Умар Хаям и странствующие четверостишия, сб. «Музаффария», СПб., 1897, стр. 320.

<sup>2</sup> Уша асар, ўша бет.

лик, ҳинд олимни Свами Говинда Тиртха, инглиз олимни Артур Арбери, эрон олимлари Муҳаммад Али Фуруғий, доктор Ғаний, Содиқ Ҳидоят, Саид Нафисий ва бошқалар кўп йиллар давомида иш олиб бордилар ва бормоқдалар. Булар орасида рус шарқшунос олимлари, айниқса, В.А.Жуковский ишлари айрича диққатга сазовор.

Охириги йилларда икки муҳим қўлёзманнинг топилиши бу чалкаш масалани бир қатор ойдинлаштирди. Улардан бири 1207 йилли, яъни Хайём вафотидан 85 йил кейин кўчирилган бўлиб, 1946 йилда Эронда бир кишининг шахсий кутубхонасидан топилган.

Бу китоб ҳақида биринчи бўлиб, Эрон адабиётшуноси Аббос Иқбол маълумот берди. У «Ёдгор» журналининг 1946 йил октябрь сонидида эълон қилинган мақоласида қўлёзманни қисқача таърифлади. Олим қўлёзмада 252 та рубойи борлигини айтади ва илгари олимлар ўртасида мунозарага сабаб бўлган рубойлардан 15 тасини келтиради.

Иккинчи қўлёзманни инглиз олимни А.Арберри Лондондаги шахсий кутубхоналарнинг биридан топди. Арберри 1949 йилда қўлёзмадаги рубойларни инглизча насрий таржимаси билан босиб чиқарди. Қўлёзма 1259 — 1260 йилларда кўчирилган бўлиб, унда 172 та рубойи бор.

Ундаги рубойларнинг ҳаммаси 1207 йил қўлёзмасида ҳам мавжуд. Демак, ҳар иккала қўлёзма китоб ҳам Хайём рубойларининг энг қадимий нусхасидан тузилган. 1207 йил қўлёзмасини инглиз олимни А.Арберри сотиб олган. Ҳозирги вақтда бу қўлёзмаларнинг иккаласи ҳам Англияда Кембриж университетининг кутубхонасида сақланмоқда. Аммо улар нашр этилмаган.

Совет шарқшуноси М.Занд Арберри тузган кўрсаткичлар асосида 1207 йил қўлёзмасига кирган 252 рубойини бошқа манбалардан топиб, тўплам тузди. Улардан 200 таси Тожикистон давлат нашриёти томонидан 1955 йилда нашр этилди.

Хайём рубойларини аниқлашга онд ишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Совет эроншунослари М.Н.Усмонов ва Р. Алиевлар Кембриж университети кутубхонасидаги энг қадимий 1207 йил қўлёзмасининг фото нусхасини текшириш асосида, яна бошқа манбалардан 39та рубойи қўшиб, Хайёмнинг 293 рубойисини нашрга тайёрладилар. Бу рубойлар рус тилига қилинган насрий таржи-



маси ва 1207 йил қўлёзмасининг фото нусхаси билан  
икки жилдада 1959 йили Москвада нашр этилди.<sup>1</sup> Хайём  
рубойларининг илмий-танқидий тексти ҳали ҳам йўқ  
бўлишига қарамай, икки томли бу китоб хайёмшунос-  
ликда эришилган энг кейинги муваффақият; у илмий  
тадқиқот ишларида муҳим манба бўла олади.

Хайём рубойларини аниқлаш йўлидаги жиддий из-  
ланиш ва илмий тадқиқот ишларини санаб ўтишнинг  
ўзи ҳам бу ишнинг Шарқ ва Ғарб мамлакатларида  
нечоғли кенг қулоч отиб бораётганини кўрсатади.

Унинг рубойлари деярли ҳамма жаҳон халқлари  
тилларига таржима қилинмоқда. Бу рубойлар инглиз,  
латин, немис, француз, италян, турк, араб ҳинд,  
урду, бенгал, ассом, панжоб ва бошқа қатор тил-  
ларга, Совет Иттифоқи халқларининг, рус, ўзбек, озар-  
байжон ва бошқа тилларига насрий ва шеърӣй йўл би-  
лан таржима этилиб, қайта-қайта босилиб турибди.  
Эронда эса Хайём рубойлари хилма-хил форматда, ру-  
бойларни турлича трактовка қилувчи расмлар билан  
ҳар йили неча бор нашр этилади. Америкада, Англия ва  
бошқа Европа мамлакатларида Хайём мухлисларининг  
жамиятлари тузилган, улар адабий кечалар, хайёмона  
базмлар уюштирадилар, ажойиб рубойларни ўқийдилар.

Бу ажойиб инсоннинг образи бадий асарларда, ки-  
немотографияда ҳам яратилган, қатор рассомлар унинг  
портретини чизган.

Баре Линдоннинг «Парамут» студиясида ишланган  
«Умар Хайёмнинг ҳаёти ва саргузаштлари» фильми асо-  
сида инглиз ёзувчиси Мануэль Кумруф новелла ёзган.  
Новелланинг қисқача мазмуни шундай:

Нишопур — Эрон шоҳлигининг янги пойтахти. Умар  
Хайём шаҳарнинг Сена мадрасасида мударрис. Ўзи  
ҳам шу мадрасани битирган. У математика, астрономия  
ва медицинадан мутахассис, ўткир қалам эгаси.

Умар Хайём ўзи ишлаб турган мадраса нозир  
имом Муаффиқнинг қизи гўзал Шароинга ошиқ бўлиб  
қолади, у билан махфӣй учрашиб туради. Шундай учра-  
шувларнинг бирдан қайта туриб, мактабдош дўсти Ҳа-  
сан ибн Саббоҳ билан учрашади. Ҳасан каттагина сов-

<sup>1</sup> Омар Хайём. Робаят. Подготовка текста, перевод и пре-  
дисловие Р. М. Алиева и М. Н. Османова, под редакцией Е. Э. Бер-  
тельса, I—II части, М., 1959.

галар билан саройга келаётган эди. У, эътироз билдиришига қарамай, Умарни ҳам ўзи билан олиб кетади. Улар саройда мактабдош дўстлари вазир Низомулмулк ҳузурда бўладилар. Низомулмулк дўстларини шоҳ ҳузурига олиб кириди ва уларни саройга ишга олишни илтимос қилади. Илтимос қабул этилади. Ҳасан муҳрдор, Умар Хайём мунажжимлик лавозимига тайинланади.

Шоҳ имом Муаффиқнинг қизи Шаронига уйланишга қарор қилади. Умар севгилисини шоҳ чапгалидан қутқариб қолнишга ҳаракат этади, лекин унинг уринишлари натижа бермайди. Шоҳ қизга уйланади.

Ҳижрон ўтида ёнган Умар ўзининг аламининг енгиллаштириши мақсадида кечаю кундуз коннотни кузатиш билан машғул бўлади, шундан толиққан вақтларида шароб ичишга берилади, гам-ғуссаларни шеърятда ифода этади.

Нишопурда ҳашишийлар айғоқчилари пайдо бўлади. Улар давлат арбобларига ва шоҳнинг яқин қариндошларига суиқасд қиладилар. Шоҳнинг укаси Туташ шулар қўлида қурбон бўлади. Уларнинг мақсади шоҳни тахтдан ағдариб, ўзларининг мустақил халифалигини ўрнатиш эди.

Мамлакат ичида диний оқимларнинг зиддияти кучайиб кетган бир вақтда византияликлар чегарани бузиб ўтиб, давлатга ҳужум қилади. Шоҳ шошилинч равишда давлат маслаҳатчилари билан кенгаш ўтказди. Кенгашда душманга қарши курашиш чоралари муҳокама қилинади. Мажлисда ҳозир бўлган Умар Хайём ҳам ўз фикрини ўртага ташлайди. Унинг фикри шоҳга маъқул бўлади ва шу тadbирлар асосида жанг қилиниб, душман устидан ғалаба қозонилади.

Шоҳ византияликларга қарши кураш учун сафарга кетган вақтда муҳрдор Ҳасан ибн Саббоҳ малика Зарада ва шаҳзода Аҳмуд билан тил бириктириб, тахтни қўлга олишга ва ҳашишийлар ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилади. Вазир Низомулмулк ўлдирилади. Шаҳзода Аҳмуд урушдан қайтаётган отасининг қўшинларига қарши лашкар билан чиқади. Лекин Умар Хайёмнинг тadbирлари ёрдамида уларга зарба берилади. Ҳашишийларнинг Оламут тоғида жойлашган асосий кучлари яқсон этилади.

Урушда ярадор бўлган шоҳ йўлда ҳалок бўлади.

Умар Хайём Шароин билан яна қайта учрашади.  
Новелла 1957 йилда «Жаҳон адабиёти, янги Амери-  
ка кутубхонаси» сериясида нашр этилган.

Бундан ташқари, жуда кўп сўз санъаткорлари Хайём  
рубойларини ўз асарларига киритадилар. Фақат бугина  
эмас, ҳаётнинг ўзида ҳам минглаб кишилар бу рубой-  
ларни ёддан ўқиб юрадилар. Хайём китобларини бир-  
бирига совға қиладилар.

Хайём бунчалик шуҳрат қозонганининг сирини  
мада? Бунинг сирини шундаки, Хайём киши қалбини,  
унинг назокатини, киши руҳий кечинмалари, орзу-ўйла-  
ри, кайфиятларини, ҳаёт мантиқини яхши билган; инсон  
қалби билан реал ҳаёт орасидаги муносабатни жуда  
чуқур ҳис қила олган, бу муносабатни ажойиб образлар-  
да жуда ёрқин тасвирлаб бера билган. Шунинг учун  
ҳам умумбашарият маданий хазинасига қимматбаҳо  
дурдона бўлиб қўшилган бу рубойлар бир халқдан  
иккинчи халққа, бир даврдан иккинчи даврга ўтиб, аба-  
дий сўнмас нур бўлиб кишилар қалбига зиё сочиб кел-  
моқда ва шундай бўлиб қолади. Инсонларни дўстлик,  
биродарликка чақирган мутафаккир бир рубойида:

Дўстлар, иноқликни қилингиз шод,  
Тез-тез дийдор кўриб ўзини айланг шод,  
Соқи тоза майини сузганда айланг  
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд,—

деган эди.

Улуғ шоир ва олимни миллион-миллион кишилар  
шодликда ҳам, қайғуда ҳам ўз қалбларида сақлаб кел-  
моқдалар.

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

### ҲАЁТ САБОҚЛАРИН ИЗЛАБ

Ҳаёт сабоқларини этолмаса ёд  
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод.

Бу сўзларни форс-тожик классик адабиёти бешинчи тепасида турган, унинг суҳан хазинаси эшигини ажойиб тил калити билан кенг оча олган киши — Абу Абдулло Рудакий айтган эди.

Йўқ, бу сўзни Рудакий тили билан халқ айтган эди!

Ўз тарихида жуда кўп машаққатларни бошидан кечирган, қийинчиликларда пишган, қадим тарих кўраси оловида чиниққан халқ ўзининг чин фарзанди Рудакий тили билан яна бир ҳикматни айтади:

Қаттиқ балоларга бардош айлаган,  
Бўлғуси устоду марду улугвор.

Шуниси ажойибки, шу халқнинг иккинчи бир фарзанди мана шу ҳикматларга амал қилиб, ҳаёт ҳақиқати — турмуш сабоқларини излаб, жаҳон кезди, мамлакатдан мамлакатга, ўлкадан ўлкага, шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоққа, қўрадан қўрага ўтиб кишилар қалбини ўрганди, гулдан гулга қўниб ширасини сўра бошладиким, бу шира кейинчалик тиниқ бол қатралари бўлиб унинг тилидан томди. У ҳаёт ҳикматлари дурдоналарини бирин-бирин йиға бошладиким, сўнг бу дурларга сайқал бериб назм ипига тизди.

Саъдийнинг сайёҳлигига сабаб икки нарса: биринчидан, унинг табиатида эл кезишга иштиёқнинг зўрлиги бўлса, иккинчидан, у яшаган даврда бирор тинчроқ жойни топишнинг ўзи амримаҳол бўлганлиги эди.

Мўғуллар босқинчилигидан ташқари, Европа мамла-

катларидан Шарққа қарши ташкил қилинган салб юришлари ҳам Саъдий яшаган даврга тўғри келади. Бу фактлар шоир яшаган замонанинг нақадар оғир ва мураккаб эканлигини, Саъдий образи билан айтганда «зангийлар сочидек чигал» эканлигини кўз ўнгимизга келтира олади.

Саъдий ва унинг ижоди кўпдан бери Шарқ ва Ғарб китобхонларининггина эмас, балки таржимон шоирлар ва шарқшунос олимларни ҳам қизиқтириб келмоқда.

Саъдий ижоди ҳақида ҳар хил тилларда жуда кўп ёзилган ва гапирилган бўлса-да, бироқ унинг биографияси ҳали аниқланган эмас.

Шайх Саъдий ҳаёт йўлини чизиб беришга иштирок олимлар одатда шоирнинг асарларида, айниқса, «Гулистон» ва «Бўстон»да ўзи ҳақида келтирган ҳикоялар ва айрим киноялар, эсдаликларга қараб унинг биографиясини тиклашга ҳаракат қиладилар.

Дарҳақиқат, Саъдий асарларида, айниқса, «Гулистон»да ўзи ҳақидаги сатрлар, ўз ҳаётидан олинган ҳикоялар жуда кўп учрайди. «Гулистон»даги ҳикояларнинг кўпида тўғридан-тўғри Саъдийнинг иштироки бор, айримлари эса «Мен бир дарवेशни кўрдим...», «Бир кини бизнинг карвон билан борар эди», «Мен фалон шаҳарда», «Бир дўстим...» ва ҳ. к. каби сўзлар билан бошланади. Фикримизча, бу ҳикояларнинг барчасини Саъдий биографияси деб қабул қилиш ҳам хатодир. Чунки уларнинг бир қисми адабий-бадий приём бўлиб, шоир шахсияти унда Шарқдаги анъанага мувофиқ ҳикояга ҳақиқий, ҳаётий воқелик тусини бериш учун киритилган бўлиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Шунинг учун ҳикояларда келтирилган маълумотлар тарихий фактлар билан тасдиқланиши **керак**.

Бундай жуда мушкул ишга ҳозирча материал етишмайди. Бироқ айрим фактлар муқояса қилиб текширилган.

Умуман, Саъдий асарларидан фойдаланиб тузилган унинг биографияси ҳозирча қуйидагича: Саъдийнинг вафот этган йили аниқ. У эски тарихларга кўра 691 ҳижрий йили, яъни бизнинг ҳисобимиз билан 1292 йилга тўғри келади. Саъдий замондошлари ёзган тарихлардан бирида «хос» (خاص) сўзи унга тарих дейилади. Бу ҳам абжад ҳисоби билан (600 1 90) 691 ҳижрийга тўғри келади.

Аммо унинг туғилган йили шу вақтгача аниқланмаган эди.

Саъдий ижоди тадқиқотчиларидан Рустам Алиев шоирнинг ўз асарларидаги маълумотлар асосида унинг туғилган йилини 1203—1208 йиллар орасида деб белгилайди. Унинг тўла исми Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф ибн Муслиҳ ибн Мушриф Саъдий Шерозий.<sup>1</sup> У бутун Шарқда, халқ орасида Шайх Саъдий номи билан машҳур.

Шайх Саъдийнинг туғилган жойи аниқ. Эроннинг жанубида. Эрон кўрфазн бўйларидаги тоғлар орасида жуда гўзал водий бор. Ана шу форс ўлкасининг қадимий шаҳарларидан бири Шероз форс-тожик адабиётининг икки газалгўй булбулига ошиён бўлди. Булардан бири Саъдий Шерозий ва иккинчиси ундан кейинроқ дунёга келган, унинг ажойиб лирик қўшиқларини давом эттирган Ҳофиз Шерозийдир.

Шерозда чиройли боғлар, гулзорлар мавжуд бўлгани учун уни гуллар ва булбуллар водийси деб аташган. Бу таъбир ҳам мажозан, ҳам маънан тўғри. Шероз атиргуллари ва боғларини васф этган сатрларни биз ўтган аср Европа сайёҳлари асарларида кўп учратамиз.

Шерознинг энг ажойиб куйчилари Саъдий ва Ҳофиз ҳам кўпгина шеърларида Шерозни жуда кўтаринки руҳ билан васф этадилар.

Ҳофиз Шероз боғлари ва ундаги Мусалло суви соҳилларини афсонавий жаннат боғларида ҳам топилмайди, дейди. Шероз фақат гўзал ўлка бўлибгина қолмасдан, балки Эрон тарихида муҳим ўрнни тутиб келётган шаҳарлардан бири. XIII асрда бу ўлкада Солғурийлар авлодидан чиққан форс отабеклари ҳукмронлик қилар эдилар.

XI—XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида хоразмшоҳлар, 1200 йилда эса мўғуллар Эронга юриш қиладилар. Мўғулларнинг Ўрта Осиё ва Эронга қилган 1219—1224 йиллардаги юришлари ҳали бу ўлкаларни батамом босиб олишга қаратилмаган эди. Аммо у ҳамма ёқни форат қилишга олиб келган талон-торож юришлари эди.

Фақат 1256 йилда Чингизнинг набираси Хулагухон

<sup>1</sup> Са а д и. Бустан. Лирика. М., 1962, стр. 7—8. Автор предисловия Р. Алиев.



бутун Эронни босиб олиб, Илхонлар давлатини барпо этиши билан мўғул юришлари охирига етди.

Бу юришлар фалокатини бирор шоир ё тарихчининг ёзиб тасвишлаб бериши қийин эди. Эски ривоятлардан бирида айтилишнча, мўғуллар Бухорони талаб, ғоратқилганларида бир киши қочиб Хуросонга етиб боришга муваффақ бўлган экан. Ундан хуросонликлар нима бўлганини сўраганларида: «Омаданд, канданд, сухтанд, қўштанд, бурданд» (келдилар, илдизи билан қўпордилар, ёндирдилар, ўлдирдилар, олиб кетдилар) деб бешта сўз билан жавоб берган<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам мўғулларнинг қирғинликлари шу беш сўзли жумлада яхши ифода этилган. Улар бу ердаги ҳаётни таг-томири билан қўпориб ташлагудек қўрқинчли бир бало бўлиб келган эдилар.

«Мўғуллар асорати ўзининг қонли қабоҳати билан фақат эзибгина қолмай, балки ўзининг қурбони бўлган халқни ҳақоратлар ва жон-жонидан ўтказиб юборар эди», деб ёзган эди К. Маркс<sup>2</sup>.

Ҳатто ҳамма қўшнилари ларзага солиб турган Хоразмшоҳ салтанати ҳам унга бас келолмади. Бошқа феодаллар эса ўзаро талаш билан овора эдилар. Халқ қаттиқ ва узоқ вақтгача қаршилик қилди. Бунга XIII асрнинг 30-йилларида Бухорода кўтарилган Маҳмуд Торобий қўл остидаги халқ қўзғолонлари ва бошқа халқ ҳаракатлари мисол бўла олади.

Хоразм шоҳи Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин ҳам бир неча йилгача қаҳрамонона қаршилик кўрсатди, бироқ у кенг халқ оммасига таяна олмагани учун ҳалокатга учради. Мана шундай оғир даврда Шероз бир оз тинчроқ ва вайронликдан қутулиб қолган жойлардан бири бўлди. Бунга сабаб аввало Шерознинг бир оз четроқда бўлиши бўлса, иккинчи томондан, Шероз ҳокимлари — отабекларнинг тинчлик сиёсати эди.

Улар Шерозни бир неча бор ғоратдан қутқарган эдилар. Масалан, форс ҳокими Музаффариддин Саъд бинни Занги Хоразмшоҳ ҳужуми вақтида унга ўлпон тўлаб, тобелик изҳор этган эди. Эндиликда мўғуллар ҳужум қилиб келганларида Музаффарнинг ўғли Абубакр бинни Саъд ҳам шундай йўл тутди. У мўғуллар Эронга етиб

<sup>1</sup> Бу маълумот тарихчи Хондамирнинг «Ҳабибус сиғар» китобида келтирилади.

<sup>2</sup> Архив К. Маркса и Ф. Энгельса, т. VI, стр. 185.

келмасдан илгари форс вилоятни вакилларини мўғуллар пойтахтига юборди. Улар жуда катта тухфалар билан бориб, Шероз ҳокими мўғулларга тобе эканлигини изҳор қилдилар. Шундай қилиб, Шероз яна омон қолди, ҳокимият эса Отабеклар қўлида сақланиб қолган эди.

Бу тadbирини тўла қувватлаган Саъдий «Бўстон»нинг кириш қисмида Абубакрни мадҳ этади ва воқеани яъжуз-маъжузлар йўлини тўсган афсонавий Искандар деворига ўхшатиб, шундай дейди:

...Искандар ба девори руини санг,  
Бикард аз жаҳон роҳу Яъжуз танг.  
Туру садди Яъжузи куфр азлар аст,  
На руини чу девори Искандар аст.

(Искандар Яъжузнинг йўлини қилиб тор,  
Биринжу харсангдан қурганди девор.  
Тиллодан қўйдинг куфр Яъжузга тўсиқ,  
Искандар садидек унда бринж йўқ.)

Мана шунинг учун ҳам Шероз XIII асрда Ўрта Осиё ва Эрондагина эмас, бутун Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг муҳим марказларидан бирига айланиб қолди.

Мусулмон Шарқининг кўп жойларидан тинч ҳаёт қидирган олимлар, шоир ва ёзувчилар Шерозга келадилар.

Мана шундай улкан воқеалар арафасида туғилиб, шундай шум замонда яшаган Саъдий Шерозда ўсиб улгайди.

Унинг отаси Мушриф Шерозий ўртамиёна руҳонийлардан бўлиб, Шероз ҳокими Отабек саройида хизмат қилар эди. У ўғлини ҳам руҳонийликка тайёрлаб, уни ўқита бошлади. Саъдий ўз отасини юмшоқ табиатли меҳрибон киши сифатида тасвирлайди ва унинг берган сабоқларини, васиятларини эслайди.

Ҳайит кунларидан бирида Саъдийнинг отаси шаҳардан ташқарида бўлган катта бир сайилга олиб борибди, унда Саъдий отасидан адашиб кетибди. Отаси уни қидириб топгач, қулоғидан чўзиб танбеҳ бериб шундай дейди:

Эй кўзи ўйноқи, шўху беқарор,  
Баримни маҳкам тут, дедим неча бор.

Билмайсан, ёш бола бўлгандан кейин,  
Танҳо йўл юрмоқлик дунёда қийин.

Саъдий кейинчалик бу воқеани эслар экан, дунёда мураббийсиз, ота, устод, муаллим этарини тутмасдан йўл юрган киши кўп адашади деган тарбиявий хулоса чиқаради:

Яхшилар кетидан агар чопарсан,  
Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

«Гулистон»нинг саккинчи бобида эса отаси ҳақида қуйидаги шеърий лавҳа бор:

Қачон охирга отам умри етди,  
Насиҳат сўзини менга айта кетди:  
Дедимки, шаҳват ўтдир, айла парҳез,  
Узингга дўзах ўтин айлама тез.  
Ул ўт куйурса бўлғай тоқатинг тоқ,  
Сабрдан сув уриб маҳв айла шул чоқ.

Бундан ташқари, «Гулистон»нинг иккинчи бобида Саъдий болалигида отаси билан сўфийлар мажлисида бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Аммо унинг ота соясидаги бахтли ёшлиги узоққа чўзилмайди.

Етимларга шафқат қилиш лозимлиги ҳақидаги бир шеърида («Бўстон») шоир отасидан жуда ёшликда етим қолганлигини, отаси давридаги бахтли ҳаёт тугаб, унга ҳеч ким қарамай қўйганлигини айтади:

У дамки, бошимда отам бор эди,  
Бошим узра тожим, жигам бор эди.  
Юзимга бирор пашша қўнса агар  
Нечалар париншон бўлур эрдилар.  
Гар энди асир этса душман мени,  
Мадад қилгали менда бир дўст қани?  
Гўдаклар гами менга буткул аён,  
Отам кетди бошдан гўдаклик замон<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> «Бўстон»дан олинган парчалар Н. Чустий таржимасида берилди (Саъдий, Бўстон, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1960). Баъзан аниқлик учун кичик ўзгартишлар киритилди.

Бундан ташқари ҳам унинг ёш етим қолганлигига ишора қилувчи ҳикоялар, сатрлар «Гулстон» ва «Бўстон»да кўп-кўп топилди.

10-11 ёшларда етим қолган Саъдийга сарой нафақаси тайинланган бўлса-да, онла аҳволи оғир бўлган Саъдий «Гулстон»даги ҳикояларидан бирида кейинчалик акасини оғир аҳволдан қутқариш учун орага тушганини ҳикоя қилади. Унинг акаси майда савдогарлик билан умр кечиршига мажбур бўлган бўлса керак.

Саъдийнинг ўсиришлик даврлари эса Бағдодда ўтган.

Ҳали мўғуллар ҳужумидан омон бўлган Бағдод бу даврда Шарқнинг улкан илм марказларидан бири эди. Бу ерда ўша замоннинг машҳур кишилари, катта олимлар, шоирлар, суҳан устодлари тўпланган эди. Бу шаҳарда жуда кўп ўқув юртлари, минглаб жилд китобларга эга бўлган кутубхоналар мавжуд эди.

Масалан, Бағдоднинг «Носир халифа» кутубхонаси кейинчалик уч кутубхонага асос бўлган. Булардан бири Ҳазонаи Работхотун Салжуқий, иккинчиси—Ҳазонаи дорилмусаннотун ва учинчиси эса Низомия мадрасаси кутубхонаси эди. Аммо Бағдодда бундан ташқари ўндан ортиқ кутубхоналар бўлган. Шу жумладан, Низомулмулк мадрасаси ҳам ўша даврнинг энг катта ўқув юртларидан бири эди.

Маълумки, XI аср салжуқ шоҳларидан бир нечасига вазирлик қилган улкан давлат ва маданият арбоби Низомулмулк Бағдод, Басра, Мосул, Исфаҳон, Омул, Марв, Нишопур, Ҳирот ва Балх шаҳарларида ҳаммаси бўлиб тўққизта мадраса очган эди.

Булар орасида энг йириги ва бутун Шарққа машҳур бўлиб кетгани Бағдоддаги «Низомия» бўлиб, у 6000 шогирдни ўз бағрига олган.

Жуда кўп донишмандлар, шоирлар, олимлар шу мадрасадан чиққан. Унда Шарқнинг энг кўзга кўринган донишмандлари мударрислик қилишган. Саъдий ҳам мана шу бутун Шарққа донги кетган «Низомия» мадрасасига кириб ўқишга муваффақ бўлади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Бўстон»да:

Низомияда маошим бор эди,  
Тушу кун ишим — дарсу такрор эди,—

деган маълумотни беради.

Бироқ у нима учундир Низомнидан Бағдоднинг бошқа бир мадрасаси «Мустансирия»га ўтиб, шунда илм олишни давом эттиради.<sup>1</sup> Бу мадраса ҳам жуда катта мадрасалардан бири бўлиб, кутубхонасининг ўзидагина етмиш минг жилддан ортиқ китоб бўлган.

Бу ерда талабаларга ислом динининг асослари — қуръон ва пайғамбар ҳадислари ҳамда уларга изоҳлар ўқитилар эди. Саъдий мадрасада диний ақидалардан ташқари тиб ва ҳисоб илмларини, араб тили ва грамматикаси, Шарқ фалсафаси; араб ва форс адабиёти, тарих ва мантиқ, табиат ва фалакиёт каби илмларни қунт билан ўрганади.

Мадрасада турли мавзуларда мушоиралар ҳам тез-тез бўлиб турар эди. Саъдий отасининг орзусини — васиятини бажариб, воизлик, маддоҳликка тайёрланаётган бўлса-да, аммо шеърятга жуда қизиқар, мушоираларда қатнашар эди.

Талабалар орасида, айниқса Х асрда яшаб ижод этган машҳур араб шоирни Мутанаббий шеърлари зўр эътиборга эга эди. Кейинчалик бу шоирнинг Саъдий ижодига таъсири сезиларли бўлди.

Саъдий Бағдодда кўпгина араб олимлари, филологлари, шоир ва адiblари билан учрашиб турар эди. Араб тили унга иккинчи она тили бўлиб қолди.

Саъдий ўша даврнинг машҳур донишмандларидан кўплари қўлида ўқиди, ўрганди.

Шоирнинг ўзи кўпинча улардан иккитасини эслайди. Булардан бири — ўша даврнинг машҳур тасаввуф олимларидан файласуф адиб Шаҳобиддин Сухравордий эди.

Сухравордий Саъдийга тасаввуф ғояларини сингдиришга ҳаракат қилади. Иккинчиси эса Абулфараж Абдурахмон ибн Жавзин бўлиб, у ўз шогирдини ортодоксал мусулмончилик руҳида тарбиялар эди. Бу ҳақда биз «Гулистон»да қуйидаги ҳикояни ўқиймиз:

«Менинг шарафли шайхим (худо раҳмат қилғур) Абулфараж ибн Жавзин, хонанда ва мутриблар мажлисини тарк этишни қанча буюрмасин ва хилват ҳамда узлатга ишорат қилмасин, ёшлигим ғолиб келар, табиат ва ҳавасим ғолиб бўлар ва мен чор-ночор мураббийим раъйига хилоф қадам қўяр, дўстлар мажлиси ва қўшиқ

---

<sup>1</sup> Са а д и. Бустан. М., 1962, стр. 10.



эшитишдан лаззатланар эдим. Шайхим насихати ёдим-  
га келганда эса:

Қози биз билан ўтирса, ўзи ҳам чалгай чапак,  
Мухтасиб ўзи май ичса, қилмагай мастни ҳалак,—

дер эдим.

Бир неча бор ўтиришга келиб қолдим, улар орасида  
бир хонандани кўрдимки:

Жон риштасин узарди камончайи носози,  
«Отанг ўлди» дегандан хунук эди овози.

Ўтирганлар гоҳ қулоқларин беркитар, гоҳ бармоқ-  
ларини лабларига босиб «жим бўл» ишорасин этар  
эдилар.

Қўшиқчилар борким, алар овозини  
Гўзаллиги солар дилга ҳаяжон.  
Аmmo сен шундайин ажиб куйчисан,  
Жим бўлганинг чоғи роҳатланар жон!

\* \* \*

Киши бўлмас эшитмак бирла шодон  
Магар шоддир эшикдин чиққанинг он.  
Бу барбатчи ашула бошлаган дам,  
Худо ҳаққи, дедим, мезбонга мен ҳам,  
Қуйиб қўй қўрғошин топиб қулоққа  
Ва ё очгил эшик, кетгум узоққа.

Аmmo дўстлар хотирин ёд этдим ва азонгача азоб че-  
киб, тонг отарга етдим:

Тундан қанча ўтмиш билолмай чунон,  
Сўфи жуда бевақт қичқирди азон.  
Кипригимдан сўра тун узунлигин,  
Мижжа қоққани йўқ кўзларим бир он.

Эрта билан мен салламни бошдан олиб, устига бир  
динор солиб, хонанда олдига бориб, уни қучоғимга ол-  
дим ва бутун ташаккуримни тўкиб солдим. Дўстлар бу  
қилмишни ғайриоддий иш билиб, шу он ақлимда нуқ-



сон кўрдилар. Улардан бири эътироз тилини дароз қилиб, маломат бошлади ва шундай гапни орага ташлади: «Ақлли кишиларга номуносиб хатти-ҳаракатни қилдинг, наҳотки шайхлар ҳирқасин умрида бир дирам ҳам кўрмаган, чилдирмасига бир қурога тушмаган кишига берсанг.

Бу уйдан бўлсин бу мутриб узоқ,  
Бир эшитган солмас бунга ҳеч қулоқ.  
Чиқар эса ногоҳ товуши даҳандан  
Эл мўйи тик бўлар эли баданда.  
Хуркиб учди қушлар ашула чоғи,  
Миямиз сидирди, йиртиб томоғини.

— Эътироз тилингни тийишинг маслаҳат, чунки бу кишидан каромат зоҳир бўлди,— дедим.

— Менга ҳам бунинг маъносини тушутириб бер, токи мен ҳам сенингдек унга яқинлик таъбирини кўрай ва унинг устидан кулганларим учун кечирим сўрай,— деди.

— Ҳа,— дедим мен,— гап шундаким, менинг шарафли шайхим неча бор менга ажиб насихатлар қилиб ашула базмларидан қоч, дерди. Бу гаплар қулогимга кирмас эрди.— Бул кеча толе-тароватим, бахту саодатим мени бул ерга келтирди, токим мен бу нағмасоз дастидан тавба қилай ва умримда иккинчи бундай нағма кечаларидан узоқ бўлай:

Ширин даҳан, ширин лабдан чиқажак овоз,  
Куйласин ё куйламасин, бўлур дилнавоз.  
Ёмон куйчи тилидаги ҳаммаси ёмон,  
«Ушшоқ» бўлсин «Хуросоний» ва ёки «Ҳижоз!»

Бу ҳикоя Саъдий устодларидан бири ҳақида маълумот беришдан ташқари, ўқиш йилларида Саъдий ҳаёти қандай кечганлигини ҳам кўрсатиб берганлиги учун биз уни тўла келтирдик.

Саъдий Бағдодда мадрасани тамомлагандан сўнг ўз ватанига қайтиб келмайди. «Жаҳоннашта эр марду оқил бўлур» деб қаттиқ ишонган шоир Шарқ мамлакатлари бўйлаб катта саёҳатга йўл олади ва энди ҳаёт дорилфунунини ўта бошлайди. Бунинг сабабини шоир бир шеърда шундай кўрсатади:

Билмак истайсанми, на учун бундай  
Узоқ йиллар юрдим гурбатда сарсон?

Мўғуллар дастидан йўқ эди тинчлик,  
Зангилар сочидек чигалди замон.  
Қиёфаси одам кўринаур, аммо —  
Бўридек бир-бирини йиртарди насон.

Дарҳақиқат, Саъдий яшаган давр Ўрта Осиё ва Эрон ерлари мўғуллар томонидан босиб олинган, ҳамма ёқда қирғин, ўлим ва талончилик авжига минган, халқ фарёди кўкка чирмашган давр эканлигини юқорида қайд қилиб ўтган эдик.

Шундай пайтда Саъдий дарвеш жомасини кийиб узоқ йўлга отланади. Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. Бир неча йилларга чўзилган бу сафарида шоир кўп қийинчиликларини бошидан кечиради, ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучукларини тотиб кўради.

Биз унинг «Гулистон» асаридаги автобиографик характерга эга бўлган ҳикояларини кўздан кечирар эканмиз, унинг очу тўқ, кўпинча пиёда йўл юриб, қанча чўлу биёбонларни ўтганини, йўлсизлик, сувсизлик балоларига бардош берганини, қароқчиларга қарши курашганини ва бошқа кўп ҳодисаларни мушоҳида қиламиз.

У вақтда бундай саёҳатлар катта қаҳрамонлик эканини ва жуда жасур сайёҳларгина бундай саёҳатларга отланганликларини айрим қайд қилиб, унинг «Гулистон»идаги ҳикояларидан бир нечасини келтирамиз:

«Бир кеча Макка саҳросида уйқудан қолиб, оёқдан толиб, қумга бошимни қўйдим ва туякашга дедим:  
«Мени ўз ҳолимга қўй».

Қанчага чидасини мискин оёқлар,  
Бу йўлда пор туя оёғи толур.  
Ингичка бўлгунча йўғон чўзилиб,  
Ингичка чидамас, узилиб ўлур.

Ул деди: «Эй биродар, олдинда ҳарам, орқада ҳаромилар, агар борсанг оласан, ухлаб қолсанг ўласан!»

«Чўлда акае тагида ухламоқ-ку яхнин иш,  
Кетар туни бўлса-чи, бу жондан умид узини».

Саъдийнинг пиёдалик азобида бундай ҳолдан тойиб йўлда қолиб кетишгача рози бўлган вақтлари ҳам, ҳатта оёғига бирорта чориқ тополмай, оёқ яланг юришга мажбур бўлган чоқлари ҳам кўп бўлган. Бу ҳақда шоир шундай ҳикоя қилади: «Мен ҳеч вақт замона ишининг нолимас ва фалак гардишининг юз ўғирмас эдим. Фақат бир марта оёқ яланг юрганымда, оёқ кийим олишга қурбим етмай турганимда, дилимда алам билан Қуфачи мачитига қадам қўйдим. Унда оёқсиз бир кишини кўрдим... Худо неъматини шукрин билдим ва кафшсизликка сабр қилдим:

Қоврилган қуш қадрини тўқлар наздида  
Дастурхонда пиёз, кашнич, ўтдан кам.  
Оч олдида ўтар товуқ ўрнига  
Қуруқ сувда қайнаб пишган бир шолғам».

Шундай саёҳатда турли воқеалар, турли азоб-уқубатларга чидаб бирини кўриб, фикр қилса, иккинчини кўриб, шукур қилган ва саёҳатни давом эттира берган Саъдий саёҳатнинг кишига келтирадиган фойдасини қуйидагича тасвирлайди:

«... Сафарнинг фойдалари кўпдир, қалб шифоси ва шаҳарлар томошаси андин, унда кўп ажойиботлар кўрурсан, кўп фаройиботлар эшитурсан, дўстлар ила суҳбат, илм ва билимингга вусъат ҳам андин, бойлигинг ошади, молу ҳолинг тошади, кишилар билан **чандон учрашиб, тақдир лавҳангни имтиҳон қилурсен.** Тариқат йўлидан юргувчилар шундай дейдилар:

Дўкону уйингдан чиқолмай бир он,  
Ҳаргиз, эй хом одам, бўлмадинг инсон.  
Чиқиб энди сен ҳам кезгил жаҳонни  
Бўшаб қолмасидан сендан бу жаҳон!»

Саъдий сафар қилиб дунё кезиш, дўстлар билан суҳбатлашишни яхши кўради, у шаҳарма-шаҳар ўтиб, меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволини ўз кўзи билан кўради. Кўрганлари устида чуқур мулоҳаза юритади.

Нима учун бировлар олдида товуқ гўштининг қуруқ ўтча қадрини йўқ, нима учун бошқалар очу, қуруқ шолғомларга қуш этидан ширин, нечун одамларнинг:



«Бирн неъмат ичра, бирига азоб,  
Бирига машаққат, бири комёб...»—

эканлигини ўйлаб, бунинг сабабларини қидиради.

У турли элат намояндаларини муқояса қилиб кўради. Улар орасида фарқ йўқлигини, дунёда фақат очу тўқлар, бору йўқлар, бой ва камбағаллар бор эканини мушоҳада қилади:

Сенга тоқу масжид бўлибдир макон,  
Биров бутпараст бўлса, дема ёмон —

деган насиҳатни қилади.

Шунинг каби мисраларга қараб, шоир гуманизмида интернационализм тенденцияларининг ҳам мавжудлигини қайд қилиб ўтиш мумкин.

Яна бир шеърда Саъдий бир дин вакилларининг иккинчи бир диндаги кишиларни камситишлари устидан кулар экан, у умуман ирқий ва диний ақидалардан анча юқори кўтарила олади:

Жуҳуд ва муслмон қиларди жанжал,  
Сўзларидан кулгим қистади чунон:  
«Жуҳуд бўлай агар, эй худовандо,  
Аҳдим чин бўлмаса», дерди муслмон.  
Жуҳуд дер: «Тавротга ичайини қасам,  
Сендек муслим бўлай аҳдим бузган он».  
Ер юзидан ақл ўчиб кетса ҳам,  
Ҳеч ким билмас экан ўзини нодон.

Бундай турли ирқ ва турли дин одамларини тенг кўриш ҳақидаги фикрларни «Гулистон»да ҳам учратамиз. У, кўпинча, ўзи бирга юрган карвонда текинхўр дарвешларнинг хулқ-атворини, уларнинг текинхўрлиги, тамагарлиги, ҳатто ўғирликдан ҳам ҳазар қилмаслик каби хислатларини фош қилиб ташловчи ҳикоялар келтиради.

Бир ҳикоясида улар билан муштлашганини ёзса, иккинчисида ундай дўстлардан ажраб кетганини ҳикоя қилади:

«Дамашқли дўстларим суҳбатидан малол етиб, Қуддус биёбони томон бош олиб кетиб ва ҳайвонларни дўст тутиб эрдим. Фаранглар<sup>1</sup> қайдиға асир тушиб қол-

<sup>1</sup> Урта аср Шарқда европаликларни шундай дер эдилар.

дим. Фаранглар мени яҳудийлар билан Траблис хандақларига, ер қазини ишларига юборишди. Мен билан илгари танишлиги бўлган Халаб экобирларидан бири ўтиб кета туриб мени таниб қолди ва: «эй фалончи, бу на ҳолат?» деган гапини орага солди. На қилай?— дедим унга:

Тоғу даштга қочиб эрдим оламдан,  
Худони деб кечиб эрдим оламдан.  
Бу соатда аҳволим кўп гирёна,  
Нокасларга бўлдим энди ҳамхона.  
Дўст олдида бандла бўлса ҳам оёқ,  
Ўзга билан гул сайридин яхшироқ».

Келтирилган ҳикоялардан кўришиб турибдики, Саъдий дўст қадрига етишни ҳам, ватанини севишни ҳам ҳаёт мактабидан ўқиб чиниққан. У дўстларидан ажрагач, салб юриши қатнашчиларига асир бўлган.

Бу ҳикояни ўқишни давом эттирар экаммиз, Саъдийнинг шахсий ҳаёти ҳам анча оғир бўлганлигини кўраммиз:

«Менинг аҳволимга раҳми келди,— деб давом эттиради адиб ҳикоясини,— 10 динор тўлаб мени фаранглар кишанидан халос этди ва ўзи билан Халабга олиб кетди. Бир қизи бор эрди, маҳри молига ўзидан юз динор қўшиб, никоҳимга берди. Орадан бир оз вақт ўтди, қиз бад табиат, жанжалкаш ва гапга кўнмас, кўнгли гаш, тили узун, сўзи туташ касофат экан. У тилини тиймай, оғзига келганини деб кўнглимни гаш қила бошлади.

Яхши эркак ёмон хотин-ла ҳамдам —  
Бўлса, бу дунёда уйи жаҳаннам.  
Ёмонларга яқин бўлмагил асло,  
Жаҳаннам ўтидан сақла, раббанол

Бир кун таъна тилини чўзиб:

— Сен ўша отам ўн тилла бериб фаранглар бандидан бўшатиб олган киши эмасмусан?— деди.

— Ҳа,— дедим,— отанг мени 10 динорга сотиб олди. ва 100 динорга сенинг тузоғингга солди:

Эшитдим бир киши бир қўйни кушод  
Этибдир бўрининг оғзидан озод.  
Кечқурун бўғзига қадаркан пичоқ,  
Қўй руҳи дод солиб, сўзламини шундоқ:  
«Бўридан қутқардинг десам ўшанда,  
Ўзинг экансан-ку менинг кушандам».

Ҳақиқатан ҳам бу ҳикоя улур шоирнинг ҳаётида шундай бахтсизлик юз берганига ишонарли фактдир. Чунки унинг «Бўстон» асарида ҳам ёмон хулқли хотин ҳақида оташни мисраларга дуч келамиз:

Дил оромидир яхши бўлса хотин,  
Ёмон бўлса ундан худо сақласин.  
Эса тўти бир зоғ билан ҳамқафас,  
Қафасдан қочиб несагай ҳар нафас.  
Бошинини олиб кетгил оворавор  
Ва ё бўйининг эг унга бечоравор.  
Ковуш тор эса киймаган яшидир,  
Уриш бўлса уй, турмаган яшидир...

Хотин бўлса подону ҳам кир юрак,  
Хотинмас бошинга балодан дарак...  
Агар бўлса хотинга эр мубтало  
Маломат қилиб юрмагил, Саъдий.  
Ўзинг ҳам жафосини кўп тортасан,  
Қучоғинга бир йўл агар тортасан.

Шоир бундай хотиндан қочиб қутулади. Аммо унинг шахсий ҳаётида яна бир оғир фожиа рўй беради. У Яманда бўлган вақтида ёлғиз ўғли вафот этади. Бу ҳақда унинг ўзи «Бўстон»да маълумот беради.

Шоирнинг ундан кейин бошқа бола-чақаси бўлган-бўлмагани ҳақида маълумот йўқ. Унинг ҳаёти тахминан 50 ёшларгача сафарда ўтган. Ўзининг ҳинд сафари ҳақида у «Бўстон»нинг саккизинчи бобда ҳикоя қилади.

Саъдий шаҳарма-шаҳар маддоҳлик қилиб, карвонларга соқчиллик қилиб бўлса-да, сафарни давом эттира берган. Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон каби мамлакатларнинг жуда кўп шаҳарларида бўлган шоир илму ҳикматни китоблардан эмас, ҳаётнинг ўзидан, одамлардан ўрганиб, замонасининг кўпни кўрган доно кишига бўлиб етишди.



Бу саёҳатларда қалбшунос шоир сифатида уни қизиқтирган нарса, асосан, кишилар, уларнинг ҳаёти, юраги, номаи аъмоли эди.

Бу ҳақда рус олими академик С. Ф. Ольденбург шундай ёзади:

«Саъдий буюк қалбшунос бўлган, уни ҳар доим қатиқ қизиқтирган нарса одам, унинг ишлари, ният ва уналишлари бўлган эди. Шунинг учун бўлса керак, у турли мамлакатлар ва халқларга мансуб кишиларни чоғиштириб кўришни хоҳлайди. Унинг асарларига қараб фикр юритилса, унинг бу чоғиштиришлардан қилган хулосаси шундайким, ҳамма халқлар ва мамлакатларнинг кишилари бир-биридан кўп фарқ қилмайди. Саъдийнинг фикрича, уларнинг севгилари ҳам, нафратлари ҳам бир хил»<sup>1</sup>.

Одамлар, уларнинг ўй ва фикрлари, киши қалбнинг саргузаштлари ҳар қандай ҳақиқий шоир ва ёзувчининг биринчи материали бойлиги, бутун фикр-ўйининг моеси эмасми?

Саъдийнинг ҳам жаҳон кезиб излаган ва топган бойлиги шулар эди. Буни шоирнинг ўзи образли қилиб шундай ифода этади:

Кўп узоқ элларга қилдим саёҳат,  
Турли одам билан бўлдим ҳамтовоқ.  
Ҳар бурчакдан топдим бир луқма овқат,  
Ҳар хирмондан олдим биттадан бошоқ.

XIII асрнинг ўрталарида Шерозга қайтиб келган шоир дунё ғавғоларидан ўзини четга олиб, шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф хонақосида фақирона умр кечиради.

## ИНСОН ТИНЧЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Саъдий дунё ғавғоларига шахсан ўзи аралашмаса ҳам, бироқ унинг ҳар бир асари, ҳар бир сўзи ҳаёт билан чамбарчас боғланган. Энди унинг ўзи асарлари билан дунёга, кишилар қалбига шўришу ҳаяжон солиб яшар эди.

<sup>1</sup> Саади. Бустан. М., 1963, стр. 14.

Саъдий шеър ёзишни жуда ёш чоғидан бошлаган шоирлардан бири.

Унинг ижоди форс-тожик классик адабиёти традицияларини давом эттириш билан бирга, ўзидан сўнгги асрлардаги тожик ва Эрон халқлари адабиётининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Саъдий хилма-хил жанрларда ёзилган жуда кўп асарларнинг авторидир. Унинг «Куллиёт»ни жанрлар бўйича 19 бўлимдан иборат бўлиб, унда прозаик ва поэтик асарлар тўплагандир. «Куллиёт» шоир ўлимидан 37 йил кейин Али билан Аҳмад бинни Абубакир Бесутун деган киши томонидан жамланган.

«Куллиёт» бошланishiда тўпловчи буни кўпчилиكنинг талабига биноан бажарганлигини қайд қилади. Бу иш 720 ҳижрий йилда, яъни Саъдий вафотидан 30 йилга яқин вақт ўтгандан кейингина амалга оширилди. Аммо жуда кўп асарларни ўз ичига олган бу тўпламдан бирор ғазалнинг матлаини билмай туриб, девондан қидириб топиш қийин иш бўлган, буни назарда тутиб Бесутун орадан 7—8 йил ўтгач «Куллиёт»ни яна бошқатдан тузиб, ундаги ғазал ва бошқа майда шеърларнинг радифи ёки қофиясига қараб алфавит тартибида жойлаштириб чиққан.

Радифга ва қофиясига қараб алфавит билан девон тузиш Шарқда шундан сўнг одат тусига кириб кетган бўлса керак.

Форс-тожик адабиёти тарихида Саъдийнинг мавқеи жуда баланд. У биринчи бўлиб ғазал формасини мустақил жанр даражасига кўтарди. Унинг «Куллиёт»ига 4 девон (ғазаллар тўплами) киритилган.

«Куллиёт»га киритилган бадий асарлар ичида энг машҳурлари 1257 йилда ёзилган «Бўстон» ва 1258 йилда доналари орасида ўзига муносиб ўрнини эгаллаган.

«Гулистон» ўзига хос дидактик ҳикоялар ва шеърний афоризмлар тўпламидир. Китоб 8 бобдан иборат. Унинг дебочасида автор:

Гул замони беш-олти кундир бас,  
Бу «Гулистон» ҳамини пок нафас,—

деб ёзгани бежиз эмас эди.

Асарлар бўйи форс-тожик прозасининг классик намунаси бўлиб келган бу асар соддалик, оригинал гўзаллик, воқеликни тўғри акс эттириш билан китобхонни мафтун этади. Жаҳонгашта шоир ўз ҳаётида кўрган, билган воқеаларни баён этиб улардан ахлоқий хулосалар чиқаради.

Ундаги қисқа-қисқа ҳикоячаларда дунё-дунё маъно бўлгани учун ҳам бу китоб жаҳон адабиётининг олтин фондига кирган.

Адабиётшунослар наздида форс классик поэзиясининг энг порлоқ асари Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си бўлса, насрий асарларнинг энг баржастаси «Гулистон» ҳисобланади.

Бу таълимий асарда ёзувчи ўз давридаги энг муҳим ва катта-катта сиёсий, иқтисодий воқеаларни акс эттирар, ахлоқий нормаларни талқин этар экан, ўша давр кишиларининг хилма-хил образларини яратадики, бу образларнинг умумлаштирувчи кучи ҳам, таъсир донраси ҳам шоирнинг ўз юрти ва даври чегарасидан чиқиб кетади. Унинг илғор орзулари умумбашарият орзулари билан ҳамоҳанг. Шунинг учун ҳам бу асар жаҳон адабиёти дурдоналари қаторида 700 йилдан бери севиб ўқилиб келмоқда.

Саъдий китоб дебчасида асарнинг ёзилиш сабабларини баён этади-да, сўнг уни «мутаносиб бўлсин, жаннат равзасига ўхшасин ва ўқиган кишини зериктирмасин» деган мақсадда 8 бобга тақсим қилганлигини айтади.

Китобнинг биринчи боби «Подшолар табиати ҳақида» деб аталади. Бунда шоир турли масаллар, ўтган подшолар ҳаёти ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлар ёрдамида шоҳларга панду насиҳат қилади.

Фақат шоҳлар эмас, вазирлар ва бошқа сароӣ аъёнларини золимликдан, адолатсизликдан тийишга ҳаракат қилади.

Масалан, икки ака-ука ҳақида шундай ҳикоя қилинади:

«Мисрда икки ака-ука бор эдилар. Улардан бири Султонга хизмат қилар эди. Иккинчиси эса қўл кучи билан нон топиб ейдирган бечораҳол киши эди. Кунлардан бир кун бадавлати камбағал укасига қараб:

«Нега Султон хизматига кирмайсан, эртаю кеч меҳнат қилиш азобидан қутулар эдинг», — деди.

Камбағал унга шундай жавоб берди:

— Сен нега меҳнат қилмайсан, миннатдан озод бўлар эдинг, донишмандлар: «Амир хизматида олтин камар билан бел боғлаб тургандан кўра, арпа нон еб қуруқ ерда ўтирган яхши» деганлар.

Шеър:

Амир хизматида сокин ва афгор  
Қўлларинг кўксингга қўйгунча ҳар гал,  
Куйса ҳам қўлларинг майли, биродар,  
Қафтингда тош оҳак очганинг афзал».

«Гулистон»нинг бошқа бобларидан кейинчалик кўп мисоллар келтиришга тўғри келади, шунинг учун биз ҳозирча боблар номини келтириш билан чегараланамиз:

Иккинчи бобда дарвешлар ахлоқи ҳақида, учинчи бобда қаноат фазилати ҳақида, тўртинчи бобда гапирмаслик фойдаси ҳақида, бешинчи бобда ёшлик ва ишқ ҳақида, олтинчи бобда қариллик ва заифлик ҳақида, еттинчи бобда тарбият таъсири ҳақида ва, ниҳоят, саккинчинчи бобда суҳбат одоби ҳақида сўз юритилади.

Бироқ бу фикрлар қуруқ дидактика эмас, конкрет образларда қизиқарли ва эса қоларли ҳикоячаларда ифода этилади.

Саъдий бу китобда ўз даврида бошдан кечирган ҳаётний воқеалар ҳақида ширин юмор билан ҳикоя қилди. Шунинг учун ҳам у Саъдий замонини яққол кўрсатиб берувчи кўзгудир.

Ун бобдан иборат «Бўстон» ҳам «Гулистон»га ўхшаш дидактик ҳикоялардан иборат. Фақат у бошдан-оёқ шеър билан битилган.

Чингиз урдуларининг ваҳшийлиги туфайли юз минглаб кишилар қирилиб, обод экинзорлар чўлу биёбонга айлантирилиб, гўзал шаҳарлар ер билан яксон қилинган бу машъум даврда умидсизлик, руҳий тушқунлик, таркидунёчилик, дарвешлик, фатализм ниҳоят даражада авжга минган эди.

Бундай ҳаёт, албатта, Саъдий ижодига ҳам таъсир қилмай қолмади. Унинг ахлоқ нормаларида тақдирга тан бериш, ўз эзувчилари ва талончилари билан мурасизлик мотивлари кучли. Аммо шунга қарамай, Саъдий улуғ гуманист ва халқпарвар шоир сифатида машҳурдир. Соф инсоний юраги билан халқ томонида бўлган шоир оғир умр кечиршига қарамасдан шоҳлар саройи-



га боришдан бош тортди. У бу ишни тамагарлик, наст-  
кашлик деб билди ва «Бўстон»да шоирларга қарата:

Олиб борма шоҳга тамали сўзинг,  
Тамани йўқотганда шоҳсан ўзинг.  
Бир арпага сотма шараф гавҳарин,  
Тама тўккуси ҳурматингнинг барин,—

дер экан, у ўзига қараб:

Сен, эй Саъдий, сўз ботири пурҳунар,  
Қалам тиги илгингда топгай зафар,  
Дегил қанча билсангу ҳақ сўз дегил,  
Ема пора, найрангдан боғла тил.  
Сўзингда тама бўлса бемаънидир,  
Тамадан кечиб қанча билсанг гапир,—

дейди.

Саъдий инсоният тинчлигини ҳамма нарсадан юқо-  
ри қўяди. Умуман, ҳамма вақт ҳам урушдан тинчликни  
афзал кўрган шоир Отабекнинг Шерозда тинчликни  
сақлаб қолган тадбирини қадрлар, шунинг учун уни  
ҳурмат қилар, уни бир неча шеърларида мадҳ қилган  
ҳам эди. Аммо шунга қарамай, Отабекнинг саройга  
чақирган таклифини Саъдий одоб ва назокат билан,  
аммо қатъий рад этди.

Саъдий фақат сарой шоири бўлишдан бош тортибги-  
на қолмай, балки, умуман шоҳларни мадҳ этувчи қа-  
сидалар ҳам ёзмади. Албатта, Саъдий ўз даврида форс  
классик адабиётининг асосий формаларидан бири бўл-  
ган қасида жанрида ҳам шеърлар ёзади, унинг «Кулли-  
ёт»ида қасидалар бўлими ҳам бор, аммо унинг қасида-  
лари тамагар сарой шоирларининг мадҳларидан тамо-  
ман фарқ қилади.

Саъдий ўз шеърларида ва ҳикояларида шоҳларни  
адолатга, раиятпарварликка чақиради, уларга панд-наси-  
ҳат қилади. Бу ҳақда ажойиб мисраларни ўқиймиз:

Ярашмайди зийнатланиш шоҳ учун,  
Агар бўлса эл очу ҳоли забун.  
Ўзидан бурун ҳар ким эл роҳатин,  
Агар кўзласа, унга минг офарин.



Ғарибларга орттирса жабру жафо,  
Бўлур тахту ҳам тожидан шоҳ жудо.

### Саъдий шоҳни баъзан чўпонга ўхшатиб:

Бекордан-бекорга элинг эзмагил,  
Эрур шоҳ чўпону, қўй — оддий эл.  
Ақлликка маъқул эмас ҳеч қачон,  
Еса қўйини бўри, ётиб қўйчивош.  
Сен аввал кес ул бўриллар бошларин,  
Улар ёрмай эл қўйларин ҳаммасин,—

### деса, баъзан боғбонга ўхшатиб:

Агар олса деҳқонни, ёв, эшагин,  
Нечук шоҳ солиқ олғай ундан тагин.  
Эшакни ёв олса, шоҳи олса бож,  
Тополмайди равнақ бу хил тахту тож.  
Дарахтдир элу, ўстириб сақлагил,  
У бергай сенга мевалар хилма-хил.  
Юлиб олмагил илдизу мевасин,  
Бу ишдин пушаймон бўлурсан тагин,—

дейди ва, умуман, давлат, тахту тож асоси оддий халқ  
эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Бунинг учун гоҳ  
масаллар келтирса, гоҳ тарихий шахслардан фойдала-  
ниб. узоқ ўтмиш сабоқларини эслатади.

Масалан, «Бўстон»да қуйидаги ҳикоят бор:

Эшитдим адолатли бир шоҳ тўни  
Экан бўзу доим кияркан уни.  
Биров дебди, э бахтли шоҳ, тикдириб  
Кийинг, тоза шоҳона тўн келтириб.  
Деди:— Шу кийим ҳам кифоят эрур,  
Агар бундан ортар у зийнат эрур,  
Бошимга келур неча турли ҳавас  
Ва лекин хазина ўзимдан эмас.  
Хазина тўлиқдир қўшинлар учун,  
Эмас у безак ҳам ўйинлар учун.

### Ёинки Нуширавон Хормузга:

Чиқар ҳожатин ҳамма муҳтожни,  
Шулар қўйди шоҳ бошига тожни.

Дарахт бўлса шох, халқ илди эрур,  
Бил, ўғлим, томирли дарахт улгаюр.  
Элинг қалбини оғритма, берма зарар,  
Қурур илдининг, ранжиса эл агар.

Ҳар бир нафасидан оддий инсон тақдирига меҳру  
муҳаббат уфуриб турган улуг гуманист элга зулм қилган  
ситамгарларга жазо беришга, ҳатто уларни қириб таш-  
лашга чақиради:

Ёмонлик қилувчи ситамгар ўтар,  
Уни доимо халқи лаънат этар.  
Сила яхши бошини, берма зиён,  
Ёмонга тараҳҳум — ўзинга ёмон.  
Сира сийламай қир ситамгар инини,  
Унинг тоза юлмоқ керак илдинини.  
Зулм этувчиларга берма омон,  
Шилиб пўстини айлагил бенишон!

Бироқ, шу билан бирга, умрида кўп урушларни, бе-  
маъни қон тўкишларни кўрган шоир уруш ва қон тўкиш-  
га бутун юрак ҳарорати билан қарши чиқади:

Қасам мардлик ҳаққи, буткул баҳон,  
Сира арзимас томса ер узра қон!

У ҳатто бойлик, сину зар кетса ҳам ҳар қандай та-  
лашларни тинч йўл билан ҳал қилишга ундайди:

Гар иш ақлу тadbир билан ҳал бўлур,  
Яраш ёв билан, жангдан афзал эрур.  
Агарчи эсанг қанчалик паҳлавон,  
Урушдан яраш яхшидир ҳар қачон.

Аmmo Саъдий лоқайд пацифист эмас, агар ёв ҳужум  
қилиб келар экан унга қарши дадил туриб, зарба бериш-  
га чақиради:

Урушни бурун бошлаган чоқда ёв  
Гуноҳкор — ўзи, қир уни беаёв.  
Сен ўлдирмасанг ёвни жангда дадил,  
Сени ўлдирар у, буни яхши бил.

Вақти келганда ўзи ҳам қўлига қурол олиб чет эл босқинчиларига қарши жангга кирган шоирнинг тинчликка бўлган чақирқиқлари халқ қисмати учун эчкиниш, халқнинг хонавайрон ва оч-яланғоч аҳволига тинч қараб туролмасликдан эди:

Кўринганда очу гариб нотавон,  
Заҳар бўлғай оғзимда ҳар луқма нон!

Бу унинг ҳамма асарларида жилваланиб турувчи инсонийлик ва инсонпарварлик ғояларидан келиб чиқади.

Саъдий гуманизми унинг инсонга ҳурмат, фақирларга ғамхўрлик, халқпарварлик, меҳнаткаш халқни ҳимоя қилишда таркидунёчилик ва гўшанишинликка қарши курашда ҳам яққол кўринади.

У ўзининг жўшқин ғазалларида, «Гулистон»даги ажойиб ҳикояларида инсонни қадрлайди, меҳнатни улуғлайди.

Бироқ у одамларнинг қиёфасига қараб эмас, хулқига қараб ҳар хил муносабатда бўлиш кераклигини уқтиради. Шоир бир шеърда:

Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,  
Гулларга гул бўлу тиканга тикан,—

деса, бошқа жойда яна аниқроқ қилиб ёзди:

Раҳмдиллик одамга олий хулқ, аммо —  
Халқозор ярасига қўймагил малҳам.  
Айлама раҳм-шафқат ила хайлига,  
Бу ншдан озор топура фарзанди одам.

Саъдийнинг гуманизми фақат одамга раҳм-шафқат билан қарашдангина иборат бўлмай, меҳнаткаш халқни эзиб, қонини ичувчи зolimларга қарши нафрат ҳисларида ҳам намоёндр.

У кўп асарларида шоҳларга панду насиҳат билан чекланмай, балки зolim шоҳларнинг асл башараларини очиб ташлайди.

Масалан, «Гулистон» китобида араб халифаларидан бири — 120 минг кишини сўйдириб қонидан тегирмон юргизган, 50 минг кишини зиндонга ташлаган зolim Ҳажжожжи Юсуф ҳақида шундай ҳикояни ўқиймиз:

«Дуогўй бир дарвеш Бағдолга келди. Бу ҳақда Ҳаж-  
жожии Юсуфга хабар етди. Юсуф дарवेशга:

— Мени бир яхши дуо қил,— деди.

Дарвеш қўл очиб:

— Худо жонингни олсин,— деб дуо қилди.

— Худо ҳақи, бу қанақа дуо?— деди шоҳ.

— Бу дуо сенинг учун ҳам, фуқароларнинг учун  
ҳам хайрли дуодир,— деди ва бу шеърни ўқиди:

Эй забардасту золим, дилозор,  
Қизур қачонгача бу зулми бозор?!  
Жаҳондор яшаркан сочиб минг бало  
Мардумозорликдан ўлгани аъло!»

Умуман, Саъдий текинхўрлар ва золимларни аёв-  
сиз фош қилиб, ҳаммага озор берувчи золим кишидан  
одам юкини енгил қилувчи иш ҳайвонларини афзал  
кўради.

«Айтишларига қараганда ҳамма ҳайвонларнинг сар-  
вари подшоҳи шер экан,— деб ёзади у бир ҳикоясида.—  
Ҳаммасидан оёқда қолиб камситилгани эса эшак экан.  
Аммо бутун донишмандларнинг фикрича, кишилар  
юкини кўтарувчи эшак одамларга нисбатан йиртқичлик  
қилувчи шердан афзалроқдир:

Бечора эшакки бетамиздир,  
Юк кўтаргани учун азиздир.  
Ишловчи ҳўкиз ва ёки эшак  
Золим кишидан яхшидир бешак».

Мардумозорликка қарши бутун қаҳру ғазабини  
йўналтирган шоир яна бир шеърда:

Ит аъло эрур мардумозордан,  
Кишиларни қийновчи маккордан,—

дейди.

Шоир ўз асарлари билан китобхонда софдиллик ва  
халқпарварлик, жасурлик ва мардлик, ростгўйлик ва  
самимият ҳисларини тарбиялайди. Меҳнатсиз нон ейиш  
инсонийлик эмаслигини очиқ-ойдин ва ўз замони учун  
жасуруна айтади:

Ҳалол ишла мардларча айшингни сур,  
Ўзи ишламай, еса номард эрур.

Доно мураббий, инсонпарвар шоир чуқур психолог ҳам бўлган. У фақат шоҳлар, лашкарбошилар, бойлар, қозилар, косиблар ва деҳқонлар, дарвешлар ва камбағаллар таъбу табнатиинигина эмас, болалар табнатиини ҳам жуда чуқур ҳис қилган.

Нозик ҳаёт ғунчаларининг тиниқ қалб оинасига ғубор қўндирмасликка ҳаракат қилган шоир бошқаларни ҳам шунга чақиради. Етим-есир, кўнгли синиқ фақир болаларни бирор ноҳўя ҳаракат, ўйламасдан қилинган иш билан кўнглини чўктириб, руҳини сўндириб қўймаслик кераклигини уқтирар экан, шундай самимий ва мўъжаз мисралар ижод этади:

Етимлар бошига мудом соя сол,  
Арит гарду чангин, тикан кирса ол.  
Етим турса олдингда маънос дил,  
Ўз ўғлини, ҳатто ўпиб суймагил.  
Етим йиғласа ким юпатгай уни?  
Хафа бўлса ким эркалатгай уни?  
Арит раҳм этиб, оқса кўз ёшини,  
Юзин чангин арту сила бошини.  
Агар унда йўқдир қариндош, таниш,  
Ўзинг парвариш қил, ўзинг парвариш.  
Гўдаклар гами менга буткул аён,  
Отам кетди бошдан гўдаклик замон.

\* \* \*

Фурурланма хайр айласанг бир нима,  
Бўлақлар гадо, мен улугман дема.  
Қўлингдан агар келса ишла мудом,  
Ки меҳнатчини эл қилур эҳтиром.

Нақадар чуқур инсонийлик, нақадар нозик ҳис! Бу шеърини парчада биз чин инсон — Саъдий образи яққол намоён бўлганини кўрамиз. Муҳтожларга қарар экан, луқма нон томоғидан ўтмаган, етимларга қарар экан юраги қону, жигари зардобга тўладиган покдил инсон кўз ўнгимизга келади.

Саъдий инсон ҳаёти чумоли жонича ҳам қадрлан-



маган бир даврда яшадн, чумолини босиб ўтишни увол ҳисоблашарди, аммо ўйлаб айтилмаган бирор гап ёки оғиздан чиқиб кетган бирор сўз учун 40—50 йил риязатдан сўнг вояга етган фозил кишиларнинг калласини тандин жудо қилмоқ золим феодал учун ҳеч гап эмас эди.

Мўғул юришлари даврида эса бу қирғинлар авжга минган. Саъдийнинг ўзи илм олган Бағдод каби маданият ўчоқлари ер билан яксон қилинган эди.

Бундай қийин-қистов замонда ҳар ким ўзини ўйлар, бировнинг биров билан ҳеч иши йўқ, ҳамма калхат кўрган товўқдай ўз жўжаларини қанот остига олишга, бир амаллаб умр кечиришга, ҳар қандай йўл билан бўлса-да жон сақлаб қолишга ҳаракат қилар эди.

Халқ орасидан чиққан бир қанча қаҳрамон кўзғолончилар ҳам мағлубиятга учрагандан кейин, кўпчилик ҳаётдан қочишга, мистикага, тақдирга тан бериш кайфиятларига тушиб қолган эди.

Шоир бу аҳволни фақат ўз ватани Эрондагина эмас, Қашқарда, Ҳиндистонда, Арабистонда ва бошқа қўшни мамлакатларда ўз кўзи билан кўрди, ўз бошидан ўтказди.

Шунинг учун ҳам унинг ажойиб ранго-ранг ижодида биз ёрқин мисралар, ўз даври учун машъал бўлиб порлаган ва ҳозирги кунгача жилвасини йўқотмаган гавҳарлар билан бир қаторда даврнинг қора тамғаси тушган доғларни ҳам кўрамиз.

Юқорида айтганимиз фалокатли ҳаёт бошқа форс классик шоирлари ижодида ҳам ўз изларини қолдирган, аммо ҳар қайсисининг ижодида бу ҳар хил садо пайдо қилади. Хайём ва Ҳофизда қаттиқ исён бўлиб жарангласа, Убайди Зоконий ижодида кучли сатира ўти бўлиб алангаланди, Рудакий умрининг охирида замон шундай ўзгарувчан: гоҳ чикка, гоҳ пукка бўлиб ўта беради, деб ёшлигидаги бахтли ҳаётини афсус билан эсласа, Фирдавсий ўз халқининг буюк тарихига ҳайкал қўяркан, шундай халқни қул қилишга интилган босқинчиларга қарши мамлакатни бирлаштириш учун мардонавор курашга чақиради. Ҳаёт муаллими Саъдий эса, агар кучинг ожиз экан тақдирга тан бер ва пайтни кут,— деб таълим беради.

Саъдий ижодига бу нуқтан назардан баҳо берар экан, эроншунос олим И. С. Брагинский шундай дейди:

«Воқеаларга тўла ҳаётининг биринчи қисми натижасида шоирга (Саъдийга — Ш. Ш.) қариган чоқда ҳақиқатни топгандек туюлди. Бунга шак келтириш мумкин. Саъдий ўзининг насиҳатомуз асарларини кексаларча салмоқлабгина эмас, балки чолларча судралаиб ёзди.

Бунда ҳамма гап ёшда эмас, албатта, бунда кишилар руҳини вайрон қилган мўғул асорати тарихий шаронти ўзини кўрсатди. Кекса Фирдавсий давлат мустақиллиги ўрнатиш учун кураш йилларида ижод қилди — унинг асарларида бошдан-оёқ қаҳрамонлик намоён. Кекса Саъдий Чингиз авлодлари зулми остида бандалик йиллари ижод этди — унинг ижодий руҳини келишувчилик заҳарлайди»<sup>1</sup>.

Албатта, замон, шоир яшаган шароитнинг таъсири унинг гуманизмида ҳам сезилиб туради. Қалби кишига меҳр-муҳаббат билан тўлган Саъдий инсон ҳаётини қандай йўллар билан бўлса-да сақлаб қолиш, уни енгиллатиш йўлларини излайди. Ҳаётнинг сон-саноқсиз кўринишлари, жуда кўп ҳаётий воқеаларни таҳлил қилиб, кишиларга маслаҳат беришга интилади.

Ҳаёт тажрибаси орттирган, кўпни кўрган билимдон Саъдий ўзини бошқаларга раҳнамо ҳисоблайди, довдираб, йўл тополмай қолган кишиларни саргардонликдан қутқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб беришни ўзининг бурчи деб билади. У бир шеърда:

Чу кўрдинг кўр киши йўлида чоҳдир,

Индамай ўтирсанг катта гуноҳдир,—

дер экан, бошқаларга ҳам шу бурчни уқтиришга уринадн.

Инсониятнинг кўзини очишга, унга яшамоқ йўлларини ўргатишга умрининг сўнгги йилларини бағишлаган Саъдий ўзи ҳам ҳаёт устоди бўлолмагандан тамом беҳабар. Унда мунофиқлик йўқ, у ўзининг бераётган маслаҳатлари батамом тўғри эканлигига ишончи комил.

Саъдий ахлоқ қондасидаги баъзи камчиликларни инглиз шарқшунос олими Эдуард Браун ҳам, бошқа буржуа олимлари ҳам кўрсатиб ўтган эдилар. Аммо улар бунинг сабабларини ва асл моҳиятини тушуна олмадилар.

<sup>1</sup> И. С. Брагинский. Из истории таджикской народной поэзии, М., Изд-во АН СССР, 1956, стр. 344. «Пайём-е нўвин» журналининг 1337 (1959), 1-сонн ҳам қаралсин.

Э. Брауннинг Саъдий этикасига қарашларида инглиз мустамлакачилигининг Шарқ халқларига таҳқирловчи қарашлари ҳиди анқиб туради.

«Гулистон»да қуйидагича бир ҳикоя бор:

«Бир подшоҳ бир асирни қатл этишга фармон берди, дейилади ҳикояда, аммо у ўлимнинг аниқлигини билгач подшоҳни сўка бошлади. Подшо: «Бу нима деяпти?» деб сўраган эди, унга вазирларидан бири, сизни «Шоҳим ўз жаҳолатини енгиб, кишиларни кечирувчи...— деб дуо қилаётир», деди.

Асирга шоҳнинг раҳми келиб қонидан ўтди ва унга ҳаёт бахш этди. Шунда биринчи вазирнинг рақиб — иккинчи вазир биринчи вазирга қараб: «Бизнинг вазифамиз шоҳ олдида рост гапириш эди. Бу асир шоҳни ҳақорат қилди...» деди. Бунга шоҳнинг қовоғи солиниб шундай койиди: «Бунинг ёлғони сенинг рост гапингдан кўра менга маъқулроқ тушди».

Эдуард Браун ўзининг форс адабиёти тарихига бағишланган катта асарининг иккинчи жилдида шундай ёзади: «Саъдий одатда ахлоқ ўқитувчи шоир ҳисобланади. Аммо эса туттиш зарурки, бу фикр маълум бир нуқтаи назардангина тўғридир. Унинг этикаси Фарбий Европада қабул қилинган умумий ахлоқ қондаларидан фарқ қилади. Масалан, «Гулистон» биринчи ҳикоясининг хулосаси — яхшиликка қаратилган ёлғон — ёмонлик сўзлаган чиндан яхшироқ, деган фикрни тасдиқлашдан иборат»<sup>1</sup>.

Бу билан Э. Браун Шарқда ёлғон гапиравериш мумкин, Саъдий ҳам бу ахлоқни тарғиб қилади, бу эса Шарқ учун тўғри, аммо Фарбга тўғри келмайди, демоқчи бўлади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> E. W. Browne, A li'eracy of persia from Firdawsi to Sa'di London, 1938, 530-бет.

<sup>2</sup> Ҳозирги Эрон адабиётшуносларидан Садр Кешоворз Э. Брауннинг бу даъвосига қарши чиқиб, Фарб мустамлакачилари, айниқса, инглиз империалистлари Шарқ халқини мустамлака қилиш, Шарқ мамлакатлари бойлигини талаб кетиш учун қанчадан-қанча фириб, мунофиқлик ва ёлғон ишлатганлар, яна сиёсатдонлар бутун мамлакатлар халқларига қандай қилиб фириб бериб, асоратга тушириш ҳақида китоблар ҳам ёзадилар. Улар ўз халқларини ҳам алдайдилар. Улар, ҳатто яхшилик кўзлагандай бўлиб, ростнинг ўрнига ҳам ёлғонни ишлатадилар. Сиёсатда ёлғон ишлатиш шулардан бутун дунёга тарқалган, деган ҳақиқий гапларни ёзади («Мактаби Саъдий» китоби, Техрон, 1959, 35-бет).

Аммо биз масаланнинг бу томонига тўхталмаймиз.  
Аввало шунга айтиш керакки, Саъдий ижодини ё,  
ҳатто, «Гулистон» китобининг ҳам бир бутунлигича  
олиб қаралса, бу даъвонинг тамомила нотўғри эканли-  
гини кўрамиз. Саъдийдан:

Ростликдан бош тортмас ҳеч доно инсон,  
Ростликдан одамга келур ардоқ — шон.

\* \* \*

Дил, агар ростликни этсанг ихтиёр,  
Дунё халқи сенга бўлур дўсту ёр.

\* \* \*

Елгон бевикор қилур одамни,  
Елгон шармсор қилур одамни.  
Елгончидан ордир оқиллар ниши,  
Елгончини одам демас ҳеч киши.

\* \* \*

Елгонни, биродар, сўзлама зинҳор,  
Елгончи донм хор, топмас эътибор —

каби мисраларни кўплаб келтириш мумкин.

Саъдийнинг «Яхшилик кўзлаган ёлгон, фитна қўзга-  
тувчи ростдан яхши» деган гаплари эса ёлгончиликни  
тарғиб қилиш учун эмас, балки киши ҳаётини сақлаш,  
унга фақат яхшиликни кўзлаш ҳамма нарсадан юқори  
деган фикрни бадий кучайтириб ифода этиш учун қўл-  
ланилган усул эканлиги кўриниб турибди.

Айниқса ҳикоядаги конкрет воқеани (унинг умум-  
лаштирувчи кучини ҳам ҳисобга олиб) таҳлил қилар  
эканмиз, гап бирор золимни, ўғри муттаҳамни ёки одам  
ўлдирган кишини қатл қилиш устида эмас, бегуноҳ  
асирнинг ҳаётини сақлаб қолиш устида бораётган экан,  
бу ҳикоя Саъдий қандай йўл билан бўлса-да, оддий меҳ-  
наткаш инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга интилган-  
лиги ҳақидаги фикримизни яна бир марта тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Бу эса Саъдий гуманизмининг ўзинга хос тарафдор-  
ларидан бири бўлиб, шу хусусият туфайли бошқалардан

<sup>1</sup> Врачлар рақ касалини беморнинг ўзидан беркитадилар. Бун-  
дай одамийликни ёлгончилик деб бўладими?!

(масалан, Фирдавсийдан, Хайёмдан, Ҳофиздан) ажралиб туради.

Ҳатто шу хусусият туфайли у ўз ахлоқ қондаларида бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўяди ҳам.

Саъдий ижодигаги иккиланишларга баҳо берар экан, унинг тарихий сабабларини тўғри тушунган совет олими И. С. Брагинский қуйидагича ёзади:

«Гоҳ у ўзининг «биринчи ҳаёти» (яъни саёҳат даври— Ш. Ш.) кайфиятларини акс эттириб, ўз фикрларини ўзининг турмуш тажрибаси билан, саргардонлик ва кураш йиллари воқеалари билан тасдиқлаб, мардлик, матонат, меҳнат ва энг муҳими — ҳақиқат, фақат ҳақиқатга чақиради, гоҳ ҳорғинлик ва оромга интилиб, келишувчилик, тақводорлик ва баъзан муғамбирлик йўлига тойиб кетади.

Аммо Шарқда Шайх лақаби билан машҳур бу улур кексага нисбатан оқил бўлайлик. Унинг китобларида ҳақиқат ва мардлик ғоялари устун ва ҳатто бу йўлдан тойган пайтларида ҳам унинг тили билан доно ва тажрибадор ҳамда мўғул сўйилини оддий хипчин билан уриб синдириб бўлмаслигини тушунган киши сўзлайди, у ўзидан кучли, аммо калтабин рақибни қандай қилиб алдаб ўтиб кетиш кераклиги ҳақида сабоқ беради<sup>1</sup>.

Одамларга нажот беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, шоир дунёда энг қудратли куч, одамнинг табиий ва ижтимоий офатларга қарши курашда энг катта қурол — билим эканлигини тўғри тушунади ва инсонлар орасида билим — маърифат тарқатишга интилади.

У кишиларни ёшлиқдан меҳнат чекиб, илму ҳунар орттиришга чақиради:

Ақлли кишилар ҳунар орттирар,  
Қоринга қул эрса, ҳунарсиз қолар.  
Емак, ухламак — ваҳший ҳайвон иши,  
Шу одатни қўллар ақлсиз киши.  
Бўлур бахтиёр, кимки хилват аро  
Билимдан олур ҳиссасин доимо.

Шоир илму ҳунарни ҳамма нарсадан юқори қўяр экан, «Гулистон»нинг «Тарбия таъсири» бобида қуйидаги ҳикояни келтиради:

<sup>1</sup> И. Брагинский й, Д. Комиссаров. Персидская литература (краткий очерк), М., 1963, стр. 43—44.



«Бир донишманд ўз ўғилларига шундай насиҳат қилар эди: «Болажонларим, ҳунар ўрганинг, чунки дунёнинг мулку давлатига ишонинш ярамайди, олтин-кумуш ҳам бу сафар диёрида хавфу хатардир. Ё ўғри бирдан олиб кетади ё эгаси оз-оз хашлаб тагига етади. Аммо ҳунар қайнар булоқ ва битмас давлатдир. Агар ҳунарманд киши давлатидан ажраса на ғаму на офатдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. У қаерга борса, қадрини топади, мансабга миниб бахти чопади, беҳунар доимо қаттиқчилик кўради ва сарқитлар теради».

Саъдий илму ҳунарга жуда юқори баҳо беради. Илму ҳунар ўрганиш йўлида ҳар қанча машаққатдан қочмаслик лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган шоир:

Банй одам илмдин топмиш камол,  
Бекор бунда мансабу, бойлигу мол.

\* \* \*

Бўлса бир ҳунарнинг, ҳамда юз айбинг,  
Дўст наздида ҳунар ёпар юз айбинг.

\* \* \*

Истар эсанг отангдан мерос,  
Богла отанг илмига ихлос —

каби мисралар билан кишиларда илму ҳунарга меҳр-муҳаббат уйғотади.

Саъдийнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларининг кўпчилиги ҳали ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган. Масалан, бола тарбияси ҳақида «Бўстон»даги сўзларни ўқир экансиз, «баъзи ота-оналар буни ҳозир ҳам қулоғига қуйиб олса арзир экан», деган фикр кўнглингиздан ўтмай пложи йўқ:

Утай яхши ном бирла десанг агар,  
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.  
Ота-онаси эркалатса нуқул,  
Жуда кўп қийинликни кўргай ўғил.  
Ақл ўргату тўғрилиқ, поклик,  
Севу, эркалатма, қил идроклик.  
Кичикликда таълимни мажбурий қил,

Уни қўрқиту ҳам ширин сўзлагил.  
Агар сенда Қорунча ҳам бўлса зар,  
Ўз ўғлини қолдирмагил беҳунар.  
Суянма бу давлатгаким сенда бор,  
Кетар балки у, топмайин ҳеч қарор.  
Бўшаб қолгай олтин, кумуш ҳамени,  
Бўшалмас ҳунарманднинг кармони.  
На билғунг фалак гардиши айланур,  
Ғарибликка солганда сарсон қилур.  
Қўлида ҳунар бўлса бўлмас гадо,  
Тиланмас у, ҳожат билан эларо.  
Мурод топди Саъдий қаерни кезиб?  
На дарё кезиб топди, на кон қазиб.  
Улуғларга бош эгди ёшликдан ул,  
Уни халқ улуғликда этди қабул.

Саъдий болани тарбиялашда талтайтиришга қарши «Гулистон» ва «Бўстон»да жуда кўп мисоллар келтиради... Шундай ҳикоялардан бирини у қуйидаги шеър билан тугатади:

Юборди ўғлини мактабга подшо,  
Қилиб қўйинга нуқра тахтача жо.  
Кумуш ул лавҳага зардин битиб ёд:  
«Ато меҳридин афзал жабри устод!»

Саъдийнинг «Ота меҳридин афзал жабри устод!» ҳикматли мисраси халқ орасида жуда кенг ёйилиб кетган. У илм ўрганиш билан бирга, унга амал қилиш лозимлигини ҳам айрим таъкидлаб ўтади:

Ҳарчанд ўқиб сен — илмдонсан,  
Агар амал қилмадинг, нодонсан.  
Устига китоб ортилган эшак —  
На олим ва на донодур, бешак.

Илм манбаи — энг яхши муаллим ҳақида гапирар экан, Саъдий ҳам бошқа форс классик шоирлари ва файласуфлари традициясини давом эттиради.

Рудакийнинг «Киши қаттиқ қийинчилик кўрмаса доно бўлиб етишмайди, ҳаётнинг ўзи энг яхши муаллим» деган ҳикматли сўзлари Носир Хисрав, Абу Али ибн

Сино ва бошқа донишмандлар тарафидан қувватланган эди. Бу ҳикматларни Саъдий ҳам давом эттиради.

Аммо шуниси қизиқки, Саъдий буларни аввало ўз ҳаётида синая кўради. Шерозда ва Бағдодда ўқиб классик шоирлар ижодидан ва, шу жумладан, Рудакийнинг юқоридаги сўзларидан яхши хабардор Саъдий ҳаётга шогирд тушиб, машаққатли сафар йўлини ҳам ўтади.

Бошоқ тер юриб Саъдийдек тинмайин,  
Игарсен бутун маърифат хирмони,—

деган эди шоир.

Ҳаётдек улуғ муаллимнинг шогирди Рудакий ибораси билан айтганда, «Ҳаёт сабоқларини ёд этган» Саъдий улуғ мураббий бўлиб етишди ва шундан сўнггина бу сабоқларни бошқаларга ҳам ўргатишга ҳаракат қилди.

Аммо Саъдийнинг ўзи ҳаётдан ўрганар ва бу сабоқларни бошқаларга ҳам ўргатар экан, у ўша замондаги мушкул ҳаётнинг яхши томонларини ҳам, нуқсонли томонларини ҳам сингдиради.

Унинг ижодидаги қора доғлар мана шундай эди. Саъдий гуманизмнинг мукамал эмаслиги ҳам мана шундан. Аммо Саъдийдан (XIII асрнинг бошқа ҳар қандай доҳиёна ақл эгасидан ҳам) бундан ортиқни талаб этиб бўлмайди.

Тили, образлари, халқчил идеяларининг кўплиги билан ҳам Саъдий ижоди сўнгги асрларгача ўз даври учун жуда илғор ҳодиса бўлиб келди.

Одамлар бири бирига ёв, бири бирига йиртқич бўридек туюлиб турган пайтда Саъдий кишиларни бирлашишга чақиради, мушукулларни бирлашиб енгиш лозимлигини уқтиради ва куч бирликда эканлигини кўрсатиб:

Аҳду паймои этса дўстлар ҳеч ганим қўрқинч эмас,  
Шарти дўстлик шул эрур паймонини бузмайди ёр,  
Мингта қил, гар битта-битта бўлса қилча қуввати  
Эшилгач битта арқонга, узолмас Исфандиёр,—

дейди-да, иттифоқ бўлишга даъват этади:

Бирлашса чумоли иттифоқ бўлиб,  
Арслон терисин олажак шилиб.

Ҳақиқатан ҳам «чумолилар», яъни меҳнаткаш халқнинг куч-қудратига, ҳаёт калити шулар қўлида эканлигига ишонган шоир бутун умрида кишилар тинчлигини, осойишталигини кўзлар экан, бунга эришиш ўзларининг қўлларида эканлигига ишонтиргуси келар, бунинг учун уларни бир-бирларига яхшилик қилишга чақирар эди:

Истасанг дардин дилнинг озодлигини  
Ўйла ўзгалар дилни ободлигини.

Мол-дунё қўлга киргизмоқ ҳунармас,  
Қўлингдан келса гар, бир дилни овла.

Саъдий атрофида гўшанишинлик, ҳаётдан қочиш, умидсизлик авж олиб турган пайтда у одамларни жўшқин ҳаётга, саёҳатга, бир-бирларини яхшироқ танишга, бошқа дин, бошқа миллат кишилари билан ҳам биродарона умр кечиришга, бир-бирларига ғамхўр бўлишга даъват этди. Чунки улуг инсонпарвар наздида барча одам бир эди:

Баний одам аъзон бир бадандир,  
Ҳаммаси бир моя, бир гавҳардандир.  
Танангда бир аъзо гар бўлса бемор  
Ҳаммасида қолмагай сабру қарор.  
Ўзгалар ғамини чекмаса одам,  
Анга нолейиқдир инсон деган ном.

Шунинг учун шоир одамларга зулм ўтказувчи дил-озор кишиларни дунёда энг бахтсиз, энг ёмон одамлар *деб ҳисоблайди:*

Мардумозордан бадбахтроқ ким бор?  
Мусибатда қолса ким бўлади ёр?

Дўсту ёрсиз ҳаётни ўлим билан тенг билган шоир «Гулистон»даги ҳикоялардан бирида *«дўстдан ажралган киши дўст чодирдан соғ-саломат чиқса ажабланма, дўстдан ажраб соғ қолса ажаблан»* деган.

*Шоир жуда ўйноқи вазнда ёзилган ажойиб ғазалларидан бирини:*

Дўстсиз ётмоқ ватанда,  
Мисли мурда кафанда,—  
байти билан бошлайди.

Инсон тинчлигини кўзлаб ҳаётининг энг мазмунли йилларини ҳам, ижодининг салмоқли қисмини ҳам шунга сарф этган улўф гуманист шоир:

Машаққат чекмаган топмас хазина,  
Тун ортидан кундуз келар ҳамиша!—

деган эди.

Мана энди ўз ижоди билан бизнинг давримизгача етиб келган Саъдийнинг халқ орасида дўстлари сон-саноқсиздир. Шунинг учун жаҳон бадииёт хазинасига қўшган гавҳари асрлардан бери кишилар назаридан тушмай келаётир.

### ҲАЁТ БУЁҚЛАРИН ИЗЛАБ

Саъдий ижоди олам каби кенг, реал ҳаёт каби бой, жанр эътибори билан хилма-хил ва мазмунда рангорангдир.

Унинг асарлари тўплами — «Куллиёт»нда форс адабиётига мансуб ҳамма жанрларда ёзилган асарлар тўп-ланган.

«Куллиёт» бир неча катта қисмдан иборат эканлигини юқорида айтган эдик. Унга «Шаш рисола» («Олти рисола»), «Гулистон», «Бўстон», «Қасоиди арабий» («Арабча қасидалар»), «Қасоиди форсий» («Форсча қасидалар»), «Ғазалиётни қадим» («Қадим ғазаллар девони»), «Таййибот» («Латиф ғазаллар девони»), «Бадоеъ» («Бадий ғазаллар девони»), «Ҳавотим» («Хоти-ма ғазаллар девони»), «Соҳибия», «Маснавийёт» («Маснавийлар»), «Қитаот» («Қитъалар»), «Муламмаот» («Ширу шакар шеърлар»), «Муфрадот» («Фардлар») ва бошқа бир қанча асарлар кирган.

Саъдий форс, араб, урду тилларида шеърлар ижод этган. Араб тили унга иккинчи она тилидек бўлган. Бундан ташқари, у яна бир қатор туркий тилларни, форс тили ва унинг диалектларидан бир нечасини билган, ғарб тиллари билан ошно бўлган ва ҳатто латин тилини билган дейдилар (масалан, француз шарқшунос олими Хам-мери шундай фикрда).

Саъдий ғазал устоди.

Унинг жўшқин ғазаллари ҳар бир ўқувчи кўнгил то-

ридан қуйилиб чиқаётган нағмада ҳар бир киши дилида жўшиб-тошиб чиқаётган чашмадек равон, халқ қўшиқ-ларидай сайқалли ва оҳангдор.

Форс адабиёти тарихчилари орасида қаҳрамонлик эпоси — дostonчиликда Фирдавсий, қасидагўйликда Анварий, ғазалда эса Саъдий устод, буларнинг ҳар қайси-си шу жанрлар пайгамбари, деган фикр юради. Бу ҳақда ҳатто номаълум бир авторнинг қитъаси ҳам кенг тарқалган (биз уни Жомий «Баҳористон»идан келтирамиз):

Дар шеър се кас паямбаронанд.  
Ҳар чандки «Ло набин баъдий»  
Авсофу қасидову ғазалро  
Фирдавсию, Анварию, Саъдий<sup>1</sup>.

(Шеър оламида пайгамбар учта,  
Гарчандки, «Ло набин баъдий»<sup>2</sup>  
Достону қасидаю ғазалда  
Фирдавсию, Анварию, Саъдий.)

XV асрнинг улкан сўз усталари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам Саъдийни ғазал ижодчиси ҳисоблайдилар.

Аммо бу деган сўз Саъдийгача форс-тожик классик адабиётида ғазал жанри бўлмаган деган гап эмас, албатта.

Ғазал формасидаги лирик шеърни биз форс-тожик адабиётининг отаси Рудакийдан бошлаб ҳамма кўзга кўринган шоирлар ижодида учратамиз. Бироқ Саъдийгача ғазал жанри ҳали батамом шаклланиб етмаган эди.

Ғазал тараққиётида айниқса **XII аср тожик шоирларининг хизматлари** катта бўлди. Бу даврда ғазал темаси кенгайди ва турғун бир қолипга тушиб, шакллана бошлади. Профессор Бертельс хусусан Мовароуннаҳрда Саъдий ғазалчилиikka замин ҳозирлаганлигини қайд қилади<sup>3</sup>. Аммо ғазал соҳасида 2—3 аср давомида эри-

<sup>1</sup> Бу ва бундан сўнг бериладиган барча тожикча шеърларни ўзбек китобхонларига ўқиш осон бўлсин учун ўзбек алфавитида бе-ришни маъқул топдик.

<sup>2</sup> Қуръондан: «Бундан сўнг (яъни Муҳаммаддан сўнг — Ш. Ш) пайгамбар бўлмайди» деган маънода.

<sup>3</sup> Е. Э. Бертельс. Наваи, М., 1948, стр. 47—48.



шилган ютуқларни яқунлаган, ғазални батамом шакл-лантирган энг забардаст ғазалгўй шоир Саъдий бўлди.<sup>1</sup>

Форс-тожик адабиётида ғазал тараққиёти ҳақида айрим монографик текшириш ўтказган олим Абдулғани Мирзаев ғазал тарихида Саъдийнинг тутган ўрнини шундай таърифлайди:

«Ҳақиқатан ҳам, Саъдийнинг катта хизматларидан бири ғазал тилини ишлаб вояга етказиш бўлди. Ғазал тили ўзига хос хусусиятларга эга. У равон, назокатли, латиф ва ширин бўлиши, қасида ва бошқа шеър формаларига хос сўзлардан фарқ қилиши керак... Бу соҳада Саъдийдан илгари ўтган шоирлар ҳам кам ташаббус кўрсатмадилар. Аммо Саъдийнинг бу соҳадаги хизмати жуда каттадир. Ягона қофияга рюя қилиш, қофия ва радифининг мувофиқлиги ва оҳангдошлиги масалалари Саъдий ғазалларида яна ҳам ривожланди. Ғазалнинг матлаи (бошланмаси) ва мақтаи (тугалланмаси) мужассамроқ (ифодалироқ). Ғазал вазнини танлаш соҳасида ҳам Саъдийнинг хизмати кам эмас. Рудакий ва унинг замондошлари ижодида кўрина бошлаган ва XII асрда ривож топган... ғазалдаги ҳар бир байтнинг мустақиллигини ошириш масаласи ҳам Саъдий ижодида янада кенгроқ тараққий топди.

Бу жиҳатдан — ширинлик, тил раволиги, шоир замонидаги кишилар руҳини акс эттириш, умумбашарий мазмунни сингдириш, матла ва мақтанинг бақувватлиги, ғазалга хос бадний воситаларни ишлатиш, вазн танлаш, қофиянинг мувофиқлиги ва бошқа бадний хусусиятларга шоирнинг қуйидаги ғазали яхши мисол бўла олади»<sup>2</sup>.

**Кейин А. Мирзаев Саъдийнинг қуйидаги ғазалини мисолга келтиради:**

Дилам то ишқбоз омад дор у жуз ғам намебинам,  
Дили беғам кужо жўям, ки дар олам намебинам.  
Даме бе ҳамдаме хуррам зи жонам барнамеояд,  
Даме бо жон барояд, чунки як ҳамдам намебинам!  
Маро розест андар дил ба хуни дида парварда,  
Валекин бо ки гўям роз, чун маҳрам намебинам?

<sup>1</sup> Бу ҳақда ва умуман ғазал жанри ҳақида А. Мирзаевнинг «Рудакии ва таркибии ғазалии в X—XV асрларда» (Таджикгосиздат, 1958) номи китобига қаранг.

<sup>2</sup> Мирзаев А. Рудакий ва иккишофи ғазал дар асрҳои X—XV. Сталинобод, 1958, 58-бет.

Қаноат мекунам бо дард, чун дармон намеёбам,  
 Таҳаммул мекунам бо заҳм, чун марҳам намебиннам.  
 Хушову хуррамо он дил, ки ҳафт аз ишқ бегона,  
 Ки мен то ошно гаштам, дили хуррам намебиннам.  
 Нами чашм обруи ман бибурд, азбаски мегиръям,  
 Чаро гиръям, к-аз он ҳосил бурун аз нам намебиннам?  
 Кунун дам даркаш, эй Саъдий, ки кор аз даст берун шуд,  
 Ба уммеди даме бо дуст, в-он дам ҳам намебиннам!  
 (Дилимга ишқи тушди, шундан ўзга ғам кўринмас ҳеч,  
 Қаён топгум дили беғам, кезиб олам кўринмас ҳеч.  
 Дилим бир ҳамдамий хуррам билан чиқсайди жонимдан,  
 Дамим чиқмоқда жон-ла, чунки бир ҳамдам кўринмас ҳеч.  
 Кўзим қони-ла қилдим парварниш дилда инҳон сиррини,  
 Кима айтай бу сирни гарчи бир ҳамдам кўринмас ҳеч.  
 Қаноат дардга қилғум, чунки ҳеч дармон тополмасмен,  
 Чидармен заҳмига, чунки даво марҳам кўринмас ҳеч.  
 Унинг ишқига бегона кўнгил хушнуду хуррамдир,  
 Қачонким ошно бўлдим, дилим хуррам кўринмас ҳеч.  
 Чунон кўп йиғладим кўз ёши бирла кетди обрўйим,  
 Нечун йиғлай натижа — намдин ўзга дам кўринмас ҳеч.  
 Висоли дўст дами бирла, букун қўлдан кетибдур иш,  
 Дамингни ичга торт, Саъдий, ўшал дам ҳам кўринмас ҳеч.)

Бу ғазал ўзининг соддалиги, равонлиги, инсоний ҳис-  
 туйғуларнинг энг оддий инсоний тилда ифода этилиши,  
 тасвирий воситаларнинг бетакаллуфлиги, шинамлиги ва  
 ниҳоят чуқурлиги, Саъдий замонида кўнгли ғусса билан  
 тўла кишиларнинг руҳий ҳолатини вази, қофия ва радиф  
 уйғунлиги орқали жуда моҳирона ифода этиши билан  
 кишини ҳайратга қолдиради. Кези келганда шунини ҳам  
 айтиб ўтиш керакки, бунда Саъдий ғазалнинг ўзига хос  
 хусусиятларидан фойдаланиб, замона ҳақидаги шикоятни  
 ҳам байтлар орасига «Қаён топгум дили беғам, кезиб  
 олам кўрунмас ҳеч» каби мисраларда ифода этиб кетади.

Кейинчалик ғазал жанрини энг юқори чўққига кўтар-  
 ган Ҳофиз ҳам ғазалдаги бу имкониятдан янада кенгроқ  
 фойдаланди.

Юқорида келтирилган ғазалда бадий форма ҳам  
 юксак даражада эканлиги яққол сезилиб турибди (биз  
 оригинал ҳақида гапираётирмиз, албатта): унда ажойиб  
 теран мазмун содда ва ҳар бир дилни осонгина мафтун  
 этиб оладиган шаклга ўраб, шеър мазмунига мос ҳазин  
 куй билан берилганидан ташқари, ундаги жуда кўп

оҳанглош сўзлар, қофияга ва радифга мос товушлар, ҳарфий иштиқоқ (аллитерация)лар шеърнинг бадний жиҳосини жуда юқори даражага кўтарган. Шунга ўхшаш асарлари учун Саъдий услуби форс адабиётшунослари томонидан «Сахле мумтанеъ», яъни «Осонун мумкин» деб аталган.

Дарҳақиқат, теран мазмунда бундай равлонлик ва соддаликка ҳамма халқларнинг поэзия тарихида ҳам бир неча санъаткорларини эриша олганлар.

Шундай қилиб, Саъдий ғазалини жуда юқори поғонага кўтара олган, уни камолга етказиб мустақил жанрга айлантирган лирик шоир эканлигини жуда кўп тадқиқотчилар эътироф этадилар. Форс-тожик адабиёт тарихида Саъдий ижодидагина биринчи бор қасида эмас, балки ғазал жанри асосий ўринни эгаллади.

Саъдий сўфиёни (орифона) ғазаллар ҳам ёзган, аммо унинг ижодида ошиқона, яъни дунёвий ғазаллар, ҳақиқий инсоний ишқ-муҳаббатни кўйловчи лирик шеърлар кўп<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам ҳинд адабиётшунослари Шибли Нуъмоний «Кейинчалик бутун Эронда ёнғин бошлаб берган ўт Саъдий ғазалларидан бошланди»<sup>2</sup>, дейди.

Ҳақиқатан ҳам унинг оташнафас ғазаллари ёшлик завқи, баҳор нафаси, табиат гўзаллиги, инсон муҳаббатининг латиф туйғулари ҳамда ҳаёт тароналари билан тўлган ёрқин ва жўшқин шеърлардир.

Мана унинг кўпчилик тарафидан **юксак баҳоланган** ғазалларидан яна бири:

Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад!  
Он дилки, бо худ доштам бо диллистонам меравад!  
Ман мондаам маҳжур аз у, бечораю ранжур аз у,  
Гул, ки наше дур аз у бар устихонам меравид.  
Бо ин ҳама бедоди у, в-ин аҳду бе бунёди у,  
Дар сина дорам ёди у, то бар забонам меравад.  
Маҳмил бидор, эй сорбон, тудни макун бо корвон,  
Қ-аз ишқи он сарви равон, руҳи равонам меравад.  
Боз ою бар чашмам нишин, эй дилфиребе нозанин,  
Қ-ошуби говго аз замин бар осмонам меравад.  
Дар рафтани жон аз бадан гуянд ҳар навъа суҳан,

<sup>1</sup> Эрон адабиётшуносларидан Садр ҳож Сайид Жаводий ҳам бунини қайд қилади. «Саъдий ва Ҳофизнинг ғазалгўйлик ва услуб жиҳатидан муқоясаси» (Теҳрон, 1953) китоби, 9-бет.

<sup>2</sup> «Шибли Нуъмоний шеърлажам», V том, 1318/1940—41, 30-бет.

Ман худ ба чашми ҳештан дидам, ки жонам меравад.  
— Саъдий, фиғон аз дасти мо, лойиқ нобуд, эй бевафо!  
— Тоқат намеорад жафо, кор аз фиғонам меравад.

(Эй сорбон, оҳиста юр, оромни жоним кетадур,  
Тандин дилу жоним олур, ҳам дилстониим кетадур.  
Қолурмиман олис бўлиб, бечораю маъюс бўлиб,  
Қалбим фироқ тиги тилиб, то устихонга етадур.  
Чексам-да зулм бедодини, ҳам ваъдалар барбодини,  
Қўксимда тутгум ёдини, токи забониим кетадур.  
Тўхтат бир оз, эй сорбон, карвонни қилма тез чунон,  
Сарви равон ишқида жон, руҳи равониим кетадур.  
Қайт, кўзларимга қўй оёқ, эй дилфириб, кетма йироқ,  
Эй, нозанин, кўкка бу чоқ оҳу фиғониим кетадур.  
Ундай чиқар жону бадан, бундай қолар деб кўп сухан,  
Тинглаган эрдим, энди мен кўрдимки жоним кетадур.  
— Қилма фиғон, эй Саъдиё, ҳеч арзимас ул бевафо!  
— Тоқатни қўймас бу жафо, ақлу имониим кетадур.)

Бу ғазалда қанча маъюслик, назокат, фироқ ғамидан эзилган дилнинг алами бор.

Аввало бунда ҳам карвон қўнғироғини эслатувчи «он-он» қофияси ва «кетадур, кетадур» радифининг қайтарилиши карвоннинг ҳамон узоқлашиб кетаётганини ва бечораю беҳол ошиқнинг қақшаб, зор-зор йиғлаб дунёда ҳамма нарсадан, жондан ортиқ жононидан, хонумонидан ажралиб, карвон кетидан эргашиб бориб чексиз чўлу биёбонда ёлғиз қолиб кетаётганлиги картинасини кўз ўнгимизда аниқ гавдалантиради. Бунда «ҳар қандай поэтик асарнинг асоси» бўлган «оҳанг» ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Саъдий кўп ажойиб лирик ғазалларини 70-80 дан ошиб кексайиб қолган чоқларида ёзган, шунинг учун баъзи шарқшунослар у ғазалларни туйғусиз, ҳиссиз, қолипдан чиқариб ташлай берган ёки читга гул босган-дек босаберган деган фикрни баён этадилар. Аммо шоир ғазалларидаги жўшқинлик, қайнаб турган ҳис-туйғулар бу фикрни рад этади.

Бу ерда беихтиёр В. Маяковскийнинг «1 Май ҳақидаги шеърни ноябрь, декабрь ойларида, ҳақиқатан ҳам шу майни орзиқиб кутган пайтда ёза бошлаган яхшироқ»<sup>1</sup> деган сўзлари эса тушади.

<sup>1</sup> Маяковский. Как делать стихи. М., 1952, стр. 22.



Ғиллик даврини ўқиш, ўрганш ва мусофирликда саргардон ўтказган, шахсий ҳаёти ҳам севги асосида қурилмай, фожиа билан ўтган Саъдий умр баҳори ва ундаги ишқ-муҳаббат ҳақида ўз ҳаётининг кузагида зўр эҳтирос билан куйласа, бунга ажабланиб бўладими?!

Бундан ташқари, кишининг ёши ҳамма вақт ҳам кўнгиш қарилгидан дарак бўлавермайди-ку!

Айниқса, Саъдий шеърлари ҳам, унинг «Гулистон»-даги ширин юмори ҳам ва Саъдий ҳақида асрлардан бери оғиздан оғизга ўтиб келаётган ривоятлар ҳам бу жаҳонгашта шоирнинг жуда зиндадил, ҳазилкаш, хуштабиат ва ҳозиржавоб новқирон кўнгилли киши бўлганлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам Саъдий ҳақида жуда кўп ҳикоят, латифалар тўқиганлар ва ҳатто уларнинг бир қисмини Саъдий асарлари қаторига қўшиб, унинг «Куллиёт»и-га ҳам киритганлар<sup>1</sup>.

Бу латифаларда халқ уни юрак севгиси, қалб меҳри билан таърифлаб, ҳамма вақт голиб чиқадиган сўзамол киши сифатида тасвирлайди.

Масалан, латифалардан бирида келтирилишича, Саъдий Ҳамадонга келган. Эрта билан карвонсаройда мис обдастадан ювиниб турганида унинг Саъдийлигидан беҳабар, аммо шерозлик эканлигини билган бир киши келиб, ялтираб турган обдаста қорнини кўрсатиб ва Саъдийнинг сочсиз тос бошига ишора билан:

— Бу нима? Шерозликнинг бошими?— деб савол беради.

Обдастадаги сув тамом бўлиб, ичи бўшаб қолганлигидан хабардор шоир унинг саволини хотиржамлик билан тинглаб, сўнг обдастанинг қорнига чертади ва унинг бўшлиғига ишора қилиб:

— Йўқ, бу ҳамадонликнинг боши экан,— дейди.

Саъдий ҳаётида бундай воқеалар кўп бўлган бўлса керак. Шундай ҳозиржавоблик ҳақида «Гулистон»-нинг бешинчи бобида ҳам бир ҳикоя бор:

«Ёдимда бор, бир кеча азиз ёрим эшикдан кириб келди, ўрнидан шундай ирғиб туриб кетдимки, чироқни енгим билан беҳос ўчириб қўйдим:

---

<sup>1</sup> Саъдий «Куллиёт»ининг мутойибот қисми ҳақида турли фикрлар бор, баъзи тадқиқотчилар у Саъдийники десалар, баъзилар буни инкор этадилар.

Кўринмоқ бўлди менга қаро тунни қувар чеҳра,  
Шошиб қолдим қаён келди менга бу бахт, саодат ҳам.

Ул ўтирди ва менга гина бошлади:  
— Мени кўрдингу чирогни ўчирдинг, бунинг не маъноси бор?

Мен дедим:

— Бунда икки маъно бордир: биринчидан, офтоб чиқди деб гумон қилибман, иккинчидан, қуйидаги байтларимни эсга олибман:

Гар бегона келса шаминг ёнига,  
Соя қилса, ўлдир ундай одамни.  
Лаби ширин, шакар ханда ёр келса,  
Енгинг билан шу он ўчир тез шамни<sup>1</sup>.

«Гулистон»нинг шу бобидаги саккизинчи ҳикоя ҳам Саъдийнинг шундай ажойиб ҳозиржавоблигини нақл қилади<sup>1</sup>.

Саъдий табиатидаги бу ҳазилкашлик, юморга мойиллик унинг асарларида, айниқса, «Гулистон»ида жуда сезиларли из қолдирган ва Саъдий услубининг ўзига хос томонларидан биридир.

Биз «Гулистон» ва «Бўстон»да баъзан биринчи қарашда ҳеч қандай жиддий аҳамиятга эга бўлмаган, фақат ҳазил-мутаооба тарзида ёзилган кичик ҳикояларни учратамиз.

Масалан, «Бир обид»<sup>2</sup> киши ҳақида ҳикоя қиладилар. У ҳар кеча 10 ман<sup>3</sup> овқат еяр ва саҳаргача қуръон тиловат қилар эди, олижаноб бир киши буни эшитиб:

— Агар яримта нон еб, уйқуга кетсанг бундан кўра фозилроқ бўлардинг, дебди.

Ичинги овқатдан холи тут, токи  
Унга кира олсин нури маърифат.  
Бурнингача лиқ-лиқ таомга тўла,  
Нечук сиғар унга илм бирла ҳикмат<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Саъдий. Гулистон. (Танқидий текстни тайёрловчи Р. Алиев). М., 1959, 305—306-бетлар. Бундан сўнг ушбу китобни қисқа қилиб «Гулистон» деб юритамиз.

<sup>2</sup> Ибодат қилувчи.

<sup>3</sup> Ман — арабча 900 граммга тўғри келади.

<sup>4</sup> «Гулистон», 155-бет.



«Бир мунажжим уйига келиб кирди ва хотини бегона киши билан ўтирганини кўрди, мунажжим уни сўқди, орада жанжал қўпди. Бир оқил киши бундан хабар топди ва унга шундай сўз қотди:

Қайдан билдинг фалак авжида не бор,  
Ўз уйингдагини биллолмай зинҳор»<sup>1</sup>.

«Бундай юморни фақат «Гулистон» ва «Бўстон»дагина эмас, балки шоирнинг айрим шеърлари, қитъаларида ҳам учратамиз:

Самарқандлик этдим мен гумон,  
Жайҳунга чўқарди бир одам.  
Дод солиб, зор йиғлаб бўқирар:  
«Оҳ! Кетди қалпоғим, оҳ саллам»<sup>2</sup>.

Бу ҳикоялар содда, ҳаётдан олинган бирор кулгили воқеа асосига қурилган оддийгина бир латифа кўринса-да, аммо ҳазил таги зил деганларидек, Саъдий замондошларидаги турли иллатлар кулги остига олинади. Булардан адиб ўқувчиларнинг зеҳинни чархлайди, ўз замонидаги турли табақаларга мансуб кишиларнинг реалистик образларини чизиб беради ва уларнинг ҳар қайсисига мансуб иллатни жуда аниқ кўриб, моҳирона фош этиб ташлайди.

Саъдий ҳамма жойда ҳам бу воқеаларга қарши ғазабланмайди, уни қаттиқ ҳажв остига олмайди, аммо мана шу юмор, енгилгина кулги ҳам ўз вазифасини яхши адо этади. Кишилар табиатидаги бировга зарари тегмайдиган камчиликларни тушунтириб беришга, кулгили томонларини очиб, эса қолдиришга ҳаракат қилади. Саъдийнинг ўзи бу ҳақда «Гулистон»нинг охирида шундай дейди:

«Саъдий сўзлари кўпинча ҳазил-мунотба, кулги ва шодлик бахш этувчидир. Шу сабабдан калтафаҳм кишилар таъна тилини чўзиб, «мняни беҳуда чарчатиш ва чироғ дудига димоғни бефойда тўлдириш ақллилар

<sup>1</sup> «Гулистон», 184—185-бетлар.

<sup>2</sup> Саъдий Шерозий. Мунтахаби куллиёт. Тожиқдавиашр, 1956, 413-бет.

иши эмас», дейдилар. Аммо менинг бу гапларим аталган олижаноб кишиларнинг равшан таъбларидан махфий қолмасинким, шифобахш насихат дурлари нозик иборалар ипига терилган, панд-ҳикматнинг аччиқ давоси ютуш ҳавосидан маҳрум бўлмасин учун ҳазил болига қорилган».

Кишиларга зарари тегадиган иллатларга келганда эса шоир тўғридан-тўғри сатирага ўтиб, қаҳр-ғазаб билан:

Ит аъло эрур мардумозордан,  
Кишиларни қийновчи маккордан,—

дейишгача бориб етади.

Саъдий юморига кишиларни кулдириш учунгина яратилган маънисиз ва юзаки асарлар деб қараб бўлмайди.

Бу «ҳазил-мутоиба» устида чуқурроқ фикр юритилса, воқеаларнинг асл моҳияти очиб берилганлигини тушуниб олиш осон. Масалан, мунажжим ҳақидаги ҳикояда автор ҳеч нарсани билмас, зеҳни паст мунажжимнинг типик образини яратиб берганлигидан ташқари, умуман осмондаги юлдузларга қараб кишилар тақдирини, реал ҳаётдаги воқеаларни олдиндан айтиб беришга уринишларнинг ҳаммаси пуч эканлигини фош қилиб ташлайди. Ўзи чўкиб кетаётиб «оҳ қалпоғим, оҳ саллам» деб қайғурган кишининг «гўллиги» ҳақида табассумдан сўнг, чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу «гўллик»ки-на эмас эканлиги маълум бўлади. Эҳтимол, Гоголнинг Акакий Акакиевичининг шинели каби бу киши учун ҳам қалпоқ — саллага етишмоқ унча осон бўлмагандир. Шундай бўлса, фалокат вақтида бирдан ва ўз-ўзидан салладан бошқа нарса кўзига кўринмай қолиши табиий бир ҳолдир. Шунинг учун бунга ўқиган китобхон табассум аралаш: «О, бечора-е», дейиши аниқ.

Ўз даври ҳаётини воқеаларини, ташқи хусусиятларини жуда аниқ ва ички моҳиятини жуда чуқур тушунган қалбшунос адибнинг кичик ҳикоялари ўша давр ҳаётини ички ва ташқи томондан мукамал ва ҳаққоний тасвирлаб, туб мазмунини очиб беради.

Саъдий моҳирона қалам билан ўз замонасининг аниқ картинасини чизар экан, масал формасидан ҳам жуда ўринли ва кенг фойдаланади.

Унинг масалларида одамларми, ҳайвонларми, қушларми ёки қумурсқаларми — ким ҳаракат қилмасин, бу персонажларда яна ўша Саъдий жуда севган ва ҳаммасини бахтли, турли иллатлардан холи, маънавий ва жисмоний баркамол кўришни орзу қилган ўз замондошлари намоён. Улар ўзларининг фикр-ўйлари, ҳис-туйғулари, афзалликлари ва камчиликлари билан Саъдий асарлари саҳифаларида бизнинг кунларимизгача етиб келган.

Саъдий улуг санъаткор сифатида турли табақа вакилларининг энг ифодали томонларини кўра билган ва тасвирлаб қолдирган.

«Бир мурид пирига шикоят қилиб:

— Нима қилайки халойиқдан тинчлик йўқ, зиёратга келавериб бутун вақтим ташвиш билан ўтади,— деди.

Унга пири деди:

— Агар улар камбағал, фақир бўлса бирор нарса қарз бер, агар бой бўлсалар қарз сўра, қайтиб сенинг ёнингга келишмайди».

Бу кичкинагина ҳикояда гўёки турмушдан зорланган бир кишига унча жиддий туюлмайдиган бир маслаҳат берилган холос. Аммо бундай сўзга хасис бир лавҳада камбағалнинг нотавонлиги, бадавлатларнинг эса мумсинклиги каби туб хусусиятлари моҳирлик билан очиб берилган.

Баъзи масал-ҳикоячаларида муаллиф айрим кишилар образини эмас, балки ўз замонасининг умумий картинасини яққол чизиб беради.

«Гулистон»даги ҳикоялардан бирида маслаҳатга келган бир дўстига Саъдий подшо хизматига кириш хавfli эканлигини уқтириб, шоҳ хизматига бормасликка даъват этади. Дўсти бўлса бунга эътироз билдириб, мен тўғри бўлсам, ким менга зарар етказа оларди, дейди. Бунга жавобан шоир ўз дўстига тўқайга ўт кетганда хўлу қуруғи баробар ёнгани каби, ҳақ ва ноҳақ баробар азоб чекаётган замонаси моҳиятини очиб берувчи қуйидаги масални айтиб беради:

«Дедим:

— Тулки ҳикояси сенинг ҳолингга муносиб келади. Уни одамлар йиқила-тура, югуриб кетаётганини кўришибди. Шунда бир киши:

— Нимадан бунчалик ваҳимага тушдинг?— деб сўрабди.



— Туяларни тутиб мажбуран ишга юбораётирлар деб эшитдим,— дебди тулки.

— Эй, ақлга зор,— дебди ул киши,— туя билан сенинг нима алоқанг ва сенинг туяга қандай ўхшашлигинг бор?

— Жим,— дебди тулки,— агар ҳасадчилар ғараз билан мени ҳам туя десалар ва мени олиб кетсалар, унда ким мени халос этмак ғамин егай ва ҳолимдан ким хабар дегай, Ироқдан тарёк келтиришгунча илон чаққан ўлгай...»

Бунда феодал зулм авжига минган, адолат иташ амри маҳол бўлган замоннинг яққол тасвири ва чуқур характеристикаси берилган.

Халқ даҳоси билан етишган улуг адибнинг маҳорати ҳам мана шунда: жуда оз сўз билан кўп нарсани айта билишда, ниҳоятда мазмундор образлар ярата билишидадир.

Кўп ҳикояларини Саъдий бир-икки байтли шеър билан тугатади. Уларнинг ҳам баъзилари масал, аммо бунда ҳам шоир ажойиб мухтасарликка эриша олган-ким, булар бир дунё мазмунга эга афоризмлардир:

«Мен бир шайхга нолидим:

— Фалончи мени ярамас деб исбот этмоқчи.

— Сен яхшилик билан енг,— деди шайх.

Яхши бўлгил ҳатто душманинг осон,  
Сени деёлмасин ярамас — ёмон.  
Танбурнинг овози соз чиқиб турса,  
Қулоғин бурмайди созчи ҳеч қачон».

Бундай ҳикоялар жуда қисқа бўлишига қарамай ўзининг пурмаънолиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Бундай ҳикояларда биронта ҳам ортиқча сўз ёки фикрни чалғитувчи ортиқча тасвир йўқ. Аммо ҳикоянинг ўзи лўнда бир ҳикмат, яхлит гавҳардек ярақлаб туради. Бу жиҳатдан Саъдий ўз ҳикояларида Умар Хайём рубоийларида эришган мухтасарликка ва мазмундорликка, яққоллик ва лўндаликка эриша олган дейиш мумкин.

Саъдий маҳорати ҳақида гапирар эканмиз унинг мунозара жанридан ҳам самарали фойдаланганлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Бу жанрни Саъдий ижод этган эмас, бу жанр қадимги форс адабиётида учраб туради. Айниқса, форс шоирларидан Асадий Гусий (XI аср) мунозара жанрини анча юқори даражага кўтарган. Унинг «Найза ва камон», «Ер ва осмон», «Араб ва ажам», «Кофир ва муслмон» каби мунозаралари бизгача етиб келган<sup>1</sup>.

Бу жанрнинг ўзига хос устунликлари бор, улардан бири шуки, шоир ўз фикрларини бошқа бир нарса ёки бегона киши номидан айта олади. Ҳатто мунозаранинг бир томони давр учун қонундан ташқари бўлса-да, у ўзини мунозарада ҳимоя қилади ва давр вакилига қарши, демак, даврга қарши фикрларини айта олиши мумкин, у шахс (ёки образ) орқали эса шоир ҳам ўзи тўғридан-тўғри айтолмайдиган фикрларини айтишга имконият топади.

Мунозаранинг бу хусусиятидан Саъдий жуда усталик билан фойдаланади.

«Гулистон»нинг еттинчи боби охирида «Саъдийнинг бир маддоҳ билан бойлик ва камбағаллик ҳақидаги тортишуви» деган ҳикоя бор. У мунозара шаклида ёзилган бўлиб, Саъдий бойлар, ҳоким синфлар тарафида-ю, маддоҳ камбағал дарвешлар тарафида, аммо маддоҳ образида Саъдий бадавлат аслзодаларга қарши ҳамма қаҳрли сўзларини айтиб олади.

Унда Саъдийнинг тилидан айтилган гапларда ҳам истеҳзо бор. У бойларни саховатли, олижаноб, художўй, ибодаткор қилиб кўрсатгудек бўлади, аммо унинг услуби, ишлатаётган сўзларида истеҳзо яққол сезилиб туради. Баъзан эса уларни мақтаган сатрлар мазмуни билан жуда катта қоралов нутқи бўлиб жаранглайди. Масалан, камбағалнинг дили осойишта бўлмайди, у доим бир бурда нон қайғусида худони ҳам, намозни ҳам унутади дегандан сўнг, мана бойлар хотиржам, улар ўз вақтида ибодат ҳам қилади, камбағалга ёрдам ҳам беради деб келади-да, камбағал ҳатто уйланишга қурби етмаганидан ҳар хил гуноҳлар қилишга мажбур деб, сўнг яна бойларга кўчади. «Бойларнинг сукути, хотиржамлиги сабабларидан бири шуки, улар ҳар кеча бир гўзалнинг қўйнида, ҳар кун ийигитликларини янгитдан бошлайдилар» дейди. Бу ҳикояда Саъдий «итга тош отганда суяк

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Е. Э. Бертелс. Избранные труды, т. I, М., 1960, стр. 240—267.

деб югурганидек, ҳар тобутнинг кетидан худойи излаб югурувчи» гадой, камбағаллар ҳаётини тасвирлар экан, жуда реалистик чизиб беради.

Маддоҳ тилидан эса, бойларга қарши катта-катта нутқлар баён этиб, уларнинг пасткашлиги, худбинлиги, нодонлиги, адолатсизлиги, ахлоқий бузуқликларини очикдан-очик фош этади. Мунозарани ўқиган киши маддоҳ сўзларининг оташинлиги, фош қилувчи кучининг устунлиги, ёрқинлигини сезиб туради. Саъдийнинг ўз сўзларидан ва айниқса маддоҳ сўзларидан шоирнинг фикри, муҳаббати камбағаллар тарафида эканлиги очик-ойдин. Мана, мисол учун маддоҳ сўзидан кичкина парча:

«Уларни ёмонлама, чунки улар карам аҳлидирлар,— деган эдим.

— Хато!— деди у,— улар дирам бандасидирлар. Улар ҳамал булути-ю бир томчи ёмғир ёғмаса, офтоб чиқсаю бирор кимга нур сочишни билмаса, иқтидор отиға миниб, ўз жойларидан жилмаса, худо йўлиға бирор иш қилмаса, таъна ва миннатсиз бирор дирҳам бериш ҳаёлига келмаса, улардан не фойда бор. Улар қийноғу қиёмат билан бойлик тўплайдилар, уни очкўзлик билан сақлайдилар ва ҳасрату надомат билан ташлаб кетадилар. Донишмандлар айтганидек: «Бахилнинг ўзи тупроққа киргач, унинг кумуш-тангаси тупроқдан чиқади».

Саъдий антитеза — қарама-қарши қўйиш услубидан ҳам жуда усталик билан фойдаланади. У, кўпинча, муқояса йўли билан образнинг энг характерли томонларини бўрттириб кўрсатишга эришади. Бу жиҳатдан унинг «Карима» циклидаги қасидаларидан бири чуқур ҳаётий мушоҳидаларни ажойиб бадиий поэтик шаклга уйғунлаштирилганлигига ёрқин мисол бўла олади.

Бу чархи фалакнинг қараб пардасин,  
Назар айла юлдузлари тўдасин.  
Бири посбону бири подшоҳ  
Адл дер бири-ю, бири тожхоҳ.  
Бири дардманду бири шодмон,  
Бири ғамгин афкор, бири комрон.  
Бири бўйрада, пар тўшакда бири,  
Палосда бири-ю, ипакда бири.  
Бири бенаво-ю, бири молдор,  
Бири сербало-ю, бири бахтиёр...  
Бир кўп саломат, бири нотаваон,



Бирн кекса чолу бирн навқирон.  
 Бирн яхши хулқу бирн яхши зод,  
 Бирин қилмиши тун ва кун фиққ-фасод...  
 Бирн неъмат ичра, бирнга азоб,  
 Бирнга машаққат, бирн комёб.  
 Биридир буюклик элида амир,  
 Бирн ҳодисотнинг қўлида асир.  
 Бирн жонга роҳат гулистон аро,  
 Бирн ранжу меҳнат билан доимо.  
 Чечакдек кулар шодлигидан бирн,  
 Бирин кўнгли синган, сўлиқ хотирн...  
 Чарақлар бирин шодлик юлдузи,  
 Қаро тун кабидир бирин кундузи...

Бу шеърнинг ҳар байтидан мана шу тенгсизлик, адо-  
 латсизликка норозилик бўйи аниқ турибди. Шу бойлик,  
 фаровонлиكنинг нотўғри тақсимланганлигини у «Гулист-  
 тон»да ўнг қўл ва сўл қўл муқоясасида ҳам муҳтасар,  
 лекин чуқур, сермазмун ва аниқ ифода этиб беради:

«Бир донишманддан сўрадилар:

— Ўнг қўлнинг фазилатлари ҳаммага маълум, бас,  
 нечун узук сўл қўлга тақилади.

— Фозил кишилар ҳаммаша маҳрум кишилар экан-  
 ликларини билмайсанми?— деб жавоб берди дониш-  
 манд».

«Гулистон»да бу мавзуда ҳикоялар ва ҳикматлар  
 кўп. Ҳамма жойда ҳам шоирнинг меҳр-муҳаббати кам-  
 бағаллар, фақир, аммо олижаноб кишилар томонида  
 эканлиги аниқ сезилиб туради. «Гулистон»нинг биз юқо-  
 рида келтирганимиз охириги саҳифасидаги «Бу сўзлар  
 олижаноб кишиларга йўналтирилган» деган жумла бор-  
 ким, бу билан шоирнинг шоҳ асари мана шу серфазилат,  
 аммо мазлум, олижаноб, бироқ камбағал кишиларга,  
 яъни меҳнат аҳлига, халққа бағишланганлигини англаш  
 қийин эмас.

Саъдий поэтикасида жонлантириш ҳам, аллетера-  
 циялар оҳангидан мазмун кучлантиришда ўринли фой-  
 даланиш ҳам, қочирӣқ, истеҳзо приёмлари ҳам ва бошқа  
 жуда кўп бадиий ифода усуллари қўлланиладирки, бу  
 айрим катта тадқиқот ишидир. Биз бунда ҳаммасига  
 тўхталиб ўтишнинг иложи бўлмагани сабабли бир неча  
 мисол билан чегараландик.

Саъдийнинг чинакам халқ шоири бўлишига энг катта

сабаблардан бири унинг ижодидаги халқ гоялари — халқчил мазмун бўлса, иккинчиси халқ тилидир.

Биз Саъдий ижодидаги халқчил тенденциялар ҳақида кўп гапирдик, бу тенденциялар Саъдий бадний методидида воқеаларни талқин этиш ва тасвирлаш услубида реалистик тенденцияларнинг кучайишига олиб келди.

Саъдий ҳақиқатгўй ва жуда зийрак санъаткор. У ҳаётнинг ички томонлари, таг оқимлари, одамлар дилининг теран тўлқинларини, кайфият сабабларини кўра билди ва уларни ҳаққоний тасвирлаб беради. Аммо булардан тўғри хулосалар чиқара олмас, уларга таъсир этиш йўллари негизини ҳаммавақт ҳам тўғри тополмас экан, бу унинг айби эмас, ҳали унинг замонида энг геннал кишилар ҳам (шулардан бири бўлган Саъдий ҳам) жамият тараққиётининг объектив қонуинларини тушунишдан ожиз эдилар. Унинг ҳикояларидаги кўп сюжетларнинг тасодифотларга қурилиши ҳам, бошқа бир улуг шоир Рудакийнинг: «Баҳра олдим ҳаёт тажрибасидан, ҳодиса дафига керак бўлади» дейиши ҳам ҳаёт бошдан-оёқ тасодифлардан иборат деган ақидадан келиб чиққан эди. Дунёқараши шундай чегараланган бўлишига қарамай, Саъдий ижодий методидида реализм тенденциялари жуда кучли.

Аввало шуни айтиш керакки. Саъдий ўз даврининг типик картиналарини чизиб бера олди ва бу типик шароитларда Саъдий қаҳрамонлари ўз даври ҳаёт шароити учун типик ҳаракатда бўлдилар, ўша жамиятга яраша фикр юритдилар.

Иккинчидан, Саъдийнинг бу асарлари жуда катта фoш қилиш кучига эга.

Бу борада В. И. Лениннинг **Л. Н. Толстой** асарларига қандай баҳо бериш **кераклиги** ҳақидаги таълимоти бизга йўл кўрсатиб туради. Маълумки, В. И. Ленин Л. Толстой асарларидаги «Ҳамма ва ҳар қандай инқилобларни йиртиб ташлаш»дан иборат «энг ҳушёр» реализмни тақдирлаган эди<sup>1</sup>.

Ўз давридаги ижтимоий ҳаётни бадний акслантириб берган ва ундаги иллатларни фoш этувчи шоир асарларининг фoш қилувчи кучи юқори тақдирга сазовордир.

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар. 15-том, 210-бетга қаралсин.

Саъдий асарларидаги реализм оқимининг кучлилигига яна бир сабаб унга халқ адабиёти тенденциясининг катта таъсиридир.

В. И. Лениннинг ҳар бир маданиятда мавжуд бўлган икки тенденция ҳақидаги таълимоти асосида А. Фадеев шундай деган эди:

«...Фирдавсий, Низомий, Навоий каби улуғлар ижоди ўз моҳияти билан албатта уларнинг феодал табиатидан кенгроқ ва, шунинг билан бирга асарларининг шартли формасидан қатъий назар, улар реалистлардир»<sup>1</sup>.

Саъдий ижодида ҳам биз бундай ҳолларни кўп учратамиз. Баъзан реал ҳаёт оқими Саъдийнинг ўз дунёқарашлари чегарасидан чиқиб кетади. Бунинг сабаби, албатта, Саъдий санъаткорда реализм элементларининг кучи эди. Бу жиҳатдан айниқса унинг бир ҳикояси характерлидир.

Саъдий ҳикоясига кўра, у бир куни кетаётиб бир гўзал қизнинг хунук ҳабаш оғушида турганлигига дуч келиб қолади. Саъдий қўлига таёқ олиб, ҳабашни қувлаб юборади, аммо қиздан ташаккур олишга ишонган шоир унинг қарғишларига қолади. Мен неча замондан бери орзу қилиб, энди севгилим висолига эришай деган эдим, оғзим энди ошга етганида сен ақлсиз чол қайдан пайдо бўлдинг, деб фарёд кўтаради қиз.

Бунда ўрта аср ирқий маслағида мустаҳкам бўлган Саъдий ҳаёт ҳақиқати олдида енгиледи ва қиз даъвосига жавоб беролмай ожиз қолади.

Ҳаёт ҳақиқатига бўйсунган реалист ёзувчи ҳикоя қаҳрамонларини бошқа йўл тутишга, бошқача ўйлашга, бошқача ҳаракат қилишга мажбур этолмайди. Автор тан олган ирқий ва миллий тўсиқни севги ҳеч вақт тан олмайди.

Автор ҳаётни чуқур билганлиги, уни тўғри ва ҳаққоний тасвирлаб берганлиги учун асарларидаги кишилар ўз мустақил ҳаёти билан яшайдилар. Ундаги воқеалар Саъдий измидан чиқиб кетади.

Бу эса реализм белгиларидан энг кучли ва энг эътиборлисидир.

Шарқнинг Фирдавсий, Жомий, Навоий каби кўпгина шоирлари идеаллаштириш приёmidан кўпроқ фой-

<sup>1</sup> А. Фадеев К истории литературы народов Востока. Журнал «Новый мир», 1957, №2, стр. 227.

даланганлар. Улар идеал шоҳ образини (масалан, Низомий, Навоий, Жомийда Искандар, Фирдавсийда Жамшид ва бошқалар) чизиб, шунга ўхшашга даъват этадилар.

Албатта, Саъдий ҳам Шарқ адабиётида адолатли шоҳ тимсоли бўлиб келаётган Жамшид, Ануширвон (ёки Нўширавон) ва бошқа тарихий ҳамда афсонавий образлардан фойдаланади. Лекин у идеаллаштириш приёмидан деярли кенг фойдаланмайди. Шунинг учун ҳам унинг асарларида романтикадан кўра реализм тенденцияси кучлироқ.

Саъдий ахлоқий мусаффо, пок, жўмард, олижаноб, олиҳиммат, соф виждонли инсон тимсолини излар экан уни доимо меҳнаткашлар орасидан топади: «Ҳотами Тойдан сўрадилар,— дейди у «Гулистон» ҳикояларидан бирида:

— Жаҳонда ўзингдан ҳиммати баландроқ кишини кўрганмисан, ё эшитганмисан?

— Ҳа,— деди у.— Бир куни араб амирларига атаб қирқ туя қурбонлик қилган эдим. Ҳожат билан саҳрога чиқиб қолдим. Унда бир ҳезимкашга дуч келиб разм солдим, қадди ўтин юкидан эгик, унга дедим:

— Нечун сен Ҳотам меҳмондорчилигига бормадинг, унинг дастурхониға бутун халойиқ йиғилди-ку?

Ул деди:

Ўз меҳнатидан нон еган киши,  
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Мен амин бўлдимки, ул ўтинчи мендан кўра олижаноброқ ва олиҳимматроқ эди» (3-боб).

Бундай мисолларни «Гулистон»дан ҳам, «Бўстон»дан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Кези келганда Саъдий эстетик қарашларига доир яна бир мулоҳазани айтиб ўтайлик.

Саъдий ҳаммавақт шеърда ҳам, бошқа хил бадий асарда ҳам устки шаклдан кўра ички мазмунни юқори қўяди. У одамларни ҳам кийимига, безагига, бойлигига қараб эмас, ички мазмунига, ақлига, сўзига қараб баҳо беришни талаб этади. Бунга мисоллар жуда кўп, аммо унинг халқ орасида мақол бўлиб кетган:

Тани одамий шариф аст ба жони одамят,  
На ҳамин либоси зибост нишони одамят.

(Одам тани жон билан шарафлидур ягона,  
Зебо кийим эмасдир инсонликдан нишона.)

Ёки:

То мард суҳан нагуфта бошад,  
Айбу ҳунараш ниҳуфта бошад.

(Токи бир оғиз сўз дегунча инсон,  
Ҳунари, айби барчадан ниҳон).—

байтларини келтиришнинг ўзигина кифоя. Бироқ бу деган сўз яна ташқи кўриниш ёки шакли Саъдий менсимайди деган гап эмас, албатта. Улуғ санъаткор шоир ташқи йилтироқликнинг алдовидан огоҳлантиради холос, аммо ўзи одамда ҳам, айниқса бадний асарда ҳам, мазмун ва шаклни юксак даражада порлоқ, доғсиз бўлишини талаб қилади.

У инсоннинг:

Тошида йўқ айб оти,  
Ичида йўқ гийбати,—

бўлишини истайди. Бадний асар формасига келганда эса, шоирнинг бадний жиҳатдан жуда юксак асарларининг ўзи бунинг гувоҳидир.

Бу нуқтан назардан Саъдий асарлари тилини таҳлил қилар эканмиз, унинг тили содда ва гўзал, оддий ва тираи, ориқча тумтароқли жумлалар, йилтироқликлардан холи эканлигини кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, жуда демократик, яъни аҳолининг ҳамма табақалари ва ҳамма авлодлар тушунадиган тил. «Шундай тил билан ёзиш керакким (агар мумкин бўлса, бу жуда лозим), саводлилик гувоҳномаси бўлган ҳар бир деҳқон тушуна олсин»<sup>1</sup>,— деб ёзган эди улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой А. Алехинга ёзган мактубида. Саъдий асарлари тили худди мана шу талабга жавоб берганлиги учун то ҳозирги кунгача ҳам энг тўғри форс тилининг энг яхши намунаси ҳисобланиб келмоқда.

<sup>1</sup> «Русские писатели о писательском труде». Т. 3, СП, Л., 1955, стр. 594.



Унинг китоблари энг тўғри форс тилининг классик намунаси бўлиш билан бирга, ҳозирги замон учун ҳам қўлланма, ҳам мезон бўлиб қолаётир<sup>1</sup>.

Саъдийнинг ўзи ҳам буни жуда яхши сезган ва форс шеърятининг пайғамбариман деган маънода:

Ҳар кас ба замони хештан буд,  
Ман Саъдийё охираззамонам.

(Ҳар ким ўз замони билан эди,  
Мен охир замон Саъдийсиман)—

деган эди. У яна ўз тилининг ширинлиги, равонлиги ҳақида:

Эй гули хушбўй, агар сад қари боз ояд баҳор,  
Мисли ман дигар набини булбули хушгўйро!

(Эй гули хушбўй, агар минг бора кўклам келса ҳам  
Мен каби ҳеч кўрмагайсан булбули хушхонни!)

Ёки мажозан қаламига қараб:

Ин набот аз қадом шаҳр оранд?  
Ту қалам нисти ки, найшақари.

(Бу новвотни қайси шаҳардан келтирадилар?  
Сен қалам эмассан, балки шақарқамичсан),—

деса, ўз талантини яшнаб турган боғ ва ундаги қушларга ўхшатиб:

Саъдий андоза надорад ки че ширин сухани,  
Боғе таъбат ҳама мурғон-е шақар гуфторанд.

(Саъдийнинг ширинсуханликда ўхшови йўқдир,  
Унинг таъби боғидаги қушларнинг барчаси

шақаргуфтордир),—

дейди.

Форс адабиётшунослари ҳам унинг тилига, асарларининг бадиий юксаклигига ниҳоятда катта баҳо берадилар.

«Саъдий форс тилининг худованди,— дейди ада-

<sup>1</sup> «Мактаби Саъдий» китобида Али Даштийнинг «Фирдавсий ё Ҳофиз» мақоласига қаралсин (153—168-бетлар).

биётшунос Али Даштӣ,— агар пайғамбарлик даъвосини қилар экан ва ўз мўъжаз услубини «Бўстон» китоби ҳамда «Тайнбот» девонида барқарор қилар экан, ҳеч ким унинг даъвосини рад қилолмаслиги шубҳасиздир. Шайхнинг «Қуллийёт»и форс тилининг қуръонидир. Саъдий китоби то абад форс тилининг ўлчови бўлиб қолади, ҳар сўзки унга тўғри келса тўғри, ҳар сўзки унга тўғри келмаса нотўғридир»<sup>1</sup>.

XX аср Эрон адабиёти классиги, улкан шоир ва адабиётшунос олим Маликушшуаро Баҳор Саъдий ғазалига боғланган мусаддасида унинг ижодига баҳо бериб, ўзини пайғамбарга, асарларини қуръонга тенглаштиради.

Рост, дафтари Саъдий ба гулистон монад,  
Тайнботаш ба гулу лолову райҳон монад,  
Уст пайғамбару он нома ба Фурқон монад,  
В-он ки урокунод инкор ба шайтон монад.

«Ишқи Саъдий на ходисест, ки пинҳон монад,  
Достонест, ки бар ҳар сари бозор ҳаст»<sup>2</sup>.

(Ростдир, дафтари Саъдий гул-гулистоннинг ўзи,  
Сўзлари гулзораро лола ва райҳоннинг ўзи,  
Ўзи пайғамбару ул номаси қуръоннинг ўзи,  
Буни инкор этган одам худди шайтоннинг ўзи.

«Саъдий ишқи бир ҳадис эрмаски, йўқ пинҳон  
кези,  
Достондир, тингламас бозору майдон борми  
ҳеч»).

Саъдий тилининг асосий хислатлари унинг соддалиги. Биз юқорида «назм оламида уч пайғамбар бор» деган шеърини келтирган эдик. Шулардан бири Анварий эди.

Анварий билан Саъдий тилини таққослаб кўрилса, бу соддалик айниқса яққол кўринади. Анварий қасида устаси, аммо унинг шеърлари халқ орасида кам тарқалган ва ҳозир, асосан, адабиёт тарихчиларинигина қизиқтиради холос. Бунинг сабаби нимада?

Бунга сабаб шуки Анварийнинг тили, унинг бадий тасвир воситалари ҳаётдан ниҳоятда узоқ, шунинг учун

<sup>1</sup> «Мактаби Саъдий», Техрон, 1959, 165-бет

<sup>2</sup> М а л и к у ш ш у а р о М у ҳ а м м а д Т а қ и и Ба ҳ о р. Ашъори мунтаҳаб. Нашриёти давлати Тоҷикистон, 1958. 54-бет.

ҳам мазмуни жуда қашшоқ. У бир шахсни, кўпинча маънавий қашшоқ, ахлоқий майиб шахсни мақташга мажбур эди, бу эса уни моддий ҳаётдан жуда узоқ кетиб қолишга, мадҳ қилинаётган кишида йўқ хислатларни «тасвирламоқ» учун дунёда йўқ ташбиҳлар, мажозлар, муболағалар ўйлаб топишга мажбур этади.

Шунинг учун унинг асарларида игроқ, яъни ҳаддан ташқари лоф қилиш приёми кенг жой олади.

Бунинг буржуа адабиётшунослари ҳам сезганлар. Масалан, XIX асар турк адабиётшуноси Зиёпошшо «Ҳаробат» номли шеърини асарида Анварийга баҳо бериб: «Анварий бир лофчидирким, умрини муболага ва игроққа сарф қилиб юборди. Мукофот олмоқ илинжида «эшак»ларга баланд мартаба берди, мадҳ қилган кишиларини ердан тамоман ажратиб тасвирлади. Маънавий гадоликка учради, пасткашлиги шу жойга етиб келдиким, ҳатто шаробни ҳам шеърда тилайди. Чиройли гаплар топгани ва ниҳоятда баланд санъат ишлатгани рост, албатта. Аммо у ёлгончилик устодидир»<sup>1</sup>, дейди.

Саъдий эстетикасида эса бунга ўрин йўқ. Унинг ўзи «Бўстон»да бу ҳақда:

Маро табъ Зунгуна хоҳон набуд,  
Сари мидхати подшоҳон набуд.

(Менинг таъбим бундайларни хоҳловчи эмас эди,  
Подшолар мадҳи бошида ҳам эмас.)  
(Яъни подшоларни мақташни истамас эди.)

дейди.

Уша вақтда адабиёт подшолар саройида макон топиб, Унсурий, Анварий каби забардаст суҳан устодлари таланти беҳуда сарф бўлаётган, адабиёт неча юзлаб сарой шоирлари ижодида халқдан ажраб, адабий тил тобора халқ тилидан узоқлашиб кетаётган даврда Саъдий асарларининг бундай содда, ҳақиқий халқ тилида ёзилганлигининг ўзи ҳам ажойиб жасорат ва гуманизм кўринишларидан бири эди.

Халқ учун ёзилган Саъдий асарлари халқ қўшиқларидай равон, оҳангдор ва мақолларидек мазмундор.

Саъдий тили ҳақида гапирилганда, айниқса, унинг

<sup>1</sup> «Шайх Саъдий мухтасари «Бўстон». (Тоҷикдавнашр, 1945) китобига С. Айний ёзган сўз бошидан олинди, 16-бет.

халқ мақолларидан жуда баракалли фойдаланганлигини қайд қилиб ўтиш керак.

Саъдийнинг насрида ҳам, назмида ҳам биз халқ мақолларининг жуда кўп ва ўринли ишлатилганлигини кўрамыз:

Ҳар жойда ёмонлик ўргатар ёмон.  
Ҳас-чўпга ёпишар ғарқ бўлган инсон.  
Ёмон кишиларга ҳамроҳ бўлмагил,  
Қорасни юқтирар мисоли қозон.

\* \* \*

Нима ёмонликни ўзингга раво —  
Кўрмасанг, бировга қилма, биродар,  
Агар ўз онангни иззатин қилсанг,  
Қил менинг онамни сўкишдан ҳазар.

\* \* \*

Олжаноб қўлида молу дунё турмас, у—  
Ошиқ дилида чндам ёки ғалвирдаги сув.

\* \* \*

Нодон қулоғига панд худди қафасда шамол,  
Оламнинг насихати ғалвирдаги сув мисол.

\* \* \*

Кўрмаднингми, ўтлоқда гоҳо бир сигир  
Бутун қйшлоқ мўлий ифлос қиладир.

\* \* \*

Қамичга ўт қўйсанг, ёқиб қоч йироқ,  
Тўқайга ўт кетса, ёнар ҳўл-қурғоқ.

\* \* \*

Кексадан истама қувноқлик, ҳавас,  
Ешлик ўтмиш, оқар сув ортга қайтмас.

\* \* \*

Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,  
Мусофирлик аълодир уйнинг тўла бўлса жанг.

\* \* \*

Қаргаб, ўйламаки дуо кўрасан,  
Ниманки эсанг, шуни ўрасан.

\* \* \*

Сўзла, жавобига чидолсанг ўзинг,  
Арпа экиб, бугдой кўрмагай кўзинг.

Бу мисолларда фақат тожиклардагина эмас, ўзбекларда ҳам мавжуд мақолларнинг ишлатилганлиги кўриниб турибди.

Саъдий фақат форс-тожик мақолларинигина эмас, балки араб ва бошқа Ўрта Шарқ халқлари мақол, матал ва масалларини ҳам катта маҳорат билан ишлатади:

Ким биров айбини сенга гапиргай,  
Бошқалар олдида сендан лоф ургай.

Бунда «Изо зукира жолисуна ахадан биссуи фаълам анта сония»—ким сенга бировни ёмонласа, билгил инкинчиси (ёмонланувчининг) сен бўласан, деган араб мақоли ишлатилган.

Гоҳ бошад ке, кудаки нодон  
Бағалат борҳадаф зананд тири.

(Гоҳида нодон бир бола, янглишиб  
Нишонга ўқ теккизиб қолади.)

Бунда арабча «Рубба Ромиятин мин ғайри Ромин»—баъзан мерган бўлмай туриб, нишонга теккизиб қолиш мумкин, деган мақол мазмуни бор.

Панд гир аз масонби дигарон  
То нагиранд дигарон ба ту панд.



(Бошқалар мена олмасни ибрат —  
Десаиғ бошқалардан ибрат ол албат.)

Бунда «Ман лам яттаъиз биғайриҳи яттаъизул  
илоҳа биҳи ғайраҳу» — ким одамлардан ибрат олмаса,  
худо уни бошқаларга ибрат қилади — мазмунидаги ма-  
қолдан фойдаланилган.

Шоир баъзан араб мақолларини ҳатто таржимасиз  
шеърга киритади:

Саъдиё, қисса хатм кун ба дуо  
Он «Хайрул каломни мо қалла ва далла».

Дуо бирла қиссанг тугат, Саъдиё,  
Чин «Ҳойрул-каломни мо қалла ва далла».

Бунда «Сўзнинг яхшиси — қисқа ва маънолик» деган  
мақол ишлатилган.

Бу юк сўз устоди ва мутафаккир олди мақолларни  
тўғридан-тўғри ишлатишдан ташқари кўпинча уларнинг  
мазмунини ўзлаштириб, ўз шеърларига сингдириб  
юборади. Тожик халқида: «На ҳар ки ба қомат меҳтар,  
ба қиммат беҳтар» (қомати баланд бўлган ҳар киши-  
нинг қиммати ҳам баланд эмас) деган мақол бор.  
Саъдийнинг қуйидаги афоризмида ҳам шу мазмун об-  
разлар орқали лўнда қилиб ифода **этилган**:

Фойда бермас улкан аъзолар ҳечам,  
Ақлсиз, ҳунарсиз бўлса гар одам,  
Бизниқидан катта ҳўкиз кўзлари,  
Узунроқ-ку эшак қулоқлари ҳам.

«Ҳаракатда — баракат» мақолининг мазмуни қуйи-  
даги образларда ўралган:

Ҳар ишдаким инсон кўрсатур ҳиммат,  
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

«Дўсти нодондан душмани зийрак яхши» деган ма-  
қол мазмуни қуйидагича ифодаланган:

Доно душман баланд кўтарар чандон,  
Ерга урар сени дўст бўлса нодон.

## Яна мисол

Икки ошнқ кўшилса равшан ўтар кун,  
Жуфт қаланса ловиллаб ёнади ўтун.

Бунда «қаловини топсанг қор ёнар» мақолидан параллелизм учун моҳирона фойдаланилган.

Яна бир мисол кифоя:

Эрта кун арпага зор бўлмай десанг,  
Бугун эк, шоядки бугдой нон есанг?

Бунда «ҳар ким экканин ўрар» мақолининг мазмуни янада кучайтирилиб, конкретлаштирилиб берилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, аммо гап фақат халқ мақолларини қўлланишидагина эмас. Халқ мақолларини биз бошқа шоирлар асарида ҳам, ҳатто юқорида гапирганимиз Анварий асарларида ҳам, ундан кўра талантсизроқ шоирларнинг шеърларида ҳам учратишимиз мумкин.

Гап шундаки, халқ тили хазиначидан олинган бу дурдоналар шоир асарига қандай сингдирилган ва унинг байтлари билан қандай муносабатда?

Бу нуқтаи назардан Саъдий асарларига ёндашар эканмиз, шоир бу дурдоналарни олиб эшакка мунчоқ таққандек тиркаб қўя қолмаганлигини кўрамиз.

Саъдий халқ ижоди руҳига кирган бу руҳни ўзига батамом сингдира олганлиги билан ажралиб туради. Саъдий асарларини бунча кенг тарқалиб кетганини ва бундай узоқ умр кўришининг сири ҳам мана шунда. Буни жуда яхши сезган шоирнинг ўзи ҳам асарларининг абадийлигини олдиндан кўриб:

Ман он мурғи суҳандонам, ке дар ҳокам равад сурат,  
Ҳануз овоз меояд бамаъни аз гулистонам.  
(Мен ул сайроқи қушдурманким, вужудим тупроққа

кирганда ҳам

Ҳануз гулистонимдан овоз келиб тураберади),—

деган эди.

Чинакам халқ фарзанди бўлган шоирнинг асарларига абадий ҳаёт берган нарса мана шу халқ тилининг жони, халқ руҳи эди.

Саъдий шеърларидан бирида ўзини камтаринлик билан тупроққа, ерга ўхшатади:

Ало эй ке, бар хок мо багзари,  
Ба хоке азизон ке ёд овари,  
Ке гар хок шуд Саъдий уро че гам,  
Ке дор зиндаги хок будаст ҳам.

(Эй бизнинг хокимиз тепасидан ўтгувчи,  
Азизлар хокини ёдга келтиргувчи,  
Агар Саъдий тупроқ бўлган бўлса нима гам,  
Ахир у тирӣкликда ҳам тупроқ эди-ку).

Бунда шоир одам тупроқдан ясалган деган афсонадан фойдаланган, аммо бу мисраларга мажозий маъно ҳам берган.

Биз шоир мажозини давом эттириб, ҳа, Саъдий она-Ер каби сербаракат бағрига халқ даҳоси ҳикматларини осмондан ёққан ёмғирдек шимиб-сингдира олган ва уларни бағрида дурда боғлатиб, тинитиб, биллур булоқдек қайнатиб, қайтадан халққа инъом этган, десак бўлади.

Шунинг учун ҳам Саъдийнинг жуда кўп мисра ва байтлари халқ орасида мақол бўлиб кетган, унинг кўп афоризмларидаги мақолларни Саъдийдан олдин мақол бўлганми ёки ундан кейин мақолга айланиб кетганлигини ҳозир аниқлаш ҳам қийин:

Ўз меҳнатидан нон еган киши,  
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Мол-дунё қўлга киргизмоқ ҳунармас,  
Қўлингдан келса, гар бир дилни овла.

Сен пок бўлу ҳеч кимсадан қўрқма, биродар,  
Қир либосини тошга уриб ювар кирчилар.

Дўст дема гар нозу неъмат устида,  
Урса лоф: «дўстимсан, азиз, меҳрибон».  
Дўст удир — дўстига чўзса гар қўлни —  
Дўсти бўлганида ночор, нотавон.

Нечун сўзлай сўзламаган яхши он,  
Оғизда тил бошга эрур посбон.

Бундай мисралардан шу нарса ойдинки, халқ ақлу закони меваларига Саъдий даҳоси шакл бериб, бақувват қанот боғлаган. Шунинг учун ҳам бу ҳикматлар ҳеч қандай ирқий ва замонавий чегара билмай йилдан йилга, асрдан асрга, элдан элга, диёрдан диёрга уча беради. Уларнинг қаноти асло толмайди.

Мақоллардан ташқари, Саъдий халқ оғзақи ижодининг бошқа бир жанри — масаллардан ҳам баракали фойдаланганлигини биз юқорида кўрган эдик.

Саъдий баъзи масалларни фалсафий аллегорияга айлантириб юборади ва бу масал ҳам ажойиб ҳикмат бўлиб, ёдда қолади.

Масалан, «Чаёндан сўрадилар:

— Нечун қишда кўринмайсан?

— Ёздаги қайси иззатларга, яна қишда кўринай? — деди у».

Аmmo бу фақат дидактик мажозгина эмас, ўткир сатира ҳамдир.

Бундай масаллар ҳам Саъдий ижодининг халқчиллигини кучайтирган ва унга абадийлик бахш этган, халқ руҳини олиб кирган дурдоналардан ҳисобланса арзийди.

Улуғ рус таъқидчиси В. Г. Белинский Крилов масаллари ҳақида гапириб, масал жанрининг халқчиллиги халқ руҳи билан тугилишини таъкидлаган эди ва шу муносабат билан «Адабиёт мустаҳкам ва абадий бўлиши ни истаса, албатта, халқ адабиёти бўлиши кераклиги унинг энг ишонарли далил-исботидир»<sup>1</sup> деган эди.

Саъдий ижодининг халқчиллиги ва ўлмаслиги В. Г. Белинский сўзларини яна бир марта тасдиқлайди.

Садриддин Айний устод Саъдийга баҳо бериб: «Шубҳасизки, Саъдий форс-тожик классик адабиётининг ниҳоят улкан сиймоларидан бири. Унга тенг келадиган ҳеч ким ўтмаган»<sup>2</sup>, дейди ва яна: «Ҳақиқатан ҳам Саъдий ҳаёт шоири, ҳаёт куйчиси, инсоннинг дарду аламини очувчи... ва унга ўз замонига мувофиқ даво ёзувчидир»<sup>3</sup>, деб таъкидлайди.

Форс-тожик классик адабиётининг асосчиларидан бири Рудакий ҳаётни жўшқин денгизга ўхшатиб:

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Полное собрание сочинений. Т. V, СПб, 1908, стр. 262.

<sup>2</sup> «Шайх Саъдий мухтасари «Бўстон», Тожиқдавнашр, 1945, 14-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб, 16-бет.

Жаҳон дарё эрур, яхши ишингдан —  
Кема ясаб ўтгил нари томонга,—

деган эди.

Шу дарёнинг пўртанаси даврида яшаган, арабча қасидаларидан бирида:

Ло таътабашна ало мо фиҳи минн иззатин,  
Ишнан насиҳата маълуфи ва муътодин.

(Буида панду насиҳат борлигидан хафа бўлма,  
Чунки насиҳат (қилиш) менинг ички одатимдир).—

деган Саъдий эса дарғалик вазифасини ўз зиммасига олади, одамларни ана шу мавж уриб турган дарёдан ўтказиш йўлларини қидиради, уларга маслаҳатлар беради.

Шунинг учун у ҳаётнинг ҳамма томонларини қамраб олишга интилади.

Унинг ижоди мазмунан шундай кенг бўлиш билан бирга, шаклан жуда юксак ва порлоқ эканлигини бир неча мисолда бўлса-да кўрдик. Унинг шеъряти гўзаллиги, мукамаллиги, етуклиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Унинг назми прозадек содда, бетакаллуф, насри эса поэзиядек гўзал ва порлоқдир.

Форс-тожик адабиётининг Саъдийдан кейинги ўтган улкан шоирлари ҳам унинг ижодига юксак баҳо берадилар, унинг орзуларини, халқчил ғояларини давом эттирадилар, унинг асарларидан байтлар, сатрлар тазмин қилиб, ҳурматини жойига етказдилар.

Бу жиҳатдан Саъдий ўзидан сўнги шоирларга ва демак, форс-тожик адабиёти тараққиётига энг кучли таъсир кўрсатган забардаст устоддир.

Унинг ғазал жанридаги тенги йўқ хизматларини давом эттирган ва ғазал шаклини энг юқори чўққига кўтара олган, фақат Шарқдагина эмас, Ғарбда ҳам энг йирик лирик деб танилган шоир Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий бўлди. Улуғ шоирнинг жўшқин ҳамшаҳри Ҳофиз Саъдий традицияларини давом эттиришдан ташқари, кўп жойда уни тазмин қилади.

Масалан, Саъдийнинг ҳар банди:

Биншинаму сабр пеш гирам,  
Дунболайи кори хеш гирам<sup>1</sup>.

(Ўлтириб сабр пеша қилғум,  
Ишимнинг охирини ўйлаб ўлтиргум).—

байти билан тамомланувчи таржеъбандига Ҳофизнинг  
жавоб таржеъбандини олиб кўрайлик:

Он беҳ, ки зи сабр рух патобам,  
Бошад, ки муроди дил биёбам<sup>2</sup>.

(Яхшиё, сабрдан руҳимни эзмай (тобламай)  
Дилим муродини топмогим керак).—

байт билан бандлари тугалланувчи бу таржеъбандини  
муқояса қилинса, бу қайтариқ (рефрен) байтнинг ўзи  
ҳам Саъдий байти таъсирида туғилганлиги кўриниб  
турибди.

Бироқ бунда ҳар икки шеърнинг руҳи ҳам яққол  
сезилиб турибди. Исёнкор шоир Ҳофиз замона ҳодиса-  
ларига кўниккан Саъдийдек хотиржамлик билан «сабр  
пеша» қилишни истамайди.

Ҳофиз бундан бошқа бир таржеъбандида Саъдий-  
дан тазмин қилади:

Дорам сари он ки ҳамчу Саъдий,  
«Биншинаму сабр пеш гирам».

(Қарорим шуки, Саъдийга ўхшаб,  
Утириб сабр пеша қилғум.)

Ҳофиз бошқа шеърларида ҳам Саъдий байтларини  
келтиради. Масалан, Ҳофиз ўзининг машҳур ғазаллари-  
дан бирида:

Бадам гуфтию хушнудам, афокolloҳ наку гуфти,  
Жавоби талх мизибад лаби лаъли шакарҳоро.

(Мени ёмон дедингу мен хушнудман, худо кечирсин,  
яхши айтдинг,

Аччиқ жавоб шакар егувчи лаъли лабларни безайди).—

дейди.

<sup>1</sup> Саъдий Шерозий. Мунтаҳоби куллиёт. Тоҷикдавнашр,  
1956, 290—310-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳофизи Шерозий. Мунтаҳоби девон, Тоҷикдавнашр, 1957;  
545—548-бетлар.



Бу Саъдийнинг «Тайибот» девонидаги:

Бадам гуфтию хушнудам афоколлоҳ наку гуфти,  
Сагам хондию хурсандам ёзоколлоҳ карам карди.

(Мени ёмон дедингу мен хушнудман, худо кечирсин, яхши  
айтдинг,

Ит дедингу хурсандман, худо карам қилсин, карам қилдинг),

байтидан олинганлиги кўриниб турибди. Ҳофиз олдинги келтирилган мисолда Саъдий номини келтирган эди, бунда ва бошқа бир неча цитаталарда унинг номини келтирмай, тўғридан-тўғри байтларини тазмин қилавериши Ҳофиз замонида ҳам Саъдий асарларининг машхурлигидан далолат қилади, холос.

Ҳофиз газалидаги:

Жуз ин қадар натавон гуфт дар жамоли ту айб,  
Ке холи меҳру вафо нист руйи зиборо.

(Жамолинг айбли эмас, бемисол эрурки фақат,  
Вафо ва меҳр узоқ эрмиш, чиройли барноға)<sup>1</sup>,—

байтининг биринчи мисраси ҳам Саъдийнинг «Бадоеъ» девонидан олинган. Бундан ташқари, Саъдий «Тайибот» девонида яна бир газал борки, унда:

Завқи жаҳон надорад би дуст зиндагони,  
Дудам ба сар баромад зин оташин ниҳони.

(Завқи жаҳондин йироқ, дўстдан айру яшамоқ,  
Ниҳон ўтдин қолмишдир дуд ичра бошим бу чоқ),—

дейлади.

Ҳофиз бу байтнинг биринчи сатрини олади-да, акс (анограмма) санъатидан фойдаланиб, ажойиб афоризм байтини яратади:

Завқи жаҳон надорад би дуст зиндагони,  
Би дуст зиндагони завқи жаҳон надорад.

<sup>1</sup> Ҳофиз, Газаллар. Тошкент, Ўзадабийнашр, 1958, 24—25-бетлар, Чустий таржимаси.

(Завқи жаҳондин йироқ дўстдин айру яшамоқ,  
Дўстдин айру яшамоқ завқи жаҳондин йироқ.)

Ўз ижодида форс-тожик адабиётининг беш асрлик тараққиётини яқунлаган ва унинг асосий анъаналарини давом эттирган улкан шоир Абдураҳмон Жомий ҳам Саъдий ижодига жуда юқори баҳо беради, унинг шеърини ва насрий асарларидан илҳомланади.

Жомий ҳам Саъдий таржеъбандига назира ёзар экан, унинг ҳар бандини —

Бишшинаму бо гами ту созам,  
Пинҳон зи ту бо ту ишқибозам.

(Ўлтираманда сенинг ғамингга кўнникаман,  
Сендан яширинча сенга ишқибозман),—

байти билан тугаллайди. Бу байтнинг ҳам Саъдий таъсирида вужудга келганлиги аниқ кўришиб турибди, аммо бунда Саъдий ва Ҳофиздан кўра тасаввуфга кўпроқ берилган, улардан кўра диндорроқ ва тақводорроқ Жомий руҳи ҳам яққол сезилади.

Жомий фақат поэзия билан чегараланмайди, балки Саъдий асос солган форс насрининг шоҳ асари «Гулистон» традициясини давом эттириб, «Баҳористон» асарини ёзади. «Баҳористон»да у «Гулистон» ҳақида:

«Гулистон»мас жаннат боғидан иншон,  
Хашак-тикани ҳам шан анбарафшон.  
Жаннат дарбозаси ундаги боблар,  
Файз тўла қиссалар чин ҳавзи кавсар.  
Нукталар пардага бўлмишлар ниҳон,  
Рашк этар аларга нозли ҳур-ғилмон.  
Шеърлари дарахтдир, баланд, ҳосилдор,  
Лутф шабнамидан ариқлари бор,—

деган эди.

Дарҳақиқат, XV асрнинг буюк классиги ўз асарини XIII аср санъаткорининг «Гулистон»идан ниҳоятда чуқур таъсирланиб ва руҳланиб ёзганлиги китобнинг умумий тузилишидан ҳам, бобларнинг жойланишидан ҳам ва демак, шаклдан ҳам, мазмундан ҳам сезилиб туради.

Буни муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этиб: «...Хоти-

римга унинг шараф сўзларидан шарафланиб ва латиф шеърларидан илҳомланиб, шу турда ва шу усулда бир неча варақ ижод этиш фикри келди...»<sup>1</sup> дейди.

Аммо бу ундан кўчирма деган гап эмас. Абдурахмон Жомий бу жанрда тамоман оригинал асар яратган. Ҳатто мазмунан бир хил ғояларни тарғиб қилган жойларда ҳам Жомий тамоман янги ҳикоялар, масаллар ижод этарди.

Биргина мисол: «Гулистон»нинг бешинчи бобида шундай бир ҳикоя бор:

«Бир киши узоқ кўришмаган бир дўстига: «Қайда эдинг бунчалик муштоқ бўлдим», — деди. Унга дўсти:

— Муштоқ бўлмоқ, малол чекмоқдин яхшироқ деди.

Мунча кеч келибсан кайфим бонси,  
Қўлдан тез чиқмагай этагинг учи.  
Машуқа висоли бўларкан йироқ,  
Лозим дийдорига яхшироқ тўймоқ».

Жомий «Баҳористон»да эса шу мазмундаги қуйидаги ҳикояни ўқиш мумкин:

«Олиҳиммат бир дарвеш шавкатли бир подшоҳ билан тез-тез кўришиб турар, ёқимли суҳбатлар қураар эди.

Кунлардан бирида у подшо пешонасида маломат назини сездн, унинг сабабини ўйлаб, хаёли кездн, аммо ўзининг тез-тез келишидан бўлак сабаб кўрмади. Дарҳол подшо ҳузурига қатнамай қўйдн ва у билан суҳбатдан ўзини тийди. Бир кунн подшо йўл устида дарвешни учратиб қолди ва шундай сўроқни орага солди: «Эй дарвеш, не сабабдирким, мен билан алоқангни буздинг, бориш-келишдан қадамингни уздинг?» Дарвеш жавоб берди: «Сабаб шуки, мен келишимдан чеҳрангда малол кўргандан кўра, «Нега келмайсан?» деган савол эшитиш яхшироқ эканини тушундим».

Қитъа:

Дарвешдан ҳукмдор сўралди: «Нечун —  
Келмаднинг олдимга бунчалик узоқ?»

Ул деди: «Нимага келдинг» дегандан,  
«Нимага келмаднинг», деган яхшироқ!

<sup>1</sup> Жомий. Баҳористон, 171 3-бет.

Ҳар иккала ҳикоянинг хулосаси ҳам битта, нимаки узлуксиз бўлса кўнгилга уради, нимаки кам бўлса тансиқ ва азиз бўлади.

Аммо бу ҳикояларда дунёвий ишқ куйчиси Саъдий билан кўпроқ тасаввуфга берилган Жомийнинг фарқи ҳам яққол кўриниб турибди<sup>1</sup>. Саъдий сеvimли ёр ҳақида гапирса, Жомий буни дарвеш билан подшоҳ дўстлигига айлантирилган ва бутунлай янги асар яратган.

Традиция ва новаторлик аслида мана шундай бўлиши керак<sup>2</sup>.

Саъдийнинг ўзи ҳам форс адабиётининг порлоқ нурлари остида етилган, айниқса X — XI асрда Ўрта Осиёда яратилган адабиёт традицияларини давом эттирган шоирдир.

Масалан, тожик адабиётининг отаси Абу Абдулла Рудакий ўз асарларида:

Бировлар дастурхони тўла турли неъматдан,  
Бировларни кўрамен арпа нонга муҳтождир.—

деб дунёда бой ва камбағаллар орасидаги катта ва адолатсиз фарқни кўрсатган бўлса, Шайх Саъдий бу фикр-ни янада ривожлантирганини биз юқорида келтирилган: «Бу чархи фалакнинг қараб пардасин...» мисраси билан бошланган шеърида кўрган эдик:

Чарақлар бирин шодлик юлдузи,  
Қаро тун кабидир бирин кундузи.

Яна бир мавзу — илм темасини олиб қарайлик. Биз бу фикрларни ҳам Рудакийдан Саъдийгача ривож топиб, Саъдийдан кейин яна давом этганлигини кўраимиз. Масалан, Рудакий:

Одамлар қалбининг чароғи билим,  
Балодан сақланиш яроғи билим.

---

<sup>1</sup> Жомий ҳақида тўлароқ маълумоти шу авторнинг «Абдурахмон Жомий» (Тошкент, Ўзфанакадашр, 1963) китобидан олишингиз мумкин (ред).

<sup>2</sup> «Гулистон»га ўхшаган китоб ёзганлар Жомийдан ташқари ҳам кўп бўлган, аммо уларнинг кўпи талантсиз тақлид бўлиб қолган. Бу ҳақда М. А. Тодуанинг «Подражания «Голестану» в таджикской и персидской литературе» ниши диққатга сазовор (автореферат Тбилисида 1954 йилда нашр этилган).

Яна:

Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,  
Қўлингдан келганча тера олсанг бас.

Абу Шукур Балхий:

Тўқиш, йиғириш ҳам билим бирладир,  
Дунёни топиш ҳам билим бирладир.

Абулқосим Фирдавсий:

Қудратлидир кимки бўлса билимдон,  
Билимдан кексалар дили навқирон.

Асадий Тусий:

Оламда билимдир ганжи бебаҳо,  
Қим билим эгаси, ўша подшо.

Носир Хисрав:

Билимдин шод бўлур, донм дилу жон,  
Билимсиз оламда сарсон, саргардон.

Умар Хайём:

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,  
Бир сир қолмадики, мафҳум бўлмабди.  
Туну кун ўйладим етмиш икки йил,  
Англадим — ҳеч нарса маълум бўлмабди.

Ёшликда биз шогирд, ўзгалар устод,  
Сўнгра устод бўлиб, дилни этдик шод.

Фаридиддин Аттор:

Қимда бўлса ақлу илм ҳам тамиз,  
Ақлу дониш аҳлини тутадн азиз.

Низомий Ганжавий:

° Сенга улуғлик лозим ҳар жойда,  
Отанг обрўйи бермайдн фойда.

Насиҳатим ол, эй ўғлим, яқбор,  
Ота пандидан бўлгил ҳосилдор.

Абулмажид Саноний:

Семиз ҳўкиздан яхши гўшт чиқар,  
Одам зийнати илм ҳам ҳунар.

Илм-ҳунар ўрганиш ҳақидаги Саъдийнинг оташин сатрларини биз юқорида келтирган эдик. Бунда яна бир байт келтириш билан кифояланамиз:

Баний одам илмдин топмиш камол,  
Бекор бунда мансабу, бойлигу мол.

Бу фикрлар эстафетасини Саъдийдан кейинги шоирлар ҳам давом эттирдилар. Масалан, Рукнуддин Авҳадий:

Илми ўғри ҳам ўғирлаёлмас,  
Илми ажал ҳам олиб кетолмас.

Қамол Хўжандий:

Илмга бўлиб ошно, осонликча кеч дарё,  
Дарёдан осон ўтиш илмликка ошно.

Абдураҳмон Жомий:

Илм олишга белингни боғла,  
Бошқа ишдан қўлингни боғла.  
Шу билан бас устоднинг сўзи,  
Қолганин айтур илмнинг ўзи.

Алишер Навоний:

Жоҳилликдин бесаодатлироқ нима бор?

\* \* \*

Киши таълимдин топса малолат,  
Топар илм аҳли олинда хижолат.



## Камолиддин Биноий:

Илм ҳам боқийдир, ҳам абаддир у,  
Илмдан бошқаси саватдаги сув.

## Абдуқодир Бедил:

Қимқи ҳаёт шами илм пла ёқди,  
Ҳаёти асрлар сўнмади, балқди.

Илм ўрганишда асосий устод ҳаётнинг ўзи эканлиги ҳақида, меҳнат, ҳунар, дўстлик, тинчлик, адолат, яхшилик, ростгўйлик, қаноат, ватанпарварлик ва бошқа кўп мавзулардаги фикрлардан ҳам шундай мисоллар келтириш мумкин эди. Аммо шунинг ўзи ҳам етарли.

Саъдий араб адабиётини ҳам жуда яхши билган, унинг энг яхши анъаналаридан, айниқса, эрксевар шоир Мутанаббий ижодининг халқчил қисмларидан ва араб халқи ўз эртак, масал, мақолларида яратган дурдоналардан ҳам жуда баракали фойдаланган.

Саъдий тараққий эттириб мустақил жанр даражасига кўтарган «газал» формаси ҳам Рудакий ва унинг замондошларидан бошланган эди.

Мана шу традицияга асосланиб, аввало форс-тожик адабиётининг бой анъаналарида ўсиб-улғайиш ҳамда бунинг каби анъаналарни ривожлантиришни давом эттириш Саъдий ижодининг энг кучли томонларидан бири ва унинг безаволлиги сирларидандир.

Умуман, Саъдий поэзиясининг форма жиҳатдан мукамаллиги, стуклиги сабаби ҳам шунда. Унинг поэтик дид, теран мулоҳаза билан ёзилган ажойиб газаллари нафис ва ранг-баранг мисраларининг сирли ҳам шундан.

Аммо Саъдий фақат газал жанрини, фақат поэзиянигина эмас, балки форс-тожик адабиётини тарихида проза жанрини ҳам камолатга етказган устоддир.

Унинг саж билан ёзилган «Гулистон» асари ўрта аср Шарқ прозасининг порлоқ намунаси. Бу асар ўзидан кейинги асрларда прозачилликка самарали таъсир этди, унга тақлид қилувчилар ҳам, унинг анъанасини давом эттирувчилар ҳам кўп бўлди.

Саъдийдан аввал бу формани талантили тасаввуф шоирларидан Ансорий ишлатган эди. Аммо у сажда

худога «муножот» қилган бўлса, донишманд Саъдий ҳаётга мурожаат қилади ва турмушнинг оғир-енгил ҳолларида ўғит истаб, ҳаёт тажрибасидан фойдаланишга интилади.

«Гулистон»нинг Шарқда ва Ғарбда мислсиз муваффақиятлари сабаби ҳам мана шунда.

Шунинг учун ҳам Саъдий асарлари ўзи тириклигидаёқ катта шуҳрат қозонган эди.

Шоирнинг қуйидаги сўзларида ҳеч қандай мақтанчоқлик ҳам, муболаға ҳам йўқ:

Шенидаам ке, мақолоте Саъдий аз Шероз,  
Ҳаме баранд ба олам чу нофан Хўтани.

(Эшитдим, шерозлик Саъдий сўзларин  
Таширлар оламга Хўтан мушкидек.)

Ҳақиқатан ҳам унинг асарлари асрлар оша бутун оламга ёйилиб, жуда кўп кўнгилларни шод, димоғларни муаттар этиб келмоқда.

## ЭРОННИНГ ЭНГ БУЮК ШОИРИ КИМ?

Фирдавсийнинг минг йиллиги нишонланаётган кунларда Эронда чиқадиган «Меҳр» журнали шу саволни ўртага ташлаб, анкета тарқатган эди.

Бу савол кўп адабиётшунос олимларнинг айрим мақолалар билан чиқишига ва ҳатто айрим китоблар ёзилишига ҳам сабаб бўлди. Унда шоир ва олим Малик-ушшуаро Баҳор, профессорлардан Сураатгар, Рашид Есимий, Фуруғий ва бошқалар қатнашдилар.

Аммо шуниси диққатга сазоворки, бу савол олимлар орасида баҳсга сабаб бўлмади.

Баъзи олимлар бундай саволнинг қўйилиши ҳақида баҳслашсалар-да, форс адабиётининг забардаст намояндалари орасидан бир кишини ажратиб олиш қийин ва ҳатто мумкин бўлмаган иш эканлигини таъкидласалар-да, аммо Саъдий номини зикр қилмай ўтолмадилар. Уларнинг кўпчилиги Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз номини келтирдилар, баъзилар Жалолиддин Румий, яъни Мавлавийни ҳам қўшдилар.

Масалан, Эроннинг машҳур адабиётшунос олимлари-

дан бири Муҳаммадали Фуругий бу саволга жавоб бериб дейди:

«Мен неча бор таъкид қилдимки, форс адабиёти ва тили тўрт устунга суянади, булар Фирдавсий «Шоҳнома»си, Шайх Саъдий «Куллиёт»и, Мавлавий «Маснавий»си ва Хўжа Ҳофиз «Девон»и. Яна қайтариб шуни таъкидлайманки, ҳар бири ўз соҳасида фақат Эрон адабиётидагина эмас, балки тамоми жаҳон адабиётида аввалги даражада қадрланувчи бу тўрт асар Эрон маданияти ва таълим-тарбиясининг тўрт устунидир»<sup>1</sup>.

Адабиётшунос ва олим Али Даштий Фуругийнинг бу тўртта устун ҳақида гапирилса, яна Низомийни ҳам қўшиш керак дейди-да, лекин ҳаммасидан улкани Саъдий деган фикрни илгарӣ суради: «Менинг фикримча «Куллиёт» далили билан Эроннинг энг улкан шоири Саъдийдир»<sup>2</sup>,— дейди у «Ҳофиз ёки Фирдавсий» деган мақоласида.

Эроннинг катта шоир ва олимларидан бири Малик-ўшшуаро Баҳор Саъдий ғазалларидан бирнга боғлаган мусаддасида Саъдий ижодини қуръонга, унинг ўзини пайғамбарга тенглаштирганини юқорида айтган эдик. Шу мусаддасдан яна бир неча мисол келтирамиз:

Саъдиё сен каби нодирсухан инсон борми ҳеч?  
Ҳам ширин тил, ҳар сўздан шакар афшон борми ҳеч?  
Ёки «Бўстон»у «Гулистон»ингча ризвон борми ҳеч?  
Ҳеч мен орзунг қилмасам, орзунгсиз инсон борми ҳеч?  
«Тингла, эй дўст, сендин ўзга дўсту ёрон борми ҳеч?  
Куну тун фикрингсиз ўтган менда бир он борми ҳеч?»

\* \* \*

Кимда гар ишқ бўлмаса этгил анн мурда ҳисоб,  
Абадий ўлмас у жон ишқдин агар топса таноб,  
Форс ери сийнасига олди сени мисли лубоб<sup>3</sup>,  
Лек бу тупроқ ишқинг ўтини қилолмайди хароб,  
«Тупроғингдан шамол элтиб барчани этди хушоб,  
Айт бирон атторда улсиз мушки хўтан борми ҳеч?»

<sup>1</sup> «Таълим ва тарбия» журнали (ҳижрий 1316 йил), «Бахман ва асфанд», 619-бет.

<sup>2</sup> «Мақтаби Саъдий», 167-бет.

<sup>3</sup> *Лубоб* — магз, қалб.

Башарият дили панду ҳикматнинг бирла тирик,  
Саъдий диллар тил камандингга асир ҳамда сирик...<sup>1</sup>

Саъдий ижодига бундай жуда юқори баҳо берган шоир, адиб ва адабиётшунослар сўзини жуда кўп келтириш мумкин.

Юқоридаги саволга келганда шуни айтиш керакки, бундай саволнинг қўйилишини, албатта, ўринли деб бўлмайди.

Чунки бир кишининг ижоди ҳар қанча доҳиёна бўлганда ҳам ҳамма иқлимлар ва ҳамма замонлар учун бир хилда баҳога эга бўлолмайди, албатта. Ҳар бир геннал шоир ижодининг башарият тарихида ўз ўрни бор.

Саъдийнинг ўзи:

Ҳафт кишвор намекунад имруз  
Би мақолоти Саъдий анжумани!

(Етти иқлим тузмайди бул кун  
Саъдийнинг сўзисиз бирорта мажлис!)

дер экан, унда «бул кун» деган гап катта маъно касб этади. Яъни: Саъдий ўз замони учунгина жавобгарликни бўйнига олиб гапиради.

Юқоридаги метафизик саволнинг қўйилишидан қатъий назар, унга берилган жавобларда ҳеч ким бир кишининг номи билан чегаралана олмади. Аммо Эроннинг энг улуғ шоири сифатида уч, тўрт ёки беш кишининг номи келтирилган экан, булар орасида албатта Саъдий номи бор эди. Улуғ немис шоири Гёте Саъдийни «жуда маҳсулдор ва файзли», «ҳаёт тажрибаси билан бойинган жуда яхши шоир», деб ҳисоблаган<sup>2</sup>.

Саъдий асарлари Ғарбий Европада аллақачонлардан бери маълум бўлган. Машҳур француз философи ва ёзувчиси Вольтер «Гулистон»дан хабардор бўлган ва баъзи шеърларидан фойдаланган.

<sup>1</sup> Малликушшуаро Муҳаммад Тақин Баҳор. Ашъори мунтаҳоб, Тожиқдавнашр, 1958, 52—53-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Гёте; Примечения и заметки для лучшего понимания западно-восточного дивана (извлечения), журнал «Проблемы Востоковедения», 1960, №4, стр. 189.

Яна бир машҳур француз масалчиси Лофонтен ҳам баъзи масалларида Саъдийнинг «Гулистон»идан фойдаланган.

«Гулистон» XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ Европа тилларига таржима қилиниб тарқала бошлаган эди.

Саъдийнинг ўлмас асари биринчи бор француз тилига таржима қилиниб, 1634 йилда Парижда нашр этилган эди. Бу таржима француз дипломати Андре Риетомонидан бажарилган, тўла эмас ва жуда эркин таржима бўлса-да, ёзувчилар ва олимлар эътиборини торта бошлаган эди.

Бир йилдан сўнг у французчадан немис тилига таржима қилиниб, 1635 йилда босилиб чиққан эди. Ундан сўнг ҳам Европа тилларига кўп марта таржима бўлди.

«Гулистон»нинг рус тилига биринчи таржимаси XVI асрда Адам Олеорийнинг немисча таржимасидан таржима эди. Аммо XIX асрда бу асарга қизиқиш жуда кучаяди ва «Гулистон» рус тилига кўп марта таржима қилинади.

Булар орасида А. Козимбек (1829), С. Назарянц (1857), К. Ломбрас (1862), И. Холмогоров (1882) таржималари бор эди.

1922 йилда профессор Е. Э. Бертельс таржимаси нашр этилди. Совет шарқшунослиги бу қимматли аънанани давом эттирди.

СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида «Гулистон»нинг танқидий тексти тайёрланди ва шу текстдан бадиний (1957) ҳамда академик (1959) таржималари босилиб чиқди. 1963 йилда эса рус тилида «Бўстон»нинг тўлиқ таржимаси нашр этилди.

«Гулистон» ўзбек тилига 1390/1391 йилдаёқ Сайфи Саройи тарафидан таржима қилинган эди.

XIX аср машҳур ўзбек шоири Огаҳий ҳам бу нодир асарни ўзбекчага таржима қилган<sup>1</sup>, ундан сўнг бошқа кишилар тарафидан ҳам бир неча бор таржима қилиниб ўзбек халқи орасида кенг тарқалган. Жумладан,

<sup>1</sup> Қ. Мунировнинг «Мунис Огаҳий ва Бағдидийнинг тарихий асарлари» (Тошкент, 1960) номли китобида хабар берилишича, бу таржима қўлэзмасининг икки нусхаси ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар фондида 7768—899 номерлари билан сақланмоқда. Яна бир нусха-си шоир Ғ. Ғулом шахсий кутубхонасида борлиги бу китобча авторига маълум.

Мурод Хўжа Солиҳ ўгли томонидан таржима қилиниб, «Шавқе гулистоне мусоввар» номи билан Тошкентда нашр этилган нусхани кўрсатиш мумкин.

Булар орасида энг дурусти Огаҳий таржимаси ҳисобланадимики, биз ундан мисол учун бир ҳикояни келтирамиз.

«Ҳикоят: бир тўтини бир зоғ била бир қафасга солдилар. Тўти зоғнинг дийдори мушоҳадасидан ранж чекар эди ва дер эди: «Эй гуруб, бу нечук макруҳ талъат ва малъун манзар ва номавзун суратдирким, санда жам бўлибдур. Кошки, сенинг била менинг орамизда узоқлик масофати Марғиб била Машрик йироқлигича бўлса эрди, то сенинг кареҳ дийдорингни кўриб, мунча азоб чекмагай эрдим». (Бу ерда шеър тушириб қолдирилган—Ш.Ш.)

Ажаброқ булким, зоғ доғи тўтининг суҳбатидан танг бўлиб, маломатдин жониға етмиш эрди ва дер эрдиким, «бу нечук бахти зобун ва толеи дун ва айёми буқаламундирким, менинг қадрим лойиқи ул эрдиким, бир зоғнинг суҳбатида бўлиб, бир боғнинг девори устида хиромон юрсам эрди. (Бу ерда ҳам бир байт шеър тушириб қолдирилган—Ш.Ш.) билмасман, бу кажрав фалакка на гуноҳ қилмишманким, мени мундоқ худраъй ва ҳарзадирой ва ножинс аблаҳнинг суҳбати домига гирифтор қилмишдир».

Қитъа:

Уйла деворға киши боқмас,  
Ким анинг суратин нигор қилур.

Гар анинг жойи бўлса жаннатда,  
Узгалар дўзах ихтиёр қилур.

Бу масални не учун келтирдим, то билгайсанким доноға нодондин на чоғлиқ нафрат бўлса, нодонға донодин ул миқдор ваҳшатдур.

Қитъа:

Риндлар мажлисида бир зоҳид,  
Ултириб қилди танглик изҳор.

Деди бир кимса «турш ўлтурма,  
Биз доғи сендин ўтамиз безор»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 899 рақами билан сақланаётган қўлёзманинг 123 ва 124-варақларида.



Ҳикоя охиридаги яна тўрт йўл шеър ҳам тушириб қолдирилган.

Биз мисол учун айнан кўчирган бу ҳикоядан кўриниб турибдики, бу аввало «Гулистон»нинг ўзбекча таржималари орасидаги энг яхши таржима бўлишига қарамай анча қисқартирилган ва, иккинчидан, у ҳам революциягача бизда мавжуд бўлган, халқ тилидан анча узоқ «адабий» тил билан таржима қилинган. Бу эса форс-тожик адабиётининг бу улуг ёдгорлигини ҳозирги ўзбек тилига таржима ва нашр этишни тақозо қилади.

Саъдий асарлари, айниқса, унинг «Гулистон»и ва «Бўстон»и Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, бутун Урта Осиё ва, шу жумладан, ўзбек мактабларида дарслик бўлиб келган.

Совет даврида ҳам унинг асари барча совет халқлари тилларига таржима қилинмоқда, 1960 йилда «Бўстон»дан парчалар ўзбек тилида босилиб чиққан эди. 1958 йили «Бўстон» ва 1962 йилда «Гулистон» озарбайжончага нашр этилди. «Гулистон» 1948 йилда А. Челидзе таржимасида грузин тилида нашр этилган ва ҳоказолар.

Буюк санъаткор ўзининг ҳикоя ва шеърларида юзакни йилтироқликдан, тумтароқли жумлалардан, ақл бо-вар қилмайдиган метафоралардан қочиб, оддий, аммо мантиқан кучли ва табиий ўхшатишлар, ҳаммага тушунарли истиора ва мажозлар, ҳаётда тез-тез учраб турадиган воқеалар асосида тузилган параллелизмлар ёрдами билан халқчил иборалар ярата олганлиги учун ҳам унинг:

Угут беғараз бўлсаю бериё,  
Бўлур аччиқ, аммо маразга даво.

Йўлиқса кимнинг кўзига душман,  
Ўлдирмас экан — ўзига душман!

Улуғлик бўлса лозим айла эҳсон,  
Надин унсин экин, гар сочмасанг дои.

Бечора пишакка битса қанот,  
Қолмас эди чумчуқ тухмидин от.  
Ҳўкиз шохи ул эшакда бўлса,  
Соғ қолмас эди ҳеч одамизод.

Гарчи хўроз чобук қилур жанг,  
Лочин олдида уролмагай чанг.  
Мушук шердир сичқон овида,  
Лек сичқондир, дуч келса паланг.

Устод суҳбати — жон озиғидир,—

каби юзлаб ҳикматли мисралари Эрон ва тожик халқлари орасида мақолларга айланиб кетган. Булар халқ тили хазинасида самарали фойдаланилган ва уни бойитган ганжиналардир.

Бу жиҳатдан умуман бутун Шарқда Саъдий номи жуда кўп тилга олинди туради. Шоирлар, файласуфлар ва олимларгина эмас, оддий халқ намояндалари ҳам ўз фикрларининг тўғрилигини исботлаш учун бу сўз устодининг ажойиб асарларидан далил келтирадилар. Доно шоирнинг пурҳикмат жумлалари саккиз асрдан бери мажлисларга, кишилар нутқига оро бериб, кишилар оқиғига таъсир кўрсатиб келмоқда.

Саъдий сўзларининг кучи ҳали ҳам сўнган эмас. У ўзининг энг яхши асарлари билан инсоний олижаноб хислатларни тарбиялашда бизнинг кунимизда ҳам иштирок этиб келмоқда.

Саъдий асарларининг кўпи дидактик, ахлоқий панднасиҳат. Ҳозирги замонда бу насиҳатлар билан бир иш қилиб бўладими, дегувчилар ҳам бўлар, албатта. Бироқ шуни унутмаслик керакки, Белинский, Крилов масалларининг болалар тарбиясига аҳамияти тўғрисида сўзлаб: «Улардан (масаллардан — Ш. Ш.) болалар онгсиз ва бевосита рус руҳини шимирадилар, рус тилини ўрганадилар ва уларга бирдан-бир тушунарли шеър орқали гўзал таассуротларга бойийдилар»<sup>1</sup>, деган эди.

Буюк танқидчининг бу сўзларини асарлари неча асрдан бери мактабларда дарслик бўлиб келаётган Саъдийга тўла татбиқ қилиш мумкин.

Аmmo бу Саъдий асарларининг бир томони, холос. Унинг асарлари болалар учун муаллим бўлса, катталар учун мураббий ва ўткир қуролдир.

Саъдий асарларининг кучи яқинда Эронда бўлиб ўтган бир воқеада ҳам жуда яққол сезилади.

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. О классиках русской литературы. Детгиз, М., 1950, стр. 33.

Бу воқеа — Эрон халқ партияси (Хизбе тўдаси)нинг Марказий Комитети аъзоси, Эрон халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун қўрқмас курашчи Хисрав Рўзбеҳ устидан уюштирилган ҳарбий суд процесси эди. Бутун умрини ўз халқининг бахт-саодати учун курашга сарф қилган ва бу йўлда жонини ҳам аямай қурбон бўлган жанговар революционер Хисрав Рўзбеҳ реакцион судга қарши, ҳозирги замон империализмига қарши кучли айбномага айланиб кетган бир неча соатлик нутқида Саъдий шеърларини жуда кўп марта тилга олади ва уларнинг маъниқ, мазмуни ва таъсир кучидан фойдаланади.

Мана биргина мисол:

Хисрав, кўп китоблар авторни, физик, олим ва офицер бўлган; у етарли бойлик ва мансаб эгаси бўлганлигини, яхши ҳаёт кечиришга қодир бўлганлигини, аммо халқнинг азобу уқубатини, миллионларнинг ишсиз, оч, яланғоч эканлиги уни кураш йўлига бошлаганлигини айтиб келадиганда, «Мени буюк бир бўрон ўраб олди,— дейди у. — Мен жамиятга майда ишлар билан хизмат қилиш ҳақидаги фикрдан қайтдим ва бутун кучимни вазиятни тубдан ўзгартириш, миллионларча ватандошларимни фалокатдан қутқариш йўлида сарф этишга қарор бердим. Мен ўз эътиқодимга содиқман. У яхши ўйланган ва соф. Мен самимий ниятлар билан шахсий манфаатлардан кечиб, ўлимдан тап тортмай ўзимни халқ хизматиغا бағишладим. Халққа хизмат қиламиз деганлар орасида ярим йўлдан қочиб кетганлар ҳам бўлди. Аммо ярим йўлдан қочиш ҳақиқий инсон иши эмас.

Саъдий «Шам билан Парвона» айтишувида буни жуда яхши фойдалаган:

Эй баҳодир, бу муҳаббат ёғдирур юз минг бало,  
Кўрмадим-ку сенда асло, сабру тоқат мутлақо.  
Сен қанотнинг куйдириб, воз кечасен ишқдан шул он,  
Ўт ичинда ёнамен сидқим бу йўлда раҳнамо.  
Куйса бир бора қанотнинг, рад этурсен ишқини,  
Мен эсам ишқ ўтида бўлғум ҳалок, жоним фидо.  
Эрсанг ошиқ, можародан қўрқмагил бу йўлда ҳеч,  
Илгарин бос, кўзга илмай зуамни Саъдийнамо.  
Жонидан гар кечмаса, топгайму мақсуди гулни,  
Майлига ёғилса ўқ, тош, майли беҳаддир жафо.

Дилда ваҳминг бўлса ўзни ташлама дарёга ҳеч,  
Ташланибдурсең тўфонга, дилни топшир аввало!

Мени халқ партияси сафига киришга рағбатлантирган айрим сабаблар мана шулардан иборат»<sup>1</sup>.

Рўзбеҳ бир неча соатлик ҳимоя нутқини ҳам, суддаги охирги сўзини ҳам Саъдийдан келтирилган цитаталар билан тугатади.

Мана, унинг ҳимоя нутқининг охири:

«Энди менинг нутқим ниҳоятига етганда Саъдий «Гулистон»идан бир неча калима келтиришга рухсат этгайсиз:

«Бир аблаҳни кўрдим, устида қимматбаҳо тўни, остида арабий оти, бошида мисрий салла. Бир кимса деди: — Саъдий, бу хом калла ҳайвон устидаги парчаю шоҳи кийимга нима дейсан?

— Бу бир хунук хат, зар билан ёзилган фақат,— дедим.

Яхши хулқ минг шаҳи либосдин авло,  
Одамга ўшамас бу ҳайвон асло.  
Магарким демасанг тўну салласин,  
Синаб кўр борлигин—тан, қалб, калласин,  
Ҳеч бир ҳалоли йўқ, қонидан ўзга».

Кўряпсизми, Саъдий ундай кишиларнинг ҳамма бойлигини ҳаром ҳисоблаган, аммо ундайлар қонини тўкишни ҳалол ҳисоблаган. Бу коммунистлар ҳикмати эмас, Хисрав Рўзбеҳ нутқи ҳам эмас, балки Саъдийнинг қимматли сўзларидир»<sup>2</sup>.

Рўзбеҳ ўлимини мардонавар кугиб олди, умрининг охирги дақиқасигача халқ жангчиларига хос мустаҳкам ирода билан турди.

Бу ажойиб бир воқеа — Эрон халқининг миллий қаҳрамони, мард инқилобчи ёнида Эроннинг энг буюк шоири Саъдий туради, асрлар оша унинг билан бир сафда туриб, халқ манфаатини ҳимоя қилади.

Ҳа, Саъдий бизнинг сафда туриб олижаноб инсоний хислатлар учун, инсон сўзининг қиймати учун, тинчлик

<sup>1</sup> «Сердце врученное бурям» (Хосров Рузбех перед военным трибуналом Ирана). Изд. Иностр. лит., М., 1958, стр. 49—50.

<sup>2</sup> Уша китоб, 172-бет.

ва фаровонлик учун, одамлар орасида дўстлик учун курашмоқда.

Саъдийнинг буюклиги, ижодининг ўлмаслиги ҳам мана шундан.

У халққа хизмат қилишни худога қиллинган ибодатдан ҳам устунроқ қўядиким, Саъдий замонда бундан юқорироқ баҳонинг бўлиши мумкин эмаслиги ҳаммага равшан:

Ибодат ўзи халққа хизмат қилиш,  
На тасбеҳда, на жойнамозда бу иш.

Шунинг учун ҳам Саъдийнинг ёрқин образи ажойиб инсонпарвар киши ва доно мураббий сифатида, ўз даври учун прогрессив олим сифатида кишилар қалбидан жой олган.

Шунинг учун ҳам 1958 йилда бутун жаҳон Тинчлик Советининг қарорига биноан ўтказилган юбилей — Саъдий «Гулистон»нинг 700 йиллиги башариятнинг маданий байрамларидан бири бўлиб ўтди.

Унинг ижоди ўз даврининг қомуси бўлиши билан бирга, тарих суди олдида кишилик жамиятини, айниқса Шарқ халқларининг тараққиётига путур етказган, уларни ўрта асрчиликдан чиқиб олишига тўсқинлик қилаётган кучларга қарши айбнома ҳамдир.

Унинг ижодида инсонга инсонлик қадр-қийматини қайтариб беришга бўлган эҳтиросли интилиш жуда кучли. Шунинг учун ҳам улуг гуманист шоир ижодининг асосий мотиви одамлар орасидаги низоларни тугатишга, уларни бир онлада иноқ бўлиб яшашга, яхшиликка чақириб десак бўлади.

У энг яхши мисраларида тенглик ва биродарлик ғояларини илгарин суради.

«Одам одамга бўри» бўлиб, кучлилар ўз маишатини ўйлаган, мазлумлар нажот излаган, худписандлик, шахсиятпарастлик авжга минган, ота-бола, ака-ука тахту тож учун, молу жоҳ учун бир-бирининг қонини тўкишдан ҳазар қилмаган бир пайтда, шоир:

Ҳеч гули мақсуд дар ин бўстон,  
Чида ношуд би мадади дустон.

(Бу бўстонда дўстлар этмаса кўмак,  
Мушкул эрур мақсуд гулни термак),—

деб дўстлик, биродарликка чақирди.

Гуманист шоирнинг бу ғоялари бизнинг кунларимизда Ғарб буржуа ёзувчилари ва адабиётчилари «шахс озодлиги» ниқоби остида адабиётдай одамда паст хислатларни, худбинлик, шахсиятпарастлик, ўз маншати йўлида бошқалар манфаатини қурбон қилиш, умуман, бошқаларни назар-писанд қилмаслик каби энг паст ҳайвоний хирсларни тарбиялаш йўлида фойдаланаётган пайтда, яъни бир сўз билан айтганда, адабиётдан инсонпарварликни қувиб чиқариб ташлашга уринаётган пайтда Саъдий ижодидаги бу олижаноб хислатлар жуда катта аҳамият касб этади ва инсонпарварлик ҳақиқий адабиётнинг қадимий хислати эканлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Шоир бир шеърида қуйидаги саволни қўйган эди:

Ширин суҳан эди Саъдийнинг сармоysi,  
Ундан шу қолди, билмам унга не келур?

Улуғ гуманист шоирнинг бу саволига биз:

— Халқлар ҳурмати, авлодлар раҳмати келди, безаволлик ва абадийлик келди,— деб жавоб бера оламиз.



# АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

## ПОКЛИК ШАМИ

Шоир ўзининг «Рашҳи бол ба шарҳи ҳол («Шарҳи ҳолдан бол томчиси») номли автобиографик қасида-сида:

Ба соли ҳаштсаду ҳафтдаҳ зи ҳижрати набавий  
Ки зад зи Макка ба Ясриб сародиқоти жалол,

Зи авжи қуллан парвозгоҳи иззу қидам,  
Бадии ҳазини ҳувон суе кордаам пару бол<sup>1</sup>.

Пайгамбар улуглик чодирин Маккадан Ясриб  
(Мадинага) кўчириб,

Ҳижрат қилгандан сўнг, саккиз юз ўн еттинчи йили,  
Мен иззат ва қадимийлик парвози авжидан  
Қанотларимни бўшаштириб, бу

тубанликнинг энг паст нуқтасига тушдим).—

дейди.

Демак, Жомийнинг ўзи аниқ кўрсатишича, у 1414 йил 7 ноябрда дунёга келади.

Бу даврда Ҳирот ва, умуман, Хуросон, Эрон ва Ўрта Осиё ерлари катта-катта сиёсий ва маданий воқеаларни бошидан ўтказмоқда эди.

Темур вафот этгандан кейин, унинг кучига таяниб турган империяси ҳар чеккадан емирила бошлади. Унинг йприк феодал давлатида хонларнинг катта ғалаёнлари, тахт учун қонли талашлар бошланиб кетди.

Тўрт йиллик жангу жадаллардан кейин, Шоҳруҳ

<sup>1</sup> Бу ва бундан кейин бериладиган барча тожикча шеърларни ўзбек китобхонларига ўқиш осон бўлсин учун ўзбек алфавити воситасида беришни маъқул топдик.

мирзонинг шижоатли кураши натижасида бу талашлар бир оз босилди. У Хуросон, қисман Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерлари идорасини ўз қўлига олиб, пойтахти Ҳирот шаҳрини безатишга, унинг иқтисодий, сий ва маданий мавқени кўтаришга киришди. Меъморчилик, санъат, адабиёт жонланишга юз тутди, Ҳирот Самарқанд билан рақобат қила бошлади.

Самарқандда эса Мовароуннаҳр ҳокими Мирзо Улуғбек (1394—1449) бошчилигида табиий фанлар — математика, физика, астрономия тараққий этди.

Улуғбек ўша даврда дунёда энг катта астрономия иншоотларидан бири — Самарқанд расадхонасини қурди. Ўз даврининг энг илғор илмий текшириш асбоблари билан қуролланган олимлар «Зичи Кўрагоний» — Юлдузлар жадвалини тузди.

Улуғбек раҳбарлигида иш кўраётган олимлар — Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи каби олимлар дунё тузилиши ҳақидаги гелиоцентрик назарияни очишга яқинлашиб қолгандилар. Улар дунёмизнинг марказида қуёш туриши ҳам мумкинлигини тахмин қилишгача олиб келадиган фактик материалларни тайёрлаб қўйган эдилар. Алишер Навоий Улуғбекка баҳо бериб:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Анинг абнойи жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.

Валек ул, илм сори топти чун даст,  
Кўзи олинда бўлди осмон паст.

Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».

Қиёматга декинча аҳли айём,  
Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком<sup>1</sup>, —

деганди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. Тошкент. Ўзакаднашр. 1960, 330—331-бетлар. Бундан кейин келтириладиган парчалар ҳам «Ҳамса»нинг ана шу нашридан олинади, шунинг учун, тўғридан-тўғри: Навоий, Ҳамса, деб кўрсатиб кетаверамиз.

Бу даврда Самарқанднинг мавқеи жуда баланд эди, албатта. Аммо Ҳирот айни даврда ҳам сиёсий, ҳам илмий, ҳам адабий жиҳатдан Самарқанд билан рақобат қила бошлаган эди.

Шоҳруҳ тахтга ўтириши биланоқ, шаҳарни қайта қуриш ва безатишга киришадди, унинг даврида шаҳарни бошдан-оёқ бурчакдан-бурчакка кесиб ўтган икки қатор бозор расталари вужудга келтирилади. Шаҳар ўртасида — бу расталар кесишган жойда ниҳоятда гавжум чорсу пайдо бўлади.

Бундан ташқари, шаҳарда кўркам бинолар, мадраса, хонақолар қурилади. Шаҳарнинг теварак-атрофи оромбахш боғлар билан ўралади. Уша давр китобларида биз «Боғи зағон», «Боғи сафед», «Боғи жаҳоноро» номларини тез-тез учратиб турамыз. Кейинчалик Алишер Навоийнинг боғи ва унинг шаҳарда қурган «Ихлосия» мадрасаси ҳам жуда машҳур бўлган. Тарихдан Алишер Навоийнинг шахсан ўзи шаҳарнинг турли жойларида қирқдан ортиқ мадраса, хонақа ва бошқа жамоат бинолари қурдирганлиги маълум.

Бу ишлар, албатта, илм-фаннинг тараққий этишини тақозо қилар эди. Даврнинг машҳур олимлари — илм-маърифат ва маданият арбоблари бу шаҳарга тўплана бошладилар.

Шоҳруҳ мирзонинг ўзи ҳам маданиятли, адабиётдан анча хабардор киши бўлган.

Унинг ўғли Бойсунғур Ҳиротда катта кутубхона ташкил қилади. Бу кутубхонада илмий ишлар ҳам олиб борилади. У ерга хаттотлар, заҳҳоблар<sup>1</sup>, наққошлар, саҳҳофлар<sup>2</sup> тўпланиб, қадимий китобларни кўчириш ва безаш билан машғул бўладилар.

Бу кутубхонада шундай ишлар олиб борилганки, уларга баҳо бера туриб баъзи тадқиқотчилар уни ҳатто «Бойсунғур академияси» деб ҳам юритадилар. Бу кутубхонада улуғ Фирдавсий «Шоҳнома»сини бир ерга жамлаб кўчириб чиққан эдилар. Бу — «Шоҳнома» текстининг кейинги беш юз йил ичида анча тўла ва тўғри сақланиб қолишига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

«Шоҳнома»нинг XV асрдан кейинги ҳамма нашрларига шу нухса ёки ундан қайта кўчирилган нусхалар асос

<sup>1</sup> Заҳҳоб — китобни махсус эритилган олтин билан безатиш.

<sup>2</sup> Саҳҳоф — муқовасоз.

бўлиб келди. Аммо уни ҳақиқий илмий-танқидий текст деб бўлмасди.

Фақат бизнинг кунлардагина СССР Фанлар академияси томонидан «Шоҳнома»нинг чинакам илмий-танқидий тексти тайёрланиб нашр этила бошланди<sup>1</sup>.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммасини Бойсунғур отаси Шоҳруҳнинг ижозати, балки кўрсатмаси билан қиларди. Қутубхонада тайёрланган китобларнинг биринчи бетига Шоҳруҳнинг китоб белгиси қўйилар эди.

Шоҳруҳ шахсан шоир бўлмаса ҳам, адабиётни севганлиги ҳақида Алишер Навоий ўзининг ўша давр адабиётини ўрганишда жуда қимматли китоб — «Мажолисун нафоис» номли тазкирасида қуйидаги маълумотларни беради:

«Хоқони саид Шоҳруҳ мирзоким, авлод ва аждод орасида соҳибқирон атосининг қоим мақоми бўлди ҳам назмға машғуллуқ қилмас эрди, аммо хўб байт ва яхши сўзлар кўп ул ҳазратдин ҳам воқе бўлур эрди. Муни ҳам бир нақл билан ихтисор<sup>2</sup> қилинур. Бу фақир, ҳақир Бобир султон (тоба сароҳу)нинг муборак тилидин мундоқ эшитдимким, бир мажлисда акобир сори боқиб, Шоҳруҳ мирзодин нақл қилдиларким, устод Қавомиддин меъморға бир иморат жиҳатидан эътироз қилиб, бир йил мулозаматдин маҳрум айгондур. Йил бошида тақвим<sup>3</sup> истихрож<sup>4</sup> қилиб, бу васила билан шояд мирзонинг муборак дийдорини кўра олғаймен деб, эшикка келиб, судурни<sup>5</sup> восита қилиб, они судур кўргузиб, тақвимин арз қилибдурлар.

Мирзо табассум қилиб, бу байтни ўқибдурларким:

Ту кори замиро нау сохти,  
Ки бо осмон низ пардохти»<sup>6</sup>.

(Сен ер ишларини қойил қилиб,  
Энди осмон ишларига ҳам киришибсан.)

<sup>1</sup> Фирдоуси. Шах-намэ, критический текст, т. I, М., 1960; То же, т. 2, М., 1962.

<sup>2</sup> Ихтисор — қисқалик. Бу ўринда қисқача айтмоқ маъносида.

<sup>3</sup> Тақвим — календарь, осмондаги сайёралар ҳаракатига асосланиб тузилган календарь китобчаси.

<sup>4</sup> Истихрож — чиқариш, бу ерда тузиш маъносида.

<sup>5</sup> Судур — диний маросимларни текширувчи мансабдор.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Мажолисун нафоис, илмий-танқидий текст. Ўзакаднашр, Тошкент, 1961, 196—197-бетлар. Бундан сўнг: Навоий, Мажолис, деб кўрсатамиз.

Бойсунгур мирзони эса Навоий яхши шеърлар айтган, шоир табнат ва шеърдўст киши сифатида таърифлайди<sup>1</sup>.

Бу даврда Ҳиротга олимлар, адиблар, тарихчилар ҳам тўпланади. Булар орасида қуйидаги олимларни мисолга келтириб ўтиш мумкин: амир Темур тарихига бағишланган «Зафарнома» китобининг автори Шарафиддин Али Яздий (вафоти 1454 йил), тарихчи Шаҳобиддин Абдулло ибн Лутфулло Ҳофиз Абрў. Шаҳобиддин Ҳофиз Абрў Шоҳруҳнинг топшириғи билан катта жўғрофий асар ёзган бўлиб, унда ҳар бир шаҳарнинг сиёсий тарихи акс эттирилганди. 1423 йилда эса у Бойсунгурга атаб катта умумжаҳон тарихини ёзган. Ҳиротда яшаган олимлардан яна бири 1442–1444 йилларда дипломатик топшириқ билан Ҳиндистонга борган ва бу сафар ҳақида китоб ёзиб қолдирган<sup>2</sup> давлат арбоби ва тарихчи Абдураззоқ Самарқандийдир. Бу киши фан тарихида «Матлаус саъдайн ва мажмуал баҳрайн» («Икки саодатли (юлдуз)нинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши») номли тарихий асари билан машҳур.

Бу даврда Хитой билан ўзаро элчилик алоқалари бўлганлиги, бу элчиларнинг фақат савдо-сотик билангина эмас, балки саноат ва маданият билан ҳам қизиқ-қанглиги тарихдан маълум.

Масалан, 1417—1420 йиллар орасида Хитойдан Ҳиротга элчилар келадилар. Бунга жавобан 1420 йилда Ҳиротдан Хитойга элчилар юборилади. Улар орасида Ғиёсиддин наққош ҳам бўлган. У Хитойдан қайтиб келгач, Хитой маданияти, сарой ҳаёти, ундаги сураткашлик ва ҳатто почта ташкилотлари ҳақида муфассал маълумотлар ёзиб қолдирган.

Шундай қилиб, Самарқанд ва Ҳирот айни даврда Урта Осиё ва Эронда икки кучли сиёсий-иқтисодий ва илмий-маданий марказ бўлиб кўтарилаётган эди. Албатта кошникор иморатлар, чиқарилган каналлар, янги ўтказилган йўллар ва бошқа иқтисодий-маданий ишлар самарасидан хону беклар, бою амалдорлар баҳра кў-

<sup>1</sup> Навоий. Мажолис, 199-бетга қаралсин.

<sup>2</sup> Бу китобнинг илмий-танқидий тексти ва ўзбекчага таржимаси А. Уринбоев томонидан ижро этилиб нашр қилинган. А. Уринбоев. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Ўздавнашр, Тошкент, 1960.

риб, уларни барпо қилишда бутун жабру жафони меҳнаткаш халқ тортганини асло унутмаслик керак.

1447 йилда Шоҳруҳ мирзо вафот этгандан сўнг, мамлакатда низо-тортишувлар, қонли урушлар яна авж олиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, яъни 1449 йили эса ўз замонасининг улкан олимий ва катта маданият арбоби Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек ўлдирилди.

Мамлакатда жаҳолат кучайди, хонларнинг ўзаро қонли курашлари яна авжга минди. Меҳнаткаш халқнинг моддий аҳволи яна ҳам оғирлашди. Бу талашлар натижасида Темурийлар давлати бир неча майда хонликларга бўлиниб кетди.

Ниҳоят, XV асрнинг ўрталарида, асосан, икки подшо кўтарилди, булардан бири Ҳиротда ҳукмронлик қилган Абулқосим Бобир (1451—1457) ва иккинчиси Самарқандда Мавороуннаҳр ҳукмдори Абу Саид Мирзо (1452—1469) эди.

Абу Саид Мирзо динга муккасидан кетган хурофотчи мустабид подшо эди. Абулқосим Бобир эса илмдўст, адабиётчи бўлиб, ўз саройига олимлар; шоирлар, санъат арбобларини тўплаб, уларга ҳомийлик қилган.

Аммо Абулқосим Бобир тез орада вафот этиб, унинг тахту тожи ҳам Абу Саид Мирзо қўлига ўтди. У Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди.

Аммо у Темурий шаҳзодаларнинг ҳаммасини бўйин эгдиrolмади, тахт учун кураш давом этаверди.

Султон Абу Саид Мирзо 1468—1469 йилларда Озарбайжонга юриш қилади, аммо жангда енгилиб, асир тушади ва Ёдгор мирзо фармони билан қатл этилади. Темурий шаҳзодалардан султон Ҳусайн Бойқаро қулай пайтдан фойдаланиб, 1469 йил март ойида Ҳиротга босиб кириб ва Хуросон тахтини эгаллади.

Мамлакатнинг илғор намоёндалари Темурийларнинг кўп йилларга чўзилган ўзаро урушлари нақадар хавfli эканини, мамлакатни хароб, халқни қашшоқ қилаётганини тушунар эдилар. Улар, Заҳририддин Муҳаммад Бобир ёзганидек: «талантли лашкарбоши, шу-жоъ ва мардона қилич эгаси»<sup>1</sup> Ҳусайн Бойқарони қўллаб-қувватладилар. Мамлакат унинг қўли остига бирлашди ва деярли ярим асрга яқин (40 йил) ўлкада нисбатан осойишталик ўрнатилди.

<sup>1</sup> Б о б и р. Бобирнома. Ўзакаднашр, Тошкент, 1960, 222-бет.



Бу даврда ерлар аслзодалар, хонлар, беклар, қаби-  
ла бошлиқлари, шоҳ вазирлари, ноиблари, аскарбоши-  
лар, шайхлар, садрлар, руҳонийлар қўлида тўпланган  
бўлиб, деҳқонлар ерсиз эди. Деҳқонлар давлат ерлари-  
да ёки руҳонийларга қарашли вақф ерларида ишлаб,  
беаёв эксплуатация сиртмоғида жафо тортишга, турли  
солиқ-йиғимлар тўплашга, фсодал ерларида ишловчи  
деҳқонлар эса «бегор» — ҳашар ўташга мажбур эдилар.

Бундай оғир аҳволга бардош қилолмай қўзғалган  
деҳқонлар ёвузларча жазоланар, зиндонга ташланар,  
дорга осилар ёки кўзига мил чекиш, қобирғаларини  
синдириш, арра билан арралаб икки нимта қилиш каби  
мудҳиш жазоларга дучор этилар эди.

Мана шундай мушкул тирикчилик туфайли халқ  
орасида таркидунёчилик, мистика авж олган эди. Ру-  
ҳоний шахслар: «бу дунёда азоб чексанг, у дунёда ро-  
ҳат кўрасан», — деб халқни уқубатли ҳаётга кўнникишга  
даъват этардилару, ўзлари эса мол-дунё йиғиш йўлида  
ҳар қандай разилликдан ҳам тоймасдилар.

Масалаи, нақшбандиянинг энг йирик шайхларидан  
бири — ўша замондагина эмас, умуман, Урта Осиё та-  
рихида ўтган қора гуруҳлар орасида тенги кам топил-  
диган реакцион шайх Хўжа Аҳрор жуда катта ер эгаси  
бўлган. Унинг ерлари ва мол-мулки шундай беҳисоб  
бўлганки, буни халқ шоир Машраб номига тўқилган  
бир латифада жуда яхши ифодаб берган:

Кунлардан бирида Машраб сафарга отланиб, эшакда  
бир неча кун йўл босибди, йўлда учраган ҳар бир киши-  
дан: «Бу кимнинг ери?» — деб сўраб кетавсрибди.

— Хўжа Аҳрор валииники, — деб ҳаммадан жавоб  
олаверибди.

Ҳар қадамда учраган қўй, йилқи ва қорамол пода-  
ларини кимники деб савол қилса, биргина жавоб олибди:

— Хўжа Аҳрорники.

Шунда Машраб ўзи миниб кетаётган эшагининг ҳам  
ўзиникилигидан гумонсираб, устидан тушибди-да:

— Бор, сен ҳам Хўжа Аҳрорники экансан, — деб  
ҳайдаб юборибди.

Биз баён этаётган замон зиддиятларга ниҳоятда бой  
бўлган: хонлар, бир томондан, илм-маърифатни ўсти-  
ришга эътибор бериб, маданиятга ҳомийлик қилганлар,  
иккинчи томондан эса, халқни қаттиқ эзганлар; озгина  
бўлса-да ўзига рўшнолик талаб этган оддий меҳнаткаш-

ларни ваҳшийларча қириб ташлашдан тоймаганлар, ар-зумаган бир айб учун, ноўрни айтилган биргина сўз учун ҳам фозил кишилар калласини танидан жудо қилишга тайёр турганлар.

Абдураҳмон Жомий тахт учун узлуксиз қоли таламлар олиб борилган, мамлакат тез-тез хонавайрон бўлиб турган, халқ бошига хилма-хил кулфат-балолар ёғилиб, огир солиқ-йиғимлардан силласи қуриб, тобора мадордан қолаётган бир даврда яшаб, дамодам содир бўлаётган разилликларнинг бевосита шоҳиди бўлган, улар устида мулоҳаза юритиб улғайган.

Замондошлари Абдураҳмон Жомийнинг жуда ёшли-гиданоқ зийрак ва тийрак, тез фаҳм бола бўлганлиги ҳақида ҳикоя қиладилар. Масалан, Алишер Навоий унинг болалиги ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Алар яъни Жомий — Ш. Ш.) кичик ёшлиг эканда ҳам алардин муфрит фаҳм ва таъб осори зоҳир бўлур эрмиш. Ул жумладин бўлурким, орифи комил ва муршиди мукамал мавлоно Фахриддин Луристонийки, ўз замонининг яғонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари яқдонаси экандур — Жом вилоятда аларнинг оталари уйига тушгандур, алар тўрт ё беш ёшларида, эмди мактабга борур вақтлари эрмиш, ҳазрати мавлоно аларни ўз қошларида ултуртиб, бармоқ ишораси била ҳавога машҳур отларни: «Умар», ё «Али» дек битир эрмиш ва алар тааммул билан ўқир эрмишлар ва ҳазрати мавлоно аларнинг туфулиятда у нав зеҳн ва закосидин мутаба-сим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар»<sup>1</sup>.

Бу ҳикоя Жомийнинг жуда ёш болалигидаёқ хат ўқишни ўрганиб олганлигидан ва унинг зеҳни ниҳоятда ўткирлигидан хабар беради.

А. Навоий яна бундай ҳикоялар кўплигини, аммо вақтни олмаслик учун бошқаларини келтиришдан ўзини тийганлигини айтади.

Абдураҳмон мактабга жуда эрта қатнай бошлагач, у Ҳиротнинг Дилкаш мадрасасида илм таҳсил қилиб, у ерда араб тили грамматикаси ва араб тилида ёзилган аруз, қофия илмларига доир рисоаларни ўрганади. Кейин бадийёт илми ҳақидаги китобларни шарҳу низоҳлари билан ўрганишга киришади.

Бу даврда Жомийнинг устодлари унинг истеъдодига

<sup>1</sup> А. Навоий. Хамсатул мутаҳаййирини. «Ўзбек адабиёти». 2-том, Тошкент, 1959, 548-бет.

жуда юқори баҳо бериб ҳамма нарсани дарров билиб олишлигини, чуқур ва позик фикрлар унга жуда тез бориб етишлигини қайд қиладилар.

У ўз билимини такомиллаштириш учун Самарқандга жўнайди.

Жомий Самарқандга келиб, Мирзо Улугбекнинг сафдошларидан бири — ўз замонасининг машҳур олими Қозизода Румий дарсларини эшитишга муяссар бўлади.

Самарқанддаги ўқиш даври ҳам жуда катта муваффақият билан ўтади.

Хиротга қайтиб келгач, машҳур олим Али Қушчиغا имтиҳон тоширади. Олимнинг математика ва алгебрадан қандай савол учун оғиз очмасин, Абдурахмондан дарров қисқа ва аниқ жавоб олганлиги ҳақидаги маълумотлари сақланиб қолган.

Хуллас, Жомий ўз замонасининг кенг маълумотли олим кишиларидан бўлиб етишади. У араб тили, араб грамматикаси, синтаксиси, бадийёт илми, мусиқи, математика, фалакиёт — астрономия, фалсафа, фикҳ, дин асослари, ҳадис, қуръон ўқиш ва шарҳлаш каби ўша замонда ўргангиладиган фанларнинг ҳаммасидан ҳам яхши маълумот олади.

XV асрнинг кўпчиликлари улкан тарихчи, адабиётчи ва бoshқа олимлари қомусий билим эгаси Жомий номини ҳурмат билан тилга оладилар ва уни: «ўз асрининг тенги йўқ ягонаси», — дейдилар.

Буни ўрта асрнинг асар тазкиранавислари ҳам эътироф этиб кетганлар, кейинги йилларда эса европалик гадқиқогчилар ҳам тасдиқ эта бошладилар.

Масалан, Эрон адабиёти тарихидан тўрт жилдли катта асар ёзган инглиз олими Эдуард Броун Жомийга баҳо берар экан: «Жомий шеъринг бобидагина эмас, балки тадқиқот жабҳасида ва илму фазилатда ҳам мутлақо жўшқин истеъдод ва кенг билим эгаси» бўлганлигини<sup>1</sup> қайд қилади.

Совет шарқшунос олими, Жомий ҳақидаги биринчи айрим илмий монографик асар авторин профессор Е. Э. Бертельс Жомийнинг турли адабий ва илмий мунозараларида ўз рақиблари устидангина эмас, ҳатто ўз

---

<sup>1</sup>E. Brown, A History of Persian Literature Under Tartar Dominion (A. D. 1365 — 1502), Cambridge, 1920, 548-бет.

устодлари устидан ҳам енгилгина, ҳеч қийналмай галаба қозониб келганлигини, бу ажойиб олим: «XV асрда Те-мурийлар давлатида маданий ва адабий ҳаётнинг гуллаб-яшнашига ўз асарлари билан кўп ёрдам берганлигини»<sup>1</sup>, — қайд қилади.

Даврнинг донишманди Алишер Навоий бўлса Жомийни: «Қамолот чўққисининг нузли қуёши»<sup>2</sup> деб атайди.

Билим доираси бундай кенг одам давлат хизматида катта муваффақиятларга эришиб, баланд мартабаларга ноил бўлиши мумкин эди.

Абдурахмон Жомий давлат идораларидан бирига ишга кирмоқчи бўлиб боради. Аммо уни қабул қилиши лозим бўлган амалдор эшигида узоқ кутиб, унинг олдига киролмай қайтиб кетади.

Жомий эса буни инсоний қадр-қимматни қаттиқ камситиш ва, ҳатто ҳақоратлаш деб билади.

Маълумки, ўрта аср мактабларида муллаваччалар устодларининг уйига бориб, ҳар хил уй ишларига ёрдам бериши, айниқса, баҳор ва куз фаслларида ток кўтариш ёки кўмиш, том сувоқ каби ишларга ҳашар қилиши одат тусига кириб кетган эди. Бундан ташқари, ҳар бир устодни унинг талабалари уйидан бориб мадрасага олиб келар, мадрасадан эса уйигача кузатиб қўяр эдилар. Кўпинча, устод отлиқ, уни кузатувчи шогирдлар пиёда юриб атрофини ўраб боришар эди. Устоднинг катта-кичиклиги, обрўси, билимдонлик даражаси талабларининг кўп-озлигига қараб белгиланар эди.

Жомий бундай одатларни инсон шахсиятига, иззат-нафсига тегиш, унинг қадр-қимматини ерга уриш деб тушунади. Ёшлигида ҳам бундай маросимларга қатнашмаганлигини таъкидлаб, шоирнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

«Биз ёшлик кунларимизда ҳеч қандай баҳона-сабаб билан ҳам ўзимизни ерга уришга йўл қўймас эдик, чунончи... Самарқанд ва Ҳиротнинг билимли, фозил кишилари Қозизода Румий ва Хожа Али Самарқандийни кузатиб, алар узангиси остида пиёда йўлга тушганларида биз ҳеч қачон аларга қўшилмас ва алар билан бормас эдик...

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Джами. Таджикгосиздат, 1949, стр. 17.

<sup>2</sup> А. Навоий. Танланган асарлар. 3-том, Муҳокаматул лугатайн. Тошкент, 1948. 200-бет.

Биз ҳеч қачон талабалар орасида қабул этилган одатга кўра, муаллимларимиз уй хизматини адо этишга майл кўрсатмас, бу ишимиздан анча кўнгилисизликлар содир бўлишига қарамай, бир бора қабул қилган қонда-миздан чекинмас эдик».

Шунинг учун ҳам юқорида гапирганимиз бюрократлик Жомий қалбида давлат идораларига нисбатан бир умрга сақланган чуқур нафрат тугдирди.

Қабулхонада кўтиб ўтирган Жомий феодал давлат идорасида авж олган лаганбардорлик, порохўрлик ва бошқа жирканч одатларни мушоҳада қилиб, иккинчи бу даргоҳга қадам босмасликка қарор қилган бўлса ҳам эҳтимол.

Ҳар ҳолда шонр иккинчи бора амалдорлик ишини орзу қилмайди, ҳар қандай таклифлардан бош тортади ва бутун умрини адабий ҳамда илмий ишга бағишлайди.

Ҳатто, Абдуллатиф мирзо уни саройга таклиф этганида ҳам, бу таклифни рад қилади.

Абдураҳмон Жомий пирга қўл бериб, сўфийлар сулукига киришга қарор қилади ва шайх Саъиддин Қашқарийга мурид бўлиб, нақшбандия жамоасига киради.

Аммо тасаввуфда Жомийни қизиқтирган нарса тасаввуфни шайхлардек қандай бўлмасин, катта бойлик орттириш ҳам ёки у дунё деб бу дунёдаги ҳамма нарсдан кечиш, мистика, таркидунёчилик ва гўшанишинлик ҳам эмас эди.

Юқорида келтирганимиз автобиографик қасидасида шонрнинг ўзи бу ҳақда:

Задам қадам ба сафи сўфиёни софи дил,  
Ки нест мақсадашон аз улум жуз аъмол.

(Соф юракли сўфийлар сафига қадам қўйдим,  
Чунки уларнинг илмдан бошқа мақсадлари йўқ).—

дейди.

Бундан кўриниб турибдики, Жомий сўфийларни илмга интилган, соф қалбли кишилар деб таърифлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Жомий мана шундай сўфийлар сафига интилган эди.

Уни қизиқтирган нарса илк тасаввуф ғоялари — илк даврда, шу жумладан, нақшбандия жамоасининг ҳам илк даврида феодаллар зулмига қарши кўтарилган ғоялар эди.

Нақшбандия жамоасининг асосчиси Баҳовуддин Муҳаммад Нақшбанд фақат ўз меҳнати билан топилган нарса ҳалол, деган фикрини доим илгари сурган, ўзи ҳам бир парча ерига дон экиб тирикчилик қилган. У шахсан ўзи жуда фақирона умр кечирган ва фақирликни сўфийлар жамоаси аъзоларининг асосий шартларидан бири қилиб қўйган. Аммо бу фақирлик тиланчилик бўлиши керак эмас. Сўфий бошқалар ҳисобига эмас, ўз қўл кучи билан кун кўриши керак.

Ундан ташқари, Баҳовуддин кишилардан қочини, хилватга яширинишга чақирувчи мистик ғояларни ҳам қоралайди. «Киши зоҳирда одамлар билан, ботинда (ичдан) эса худо билан бўлиши керак», — дейди. Демак, унингча одам кишилик жамиятидан ажралмаслиги керак.

Фақат одам бошқаларнинг хатоларини ҳам яхшилик сифатида тушуна олиши керак. Ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб бериши кераклигини уқтирган Нақшбанд:

Яхшиларни яхши кўрар дунёдаги ҳар киши,  
Ёмонларни яхши кўрмоқ фақат ғолиблар иши,—

дейди.

Жомий ўз пири Саъдиддин Қашқарийнинг қўл остида бу фикрларни ўзлаштириш билан бирга, уларга ғоявий асос қидиришга интилади. Чунки бу даврда тасаввуф фалсафаси ҳаётидан қочишга, гўшанишинлик, таркидунёчиликка чақирар эди. Жомий эса халқ аҳволини яхшилаш, барчани баробар қилиш, нима учун бир томонда очлик, қашшоқлик, иккинчи томонда исрофгарчилик, дабдабали ҳашамат мавжудлигини тушуниш ва йўқотиш йўллариини излайди. Бутун умр шу ғояларга содиқ қолади.

Ўзи йирик тасаввуф шайхи бўла туриб, мутаассиб уламолар, шайхлар, сўфийларга қарши қаттиқ кураш олиб боради, уларнинг ўз нафси йўлида қилаётган риёю ҳийлаларини фош этади.

Бунинг сабаби, аввало, Жомийнинг меҳнаткаш халқ аҳволидан яхши хабардорлиги, халқ ғояларининг унга кучли таъсири бўлса, иккинчидан, классик форс-тожик адабиётининг азамат намоёндалари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий ва бошқалар ижодидаги халқчиллик, гуманизм таъсири эди.

Бундан ташқари, Абу Али ибн Сино ва Хайём фалсафасига манфий муносабатда бўлган Жомий ижодининг



прогрессив тарафларини ривожланишига унинг шогирди, дўсти ва ҳомийси улуғ Алишер Навоийнинг таъсири ҳам жуда катта бўлган.

Жомий ижодида биз халқчил ғоялар, инсон тенглиги, унинг бахти учун кураш, эзувчиларни тартибга чақириш, одил подшоҳлар образи, руҳонийларнинг, мутасаввуф шайхларнинг рёкорлигига қарши кураш, меҳнатни улуғлаш, меҳнаткашларга хайрихоҳлик, халқ аҳволига ачиниш каби ва бошқа демократик кайфиятлар ниҳко-сини, лекин, шу билан бирга, шум замонанинг қора там-ғасини ҳам кўрамиз.

Жомийнинг ўзи тасаввуф отига миниб бўлса-да, энг мустабид руҳонийларга қарши курашди. Уларнинг кир-дикорларини фож қилди.

Жомий сўфийларни: «нодон ва зарарли кишилар»,— деб атайдн. У Саъдий традициясини давом эттириб, халққа хизмат қилинмаса, ибодатдан ҳам фойда йўқ, де-ган фикрни қувватлаб, ёзади:

Адолат бирла машҳур бўлган кофир,  
Диндор золимдин юрт учун яхшидир.

У ўша давр кишилари бошига тушган балолардан яна бири — диний ва мазҳабий талашларни ҳам қоралайди. Бу даврда, айниқса, суннийлар билан шиалар орасида ихтилофлар кучайиб бораётган пайт эди.

Бу мазҳабчилик кишилар орасида қанча-қанча адо-ватга ва, ҳатто қон тўкишларга сабаб бўлмоқда эди. Бун-дай аҳволдан ғазабга келган шонр бир рубоийсида:

Эй даҳрнинг муғбачаси, бир жом май сўнгил,  
Шиа — сунний ғавғосидан айниди кўнгил.  
Ит суннию эшак шиа эмасман, юз шукр,  
— Жомий қайси мазҳабда?— деб сурштирар эл,—

дейди.

Бошқа мутасаввуф шайхлардан Жомий шу жиҳати билан ҳам жуда катта фарқ қилиб туради.

У ўз обрў-эътиборидан фойдаланиб, шоҳлар, амал-дорларга панд-насиҳат қилишга тиришади, уларни золим-ликдан қўл тортишга, элга шафқатли бўлишга чақиради:

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган,  
Қачонгача тожу муҳр қолади.

Мулку борлиқ бари кетади бир кун,  
На замон, замин, на наҳр қолади.

Қўлингдан келганча яхшилик қилгил,  
Жаҳонда сенга шул меҳр қолади.

Жомий кўп асарларини, ўша вақт анъанасига кўра, шоҳ ва султонларга бағишлайди, аммо бундан мақсади бирор мукофот илинжи ёки бойлик тамаси эмас, балки уларга насиҳат қилиш эди. Жомий халқ ва мамлакатнинг тақдири мана шу шоҳу султонлар, арконн давлат қўлида деб қаттиқ ишонган ва уларга шеър кучи билан таъсир кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди.

Шунинг учун ҳам шоир ўз шеърлари ҳақида:

Менинг девонимда шеърлар аксар,  
Ғазалидир ошиқ — дили шайдоннинг.

Ёки ҳикмат тўла насиҳатидир,  
Жаҳон кўрган олим, ақли дононинг.

Унда пастлар зикри йўқ, чунки бу иш —  
Бекорчи сарфидир умр бебаҳонинг.

Шоҳлар мадҳи унда — яхшилик иташ,  
Тамаси эмасдир нафси балонинг,—

деб ёзади. Жомий тамагир сарой шоирларининг саводсизлиги, билимсизлиги, поэзияни ўзларининг паст ва кир мақсадлари, балойи нафсларига қурбон қилганликлари ҳақида ёзиб, шулар туфайли «шоир» сўзи кишидаги энг пасткашлик аломатларини кўрсатувчи сўз бўлиб қолди, дейди:

Шундай пасткашликдан охири тамом,  
Шеър жирканч бўлди, шоирлар, бадном.

Бировни сўкмоқчи бўлсанг: «Паст-олчоқ!»  
Бир сўз билан: «Шоир!»— демак яхшироқ.

«Шоир» сўзини ўзи қисқадир, аммо  
Юз, минг хилда нуқсон аңгадир маъно!

Жомий фикрича, тама аралашган сўз ҳақиқатдан йироқ, тама қилган киши одил бўлмайди:

Алл билан тама — сув билан олов,  
Иккиси бир жойда кўрганми биров?

Узининг шундай олижаноб фикрларига умрбод содиқ қолган шоир Озарбайжон ҳукмронни ҳам, Туркия султони ҳам, бошқалар ҳам қанча-қанча тортиқлар юбориб, уни саройга таклиф этмасинлар, ҳаммасини рад қилади.

Улар тарафидан келиб турадиган жуда кўп тортиқ-мукофотларни юрт ободончилигига, мадраса, кўприклар солишга, йўллар, ариқларни тузатишга сарфлаб, ўзи шаҳар четларидаги ўртаминна бир қўрада оддийгина ҳаёт кечиради.

Унинг шахсан камтарини, ҳаёти ҳам, уст-боши ҳам, жуда содда эканлиги ҳақида замондошлари кўп маълумот бериб қолдирганлар. XV аср охирилари — XVI аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган, Алишер Навоийни кўрган шоир ва ёзувчи Зайниддин Маҳмуд Восифий ўз даври ҳамда ўша замон кишилари ҳаётини акс эттирувчи «Бадоеул вақое» («Ажойиб воқеалар») китобини ёзиб қолдирган бўлиб, унда шайх Баҳлул тилидан айтилган қуйидаги ҳикоя бор:

«...Хуросоннинг машҳур шоирларидан мавлоно Наҳвий Ҳиротий Нимруз, яъни Сейистоннинг одамлари ва об-ҳавосини ҳажв қилиб эрдилар, у ҳажвий қасиданинг баъзи байтлари қуйидагича:

Юлдузданам саргаштароқ қилди мени фалак,  
Мадад бермас толе менга, бахтим доғи пучак.

Вайрона бир ўлка уза тушди менинг йўлим —  
Шамол самуми оташу тупроғи шўр-намак.

Қаён борма пистирмада туну кун ўғрилар,  
Безгак каби жонинг олиб, қилгай сени ҳалак.

Сейистон қозисининг сўзамол ва хушилҳом бир ўғли бор эди. У Мавлоно Наҳвийнинг юқоридаги қасидасига жавоб айтган эди, Унинг жавоб қасидасидан бир байт:

Бу пок замин Сейстонни ҳар кимки хўрлагай,  
Дарё ҳаром бўлурми теккан бирла бир кўппак.

Бу қасида Миралишерга етушгач:

— Сейстон қозисининг ўғли камоли фозил киши экан, ажабким, у ҳануз биз билан танишмоқ йўлини қидирмабди, — дедилар.

Мирнинг бу меҳрибончилигини Қозизоданинг баъзи дўстлари унга етказдилар. У ҳам Миралишернинг ҳузурига етмоқ ниятида Сейстондан Ҳиротга келди.

Қозизода Миралишер суҳбатига етишганда, ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, Мир унга деди:

— Сиз мавлоно Наҳвий қасидасига жавоб айтибсиз, ўзингиз айтинг-чи, сиз яхшироқ айтганмисиз ё мавлономи?

— Мен яхшироқ айтганман, — деб жавоб берди Қозизода.

Миралишер бу жавобни эшитиб ўйланиб қолди, чунки бу маврид камсуқумлик ва хокисорлик пайти эди, у: «Мавлоно Наҳвий яхшироқ айтганлар», — дейиши лозим эди. Хуштабиат ва илм толиби сифатида машҳур бўлган Қозизоданинг бундай ўзини мақташи ва худписандлик қилиши таажжуб эди. Мир шундай мулоҳазаларга бориб, яна сўради:

— Сизнинг қасидангиз яхшилигига қандай далилингиз бор?

— Мавлоно Наҳвий, — деб жавоб берди Қозизода, — Сейстон ва сейстонликлар ҳақида нимаики айтган бўлсалар ҳаммаси ҳақиқат, мен ул вилоятни мақтаб, нима деган бўлсам ҳаммаси ёлғон. Қадимгилар: «Шеър қанчалик ёлғон бўлса, шунчалик яхши» — деганлар-ку, менинг шеъримда ёлғон кўпроқ бўлгани учун у яхшироқ»<sup>1</sup>.

Қозизоданинг бу жавоби Мирга жуда ёқди ва у Қозизоданинг хуштабиат ва ҳозиржавоблигидан мамнун бўлиб, ҳаддан зиёда инъомлар берди ва илтифотлар кўрсатди.

Миралишер шул куни мавлоно Нуриддин Абдураҳ-

<sup>1</sup> Қадим шеърларда муболаганинг жуда кучли бўлиши талаб этилган. Шунинг учун арабчада: «Аҳсануҳо — акзабуҳо» — энг ёлғон шеър — энг яхши шеър, — дейилган. Шундай қилиб, Қозизода чиройли жавоб бериш билан бирга, ўзини ёлғончига, Наҳвийни ҳақиқатчига чиқариб, унинг иззатини ҳам жойига келтирган.

мон Жомий хизматига етишди. Гап орасида Қозизода суҳбатидан олган таассуротини ҳикоя қилиб берди. Бу ҳикоядан Жомийда ҳам Қозизода билан кўришмоқ ҳаваси туғилди ва Алишерга:

— Агар биз Қозизода манзиллини билганимизда, хизматларига етишган бўлур эрдик,— деди.

Мираллишер уйига қайтиб келгач, мулозимларидан бирини чақирди ва Қозизодани топиб, мавлавий Жомий илтифоти билан табрик этишни ва унга тез ҳазрати Мавлавий хизматларига етишмоқ кераклигини уқтиришни буюрди.

Қозизода Жомий меҳрибончилигидан хабар топиши биланоқ, зиёрат қилмоқ учун тез унинг ҳовлисига жўнади.

\* \* \*

Қозизода илгари Ҳиротга келмаган эди, Ҳирот кишиларини ва, шу жумладан, Жомийни кўрмаган эди. Унинг хаёлида Жомий ўшал замоннинг катта олимларидек, қимматбаҳо кийимлар кийган, бошида ваҳимадор катта саллалли бир киши сифатида жилваланарди.

Аmmo Жомий кишин-ёзин оддий ип кийим кияр, бошида кичкинагина салла ўралган хожа убайдий дўпписи бўлар эди. Беллини ҳаммомчилар фўтаси (бўз белбоғ) билан боғлаб, унинг икки учини олдиндан осилтириб қўяр, қўлида ўз бўйиндан бир қарич узунроқ тол ёғочдай асо тутиб юрар эди.

Қозизода Жомий ҳовлисига келган пайтда эшик олдида ҳеч ким йўқ эди. У супачага бориб, оёқларини осилтириб ўтирди. Шу вақт юқорида тасвир этилган қиёфада қўлида асо билан Жомий чиқиб келди.

Қозизода бу кишини мавлавий Жомийнинг ошпазларидан, ўтинчи ёки оддий хизматкорларидан бири гумон қилди-да, унга ҳурмат ҳам кўрсатмай, ўрнидан ҳам турмай савол берди:

— Мулло ҳазратлари уйдадилар?

— Ҳа, шу пайтгача уйда эдилар,— деди Жомий кулиб.

«Субҳоналло,— деб ўйлади Қозизода ўзича,— шундай бузрук азизлар хизматида қанақа одам юрипти, тузукроқ жавоб ҳам бермайди, яна кулгани ортиқча. Қозизода Жомийга қараб:

— Эй, гўлу гаранг! Ичкарига кириб маҳдум жанобларига Сейистон қозисининг ўғли келди, хизматингизни

орзу қилади, деб арз қилсанг бўлмайдингми...— деди ва заҳарханда билан:— Агар марҳамат қилиб қадам ранжида қилсалар, катта илтифот бўлур эди,— деб қўшиб қўйди.

Жомий бу топшириқни эшитиб, ўзини тутолмай хахолаб кулиб юборди.

Қозизода қовогини солиб, ўтдек ёниб деди:

— Не бало, сизнинг бу кулгингиз мунча чиройлик!

Шу пайт Ҳирот катталари, олим ва фозилларидан бир неча нафарни Жомий зиёратига етиб келиб қолишди. Улар Жомийнинг эшик олдида ҳассага таяниб турганлигини кўча бошидан кўришлари биланоқ, дарров отдан тушиб, қўл қовуштириб, камол таъзим билан Жомийга яқинлашдилар, уни зиёрат қилиб, эҳтиром кўрсатдилар.

Қозизода бу аҳволни кўриб, баттар таажжубланди ва ўзича:

«Субҳонллоҳ, шаҳар катталари махдумнинг шу бир оддий хизматкорига шундай арзи эҳтиром қилишса, махдум ҳазратларининг ўзлари қандай эканлар»,— деб ўйлади.

Хуллас, ҳаммалари меҳмонхонага киришди. Жомий ўз одати бўйича ҳаммадан пастда даҳлиз ёнида ўтирди, бошқалар эса, ҳар ким ўз ҳурмат даражасига қараб, бир-бир жой топиб ўтиришди. Қозизоданинг жойи амир Отауллоҳ ёнида эди. Уни оҳиста туртиб деди:

— Нима учун азизлар ул кишининг хизматларига келиб кўришмоққа мунтазир бўлиб ўтирганликларидан махдум ҳазратларини хабардор қилишмайди?

— Махдумними?— деди амир Отауллоҳ,— сиз бу шаҳардан эмассиз, шекилли? Ана у кафш ечадиган жойда ўтирган киши ҳазрати махдум бўладилар!

Қозизода бу сўзларни эшитиши биланоқ сапчиб ўрнidan турди ва ташқарига югурди.

Жомий кишиларга қараб:

— Қозизодани ўтказманглар, қочиб кетмасин, уни ушлаб менинг олдимга келтиринглар,— деди.

Уни ушлаб олиб келдилар. У ўзининг одобсизлиги учун жазо беришар деб ўйлаб:— «Алғарибу калъамо» («Мусофир киши кўрга ўхшайди»), мени кечиринг, бу банданинг гуноҳини ўтинг,— деб фарёд чекар эди.

Жомий унга таъзим қилиб, кўп меҳрибончиликлар кўрсатди ва деди:



— Мен умримда ҳеч ким билан учрашиб, сиз билан учрашганимдек хурсанд бўлган эмасдим!<sup>1</sup>

Бу ҳикоядан кўриниб турибдики, Жомий жуда катта обрў ортириб, ҳаммаёққа машҳур бўлиб кетган пайтида ҳам жуда камтарин, оддий ҳаёт кечирган. У шундай камсуқум одам бўлганки, Алишер Навоийнинг Фарҳод ҳақидаги:

Бўлиб шоҳлар эшигининг гадоин  
Ва лекни ул гадолар хоки пойи,—

деган мисралари худди Жомийга қараб айтилгандек.

Жомий жаҳонда энг яхши дўст — китоб, деб билди.

Китобдин яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,  
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.

У билан танҳо қол, ҳеч бермас озор,  
Жонингга юз роҳат берар ҳар онда.

Шоир ҳаётининг аксар қисмини мана шу дўстлари — китоблар билан ўтказди.

У ўз замонасидаги кўпчилиги мадҳғўй лаганбардорлардан иборат формалист шоирларни ёқтирмайди, улар билан ҳамсуҳбат бўлишга ҳам интирмайди. Уларни Жомий қанчалик паст кишилар ҳисоблаганини юқорида айтиб ўтгандик.

Аммо унинг бир дўсти — Алишер Навоий бундан мустасно. Жомий Навоий билан туну кун бирга бўлишга ҳам рози эди. Бу дўстлик ҳақида:

Дўстига агар қўшилса дўст-ёр,  
Орзу огочи бўлур ҳосилдор.

Орзу ва умид калиди — дўст-ёр,  
Ишрат била айши бўлди пойдор.

Айниқса, бу боғи ошинодин —  
Тинглайса, агар наво вафодин.

<sup>1</sup> С. Айниий. Васифий ва хулосан «Бадоеул вақое». Тоҷикдавнашир, 1956, 43—46-бетлар.

Яъни у Навоий лутф эткай,  
Синган дилу қалбни овутқай

Бундан соз иш ўзи борми зинҳор,  
Бу дўстни фидоси барча дўст-ёр.—

деб ёзар экан, у бундай дўстлик фазилатларини таърифлаб, бошқаларни ҳам шундай иноқликка чорлайди.

Ўз навбатида Навоий ҳам Жомий ва унинг ижодига жуда юқори баҳо беради:

Улки букун қутби тариқатдур ул,  
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.

Қўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,  
Қўнгли маоний юзи оннас...

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд,  
Ким анга гардун сола олмай каманд.

Назми ақолими жаҳонни тутуб,  
Насри доғи кишвари жонни тутуб.

Файзи гадову шаҳ аро мунташир,  
Хизматиға шоҳу гадо муфтахир<sup>1</sup>.

Жомий билан Навоий дўстлиги асрлар бўйи бирга яшаган, ҳаётининг оғир-енгли, аччиқ-чучугини бирга тотган, чет эл босқинчиларига, ўз эзувчиларига қарши бирга курашган, маданият ва санъатларини, ҳунар ва касбу корларини асрлаб бир-бирига тараққий эттирган ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг тўмсоли сифатида гавдаланади. Буюк Навоий «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод билан Шопур дўстлигини васф этар экан, унинг Жомий билан бўлган дўстлиги ҳар бир мисрага нур сочиб тургандай, шу дўстликка ҳайкал қургандай бўлади.

Ҳақиқатан ҳам золимлар халқ орасига гоҳ диний, гоҳ ирқий низолар ташлаган ўрта асрчилик даврида,

<sup>1</sup> А. Навоий. Хамса, 31-бет.

ҳатто, баъзи бад ниятли кишилар ўзбек тилини камситиб, ўзбек ва тожик тилларини қарама-қарши қўйишга интилган даврда тожик Жомий билан ўзбек Навоийнинг бундай дўстлиги кўпларга ўрнак эди, Жомийнинг ўз дўсти Навоийни эски ўзбек тили, чигатой тилида газаллар ёзиш, «Хамса» яратишга ундаши ва бу асарларни доим кузатиб бориши, диққат билан ўқиб, уларга юқори баҳо бериши гоят таҳсинга сазовор иш эди. Баъзилар, Жомийнинг ўзи ҳам ўзбек тилида газаллар ижод қилган, дейдилар.

Профессор Е. Э. Бертельс Жомий ҳақидаги китобида: «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 25 май 121 (510<sup>1</sup>) сонида Жомийнинг учта ўзбекча газали» келтирилганлигини айтиб, қўйидаги газалларни келтиради ва уларни ҳали яна аниқлаш кераклигини уқтиради.

Зулфинг хаёли тушгани шўрида бошқа,  
Ғам бошқа ўлдирур мени, ҳижрон бошқа.

Меҳробга на фарзани мен сажда қилгамен,  
Қилгумдурур сужуд мен ул икки қошга.

Кўзу қошини талошадур ўлдургани мени,  
Ўлтур ўзунгу қўйма икавини талошқа.

Ашким қон кўруб, деди: кўргил етимни,  
Бурни қонади, оғзи етушганда ошқа.

Жомий бир оҳ чекти, ани кўнгли юмшади,  
Оҳим ўтини кўр, на асар қилди тошқа.

\* \* \*

Ҳажр устига қўймағил, кўкенда кўпдир доғлар,  
Мутлақо кўчкай еридин нолишимдан тоғлар.

Есумондек руҳларингни, эй пари, кўрган замон,  
Беҳуда маст ўлубон, девона бўлгой соғлар.

Эй пари, тангри учун, солғил қўлнинг бўйинма,  
Кўра олмас мудданинг кўзуға тупроғлар.

Бир снях, бахти қаро учун юрибмен дарбадар,  
Хаста булбул бор экан, гулшанда найлар зоғлар?

Жомий дилхастага, эй дилбарим, раҳм айлагил,  
Гусса тўкмакдин туганди юракидин ёғлар.

\* \* \*

Эй лабат пурхандаву чашми сиёҳат масти хоб,  
Икки зулфунг орасида ой юзунгдур офтоб.

Масти май мекунад рўйн туро фарқи арақ,  
Бода ичсанг тўкилур икки қизил юздин гулоб.

Булҳавас дар базми васлат маҳраму мен ноумед,  
Толем шудур менинг, бахтим забун, ҳолим хароб.

Ҳарким бинад рўйн хўбат, пок гардад аз гуноҳ,  
Сенга боққан бандага маҳшар куни йўқдир азоб.

Банда шуд Жомий гуломат, гарчи Афлотун бувад,  
Асрагил, ё сақлагил, ё сот, ё бергил жавоб!

Кези келганда шуни қайд қилиб кетайликки, учинчи ғазалда тожикчасига «ширу шакар» деб аталадиган санъатдан, яъни бир шеърни икки ёки ундан кўп тилда ёзиш санъатидан моҳирона фойдаланилган. Бир мисраси тожикча, бир мисраси ўзбекча бўлган байтлар ажойиб уйғунлик билан шеърини гулдаста яратган. Аммо бу шеърларни Жомийники дейиш қийин, чунки Навоий «Хамсатул мутахаййирин»да Жомийнинг «туркча алфоз»да шеър айтмаганини қайд қилади.

Жомий Навоий билан биринчи танишган давридан бошлаб, то умрининг охиригача у билан ҳар бир ишда ҳамкор, маслаҳатдош ва маслакдош бўлди.

Улар бир темада асарлар ёзишди, бир-бирларига мавзулар беришди, адабиётнинг ўша давр учун зарур умумий масалаларини муҳокама қилишди, асосини бирга ишлаб чиқишди, бир-бирини рағбатлантиришди ва мадад беришди. Навоий улуг вазир сифатида давлат ишларида ҳам Жомий билан кўп маслаҳатлашарди.

Навоий ва Жомий ҳаётида бунга мисоллар жуда кўп. Жомий ўз ғазалларини Навоийнинг маслаҳати

билан уч китобга тўплаб, уларга Навоий таклиф қилган «Фатихаташ шабоб» («Ёшликнинг очилиши»), «Воситатул иқд» («Ўртадаги дурр»), «Хотиматул ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси») номларини берди. Навоий ҳам ўз лирик шеърларини Жомий маслаҳати билан тўрт девонга тўплади.

Навоий ўзининг «Тухфатул афкор» қасидасининг ёзлигини шундай ҳикоя қилади.

Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Дарёе аброр» («Яхшилар дарёси») номли машҳур қасидаси бор. Навоий ўзининг «Муҳокаматул лугатайн» китобида бу қасидага жуда юқори баҳо бериб, Хисрав Деҳлавийнинг ўз сўзларини келтиради. Амир Хисрав: «юз минг байтдан ортиқ бўлган девонларимнинг газаллари, қасида ва маснавийларимнинг байтлари дунё юзидан ювилиб кетса ва замон бетидан ўчиб йўқ бўлса, лекин ҳамма маънилари ўзида мужассамлантирган мана шу қасидам қолса, шунинг ўзи меннинг фазилатларим далили бўла олади»,— деган экан.<sup>1</sup>

Қасиданинг бошланмаси:

Кўси шаҳ холию бонги гулгулаш дарди сар аст,  
Ҳар ке қоне шуд ба хушку тар, шаҳи баҳру бар аст.

(Подшоҳ ноғорасининг ичи бўшу шовқин-сурони бош  
огриғидир,  
Ҳўл-қуруққа қаноат қилган киши дунё ва қуруқлик  
подшоҳидир.)

Бир кун Навоий билан Жомий ораларида амир Хисрав Деҳлавийнинг лирикаси ҳақида сўз кетади. Навоий амир Хисравнинг лирик шеърлари орасида энг яхшиси «Дарёе аброр» эканлигини айтиб, юқоридаги баҳони келтиради.

Жуда камгап бўлган Жомий ўз одати бўйича бу гал ҳам индамай қўя қолади. Шу орада Навоий Марвага, султон Ҳусайн ёнига жўнаш олдиан хайрлашув учун Жомий уйига келади.

Навоий хайрлашиб чиқиб кетаётганида устоди унга бир варақ қоғоз узатади. Навоий олиб қараса,

<sup>1</sup> А. Навоий. Танланган асарлар. 3-том, Тошкент, 1948, 195-бет.

унда амр Хисравнинг юқоридаги қасидасига ёзилган назира экан. Жомий бу қасидани «Лужжатул асрор» («Сирлар теранлиги») деб атаган. Унинг бошланмаси қуйидагича:

Кунгуру айвони шаҳ к-аз қоҳи Кайвон бартар аст,  
Раҳиҳо, дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст.

(Подшоҳ сарой айвонининг кунгураси Сатурн юлдуздан  
юқориқоқ бўлса-да,  
Билгилки, ундан дин деворида раҳна пайдо бўлади.)

Навой бу асарни ўқиб кўрар экан, унга жуда юқори баҳо беради<sup>1</sup> ва ўзида ҳам шундай шеър ёзиш иштиққи қўзғалади. Марв йўлида унинг матлан (бошланмаси) пайдо бўлади:

Оташин лаъле ки тожи хусравиро зевар аст,  
Аҳгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшоҳлар тожини зийнатловчи ёлқинли лаъл,  
Уларнинг бошида хом хаёлларни пиширувчи ўтдир.)

Навой бу қасида номини «Тухфатул афкор» («Фикрлар туҳфаси») деб қўяди, бошланмасини устозига юбориб, унинг фикрини сўрайди ва давом эттиришга фотиҳа беришини илтимос қилади.

Жомий бу матлани ўқиб чиқиб, қуйидаги қитъа билан жавоб юборади:

Зиҳи карда аз шавқи шаҳбози табъат,  
Ҳумоюн қудсий ҳавоий тазарви.

Эи мардум фиристода матлан хуш,  
Ки аз аҳли суҳан мисли он нест марвий<sup>2</sup>.

(Сенинг лочин табъинг шавқидан  
Фаршталар сайд бўлишни истайдилар.

<sup>1</sup> А. Навоий «Муҳокаматул лугатайн» китобида: «Агар у (яъни Хисрав шеъри—Ш. Ш.) яхшилар дарёси бўлса, бу баҳор булутидирки, мартабада ундан баландроқ ва баҳрада ундан фойда келтирувчанроқдир»,— дейди. А. Навоий. Танланган асарлар. 3-том, Тошкент, 1948, 195-бет).

<sup>2</sup> Хондамир. Макоримул ахлоқ. Тошкент, 1941, 27-бетдан олинди.



Бир кишидан юборган матланинг шундай гўзалки,  
Сўз санъаткорлари орасида ундай матлани ҳеч ким  
ривоят қилган эмас.)

Навоний қасидани тугаллайди. Натижада жуда чуқур фалсафий-ижтимоий фикрларни юксак бадний маҳорат билан ифода этган, сеҳргар образлар, мажозлар, киноя ва ташбиҳлар, маънодор сўз ўйинларидан иборат ажойиб асар майдонга келади.

Жомий бу қасидага жуда юқори баҳо беради:

Чу ҳарфе чанд хондам э-он қасида,  
Дилни хосонин анлар қайд дидам.

Дар он асно чу шуд чашми басират,  
Кушода жумла дилҳо сайд дидам.

(Бу қасиданинг бир неча ҳарфини ўқиганим он,  
Сайланган кишилар қалбининг банди бўлганин кўрдим.

Аммо зеҳн кўзини очиб боққанда,  
Барча дилларнинг овланганлигини кўрдим.)

Ҳақиқатан ҳам, бу қасида уни ўқиган киши қалбини мафтун этади.

Бу дўстлик ва ҳамкорлик туфайли жуда катта ижодий мавзуларда ҳам баҳслар бўлган ва айрим ғазаллар, қасидаларгина эмас, «Хамса»дек катта асарлар ҳам ана шу дўстлик меваси сифатида майдонга келган.

Алишер Навоний «Ҳайратул аброр» достонининг ўн учинчи бобида<sup>1</sup> ҳикоя қилишига кўра, икки дўст бир кунини Низомий Ганжавий ва амир Хисрав «Хамса»лари устида суҳбатлашадилар. Бир-икки ой ўтгач, Жомий Навонийга бир қўлёзма тутқазди. Навоний уни ўқиб қараса, «Тухфатул ахрор» экан. Навоний дарров Жомийнинг «Хамса» ёзишга киришганлигини тушунади ва ўзида ҳам бу ишга ҳавас туғилади, чунки у:

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,  
Бир неча гом бўлса манга ҳам хиром.  
Форси бўлди чу аларга адо,  
Турки ила қилсам ани ибтидо.

<sup>1</sup> Қараг: Н а в о н и й. Хамса, 31—32-бетлар.

Форси эл топти чу хурсандлик,  
Турки доғи топса барумандлик<sup>1</sup>,—

деб ўйлайди.

Бундан кейин бориб устод пири ва дўсти Жомий-нинг фотиҳасини олганлигини бошқа дostonи — «Садди Искандарий»да ҳикоя қилади. Бориб Жомийга ўзбекча «Хамса» ёзиш ниятини айтар экан, устоз бу фикрни қувватлайди.

Ишим бутмагига дуо айлади,  
Бори ҳожатимни раво айлади.

Дедиким: «Бу бир иш эди қилгулуқ,  
Бу айтилмагон нуқта айтулгулуқ...

Ким ул ганжлар бошига етгасен,  
Тилисмотини доғи фатҳ этгасен.

Ки ҳар неча қилдуқ назар даҳр аро,  
Қиёс айладук водийю шаҳр аро.

Иўқ атроф аро бирда онча биллик,  
Ки бу навъ улуғ ишга урғай иллик.

Не атрокким, ҳам ажам, ҳам араб,  
Кўрарлар бу ишни ажабдин ажаб...

Бу иш чунки бўлғай муқаррар санга  
Умид улки, бўлғай муяссар санга.

Кўп эмди, ишининг хаёлида бўл,  
Хаёл ақли зеби жамолида бўл.

Ки сендин бу шуғлунда ҳушёрлиқ,  
Доу бирла биздин мададгорлиқ».

Эшитгач бу сўзлар мени потавон,  
Улук жисмиа кирди гўё равон<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳша жойда, 32-бет.

<sup>2</sup> Н а в о и й. Хамса, 845—846-бетлар.

«Хамса»ни икки йилга қолмай ёзиб битирган Навоий унинг сифати ҳақида қайғуриб, халқ қабул этадимми-йўқми, буюк сўз устодлари билан беллаша олдими, ўшаларга тенг келадиган хазина ярата олдими, деган хаёлларга боради:

Борур эрдим айларга арзу нибэ,  
Иш итмомини қилмоқ ифшойи роз.

Замиримда лекни хаёлот эди,  
Қи бу иш ҳусули ажаб бот эди...

Сўзунгинки яхши кўрарсен ўзунг.  
Кўрнимас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.

Қошинда сенинг гарчи кўп вази бор,  
Чу бор ўз сўзунг, йўқ анга эътибор.

Қи сўз зодан табъу фарзанд эрур,  
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Неча зодан табъ эрур нописанд,  
Қишининг ўз олдиди бор аржуманд...

Сўзунгим, сенга келди холо писанд,  
Писанд эркин эл ичра ё нописанд?

Не бўлғай кўруб пирн кошнф мени,  
Бу аҳволдин қилса воқиф мени?—

деб ишор яна устоз олдига бориб, «Хамса»ни унинг олдига қўяди:

Чекиб «Хамса»ни жузвдондин равон,  
Қўюб хизматида мени нотавон.

Неча ганжким ошкор айлабон,  
Аёғига борин нисор айлабон.

Сафинам чу азм этди дарё сарн,  
Узатди кафин баҳр ул ажзо сарн.

Назар солди очиб varaқ-барварақ,  
Бўлуб мулафит, чун очиб ҳар varaқ.

Қаю сўздаким бир савол айлабон,  
Жавобин дегач, завқу ҳол айлабон.

Қилиб гоҳ таҳсини гоҳи дуо,  
Ки юздни бири йўқ манга мудлао.

Етиб ҳар сўздни кушоде манга,  
Бўлуб ҳосил андни муроде манга.

Мусалсал каломидни оғзида сўз,  
Мен олдинда ерга тикиб икки кўз.

Сўзум очибон бўстондек энгин,  
Қилиб дутф, эгинмга солди энгин<sup>1</sup>.

Навой камтарлик билан, унинг мақтовларининг юздан бирига ҳам арзимас, юздан бирини ҳам хаёлимга келтирмас эдим, дейди-ю, Жомий нима деб мақтаганини ёзмайди.

Аmmo Жомийнинг Навой «Хамса»сига берган баҳосини биз унинг «Искандар хирадномаси» асаридан топамиз:

Зи чарх офаринҳо бар он килк бод,  
Ки ин нақши матбуё аз он килк зод!

Бибахшид бар форсин гавҳарон,  
Ба лафзи дарий дурр назмоварон.

Ки гар буди он ҳам ба лафзи дарий,  
Намонди мажолн сухан-густарий.

Ба мезонн он назми мўъжиз низом,  
Низомий ки будию Хисрав кадом?

Чу у бар забони дигар нуқта роид,  
Хирадро бо тамйизашон раҳ намонд.

Зиҳи табъи ту устоди суҳан,  
Зи мифтоҳи килкат кушоди суҳан<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Н а в о и й. Хамса, 847—848-бетлар.

<sup>2</sup> Ж о м и й. Куллиёт, 1-қисм, Тошкент, 1914, 499-бет.

(У қаламга чарх офаринлари ёғилсин,  
 Чунки бу ёқимли нақшлар шул қаламдан тугилди,  
 Дарий<sup>1</sup> тилида шеър дурин терувчилар  
 Бу гавҳарини форсий тилда бахш этган эдилар.  
 Агар бу китоб ҳам дарий тилида бўлганда  
 Ортинқ (форсийда) сўз юритишга мажол қолмас эди.  
 Бу мўъжиза ўлчовли шеър билан ўлчанса,  
 Низомий ким бўлардию, Хисрав ким?  
 У бошқа тилда нуқта сургани учун  
 Ақл уларин ажратишга йўл тополмай қолди.  
 Эй сухан устоди, сенинг таъбинг шундай ўткирки,  
 Сенинг қаламинг калиди билан сўз (хазинаси) очилди).

Жомий билан Навоийнинг дўстликлари шу даражада бўлганки, ҳатто Навоий вазирлик лавозимидан кетмоқчи бўлган пайтида ҳам аввал бориб Жомий билан маслаҳатлашган.

Энг муҳими шундаки, Жомий билан Навоийнинг адабиётга, бадийий ижод масалаларига қарашлари ҳам тамоман бир хил бўлган. Навоий бу ажойиб дўстлик ҳақида «Хамсатул мутаҳаййирин»<sup>2</sup> китобини ёзиб қолдирган. Бу китобда, жумладан, шундай ҳикоя қилинади: Ҳирот шайхларидан бири, XII аср тасаввуф шоири Абдуллаҳ Ансорийнинг бир китобини китобфуруш Абдулло котиб Навоийга кўрсатади. Навоий китобни варақлаб кўрмоқчи бўлиб, биринчи саҳифасига кўзи тушиши биланоқ қўлидан қўймай охиригача ўқиб чиқади.

Бу ҳақда Жомийга гапирганда, Жомий унга қараб: «Бу китоб биринчи бор қўлимга тушганида мен худди шундай бўлган эдим, завқу таъбимиз нақадар бир хил?!»— деган.

Маълумки, XV аср форс-тожик адабиёти равнақи учун Алишер Навоийнинг хизматлари жуда катта бўлди.

<sup>1</sup> Тожик-форс адабий тили қадимда забони дарий — дарий тили деб ҳам юритилган.

<sup>2</sup> Бу китоб ҳали тўла босилиб чиққан эмас. ЎзССР ФА Шарқ-шунослик институтида унинг қўлёзмаси 693-рақам билан сақланади. Китобдан айрим парчалар «Ўзбек адабиёти» китобининг 2-томи (Тошкент, 1959) нинг 546—563-бетларида босилган. «Хамсатул мутаҳаййирин» тожик тилига таржима қилиниб, 1961 йилда Тожикистон Давлат нашриёти томонидан нашр этилганлигини мамнуният билан қайд қилиб ўтамыз.

У вазир ва йирик давлат арбоби сифатида илм-фан, санъат-адабиётга ҳомийлик қилди, жуда кўп ёшларга, жумладан, талантли тожик шоири Аҳлий Шерозий, тарихчи Хондамир, наққош Камолiddин Беҳзод каби ўнлаб санъат-адабиёт аҳлини ўз қаноти остига олди.

Бундан ташқари, у илмий ва поэтик фаолиятининг салмоқли бир қисмини форс-тожик шеърлятига бағишлади. Бу соҳада, айниқса, унинг ўзбек-форс-тожик тилларини қиёсий ўрганиб, ҳар иккала тилнинг ўзига хос бойликларини очиб берган «Муҳокаматул луғатайн», XV аср тожик шоирлари ҳақида бебаҳо маълумотлар берган «Мажолисун нафос»<sup>1</sup> асарлари ва форсий тилда ёзилган ғазаллар тўплами жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Навоий форсий шеърларини «Фоний» тахаллуси билан ёзди, бу нарса у ўзини форс адабиёти учун ўткинчи, вақтинча шоир деб ҳисоблаганидан киноя бўлса керак, деган фикрга олиб келади, аммо унинг форсий шеърлари XV аср адабиёти хазинасидаги абадий сўнмас жавоҳирлардан бўлиб қолди. Ўзбек адабиёти учун эса у ўзини «Навоий», «яъни бу адабиётнинг сўнмас оҳанги» деб билади.

Навоий ўзининг форсча-тожикча шеърлари тўпламини «Майдонул балоғат» («Балоғат майдони») деб атади.

Бундан шоир форсий шеърят майдонини ўзи учун балоғатга етиш жойи деб билганлиги келиб чиқмайдими?

Дарҳақиқат, у форс-тожик шеърят жавлонгоҳида балоғат майдонининг паҳлавонлари билан беллашиб, шеърят осмонининг ёрқин юлдузлари билан нурлашиб кўрганидан кейингина ўзбек тилини ҳам форсий шеърят даражасига, юксак самолар авжига кўтариш вазифасини ўз олдига қўйди ва бу вазифани жуда катта маҳорат билан бажарди.

Аммо бундан қатъий назар, Фоний—Навоийнинг форсий девони ўша даврдаги қуруқ эстет формалист шоирлар ижодига қарама-қарши бўлиб, форс-тожик шеърляти осмонида ўткинчи эмас, абадий юлдузлардан бири бўлиб порлаб туради.

<sup>1</sup> Бу китобнинг тўла илмий-танқидий тексти филология фахлари кандидати С. Ганиева тарафидан тайёрланиб нашр этилган (Навоий, Мажолисун нафос, илмий-танқидий текст, Ўзакадашр, Тошкент, 1961).



Жомийнинг буюклиги ҳам ўзининг содиқ дўсти Алишер Навоий билан биргаликда форс-тожик адабиётидаги тушкунлик—ўтакетган формализмга қарши курашидадир.

У узоқ ҳаётида ҳормай-толмай форс-тожик классик адабиётининг ёрқин идеаллари учун курашди.

Шунинг учун ҳам бу икки улкан адабиёт арбоблари бадний сўз бобидаги ҳамма жанрларда ижод этиб, ўз маҳоратларини намоён қилишди ва поэзияга ўз қарашларини мустақкамлашди.

Бу нуқтан назардан Жомийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам наср ва назмда қолдирган адабий мерослари жуда бой, жуда хилма-хилдир.

Бу дўстлик ҳақида гапирар эканмиз яна шуни ҳам кўрсатиб ўтиш зарурки, Навоийнинг кўп асарлари Жомий ташаббуси билан ёки унинг кўрсатмаси ёки маъқуллаши билан ёзилганидек, Жомийнинг кўп асарлари ҳам Навоийнинг ташаббуси, маслаҳати, илтимоси билан ёки Навоийга зарурлиги туфайли майдонга келган. Маёсалан, Алишер Навоий тасаввуф фалсафаси асосларини ўрганар экан, Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот» («Пилтираш») асарини ўқий бошлайди.

Ибнул Арабийнинг тасаввуф ғояларини шеърини ифода этиб берувчи бу китобни Алишер тушунишга қийналади. Бундан хабар топган Жомий унга раҳбарлик қилиб туради, бир неча вақтдан кейин эса Навоийнинг қўлига бир китобча тутқазади. Бу китобча Жомийнинг «Ашиъатул ламаот» («Пилтираш нури») номли асарини орасида энг яхшиси ҳисобланади.

Навоий бир кун Жомийга муаммолар ҳақида тартибли бирор қўллашманинг йўқлигини айтади. Тез орада Жомий муаммо тузиш ва уш ечиш ҳақида рисола ёзади.

Бундай мисолларни Навоий ва Жомий ҳаётида жуда кўп келтириш мумкин.

Алишер Навоий «Хамсатул мутаҳаййирин» асарида Жомий номини ўз устози сифатида эҳтиром билан тилга олади, унинг қўл остида ўқиб, ўрганиб чиққан китобларини санаб ўтади.

Бундан ташқари, у дўстлик туйғуларини ифода этади, ўзи ёки устози бирор ёқда сафарда юрган пайт-

ларида бир-бирларини соғиниб ёзишган мактубларидан намуналар келтиради.

Масалан, Жомий Макка сафарига чиққан пайтда Навоийга Бағдоддан бир мактуб юборади, мактуб шеърӣ бўлиб, у қуйидаги мисралар билан бошланади:

Бар канори Дажла дур аз ёру маҳжур аз днёр,  
Дорам аз ашли шафақгун Дажлан хун бар канор.

(Дажла қирғоғида ёрдан узоғу, днёрдан жудо,  
Шафақдек қизил кўз ёшимдан кўксимда Дажла дәрси  
бор.)

Навоий ҳам бу ғазалга қуйидаги рубоӣ билан жа-  
воб беради:

Ип нома на нома, дофен дарди ман аст,  
Ороми даруни ранжпарварди ман аст.  
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,  
Яъни хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст.

(Бу мактуб, мактуб эмас, балки, менинг дардимни даф  
қилувчидир,

Бемор жигарим оромидир.  
Ёниқ дилм ва совуқ нафасимга таскин берувчидир,  
Яъни жаҳон кезиб юрган моҳимдин хабардир.)

Жомий туркий тилда адабиёт тараққиёти билан яқиндан қизиқади. Навоийни ва бошқа туркийгўй шоир-ларни ўз она тилларида — қадимги ўзбек тилида шеър-лар ёзишга даъват этади.

У ўзбекчада ижод этилаётган ҳар бир асарни камо-ли диққат билан ўқиб, кузатиб боради.

Баъзан XV аср адабиётининг бу улуғ мураббийси ўзи ҳам туркий шеърлардан илҳомланиб, уларга назиралар айтади. Масалан, Алишер Навоийнинг:

Очмағай эрдинг жамоли оламо, кошки,  
Солмағай эрдинг бари оламга ғавго, кошки, —

деб бошланадиган ғазалига Жомий ғазал билан жа-воб берганлиги ҳақида Навоий ёзади:

Бу шеър «... шуҳрати ул ерга еттиким, ҳазрат маҳ-

думга (яъни Жомийга — Ш. Ш.) доғи масму бўлуб, аларга дағдаға (мойиллик) улким бу баҳр, қофия ва радифда шеър дегайлар. Бу доня пайдо бўлиб чун туркча алфоз бирла назм илтифот қилмас эрдилар, бир форсий ғазал эттилар, матлан будурким:

Дидаме дийдори он дилдори раъно, кошки,  
Дида равшан кардаме аз хоки он по, кошки»<sup>1</sup>.

Сўнг Алишер Навоий яна бу ғазалга мусаддас боғ-таганлигини ҳикоя қилиб қуйидаги бандни келтиради:

Кардаме дар хоки кўйи дўст маъво, кошки,  
Судаме рухсори худ бар хоки он жо, кошки,  
Омади беруи зи куйи он сарвобло, кошки,  
Бурқа афқанди зи рўи оламоро, кошки.  
Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,  
Дида равшан кардаме аз хоки он по, кошки?

Бу дўстлик фақат адабий ҳамкорлик соҳасидагина бўлмай, балки Навоийнинг давлат ишларидаги фаолиятида ҳам турли жилвалар кўргазди ва Жомийнинг вафотига қадар давом этди.

Абдурахмон Жомий саксонга етиб қолган бўлишига қарамай, ҳали жисмонан тетик, маънан бақувват эди. Буни шоирнинг ўзи ҳам қариликка бағишланган бир шеърда қуйидаги образларда ифода этади:

Ба қасди касби ғано ганж зар талаб че кунам!  
Ки бо тавонгани дил ғани зи ганжи зарам.

(Мен нечун бойлик тўплашга интилиб олтин хазинасин  
талаб қилайини?

Чунки дилим қудратидан мен олтин хазинасига  
бойдирман.)

Аммо 1492 йил ноябрида шоир қаттиқ шамоллаб ётиб қолади. Аҳволи оғирлаша бошлайди, унинг дўсти Алишер оғир ташвишга қолади. Дам-бадам устози ҳолидан хабар олиб туради.

Бир кунни кечаси Навоийнинг юрагига гўлгула тushiб ухлаёлмайди, от эгарлашга буюриб, устози ёнига

<sup>1</sup> А. Навоий. Хамсатул мутаҳаййирин, ЎзССР ФА ШИ қўл-ёзмаси. 693-инвентарь, 55—56-варақлар.

кетади. Бу уларнинг охириг учрашувлари эди. Эртасига, яъни ҳижрий билан 898 йил 17 муҳаррам куни Жомий дунёдан ўтади.

Бу ҳақда биз «Хамсатул мутаҳаййирин»да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Ул ҳазратнинг фавтлари воқеаси шарҳига шуру қилалди: аларнинг валодатлари тарихи ва ҳаётларининг замонининг тарихи юқори мазкур бўлбтур. Аммо фано доридин бақо гулзорига риҳлатлари жума куни муҳаррам ойининг ўн еттисиди, тарих саккиз юз тўқсон саккизда воқе бўлди.

Ва анинг шарҳи будурким, шариф жисмларига ҳаво асаридин заъф юзланиб эрди, бир кун соҳиб фиरोш бўлдилар. Бу фақир дам-бадам хабар тутар эрдим. Панджшанба куни хотирим аларнинг заъфидин бағоят мутараддид эрди, жума кечаси бу тараддудда уйқум келмас эрди. Ярим кеча изтироб юзидин отланиб, алар хизматига иёдатга бордим. Баъзи азизлар ва асҳоб аларнинг бошларида жам эрдилар, гоҳ беҳол, гоҳ ўз ҳолларида эрдилар. Фақир густоҳлик, юзидин хотир итмиёни учун ҳолларин сўрдум, илтифот қилдилар. Ва ҳазрати қутбиссолиқин.

Хожа Абдуллазиз Жомий дағи бошларида ҳозир эрдилар. Тонг отқунга бир ҳолда эрдилар, чун тонг намозидан фориғ бўлдилар, аларнинг ҳоли ўзгачароқ бўлди. Ҳазрати Хожа Абдуллазиз чун кўрдиларким, ҳол ўзга навдур, ўзлари мадад бериб, аларнинг бошини машриқ жонибидин шимол жонибиға қилиб, юзларин қибла сори қилдилар. Мавлоно Зиёиддин Юсуфким, аларнинг аржуманд фарзандларидурлар, оёғлари сори кўзларига ўтру ўлтуруб эрди, алар қачон кўз очсалар, анга илтифот юзидин боқадурлар эрди. Бу фақир густоҳлик қилиб, илтимос қилдимким, маҳдумзода ўтрудин кўптилар. Андин сўнгра алар нақшбандия ҳожалари тариқи била хафий зикрига машғул бўлуб, уз таважжуҳларига иштиғол кўргуздилар, то жума салоти чиқти, андоқки, юқориоқ мазкур бўлди.

Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Деҳдор келиб, аларнинг бошида қуръон хатмиға машғул бўлди, то ул замонким, ҳануз эл намоздин фориғ бўлмайдур эрдиларким, алар касрат анжуманидин кўз юмуб, ваҳдат хилватхонасиға нузул қилдилар. Аларнинг мутаҳҳар руҳи чун малаил-аълоға азимат қилди ва асҳобнинг



ҳаёти қуши ҳамул тойри қудсийдин ишрати, фазан акбар малаи аълоға етишти, чун ул пок муҳиб ўзин пок маҳбуб висолига солди — олам жонсиз бадандек холи қолди. Шеър:

Кўкка мотамзадалар навҳаси гар ёвушти,  
Мени мотамзадага лек қатиг иш тушти.

Не ўзга бедод қилмоқдин фойда, балки не ўзни ўлтурмоқдин натижа. Бу фақирға воқе бўлгон суубат шарҳи чун мумкин эрмас ва шуру анга таҳайюр ва таазурдин ўзга фойда бермас, шуру мақсудға қилмоқ авлодур.

Алқисса: бу мудҳиш хабар шаҳарға муштаҳир бўлгон, ақобир ва ашроф жавониб ва атрофдин етиштилар. Барча сўгворлиқ либосида, балки мотам ва азо палюсида то улки, ҳазрати султони соҳибқирон... ташриф келтурдилар, ҳой-ҳой йиғлаб ва талх шўробалар тўкуб, бир замон ўлтуруб, мавлоно Зиёвиддин Юсуфни қучуб, мудлате бошан қўйнида йиғлаб, сойир асҳобға кўнгул бериб, бу фақирни соҳиб азо тутуб, ҳолима дилсўзликлар биле ашк тўкуб, насойиҳ ва мавоиз дурбор алфозларидин зоҳир қилиб, чун муборак миждозларида заъф бор эрди — хилофат тахти ва салтанат маснади азимати қилдилар ва султонзодаларини ва аркони давлатни борчасини анда аларнинг кўтурур ишига қўйдилар. Султон Аҳмад мирзо ва Музаффар Ҳусайн мирзо бошлиғ салотин ва подшоҳзода бир-бирига навбат беришмай, аларнинг маҳфуф маҳофасини эгинлариға кўтариб, мусаллоға элттилар. Халойиқ гавғоси ул мартабада эрдиким, неча юз минг халқни тасаввур қилса бўлмайким, бир жисм бўлуб эрдилар. Намозгоҳда ҳазрати Хожа Азизулло ул ҳазратға сойир ашроф биле намоз қилиб, яна мутаҳҳар раззалариға олиб қайттилар ва халқ гавғосидин миҳаффани келтурмак душвор эрди. Подшоҳзодалар ясавуллик қилиб, элни кўруб, йўл очиб, наъш мадфанга етти ва ҳазрати кутбил-авлиё Мавлоно Саъиддин Қошгарий ёнидаки, зоҳиран тариқат одобида аларнинг пиридур — дафн қилдилар.

Ва ҳазароти олиёт мадҳи олия Бекабегимки, сойир обнойн жинсдан фазл ва камол ва ақл ва ҳамда хисол биле мумтоздурлар ва аларғаโปรดат ва ихлослари бениҳоятдур, ҳам, сўгворлиғ ва мотамзадалиғ таврида келиб, азо сўрар қондасин бажо келтурдилар ва бу фақир-

га навозишлар қилиб, барча асҳобни ва маҳдумзодани илтифотлар билан мушарраф қилдилар. Сойир азизларким, атрофдаги вилоятдан аларнинг азоси учун келдилар. Чун филҳақиқат бу фақир соҳиб азо эрди, ҳамул дастур била фақирни — ўқ соҳиб азо тутуб, турмоғ расмин маръий туттилар. Ҳаттоким, ҳазрати салтанат шиор, хилофот дисор султон Баднуззамон мирзо... ким, Мозондарон мулкидин киши юбориб, алар азоси учун баъзиға либослар илтифот қилиб эрдилар, ҳам муҳотаб — фақир эрдим ва ул ҳазратнинг ҳазратисалтанат шиор била хотир ва ҳимматлари бағоят кўп эрди. Ҳазрати салтанат шиорнинг ҳам аларга иродат ва ихлоси бениҳоят эрди.

Бир йилгача олам аҳлиға умуман ва Хуросон ва Ҳирот аҳлиға хусусан мотам эрди. Йил бўлгондин сўнгра ҳазрати султони соҳибқирон аларнинг йил ошини басаъъзоз ва эҳтиром билан подшоҳона бериб, мухлисларинин баъзи ул ҳазратнинг мутаҳҳар марҳади бошида олий иморат солиб, хуффоз ва имом ва муқри ва худдом таъйин қилди. (Бу ишларни Навоийнинг ўзи қилган — Ш. Ш.) Ва назм аҳли кўп тарихлар айтиб ўқудилар. Ул жумладин, хуруф роқими бу марсиф била тарихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдики, мавлоно Ҳусайн воиз минбар устида ўқуди.

Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,  
Кў баҳақ восил шуду дар дил набудаши мосивоҳ.

Қошифи сирри илоҳий буд бешак з-он сабаб,  
Гашт тарихи вафоташ «кашфи асрори илоҳ».<sup>1</sup>

(Ҳақиқат конидин гавҳар, маърифат денгизидин дур,  
Ҳақиқат бирла тиш эрди, дили ҳам бир ҳақиқатгоҳ.  
Ул илоҳ сиррин очувчи эрди, бешак шул сабаб,  
Бўлди тарих вафоти «кашфи» асрори илоҳ.)

Жомий вафоти ҳақида яна бир таърих жуда кенг тарқалган, унда: «Дуд аз Хуросон бар омад!» яъни «Хуросондан тутун чиқиб кетди!» дейилади. Жомий

<sup>1</sup> Қашфи асрори илоҳ — илоҳий сирларни очиш. Бу жумлани араб алифбесинда ёзиб, абжад ҳисоби билан ҳисоблаб чиқилса, ҳижрий 898 йил чиқади. Бу нарча «Хамсатул мутаҳаййирин»нинг юқорида зикр этилган қўлёзмасининг 62—66-бетларидир.



Ўлимга Хуросон халқларининг қайғусини ифода этган бу жумладаги Хуросон (яъни абжад ҳисоби билан 912) дан тутун (яъни 14) чиқариб юборилса (912—14-898), Жомий вафот этган йил келиб чиқади.

Шундай қилиб, халқнинг севимли шоири, султонлар насихатгўйи, илм, санъат аҳлининг маслаҳатчиси, маърифат ҳомийси Абдураҳмон Жомий 1492 йил 8 ноябрда оламдан кўз юмди.

Бутун Ҳирот унинг мотамида бўлиб, бир йилгача аза тутди. Бир йилдан сўнг унинг садоқатли дўсти Алишер Навоий йил оши қилиб берди.

Жомийнинг мозори Ҳиротда, унда мақбара ҳам қурилган, аммо бу мақбарада улуғ шоирнинг жасади бор-йўқлиги номаълум. Бунинг тарихи қуйидагича:

1510 йилда шоҳ Исмонл Сафовий Ҳиротни босиб олади. Утакетган мустабид шиа уламолари Жомийни ўзларининг ашаддий душманлари ҳисоблар эдилар. Жомий мақбарасини бузиб, шоир танасини ундан чиқариб ташлашга буйруқ бўлади. Аммо Жомийнинг ўғли Зиёвуддин Юсуф бу фалокатнинг олдини олиб, отасининг муборак жасадини яширинча бошқа ерга кўчирган эди. Ваҳшийлар мозоридан шоир жасадини тополмадилар.

Ривоятларга кўра, Жомий жасади кейинчалик қайтадан ўз мозорига қўйилган, аммо бунинг қанчалик ҳақиқатга тўғри эканлигини айтиш қийин.

Бу улуғ инсоннинг Ҳиротдаги ҳозирги мақбараси XX аср бошларида қайтадан тикланган мақбарадир.

Эски китобларда Навоий даврининг уста наққошларидан Қамолiddин Беҳзод ишлаган Жомий расмидан кўчирилган нусха ҳам сақланиб қолган. Бу расм китоб бошида берилди.

Жомий ҳаёт йўлини яқунламоқчи бўлсак, уни поклик деган сўз билан ифода этиш керак бўлади.

Шоир «Сибҳатул аброр» достонида:

Шамдек бўл, шами кўр, куйиб қалбу тан,  
Ўзгалар базмини қилади равшан, —

дейди. Буюк шоирнинг давлат амалдорлигидан кечиб гўшанишинликка юз тутиши ҳам, нақшбандия сулукига кириши ҳам, тасаввуфда дил учун ором қидириши ҳам ҳаётини пок ўтказишга интилишидан эди.

Инсон табиатидаги турли манфий хислатларнинг  
ғолиб келиши, кучайиб кетиши учун ҳамма имконият-  
ларни туғдириб турган феодализм шаронтида Жомий  
кишиларни покликка, инсонпарварликка, қаноатга ча-  
қирди, феодал тубанликларга қарши инсоний юксаклик-  
ни тарғиб ва ташвиқ қилди.

Унинг шахсан ўзи бунга намуна бўлди, ўрта асрчи-  
лик зулматида поклик шами бўлиб порлади.

## ҲАЁТ НАҚҚОШХОНАСИ

Биз юқорида Жомий ҳаётининг энг мазмунли саҳи-  
фаларидан бири ўз шогирди ва дўсти Алишер Навоий  
билан биргаликда феодал саройида диққинафас бўлиб,  
бўғилиб ўлаётган шеърятни тирилтириш, унинг қадру  
қимматини кўтариш учун кураш олиб борганлиги ҳақи-  
да бир оз айтиб ўтган эдик.

Бу кураш моҳиятини яхшироқ тушуниш учун XV аср  
*адабиётига умумий бўлса*-да, бир назар ташлаб ўтмо-  
ғимиз лозим.

Аввало шуни қайд қилиш зарурки, Абулқосим Бобир  
ва, айниқса Ҳусайн Бойқаро давлатида адабиётнинг  
тараққий топиши учун анча қулай шароит яратилди.

Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам яхшигина шоир бўлган.  
Алишер Навоий уни: «фасоҳат оламининг нуқта бирла  
сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била мўъжиза-  
пардозии...»<sup>1</sup> деб атаб, унга «Мажолисун нафонс»нинг  
бутун бир бобини — саккизинчи мажлисини бағишлайди.

Навоийнинг берган маълумотига қараганда, Ҳусайн  
Бойқаро ўз шеърларини тўплаб, девон ҳам тузган. Бу  
девон бизнинг замонамизгача етиб келган. Унда поэтик  
ҳис билан ёзилган лирик ғазаллар, Навоий ғазалларига  
боғланган мухаммаслар тўпланган.

Уларда, айниқса, услуб раволиги, киши ички кечин-  
маларини яхши ифодаловчи табиий байтларда бир-  
бири билан уйғун ва бир-бирини чуқурроқ очиб бера-  
диган мажоз ва ташбиҳлар яққол кўзга ташланиб ту-  
ради:

Зарра янглиғ, айб эмас, кўнглимга тушса изтироб,  
Меҳри рухсорига, чун ҳар лаҳза кўзгудир хижоб.

<sup>1</sup> Навоий. Мажолис, 208-ва ундан кейинги бетлар.

Қўйлаги гулгунмндур ё гул юзининг аксидур,  
Ё қуёшнинг тобидин гардун уза куймиш саҳоб.

Томса бағрим қони ўқидин чиқар кўнглимдин оҳ,  
Дуд ўлур чун қонини ўт узра томизса кабоб.

Риштан жоним ўролур зулфи сори майл этиб,  
Гарчи кўпрак қисқарур ҳар неча ришта топса тоб.

Айтсам, эй умр борурда шитобинг не эди,  
Ноз яла дерким: ажаб йўқ умр иши бўлмоқ шитоб.

Соқиб, ҳижрон хароб этмиш мени, тўлдур қадаҳ,  
Чун хароб ўлмоқ керак, бори бўлай масти хароб.

Эй Ҳусайний, ўйлаким васл ўлди жаннат, дўсти ҳур,  
Ҳажри ҳам дўзахдурур, шавқ ўтидин анда азоб<sup>1</sup>.

Албатта, Ҳусайн Бойқаро бутун вужуди билан феода-  
дал бўлишига қарамай, унинг бундай талант эгаси бў-  
лиши, шеърдўстлиги, кўпинча (айниқса, ҳукмдорлиги-  
нинг аввалги даврида), Алишер Навоий фаолиятига  
кенгроқ йўл қўйиб беришига сабаб бўлди, адабиёт,  
санъатнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Бу даврда ўзбек тилидаги адабиёт ҳам гуркираб ўса  
бошлади. Ҳатто, Ҳусайн Бойқаро ўзбек тилида ёзишга  
буйруқ ҳам берган эди. Аммо тожик тили давлат идора-  
ларининг иш юритишида ва адабиётда ҳали ҳам устун  
турар эди.

Бу даврда адабиётга қизиқиш жуда кучаяди.  
А. Навоийнинг «Мажолисун нафоис» номли тазкирасида  
номлари келтирилган шоирлар орасида деҳқонлардан  
ташқари, аҳолининг ҳамма табақаларига мансуб ки-  
шиларни учратиш мумкин, улар орасида, айтилганча, ҳу-  
нармандлар, косиблар ва, умуман, шаҳар аҳолисининг  
ўрта табақалари намояндалари кўпроқ учрайди. Бу  
даврда Ҳиротнинг ўзи катта адабий марказга айланган-  
ини айтган эдик. Унда китоб бозорлари тараққий то-  
пади.

Китоб растасидаги ҳар бир китобфурушнинг дўкони  
ўзига хос адабий клубга айланади. Унда шоирлар ва

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти», I том. Тошкент, 1959, 519-бет.

шеър мухлислари, аскиячилар йнғилиб янги асарларни муҳокама қилишади. Бу дўконларда ўтириб ҳар кимга ёқиб қолган ғазалларни кўчириб берадиган махсус хат-тотлар — ғазалфурушлар ҳам пайдо бўлади. Умуман, китоб кўчириш ва уни безаш санъати жуда юқори поғонага кўтарилади. Ажойиб безакли ва мўъжизакор хатли китоблар майдонга келади.

Аммо бу гапдан ўша даврда аҳолининг ҳаммаси китоб ўқир экан, деган маъно чиқмайди, у вақтда қоғоз ҳам, китоб ҳам жуда қиммат бўлган. Бу мўъжизалардан кенг халқ оммаси фойдалана олмасди, албатта. Бунинг учун, аввало, саводли ва катта маблағ эгаси бўлиш лозим эди.

Ундан ташқари, бу давр адабиёти, адабий тили, шеър техникаси шундай мураккаблашиб кетган эдики, уни махсус тайёргарликсиз тушуниб бўлмас эди.

Шунинг учун бу даврда адабиётга қизиқишнинг кучайиши, унинг кенгроқ ёйилиши учун шароит яратилишига қарамай, ёзма адабиёт халқдан жуда узоқлашиб кетган ва кундан-кунга узоқлашмоқда эди.

Жомий ва Навоийларнинг сўзига суяниб фикр юритилса, у вақтда Рудакий, Фирдавсий, Унсурий, Муиззий, Анварий, Саъдий, Санойий, Низомий, Салмон Савожий, Ҳофиз Шерозий каби шоирлар машҳур бўлганлар.

Жомий «Силсилотуз заҳаб» асарида ўз даврида номи машҳур шоирларни санаб ўтади:

Рудакий он ки дур ҳаме сўфти,  
Мадҳи Сомониён ҳаме гўфти.

Гар намондаст жисмашон зинда.  
Намашон зиндаст поянда.

Унсурий он ки дошт унсури пок,  
Қам чу ўйе фитад зи унсури хок...

В-он Муиззий ки хосси Санжар буд,  
Дар фасоҳат забон чу ханжар буд.

Ханжари обдори пўргавҳар,  
Гавҳараш мадҳи шоҳи динпарвар...

Анварий ҳам чу мадҳи Санжар гуфт,  
В-ин горонмоя дур ба васфош суфт,

Ки дил ар баҳру даст кон бошад,  
Дилу дасти худойгон бошад<sup>1</sup>...

Рафт Саъдию дам зи якранги  
Задани у ба Саъд ибни Занги.

Номи Саъдийст дар «Гулистон» аш  
Бех зи Саъду сарою айвонаш.

Аз Санонию аз Низомий дон.  
Ки зи дом ӯфтодагони жаҳон.

Чун аз ин домгоҳ ёд оранд,  
Аз ду Баҳромшоҳ ёд оранд.

Ку Заҳир он ба мадҳ нағма-сарой  
Карда нуҳ курсин фалак таки пой.

Буд салмон дар ин хароба бод  
Мадҳгӯй Увайс, нодилшод.

Ёдгоре дар ин риботи куҳан,  
Нест беҳгар зи назму наср суҳан.

Ба суҳан зангҳо зидуда шавад,  
Ба суҳан бандҳо гушуда шавад.

Бас гиреҳ к-уфтад (аз) замона ба кор,  
Ки намоёд кушоданаш душвор.

Ногаҳ аз шеваи суҳанрони  
Ниҳад он кор ру ба осони.

(Рудакий — ул дур тергувчидир,  
Сомонийлар мадҳин дегувчидир.

Унинг жисми тирик қолмаган бўлса ҳам,  
Унинг номи ҳамиша тирикдир.  
Унсурӣ — ул пок табиат эгасидур,  
Ер жисмидан ундайлар кам пайдо бўлади...  
Муинзӣ — Санжарнинг хос кишиларидан эди,

---

<sup>1</sup> Бунда Салжуқийлар шоири Анварӣ (вафоти 1191 й.) қаси-  
дасидан тазмин.

Фасоҳатда тили ханжар эди.

Ханжар бўлганда ҳам обдор, яхши тобланган ва гавҳарли эди.

Гавҳари — динпарвар шоҳнинг мадҳи эди...

Анварий ҳам Санжар мадҳини айтаркан,

Унинг васфида бу қимматли дурни терди:

«Агар дил баҳру қўл — кон бўлса,

Бу дил ва қўл ҳукмдорникидур».

Саъдий ва унинг дилдан васф этиб,

Саъд ибни Зангига урган дами кетди,

Саъдийнинг номи унинг «Гулистони»дадир.

У сьад ва унинг сарой, айвонидан яхшироқдир:

Санойи ва Низомийдан билгилки,

Жаҳон домидан тушиб қолганлар —

Бу домгоҳни ёдларига келтирсалар,

Икки Баҳромшоҳни эслайдилар.

Мадҳда нағма чалиб,

Фалакнинг тўққиз курсисини тақопу қилгон Заҳир қани?

Салмон бу харобазорда,

Увайсга мадҳгўй бўлиб дили шод бўлмади.

Бу эски работда

Назму насрдан яхшироқ ёдгорлик йўқ.

Сўз билан занглар тозаланади,

Сўз билан бандлар ечилади.

Замона ишида чигаллар кўп тушади,

Ечиш жуда қийин кўринади.

Аммо чечан сўз юритиш натижасида

Бу иш осонликка юз ўгиради.)

Сўз мадҳиясига бағишлаб ёзилган бу қиссада номлари санаб ўтилган шоирларнинг асарлари ўлмаганлиги Жомий даврида улар суҳан саҳнасида тушмаганлигидан кўриниб турибди.

Бу даврда ҳам Фирдавсий «Шоҳнома»сига қизиқиш сўнмайди, балки авж ола боради. Мирзо Бойсунғурнинг таҳрири остида «Шоҳнома»нинг тўлиқ нусхаси кўчирилганлигини биз юқорида айтган эдик.

Бундай катта, меҳнатталаб ва қийин ишнинг бажарилиши, албатта, бу дostonга қизиқишнинг зўрлигидан эди.

Бундан ташқари, умуман дostonчилик, маснавийчилик авж олади. Бу соҳада буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий асос солган хамсачилик, яъни беш



достондан иборат китоб ёзиш анъанаси ҳам давом эттирилади.

Профессор Е. Э. Бертельс Жомий ҳақидаги асариди Низомий Ганжавий ва Амир Хисрав Деҳлавий изидан бориб, «Хамса» яратишга бел болаган шоирлардан қуйидаги 9 кишини кўрсатиб ўтади<sup>1</sup>.

1. Ашраф—1450 йилларда вафот этган, Шоҳруҳ мирзо даврида яшаган шоир.

Навойи унинг «Хамса» ёзганлиги ҳақида гапирар экан:

Бу майдонга чу Ашраф сурди маркаб,  
Бу сўзини ўзга навъ этди мураттаб...<sup>2</sup>

дейди.

Ашраф достонларидан «Ҳафт авранг» («Етти тахт») достони сақланиб қолган. Бу Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») достонига назирадир.

Профессор Е. Э. Бертельснинг маълумотига кўра, бу достоннинг бирдан-бир қўлёзмаси Англиянинг Оксфорд кутубхонасида сақланмоқда.

Бу шоирнинг бошқа достонларининг номигина сақланиб қолган бўлиб, улар «Минхажул аброр»—«Тақводорлар сўқмоғи», «Риёзал ошиқин»—«Ошиқлар чаманзори» ва «Ишқнома» достонларидир.

2. Мавлоно Али Оҳий<sup>3</sup>. Машҳадлик бу шоир ҳақида Алишер Навоий «Мажолисун нафоис»да қуйидаги хабарни беради: «Мавлоно Али Оҳий—Машҳаддиндур. «Хамса» муқобаласида неча маснавий айтибдурким, чун муқоболаға келтурса, гўёки бўлмас, ул жиҳатдан шуҳрат тутмайдур. «Хаёл ва висол» отлиғ китобида бир байти бор, магарким мулҳими ғайб онинг тилига ўз шеъри бобида солғондирким (яъни ғайбдан илҳом берувчи бу байтни унинг ўз шеъри ҳақида тилига солган — Ш. Ш.):

Шеъри ки бувад зи нуқта сода,  
Монад ҳама умр як совода»<sup>4</sup>.

(Шеърда нозиклик бўлмаса,  
Бутун умрга қоралама бўлиб қолади.)

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Джами, Таджикгосиздат, 1949, стр. 26—31.

<sup>2</sup> Навоий. Хамса, 166-бет.

<sup>3</sup> Проф. Е. Э. Бертельс нима учундир Осий (русчадан Али Асия) талаффузида беради («Джами», стр. 27).

<sup>4</sup> Навоий. Мажолис, 20—21-бетлар.

Навой унинг хамсадан неча дoston ёзганини айтмайди, фақат шеърлари ҳақида унинг ўз асаридан олган байт билан баҳо бериб қўя қолади.

3. Мавлоно Фасиҳ Румий. Алишер Навоий бу киши ҳақида ҳам қисқа маълумот бериб, уни: «донншманд киши эрди... Хожа Салмоннинг маснуъ қасидасига татаббуъ қилибдур... ҳазрат шайхнинг (яъни Низомийнинг — Ш. Ш.) «Маҳзанул асрор»иға жавоб айтибдур», дейди-да, ундан бир байт мисол келтиради:

Ҳар нафасе каз ту касе бишнавад,  
Бешак азу ҳамнафасе бишнавад.

(Сендан ким нимани эшитаркан,  
Бешак ундан ҳамдамликни эшитади.)

Навоий бу шоир ҳақидаги маълумотини: «унинг қабри Ҳиротда»<sup>1</sup>,— деб тугатади. Демак, у ўша даврда вафот этган ва, эҳтимол бошлаган «Хамса»сини тамом қилмагандир.

4. Хожа Имом. Унинг «Лайло ва Мажнун» дostonига Навоий яхши баҳо бериб: «маснавийсида хийла ранг ва зийнат бор»,— дейди ва ғазалида ҳам истеъдоди борлигини айтиб, қуйидаги матлани келтиради:

Бурд суйи лаб забону шуъла заддор жони ман,  
Қард зоҳир ламъан у оташи пинҳони ман<sup>2</sup>.

(Лабларига тил уриб жонимга ўтлар ёқди ул,  
Еширин дил ўтидан оламга учқун чоқди ул.)

5. Амир Шайх Суҳайлий — Алишер Навоийнинг дўстларидан. Навоий унинг тожик ва ўзбек тилларида ёзган шеърларига юқори баҳо беради: «ашъори эл орасида шуҳрат тутти», дейди.

Унинг «Лайло ва Мажнун» дostonи борлигини айтиб, ундан Лайлонинг озиб кетганлигини чиройли таъриф этган бир байтини келтирарди:

Гўйи занаҳаш зи ҳол гашта,  
Монандаи себи сол гашта<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Навоий. Мажолис, 45-бет.

<sup>2</sup> Навоий. Мажолис, 193-бет.

<sup>3</sup> Навоий. Мажолис, 78-бет.

(Няғи шундай ҳолга тушиб қолганки,  
Гўё бир йил туриб қолган олмага айланган,  
Яъни озиб қуришиб қолган:)

6. Абдулло Хотифий. Бу шоирнинг дostonлари аввалгиларниқидан машҳурроқ. У тўрт дostonни ёзиб тамомлаган, булардан баъзилари нашр этилган.

У «Хамса» бошлашдан олдин тоғаси Абдурахмон Жомий ёнига бориб, ундан фотиҳа сўрайди. Жомий унга Фирдавсийнинг «бир шеърини бериб, шунга назира ёзиб кел»,— дейди. Хотифий бу синовдан яхши ўтади. Шундагина Жомий унга фотиҳа беради. У «Лайло ва Мажнун», «Ҳафт манзар», «Темурнома» дostonларини ёзган. Ҳаётининг охирида шоҳ Исмоил Сафовийнинг ҳарбий юришларига бағишланган «Шоҳнома» ёза бошлаган. аммо бу асар тамомланмай қолган. Шоир 1521 йилда вафот этган.

7. Котибий Туршизий. Бу шоир ҳақида ҳам Алишер Навоий анча қимматли маълумотлар қолдирган<sup>1</sup>.

Навоий уни: «ўз замонининг беназири», деб юксак баҳо беради. Унинг маснавийларидан кўра, ғазалнёт ва қасидалар девони машҳурроқ, дейди. У тажнислар ишлатишда, кўш қофияли ва кўш вазнли шеърлар ёзишда моҳир бўлган.

Шоир умрининг охирида «Хамса» ёзишга киришган аммо тугатолмаган. Унинг «Гулшани аброр» ва «Лайли ва Мажнун» дostonлари қолган.

Бу шоир умрининг охирида Астрободда вабо касалидан вафот этган. Улими олдидан қуйидаги қитъани айтиб кетган:

Зи оташин қаҳри вабо гардид ногаҳон хароб,  
Астрободики хокош бувад хушбўтар зи мушк,

Андару аз пиру барно ҳеч кас боқи намонд,  
Оташ андар беша чун афтад на тар монанд на хўшк.

(Тупроғи мушкдан ҳам хуш бўйли Астробод,  
Қаҳрли вабо ўтида бирдан хароб бўлди,

Унда қарию ёшдан ҳеч ким қолмади,  
Чунку тўқайга ўт тушса, ҳулу қуруқ баробар ёнади.)

<sup>1</sup> Навоий. Мажолис, 11—13-бетлар.

Ниҳоят, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар ҳам «Хамса» ёздилар.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, биз мулоҳаза юритаётган даврда Ҳирот адабий муҳитида ҳамсачилик анъанаси кучли бўлган, ҳар бир талант эгаси, озми-кўпми даражада элга танилган ҳар бир шоир «Хамса»га қўл уриб, ўз истеъдодини синаб кўришга, ўз маҳоратини элга кўз-кўз қилишга, адиблар орасида шуҳрат қозонишга ҳаракат қилган.

Аммо уларнинг кўпчилиги буюк Низомий Ганжавийнинг ўлмас асарларига назира қилиб ёзар эканлар, бу мавзунини янги мазмун билан бойитишга ожизлик қилди. Уни ташқи жиҳатдан безашга, формасини мураккаблаштиришга, йилтироқ, аммо жилвасиз мунчоқлар билан безатишга уриндилар, холос. Бу ўша давр поэзиясининг умумий илллати эди. Шунинг учун ҳам уларнинг дostonларини эл қабул қилмади. Кўпчилиги унутилиб кетди. Бундан икки буюк инсон — Жомий билан Навоий «Хамса»си мустаснодир.

Ҳирот адабий муҳитида «Хамса»дан ташқари, айрим ишқий, романтик дostonлар ёзиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турар эди.

Қасида жанри ўзининг илгариги мавқеини йўқотган бўлса-да, Навоий: «сўз пардозчиси... қасида майдонининг чавандози ва ўз замонасининг мислсиз сўз устози», — деб атаган Хожа Калимиддин Салмон Савожий (вафоти 1376—1377 йиллар) каби қасида усталаридан қолишмайдиган Аҳлий Шерозий қасидалари майдонга келди.

Умуман, жанр эътибори билан қараганда, классик адабиётнинг ҳамма турлари ҳам фасоҳат саҳнасида тушмай келаётган бўлса-да, уларнинг қадр-қиммати тушмоқда эди.

Чунки бу даврда шеър сунъийлик, ҳаразгўйлик, ҳашамат, қуруқ дабдаба, мазмунсиз йилтироқлик касалига мубтало бўлган ва бу дard тобора кучайиб бормоқда эди.

Масалан, бу даврда ёзилган аксар дostonларнинг сюжети ва мазмуни эски бўлиб, шакли ниҳоят даражада мураккаблаштирилган эди. Баъзилари қўшалок қофияли, яъни дostonнинг ҳар байтида бир сўз эмас, иккитадан сўз қофияланарди ёки икки вазнда ўқиларди. Ёки ундаги қофиялар тажнис бўларди. Масалан, юқо-

рида номи тилга олинган мавлоно Қотибийнинг «Даҳ-  
боб» («Ўн боб») поэмаси бошдан-оёқ тажнислар билан  
ёзилган:

Субҳидам чун шоҳи чархи нек ранг,  
Кард оламро ба акси нек ранг.

(Эрта билан яхши рангли чарх (яъни осмон) шоҳи,  
Акси билан дунёни яхши рангга бўяди.)

ёки мавлоно Аҳлий Шерозий (1455—1535) нинг дoston-  
ларидан:

Соқи, аз алтофи ту май дар каф аст,  
Ва з-тафи дил Дажлан ҳвай дар каф аст.

Медиҳад ин гамзада комаш шароб.  
Май ҳама ҳайри тану номаш шар (р) об<sup>1</sup>.

(Э соқи, сенинг лутфинг билан май қўлда,  
Дил ҳарорагидан эса тер Дажласи кўпирмоқда.  
Бу гамзаданинг орзусини шароб беради.  
Шароб тана учун хайрли нарса-ку, номи ёмон сув.)

Бу дoston бошдан-оёқ икки вазнли ва қўш қофияли  
бўлиб, қофияларнинг бири тўғри сўзлардан, иккинчиси  
тажнислардан ташкил топган.

Бундай сунъийлик шу даражага бориб етган эдики,  
ҳатто катта-катта қасидалар ҳам мувашшаҳ шаклида  
ёзиларди. Яъни бир шеърнинг айрим сўзларидан ёки  
байтларнинг бошланиш ҳарфларидан янги шеърлар  
келиб чиқади (масалан, Салмон Савожий, Аҳлий Шеро-  
зий қасидалари). Шундай йўллар билан келиб чиққан  
рубойй ёки қитъаларда яна ўзига хос «санъат» ҳам мав-  
жуд бўлади. Улар ёки тамоман нуқтасиз ҳарфлардан, ё  
алифсиз, ёки пастки, ё бўлмаса юқоридаги нуқталарсиз  
ҳарфлардан тузиларди ва ҳоказо.

Формада шундай қийинчиликларни ўз олдига қўйиб,  
бутун имкониятларини чеклаб қўйган шоир, албатта,

<sup>1</sup> Шароб сўзини «шарр» «об» қилиб иккига бўлиб ўқилса  
шарр — ёмон, об — сув маъноси келиб чиқади.

чуқур мазмунли оригинал бир фикр айтишдан ожиз қоларди. Қуйидаги тўрт йўл шеър бунинг ёрқин мисоли бўла олади:

мумкин на ки ҳаргиз чу ту	ёбад	олам
ҳаргиз чу ту	кас надид	марде
ёбад	марде	дигар касе
олам	бо карам	мисли ту кам

ёбад ҳам.

Бу шеърни группаланган сўзлар билан чапдан ўнга ҳам, юқоридан пастга ҳам қараб ўқиш мумкин. Аммо мазмунини олсак, жуда қашшоқ бир нарса чиқади: «Сенга ўхшаган карамли киши ҳеч қачон оламда бўлмаган». Айни шу гап тўрт мисрада ҳам сал-пал ўзгариш билан қайтарилади, холос<sup>1</sup>.

Ўз замонидagi умумий оқимдан четда қололмаган Жомий ҳам бундай «санъат»ларда шеърлар ёзган.

رخ زرد دارم ز دورى آن در  
 ده داغ و دردم درون دل آذر  
 چومن كاست گوئى شب فرقت تو  
 مه نو كه باشد بدین گو به لاغر  
 خطت خضر جعد كجت مشك تبت  
 تنت سيم لعل لب تنگ شكر

(Ул эшикдан узоқлигим туфайли юзим саргайган.

Доғу дардим ичимга ўт туширди.

Фироғинг кечасида шундай озиб кетганманки,

Бунчалик илгичка кўринган янги ой менга ўхшайди.

Хатинг — Хизрлуру гажагинг — Тибет мушки.

Тананг — нуқраю тор лаъли лабинг — шакар.

Муҳаббат шаҳиди жаннат исъматини тотувчидир,

Сенинг тақдирлаганларинг ҳам абадий жаннатга эришур.

<sup>1</sup> Ўзбек шоирлари ижодида ҳам бундай мисоллар топилади, масалан, Огаҳийда:

Ул шўҳки	очилди	хату	рухсори
Очилди	раёҳинда	юзи	гулнори
хату	юзи	бесабуру	қарор манман
рухсори	гулнори	ман ман	зорн.



(Табларнинг — малак, гапларнинг фасоҳатли,  
Юзинг гўзал, сочларнинг анбар ҳидли.)

Бунда Жомийга хос ҳеч қандай янги образ, янги ташбиҳ ё бошқа бир янгилик йўқ, аммо шеър техникасига эътибор этсангиз, у араб алифбесининг айрим хусусиятларидан фойдаланиб ёзилган: биринчи байтда ҳамма сўзлар ўзаро қўшилмас ҳарфлардан тузилган, яъни ҳарфлар якка-якка, иккинчи байтда иккитадан, учинчи байтда учтадан ва ҳоказо.

Биз сўз юритаётган даврда ғазал жанри ҳам кенг ёйилган эди. Аммо ғазал энди киши қалбининг нозик туйғуларини содда ва табиий ихчам мисраларда гўзал қилиб куйлаб берадиган шеър эмас. У эски, сийқаси чиқиб кетган образлардан нарига ўтолмайди. Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандийлар ижодидаги дурдоналар ёнига сунъий йилтироқ мунчоқларни тера бериб, уларни таниб олишни ҳам қийинлаштириб қўядилар. Ғазал ўйинчоққа айланиб кетади.

Профессор Е. Э. Бертельс жуда кўп материалларни таҳлил қилиб, ғазални Саъдий мустақил жанр даражасига кўтарганлигини, Ҳофиз эса уни энг юқори чўққига олиб чиққанлигини қайд қилади-да, сўнг:

«Ҳофиз ғазални яратди, XV аср сийқалаштириб, схоластикага айлантириб юборди!»,— дейди.

XV асрда тарих ва муаммо каби схоластик жанрлар ҳам авж олиб кетади. Бу формалар шундай кенг тарқалиб кетадикки, ҳатто, адабиётнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини жуда яхши тушунган, унинг мазмундорлиги учун, уни ўйинчоқликдан чиқариш учун тинмай курашган геннал шоирларимиз Жомий билан Навоий ҳам муаммочлик билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Муаммо тузиш ва уни ечиш ҳақида рисоалар ёзадилар.

Эй мугбача, раҳ гил шуда аз чашми тари ман,  
Хишти сирн хум бар раҳи майхона бняфкан.

(Эй мугбача, менинг кўз ёшимдан йўл лой бўлиб кетди.  
Хум бошидаги фиштни майхона йўлига ташла.)

---

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Навои, М. — Л., 1948, стр. 50.

Бунда Ҳамза исми беркитилган бўлиб, у арабча ёзувдаги хум (خم) нинг ғишти, яъни нуқтасини йўл (ره) даги «ر» (р) ҳарфи устига олиб келиб қўйилиши ва бу икки сўзни бир-бирига қўшиш йўли билан ҳосил бўлади: (رحمه)

Алишер Навоийнинг бу байтида чиройли картина ва бирор ғазалга байт бўлиб кира оладиган образ бор.

Аммо кўпчилик формалист шоирлар фақат бирор-бир исми қийинроқ йўл билан бекитишгагина иштирганлар, ундаги мазмун билан ишлари бўлмаган, қуруқ сўз ўйини қилганлар. Масалан, бир муаммода қуйдагича дейлади:

Харе каж карда полон сўи деҳ тохт,

Чарогоҳи деҳ аз говон бинардохт.

(Бир эшак эгарини қорнига тушириб (қийшайтириб)

қишлоққа югурди,

Қишлоқ ўтлогини ҳўкизлардан холи қилди.)

Бу сўзларда нима маъно-ю, адабиётга алоқадор не гап бор.

Фақат бунда «Жарда» деган исм беркитилган бўлиб, у хар (حدا) нинг эгари қорнига тушиб, у яъни «жар» га (جر) айланиб, қишлоқ (тожикчасига — деҳ — ده) томонга югурган, энди, иккаласи қўшилса, «Жарда» (جرده) сўзи ҳосил бўлади.

Аммо булар жуда оддий ҳал бўладиган муаммолар. Шоирлар ҳарфларнинг абжад ҳисобида саноқ маъноларини олиб, уни тожикча, арабча синонимлари билан алмаштириш ва ҳоказо йўллар билан жуда мураккаб муаммолар тузганлар ва уларда беркитилган сўзлар аввалдан айтиб қўйилган. Шунда ҳам қайси йўл билан ўша исми чиқариш кераклигини топиб олиш амримаҳол бўлган.

Биз муаммо жанрига бир оз тўхталиб ўтишимизга сабаб шуки, шеърнинг кераксиз эрмакка айланиб қолаётганлиги шу мисолда яққол кўзга ташланади.

Буни проф. Е. Э. Бертельс жуда тўғри қайд қилиб ёзади:

«Муаммо XII аср адабиётининг барча асосий майлини ўзида аниқ инъикос эттиради, деб айтиш мумкин: бу майл шеър техникасини аста-секин мураккаблаштириш

орқали мазмунни батамом йўқотиб, шакл такомиллини охирги нуқтасига етказишдан иборат эди. Муаммода мазмун батамом йўқотилган. Бунда на фикр, на ҳис бор, фақат қун-қуруқ сўзлар ўйини қолган, холос. Муаммога киришиш билан адабиёт ўз-ўзини қатл этди, ижтимоий қийматини бутунлай йўқотиш йўлига ўтди»<sup>1</sup>.

Демак, «муаммо», «тарих»<sup>2</sup> каби бемаъни шеърний формаларининг жуда авж олиб кетганлиги, бундай эрмакларнинг кенг тарқалганлиги сабаб — бу даврда мазмунга эътибор бермаслик, унинг ҳисобига формани, шеър техникасини зўрлаб ўстиришга мойиллик устун турганлигидан эди. Бу кайфият бошқа жанрларга ҳам зарпечакдек ёпишиб, бўғиб сўлштишга тутинди. Шу нуқтан назардан газал ҳам ҳиссиз, фикрсиз йилтироқ бир ўйинчоққа айлана бошлади.

«Хулоса қилиб шуни қайд қилишга тўғри келадик, — деб ёзади Е. Э. Бертельс, — биз Темурийлар даврида форс адабиётининг «гуллаб-яшнаши» ҳақида гапирсак-да, аммо бу гуллаш ниҳоятда ўзига хос эди ва кўпроқ ўзига хос тушқунликдан иборат эди. Шеър техникаси гуллаб-яшнаётгани билан ўйинчоқ ва эрмак бўлиб қолган, адабиёт ўлаётган эди»<sup>3</sup>.

Албатта, деҳқонлар орасидаги халқ оғзаки адабиёти ва ҳунармандлардан чиққан илгор фикрли шоирларнинг шеърлари бундан мустасно, аммо улар жуда кам эди. Ҳунармандлардан чинакам йирик талантлар XVI асрда етишиб чиқди (Сайиҳо, Фитрат, Зардўзий каби).

Шундай қилиб, бу давр адабиёти халқдан тамоман ажралган ҳолда формага жон таслим қила бошлаган эди.

Навий ва Жомий бу фалокатни аниқ кўриб тушундилар ва адабиётда мазмун учун қаттиқ кураш олиб бордилар.

Алишер Навоий, ўз устози Жомий билан бирга, бундай «шоир»ларга қарши раҳмсиз кураш бошларкан, уларнинг шеърларини бир қоронғулик, йилт этган нурсиз (маъносиз) тун, кеча, деб атайди.

Бундай шакли ялтироқ, мазмунни қалтироқ шеърларни у, тириклик сузи (оби ҳаёт) ер остида, зимистонлик-

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Наваи, стр. 47.

<sup>2</sup> Абжад ҳисобидан фойдаланиб, бирор воқеа тарихини сўзлар йиғиндиси билан ижод этиш. Биз юқорида Жомийнинг вафоти ҳақидаги тарихни келтирган эдик.

<sup>3</sup> Е. Э. Бертельс. Наваи, стр. 51.

да бўлади, деган афсонадан фойдаланиб, қўйидагича таърифлайди:

Басе маснавийғўйи нозик хаёл,  
Ки назм аҳли ичра солиб қилу қол.

Халойиққа юз ҳусну ноз айлагай,  
Ки ўн йилда минг байт соз айлагай.

Чиқорғон замони ул ойини савод,  
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.

Саводиға ҳар кимки кўз солибон,  
Қора шони меҳнат аро қолибон.

Не зулматки, йўқ обиҳайвон анга,  
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга.

Агар даҳр аро сепса мушки татор,  
Қўнгилни қилур тийраю кўзни тор<sup>1</sup>.

Атр (мушк)нинг ози яхши, агар у кўпайиб кетса, киши бўғилиб ўлиши аниқ. Сертакаллуф шоирларнинг шеърларида ҳам ҳамма нарса ҳунарга чиқиб кетган, уни тушуниб бўлмайди, ўқиган киши бўғилади, дейди Навоий.

Худди шундай фикрларни Жомий ҳам бошқа образлар билан қўйидагича ифодалайди:

Хаёли хос бошад холи рўи шоҳиди маъни.  
Чу хол андак фитад бар руҳ диҳад ҳусни фаровонаш.

В-агар гирад зи бисъёри ҳама рухсори шоҳидро,  
Миёни сода рухсорон снях рўи диҳад з-онаш.

(Яхши сўз, маъно гўзалин юзида холдир,  
Озгина хол бўлса, ёноқ жуда ҳам кўркам.

Хол кўпайиб гўзал юзин бутун қопласа,  
Оддий юзлар аро бўлур қаро юзлик ҳам.)

Жомий Навоий билан классик шоирлар ҳақида суҳбатлашиб ўтириб, Навоийнинг фикрини батамом қувватлайди ва қадим ҳақиқий истеъдод эгалари бўлганлигини айтиб, ўз замонасидаги шоирлар ҳақида: «Ҳайфу юз минг

<sup>1</sup> Навоий. Хамса, 846-бет.

ҳайф ва дарегу юз туман минг дарегким, ул қуёшлар ботиб, бир неча тийра рўзгор ҳаффошлар (яъни кўр-шапалаклар — Ш. Ш.) пару бол очиб, назарбозлик ва баландпарвозлик ҳавосида жилва қилурлар...». — дейди.

Жомий билан Навоий адабиётда асос мазмун эканлигини уқтириб, чуқур ҳаётий мазмун учун курашдилар. Агар Жомий:

Агар сўзу маъно бўлсалар боҳам,  
Буниси дақиқ, латиф, униси маҳкам.

Шоини кўтарилур то осмон қадар,  
Шоир номи кетар бир жаҳон қадар.

Таъби хира, кир шоирлар агар,  
Маъниси хира шеър ижод этсалар,

Кўтарилолмас у мийнгдан нари,  
Осилиб қолажак соқолда барн,—

деса, унга Навоий қуйидагича жавоб қайтаради:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.

Назмки, маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маоний қошида хуб эмас.

Назмки ҳар сурат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Ераб, ани халқ дил афрузи эт,  
Хаста Навоийга доғи рўзи эт<sup>1</sup>.

Навоийнинг адабий фаолиятига жуда юқори баҳо берган Жомий бу ишда ўз шогирди ва сафдошига қараб:

Зиҳи таъби ту устоди сухан,  
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан.

Суханро ки аз равнақ афтода буд,  
Ба кунжи ҳавон рахт бинҳода буд.

---

<sup>1</sup> Н а в о и й. Хамса, 34-бет.



Ту доди дигар бора ин обрўй,  
Кашида ба жавлонгаҳи гуфтугўй,

Сафоёб, аз нури роиин ту шуд  
Навойи зи лутфи навоин ту шуд<sup>1</sup>.

(Ажойиб табиат сўз устодисан,  
Қаламининг калиди очар кўп сухан.

Сухан ўлган эрди тополмай ривож,  
Ётарди назардан қолиб, беилж.

Сен унга шон-обрўин бердинг яна,  
Сўз отин бу майдонга сурдинг яна.

Юзини нуридин топди нуру сафо,  
Навойи, караминг-ла топди наво), —

дер экан, бу сўзлар Жомийнинг ўзига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Жомий жон бераётган адабиётни тирилтиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам классик адабиётнинг ҳамма турларида етук, чуқур маъно ва латиф формага эга бўлган асарлар ёзиб қолдирди.

Унинг уч лирик девони борлигини юқориде айтган эдик. Бу девонларда қасидалар жуда оз. Борларининг ҳам кўпи насихат ва ахлоқий қасидалардир. Улар орасида, айниқса, «Лужжатул асрор» қасидаси айрим ўрин тутаети. Жомийнинг ижтимоий-ахлоқий ақидаларини ифода этган бу ажойиб асарнинг ёзилиш тарихини биз юқорида ҳикоя қилиб берган эдик. Қасида катта— 98 байтдан иборат лирик асар бўлиб, 880 (1475/1476) йилда ёзилган.

Қасиданинг бошланма байтиёқ бирданига кишини катта ижтимоий масалалар муҳокамасига ундаб, чуқур мулоҳазалар келажегидан огоҳлантиради:

Кунгури айвони шаҳ к-аз коҳи Кайвон бартар аст,  
Раҳнаҳо, дон, к-аш ба девори ҳисори дин дар аст<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Хондамир. Макоримул ахлоқ. Тошкент, 1941, 26-бет.

<sup>2</sup> Қасиданинг тўла тексти эса 1917 йил Тошкентда босилган куллиётнинг 39—46-бетларида.



(Подшоҳ сарой айвонининг кунгураси Сатурн юлдузидан  
юқорироқ бўлса-да,  
Билгилки, ундан дин қалъасининг деворида раҳналар пайдо  
бўлади.)

Аммо қасидани бир бутунлигича олиб қарар экан-  
миз, унда Жомий дунёқарашининг ҳамма чалкашлик-  
лари, қарама-қаршиликлари зоҳир эканлигини кўрамиз.

Бу асарда автор, бир томондан, ўз даврининг чин  
ўгли, тақводор тасаввуф шайхи сифатида ўз асарининг  
асосий вазифасини «илоҳий сирлар»дан кишини воқиф  
қилиш деб билди ва, ҳатто, асар номини ҳам шу нуқ-  
тан назардан шарҳлайди:

«Лужжатул асрор» агар созам лақаб, уро сазост,  
З-он ки аз асрор дин баҳри лабалаб гавҳар аст.

(Сирлар теранлиги деб ном қўйсам арзийди,  
Шу сабабданким, у дин сирларига гавҳар тўла денгиздек  
лаболаб тўлгандир.)

Жомий шу позициядан туриб бу бебақо ҳаётдан воз  
кечишга, ундан қўл ювиб, у дунё ҳақида кўпроқ ўйлаш-  
га чақиради. У қадим юнон фалсафасини қоралайди.  
Абу Али ибн Сино фалсафасига манфий баҳо беради:

Нест жуз бўйи наби сўи худо раҳбар туро,  
Аз Али жў бў ки бўи Бу-Али мустақзар аст.

Даст бугсил аз «Шифон» у, ки дастурн шақост,  
Пой як су неҳ зи «Қонун»аш, ки кони навшар аст,

(Наби (пайғамбар) бўйдан бошқа сени худога  
етказадиган раҳбар йўқ,

Али бўйини изла, чунки Бу-Али бўйи чиркиндир.

Унинг «Шифо»сидан қўлингни торт, чунки у гуноҳга  
бошловчи дастур,

Унинг «Қонуни»дан қайт, чунки у янги гуноҳлар конидур.)

Аммо шайх — Жомийнинг биринчи қарашда бунча-  
лик «мустаҳкам» кўринган диний асоси санъаткор —  
Жомийнинг қалами билан кўп жойда енгилгина бузи-  
лади.

У ҳаёт ҳақида, пок яшаш ҳақида фикр юритар экан,  
дин, худо, ҳақиқат ҳақида тасаввуф поясида туриб ил-  
гари сурган ақидаларидан аста-секин чекингандек бў-  
лади. У шу қасиданинг ўзидаёқ одамларни бу дунёдан  
кечиш, гўшанишинликка эмас, ҳаётга, меҳнатга чақи-  
ради. Меҳнатни ҳаёт роҳати деб талқин этади, меҳнат  
аҳлини юксакларга кўтаради:

Марди косиб, к-аз машаққат мекунад кафро дурушт,  
Баҳри ноҳамвории нафси дағал сўҳангар аст.

Соғари роҳат бувад оз касб бир каф обнаа,  
Вақти он кас хуш, ки роҳат ёфта з-ин соғар аст.

(Меҳнат — машаққат билан кафти дағалланган косиб,  
Ўз қалбини эговлаб силлиқловчидир.  
Кафтдаги қадоқ — роҳат қадаҳи бўлади.  
У киши шу қадаҳдан роҳат топган, вақти хушдир.)

Шоир роҳатни ўз меҳнатидагинга қидиришга даъ-  
ват этиш билан бирга, таъмани, бошқалар меҳнати эва-  
зига яшашга интилувчи тамагирларни қаттиқ қора-  
лайди:

Томеъон аз баҳри тўма пеши ҳар хас сар ниҳанд,  
Қоънеонро ханда бар шоҳу вазири кишвар аст.

(Тамагирлар, тамадан ҳар қандай пастлар олдида  
бош эгадилар,  
Қаноатлилар эса мамлакат шоҳу вазирдан ҳам кулавера-  
дилар,—

дейди-да, сўнг қуйидаги чиройли образлар билан яна  
шу фикрни мустаҳкамлайди:

Мокиён аз баҳри дона мебарад сар зери коҳ,  
Қаҳқаҳа бар куҳу бар дар шеваи кабки дар аст.

(Товуқ бир дон учун бошини сомон остига тиклади,  
Тоғ каклигининг шеваси эса Тоғу Дарада қаҳқаҳа  
уриб юришдир.)

Киши ҳаётида илму фаннинг ўрнини жуда юқори  
қўйган шоир фикрлари бу жиҳатдан ҳам бошқа дин

уламоларининг тескарича қарашларидан батамом фарқ қилиб туради:

Чист зарри ноб рангин гашта хоки з-офтоб,  
Ҳар ки кард афсар зи зарри ноб, хокаш бар сар аст.

Гар надорад симу зар доно, манеҳ номаш гадо,  
Дар бараши дил баҳри дониш, у шаҳи баҳру бар аст.

(Тоза олтин нима? Офтобдан рангин бўлган тупроқ,  
Қим олтиндан тож кийган бўлса, унинг бошига тупроғи  
сочилган<sup>1</sup>.)

Агар доно олтин-кумушга эга бўлмаса, унга гадо деб  
ном қўйма,

Унинг дилида илм бўлса, у қуруқлик ва денгизлар  
подшоҳидир.)

Аммо Жомий фикрича, илмни фақат «олий мақомлар»дангина қидириш, фақат олимлардангина ўргана-ман деб юриш тўғри эмас, киши илму одобни, яхшиликни ҳаммадан — ўзидан юқоридан ҳам, ўзидан паст кимсадан ҳам ўрганиши керак:

Неки омуз аз ҳама, аз кам зи худ охир чи айб?  
Рости дар жадвали заргар зи чўбин мистар аст.

Нест қадри олно дун жуз ба миқдори ҳунар,  
Қасри шаҳро посбон бар бому дарбон бар дар аст.

Ҳикмат андар ранжи тан таҳзиби ақлу жони туст,  
Қасди воиз заври асҳобу лагад бар минбар аст.

(Яхшиликни ҳаммадан ўрган, ўзингдан пастдан  
ўрганишининг нима айби бор?

Заргар чизигининг тўғрилиги оддий ёғоч чизигидан-ку.

Баланд ё пастнинг қадри фақат ўз ҳунари билан  
белгиланади,

Шоҳ қасрида посбон — томда, дарбозабон — пастдадир.)

Тананг меҳнатининг ҳикмати ақлу жонни поклагувчидир,  
Вонининг қасди тингловчиларни ўртамоқ ва минбарни  
тепмоқдир.)

<sup>1</sup> Бошига тупроқ сочиш — бахтсизлик, фалокатга йўлиқишни ҳам билдиради.

Илм ўрганишга ёшликдан киришиб, ёшлик куч-гайратини шу йўлга сарф этиш зарур эканлигини шоир қуйидаги чиройли ўхшатиш билан уқтиради:

Дар жавони саъй кун, гар бехалал хоҳи амал,  
Мева бе нуқсон бувад, чун аз дарахти навбар аст.

(Агар ишинг бехалал бўлишини истасанг, ёшликдан  
ҳаракат қилгил,  
Чунки ёш дарахтнинг меваси нуқсонсиз бўлади.)

Шоир бу қасидада инсон, унинг хулқи, ташқи ва ички дунёси, сўзи ва иши ҳақида чуқур мулоҳазаларга бориб, шундай хулосаларга келадикки, бу фикрлар ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотмаган:

Сифларо манзур натвон сохтан к-у хубрўст,  
Меҳро дар дида натвон куфтан к-у аз зар аст.

(Олчоқ кишининг юзи чиройли бўлгани учун манзур  
тутиш ярамайди,  
Мих олтиндан бўлгани учун кўзга қоқиб бўлмайди-ку.)

Кишиларни чиройли юзига, гўзал ёки қимматбаҳо кийимига, ҳатто, яхши номига, келиб чиқишига қараб эмас, уларнинг қилган ишларига қараб баҳолаш керак, деган ҳаёт ҳикматини диний афсоналардан фойдаланиб қуйидагича таъкидлайди:

Гар наи ҳамкор бо некон зи ҳамноми чи суд,  
Як масиҳ иброи акмаҳ кадру дигар аъвар аст.

(Агар яхшилар билан ҳамкор бўлмасанг, улар билан  
ҳамномликдан нима фойда?  
Бир масиҳ кўрнинг кўзини очди, иккинчиси эса ўзи бир  
кўзли-ку<sup>1</sup>.)

Қасиданинг охирида шоир бу асарининг афзалликларини кўрсатади ва унинг неча байтдан иборат эканлиги ҳамда ёзилиш тарихини кўрсатиб шеърни тугатади.

Жомийнинг шу тахлитдаги иккинчи бир асари —

<sup>1</sup> Диний афсонадаги Дажжол бир кўзли деб тасвирланади.

буюк озарбайжон шоирн Хоқоний ва ҳинд шоирн Хисрав Деҳлавийга жавоб сифатида ёзилган «Жилоар руҳ» («Руҳ сайқали») қасидасидир.

Бу қасидада ҳам шоир юқоридаги каби ижтимоий-фалсафий ақидаларни ифода этади. Аммо бунда тасаввуф гояларига кўпроқ ўрин берилган. Қасида 130 байтдан иборат.

Жомийнинг яна бир қасидаси тўғрисида бир оз тўхталиб ўтишни лозим топамиз. Бу унинг қарилик ҳақидаги қасидасидир.

Форс адабиёти тарихида қарилик ҳақида шеър ёзган шоирлар кўп. Бу анъана устод Рудакийдан бошланган. Маълумки, Рудакий ўзининг қарилик ҳақидаги қасидасида шоҳлар хизматида бефойда ўтиб кетган ёшлигига, беҳуда қўлдан кетган соғлиғи — ҳуснига, бола-чақа ҳам орттирмай ўтган умрига ачинади, қариганда кўзларига мил чекилиб, саройдан қувилган шоир шеърини:

Замона айшиди, мен ҳам ўзгардим,  
Асою тўрвामी бер, у бошқа даврон эди,—

деган мисралар билан тугатади. Шунинг учун ҳам бу қасида «Шикоят аз пири» («Қариликдан шикоят») номини олган. Улуғ Рудакийдан кейинроқ яшаган яна бир шоир Қисоий Марвазий (953 йилда туғилган) ҳам қарилик ҳақида қасида ёзиб, унда беҳуда ўтган ёшлигига ачинади, унинг шеърисида «Мен бола-чақамга қул ва онламга асир бўлиб, молядек ишлаб ўтдим»,— деган сўзларни учратамиз:

Биёмадам ба жаҳон то че гўяму че кунам?  
Суруд гўяму шоди кунам ба неъмату мол.

Сутурвор ба дунё гўзаштам ҳама умр,  
Ке бурда гаштан фарзандаму асирн аёл.

(Бу дунёга келдим нима сўйлаб, нима қиламен?  
Қўшиқ куйлайман ва неъмату мол билан шод  
яшайман деб.

Дунёни уловдек кездим бутун умр,  
Фарзандлар жиловидою, аёлимга асир.)

Аммо Жомий қасидаси бундай умидсизлик, тушқунлик кайфиятларидан холи. Унинг қасидаси:

Сафед шуд дарахти шукуфадори сарам,  
Ваз-ин дарахт ҳамин меван ғам аст барам.

(Бошим гуллаган дарахтдек оппоқ бўлди,  
Бу дарахтдан олган мевам фақат ғамдир),

деб бошланар экан, бунда ҳам шикоят бошланаётгандек туюлади.

Аммо ундай эмас, бунда шикоят, норозилик йўқ. Жомий ҳамма нарсани теран тайёргарлик, кенг юрак ва ажойиб кўникиш билан кутиб олади.

Унингча, ҳамма нарса ўз жойида: киши ҳаётида туғилиш, ёшлик, етуклик, қарлик ва, ниҳоят, ўлим ўз навбати билан келаверади. Шунинг учун шоир ҳамма воқеани осойишта кутиб олишга тайёр. Бу кайфиятлар албатта, бир томондан, биз тилга олган ҳар учала шоирнинг ҳаёти турли хил ўтганлигидан бўлса, иккинчи томондан, тасаввуф шайхи Жомийнинг дунёқарашидаги фарқдан келиб чиққан.

Жомий ўз қасидасида занфлашган ташқи аъзолари — қулоқлари, кўзларини тасвирлайди:

Тиловате ки ба шаб кардаам ба партави моҳ,  
Ба рўз менадиҳад дастдар фуруғи хурам.

Ду чашм кардаам аз шишаи фаранг чаҳор,  
Ҳануз бас набувад дар тиловати суварам.

(Кечалари ой нурида ўқир эдим,  
Энди кундузи қуёш ёруғида ҳам ўқиймайман.  
Фаранг ойнаклари билан икки кўзимни тўрт қилдим,  
Шунда ҳам сура ўқишга кучи етмайди.)

Шундан кейин, ҳали дили бақувват, руҳи тетик, маънавий кучи етарли экани ҳақида гапириб, бундан буён ҳам яхши шеърлар ва насрий асарлар қайд этишга қудрати етажагини айтади:

Ба баҳри шеър агар фикри ман шавад ғоввас,  
Баҳойе як гуҳар ояд хирожи баҳру барам.



Ба боғи наср агар килки ман кунад жумбуш,  
Зи наҳли хушк диҳад бар меваҳон тарам.

(Агар фикрим шеър денгизига шўнғиса,  
Қуруқлик ва денгиз хирожига тенг бир гавҳар чиқади.  
Агар қаламим наср боғига ҳаракат қилса,  
Қуриган шохлардан ҳам ҳўл мевалар ундиради.)

Шоир қасидасини тубандаги мисраларда тугал-  
лайди.

Чу нест лофи ҳунар жуз далили беҳунари,  
Чаро далил иқомат кунам, ки беҳунарам?

(Ҳунардан лоф уришининг ўзи ҳунарсизлик далилидир,  
Нега энди ҳунарсизлигимдан далил келтирай?)

Аммо шоир ғазалларидан бирида:

Гуфтам: — Накунам майли жавонон чу шивам пир,  
Фарёд, ки чун пир шудам ҳирс фузун шуд.

(Қаригач, ёшлар майлини қилмайман, деган эдим,  
Фарёдки, қаридиму ҳирсим ошиб кетди.)—

дер экан, бунда у тамоман ҳақли.

Жомий жуда ёшлик давридан тортиб ниҳоят қариб  
қолган даврларигача ҳамма вақт ажойиб эҳтирос жў-  
шиб турган лирик ғазаллар яратди.

У ғазалда Қамол Хўжандийга эргашганлигини ай-  
тади.

Шоир бу ғазалларида соф инсоний ишқ-муҳаббатни,  
ҳажр алами, ёрга етолмаслик гами билан бирга, ҳаёт-  
дан олган завқу шавқи, юрак изтироби, ҳаёт панди на-  
сихатини, дил дард-аламинини ифода этади.

Бундай ҳис-туйғуларни ифода этар экан, Жомий ға-  
залда ажойиб уйғунлик, равонлик, мусиқийликка эриша  
олади.

У Муслиҳиддин Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Қамол  
Хўжандий каби ғазалсаро шоирлар билан бир қаторда  
туришга лойиқ. Унинг ғазаллари ҳам юқорида номи  
келтирилган сўз устодлари шеърларидек ғазалхонда  
турли кайфиятлар яратишга қодир:

Ошиқам, бечораам дармондаам,  
Бедилу бе дину дилбар мондаам.

Ошиқи бо хобу хўр н-ояд дуруст,  
Ложарам беҳобу беҳўр мондаам,

Рўзу шаб дор интизори мақдамат  
Чашм бар раҳ, гўш бар дар мондаам.

То чу жоми май зи дастам рафтан,  
Бо дули пурхун чу соғар мондаам.

Рафтаам дар боғ в-аз шавқи қадат,  
Рўй бар пойи санавбар мондаам.

Жомий, аз ман саждан тоат мажўй,  
Чун ман акнун пеши бут сар мондаам.

(Ошиқу бечораю афкандаман,  
Бедилу бедину беёр анда ман.

Еб-ичиш ошиқлара эрмас дуруст,  
Емагу ичмакни қилдим канда ман.

Кўзларим йўлда, вужудимдир қулоқ,  
Мақдамингга интизор ўлғанда ман.

Сен чиқиб кетдинг қўлимдин косадек,  
Қонли дил — май косаси, афганда ман.

Юз ўғирмишман санобар қаддиға,  
Қоматингнинг шавқидин гулшанда ман.

Жомий, энди кутма тоат-саждасин,  
Бутга бошимни эгиб турганда ман.)

Ҳазалнинг биринчи байтидаёқ киши қалбини бирдан ўраб, қамраб олувчи ажойиб мусиқийлик, ички қофиялар, аллитерациялар, бир-бирини кучайтириб, кетма-кет келаётган денгиз мавжидек изчил, аммо жуда майин оҳанг яратган анафора (қайтариқ)лар бор. Булар ҳаммаси шоир бизга баён этаётган фикрнинггина эмас,

ҳис-туйғуни ташиб, бизнинг дилимизга олиб кира беради.

Шунча бадиний воситаларга эга бўлган шеър, у олиб келаётган фикр ва туйғулар жуда равонлик билан юракка қуйила беради. Бу равонлик, бу соддалик доҳиёна соддаликдир.

Шоир бу ғазалида биринчи мисрадаги «дармондаам» ва 6-мисрадаги «дар мондаам» каби тўлиқ тажнислар билан жуда оҳангдор ва дарров ёдланиб қоладиган мисралар яратади.

Урта аср ғазалчилари ғазалда ҳар бир байт айрим маъно ташиydi, унга аввалгисига боғлиқ бўлмаган фикрлар юкланиши мумкин, дер эдилар. Улар, ғазалдаги байтларда форма элементлари вазн ва қофиядан бошқа умумий ҳеч нарсаси бўлмаган байтлар ҳам бир шеърга тўпланиши ёки, классик адабиётимиз тили билан айтганда, турли жило ва турли қийматга эга бўлган дурларни бир вазн ипига тизиш мумкин, деб билардилар ва шундай қилардилар.

Аммо Жомий ғазалларида биз, кўпинча, тематик яхлитликни мушоҳада қиламиз:

Жон аз он лабҳо ҳикоят мекунад,  
Тўти аз шаққар ривоят мекунад.

Ҳарки меғуяд ҳадиси салсабил,  
3-он лаби нўшин киноят мекунад.

Дур аз он лаб, жон — яке нолон най аст,  
«Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад.»

3-он лаби ҳамчун шақар монда жудо,  
«Аз жудонҳо шикоят мекунад.»

Аз рақибон мекунад паҳлу тиҳи  
Жониби моро риоят мекунад.

Чашми шўхаш мекашад теғи жафо,  
Лаъли жонбахшаш ҳимоят мекунад.

Қатли Жомийро чи ҳожат бори теғ,  
Ғамзан уро кифоят мекунад.

(Жоним ул лабдин ҳикоят айлаюр,  
Тўти шақкардин ривоят айлакр.

Салсабил<sup>1</sup> сўзини ким тилга олар,  
Ул ширин лабдин киноят айлаюр.

Айру ул лабдин бу жон — нолон най,  
Тингла, най нечук ҳикоят айлаюр:

Бўлди шақкардек ўшал лабдин жудо,  
Бу жудоликдин шикоят айлаюр.

Ул рақибларга ўғирмиш орқасин,  
Биз томонга хўб ривоят айлаюр.

Шўх кўзлар тортадур тини жафо  
Жон берар лаъли, ҳимоят айлаюр.

Қатли Жомийга на ҳожатдур яроғ,  
Ғамзасин ўзи кифоят айлаюр.)

Бунда кўриниб турибдики, шеърдаги ҳамма бўлақлар, ҳамма образлар, ҳамма бадний ифода воситалари, мажозлар, ўхшатишлар ва бошқаларнинг ҳаммаси асосий мавзу—севгили ёрлаби, унинг васфи, ундан жудоликнинг оғирлигини тасвирлашга қаратилган. Ҳар бир деталь шу мақсадни ва шу билан боғлиқ бўлган ҳис, туйғу, ҳаяжонни ўқувчи дилига олиб киришга хизмат қилади. Шу маънода барча мисралар мантиқ цементи билан цементланиб яхлитланган.

Бу шеърда яна бир суҳан устоиди, XIII асрнинг машҳур тожик шоири Жалолиддин Румий маснавийсидан жуда машҳур бўлган:

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад  
Аз жудойҳо ҳикоят мекунад,—

каби мисралар жуда усталик билан тазмин қилинган. Шундай қилиб бунда бир неча мисралар бошқа бир шоирнинг, ҳатто, бутунлай бошқа бир жанрда ёзилган асарнинг сатрлари бўлишига қарамай, ҳар бир байт

---

<sup>1</sup> Салсабил — афсонавий жаннат булоғи.

ажойиб уйғунлик билан киши дилига шўришу гавго, жилваю ноз, мавжу тўлқин солувчи, гоҳ шакар иноят қилувчи, гоҳ ўлдирувчи кўзлардан, ҳимоят эткувчи лаблардан ҳикоя қилади.

Бу улкан шоир ўзидан илгариги, беқиёс анъанага эга бўлган форс-тожик адабиёти дурдоналарини жуда яхши билган, унда қўлланилиб келинаётган бадий воситалардан усталик билан фойдалана олган ва уни бойида билган доҳий санъаткордир.

Жомий газалларини шундай варақлаб ўқий бошлар экансиз, унда антитеза—деталларни қарама-қарши қўйиш услуби ҳам тез-тез учраб туради. У гоҳ ўз ҳолига ёр аҳволини, гоҳ ўз ҳисларига ўзгаларнинг туйғусини, гоҳ табиат манзараларига ўз дил тўлқинларини рўбарў келтириш йўли билан ажойиб яққоллик — контрастлик яратишга, шеър мавзунини чуқур ва батамом очиб беришга, шеър таъсирини ўткирлаб, шеър жамолини камолатга етказишга жуда моҳир.

Оташ андар хирмани мо зад рухат в-ин равшан аст,  
Холи мушкини ту бар руҳ доное з-ин хирман аст.

Он руҳи нозук чу, аз дида рафт, аммо ҳануз  
Нақши холаш чун снёҳи монда дар чашми манаст.

Ту моро чашминву то бар бому рўзан омади,  
Чашми ман гаҳ бар канори бому гаҳ бар рўзан аст.

Шаб ниҳоний руҳ, ба поят судаам, инак нишон —  
Қатраҳойи хуни ашки ман туро дар доман аст.

Дил асри дому жон мурғи ҳарини боми туст,  
Доғи хирмону гами ҳижрон саросар бар тан аст.

Берухат гуфтам: нау пур мекунам доман зи ашк.  
Гуфт: Жомий, кори неку кардан аз пур кардан аст!

(Хирмонимизга юзинг ўт урди ва бу равшандир,  
Сенинг мушкин холинг шу хирмандан бир донандир.  
Ул нозик руҳ сув каби кўзимдан оқди,  
Аммо холинг нақши қоп-қаро бўлиб кўзимда қолди.  
Сен менинг кўзиму тому туйнукдан келасан,  
Кўзларим гаҳ томда, гаҳ туйнукдадир.

Кечаси юзимни оёғингга яширинча суртдим,  
Этагингдаги қонли ёшларим изи бундан нишондир,  
Дилим тузоғингга асиру жоним томинг ҳарамни қуёшиндир,  
Ҳарам доғи ва ҳижрон гами танамни қуршаб олган.  
Юзингсиз дедимки: этагимни кўз ёшим билан роса  
тўлдираман.

• Деди: э Жомий, яхши иш қилмоқ — тўлдирмақдир.)

Шоир ўзининг яна бир шеърда бундай дейди:

Шабам дар мотами ҳижрон ду абру дар хаёл омад,  
Ба сина ҳар кужо ноҳуи задам шакли ҳилол омад...

Ба васфи он даҳони танг гуфт аксар сухан Жомий,  
Аз он ру ошиқони тангдилро ҳасби ҳол омад.

(Кечаси ҳижрон мотамида икки қошинг хаёлимга келди,  
Кўксимга тирноқ урган ердан ҳилол шакли пайдо бўлди.  
Жомий, ул тор огиз васфида сўз айтса,

Унинг сўзидан юраги сиқилган (тор) ошиқлар аҳволидан  
зорланиш чиқди.)

Ноиложлик, ҳаяжон билан кўкракка урилган тирноқ  
изи нечун уч кунлик ой (ҳилол) шаклида қонли излар  
ҳосил қилади, чунки у гўзал маъшуқанинг қошлари ҳи-  
лол шаклида. Ошиқларнинг сиқилган юраги тилга кели-  
шига сабаб унинг оғзи ниҳоят кичик бўлганидан ва  
ҳоказо.

Бундаги ташбиҳлар нақадар табиий, нақадар бир-  
бирини тақозо қилувчи ва бир-биридан туғилувчи экан-  
лиги кўриниб турибди.

Жомий замонида ва, умуман, классик адабиётда  
араб ҳарфларининг шаклидан фойдаланиб тузилган  
«қаддим дол», яъни қаддим «д» (د) ҳарфидек эгилган,  
«алиф (ا) дек қомат» каби иборалар кўп ишлатилган.<sup>1</sup>

Абдурахмон Жомий ҳам бу усулдан жуда усталик  
билан фойдаланади. Масалан, бир шеърда у бундай  
дейди:

<sup>1</sup> Бу ерда устод Рудакийнинг қуйидаги жуда гўзал қитъасини  
эсламай ўтолмаймиз:

Холингни этибдур жим ичра нуқта,  
Ул ким яратмишдир зулфинг жим қилиб.  
Лабинг мисолини кўрса бўлади,  
Анор донасини тенг тахсим қилиб.

Бу ердаги «жим» ҳам араб алифбесига «Ж» (ج) ҳарфи.



Чашми ту «сод» асту сари зулфи «дол»,  
Бо худ аз он ҳар ду маро сад хаёл.

(Сенинг кўзинг «сод»у зулфинг учи «дол».  
Шу иккаласидан менинг бошимда юз хаёл.)

Бу байтда «сод» араб алифбесидаги (ص) ҳарфи, ундан сад — юз сўзини келтириб чиқариш, ошиқ бошида сад (юз) хаёлга сабаб маъшуқа кўзининг «сод» шаклида бўлиши, деб жуда чиройли небот қилинган, яъни бу ерда «ҳусни таълил» санъати қўлланилган дейиш ҳам мумкин.

Аmmo бу байт арабча хат билан ёзилганда биз гўзал кўзларнинг ва учи қўнғироқ сочларнинг сўз билан қилинган тасвириинигина эмас, балки қоғоз устидаги нақш-ни ҳам кўргандек бўламиз. Яна зулфинг учи «дол» дер экан, шоир «*دال*» сўзини мисра охирига қўйган ва қўлланилган образларнинг тўла мусовийлиги, уйғунлашувига эришган.

Агар Жомий ғазаллари айрим қисмлари устида шундай мулоҳаза юритиб кетаверсак, бу иш жуда катта ҳажмли китоб тақозо қилади. Аммо ғазал таҳлили деталларни текширишни талаб этади. Шунинг учун биз шу бир печа мисол билан кифояланамиз.

Шу мисолларнинг ўзи ҳам шоирнинг ўз ғазалидаги ҳар бир сўз, ҳар бир образга нақадар жиддий қараганлиги ва бу қийин ҳунарда ажойиб маҳорат кўрсатганлигидан далолат беради.

Алишер Навоий бир қитъада ғазалгўй шоирлар ҳақида гапириб, ғазалда уч устоз борким, улардан яхшироқ назм қилиш аҳтимоли ҳам йўқ, дейди ва бу санъатда Жомийни Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозийлар қаторига қўяди:

Ғазалда уч киши товридуру ул навъ,  
Қи андин яхши йўқ, назм аҳтимоли.  
Бирин мўъжизбаёнлик Соқари Ҳинд,  
Қи ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.  
Бирин исонафаслик Ринди Шероз,  
Фано дайрида масту лоуболий.  
Бирин кудси асарлик Орифи жом,  
Қи жомини Жамдурур сингон сафоли.

Хулоса қилиб айтганда, Жомий ғазаллари жуда но-  
зик ва жилвадор, ҳаётий образларга бой, халқ қўшиқ-  
ларидек оҳангдор.

Уларнинг тили эса ўз замондошларига нисбатан  
анча содда ва тушунарли.

Аmmo бу гап унинг шеърлари ўз замонасининг серта-  
каллуф шеър техникасидан тамоман маҳрум деган сўз  
эмас, албатта. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам:

Чу дибоест аз нақши такаллуф сода назми ман,  
Чу ғам к-аз содаги хоҳад фулон бенақшу баҳмонаш.

Хуш ояд дар сухан санъат зи шоир, лек чандон не,  
Ки орад камоли маънии мақсуд нуқсонаш.

(Безаксизу юмшоқ лебо шоҳидур шеърим,  
Соддалигин кўриб, «бенақш» десалар не ғам.

Безак шеърга ярашадн аммо кўп бўлса,  
Маъносига путур етар ё берар барҳам.)—

дейди-да, формага путур етган чоқда ҳам мазмун аниқ,  
равшан, салмоқдор бўлиши кераклигини уқтиради. Ўзи  
ҳам бутун умр шунга амал қилади.

Жомий ижодининг асосий қисмини етти дostonдан  
иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахта»)<sup>1</sup> асари ташкил қи-  
лади.

Жомий бир кунни Навоий билан хамсачилик ҳақида  
суҳбатлашгандан кейин, «Хамса» ёзишга иштиёқ туғи-  
лади ва 5 дostonдан иборат «Хамса» ёзади.

1. Туҳфатул аҳрор (Нуронийлар туҳфаси). Ҳижрий  
886 (милодий 1481/1482) йилда ёзилган. Тасаввуф по-  
зициясидан туриб ёзилган бу дидактик асар 20 суҳбат  
(боб)дан иборат. Ҳар бир боб шу суҳбатда илгари су-  
рилган ахлоқий қондани тасдиқловчи масал билан ту-  
гайди.

Бу поэмада автор ўз замонасининг инкнюзлама  
уламоларини фош қилиб, уларнинг ҳаётдан, оддий  
халқдан ажраб қолганликларини кўрсатади. Амалсиз  
илм ҳеч нарсага арзимаслигини уқтиради.

<sup>1</sup> Етти юлдуздан иборат бўлган Катта айиқ юлдузлар туркуми-  
ни ҳам фолс тилида шундай атайдилар.

Достоннинг ўн учинчи сўҳбатида зулм ва золимликни қаттиқ қоралайди. Унда ҳукмдорларнинг еган-ичгани ҳаром деган хулосага олиб келадиган:

Мева тўлиқ дастурхонингда товуқ,  
Бева уйи, етим боғидин солиқ.

Мишган отинг арпасини отбоқар  
Бошоқчидан тортиб олар ҳар сафар.

Овчи қушнинг емиши эл жўжаси,  
Бирор қашшоқ кампир анинг хўжаси,—

каби сўзларни ўқиймиз.

Поэманинг охирида шоир ишқ муҳаббат ҳақида гапирди, ҳайвоний ҳирсини ҳақиқий ишқдан ажрата билиш керак, дейди.

Бу асарда шоир пул — мол учун ҳар кимни мақтай берадиган тамагир шоирларни ҳам қаттиқ қоралайди.

2. Сибҳатул аброр (Тақводорлар тасбеҳи). Ҳижрий 887 (1482—1483) йилда ёзилган. Бу тасбеҳ 40 нқд—дурдона, яъни қирқ бўлимдан иборат.

Поэма шоир Хусайн Бойқарога бағишланган бўлса-да, аммо автор бу асарининг «номи икки шеър бўлган соҳибқиронга», яъни Алишер Навоийга маъқул тушишини истайди.

Бу асарда ҳам Жомий мамлакат усул идораси масалаларига қайтар экан, шоҳларни адолатга, инсонпарварликка чақиради.

Сўфийлар ҳақида гапирар экан, у ҳақиқий тасаввуфчилар ўз кунини ўзи кўриши кераклигини айтиб, бошқалар ҳисобига яшашни, текинхўрликни қоралайди. Ўз давридаги сон-саноқсиз қаллобларни динни дастак қилиб олиб, халқ ҳисобига бойлик тўплайдиган эшону шайхларни фош қилади.

Ҳақиқий сўфий бойликка интилмаслиги, худбинликдан, ўз фойдасини кўзлашдан бош тортиши кераклигини зўр эҳтирос билан таъкидлайди.

Аммо Жомийнинг фикрича, бу талаб кишини ғамгин, аламзада қилиб, руҳий тушкунликка олиб келиши керак эмас. У камбағал бўлса-да, ҳаётдўст, хуррам бўли-

ши, дили оғриган кишиларга шакар беришга қодир бўлмаса-да, ширин кулги ҳадя қилиши керак.

Булут эмассан-ку, солинган қовоқ,  
Ниятингдир токай шундоқ яшамоқ?

Яхшидур чақмоқдек дарахшон бўлсанг,  
То тириксан — шодон ва хандон бўлсанг.

Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,

Шакардан топади маза оғиз — тил,  
Кулгидан топади лаззат руҳу дил.

Юзларинг буришиқ, тун каби қаро!  
Тонгдек кул, йўқолсин ажин — можаро.

Улуғ шоир бу асарида кишиларни бекордан-бекорга низолашмасликка, биродарона ҳаёт кечиришга, бир-бирларига кўмакдош бўлишга чақиради. Инсоннинг вазифаси одам жинсига орқадан бўлиш, унга яхшилик қилиш эканлигини айтади. Бу яхшилик ҳам бошқалар зарарига бўлмаслиги, бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқармаслиги кераклигини таъкидлайди.

Ҳар қандай ишни сулҳ, тинчлик билан ҳал қилиш мумкин эканлигини қайта-қайта уқтиради.

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан,  
Ўзгалар базмини қилади равшан.

Булут бўл, сув бериб қуйганда ёмғир,  
Гулни ҳам, хасни ҳам суғорар бир-бир.

Ҳаммага омонлик истагувчи бўл,  
Шунда адоватга қолмагай ҳеч йўл.

3. Юсуф ва Зулайхо. Ҳижрий 888 (1483) йилда ёзилган. Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо»си жуда кенг тарқалган. У ҳатто Фирдавсийнинг шу мавзудаги достонини ҳам сиқиб чиқарди.

Поэма охирида шир бу дунё — ўткинчи дунё, унинг ҳеч кимга вафоси ҳам, яхшилиги ҳам йўқ деган фикрларни илгари суриб:

Бу дунёда хуррамликдан йўқ нишон,  
Бўлганда ҳам, ундан маҳрумдир нисон.

Шодлик ўйн билан дилнинг тўлдирма,  
Озодликни хаёлга ҳам келтирма.

Ниятингга етмайин ҳам шод бўлгил,  
Қуллик банди билан ҳам озод бўлгил.—

дейди. Бу сўзларда, албатта, ўша даврда Хуросон халқининг оғир турмуши акс этган.

Аmmo Хайём ва Ҳофизлар: «бу дунё меннинг қўлимда бўлса, бузиб қайтадан ясар эдим» деган мазмундаги мисралар билан исён кўтариб, дунёни ўзгартириш керак деган хулосага келган бўлсалар, Жомий тақдирга тан бериш, қуллик бандида ҳам ўзини озод ҳис қилиш керак, деган хулосага келади.

Бу поэмада шоир олти ёшли ўгли Зиёвиддин Юсуфга насиҳат қилиб, китоб таърифида жўшқин сатрлар ёзиб қолдирадн:

Бу дунёда китобга юз ўнгиргил,  
Китоб фикри, китоб зикрида бўлгил.

Билимдонлар сўзи бордур бу бобда,  
«Билимдон гўрдаю илим китобда!»

Агар ёлғиз эсанг ҳамдам китобдур,  
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Ҳақ олмай ўргатур устоддин ортиқ,  
Билимдин ҳар дам айлар кашф тортиқ.

Чарм жилд, зеҳнли суҳбатдошингдур,  
Чинқармай ҳеч овоз сўзлайди кўп сир.

Ичи гул-ғунчадек таҳ-таҳ варақдур,  
Варақ нарҳини сўрсанг бир табоқ дур.

Бу рангин чармдан тахти равондир,  
Ичида икки юз жонон ниҳондир.

Бари мушқин юзу кокил-бакокил,  
Назокатдин бўлиб бир жону бир дил.

Юзин юзга қўйиб хомуш ётар жим,  
Агар бармоқ била очса лабини ким.

Латифлик бирла аста оғзин очгай,  
Тумон, лак гавҳари маънони сочгай.

Гаҳи қуръон сиридин айлар огоҳ.  
Паямбар сўзларидин сир очар гоҳ.

Гаҳи софдил рафиқдек жон фидолик,  
Гаҳи қилгай сенга ул раҳнамолик.

Гаҳи қуръон сиридин айлар огоҳ,  
Юнон ҳикматига айлар ишорат.

Гаҳи ўтган кишилардан ҳикоят,  
Гаҳи келгуси ишлардан башорат.

Гаҳи шеър денгизидин ул олиб дур  
Ақл чўнтагига гавҳар қуйибдур.

Бу ҳикматларни бориға қулоқ сол,  
Асл мақсадни синчиклаб билиб ол.

4. Лайло ва Мажнун. Ҳижрий 889 (1484) йилда ёзилган. Авторнинг ўзи бу дostonда Низомий Ганжавий ва Хисрав Деҳлавийлар изидан борганини таъкидлайди. Аммо дostonнинг мазмуни анча ўзгартирилган.

Жомий Шарқда кенг тарқалган бу поэмада ҳам тасаввуф гоёларини тарғиб қилиш ва унга сўфиёна талқин беришга интилан.

5. Хирадноман Искандарий (Искандар хирадномаси). Ҳижрий 890 (1485) йилда ёзилган.

Бунда шоир одил шоҳ образини яратиб ўз идеалини чизиб беради.

Искандарни халқнинг ўзи шоҳ қилиб кўтаради. У Арасту қўлида тарбия кўрган билимдон, олим киши, аммо унинг энг асосий фазилати — ўз зарарига бўлса ҳам халқ фойдасини кўзлашдир:

Майли бўлса ҳамки ўзига зарар,  
Халққа яхшиликни ўйлар Искандар.



Мана шу сифати учун уни халқ подшо қилиб кўта-  
ради.

Искандарнинг Чин хоқонига қарши юриши ҳақида ёзар экан, шоир ҳатто уруш, жангу жадал саҳналарини тасвирлашни ҳам лозим топмайди-да, умуман, босқинчилик урушларига қарши бир масал келтириш билан кифояланади.

Масалда Искандар бутун Шарқни олиб, энди Хитой элига таҳдид солади.

Хитой хоқони Искандарга совға юборади. Совға — бир канизак, бир ғулом, бир сидра кийим ва бир товоқ овқатдан иборат эди.

Искандар совғанинг бундай озлигига ҳайрон бўлади. Шунда унинг ёнидаги донишмандлар унга бу совғанинг мажозий маъносини изоҳлаб берадилар. Бир кишига битта хотин, бир ёрдамчи (ғулом), йилига бир сидра кийим, кунига бир тавоқ овқат етади-ку. Шундай бўлгач, уруш қилиб, ўзгалар юртини вайрон, кишилар дилини қон қилишнинг нима ҳожати бор?

Бу сўзларни эшитган Искандар уруш қилишдан воз кечиб, қайтиб кетади.

Бу бўлимнинг охириги мисраларида шоир Искандар образи орқали бутун ҳукмдорларга қараб бундай дейди:

Чунин зий, ки гар бошадат Шарқ жой,  
Кунандат талаб аҳли Ғарб аз худой.

На з-инсон, ки дар Райи шави жойгир,  
Ба нафринат аз Рум, хезад нафир.

(Шундай яшагилки, сен бўлсанг Шарқда,  
Сени дуо қилсин одамлар Ғарбда.

Аксинча, бўлмағил яшасанг Райда,  
Қарғишлар қўпмасин Рум деган жойда.)

Умуман, Жомий жуда сулҳжўй бўлган, баъзан Ҳусайн Бойқарони ноҷўя ҳарбий юришларини ҳам Алишер Навоийга айтиш йўли билан тўхтатиб қолишга ҳаракат қилган.

У фақат дostonлардагина эмас, ғазал, қитъа ва бошқа асарларида ҳам ҳар қандай адоватни тинчлик билан бартараф қилишга чақиради.

Жомий «Искандар хирадномаси»да ижтимоий ҳаёт

программаси қилиб Низомийнинг хаёлий социализмга ўхшаш назариясини илгари суради.

Искандар бир шаҳарга келиб қолади, унда:

На бадавлат бору на гадо, фақир,  
На шоҳу на султон, на хону амир.

Баробар барининг улуши, моли  
Ва бир хил барининг ҳоли-аҳволи.

У ердаги аҳоли очарчилик, камбағаллик, уруш, қон тўкиш нима эканлигини билмайди. Ҳаммасининг бойлиги ҳам, мол-ҳоли ҳам баробар, ҳаммасида биттадан эшиксиз ва қулфсиз уй.

Жомий ҳамма жойда шундай ҳаёт қуриш керак деб таъкидламаса-да, аммо бу жой ҳақидаги сатрларни ўқиган ҳар бир киши, шундай ҳаётга эришининг орзу қилади. У давр учун шунинг ўзи ҳам катта куч эди.

Жомийнинг бу достони ҳам ўзидан илгари шу хилдаги поэмалардан ажралиб туради. Шоир бу асарини Искандарнинг ҳарбий юришлари ҳақидаги асардан кўра кўпроқ панд-насиҳат китобига айлантиради. Бу нарса китобнинг номидан ҳам кўриниб турибди.

Шоир китобнинг кириш қисмида ҳам буни кўрсатиб ўтган:

Кунун кардами пушти ҳиммат қавий,  
Диҳам маснавийро либоси навий.

(Бугун ҳиммат камарини маҳкам боғлайман,  
Маснавийга янги либос кийгизаман.)

У Низомий ва Деҳлавийлар бу ишда қанча хазинани қўлга киритганларини таърифлаб, сўнгида:

Хирадномаҳо з-он ихтиёри ман, аст,  
Ки афсонаҳои на кори ман аст,

Зи асрори ҳикмат суҳан рондан,  
Беҳ аз қиссаҳои куҳан рондан...

(Улардан фақат насихатномаларгина менинг  
ихтиёримдир,  
Афсоналар айтиб ўтириш менинг ишим эмас,

Ҳикмат сирларидан сўз юритмоқлик,  
Эски қиссаларни юритиш (сўзлашдан) кўра  
яхшироқдир...—

дейди.

Дарҳақиқат Искандар ҳақидаги бу дostonни Жомий панду насихат китобига айлантириб юборади. Бунда шоир ақл-идрок ва билимнинг киши ҳаётидаги, шоҳлар сиёсатидаги ролини ифода этиб беради.

Унда Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Буқрот (Гиппократ), Пифагор, Исклинос, Хормис, Гермес, Искандарнинг ўзи ҳам бошқаларнинг панднома, насихатномалари бор.

Бундан ташқари, Искандарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳам, уни кўмиш маросими, онасининг азаси ва бошқалар ҳам нақшбандия назарияси нуқтаи назаридан ахлоқ нормаларини белгилаб берувчи намуна, тимсол, насихатномага айланиб кетган.

Жомий бу беш дostonни тамом қилгач, унга яна икки дoston қўшади ва унинг «Хамса»си етти дostonдан иборат бўлиб, «Ҳафт авранг» номини олади.

Бу икки дostonдан бири «Силсилотуз заҳҳоб» («Олтин занжир») дostonи. Бунда тасаввуф ғояларининг бир қатор қийин ва чалкаш масалалари устида сўз юритилади. Назарий ақидалар қизиқ ва конкрет масаллар билан тасдиқланади. Дoston уч бўлим (дафтар)дан иборат бўлиб, биринчи бўлим ҳали «Хамса» ёзишга киришмасдан бурун (1472 йилда) ёзилган эди. «Хамса»ни ёзиб бўлгач ҳижрий 890 (1485) йилда шоир поэмага яна бир бўлим қўшади. Бу бўлимда сўфиёна ишқ, илоҳий муҳаббат талқин этилади.

Кейинчалик, 1485 йилдан сўнг, Жомий бу дostonга яна учинчи дафтарни қўшади. Бу бўлим давлатни идора қилиш ҳақида бўлиб, турк султони Баёзид II га бағишланган. Бунда ҳам адолатли подшо образи ва унинг ҳукмронлик намунаси берилган.

«Ҳафт авранг»га кирган поэмаларни еттинчиси ҳижрий 884 (1479/80) йилда ёзилган «Саламон ва Ибсол» поэмасидир.

Қадим юнон қиссаларидан олинган бу сюжетдан ҳам Жомий тасаввуф ғояларини тарғиб қилиш учун фойдаланади. Аммо тасаввуф терминологиясидан беҳабар оддий халқ бу дostonни ширингина ишқий қисса сифатида қабул қилади.

Бу поэмада ҳам шоир ҳукмронлар ҳақида гапириб, жуда илғор фикрларни баён қилади:

Ул зийрак олим айтди бир сўзки, яхши гоят:  
Мамлакатнинг таянчи дин эмасдур — адолат.

Адолат бирла элда машҳур бўлса кофир,  
Диндор золим кишидин юрт учун яхшироқдир.

Бу шеърӣ китоблардан ташқари, Жомийнинг насрий асарлари ҳам жуда кўп, булар орасида фалсафадан, тилшуносликдан, адабиётшуносликдан, тарихдан, авлиёлар ҳаётидан, ҳадисдан, музикадан, илоҳиётдан ёзилган ўнлаб китобларни учратамиз.

«Миръотул хаёл» («Хаёл кўзгуси») тазкирасининг автори Шерхон Лудий Жомий асарлари сонини 99 гача олиб боради, аммо 1500 йилда ёзилган «Тухфан Сомий» тазкирасида 45 асарнинг номи тилга олинган.

Профессор Бертельс ўзининг Жомий ҳақидаги моно-график китобида қуйидаги 52 асарнинг номини келти-ради:<sup>1</sup>

1. Шавоҳидан нубувв (Пайғамбарлик исботи).
2. Нафаҳотул унс (Дўстлик насми).
3. Нақши фусус.
4. Ашиъатул ламоат (Ғилтираш нури).
5. Шарҳи қасидаи «Ҳамрияи» Форидия (Ибнал Фо-риднинг «Май қасидаси» шарҳи).
6. Шарҳи қасидаи тоия («То» ҳарфи қофиясига ёзил-ган қасида шарҳи).
7. Рисолаи шароити зикр (Зикр шароити ҳақида ри-сола).
8. Рисолаи маносики ҳаж (Ҳаж қилиш шартлари ҳақида рисола).
9. Баҳористон.
10. Рисолаи аруз (Аруз ҳақида рисола).
11. Рисолаи мусиқи (Музика ҳақида рисола).
12. Ловоих (Лавҳалар).
13. Девони аввал (Биринчи девон).
14. Девони соний (Иккинчи девон).
15. Девони солис (Учинчи девон).

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Джами (эпоха, жизнь творчество). Тад-жикгосиздат, 1949, стр. 107—110.

16. Дафтари аввали «Силсилотуз заҳаб» («Олтин занжир»нинг биринчи дафтари).
17. Дафтари дўввими «Силсилотуз заҳаб» («Олтин занжир»нинг иккинчи дафтари).
18. Саламону Ибсол.
19. Дафтари севвуми «Силсилотуз заҳаб» («Олтин занжир»нинг учинчи дафтари).
20. Тухфатул аҳрор (Нуронийлар туҳфаси).
21. Сибҳатул аброр (Тақводорлар тасбеҳи).
22. Юсуфу Зулайҳо.
23. Лайлою Мажнун.
24. Хирадномаи Исқандарий.
25. Рисолаи муаммои кабир (Муаммо ҳақида катта рисола).
26. Рисолаи муаммои мутавассит (Муаммо ҳақида ўртача рисола).
27. Рисолаи муаммои сағир (Муаммо ҳақида кичик рисола).
28. Рисолаи муаммои манзум (Муаммо ҳақида шеърӣ рисола).
29. Муншаъот (Мактублар).
30. Суханони Хожа Порсо (Хожа Порсо сўзлари).
31. Шарҳи байти «маснавий» («Маснавий» байти-нинг шарҳи).
32. Арбаин ҳадис (Қирқ ҳадис).
33. Рисола фил «вужуд» («Вужуд» (термини) ҳақида рисола).
34. Шарҳи байти Хисрав (Хисрав байти шарҳи).
35. Шарҳи ҳадис («Ҳадис» шарҳи).
36. Таҳқиқул мазоҳиб (Фалсафӣ системалар таҳқиқи).
37. Шарҳи рубоиёт (Рубоиёт шарҳи).
38. «Қуръон» шарҳи (Бу шарҳ тамомланмай қолган).
39. Абу Зарра Гиффорӣ ҳадисига шарҳ.
40. «Ло илоҳа иллоллоҳу» ибораси ҳақида рисола.
41. Хожа Абдуллоҳ Ансорӣ биографияси.
42. Ҳинд шайхларининг савол-жавоблари ҳақида рисола.
43. Қофия ҳақида рисола.
44. Шеърӣ рисола.
45. Ал Фавоидаз Зиёя фи шарҳул Қофия (Қофия рисоласи шарҳи).

46. Шарҳи баъзе аз «Мифтаҳул ғайб» («Ғойиб калиди»дан парчаларга изоҳлар).

47. Нақдан нусус (Нусус танқиди).

48. Нақшбанд таълимоти ҳақида рисола.

49. Мавлавий (Жалолиддин Румий) биографияси.

50. Абу Розий Уқайли сўзларига шарҳ.

51. «Воҳид» термини ҳақида рисола.

52. Форс тилининг шеърӣ грамматикаси.

Е. Э. Бертельснинг бу рўйхатидаги 45-рақамли китоб Урта Осиёда «Шарҳи Мулло» ёки «Мулло Жомий» деб ном чиқарган бўлиб, у XII аср араб тилшуноси Ибнул Хожибнинг «Ал Қофия» номли араб тили синтаксисига шарҳлардир. Жомийнинг ўзи бу китобнинг охирида: «897 йил II рамазон шанба кунн эрталаб тугатдим»,— дейди. Бу 7 июль 1492 йилга тўғри келади. Демак, Жомий бу китобни умрининг энг охириги кунларида ёзган. Бу китоб бутун Урта Осиё ва, ҳатто Идел бўйи татарлари мадрасаларида ҳам дарслик бўлиб хизмат қилган.

Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, Жомий ижоди жуда кенг. Аммо улар орасида замона занги кемирган, давр ғубори босган, тасаввуф тамғасидан қутулолмаган асарлар ҳам борки, ҳазир бу оммабоп китобчада уларнинг таҳлилига имконият ҳам, зарурат ҳам йўқ.

Аммо Жомийнинг музика ҳақидаги рисоласи ва, айниқса, унинг ажойиб насрий асари «Баҳористон» ҳақида тўхталиб ўтишимиз мақбул.

Бу азамат олим ва улкан маданият арбоби насрий асарларининг кўпчилиги шарҳлар, изоҳлар, адабиётшунослик, тилшунослик ва тасаввуф фалсафасига бағишланган илмий асарлардирки, улар айрим мутахассисларнигина қизиқтиради.

Жомий бадий прозасидан ҳозиргача ўзининг тарбиявий ва бадий қимматини йўқотмаган асар унинг «Баҳористон» номли китобидир. Бу асарни Алишер Навоий: «Ҳаёт баҳористони ва нажот нигористони»,— деб атаган.

Жомий бу асарни 892 (1486/87) йилда ўғли Зиёвиддин Юсуфга атаб, унга ўқиш китоби сифатида ёзган эди. Сўнги асрларда бу китоб жуда катта муваффақият қозониб, мактабларда дарслик бўлиб кетади.

Абдурахмон Жомийнинг бу ажойиб асари саккиз бобдан иборат бўлиб, Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистон» асари услубида ёзилган.



Асарда қисқа-қисқа ҳикоялар, машҳур кишилар, олимлар, шоирларнинг биографияси, одил давлат ар-боблари қиёфаси ёқин образларда чизиб берилади. Бун-да қофияли наср (саж) дилкаш шеърӣ дурдоналар билан безатилган.

Китобнинг ёзилиши сабабини муаллифнинг ўзи шун-дай изҳор қилади:

«Бу хуш кўнгил вақтимизда, қимматли ўғил Зиёвид-дин Юсуф... араб тили бошланғич қондаларини ва адаб илми қондаларини тўплаш билан шуғуллана бошлади. Шу нарса сир эмаски, кичик болалар ва тажрибасиз ёшларнинг қалбида уларнинг табиатидан узоқ ва қуло-ғига бегона истилоларни ўрганишдан уларнинг қалбида ваҳшат ҳосил бўлади, хотирга даҳшат ғубори ўтиради. Унинг дилига мурувват, хотирига қувват бериш мақса-дида гоҳ-гоҳ машҳур шайх ва буюк устод Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»,

«Гулистон»мас жаннат боғидан нишон,  
Хашак, тикони ҳам шан — анбарафшон.

Жаннат дарбозаси ундаги боблар,<sup>1</sup>  
Файз тўла қиссалар чин ҳавзи кавсар.

Нукталар пардага бўлмишлар ниҳон,  
Рашк этар аларга нозли ҳур-ғулмон.

Шеърлари дарахтдир, баланд, ҳосилдор,  
Лутф шабнамидан ариқлари бор,—

китобидан бир неча сатр ўқилар эди. Шу аснода хоти-римга унинг шариф сўзларидан шарафланиб ва латиф шеърларидан илҳомланиб, шу турда ва шу усулда бир неча варақ ижод этиш фикри келди...»<sup>1</sup>.

Китоб ёзиб битирилган (1486/87) йилларда Юсуф ўн ёшда эди. Лекин бу китоб фақат Зиёвиддин Юсуфнинг «хотирига қувват» бўлибгина қолмай, Саъдийнинг «Гу-листон»ига ўхшаб, асрлардан бери минглаб талабалар-нинг кўнглига нур, дилига дур сочиб келаётган асардир.

Аммо бу Жомийнинг «Баҳористон»и Саъдийга тақ-лид деган сўз эмас.

<sup>1</sup> Жомий. Баҳористон. «Ахтар» босмаҳонаси, 1877, 3-бет.

«Баҳористон» Саъдий «Гулистон»и жанридаги тамоман оригинал асар. Бу ҳанда авторнинг ўзи ҳам:

Жомий ҳар жо, ки нома нишо ораст,  
Аз гуфтаи кас баорият ҳеч нахост.  
Анро, ки зи сунъи худ дўкон пур колост  
Даллолии колон касони на сазост<sup>1</sup>.

(Жомий ҳар доим китоб ёзароқ,  
Ўзгалар сўзини қарз олмади мутлоқ,  
Ўз санъат дўкони тўла кишига  
Ярашмас бошқалар даллоли бўлмоқ,—

дейди.

Агар Жомий бирор ҳикоя сюжетини бирор жойдан олса, уни, албатта, кўрсатиб ўтади. Ўрта аср муаллифларининг кўпчилиги бунга эътибор бермас эдилар.

Китобнинг бошланишида шоир:

Сайр айла бу Баҳористонда,  
Яшнаи унда шан гулистонлар.

Латофатдан ҳар гулистонда,  
Гуллар ўсган, анқир райҳонлар,—

дейди.

Дарҳақиқат, «Баҳористон» саккиз боб — саккиз чаманзор — равзадан таркиб топган. Биринчи равза тасаввуф шайхлари, авлиё ҳисобланган сўфий олимлари ҳақидаги ҳикоялардан иборат бўлиб, Жомий улар ҳаётидан олинган воқеалар воситаси билан тасаввуф ғояларини тарғиб қилади, сўфийликнинг амалий масалаларини тушунтириб беради.

Иккинчи равзада донишмандлар, файласуф ҳакимлар, тарихда ўтган давлат арбобларининг ҳикматли сўзлари, латиф иборалари келтирилади, улар ҳаётдан олинган воқеалардан жамият учун фойдали насихатномалар яратилади:

«Олиҳиммат бир дарвеш шавкатли бир подшоҳ билан тез-тез кўришиб турар, ёқимли суҳбатлар қулар эди.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 104-бет.

Кунлардан бир куни у подшо пешонасида маломат изини сезди, унинг сабабини ўйлаб, хаёли кезди, аммо ўзининг тез-тез келишидан бўлак сабаб кўрмади. Дарҳол подшо ҳузурига қатнамай қўйди ва у билан суҳбатдан ўзини тийди. Бир куни подшо йўл устида дарвешни учратиб қолди ва шундай сўроқни орага солди: «Эй дарвеш, не сабабдирким, мен билан алоқангни буздинг, борини-келишдан қадамнингни уздинг?» Дарвеш жавоб берди: «Сабаби шуки, мен келишимдан чеҳрангда малол кўрганган кўра, «Нега келмайсан?» деган саволни эшитиш яхшироқ эканини тушундим».

Қитъа:

Дарвешдан ҳукмдор сўради «Нечун —  
Келмадинг олдимга бунчалик узоқ?»

Ул деди: «Нимага келдинг» дегандан,  
«Нимага келмадинг?» деган яхшироқ!»

«Искандар Румий жаҳонгирлик даврида ҳийла билан бир қалъани забт этиб эрди, уни вайрон қилишга фармон берди. Искандарга:

— У ерда бир ҳақим бор, жуда билимдон, ҳар қандай мушкул унинг олдида осон,— дедилар. Искандар уни олиб чиқишни буюрди. Кўрдиким, афти хунук, бедаво, кишининг кўйини айнийдиган бир бало. Таъби хира бўлиб деди:

— Бу қандай хунук сурату қандай совуқ қомат?!

Ҳақим бу сўзларни эшитиб куйиб-ёниб кетди ва қизишиб, қаҳ-қаҳ кулиб, деди:

Таъна қилма хунук юзимга қараб,  
Эй ақлу инсофдан беҳабар киши.

Тан ғилоф бўлса, жон ундаги қилич,  
Кўргил ғилоф эмас, қиличнинг ишин».

Учинчи равза подшолар зикрида бўлиб, унда муаллиф мамлакатда адлу инсоф ўрнатиш, раиятпарварлик ҳақида мазмундор ҳикоялар ва афористик шеърлар билан шоҳ ва ҳукмдорларга насиҳат қилади. Уларни адолат йўлига бошлашга тиришади:

Нўшин Равон<sup>1</sup> ё наврўз<sup>2</sup>, ёки меҳржон<sup>3</sup> кунларидан бирида меҳмонлар чақирибди. Ултирган қариндошларидан бир олтин қадаҳни қўйинга беркитганини кўриб қолибди. Подшоҳ ҳеч нарсани кўрмагандек, индамай қўя қолибди. Базм охирига етгач, соқий, «Ҳеч ким чиқмасин, бир олтин қадаҳ йўқолди, мен ҳаммани тиштиб кўраман»,— дебди.

— Қўй,— дебди унга Нўшин Равон,— олган бермайди, кўрган айтмайди.

Бир неча кундан кейин ўша киши Нўшин Равон ҳузурига келибди, қараса, устида янги либос, оёғида янги этик. Нўшин Равон унинг кийимларига ишора қилиб: «Бу ўшанданми?»— деб сўрабди. Қариндоши тўннинг этагини кўтариб, этигини кўрсатиб: «Бу ҳам ўшандан»,— дебди.

Подшо кулиб юборибди ва унинг қилгулиги йўқлик ва зарурат натижасида эканлигини уқиб, унга минг мисқол олтин бериш ҳақида фармон берибди.

Қитъа:

Инкор қилма, карамдан бўлма маҳрум,  
Карамли шоҳ гуноҳингдан бўлса огоҳ.

Инкор этиш гуноҳдан ҳам оғирроқдир,  
Ҳар қанчалик бўлса ҳамки оғир гуноҳ!»

Тўртинчи равзадаги қиссалар сахийлик, олий ҳимматлилик, мардлик, шижоат, яхшилик ҳақида ҳикоя қилади.

«Ҳотамдан:

— Узингдан сахийроқ кишини ҳеч кўрганмисан?— деб сўрашибди.

— Ҳа!— дебди у.— Бир куни бир етимчанинг уйига кириб қолдим. Унинг ўн бош қўйи бор эди. Дарҳол бир қўйни сўйиб, пишириб, менинг олдимга олиб келди. Қўй гўштининг бир жойи менга ёқиб қолдию мен: «Худо ҳаққи, жуда лаззатли экан»,— дедим.

У йигит ташқарига чиқиб, қўйларини бирин-сирин сўйиб, менга маъқул тушган жойини пишириб менинг ол-

<sup>1</sup> Нўшин Равон ёки Ануширвон — Сосенилар сулоласига мансуб қадим Эрон шоҳларидан.

<sup>2</sup> Наврўз — янги йил байрами.

<sup>3</sup> Қадим Эронда кузги байрам.

димга қўяверибди. Менинг бу ишдан хабарим бўлмабди. Ташқарига чиқиб отга минай деб турганда ҳовлида жуда кўп қон тўкилганлигини кўриб, сабабини сўрадим.

— У ҳамма қўйларини сўйдди,— дейишди.

— Нега бундай қилдинг?— деб қойини бошладим.

— Худога шукурки, менинг бир нарсам сенга ёқиб қолди, агар хасаслик қилганимда араб шаънига ёмон иш бўлар эди.

Кейин Ҳотамдан:

— Бунинг эвазига сен нима бердинг,— деб сўрашди.

— Уч юзта саман туя ва беш юз бош қўй,— дебди.

— Бундай бўлса, сен ундан олиҳимматлироқ экансан-да,— дейишган экан, Ҳотам шундай жавоб берибди:

— Ҳайҳот!.. У бор-йўғининг ҳаммасини берган эди, мен эсам бор нарсамдан бир қисминингина бердим, холос.

Қитъа:

Агарда уйдан чиқариб берса,

Бору йўқ яримта нонини гадо,

Ярим хазинасини берган подшодан,

Сахийлик бобида шу гадо авло!»

«Бир кун кечаси Мисрнинг жоме мачитига ўт тушиб ёниб кетибди. Мусулмонлар бу ишни христіанлардан кўриб, уларнинг уйларига ўт қўя бошлашибди. Миср султони ўт қўювчилардан бир қанчасини тутиб олибди-да, бир жойга йиғиб улар нечта бўлса, шунча чек тайёрлашга буюрибди. Чекларда ўлим жазоси, қўлини чопиб ташлаш ёки қамчилаш жазолари ёзилган бўлиб, кимнинг чекига нима тушса, шул жазони олар экан. Чек ташлаш бошланибди. Бир киши чек олган экан, ўлим жазоси чиқибди.

— Мен ўлимдан қўрқмайман,— дебди ҳалиги одам, аммо онам бор, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ.

Бу одамнинг ёнида бошқа бир киши турган экан, унинг чекида «қамчилаш» жазоси ёзилган экан, у:

— Менда она йўқ,— дебди-да, ўз чекини қўшнисига бериб, ўзи унинг чекини олибди, унинг ўрнига буни қатл қилишибди, аввалги киши эса қамчи жазоси билан тирик қолди.

Маснавий:

Қўплар молин бериб, мардлик қилади,

Мардлар жонин бериб, мардлик қилади.

Билдиким, дўстининг эҳтиёжи жон,  
Аямай ўз жонини айлади қурбон».

Бейинчи равазда ишқ-муҳаббат ҳақида сўз юртилади:

«Икки донишманд орасида ишқ-муҳаббат ҳақида сўз кетди. Бири деди:

— Ишқнинг хосияти ҳамиша меҳнату балодир ва ҳамма вақт ошиқнинг тортгани ҳасрату, чеккани жафодир.

— Жим бўл!— деди унга иккинчи донишманд.— Сен ҳеч қачон жангдан кейинги сулҳни кўрмагансан ва фиरोқ кетидан висол кайфини сурмагансан, соф диллик ошиқлардан латифроқ киши оламда топилмас ва агар бу андишадан узоқ бўлса, унда ифлосроқ киши бўлмас.

Қитъа:

Ишқ нурининг жилваси мардлар дилин жамоли,  
Дили гўзал бўлмаган, майл қилмас муҳаббат!

Бунга агар нодонлар ҳужжат талаб этсалар:

«Жинс жинсга тортади» деган сўз исбот — ҳужжат».

Олтинчи равазда ҳазил-мутоиба, ҳажвий ҳикоялар ва латифалар йиғилган.

Жомий бу ҳикояларда давлат маъмурларининг хиёнаткорлиги, муфти ва қозиларнинг риёкорлиги, табибларнинг нодонлиги, касалларни тузатиш ўрнига жоҳиллик билан у дунёга жўнатиб турганлиги, бадавлат кишиларнинг паст, хасислигини фош қилади, майпарастлик, танбаллик, ёлғончилик каби ёмон одатлар устидан кулади:

«Бир табиб қачонким, гўристон ёнидан ўтса ё гўристонга етса, юзига чодир тутиб олар экан. Ундан сабабини сўраганларида шундай жавоб берибди:

— Бу гўристонда ётган ўликлардан уяламан. Чунки бу ерда кимнингки ёнидан ўтмайин менинг зарбим остидан бўлган, кимники кўрмайин менинг шарбатимдан ўлган.

Рубоий:

Эй, касалга даво топмай бўлган ҳалак,  
Ҳар қадамнинг нақд ўлимдан берар дарак.  
Ажал бўлиб, Азроилни озод этдинг—  
Жон олишинг меҳнатидан ўзинг, бешак».



«Бир золимнинг ҳукмронлик даврида бир бадавлат киши вафот этибди. У золимнинг вазирни ўлган кишининг ўғлини чақириб, отасидан нималар қолганини сўрабди.

— Мол-дунёдан фалон-фалон нарсалар қолди,— дебди ўғил,— ворислардан эса вазирни кабир ва мен фақирни чақир.

Вазир кулиб:

— Мол-дунё иккига бўлинсин, ярмини ўғлига бериб, ярми подшо хазинасига олинсин,— деган фармон берибди.

Қитъа:

Зулм қилувчи вазир етим мolidан,  
Ҳеч нарсa билмас, шoҳ ҳақидан бўлақ,

Ҳаммасини олса адолат билур,  
Ярмини оларкан фазилат, демак».

Еттинчи равазда шеъринг ва шоирлар ҳақида сўз боради. Бу боб ўзига хос тазкира бўлиб хизмат қила олади ва ўша давр адабиёти, шоирлари ҳақида қимматли маълумотлар, уларнинг ижодидан намуналар беради.

Масалан, бу бобда Алишер Навоийнинг «Тухфатул афкор» қасидасининг бошланмаси:

Оташин лаълеки тожи хусравонро зевар аст,  
Аҳгаре баҳри хаёли хом пўхтан дар сар аст,—

келтирилади-да, сўнг: «Бу давлат ёрлигининг ва бу саодат тамғасининг муштарий юлдузи бўйнига илиб қўйилса, фахрланиш ва шодланишга сабаб бўлади», деган жуда юксак баҳо берилади.

Саккизинчи рава таълим-тарбия мазмунидаги, ибратли ва насиҳатомуз масаллардан иборат:

«Бир тулки бир бўрига ҳамсуҳбатлик дамин урди ва у тамом мувофиқият йўлига юрди. Бир кун бир боққа бордилар, боғнинг эшиги маҳкам банд ва девори баланд эди.

Девор атрофида чопишди, охири, бир тешик топишди. У тулкига кенгу бўрига тор эди. Тулки осонликча кириб кетди, бўри сиқилиб қийналиб ўтди.

Узумлар ва хилма-хил мевалар топишди, баридан топишди.

Тулки зийракроқ бўлди, чиқиб кетиш андешасин қилди. Аҳмоқ бўри бўлса қорнига сиққунча еди. Бирдан боғбон билиб қолди, қўлига таёқ олди ва булар тараф йўл солди. Хипча бел тулки лип этиб тешикдан ўтди-кетди. Боғбон эса қорни шишиб тешикка қисилиб қолган бўри бошига етди. Уни чунонам саваладики, бечоранинг пўсти шилиниб, жуни юлиниб, тор тешикдан аранг чиқиб кетди.

Эй хожа, олтинга кўп хирс қўймагил,  
Охири, ялангоч, ҳақир кетасан.  
Нозу неъматдан кўп семираверма,  
Ўйлагил, гўрнингда нечук ётасан».

Бу боблардан бир-икки мисол олиб, қисқагина танишиб чиқишнинг ўзи ҳам Жомийнинг фақат назмдагина эмас, балки насрда ҳам классикларга хос юксак маҳорат чўққиларига кўтарила олганлигидан далолат беради.

Муслиҳиддин Саъдий ўз «Гулистон»ини подшолар ҳақидаги бобдан бошлаган эди. Жомий эса ўз китобини шайхлар, дарвешлардан бошлайди.

Умуман, «Баҳористон»да адиб ўз даврининг илгор, халқчил ғоялари, инсонпарварлик, инсоннинг инсонга тобе бўлмаслиги, дунёда илм-маърифатга интилиш, тамадан юз ўгириш, ўз меҳнати самарасига қаноат қилиш, зулм-зўравонликка барҳам бериш, олоб, тавозе, тўғрилик, софлик ва бошқа кўп олижанаб хислатлар ҳақидаги фикрларни ширин-ширин ҳикоячаларда ёрқин образлар орқали талқин этади. Бу ҳикоялар кўпинча латиф шеърлар билан якунланади.

Шунинг учун ҳам бу китоб фақат Шарқдагина эмас, Ғарбда ҳам машҳур бўлиб кетди. У 1846 йилда немис тилига, 1887 ва 1889 йилларда икки бор инглиз тилига, 1925 йилда французчага таржима қилинган. 1935 йилда рус тилига қисман таржима қилиниб нашр этилган.

Абдурахмон Жомийнинг илмий китоблари орасида музикашуносликка онд китобини айрим қайд қилиб ўтиш лозим.

Бу китоб профессор А. Н. Болдирев томонидан рус тилига таржима қилиниб, музикашунос профессор В. М. Беляев шарҳлари ва китоб асл нусхасининг фотонусхаси билан нашр этилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Д ж а м и. Трактат о музыке. Издательство АН УзССР, Ташкент, 1960.

Китобнинг ёзиллиш сабаби ҳақида Жомийнинг ўзи камтаринлик билан: «...Ёшлик айёмида ва талабалик кунларимда мен музика илми билан шуғулландим ва унинг қондаларидан бохабар бўлиб, ижро ва ижод этишга киришдим. Аммо замона зайли билан бу афсоналар менинг хотирамдан кўтарилди ва бу қўшиқлар энди менинг оғзимдан чиқмайдиган бўлди. Фақат эндиликда менинг ёшликдаги машғулотимдан хабардор бир дўстимнинг илтимоси билан бу борада бир неча сўз дейишга қарор қилдим»<sup>1</sup>.

Жомийни бу ишга ташвиқ қилган киши ким экан?

Алишер Навоийнинг «Хамсатул мутаҳаййирин» китобида шундай ҳикоя қилинади:

«Устод Қулмуҳаммад кичик эркондаким мусиқи ўрганур эрди, чун бот ўрганмаги билла хуб иншола ясамоғи шуҳрат тутти, фақирга доя бўлдимки, бу фanning илмини доғи билгай. Мавлоно Али Шохбуқаким, бу фанда асрининг бебадали эрди, анга супориш қилинди. Агарчи ҳоло афюини касрати ани ақл зийнат хулёсидин ори қилибдур. Ул вақтда бу фанда «Аслал васл» отлиқ китобни тасниф қилди.

— Доғи Мирмуртоз ва Хожа Шаҳобутдин ва мавлоно Биноий доғи бу фанда рисолалар биттилар, аммо барча нэхори истеъдод қилибтур... баҳра олмоқ душвор эрди.

Ул ердин ким аларининг (яъни Жомийнинг — Ш. Ш.) бу фақирга иноят ва илтифотлари бор эрди. Мусиқи ва адвор рисоласин биттиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур»<sup>2</sup>.

Бундан Жомийнинг сўз бошидаги «бир дўстим» дегани Навоий эканлиги англашилмасмикан.<sup>3</sup>

Бу китоб ҳам биз юқорида кўрган бир қанча асарлар қатори Алишер Навоийнинг эҳтиёжини қондириш учун ёзилган асар бўлса керак.

Китоб икки катта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим композиция ҳақидаги билимдан, иккинчи бўлим эса ритм (иқоъ) ҳақидаги билимдан иборат. Бундан ташқари, китоб дебоҳа ва хотимага эга. Кириш қисмида му-

<sup>1</sup> Уша китоб, 13-бет.

<sup>2</sup> Навоий, Хамсатул мутаҳаййирин. ЎзФА Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, 693-қўлёзма, 54а—55-бетлар.

<sup>3</sup> А. Н. Болдирев. Жомийнинг «Музика рисоласи»га ёзган сўз бошида бунини фақат адабий приём деб тушунтиради.

зиканинг келиб чиқиши ва хотимада мақомларнинг кишига таъсири ҳақида сўз юритилади.

Биз музикашунос бўлмаганимиз учун бу ерда китобнинг асосий қисмларини таҳлил қилишдан ожизмиз.

Аммо шуниси диққатга сазоворки, Жомий музиканинг пайдо бўлишини кишининг яшаш талаби, ҳаёт тақозоси билан боғлайди ва бу масалага реалистик ёндашади.

Жомий ўз китобида мусиқа ритмларини, оҳанг турларини форс шеърятини билан чамбарчас боғланган ҳолда текширади.

Китобнинг хотимасида автор мақомларнинг кишига таъсирини айрим-айрим уқтириб ўтади:

«Билки кишига лаззат бахш этишдан иборат умумий хусусиятдан ташқари, бу ўн икки мақомдан ҳар бири, ҳар бир овоза ва шуъба махсус таъсир кучига эга.

Шундай қилиб, ушшоқ, наво ва бўсолик қудрат ҳамда жасурлик уйғотади, ваҳоланки, овоза бундай таъсир кучига эга эмас. Шуъбалар орасида маҳур ва ниҳовандгина руҳга шундай таъсир этади. Рост, ироқ ва исфаҳон шодлик ва қувноқлик кайфиятларини кўзгатишга ярайди. Овозалардан наврўз ва гардония шуъбалар орасида эса панжгаҳ ва зовули ҳам худди шундай таъсирга эга. Бузрук, зирафганд, раҳовий ва зангула ғамгинлик ва маъюслик пайдо қилади. Гувашт ва шоҳноз овозлари ҳамда шуъбалардан хисор, ҳумоюн, мубарқи, бастанигор, сабо, наврўзий, араб, рақиб, исфиҳонак ва рўйи ироқ ҳам шундай таъсирга эга. Аммо ҳижозий ва ҳусайний қувонч ва севинч туйғулари билан бирга ғамгинлик ва маъюслик пайдо қилади...

Ижрочи ҳар бир турдаги мақомнинг киши руҳига таъсирига мос тушадиган мазмундаги шеърни танлаб олиши лозим. Шунда бу таъсир кучлироқ ва самаралироқ бўлади»<sup>1</sup>.

Музикашунос профессор В. М. Беляев бу китобнинг дунё музика маданиятини ва совет Шарқи халқлари, айниқса, ўзбек-тожик музика маданиятини ўрганишда шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтади.<sup>2</sup>

Абдураҳмон Жомий асарларига шундай қисқа бир назар ташлашнинг ўзи ҳам бу азамат санъаткорнинг

<sup>1</sup> Д ж а м и. Трактат о музыке. Ташкент, 1960, стр. 65.

<sup>2</sup> Уша китобнинг 111-бетига қаралсин.

форс-тожик шеърятининг буюк соҳибқиронларидан бири эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Унинг ижодий саҳнаси кенг, жилolari ранго-рангдир. У ўзидан олдин беш асрдан ортиқ даврда ижод этилган, неча юзлаб сўз устодлари тарафидан сайқал берилган форс-тожик адабиётининг ҳамма турларини қамраб олиб, ҳамма бойликларини ўзлаштириб, уларга янги жило бера билди.

Бу адабиётнинг илғор анъаналари — инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик ғояларини яна бир мартаба бадийёт чўққисига кўтариб ярақлата билди. Форс-тожик адабиёти тушкунликка учраган бир пайтда уни яна юқори даражага кўтарди.

Классик даврнинг бир байтдан иборат фардидан бошлаб неча минг байтли маснавийсигача ҳамма жанрлари янги мазмун, янги образлар билан бойитилса, ҳали ҳам жамият маърифатига хизмат қилиши мумкинлигини амалий исбот этди.

Улуғ немис шоири Гёте Жомий ҳақида:

«Ўзига қадар ва у билан бир қаторда бўлаётган ҳамма нарсага унинг қурби етар эди. У буларнинг ҳаммасини бир боғ қилиб боғлагани туфайли, тақлид қилгани, янгилагани, авжга миндиргани, ўзидан олдинги ўтганларнинг камчилик ва афзалликларини жуда аниқлик билан ўзида мужассамлантира олгани учун ундан кейингиларга, сифатни пасайтирмаслик шарти билан унга тақлид қилишдан бошқа чора қолмади...»<sup>1</sup>, — дейди.

Унинг ижоди ўз давридаги ҳаёт кўзгуси, ўша даврдаги салмоқли ғоявий йўналишлардан тортиб, ҳаётнинг майдароқ томонларини ҳам ўзида инъикос эттира олди. Унда ўз даври ҳаётини ҳамма томонлари қамраб олинди. Шунинг учун ҳам Жомий ижодини, улуғ Навоий иборасини бир оз ўзгартириб, ҳаёт наққошхонаси деб атадик.

\* \* \*

Абдурахмон Жомий ўзининг кўп тарафлама ижоди, билимдонлиги, дилкаш ва поэтик сурат асарлари туфайли тириклигидаёқ жуда катта обрў-эътиборга эга бўлди.

<sup>1</sup> И. Б. Гёте. Примечания к «Западно-Восточному дивану». «Проблемы востоковедения», № 4, 1960, стр. 183.

Буни яққол кўрсатадиган воқеалардан бири унинг Макка сафари бўлди. Шоир 58 ёшга кирган пайтда ҳаж қилиш мақсадида сафарга чиқади, унинг йўли ҳамма жойда халқ билан лиқ тўла — ҳамма уни кутиб олишга ошиқар, подшолар, хонлар ҳадялар билан унинг йўлини кутиб, ўз юртларида кўпроқ вақт олиб қолишга ҳаракат қилсалар, оддий халқ ўз паноҳи, оқил устодини кутар, шоҳлардек ҳадяси бўлмаса ҳам, унинг нуруний юзини кўришга, маъноли сўзини эшитишга интилар, ўзининг бу улуғ бечорапарвар кишига бўлган чексиз иззат-эҳтиромини изҳор этишга ошиқар эди.

Жомий ижоди теран ва кенг, турли-туман жавоҳирлар тўла денгиз. Ундаги ҳамма ажойиботу гаройиботларни таърифлаб ниҳоятига етказиш қийин.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи бошқачароқ образлар билан шундай дейди:

На девони шеър аст ин, балки Жомий,  
Кашидаст хоне ба расми каримон.

Зи алвони маъни дар у ҳар чи хоҳи  
Биёби, магар мадҳу замми ланмон.

(Шеър девони эмас бу, балки Жомий,  
Сахийларча ёзмиш тўкин дастурхон.  
Нокасларга мадҳу ҳажвдан бўлак,  
Не маъно истасанг бунда фаровон.

Шоир образлари билан гапирсак, ҳақиқатан ҳам унинг фаровон дастурхонидан ҳар ким ўзига керакли маънавий озиқ ола билади. Ундан биз ҳам ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотмаган озиқларни, умумбашариёт аҳамиятига эга бўлган, то одамзод бор экан, ўлмас фикрлар, бадий дурдоналарни ажрата билишимиз, уларнинг жилосидан фойдаланмоғимиз лозим. Бу дастурхонда эса бундай неъматлар жуда кўп.

Шунинг учун ҳам Абдурахмон Жомийнинг тириклигида эришган шуҳрати унинг вафотидан сўнг ҳам сўнмади, балки йилдан-йилга, наслдан-наслга, асрдан-асрга ёлқинлана борди. Унинг нури Шарқ мамлакатларидан Фарб мамлакатларига ўтди.

Европа мамлакатларида аллақачоноқ Жомий номи Фирдавсий, Хайём, Саъдий, Ҳофизлар номи билан бир



қаторда порлаб туради. Унинг асарлари Европа тилларига таржима қилинди ва уларнинг асл нусхалари нашр этилди. Масалан, «Юсуф ва Зулайҳо» дostonи 1824 йилдаёқ Венада нашр этилган эди, «Тухфатул аҳрор» 1848 йилда Лондонда, «Саламон ва Ибсол» 1850 йилда Лондонда босилди.

Шу йилларда Венада бир қатор ғазал ва бошқа шеърларининг немисчага таржимаси билан асл нусхаси босилиб чиқди. Унинг насрий асарларидан «Баҳористон» 1846 йилда Венада таржимаси билан, «Нафаҳотул вонҳ» асари эса 1906 йилда Лондонда босилди. «Саламон ва Ибсол» 1856 йилда ва 1879 йилда икки марта инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилди (иккинчи бора бу асарни машҳур инглиз шоири, Хайём рубоийларининг таржимони Фицжеральд таржима қилган). 1911 йилда эса бу асар француз тилида босилди.

«Лайло ва Мажнун» дostonи ҳам бир неча Европа тилларига таржима қилинди. Унинг француз тилига таржимаси 1805 йилда Парижда, немисчаси 1807 йилда Лейпцигда босилиб чиқди.

«Юсуф ва Зулайҳо» дostonи эса уч асосий Европа тилларида: инглиз (1882), немис (1824) ва француз (1929) тилларида нашр этилган.

«Баҳористон»нинг немисча таржимаси форсча асл нусхаси билан 1846 йилда нашр этилган эди. 1925 йилда эса француз тилида босилиб чиқди.

Рус тилига Жомий асарлари 1825 йилдан бошлаб таржима қилина бошлаганди. Шу йили И. Батъянов «Лайло ва Мажнун» дostonидан «Навфал» ҳақидаги бобларни таржима қилиб, «Азиатский Вестник» журналида бостирган эди.

Ўзбеклар эса Жомий асарларини унинг ўзи тирк-лиги давриданоқ асл нусхада ўқиб келадилар.

Жомий асарларининг ўзбекчага таржимаси ҳам жуда қадим анъанага эга. Бу ишни улуг Алишернинг ўзи бошлаб берган эди. Навоий ўз устоди Жомийнинг «Нафоҳатул унс» китобини ўзбекча қилиб битиб чиқади ва унга Жомийнинг ўзи ҳамда унинг шогирдларидан бир неча кишининг биографияси ва сўфист олимлари — аёлларнинг биографиясини қўшиб тўлдирди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бу китоб ҳақида А. Мугиновнинг «Описание уйгурских рукописей Института народов Азии» (Ленинградское отделение, ИВЛ, 1962) китобининг 97-бетига қаралсин.

Яна бошқа классик шоиримиз Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам бу ажойиб анъанани давом эттириб, 1868—69 йилларда Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» дostonи ўзбек тилига шеърлий таржима қилинган.

Бу таржима халқ орасида анча кенг тарқалган бўлса керак. Унинг қўлёзмалари кўп учрайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида бу асарнинг тўрт қўлёзма нусхаси сақланмоқда<sup>1</sup>.

Жомийнинг «Баҳористон»и, тилшунослик, адабиёт назариясига бағишланган асарлари ва бошқа олимларнинг асарларига ёзган шарҳлари Ўрта Осиё, Покистон, Афғонистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги мактабларда дарслик бўлиб хизмат қилиб келган.

Масалан, унинг юқорида тилга олинган Ибнул Ҳожибнинг «Ал Кофия» китобига ёзилган шарҳи Стамбулда бир неча бор босилган. Бу китоб «Мулло Жомий» номи билан Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалган, ҳатто Эдил (Волга) бўйи татарларининг мадрасаларида ҳам араб тилини ўрганишда яхши қўлланмалардан ҳисобланган. Бу ҳақда «Кофия» китобини татарчага таржима қилиб, Қозонда 1906 йилда нашр эттирган таржимон Абдурахмон Умарий китобнинг сўзбошисида шундай дейди:

«Тил ўрганмоқда биринчи керак ўлан нарса шу тилнинг сарф-наҳвини билдирмақдир. Араб наҳви учун ёзилмиш китоблар ичинда Ибнул Ҳожиб ҳазратларининг «Кофия» номли рисоласи, ибораси қисқа, фойдаси кўпдир ҳам Русиядаги уламомиз орасида шуҳрати-ла зўр бир даражага моликдир. Ушбунинг учунда ҳар бир мадрасаларимизда «Кофия»ни ҳам, анга мулло Жомий ҳазратларининг шарҳини ўқимоқда ва ўқитмоқдалар»<sup>2</sup>.

Биз бу ерда Жомий асарларининг Шарқ ва Ғарбда тарқалиши ҳақида тўла маълумот келтириш имкониятидан маҳрум бўлганимиз учун, шу бир неча мисол билан чекланамиз.

Совет даврида бу улкан санъаткорнинг энг яхши асарлари Тожикистонда кўп нусхада босилиб турибди. Бу асарлар билан рус тилига қилинган таржималар орқали ватанимизнинг ҳамма халқлари танишмоқдалар.

<sup>1</sup> Қ. Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари» (Тошкент, 1960) китобининг 27-бетига қаралсин.

<sup>2</sup> زادالطالب ترجمۃ الكافية لابن الجاجب Қозон, 1906, 2-бет.

Унинг киши руҳига енгиллик бахш этувчи лаззатбахш ғазаллари куйга солиниб ижро этилмоқда.

Бу шуҳратнинг сирини нимада?

Бунинг сирини, аввало, форс-тожиқ классик адабиётининг ажойиб ашъаналари, одамийлик, юксак гуманизм, эрксеварлик, меҳнатсеварлик каби ёруғ ва безавол ғояларининг Абдурахмон Жомий ижодида табиий давом эттирилганлиги ва ривожлантирилганлигидадир. Жомий ижодидаги энг яхши асарлар халқчил ғоялар билан сугорилганлигидадир.

Жомий дин позициясидан туриб бўлса ҳам халқни жуда юқори қўяди ва «Бароин ҳақ паноҳи халқ боши» («Ҳаққа етмоқ учун халқ паноҳи бўлгил»), дейди. Бу буюк инсоннинг ўзи ҳам донм халқ билан бўлади. Подшолар сароинга боришдан бош тортиб, шаҳардан четроқда оддий халқ орасида ҳаёт кечиради. Ўз истеъдодини феодал сароинга хизмат қилдиришдан кўра халқ хизматида бўлишни афзалроқ кўради.

Шоир ҳаётида ҳам, ижодида ҳам турли пастабнат одамларга муте бўлиши, ўшалар миннати билан яшашга қарши исён қилади ва бу фикрларни жуда чиройли муболағаларда шундай ифода этади:

Пўлатдан бир парча тиш билан узмоқ,  
Тирноқ билан тошда ариқлар қазмоқ.

Жаҳаннам ўтига бош билан кириш,  
Кўзлар милки билан олов-чўғ териш,  
Юз тева юкни бўйнига илиб,  
Шарқдан то Ғарбгача югуриб-елиб —

Бормоқлик Жомийга енгилроқ, жўра,  
Пастлар миннатини тортгандан кўра.

Ана шундай халқчил ғоялари учун, халқ орзу-умидини ифода қилганлиги ва халқ юрагининг садосини инъикос этганлиги учун Жомий асарларидаги жуда кўп байтлар халқ орасида мақол бўлиб тарқалиб кетган халқ бадий фикр хазинасини бойитган ҳикматлар бўлиб келмоқда:

Нодонлардек бўлма отанга банди,  
Отандан кечиб, бўл ҳунар фарзанди.

Ҳақиқий дўстга жонингни фидо қил  
Ва лекин дўсту душман фарқини бил.

Қанча кўрсатма ҳам ҳотами тойлик,  
Халқдан тама қилмоқ асли гадойлик.

Тўғрини де, тўғрини сев, тўғри юр,  
Тўғри гапир, тўғри эшит, тўғри тур.

Сўз билан тирикдир барчанинг номи,  
Сўз билан пишадн барчанинг хоми.

Едда тут дунёга келган чоғингда,  
Ҳамма кулар эди, фақат сен гирён.  
Шундай яшагилки, кетар чоғингда,  
Ҳамма йиғлаб қолсин, сен эса хандон,—

каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жомий бундай ажойиб ғояларини жуда юқори бадий шаклларда ифода эта билгани учун ҳам унинг ижоди форс-тожик классик адабиёти тараққиётининг катта ва салмоқли бир даврига яқун ясади. Унинг ижодига **баҳо берар** экан, Алишер Навоий:

Ўзин худ бир жаҳони бекарон бил,  
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил,—

дейли.

Ҳа, Жомий шуҳратининг асл сирини, абадийлигининг таг сабаби ҳам мана шу камолотда эди.

Жомийнинг бадий диди, унинг санъаткорлик камоли шунга олиб келардики, у ўз замонидаги ҳукмрон ақидаларни гарчанд ўзи истамаса ҳам, кўпинча, бузиб юборарди, ўз диний қобиғидан, ўз тасаввуфи хирқасидан чиқиб кетарди.

Шу сабаб Жомий — санъаткор Жомий — шайх билан тўқнашиб қоларди.

Жомий, ҳатто шеър ёзмасликка уринганлиги, аммо бу уринишдан ҳеч нарса чиқмаганлигини ўзи ҳам қайд

қилади. Биз унинг юқорида номи келтирилган «Рашид» бол ва шарҳи ҳол» қасидасида қуйидаги мисраларни учратамиз:

Ҳазор бор аз ин шуғл тавба кардам, лек—  
Аз он набуд гўризам чу соирн ашгол.

(Минг марта бу ишдан тавба қилдим, лекни—  
Бошқа ишлардан қутулганим каби, ундан қочи  
қутулолмадим).

дер экан, бунда шоир тасаввуф шайхн сифатида керак-сиз ҳисоблаган ҳамма ишлардан ўзини тия олгани, аммо шеър ёзишдан ўзини тиёлмагани ҳақида гапирди. Туғма талант эгаси, бутун вужуди, қалби билан шоир бўлган киши шеърсиз яшай олармиди.

Шеър ёзишга киришар экан, у жўшқин мисраларда ҳаётга реал қарашга мажбур. Улуғ санъаткор ўз диний ақидаларини ҳам унутиб, ҳаёт гирдобига шўнғиб кетади. Бу жиҳатдан жуда характерли бўлган қуйидаги шеърни олиб қарайлик:

Рафтию сер надида руҳи ту дида ҳануз,  
Гўш як нукта зи лабҳойн ту нашнида ҳануз.  
Чид дасти ажал эй гунчайн навроста туро,  
Як гул аз шохн амал дасти ту ноцида ҳануз.  
Бар тани ожизи ту баҳри чи буд ин ҳама раиш?  
Зери по мўрчае аз ту наранжида ҳануз.  
Ҳар сарн мўй ба фақат зи бало шуд теҒе,  
Фақат аз мўйн валодат натарошида ҳануз.  
Ин ҳама захр чаро рехт фалак дар комат?  
Шарбати шаҳде аз ин коса нанўшида ҳануз!  
То туро луқма кунад хок кушодаст даҳан,  
Даҳани танги ту як луқма нахойида ҳануз!  
Бар сарн даст хиромон сўйн ҳокат бурданд,  
Нозанин, пойн ту гоме нахиромида ҳануз!

(Юзингни кўзим тўйиб кўрмасидан кетиб қолдинг,  
Қулогим ҳали лабларингдан бир сўз эшитмасидан кетиб  
қолдинг.)

Ҳали амал шохидан бирор гунча узмасингдан,  
Сен ёш гунчани ажал узиб кетди.  
Ҳали оёқ босиб, бирор чумолига ҳам озор бермасингдан,  
Сенинг ожиз танангга нечун бунчалик озор!  
Ҳали туғма сочларинг фарқини қидирмасингдан,



Бошингдаги ҳар мўйинг сенга бало тиги бўлади.  
Ҳали бу косадан ширин-шарбат ичмасингдан,  
Фалак сенинг оғзингга нечун бунча заҳар қўйди.  
Сенинг тор оғзинг ҳали бир луқма ютмасидан,  
Ер сени луқмадек ютмоққа оғзини очибди.  
Эй нозанин, ҳали бу ерда бирор қадам юрмасингдан  
Сени қўлга кўтариб, югиртириб, ерга олиб кетдилар.)

Жомий бу шеърни ёзишга киришар экан, ҳечвақт худонинг иродасига қарши бориш ёки унга норозилик туғдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Аммо бу шеърни ўқиган ҳар кимсада, дунёга келиб ҳеч нарса кўрмай кетган гўдак учун ачинишгина эмас, ул вақтда ҳар бир оилада учраб турадиган бундай фалоқатнинг сабаби — «худонинг иродаси»га қарши норозилик туйғулари ҳам туғилади. Шеърдаги «исён» бўлиб жангларга турган мисралар: у ёш гўдакда нима гуноҳ? Ҳали у дунёга келиб гуноҳ қилиб ҳам улгурмади-ку? Бундан кўра бутунлай келмаса бўлмасмиди... каби жуда кўп фикрларга сабаб бўлади. Бу мисралар чин санъаткор қалбида пайдо бўлишининг сабаби унинг стихияли реализмидир.

Жомий лирикасида ҳам унинг ўз дунёқарашига раҳна соладиган, унинг дунёқараши диний қобигини ёриб чиқиб, ўз ҳуснини кўз-кўз қилиб, чечак отиб турадиган ҳаёт гулларини биз кўплаб топамиз. Уларда реал ҳаёт барқ уриб яшнаб туради.

Бу жиҳатдан кўз ўнгимизда яшнаётган, ривожланаётган ҳаётни ҳеч қандай идеалистик филофга, қолипга тикиб қўйиш мумкин эмаслигини Жомий ижоди яна бир марта тасдиқлайди.


Ҳаёт кучи шундай қудратли. Баҳор келиб, ухлаб ётган кўкатлар танасига ҳаёт суви югурганда, улар уйғонади-да, тоғ-тошларни парчалаб, «каттиқ ердан қазилиб, юмшоқ ердан югуриб» чиқадилар, ҳатто, кўчалардаги асфальтларни қўпориб тешиб чиқадилар.

Худди шундай, бизнинг улғу шоир ҳам қариган чоғида шеър ёзишдан воз кечган бўлса-да, аммо унинг ижоди баҳори барқ урган пайтдаги шеърлари ҳақиқий ҳаёт суви билан сугорилган. Улар — ҳақиқий санъат асарлари — асрлар оша мустақил умр кечири беради...



# ИККИНЧИ БЎЛИМ

Мақолалар





вада чоп этилган «Тожик адабиёти намунаси» китобига унинг «Тухфатул афкор» қиссасидан 18 байт киритди. Бу билан кифояланмаган олим Навоийнинг форсий ижодини қидиришга тушди. У бошқа фонийларга мансуб китоблардан услубига қараб Алишер Фоний асарларини ажратиб олишга ҳаракат қилди. Бу ишлар натижаси ўлароқ С. Айнийнинг «Алишер Навоий»<sup>1</sup> монографияси вужудга келди.

1941 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига меҳмон бўлиб келган Эрон олими Али Асгар Хикмат Узфан илмий сессиясида Фоний девонининг Теҳрон нусхаси ҳақида ахборот берди. Олим девонда Ҳусайн Бойқаро номидан кейин келган «Хулд оллоҳу мулкаҳу» (Худо салтанатини абадий қилсин) деган жумласига таяниб, Теҳрон қўлёзмаси Ҳусайн Бойқаро барҳаёт вақтида кўчирилган деган фикрга келади<sup>2</sup>.

1963 йили Эрон олими Ҳумоюн Фаррух мазкур қўлёзмани чопга тайёрлаб нашрдан чиқарди.

Ҳумоюн Фаррух бу нусха тавсифига олим Ибни Юсуф Шерозий сўзларини келтириб, девон Навоий барҳаёт вақтда, яъни 901—906 ҳижрий (1495—1500 милодий) йиллар орасида китоб қилинганлиги ҳақида маълумот беради<sup>3</sup>. Ноширнинг кўрсатишига биноан бу қўлёзма тўлиқ бўлмай, унинг охириги варақлари тушиб қолган. Кейинчалик китоб ўртасида ҳам етишмовчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Алишер Фоний девонидан бирор нусха ҳанузгача мамлакатимиз кутубхоналаридан топилмаганлиги туфайли тадқиқот ишларида чалкашликлар юз берди, узоқ йиллар давомида бу ажойиб хазина бир жойга жамланмай, ўрганилмай ва нашр қилинмай келди. Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон хорижий олимлар тузган каталоглардан фойдаланиб, Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган «Девони Фоний»нинг энг тўлиқ нусхасини аниқлади ва унинг микрофильмини олишга муваффақ бўлди. Сўнгра олим жаҳоннинг бошқа кутубхоналаридаги Фоний девонларини текшириб унинг ҳозирча беш нусхаси борлигини аниқлади. Унинг иккитаси Парижда — Француз Миллий кутубхонасида, яна иккитаси

<sup>1</sup> С. Айний. Алишер Навоий. Сталинобод, 1948, 268-бет.

<sup>2</sup> «Паёми нав» журналі, 8-сон, 1327/1949 йил.

<sup>3</sup> Девони Амир Низомиддин Навоий — Фоний. Басози ва ихтимоми Рукнуддин Ҳумоюн Фаррух, Теҳрон, 1342/1963, саҳифа «Ду-юм».

Туркияда — «Турк-ислом» музейи кутубхонаси ҳамда «Нури Усмоний» кутубхоналарида, бешинчиси эса, Теҳрондаги «Эрон давлат мажлиси» кутубхонасида сақланмоқда<sup>1</sup>.

Ушбу қўлёзмалар асосида «Девоний Фоний»нинг автор матнига яқин матни аниқланиб, шу асосда Фоний девони эълон қилинганидан сўнг, бу девон ҳақида фикр-мулоҳазалар айтишга ёки унинг турли томонларини тадқиқ этишга илк қадамлар қўйилди<sup>2</sup>. Алишер Навоийнинг ўзи «Муҳокаматул лугатайн» асарида мазкур девон таърифида ёзган эди...

«Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ суҳандонлар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдир, тартиб бериб менким, олти мингдан абъёти адади кўпроқдирки, кўпроқ ул ҳазрат (яъни Ҳофиз Шерозий — Ш. Ш.) шеърига татаббуъ воқеъ бўлупдур. Ва баъзи Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Саъдигаким ғазал таври мухтариндур. Ва баъзи Мир Хусравгаким, ишқ оташқадасининг шуъла анғизидур ва дард ғарибхонасининг ашкреси. Ва баъзи Ҳазрати Маҳдумий Нурангаким (Абдураҳмон Жомийга — Ш. Ш.) камол авжининг меҳри ломинидур ва мазкур булғон азизлар ҳолотининг жоминки, бу девон халойиқ орасида шоеъдур ва рўзгор аҳлининг таъблари ул сари рожеъ ва анда кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқедурким тафсири бу фақирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм аснофиддин, **мисли муқ** қаттаот, ва рубоёнёт ва маснавий ва тарих ва луҳз ул жумладан беш юзга яқин муаммоким, кўпи Ҳазрати Маҳдумий Нуран муборак назариға етубдур ва ул ҳаз-

<sup>1</sup> Ҳ. Сулаймон. Алишер Навоийнинг форс тилидаги мероси тадқиқотидан. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 5-сон, 35—36-бетлар.

<sup>2</sup> Ш. Шамухамедов. «К выходу в свет «Дивон фани» Алишера Навои». «Народы Азии и Африки», 1968, № 6; «Алишер Навоий ва анъанаҳои дари». «Анис», Қобул, 1349/1970, № 12, 13, 14, 15, 16, 17, 19, 20, 21 (форсча); Мирзоев. Фоний ва Ҳофиз, Душанбе, «Ирфон», 1968; Р. Ходизода. Татаббуот ва сабки осори Фоний. «Садон Шарқ», 1968, № 8, Н. Маллаев. Алишер Навоийнинг форс-тоҷик тилидаги шеърятига доир. «Адабий мерос», № 1, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968; А. Ҳайитметов. Навоий ва Ҳасан Деҳлавий. «Навоий ва адабий таъсир масалалари». Т., ЎзССР «Фан» нашриёти, 1968, 63—78-б; Ш. Шукуров. Навоийнинг «Тухфатул-афкор» қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғлиқлиги тўғрисида. «Навоий ва адабий таъсир масалалари», Т., ЎзССР «Фан» нашриёти, 1968, 191—205-бетлар.



ратнинг ислоҳ, таҳсин шарафини касб этубдурким, хо-  
лини рўзгор сафҳасига ёзилибдур ва қаламим лайл  
а аҳор авроқида нақш қилибдур».

Бунда шоирнинг ўзи девонга қисқа, аммо чуқур  
мазмунли тавсиф бериб, унинг характерини, мазмун  
мундарижасини ҳам, шаклу сифатини ҳам, умумий  
ҳажминини ҳам яхши очиб берган.

Бундан шу нарса кўриниб турибдики, девон татаб-  
бу тарзида битилган ва аввало Алишернинг ёшликдан  
севган шоирлари Хўжа Ҳофиз Шерозий, Муслиҳиддин  
Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий ва шунингдек  
муаллифнинг пири ва устози Абдураҳмон Жомий шеър-  
ларига кўпроқ татаббулар қилинган. Бугина эмас,  
шоир ёшлигидан бошлаб мазкур суҳан устодлари ижо-  
дини севиб, уларга эргашган. Бу улкан мактабнинг  
истеъдодли шогирди Алишер ўз машқларини устози  
Абдураҳмон Жомий назаридан ўтказиб борган, унинг  
маслаҳатларини олган, таҳриридан ўтказиб, камолотга  
интилган ва пирига мақбул бўладиган, ўтган классик-  
лар асарлари билан беллаша оладиган асарлар яра-  
тишга муваффақ бўлган. Ана шунинг учун у: «Кўпи  
Ҳазрати Маҳмудий Нуран муборак назарига етибдур  
ва ул ҳазратнинг ислоҳ, таҳсин шарафини касб этиб-  
дур...», деб ёзган.

Дарҳақиқат, девонга Алишер Навоийнинг жуда  
ёшлик давридан тортиб форсий тилидаги шеър-  
ий машқлари, кейинчалик ёзган турли жанрга мансуб  
асарлари жамланган. Бу хилма-хиллик ҳақида шоир  
«Лисонут-тайр» асарида:

Форсий назм ичра чун сурдим қалам,

Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам,—

7

деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам, девонда форсий шеър  
турларининг барчасидан намуналар мавжуд. Бу нарса  
ҳам Алишер Навоий форсий шеър жавлонгоҳини ўзи  
учун ўсиш, улғайиш ва мусобақа майдони деб қарага-  
нидан далолат беради.

Девондаги ғазаллар, анъанага кўра, алфавит тар-  
тибида жойлаштирилган.

Алишер Навоий ўз замонида устод ҳисобланган ва  
асарлари машҳур бўлган шоирлар исмини келтириб,  
«Маҳбубул-қулуб»нинг «Назм гулистонининг хушна-  
ма қушлари зикрида» деган бобида ёзган эди:



«Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойинган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан жавҳар термоқ ва у жавҳарни эл яхшилиги учун назм ипига тортмоқ. Назмларининг ифодаси гоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуг. Бу ажойиб кўринишга тобиъ бўлганларнинг баъзисини арз қилайликки, булар кимлардир. У жумладан: форсий иборада сирлар жавҳарини тузувчи Шайх Фариддин Аттордир. Яна: маънавий «Маснавий»нинг айтувчиси, яқинлик дарёсининг сувчиси Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдир.

Яна бир гуруҳдирким, ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдирлар ва сўзларини бу услубда боғлабдирлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиқи Амир Хусрав Деҳлавий, тасавуфда нозиклик ва мушкуллар чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Саной, ҳақиқат аҳлининг яғонаси Шайх Авҳадиддин ва тил билан маънини адо этган Хожа Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз.

Яна, бир қанчалар ҳам бордирларки, мажоз йўли уларнинг шеърида ғалаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбатланганлар. Чунончи: Камол Исфиҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Хожуи Қирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Заҳир Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котибий, Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий.

Яна, ҳақиқат ва мажоз йўлида камолга эришган ва илм ҳар икки йўлда етилган ва тўлишган, шоирларнинг илғори ва раҳбари... Абдураҳмон Жомий...» (П. Шамсиев соддалаштирган текстдан.)

Буюк Навоий ўз давригача ўтган улкан ва таниқли шоирларнинг бадний методларига қараб бўлиб чиқар экан, у турли адабий мактабларни ўта зукколик билан ажрата олгани маълум бўлса, унинг форсий шеърлари таҳлилидан бу мактаблардан ҳар қайсисининг файзидан баҳраманд бўлганлигини пайқаш мумкин.

Навоий — Фоний ўз девонида кўпроқ мана шу шоирлар асарларига жавоблар ёзиб, татаббу — издошлик қилади.

Маълумки, Навоий ёшлигиданоқ икки тилда тарбия кўрди. Классик тожик тили—форсий унинг иккинчи

она тили, ёш Алишернинг биринчи ёд олган байти Амир Қосим Анворнинг форсий шеърларидан эди. Сўзсиз, у мактабда ҳам, уйда ҳам форсигўй шоирлар ижоди самараларидан баҳраманд бўлган ҳолда ўсиб-улғайди ва шоирлик завқи ҳам камолотга етишди. Шунинг билан бирга, ҳали ёш Алишер шеърятини бир умр ўзига йўлдош қилиб танлар экан, унинг замонда кенг таралган анъана—назирагўйликни ҳам ўзига улуг мактаб, ҳам устозларининг ҳурмат-эҳтиромини жойига етказиш воситаси, кейинроқ эса ўздан олдин ўтган форсигўй шоирлар билан беллашмоқ майдони, мусобақа тури деб қабул қилган эди.

Бундан улуг Навоий форс-тожик адабиёти суҳан майдонининг ажойиб чавандозлари Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Жомий ва бошқалар билан беллашиб кўришни, бу соҳада балоғат ва фасоҳат кўрсатишни, сўнг эса, ўз она тили—қадимги ўзбек тилида лирик ва эпик асарлар яратиб, ўзбек шеърятини юксак бадинёт кўкига кўтариш мақсадини олдига қўйганлиги маълум бўлади.

Гарчанд Навоийнинг ўзи камтарлик билан:

Татабуъ кардани Фоний дар зшъор,  
На аз даъвию не аз худнамонст.  
Чу арбоби суҳан соҳиб дилонанд,  
Муродаш аз дари дилҳо гадоист.

Таржимаси:

Фоний назиралар ёзар экан, бил:  
Бу на дов, на ўзни бозорга солиш.  
Суҳан арбоблари сахийлигидан  
Муродим—тиланиб бир нима олиш,—

деса ҳам, бу асарларига «Фоний» («Ўткинчи») таҳаллусини қўйган бўлса ҳам унинг тожикча шеърлари форс-тожик адабиёти учун ўткинчи асарлар бўлмади. Мана, беш асрдирким, улар бой анъанали форс-тожик адабиётининг энг нодир асарларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўздан олдин ўтган ёки ўз замондош шоирлари асарига жавоб тариқасида янги асар (назира)лар ёзиш

мавзу нуқтаи назаридан жуда чекланган феодал Шарқ адабиётида кенг тарқалиб, анъанага айланиб кетган эди. Аммо назирагўйлик, кўп Ғарб тадқиқотчилари айтгандек, эпигонлик — тақлидчилик эмас. Албатта талантсиз шоирлар қўлида бир мавзуда тамом бошқа шаклда ёзилган асарлар ҳам тақлиддан нарига ўтолмайди.

Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,  
Сарву гул ўтрусига келтурди хас,—

деган эди Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Хамса» татаббулари ҳақида гапириб. Ҳақиқий истеъдод эгалари бир шаклда ва бир мавзуда ёзилмиш асарларда ҳам шакл ишига янги-янги дурдоналар тизганлар ва гулдан хас эмас, хору хасдан гул ундирганлар! Бу жиҳатдан татаббу оддий машғулот эмас, у қийин санъатдир.

Назира айтаётган шоир олдида ўз салафининг бадний ифода воситаларини, газал вазни, қофияси ва радифини сақлаган ҳолда ундан юқорироқ қимматга эга бўлган бадний дурдона яратишдек мураккаб ва қийин вазифа туради.

Проф. Е. Э. Бертельс назирагўйликнинг бу асл моҳиятини жуда тўғри таъкидлаб, назира «муаллифлари жавоб айтилаётган асар сюжетини аниқ қайтаришдан қочибгина қолмай, аксинча, уни тамоман янгича оригинал ёритишга интиланлар»<sup>1</sup>, дейди.

Шундай қилиб, назирагўйлик — тақлидчилик эмас, балки жуда катта ва масъулиятли поэтик мусобақа — ҳақиқий мушоира бўлган.

Бу анъана натижасида Шарқда сўзга тийраклик ва ўта зийраклик ҳислари тарбияланган, вояга етган.

Алишер Навоийнинг «Хамса» асари ҳам назиранинг порлоқ намунаси, аммо эндиликда унга кирган дostonларнинг оригинал асарлар эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат қолмади.

Татаббу. Шоирлар кўпроқ шаклан издошлик қилган бўлсалар-да, аммо мазмунда оригиналликка интиланлар. Нодир истеъдод эгалари издошлик қил-

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы, М., 1960, стр. 315.

ган шоирга кўр-кўрона эргашмаганлар, аксинча, ўз салафи асарини чуқур таҳлил қилиб, мавзунинг янги-янги қирраларини очишга интилганлар ва ҳатто издошлик қилаётган шоир билан мунозарага ўтганлар. Олдинги шоир ақидаларини инкор қилиш, унга зид фикрларни илгари суриш ҳолларини кўп учратиш мумкин. Одатда бу иш имо-ишорасиз, салафлар меҳнати ҳурматини жойига қўйган ҳолда ижро этилади. Аммо издошлик қилинаётган асарни таҳлил қилиб, келиша олмаган жойларини очиқ танқид қилиш, ўз позициясидан баҳолаш ҳолларини ҳам учратса бўлади. Масалан, Алишер Навоий Низомий Ганжавий ҳамда Амир Хусрав Деҳлавийларга издошлик қилиб, ўзининг буюк «Хамса»сини яратар экан, ўтмишдошлари асарларини ўз ақл элагидан ўтказиб, керак топганини олади, уни ўз замонасининг илғор гуманистик ғоялари билан бойитади ва тамоман оригинал асар яратади. Эндиликда бу нарса «Хамса» тадқиқотчилари томонидан тўла-тўқис исботлаб берилган<sup>1</sup>.

«Девони Фоний»да Навоий издошлик қилган шоирларни санаб кўрилса, қуйидагича: девондаги 554 ғазалнинг 237 таси Ҳофиз Шерозийга, 52 таси Абдураҳмон Жомийга, 33 таси Амир Хусрав Деҳлавийга, 25 таси Саъдий Шерозийга, 5 таси Мавлоно Қотибийга, 5 таси Мавлоно Шоҳийга, 4 таси Қамол Хўжандийга ва бошқаларга назира қилиб ёзилган<sup>2</sup>.

Бунда энг кўп татаббу Ҳафиз Шерозийга экани диққатни ўзига тортади.

Бунинг сабаби, албатта, буюк шоир ижодининг мазмун нуқтаи назаридан Алишер Навоий диққатини ўзига тортганлиги, унинг муҳаббатини қозонганлиги, унга ҳаммаслак ва ҳамфикр эканлигида бўлади. Шакл нуқтаи назаридан ҳам Ҳофиз ғазаллари ниҳоят юксаклиги билан ёш Навоий учун мактаб, етук Фонийга эса ўз ҳунарини синаб кўрадиган мезон бўла олар эди.

Девондаги татаббулар муқояса қилиб ўрганишни тақозо қилади. Алишер Навоий ёшликда шеърятга берилганлик даври ва бу даврда унинг шеърфаҳм дилини мафтун этган шоирлар ҳақида гапирганида ҳам бирин-

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс, В. И. Зоҳидов, А. Ҳайитметов ва бошқаларнинг асарлари.

<sup>2</sup> Ҳ. Сулаймон. Навоийнинг «Фоний» девони. «Шарқ юлдузи», 1965, 9-сон, 157-бет.

чи ўрнини Хожа Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий ва Жомийларга бериб ёзди:

«Бу сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддаий бу навъ гумон қилмасунки, менинг табъим турк алфозиға мулоийи тушган учун таърифиди муболаға изҳор қилурмен ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафийга исрор кўргузурменким, форсий алфоз истифосини ва ул иборат истиқосини киши мендин кўпроқ қилмайдур эркин ва салоҳ фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркинким, умрим гулшанининг таровати чоғи ва ҳаёт равзасининг наврас сабззорининг назоҳати вақтинким, ўн беш ёштин қирқ ёшқачадурки, инсон хайлининг табъи булбули ҳар гул жамолига шефта ва руҳи парвонаси ҳар шамъ ҳусниға фиреҳта бўлур, вақт бу авқотдур. Ва бу авқотда кўп ғариб воқеъ ҳодисдурки, ул воқеа биров ҳусн ва нозин ё ўз ишқ ва ниёзин шарҳ этарға бонс бўлур. Ва бу ҳол газал тариқида мунҳасиркам, ё айтурға мутааммил бўлулғай ё ўқурға муштағил. Уқурниға давовиндин бу фақир мутолаасиға кўп машғул бўлмагон девон оз эркин. Батахсис ишқ ва дард аҳлининг роҳбар ва пешрави Амир Хусрав Деҳлавий девониким, ошиқликда дард ва ниёз ва сўз гудоз тариқин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машғалидин бу партав олам тийра хоқдонниға ёйилди. Яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрозни Хожа Ҳофиз Шерозий нуқот ва асроринки, анфоси руҳулқудсдин нишон айтур ва руҳуллоқ анфосидин асар еткурур.

Яна бир фақирнинг пири ва устози... Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг руҳпарвар латойифи ва руҳ густар заройфиким... алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барқ кирдорроқ. Барчасиға кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен ва қасойид ва ғазалиётларнинг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифроқлариға татабуъ дағи қилибмен».

Бу парчадан уч нарсa маълум бўлади:

1. Навоий ўз она тилини бадийёт кўкига кўтарар экан, унинг рақиб ва ғанимлари форсий тилини билмасликда айбламасинлар, бунинг учун у форсий адабиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олмоғи керак эди.

2. Унинг мактаби, унинг устодлари ва энг севиқли шоирлари Хожа Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий.

3. У ёшлигидан мазкур уч шоир асарларига мафтун бўлган, уларнинг кўп лирик ғазалларини ёдлаган ва энг яхшиларига татаббулар қилган. Бундан ташқари, Навоий кўпгина ғазалларида Ҳофиз номини ўта ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олади.

Бу нарса «Девони Фоний»даги татаббулар қайдан келганлиги ва нима учун бу уч шоирга кўпроқ издошлик қилганлиги сирини ёритиб беради.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» даги назиралар татаббу ё «дар таври Хожа» (Ҳофиз йўлидан) ва мухтараъ усулларида ёзилган. Уларнинг кўпида Навоий ўз салафлари лирикасини кенгайтиради. Инсон дилининг янги-янги қирраларини нурлатиб зиё сочтиради, уларнинг гуманистик руҳини яна ҳам юксакроқ даражага кўтарди. Навоий кимга татаббу қилганлигини ўзи девонда кўрсатиб, ғазалларига унвои қўйиб кетган. Шундай қилиб, «Девони Фоний» бу томондан ажрлиб туради. У форс адабиёти тарихида сарлавҳаларга эга бўлган биринчи девондир. Ундан ташқари, баъзан ғазал мисраларида ҳам у татаббу қилинаётган шоир номини келтириб ўтади. Масалан:

Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз шояд, эй Фоний,  
Намойи чошни дарюза э-он назми жаҳоноро.

Таржимаси:

Ҳофиз ғазалларига ҳамма қойил қолган, эй Фоний,  
Уша жаҳонни безаган назмдан сен ҳам бир сз тиланиб  
олсанг бўлади.

«Девони Фоний»нинг асосий таркибинини ғазаллар ташкил қилади. Булардан кўпчилиги Ҳофиз Шерозий ғазалларига татаббу ёки улар таврида (тарзида) ёзилган. Алишер ёшлигиданоқ Хожа Ҳофиз ижодий мактабига кириб борар экан, унинг энг яхши гуманистик ғояларини ўзига сингдириб ривожлантира боради.

Аввало, «Шероз Ринди»нинг<sup>1</sup> эркин, риндона кайфиятлари Алишерга катта таъсир кўрсатади, бу таъсирни Навоийнинг ўзбекча ва форсий ғазалларидаги ишқ-муҳаббат талқинида ҳам, инсон шахсияти эркинлиги талқинида ҳам, мутаассиб уламоларга қарши йўналган аччиқ сатрларида ҳам яққол кўра оламиз. Ниҳоят у

<sup>1</sup> Алишер Навоий Ҳофиз Шерозийни кўпинча шундай деб атайди.



риндларга қуйидагича юксак баҳо беришгача бориб  
етади.

Мункири саҳл ба риндон, ки агар дар нигар,  
Оламе дар таҳи ҳар хирка ниҳон хоҳад буд.

Таржимаси:

Эй риндларни осонгина инкор қилгувчи,  
Агар яхшироқ қарасанг, ҳар бир хирқа тагида ўзга бир  
олам борлигини кўрасан.

Риндлар озод табнат кишилар, дил эрки эса шоҳлик-  
дан ортиқдир:

Бандан пири мугонам, ки гадаёни дараши,  
Ҳар як аз вусъати дил қайсару хоҳон омад.

Таржимаси:

Мен муғлар пирининг қулиман, чунки эшигидаги гадолар-  
нинг ҳар бири юракларни кенглигидан шоҳу хоқондирлар.

Ҳофиз ғазалларидек Фоний ғазалларида ҳам муҳаб-  
бат ёлқини нур сочиб, чолғу садоси янграб, шароб бўйи  
анқиб туради.

Фоний ғазалларида май гоҳ орифона маъно касб эт-  
са, гоҳ бир зумлик бўлса-да, дунё андуҳини унутиш во-  
ситаси— шодлик ва қувноқлик рамзи, демак, ҳақиқий  
дунёвийлик ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бу анъана форс-тожик адабиётидаги буюк Рудакий-  
дан бошланган.

Умуман, Навоий ижодида бўлганидек, унинг Фоний  
девонида ҳам хайёмона кайфиятлар, ҳаёт-мамот муам-  
мосига хайёмона фалсафий назар билан қараш жуда  
кучли. Шу нарсани қайд қилиб ўтиш лозимки, бу таъ-  
сир ҳам биринчи галда Ҳофиз Шерозий ижоди орқали  
бўлган. Тарихий манбалардан маълумки, Навоий за-  
монида Умар Хайёмнинг поэтик ижоди унчалик кенг  
тарқалмаган эди. Навоий у билан Ҳофиз ижодига нис-  
батан анча кечроқ танишган бўлса керак. Алишер На-  
воий ўзи ёшликдан асарларини мутолаа қилган шоир-  
лар орасида Умар Хайём номини тилга олмаслиги ҳам  
шундан далолат беради.

Аммо Хайём ғояларидан файз топган мисралар Фо-  
ний девонидан анчагина топилади.

Фоний:

Паймонаҳон мо зи ман соф пур диҳед,  
То пур шудан эи ҳодиса паймонаи дигар.

Вонзон то чанд манъи жому соғар мекунад,  
Чун димоғи хошро ҳам гаҳ-гаҳе тар мекунад.

### Таржимаси:

Вонзлар жом билан соғарни қанчалик ман этмасунлар,  
Ўзлари ҳам баъзи-баъзида димоғларини ҳўллаб турадилар.

Бу ғазални байтма-байт муқояса қилиб чиқсак, кўрамызки, Навоий — Фоний Ҳофиз Шерозий ғазални либрорисида ўзини жуда эркин тутиб, бемалол ҳаракат қилади ва Ҳофиз фикрларини ривожлантирар экан, бутунлай бошқа йўл тутиб, тамоман янги образлар системасини яратишга муваффақ бўлади.

Бундан ташқари, Ҳофиз шеърда турли мавзуларга бағишланган байтларни мушоҳада қиламиз. Навоий вонзлар риториклигини очишга изчиллик билан кўпроқ эътибор берган. Бу ҳол тасодифий эмас, албатта. Ҳофиз ва унинг замондошлари ғазал қонуниятиде бир ғазал таркибиде ҳофия ипига турли дурдоналарни тизиб кетавериш, яъни турли мавзудаги байтларни бир ғазалга киритавериш традициясига амал қилганлар. Бу Навоий ғазалларида ҳам бор. Аммо Навоий туркий ва форсий ғазалларининг кўпиде мавзуни чуқур ва изчил очиб беради.

Юқоридаги ғазалда Навоийнинг кўпроқ конкретликка эришгани ҳам биринчи байтданок кўриниб турибди. Ҳофиз ғазалидаги «Не чун вонзлар бир хил гапирадилар-у, бошқача иш тутадилар» қабалидаги умумий сўз ўрнига Навоий конкрет образ характерини тасвирлаб, улар бошқаларга май ичишни ман этадилар-у, ўзлари оғизларини май билан ҳўллаб турадилар, дейди.

Бунда бадий адабиётнинг типиклаштириш объектив қонуниятини яққол намоён бўлаётир. Шу биринчи байтда вонзлар риндларга шаробни ман этадилар-у, ўзлари ичадилар. Кейинги байтларда ҳам Навоий изчиллик билан вонзларни риндларга қарама-қарши қўя боради ва ғазал охирида бу фош қилувчи кайфият ўзининг юксак ниҳоясига етади.

Навоий ўз ғазалини тамомлар экан, жаннат хазиначилари ҳурлар қулоғини беэмоқ учун керакли сўзларни руҳоний вонзларининг сўзларидан эмас, Навоий ғазаларидан олади, деган байт билан тугаллайди:

Хозинин равза аз ашъори Фоний лаълу дур  
Бурда, бар рухсору гўши ҳур зевар мекунад.

Таржимаси:

Жашиат хазиначилари Фоний шеърларидан лаълу жавоҳир  
Олиб кетиб, ҳурнинг юзу қулөгини безайдилар.

Абдуғани Мирзоев Фоний — Навоний гоҳ Ҳофиздан сустроқ, гоҳ унга тенг ва гоҳ ундан ўтиб кетадиган газаллар яратгани ҳақида гапирар экан, у тамоман ҳақли. Бу фикр тўғри, аммо бу масалани янада очиқ-ойдин ҳужжатлаб тушунтириб берниш учун татаббу қилинган газалларини олиб, байтма-байт муқояса қилиб, айрим бўлақларини таҳлил қилиб чиқиш зарур. Бунинг сабаби ҳақида ҳозирча қўйидаги икки мулоҳазани ўртага ташлаш мумкин.

Аввало, Алишер Навоний жуда ёшлигидан то умрининг охиригача форс-тожик классик шоирларига издошлик қилиб, шеърлар яратган, шунинг учун унинг газаллари турли савияда бўлиб фасоҳат ва балогатда бир хилда эмас. Бу ҳақда Навонийнинг ўзи ҳам «Девони Фоний» да:

Эн сар то по набошад шеъри кас хуб  
Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.

Таржимаси:

Ҳеч кимнинг шеъри бошдан-оёқ яхши чиқмайди,  
Бу ҳеч кимга муяссар бўлмайди<sup>1</sup>.—

дейди. Иккинчидан, Навонийнинг форсий ижоди «Девони Фоний»ни умуман олганда унинг гуманистик пафоси анча юксак эканлиги, бунда Навоний Хайём, Ҳофизлар қўлга киритган ютуқларга таяниб инсон дили ҳақидаги илмни яна ҳам ривожлантиргани яққол кўзга ташланиб туради.

Алишер Навоний форсий девонига киритган қасида,

<sup>1</sup> А. М. Мирзоев, Алишер Навоний ва Хожа Ҳофиз «Садон Шарқ», 4-сон, 1966; Заҳриддин Бобир ҳам «Баъзи абъёти ёмон эмастур, вале аксар суст ва форуддур», деган эди. Бобинома Тошкент, 1960, 233-бет.

ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа шеърларида форс адабиётининг Навоийгача бўлган беш асрлик тарихига яқун ясади, унинг ғазалларида Саъдий мантиқи, Хусрав Деҳлавийнинг сеҳрли нафосати ва Ҳофиз исёнкорлиги уйғунлашди. Навоий бу асарларида форс адабиёти босиб ўтган Хуросон (ёки Туркистон) услубини ҳам, Ироқ услубини ҳам яхши эгаллаганини намойиш қилибгина қолмай, балки Алишер Навоийнинг ўзбекча ғазалларига ҳам хос бўлган янги фусункор навоийона услубга асос солди.

«Девони Фоний» устида биринчи бор жиддийроқ тадқиқот олиб борган ва уни нашрга тайёрлаган Эрон олими Рукнуддин Ҳумоюн Фаррух Навоий асос солган бу янги услубни «Ҳинд услуби» билан таққослаб: «...Фоний ғазаллари бу услубнинг энг яхши намунаси дир ва бу йўлнинг фикр ва хаёл тарзини кўрсатувчи аввалги маёқдирким, биз уни Ҳирот ва Исфиҳон услуби деб атаймиз»<sup>1</sup>. Бу услубнинг «Ҳинд услуби»га муносабати ҳам айрим тадқиқотга муҳтож, аммо Навоий форс адабиёти тарихида ҳам янги мактаб ярата олди, дейишга асос бор. Баъзан Ғарб тадқиқотчилари фақат сарлавҳага қараб иш кўрганликлари натижасида бу буюк санъаткорларга «тақлидчи» тамғасини босғувчилар ҳам бўлди.

Бу тадқиқотчилар у маҳалда кам ўрганилган Навоий ижодигина эмас, балки қийин ва мураккаб назира санъатини ҳам яхши билмаганлар. Бу санъатга юзакигина ёндашиб, ҳозирги замон Европа санъати нормалари нуқтан назаридан фикр юритганлар.

Навоий ижодига баҳо берар экан, Е. Э. Бертельс: «Тафаккурнинг бирор соҳаси йўқки, у янги фикр айтмаган бўлсин... Навоий эркин фикрнинг жонланишига таъсир кўрсатди... қонли қирғинлар оддий бир иш бўлган, ҳукмдорлар ҳеч сесканмай юз минглаб кишиларни қийноқларга маҳкум қилаётган чоғда у ҳақиқий гуманизм ғояларини баралла куйлади»,<sup>2</sup>— деган эди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий «Девони Фоний»да ҳам форс тарихида илгари ривож топган гуманистик

<sup>1</sup> Девони Амир Низомиддин Алишер Навоий «Фоний». Ба саъи ва эҳтимоми Рукнуддин Ҳумоюн Фаррух. Техрон, 1342/1963, 7-6.

<sup>2</sup> Е. Э. Бертельс. Избранные труды Навоий и Джами. М. 1965, стр. 203—204.

гояларга якун ясади ва ўзининг кўп қиррали ижтимоий ва адабий фаолиятига асосланиб, адолатли подшо ҳокимияти ҳақидаги орзулари, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши, инсон шахсиятининг ҳар томонлама ривожини ҳақидаги орзуларини ифода этдиким, Навоий ижодининг аҳамияти, унинг изчил ва чуқур гуманизми Фарб уйғоғи даври гуманизмидан асло қолишмайди. Буида Навоийнинг феодал Шарқда ижод этганлигини назарда тутсак, унинг ўз даври муҳитидан чиқиб нақадар илгарилаб кетганига ақл лол қолади.

Бу масалалар Навоийнинг ўзбек тилидаги ижоди таҳлилида ёрқин далиллар билан кўрсатиб берилган. Биз Навоий — Фонийнинг форсий шеърларида ҳам мана шундай юксак гоялар илгари сурилганлигини кўраимиз. Аввало у кишиларни ахлоқий софликка, қалбий юксакликка чақиради:

Бубин баландийи чархи барину пастийи хок,  
Нигун шудан чу нахоҳи бисоз худро паст.

Таржимаси:

Осмоннинг баландлигини кўргилу, ернинг пастлигига боқ,  
Осмондек тўнтарилган бўлишни истамасанг ўзингни ердек  
паст тут.

Инсон умрини вақтхушлик билан ўтказиши керак,  
ҳатто жаннатни ҳам дунёнинг ўзидан топиш мумкин:

Фоний ба ҳуру жаннату кавсар назар накард,  
Нозад ба базми ёру шароби расон хуш.

Таржимаси:

Фоний ҳуру жаннату кавсарга боқмади,  
У ёр базми-ю, стилган шароби билан ҳузур қилмоқда.

Ёки:

Равзау ҳур ба кавсар чи кунад ёд он к-ў  
Шоҳиду манзили амру май нобе дорад.

Таржимаси:

Ёнида гўзал ёри, тинч жойи ва тиниқ майи бўлган киши  
Жаннат, ҳур ва кавсарни нега эсласин.

Аммо ўз даври реал ҳаётнда бундай дамларни кам учратган шоир ўзгача замонларни орзу қилади:

Оламе ҳамки, набвад мардуми олам дар у,  
Ва-з жафон мардуми олам набошад гам дар у.

Таржимаси:

Шундай бир оламини истайманким, унда бу олам одамлари бўлмаса ва бу олам кишилари жафосидан унда гам бўлмаса.

Бу байтда яна шу нарса диққатга сазоворки, деярли барча шоирлар оламдаги аламларни фалакдан кўриб турган бир пайтда Навоий оламдаги гам манбани одамлардан деб таъкидлайди.

Навоий ўзбек тилидаги асарларида бўлганидек форсий девонида ҳам дин аҳллариининг риёкорлигини фош этади ва баъзан, умуман, диннинг асосларига ҳушёр қараб, унинг халқлар орасида инзолар қуроли эканлигини кўриш даражасига кўтарилади.

Нашуд за куфру имон як сари му маърифат ҳосил,  
Зи қайди субҳау зуннор растам, то чи пеш ояд.

Таржимаси:

Куфру имон деб юргандан, қилча маърифат ҳосил бўлмайди,  
тасбеҳ ва зуннор кишидан озод бўлдим, энди нима бўлса бўлар.

Фоний риёкор шайхлар, мистикларни айрим-айрим фош қилиш билангина чекланмайди. У ҳатто дин илди-зига теша теккизадиган байтлардан ҳам тоймайди:

Гар шайхи риён шумурад донан тасбеҳ,  
Ман бин, ки чу Фоний ба жаве нашумурам уро.

Таржимаси:

Агар риёкор шайх тасбеҳ донасини ўгирса,  
Кўргилки, мен Фонийлигимдан уни бир арпага ҳам ҳисоб қилмайман.



Навоний худбинликни аёвсиз фош этган:

Чун гул машав фирифтан рангу буйи хеш,  
Чун гунча баста дор лаб аз гуфтугуйи хеш!

Таржимаси:

Гулга ўхшаб ўз рангу ҳидинг шайдоси бўлма,  
Ўз ҳақингда гапиршдан гунчага ўхшаб лаб юм.

Фоний асарларида замон, замона аҳлидан шикоят  
мотивлари ҳам тез-тез учраб туради:

Аз бевафоният чу бе рўйи ҳама,  
Аҳли вафо сазад, ки набинанд рўйшон.

Таржимаси:

Юзсизликнинг ҳаммаси вафосизликдандир, вафо аҳли  
уларнинг юзини кўрмагани яхши.

Оби ҳаёт агар расад аз нутқашон ба жисм,  
Эй дил, гузар эн умру макун майл сўйшон.

Таржимаси:

Агар улар нутқи жисмга оби-ҳаёт бахш этса ҳам, эй дил,  
умрингдан кечсанг кечу, улар томон майл қилма.

Бу асарларда ватанпарварлик руҳи шундай баланд-  
ки, у жаннат боғига олиб борувчи йўлни ўз ватани  
Ҳиротдан топади:

Шоҳроҳ суйи жаннат фирдавс, ки жўянд,  
Фоний, ба яқин дон, ки Хиёбони Ҳирот аст.

Таржимаси:

Эй Фоний, яхши билки, кишилар қидирган жаннатга олиб  
борувчи тўғри йўл Ҳирот Хиёбонидир.

Фонийнинг пантеистик қарашларини биз унинг ғазалларида ҳам учратамиз:

Аз вужуд ар сари он нест шуурро, чи вужуд,  
Сад ҳазор ар бувад аъдод чи мумкин бе як.

Таржимаси:

Рақам юз минг бўлса ҳам, бирсиз мумкин бўлмагани каби,  
бир вужуднинг таъсирсиз ҳеч нарсанинг вужуди бўлиши  
мумкин эмас.

Навоий пантеист, аммо у кўпинча катта санъаткор сифатида реал дунё қонуниятини тўғри ҳис этиб, материалистик дунёқарашга яқин келиб, диний ақидаларни инкор этишга этиб қолади.

Буни ўзи ҳам яқини сезган шоир бутун айбни ўз қаламига, шеъриятга тўнкаб, узрхонлик қилмоқчи бўлади:

Чун қалам сар бар хатат ниниҳод, аз он маъни бувад,  
То қиёмат сар ингуну рў сиёҳу сиёна чок.

Таржимаси:

Қалам фармонингга бўйсунмаганидан,  
*қиёматгача* боши қуйи, юзи қора ва сийнаси чокдир.

Алишер Навоий — Фонийнинг форсий девонида бундай теран ва ўз замони учун жуда илгор гуманистик фикрларни ташувчи фалсафий рубоийлар, қитъалар ҳам кўп. Бу девонга кирган ғазаллар ўзининг фасоҳат ва назокати билан кишининг завқига завқ, шавқинга шавқ бағишлайди.

Девонда автобиографик характерга эга бўлган асарлар ҳам анчагина. Улар айниқса қитъа, таърих ва Навоий замонасида кенг тарқалган ва шунинг учун «Девони Фоний»дан ўзига муносиб жой олган муаммолар орасида кўп учрайди. Улардан шоирнинг ўзи ҳақида таниш-билишлари, яқин дўстлари ҳақида, ўша давр ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар топиш мумкин. Аммо биз бунда Фонийнинг бир ғазалига эътиборни жалб этмоқчимиз.

Бу ғазал «Баёни воқеъ»—«Воқеа баёни» деб аталган бўлиб, ғазал матлаидаёқ шоир севгилисининг гулшанга келмагани ҳақида хабар беради:

Сўн гулшан рафтаму сарви хиромоним набуд,  
Гиря зўр овард, к-он гулбарги хандонам набуд.

### Таржимаси:

Гулзор томон бордим, у сарв хиромоним йўқ эди,  
Пигим зўрайди, чунки у ерда у гулбарги хандоним йўқ эди.

Қейин ҳижрон азоблари тасвирланади. Бу ғазал кўпдан бери мунозарали бўлиб келаётган масала — Навоийнинг севгилиси бўлганми, деган масалага бир оз ёғду сочгандек кўринади. Ҳозирча шуни қайд қилиш мумкинки, бу ғазалда ортиқча муболағалар йўқ, «Девони Фоний»нинг кўп ғазаллари, байти тахаллусида фаноликка чорлаш, бевафолик, майдан омон топиш сингари фикрлар илгари сурилади, бу ғазал эса париларашк этувчи реал маҳбуб ҳақидаги сўзлар билан тугайди, умуман бунда сўфиёна кайфиятлар ҳам кўришмайди. Реал ҳаётда ўз севгилисидан айрилган ошиқ ҳис-туйғулари нфода этилади.

Навоийнинг форсий асарлари тили ўзининг содда услуби билан гуманистик моҳият касб этади, улар бир ҳовуч сарой эстетлари учун эмас, балки кенг халқ оmmasини назарда тутиб ёзилган.

Сарам ғизон сагат соз, гарчи сайди туям,  
Ким они на лойиқи овехтан шуд аз фитрок.

### Таржимаси:

Овинг бўлсам ҳам, бошимни итинга ташла,  
Чунки у ов тасмасига осилишга лойиқ эмас.

Овчилар ҳаётдан олинган бу деталдан шоир жуда усталик билан фойдалангани кўриниб турибди.

Маълумки, тарси санъатида форс шоирларидан ҳеч ким рубоий битган эмас эди. Бундай рубоийнинг бирдан бир намунаси Алишер Навоий қаламига мансуб:

Эй рўи кавкаби жаҳон орое,  
Вей бўи ту ашҳаби равон осое,

Бе мўи ту, ё раб, чунон фарсое.  
Гисўи ту чун шаби фиғон афсое.

Яна шунн ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, «Девони Фоний»га кирган рубонийларнинг ҳаммасида тўрттала мисра тўлиқ қофияга эга. Шундай қилиб, тўрт мисрадан иборат, ҳажми тор зиндон, мазмуни бепоён — рубоний жанрида бу усул шоир имкониятини қанчалик чеклаб қўйишлигини ҳис қилолсак Фоний турли даъвогарлар олдида ўз ҳунар-истеъдодини исботлаш мақсадини ўз олдига қўйганлиги ва бунинг уддасидан чиқа олганлигини кўрамиз. Бундан ташқари, у газалларида ҳам муаммо усулларида фойдаланиб, гўзал байтлар яратади:

Зи мушкин зулфи ў ҳаргиз нашуд жуз мушкилам ҳосил,  
Чу мушк афтад қарини лом, ҳосил нест жуз мушкул.

Таржимаси:

Мушк сўзи лом «л»га яқин турганда, «мушкул» деган сўздан бошқа нарса ҳосил бўлмагани каби,  
Унинг мушкин зулфидан менга мушкулдан бошқа нарса ҳосил бўлмайди.

Алишер Навоий татаббу ва тазмин санъатининг турли усулларида моҳирона фойдаланади ва янги усуллар кашф этади. «Девони Фоний»га муаллиф томонидан қўйилган сарлавҳаларни санаб ўтишнинг ўзи ҳам фикри-мизнинг ёрқин далили бўла олади: татаббу, Татаббун Мир дар ранги Хожа (Хожа Ҳофиз рангида Амир Хусравга издошлик), Татаббун Мир дар таври Хожа (Хожа Ҳофиз тарзида Махдум Жомийга издошлик), Татаббун Амир Хусрав дар таври Ҳофиз (Ҳофиз тарзида Амир Хусравга издошлик), Татаббун шайх дар таври Махдум (Жомий тарзида Шайх Саъдийга издошлик), Дар ҳамон тавр (ўша тарзда), дар ҳамон услуб (ўша услубда), Ихтиро (янги бадий кашфиёт), дар шикоят замон (замон шикоятида), Дар бевафон аҳли олам (олам аҳли бевафоллиги ҳақида), Дар бевафон даврон (Даврон бевафоллиги ҳақида).

Фоний салафлар қўллаган образлар, адабий приёмлардан усталик билан истифода этиб, гоҳи татаббу қилинаётган асар сўзлари чегарасидан чиқмай янги мазмун

ифода этади, гоҳо янги қофия, янги сўзларни ишга солади, гоҳо матлада асос газалдан унча узоқлашмайди, гоҳида матладан узоқлашиб кетади-ю, мақтада шопрининг ўз мисраларининг тазмин қилиб, яна унга қайтиб келади ва ҳоказо.

Фоний газалларининг асосий лирик қаҳрамони инсон ва унинг бахт-саодати ҳақида доимо безовта, тиниб-тинчимасан, унинг учун ҳар нарсани ўз бошидан ўтказиб келиб кўришга ҳозир турган, ўткир зеҳдли «Ринд» образидир.

Биз Алишер Навоийнинг форсий ижодига унинг севиқли устодлари таъсири, айниқса, Ҳофиз Шерозий таъсири ҳақида гапирдик, келтирилган мисоллар ҳам буни исбот этади. Аммо шу билан бирга Навоийнинг форсий ижоди шунинг кўрсатадигани, Навоий ҳеч вақт ўз устодларига тақлидчи бўлиб қолмаган. Бу ўринда А. С. Пушкиннинг бошқаларга таъсири ҳақидаги В. Г. Белинский сўзларини эслаб ўтмиш ўрнелидир: «...Аммо улуғ шопрининг бошқаларга таъсири унинг шеърини бошқаларда ўз инъикосини кўрсатишидагина сезилмайди, балки уларда ўз қудратини қўзғатади: бамисоли офтоб нурин, нур ҳам ерни ёритиб, унга ўз қувватини ўтказмайди, фақат ернинг ўзида мужассамланган қувватни қўзғатади...»<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, Ҳофиз, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва бошқаларнинг ҳар сатри Алишер Навоийнинг ҳассос қалбига тегар экан, унда жўшқин садолар пайдо қилади.

Форс-тожик адабиёти тарихида газал тараққиётини чуқур текширган олим А. Мирзоев Фоний газалларини Ҳофиз Шерозий газаллари билан муқояса қилиб текширар экан қуйидаги хулосага келади:

«Алишер Навоийнинг бу икки жавоб— газалида умуман янги мазмун ва латиф тасвир шу даража баланд ва моҳирона келтирилганки, улар батамом мустақил ва XV асрнинг биринчи ярмидаги форс-тожик шеъринида биринчи даражали асарга айланганлар.

Бу аҳвол «Фоний» девонида тасодифий ҳодиса эмас, Алишер Навоийни форс-тожик назмида устодлиги ва баланд маҳорати нишонасини унинг ҳар назмига ёки мус-

<sup>1</sup> В. Г. Белинский. Полное собрание сочинений. Т. 5, М., 1954, стр. 502.

тақил газалида кўпми, озми яхши мушоҳада қилиш мумкин. Алишер Навоий ижодининг бу қисмини мутолаа қилишдан шундай тасаввурот ҳосил бўладики, ўзбек адабиётининг асосчиси форс-тожик адабиёти тарихида ҳам ўз мақомини ҳақиқатан яхши тайин эта олган.

Шундай қилиб, Алишер Навоий адабиётимиз тарихига XV аср тожик газалгўйлигида энг яхши шоирлардан бири бўлиб киради»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти ва адабий тилини юксак адабиёт осмонига кўтарган, форсий тилдаги адабиётни ҳам юқорироқ босқичга кўтара олган, услуб нуқтаназаридан эса унда янги ўзан яратган улкан санъаткордир.

У ўзининг туркий ва форсий тиллардаги ижодига ҳаққоний баҳо бериб, фахр билан қуйидаги сўзларни айтишга ҳуқуқ олади:

Маънийи ширину рангинам ба турки беҳад аст,  
Форсий ҳам лаълу дурхон самин чун бингари  
Гўйинё дар рост бозори сухан букушоодаам,  
Як тараф дўкони қанноди-ю як су заргари.

Таржимаси:

Рангину лаззатли маъно менда беҳад туркийда,  
Форсисига бир назар сол, бебаҳо дур, гавҳарим.  
Мен сухан бозорида гўё очибман растаким,  
Бир томон қандолату ҳалво-ю, бир ёқ заргарлик.

## ДАВР ДУРДОНАСИ

«Бу кўҳна дунё» деган гап бор. Айниқса, маданиятимиз тарихига назар ташлаганда, унинг тадқиқоти билан шуғулланиб, ажиб осори антиқаларга дуч келганда бу оддий ва кўпинча гап орасида таъсирсизгина ўтиб кетадиган иборанинг жилоси ярақлаб кетади, унинг чуқур мазмунини очила боради.

Мана, қўлимизда янгигина босмадан чиққан бир

<sup>1</sup> А. Мирзоев. Фоний ва Ҳофиз. Душанбе, «Ирфон» нашриёти, 1966, 14-бет.



китоб — бундан минг йил илгари ёзилган тазкира<sup>1</sup>. Уни синчиклаб ўрганар эканмиз биз XV—XX аср шоирларида учратиб қойил қолиб юрган ажойиб образлар, нукталар, ҳикматларни энди X аср шоирлари ижодида кўриб ҳайратланамиз ва юқоридаги жумлани яна ҳам чуқурроқ масъулият билан қайтарамиз: «Ҳа... кўҳна дунё экан. Инсон табииятининг шаклланишига, унинг инсонийлиги қонулашганига, инсон психологиясининг турғун хислатлари дил деган бир томчи қонда тажассум топганига жуда кўп замонлар бўлган экан» деймиз.

Ҳа, қўлимиздаги китоб мана шундай ҳаёлар оғушига тортар экан, Урта Осиё халқларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини ўйлаб кетади киши.

Урта Осиё халқлари қадимий ва мустақил маданиятга эга бўлганлар. Бунини А. Ю. Якубовский, В. А. Шанкин, Яҳё Гуломов каби совет археолог олимларининг Урта Осиё ерларида олиб борган илмий-текшириш ишлари яққол кўрсатиб беради. Проф. С. П. Толстов бошчилигида совет археологлари қадимий Хоразм маданиятининг нақадар баланд поғонага кўтаририлганлигини аниқ фактлар билан исботлаб берадилар.

Грек-бохтар даврида ҳам, парфянлар маданияти даврида ҳам, араблар бостириб келиши арафасида ҳам, ундан кейинги даврларда Бухоро, Хоразм ва бошқа маданият марказларида илму ҳунар тараққиёти нурли чўққиларга эришганлиги эндиликда тарихий ҳужжатлар билан исбот қилинган ҳақиқатдир.

Урта Осиё ва Эрон халқларининг энг буюк маданий муваффақиятларидан бири — эрамизгача бўлган III асрдаёқ ёзувнинг ихтиро этилиши эди. Бу даврда оромий ёзуви кенг тарқалган, кейини шу асосда сўғд ва хоразм ёзувлари ишлаб чиқилган эди.

Ёзувнинг ихтиро қилиниши одамзод ҳофизасининг чуқурлашишига, билим донрасининг кенгайишига, бобо билимини набирага етказишга хизмат қилиб, инсоният фикрига безаволлик бахш этди.

Урта Осиё ва Эрон халқларининг бой оғзаки ижодида ажойиб қаҳрамонлик дostonлари бўлган. Бу дostonлар-

<sup>1</sup> Абу Мансур ас-Саолибий. Иатимат ад-даҳр фи маҳосини аҳл ал-аср (аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси). Тадқиқ қилувчи, таржимон. изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи — Исмагулла Абдуллаев. ЎзССР, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1976.

тақил газалида кўпми, озми яхши мушоҳада қилиш мумкин. Алишер Навоий ижодининг бу қисмини мутолаа қилишдан шундай тасаввурот ҳосил бўладики, ўзбек адабиётининг асосчиси форс-тожик адабиёти тарихида ҳам ўз мақомини ҳақиқатан яхши тайин эта олган.

Шундай қилиб, Алишер Навоий адабиётимиз тарихига XV аср тожик газалгўйлигида энг яхши шоирлардан бири бўлиб кирадн»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти ва адабий тилини юксак адабиёт осмонига кўтарган, форсий тилдаги адабиётни ҳам юқориноқ босқинча кўтара олган, услуб нуқтан назаридан эса унда янги ўзан яратган улкан санъаткордир.

У ўзининг туркий ва форсий тиллардаги ижодига ҳаққоний баҳо бериб, фахр билан қуйидаги сўзларни айтишга ҳуқуқ олади:

Маънийи ширину рангинам ба турки беҳад аст,  
Форсий ҳам лаълу дурхон самин чун бингари  
Гўйиё дар рост бозори сухан букушодам,  
Як тараф дўкони қанноди-ю як су заргари.

Таржимаси:

Рангину лаззатли маъно менда беҳад туркийда,  
Форсисига бир назар сол, бебаҳо дур, гавҳарим.  
Мен сухан бозорида гўё очибман растаким,  
Бир томон қандолату ҳалво-ю, бир ёқ заргарлик.

## ДАВР ДУРДОНАСИ

«Бу кўҳна дунё» деган гап бор. Айниқса, маданиятимиз тарихига назар ташлаганда, унинг тадқиқоти билан шуғулланиб, ажиб осори антиқаларга дуч келганда бу оддий ва кўпинча гап орасида таъсирсизгина ўтиб кетадиган иборанинг жилоси ярақлаб кетади, унинг чуқур мазмунни очила боради.

Мана, қўлимизда янгигина босмадан чиққан бир

<sup>1</sup> А. Мирзоев. Фоний ва Ҳофиз. Душанбе, «Ирфон» нашриёти, 1966, 14-бет.

китоб -- бундан минг йил илгари ёзилган тазкира<sup>1</sup>. Уни синчиклаб ўрганар эканмиз биз XV—XX аср шоирларида учратиб қойил қолиб юрган ажойиб образлар, нукталар, ҳикматларни энди X аср шоирлари ижодида кўриб ҳайратланамиз ва юқоридаги жумлани яна ҳам чуқурроқ масъулият билан қайтарамиз: «Ҳа... кўҳна дунё экан. Инсон табиатиининг шаклланганига, унинг инсонийлиги қонунлашганига, инсон психологиясининг тургуи хислатлари дил деган бир томчи қонда тажассум топганига жуда кўп замонлар бўлган экан» деймиз.

Ҳа, қўлимиздаги китоб мана шундай ҳасёллар оғушига тортар экан, Урта Осиё халқларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини ўйлаб кетади киши.

Урта Осиё халқлари қадимий ва мустақил маданиятга эга бўлганлар. Бунин А. Ю. Якубовский, В. А. Шишкин, Яҳё Гуломов каби совет археолог олимларининг Урта Осиё ерларида олиб борган илмий-текшириш ишлари яққол кўрсатиб беради. Проф. С. П. Толстов бошчилигида совет археологлари қадимий Хоразм маданиятининг нақадар баланд поғонага кўтарилганлигини аниқ фактлар билан исботлаб берадилар.

Грек-бохтар даврида ҳам, парфянлар маданияти даврида ҳам, араблар бостириб келиши арафасида ҳам, ундан кейинги даврларда Бухоро, Хоразм ва бошқа маданият марказларида илму ҳунар тараққиёти нурли чўққиларга эришганлиги эндиликда тарихий ҳужжатлар билан исбот қилинган ҳақиқатдир.

Урта Осиё ва Эрон халқларининг энг буюк маданий муваффақиятларидан бири — эраминзгача бўлган III асрдаёқ ёзувнинг ихтиро этилиши эди. Бу даврда оромий ёзуви кенг тарқалган, кейин шу асосда сўғд ва хоразм ёзувлари ишлаб чиқилган эди.

Ёзувнинг ихтиро қилиниши одамзод ҳофизасининг чуқурлашишига, билим доирасининг кенгайишига, бобо билимини набирага етказишга хизмат қилиб, инсоният фикрига безаволлик бахш этди.

Урта Осиё ва Эрон халқларининг бой оғзаки ижодида ажойиб қаҳрамонлик дostonлари бўлган. Бу дostonлар-

<sup>1</sup> Абу Мансур ас-Саолибий. Патимат ад-даҳр фи маҳосини аҳл ал-аср (аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси). Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи — Исмагулла Абдуллаев. ЎзССР, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1976.

да ёруглик билан қоронғуликнинг, яхшилик билан ёмонликнинг, девлар билан париларининг, олов билан аждаҳонинг доимий кураши нақл этилган. Бу курашда инсон доимо пур томонда, яхшилик тарафида туриб курашади.

Биз қадим даврларда жуда тараққий топган саксўғд афсоналарининг қаҳрамони Рустам ҳақидаги, сўғд қаҳрамони Барзу, боҳтар қаҳрамони Исфандиёр, сўғд-хоразм афсоналари қаҳрамони Сиёвуш ҳақидаги ривоятларни учратамиз.

Зардўшт динининг асосий китоби «Авесто»да ҳам диний ақидалардан ташқари, боҳтарлар ва сўғдларнинг бир қанча ривоят ва афсоналари ўрин олган. Бунда биз кейинчалик улуғ Фирдавсий «Шоҳнома»сида ўз ўрнини эгаллаган каснийлар сулоласи, Жамшид, Заҳҳок, Сиёвуш, Қайхусрав, Афросиёб ва бошқа персонажлар ҳақида ҳам маълумот борлигини кўрамиз.

Парфий, сак ва бошқа қабилаларининг ҳам бой огзаки адабиёти— ривоят ва ҳикоялари, эпик афсоналари бўлган. Булардан Гударз, Гив, Бижан, Маннжа кабилар кейинчалик Фирдавсий «Шоҳнома»си қаҳрамонларига айландилар. Сакларнинг дoston-афсоналарида ҳам биз Сом, Зол, Форумуз, Рустам образларини кўрамиз.

Бу эпик афсоналардан ташқари Ўрта Осиё халқларининг боболари узоқ ўтмишда жуда бой ва ранго-ранг эртактлар, қўшиқлар, мақол ва маталлар яратганлар.

Бу афсоналарнинг ҳаммасида ҳам ёруглик — қаҳрамонлик ва ботирлик, олижаноб инсонпарварлик, ватанга муҳаббат ва жонбозлик тараннум этилади.

Бизгача етиб келган ёзма асарлар асосан паҳлавий тилида ёзилган.

Ўрта Осиё ва Эрон ерларини араблар босиб олиш билан паҳлавий тилида асарлар ярашишга барҳам берилди.

Араблар зар ва тиф кучи билан араб тили ҳукмронлигини ўтказа бошладилар ва ниҳоят, 200 йил давомида араб тили адабиёт, илм-фанда ҳукмронлик қилди.

Бу даврда ҳам Ўрта Осиё халқлари илм ва маданият гоҳасида катта ва ёрқин ютуқларни қўлга киритдилар. Аммо, Форобий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино асарлари каби илмий асарларгина эмас, балки бадий адабиёт асарлари ҳам араб тилида ёзилар эди.

Европа олимлари бу осори атиқаларининг тилига қараб уларни араб маданияти ёдгорликлари деб билдилар.

Совет олимлари «Араб маданияти» деб аталган маданиятни яратишда ўзбеклар, тожиклар, озарбайжонлар, эронликлар, Ўрта ва Яқин Шарқнинг бошқа халқлари аجدодлари актив қатнашганлигини таъкидладилар. Манбаларни ўрганиш иши ҳам анча яхши йўлга қўйилди.

Олимларимизнинг бу борадаги хайрли ишлари ўз самараларини бермоқда ва каттами-кичик ҳар бир халқ тарихининг турли даврида жаҳон маданиятига ўз ҳиссасини қўша олганлиги небот этилмоқда.

Шундай ажойиб ёдгорликлардан бири Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Татимат ад-даҳр фи махосин аҳл ал-аср» асаридир.

X—XI аср адабиётимиз бешинчи тепасида турган шоирлар ҳақида биринчи ва ягона манба бўлган бу тазкира Европа ва рус шарқшунослари орасида аллақачонлардан бери маълум бўлса-да, Шарқдаги ва Фарбдаги йирик шарқшунос олимлар ўз тадқиқотларида ундан кўп фойдаланган бўлсалар-да, аммо китоб чоп этилмаган ва муфассал ўрганилмаган эди.

Таниқли ўзбек арабшунос олими Исматулла Абдуллаев умри илм-маданиятимиз тонгидан бир даста нур бўлиб, ўрта аср зулматидан ўтиб бизга етиб келган шу китобни ўрганишга бағишлади.

Унинг йиғирма йиллик меҳнати самараси қўлимизга теғди. Мана Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Фан» нашриёти чоп этган 650 саҳифалик китоб қўлимизда.

И. Абдуллаевнинг бу соҳадаги кўп йиллик ишларини унинг «Бухоронинг арабийнавис шоирлари», «Абу Мансур ас-Саолибий», «Берунийга замондош шоирлар» каби китоблари ва ўнлаб мақолаларидан билар эдик. Мана энди бу улкан иш маълум бир босқичда анжомига етибди.

Китоб асосан икки катта қисмдан — илмий тадқиқот ва тазкиранинг 4-боби таржимасидан ташкил топган.

Муаллифнинг 4-бобни таржима ва тадқиқ мақсади қилиб олиши айни муддао. Зеро бу бобда араб тилида ижод этган 124 шоир ва адиб ҳақида маълумотлар, уларнинг шеърӣ ва насрий асарларидан намуналар берилган. Буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган ва кўпчилигининг номӣ кенг жамоатчилиikkaгина эмас, адабиёт аҳлига ҳам унчалик маълум



бўлмаган шоирлар эди. Чунки Ўрта Осиё халқларининг араб тилида яратилган адабиёти ҳануз яхши ўрганилмаган.

Бу асарни ўрганиш эса бизга кўпгина тарихий воқеаларни оча бориш билан бирга, умуман илм-маданиятимиз тарихини изчилроқ ўрганиш имконини беради.

Китобнинг тадқиқот қисмида И Абдуллаев «Иттиҳот ад-даҳр»нинг асосий манбалари ҳақида, унинг муаллифи ас-Саолибийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб, унинг элликдан ортиқ асарларига қисқа-қисқа характеристикалар бериб ўтади. Шуниси олқишга сазоворки, тадқиқотчи ас-Саолибий ҳаёти ва унинг ижоди ҳақида биринчи бўлиб муфассал ва системали маълумотлар берар экан, бу гапларни у аввало Саолибийнинг ўз асарларидан тўплайди ва шу билан бирга замондошлари асарларидан катта меҳнат билан битталаб йиғилган маълумотлар билан бойитади. Натижада Х асрда яшаб ижод этган шоир, адиб ва улкан тилшунос олим ас-Саолибий ҳақида илмий биографик очерк яратилади.

Бу очеркда араб-форс тилларидаги ишонарли манбаларга асосланиб ва бу соҳада Европа ва рус тилларида яратилган илк тадқиқотларга суяниб ас-Саолибийнинг шеърятдаги, адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларидаги ниҳоятда муҳим фаолияти, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган асарлари марксистик нуқтаи назардан муносиб равишда баҳоланади.

Сўнг Ўрта Осиё ва умуман яқин ва Ўрта Шарқда тазкиранавислик анъаналари қисқача ёритилади ва «Иттиҳот ад-даҳр»нинг чуқур ва атрофлича таҳлили бошланади. Китобнинг ёзилиши тарихи, структураси, услубий хусусиятларини муфассал очиб берган автор асосий диққатини унинг мазмунига, гоёвий-бадий йўналишига қаратади. Бунда ҳам И. Абдуллаев тўғри йўлдан борган, тазкирага киритилган шоирлар араб халифалигининг давлат тили бўлган араб тилида ёзган бўлсаларда, улар Ўрта Осиё халқлари фикру ўйларини ифода этганлар. Китобда халифаликка қарши ёзилган асарлар, байт ва мисралар ҳам бот-бот учраб туради.

Бу тадқиқотни Ўрта Осиёда Х—ХІ асрда араб тилида ижод этилган адабиёт ҳақидаги илмий очерк деса бўлади.

Автор бу материалларни жанрлар бўйича группалайди ва адабиётнинг гоёвий-бадий томонларини таҳлил



қилади, унда қўлланилган шакллар ҳақида фикр юр-тади.

Бу ўринда, айниқса, Бухорода араб тилида ривожланган шеърят картинасини ишонарли қилиб бера олганлигини қайд қилиш керак.

И. Абдуллаев бу асарга тил теккизган бошқа олимлардан фарқли ўлароқ бу шеърят араб тилида бўлгани билан мазмунда ва гоаявий-бадний йўналишда, умуман, араб адабиёти деб аталган адабиётдан тафовут қилиш-лигини кўрсатиб беради ва шундай қилиб, Ўрта Осиё халқлари адабиётининг ўзига хос мустақил йўлдан ривож топгани исботига исбот қўшади.

Монографик тадқиқотнинг муҳим бўлимларидан бири тазкирада келтирилган шеърятнинг бадний хусусиятлари ҳақидаги текширишлар бўлиб, унда автор турли парчалардаги бадний воситаларни синчиклаб ўрганади ва илмий умумлашмалар қилади.

Айниқса, унинг шеърлари вазни ҳақидаги, арузнинг қайси баҳри кўпроқ қўлланилганлиги ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, олим тазкирага киритилган шеъринг парчаларда қўлланилган стилистик приёмлар, бадний воситалар, мажоз ва ташбиҳотлар, муболага ва иштиқоқлар, истиора ва тавсифлар ҳақида атрофлича мулоҳаза юритади. Уларни араб мамлакатлари поэзияси билан қиёслайди ва Ўрта Осиёда араб тилида яратилган поэзия бу соҳада ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ҳақида, шеър поэтикасида юз берган янгиликлар ҳақида ҳамда бунинг сабаблари ҳақида муҳим хулосалар чиқаради, назарий умумлашмалар қилади.

Бундай маҳаллий анъаналарга суянган шоирларнинг араб бадний шеърятига янги образлар, янги фикрлар қўшиб, тамоман янги услуб яратганликлари яққол ми-солларда кўрсатиб берилади.

Китобнинг тадқиқот қисмида Ўрта Осиёда араб тили-да яратилган поэзия билан форсий тилда битилган шеърят муқоясасига бағишланган бўлимларни айниқса ма-роқли ва муҳим.

Автор бу қисмда Бухорода ҳар икки тилда майдонга келган шеърят намуналарини муқояса этиб ўргана-ди ва чуқур тадқиқ натижасида ҳар икки тилдаги поэзия манбаи бир эканлигини, унинг халқ оғзаки ижоди чаш-

масидан баҳраманд бўлганлигини яққол далиллар билан кўрсатиб беради.

Бундан ташқари автор бу араб тилидаги шеърятни яратганлар ҳақида, улар яратган маданий ва миллий муҳит ҳақида фикр юритади ва муҳим хулосаларни қўлга киритади. И. Абдуллаев ўзининг кўп йиллик ва катта тадқиқотида Ўрта Осиё халқлари вакиллари араб тилида ижод этган шеърятни текшириб, унинг маданиятимиз тарихида тутган ўрнини белгилаб, улкан аҳамиятини кўрсатиб берди.

«Йатимат ад-даҳр» тадқиқоти ва илова қилинган IV боб таржимасини маданиятимизда катта воқеа деб аташга тўлиқ асос мавжуд. Бу ноёб асарни ўрганган маданиятимиз ва адабиётимиз бадий мактаби тарихини, унинг усуллари ва хоссалари, унинг парвоз қанотларини чуқур тушунишга ёрдам беради.

Бу асарлар таҳлили адабиётимизда X–XV асрларда юксак парвозга кўтарилган гуманизм гоялари ўз миллий давлатини вужудга келтирган, икки юз йиллик араб ис-тилосидан чиқиб, сиёсий мустақилликка эришган ва пойтахти Бухорода бўлган Сомонийлар давлатини вужудга келтирган Ўрта Осиё халқлари маданиятининг тадрижий тараққиёти натижаси эканлигини яққол намойиш этади.

И. Абдуллаев бу даврда араб тилида яратилган адабиётни систематик ва атрофлича ўрганишни бошлаб берди. И. Абдуллаев тадқиқотлари натижасида энди маданиятимиз тарихидаги бу муҳим, ammo ҳозиргача маъхум қолиб келган давр ҳақида равшан маълумотлар илмий жамоатчилик қўлига кириб келди ва адабиётимиз тарихида ўтган анчагина шоирлар номи маълум бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси томонидан ҳозирланиб, нашрдан чиқиш арафасида турган кўп жилдли китоб «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг биринчи жилдига «Араб тилидаги поэзия» бўлимининг киритилиши ва бу бўлим «Йатимат ад-даҳр» материаллари асосида шарҳлаб берилиши ҳам фикримизни исбот этади.

X аср ва XI аср биринчи ярми адабий муҳитини ўрганишда ягона манбалардан бири бўлган «Йатимат ад-даҳр» IV қисмининг таржима этилиши Бухородан, Тошкентдан ва Ўрта Осиё ҳам Хуросоннинг бошқа шаҳарларидан чиққан кўпгина шоирлар ижодининг эмас,

балки кейинги давр шеъринини ўрганишда ҳам муҳим таянч бўла олади.

Эндилликда баъзи образлар, табиҳотлар, мажоз ва истиоралар манба ва маншанин текшириб ўрганиш имкониётига эга бўлди. Биргина мисол: Умар Хайёмда шундай рубоний мавжуд:

Ичкилик кеккайган бошини қилур ҳам,  
Майдан ечилмаган бирор тугун кам.  
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон,  
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам!

Бунда улуг шоир бир диний афсонадан моҳирона фойдаланиб майни васф этмоқда. Афсонага кўра, иблис ҳам фаришта бўлган экан, худо одамни яратгач, барча мавжудотдан уни юқори қўйган ва ҳамма қатори фаришталарга ҳам унга сажда қилишга буюрган. Шунда барчаси сажда қилган. иблисгина бўйсунмаган. Шу манманлиги, мутақаббурлиги учун жаннатдан қувилган ва иблис (шайтон) бўлиб қолган.

Хайём бу ерда: «худо фармони билан одамга сажда қилмаган шайтон ҳам бир қултум майни тотиб кўрса, шундай ажиб нарса ихтиро қилгани учун одамга минг марта сажда қиларди», демоқда.

Хайём моҳирона фойдаланган бу бадиний топилманн ундан тахминан 100 йил илгари ўтган хоразмлик шоир ар-Фаққоший ижодида учратамиз. Бир шеърда у ашулачи чўри гўзаллигини тасвирлар экан: «Иблис унинг юзларини кўрса, унга эгилиб ибодат қилган ва кибрлик қилмаган бўлар эди» (279-бет), дейди.

Бундай муқояса ва тадқиқотлар жуда самарали бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан И. Абдулласев томонидан Фирдавсийнинг бир байти ҳақида олиб борилган тадқиқот ва айтилган мулоҳазалар (95 — 96-саҳ.) ибратлидир.

Фирдавсийнинг Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган ҳажвиясида:

Кафи шоҳ Маҳмуд олий табор,  
Пуҳ андар пуҳ омад, се андар чаҳор.

Яъни: :

Маҳмуд шоҳ кафтига назар солсангиз,  
Уч бора тўртдир у, тўққиз бор тўққиз,—

деган байт бор. Бу байт кўп йиллардан бери олимлар орасида баҳсга сабаб бўлиб келади. Бу баҳсга қўшилган немис, инглиз, эрон ва совет олимлари унинг мазмунини турлича талқин этиб келар эдилар. И. Абдуллаев «Иатимат ад-даҳр»да ас-Саолибий томонидан келтирилган Хуросон шоири Абулқосим ад Динаворий тўртлигига диққатни жалб этади. Унда шоир бир мумсик киши ҳақида гапириб: «худо уни яратганда кафтини шакллантирди ва уни ажойиб қилиб, тўққизни тўққизга ва учни тўртга кўпайтиришдан яратди» дейлади (173-б.)

Тўққиз карра тўққиз (81) га уч карра тўрт (12) қўшилса жами 93 бўлади, қадим арабларда сонни бармоқ билан ҳисоблаб кўрсатиш одати, уқд усули бўлган. Бу одатга кўра қўл бармоқларини турлича букиш, беркитиш ва очиш билан бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликларни ифода этиш мумкин. Уқд усулида 93 сонни кўрсатмоқчи бўлган киши жимжилоқ, ён бармоқ ва ўрта бармоқларини букиб учни, сўнг кўрсаткич бармогини букиб, тўқсонни ифода этиши керак, шундай қилиб унинг бармоқлари бутунлай беркилиб, муштга тугилади. Бу эса хасислик аломати («қўли очик» деган иборанинг акси) ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳажвда Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавийни хасисликда, таги пастликда айблар эди-ку, бу қуйидаги байтлардан ҳам маълум:

Шоҳлардан бўлсайди бу шоҳга падар,  
Кийгизган бўларди менга тожи зар.  
Агарда онаси бўлсайди хондан,  
Тиллога кўмарди мени нақ сондан...  
Зоти пастларга ҳеч умид боғлама,  
Қаро тун оқармас, дилинг доғлама.

Демак, эндиликда бу байт маъноси аниқланди дейиш мумкин. Бундай мисоллар кўп. Ҳали олимлар кўп нарсаларни аниқлашда «Иатимат ад-даҳр» китоби танқидий матнига ва таржимасига мурожаат этадилар. У адабиётшуносларгагина эмас, тарихчилар, археологлар, тилшунослар, философлар, санъатшунослар ва ҳатто табиий илмлар тарихи билан шуғулланувчилар учун ҳам кўп хизмат қилади.



Адабиётшуносликдаги унинг қимматини эса айтиб адо қилиб бўлмас. Шеъриятимиз тарихи, шеър турларининг шаклланиши, вази турлари эволюцияси, араб тилидан форсий тилга ўтиш учун кураш тарихи, ғоявий йўналишлар, фалсафий фикрлар тарихи, гуманистик ғоянинг тадрижий тараққиёт тарихи ва бошқа кўп масалалар билан шуғулланувчи адабиётшунослар ва философлар эндиликда бу муҳим манбага мурожаат этмай ўтолмайдилар.

Китоб фазилатларини санаб кетавериш мумкин. Аммо мен бир муҳим масалага тўхталмоқчиман. Бу қадимий манбадан шу нарса яққол кўзга ташланаднки, дунёни ҳайратга солган ва солиб келаётган, Урта Осиё, Урта ва Яқин Шарқ халқлари тарихида энг ёрқин сачифаларни ташкил қилган давр (X—XV асрлар) да яратилган илм - фан, санъат ва адабиёт ўзининг яратилиши ва кўп ҳолларда маъноси билан интернационал маданият экан.

Бу маданият ва адабиёт (зеро адабиёт учун тил катта ва белгиловчи роль ўйнаса ҳам) араб маданияти, араб адабиёти ёки форс (эрон) маданияти деб юритилса ҳам уни яратишда шу катта майдонда яшовчи халқларнинг вакиллари, яъни ҳозирги араблар, форслар, тожиклар, ўзбеклар, озарбайжонлар, туркманлар, афгонлар, қисман, ҳиндлар, ҳатто грузинлар, испанлар, италянлар ва бошқа кўп халқларнинг аجدодлари иштирок этганларини тазкира таҳлили яна бир бор кўрсатиб бермоқда.

Мен шу халқлар иштироки ҳақида эмас, балки аجدодлари ҳақида гапиряпман. Ҳа, шундай тушуниш керак.

Бизнинг Урта Осиё халқлари фақат Улуғ Октябрь файзидан баҳраманд бўлибгина, социалистик миллат сифатида камол топдилар ва ўз миллий давлатларига эга бўлдилар...

Бас, шундай экан: «Фирдавсий қайси миллатга хос, Форобий ким?» — деган савол метафизикларча қўйилган сўроқ эмасмикин? Маданиятимиз даҳоларини таллашиш ўрнига бу фактларни тарихий ҳаққоният билан шарҳласак, ҳозирги кунда ёшларни интернационализм руҳида тарбиялашимизга ҳам, халқлар орасида дўстлик, тинчлик, тотувлик, бир-бирига ишонч ҳисларини тарбиялаш ишимизга ҳам файз қўшилмасмикин.

Ҳозир чет эл паниранистлари, пантуркистлари ва бошқа «пан»лар орасидагина эмас, аҳён-аҳёнда бўлсада, бизнинг ижодий интеллигенциямиз орасида ҳам шундай кайфиятлар сезилиб қолади. Албатта ҳар бир халқнинг ўз маданий анъанаси, ўз адабиёти бор. Буни инкор этмоқчи эмасмиз. Аммо қандай бўлмасин «классик» қовлаб топиш тенденцияси ҳам, шундай уринишларга берилиб кетиб, маданиятимиз, адабиётимиз манба ва маншандаги умумийликни кўрмаслик ҳам масаланинг илмий ва тарихий моҳиятини чуқур англамасликдир.

Инсон ижтимоий муносабатлар йиғиндиси эканлигини унутиб қўйишни олқишлаб бўлмайди. Айниқса, катта санъаткор сиймосида бу қонуният яққол ифодаланган бўлади. Эҳтимол, бу масалалар катта баҳс, чуқур тадқиқотларга муҳтождир. Бу гапларнинг ўз мавриди келар.

«Итифат ад-даҳр»га келсак, уни мутолаа қилган сайин маданиятимиз тарихининг жуда кўп томонлари ҳақида фикрга чўмамиз, хаёл олиб қочади. Ва ниҳоят таниқли арабшунос олимимиз Исматулла Абдуллаевнинг улуғ илмий жасорати, луғат қовлашлари, тунни тонгга улаб қилган заҳматлари шундай серфайз мева бергани учун бу олимга таҳсин ўқигимиз келади.

Чоп қилиш нуқтан назаридан жуда мураккаб бўлган бу муҳим китобнинг қўлимизга етиб келишини таъминлашда катта меҳнат қилган «Фан» нашриёти ва босмахонаси ходимлари ишидан ниҳоят мамнунимиз.

Шу билан бирга китоб ҳақида бир неча истак ҳам билдирмоқчимизким, улар ҳисобга олинганда асар сифати яна ҳам яхшиланар, китоб яна ҳам сайқал топган бўлар эди деб ўйлаймиз.

Аввало таржима ҳақида. Ҳозирги ўзбек тилида содда қилиб бажарилган силлиқ кетаётган таржимада ўқтин-ўқтин араб тили таъсиридан чиқиб кетолмаслик ҳоллари учраб туради, бу синтаксисда, сўзлар тартибида ҳам сўз танлашда ҳам юз беради ва натижада ғализ жумлалар учрайди.

«Унинг кўзлари менга қилган нарсани, ҳамр ўз маст қилиши билан қилолмайди» (279-бет), «...Бир сахий-



ликки, кўз ва қўлларни гўлдиради» (303); ...Лафз эса ипак мато ҳуллаларининг зарбоп гулларидир» (337); «Ваъданинг шарафи ўзи каби ваъда билан бамисоли шундайки, унда шубҳа ва камчилик бўлмасин» (341); «(шундай) боғки, эрталаб боғ каби ёшлар орасида у ерга келдим, қушлар ҳали уяларида эди» (365) каби (мисолларда имло ва пунктуция ўз ҳолича олинди).

Баъзан эса шунинг натижасида ифода ожизлигига дуч келамиз: «Қатр — қанднинг бир тури. Шакарни сувда эритиб, кейин то қуйилгунча қайнатиши йўли билан олинади. Бизнинг новвот бўлса керак» (527-бет) дейилади бир изоҳда.

Авалло «шакарни сувда эритиб қуйилгунча қайнатиш»дан новвот эмас, қиём ҳосил бўлади, новвот олмоқ учун эса, ип тортиб, дур боғлатдирилади, кристаллаштирилади; иккинчидан, новвот фақат бизники эмас, бутун Шарқники, модомики шундай экан, унга изоҳ ҳам бериб ўлтирмай «новвот» деб таржима қилинса ҳам хато бўлмас эди.

Бизга китоб номи таржимасида ҳам ғализлик бордек туюлади. Уни «Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замона дурдонаси», деб таржима қилинса ҳам, ўша замон (замонасининг) маъносини берар ва силлиқроқ чиқар эди.

Баъзи жумлаларда маъно аниқ ифодаланмайди, улар мазмунида мантқиқсизлик мавжуд. «Унинг пастки қисми юқори қисмига зулм қилаётгани каби ҳижронда менга зулм қиляпти», деб таржима қилинган (279 - бет) мисрага «яъни унинг сағри катта бўлгани учун юқори қисмига оғирлик қилиб зулм қилгани каби» (556-бет) деган изоҳ берилди.

Бу жумла китобхонда «Оғирлик ҳам юқорига тушадими?» деган савол туғдиради. Таржимачилик талаблари орасида «агар таржима қилган жумлангда мантқиқ бўлмаса, уни қайта кўриб чиқ!» деган одилонга талаб бор. Шу нуқтаи назардан баъзи жумлалар таржимаси алоҳида эътибор билан қараб чиқилса ва бу иш жараёнида баъзан заруратсиз қолдирилиб изоҳ берилган сўзларни ҳам таржима қилиб ўзбекчалаштирилиб кетилса айни мумлоқ бўлув эди.

Бизнингча таржимала сақланган жилбоб — кўйлак, либос (зулмат жилбоби эмас, зулмат либоси), хамр — ичкилик, хулла — нафис ипак, ламм — паст, нокас, саъй — тиришиш, эътиمود — ишонч, катр — новвот,

шарқ — тикан қилиб таҳрир этилса таржима янада сайқал топарди.

Баъзи изоҳлар ҳам ўша тазкира маълумотларига қараб тузилганга ўхшайди.

Масалан:

«Нисо — Хуросонда Сарахсдан икки, Марвдан беш, Абивардан бир, Нишопурдан олти ёки етти кунлик ма-софада жойлашган қасаба» (599). Бу изоҳнинг ўзи изоҳталаб, бир кунлик йўл неча км? ва ҳ. к.

Китобда шеърларнинг подстрочный (сўзма-сўз ёки лафзий) таржималари берилган. Унда шеърини нутқ назокатига ҳам, парвозига ҳам даъво қилинмайди, албатта, аммо шунга қарамасдан сўзма-сўз таржима ҳам шеърини асар насрий асардан ажралиб турса, шу таржимада ҳам имкон борича шеърини оригиналнинг мазмунигига эмас, унинг кайфияти, кўтаринки поэтик руҳи, унинг назокат ва малоҳатини ҳам ифода этишга ҳаракат қилинса, натижасиз бўлмайди.

Китобдаги изоҳлар бўлими 145 саҳифадан иборат, жуда муҳим ўзига хос оригинал тадқиқот асари боб-ма-боб тузилган, аммо ундан керакли рақам остидаги сўзни топиш учун 145 саҳифани бир неча бор титиб қидириб чиқиш керак. Мундарижада ҳам изоҳлар бўлимини яна майдороқ бўлимларга бўлиб (I боб изоҳлари — 473, II боб изоҳлари — 490 ва ҳ. к.), тартибида берилса яхшироқ бўларди.

Булар китобни катта ишда бўладиган жузъий камчиликлардан холи кўриш ниятида туғилган истаклардир.

Бу мураккаб асарнинг тайёрланиб чоп этилишини эса шубҳасиз маданиятимиз тарихида нодир ва муҳим воқеа деб баҳолаш лозим.

1976

## ДИЛКАШ ҲИҚОЯТЛАР

Убайд Зоқоний ўзининг юмористик ва сатирик китобларидан бирини «Рисолайи Дилкушо», яъни кўнгилочар рисола деб атаган эди.

Ҳа, инсон кўнгил очишга муҳтож. Айниқса, қорни тўқ, усти бут бўлса!

Шунинг учун ҳам газета-журналларимизнинг даярли

ҳаммасида кулги бўлимлари ташкил этилган, телевизор ва радиода ҳамда устахоналари мунтазам ишлаб турибди, нашриётларимиз юмористик асарларга кундан-кунга ўч бўлиб бормоқдалар.

Мана шу ўчлик Ф. Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан уюштирилибди, яъни классик адабиётимиз намояндалари ижодига мурожаат этилибди. Мазкур рисола бу жанрнинг тўрт забардаст намояндаси ҳаёти ва ижодига мухтасар бир рубойдир.

Аввало шуни айтиш керакки, бу юмор билан сугорилган ҳикоя ва ривоятлар, латифа ва мутойиботлар ҳозирги китобхон учун енгилгина кулги бўлса-да, аммо уларнинг муаллифлари ижодида жиддий орзулар, хун бўлиб эзилган юрак томчилари эканлиги унутилмаслиги керак.

Гарчанд ўрта Осиё ва Эрон халқлари бошига энг оғир қуилар тушган пайтда, мўғуллар истилоси авж олиб турган пайтда яшаган улўф мутафаккир шоир Шайх Саъдий:

Замоне шеър у шатронжу латонф,  
Ки хотирро бувад дафъи малоле,—

(Баъзи-баъзидаги шеърхонлик, шахматбозлик ва латифагўйлик хотирдан малолликни даф қилади.) деган бўлса-да, бу соҳада аجدодларимиз ижод қилган барча латифаларда замондошлар образи чизиб берилган, уларнинг кўпидан замон ҳиди анқиб, феодал зулмидан эзилган инсон фарёди эшитилиб туради.

Классикларимиз яратган сатирик ва юмористик ҳикоялар тематикасига назар ташлар эканмиз, аввало унда ҳоким синф намояндаларини текинхўрлиги, ахлоқий тубанлиги, мунофиқлиги, такабурлиги, юзсизлиги, зикна-очкўзлиги ва ҳоказо, ва ҳоказолар эканлиги яққол кўзга ташланади. Бу ҳикояларда шоҳлар, хонлар, амалдорлар ва руҳонийлар зулми остида эзилган халқнинг демократик кайфиятлари ўз ифодасини топган. Унда муаллифлар эзувчи синф намояндалари устидан, ер эгаллари, бойлар, судхўрлар; мулла ва эшонлар, хонлар ва ҳатто шоҳлар устидан аччиқ кулади.

Бу ҳикоя ва латифаларнинг кўпида халқ турмуши, меҳнат аҳлининг орзу-умидлари, унинг нолаю фигони инъикос этади. Уларда ҳаёт борлигича: қандай бўлса шундай тасвирланади. Деҳқон, ҳунарманд, косиб ва бош-

қа меҳнат аҳли оғир ҳаётини енгиллаштириш орзулари қулф уриб туради.

Бу асарлар яратилган даврни кўзда тутсак, улар ёрқин социал протест бўлиб жаранглайди.

Биз, Урта Осиё ва Эрон халқлари оғзаки ижодида гоҳо ҳазил-мутойибага, қувноқ кулгига, гоҳида эса аччиқ кинояга, заҳарли қаҳқаҳага бой асарларини кўплаб учратамиз.

Халқ оғзаки ижодини ўрганишни биринчи бўлиб рус шарқшунос олими В. А. Жуковский бошлаб берган эди. У XIX асрнинг охирларида Эронда яшаб, халқ ижодини ўрганди ва унинг ўткирлиги, ҳозиржавоблиги, фош қилиш кучидан ҳайратланди.

У халқ қўшиқлари истеҳзо билан тўла эканлиги, ҳаётдаги воқеаларга халқ қарашларини нақадар аниқ ва моҳирона ифода эта олишлигини қайд қилади ва уларнинг «тарихий аҳамияти катта»<sup>1</sup> эканлигини уқтириб ўтади. Шундай қилиб, истеъдодини асосан ҳажв жанрига сарф этган ва демак, форс-тожик адабиётида бу жанр асосчиси ҳисобланган шоир Убайд Зоконий хусусида икки оғиз сўз.

У ҳажв ва пародиянинг турли йўлларини ижод этди, халқдан олиб ишлов берди, унинг гуманистик йўналишини мустаҳкамлади ва юксак чўққиларга кўтара билди.

У адабиёт тарихига оддий халқ ҳаққи ҳуқуқи учун жасур курашчи бўлиб кирди.

Унинг яшаб ижод этган замони мўғуллар истилосидан эндигина ўнглана бошлаган халқ бошига Темур қирғинлари тушган фалокатли давр эди.

Бу давр ҳақида унинг замондоши лириклар подшоҳи Ҳофиз Шерозий (1300—1389) «Кўзадан май қуйилгандек қон тўкувчи замон», деган бўлса Убайд Зоконий ихчамгина бир латифада буни шундай тасвирлайди.

— «Бир киши Мавлоно Азудиддиндан:— Халифалар замонида одамлар орасида худолик ва пайғамбарлик даъвосини қилувчилар кўп бўлар эди. Нима учун энди ундайлар топилмайди?— деб сўради.— Ҳозирги кишилар,— деб жавоб берди у,— зулм ва очликдан шундай

---

<sup>1</sup> В. А. Жуковский. Образцы персидского народного творчества, СПб., 1902, стр. 3.



аҳволга тушиб қолдиларким, на худо эсларига келади ва на пайгамбар»<sup>1</sup>.

Мана шундай даврда яшаган шоир ва ёзувчи Убайд шеърларидан бирида: «Чун мо ба ҳеч ҳале озори кас нахоҳим»<sup>2</sup>, деган бўлса-да, замон ноҳақликларига қарши исён кўтаришга, ҳажв саманига миниб золимларга қарши от солишга мажбур бўлди.

Убайдуллоҳ 1270 (ёки 1280) йилда Қазвин яқинида Зокон деган жойда собиқ вазир оиласида дунёга келади. У ибтидоий илмни Зоконда, олий таълимни эса, ўша давр илмий марказларидан бўлган Боғдод шаҳрида олади. Ўқишни тугатиб келгач, Убайд давлат идораларида амалдор бўлиб ишлай бошлайди. Ўзининг ёзишга кўра, тинч ва тўқ ҳаёт кечиришига старли шаронт ва маблағ мавжуд эди. Аммо қандайдир сабабларга кўра ишидан бўшатилди ва асосий машғулотни ёзувчилик бўлиб қолади.

Аммо адабиёт ва санъат асарлари бу даврда Хофиз ибораси билан айтганда, «қасод моллар» эди. 1329 йилда Зоконий араб тилида «Новодирул Амсол» («Нодир масаллар») китобини таълиф этиб, уни Илхон сулоласи хонларидан Абу Саид (1315—1335) шоҳнинг вазирни Аловуддинга бағишлаб, унга қасида ила мурожаат қилади. Аммо Аловиддин бу тортинки қабул этмайди. Убайд шу воқеадан кейин илму адабиёт қадрини билмайдиган бу шоҳу вазирларга мурожаат этмасликка қарор берди. Бу эса давр ҳукмдорларига халқ кўзи билан боқишга, улар зулминин халқ билан бирга азмойиш этишга олиб келади ва шоир ижодининг сатирик йўналишини белгилаб беради.

Дарҳақиқат, Убайд Зоконийнинг ҳажвий асарлари шу даврда (1328—1341) ижод этилган. Убайд ўз давридаги ҳукмрон ақидага асосан адолатли ва илмдўст, адабиётдўст подшо излаб сафарга чиқади ва тахминан 1341 йилларда у Боғдоддан Шерозга Хожа Абу Исҳоқ Инжу (1340—1354) саройи хизматига киради. Бу даврда у кўпроқ қасидалар ёзади. Гарчанд латифалар ҳам ижод қилган бўлса-да, улар орасида ҳажвий асарлар кам эди.

Аммо замон ҳодисотлари ўша вақтдаги кўпгина илму адабиёт вакиллари каби Убайд Зоконийни ҳам кўп

<sup>1</sup> Убайд Зоконий. Куллиёти мунтаҳоб, Душанбе, 1963, 59-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 154-бет.

умрини дарбадарликда ўтказишга мажбур қилади. У Шероз ва Боғдод ўртасида қочиб юришга, Кирмонга бориб туришга мажбур бўлади, унга «Шероз яланг оғи», «Боғдод гадоси» каби лақаблар қўядилар.

Зоконий умрининг охириги йиллари ҳақида маълумотлар йўқ, аммо шоирнинг Исфиҳонга бағишланган бир қасидаси ҳали унинг 1367 йилда тирик эканлигидан далолат беради.

Убайд Зоконий «Куллиётни»ни босмага ҳозирлаган Эрон олими Аббос Иқбол шоирнинг охириги йиллари ҳақида бир неча фактлар келтиради: Убайд 1366 йилнинг 28 сентябрида Алишоҳ Хоразмийнинг «Ашкор ва асмор» номли тиббий китобини кўчириб ёзган ва охирида ўз қўли билан кўчириш тарихини ёзиб қўйган. Бу китоб Убайднинг Асҳақ немли ўғлига мерос қолган. Асҳақ бу китобнинг унга отадан мерос бўлиб текканини ёзиб, остида 772 ҳижрий (1370—1371) санасини келтиради.

Шунинг учун Убайд Зоконий вафоти тарихи учун 1370 йил қабул қилинган. Демак, у деярли юз йил умр кўрган.

Зоконий адабий мероси сон жиҳатидан унча кўп бўлмаса-да, у мазмунан жуда салмоқли ва адабиётимиз тарихида ўта муҳим ўрин тутати. Улар асрлар давомида кўчирилиб, ўқилиб келган, аммо фақат 1956 йилдаги-на Аббос Иқбол томонидан тўлиқ бир тўплам—«Куллиёт» ҳолига келтирилиб Техронда нашр эттирилган. Унда «Ахлоқул Ашраф» («Зодагонлар ахлоқи»), «Сад пан» («Юз насиҳат»), «Даҳ фасл» («Ўн фасл»), «Дилкушо» («Кўнгилочар»), «Ришнома» («Соқолнома»), «Ушшоқнома» («Болалар ҳақида дoston»), «Мушу Гўрба» («Мушук ва сичқон қиссаси»), «Фолномайн буруж» («Юлдуз буружлари фолномаси») каби асарлари бор. Унинг «Новодир ул Амсол» («Нодир масаллар»), «Фолномайн вухуш ва туюр» («Дарранда ва паррандалар фолномаси») асарлари ҳозиргача топилмаган.

Унинг кўп насрий китоблари ўша вақт пандномаларига, луғатларига ёки бошқа хил илмий-диний рисо-лаларига талид (пародия) сифатида ёзилган ҳажвий асарлардир.

Асарлари тўпламга кирган ёзувчиларнинг энг қадимийси энди Муҳаммад Авфий ҳақида икки оғиз сўз. У 1172—1176 йиллар орасида Бухорода туғилиб, шунда таҳсил кўриб, ўсиб-улғайган. Унинг асли исми Садидуд-



дин Муҳаммад бўлса-да, жуда кўп манбаларда Пуриддин Муҳаммад деб юритадилар. Тадқиқотчилар Авфий ҳаётини уч қисмга бўлиб талқин этадилар; биринчи давр 1172—1201 йилларни ўз ичига олиб, гўдаклик ва аввалги таҳсил йиллари ҳисобланади: иккинчи давр (1201—1220) унинг Самарқандга сафаридан бошланиб, барча мусофирлик йилларини ўз ичига олади. Учинчи давр Авфий ўз асарларини ижод этган йиллардир (1202—1233).

Ёшлигини Бухорода ўтказган Садидуддин Муҳаммад Авфий балоғатга етгач, илмини ошириш ва адибу шуаро, олимۇ фузало билан учрашмоқ мақсадида Яқин ва Урта Шарқ бўйлаб сафар ихтиёр қиладди.

1201 йилда Самарқанддан бошланган бу сафарда шоир Урта Осий ва Ҳиндистоннинг бир қатор шаҳарларида бўлади. Булар орасида Хоразм, Марв, Нишопур, Ҳирот, Ғазнин, Лоҳур, Канбойт, Наҳрволо, Деҳли каби шаҳарлар бор эди.

Бу сафарда кўпгина замоннинг ҳунарманду донишмандлари билан мулоқотда бўлади. Кўпларидан илм ўрганади ва ўз даврининг билимдон кишиларидан бири бўлиб етишади.

Ниҳоят, катта сафардан ўз она юртига қайтган шоир бунда бошланган мўғул истилосидан қочиб яна Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлади ва ҳаётининг охиригача унда яшаб, ижод этади, тахминан 1233—1242 йиллар орасида у оламдан ўтади.

Муҳаммад Авфийдан авлодлар учун жуда муҳим асарлар сақланиб қолган. Булар орасида энг қимматлиси унинг «Лубобул-албоб» («Мағизларнинг мағзи») (1222) тазкираси бўлиб, унда олим форсий тилда шеърят пайдо бўлгандан бошлаб, ўз давригача бўлган шеърӣ асарлардан намуналар келтиради ва шоирлар ҳақида маълумотлар беради. Бу тазкира форсий шеърят ҳақида бизгача етиб келган тазкираларнинг энг қадимгиси бўлиб, ҳозирги кунгача биринчи манба сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унда номлари келтирилган кўпчилик шоирларнинг асарлари мўғул талон-торожни натижасида йўқолиб кетган бўлиб, «Лубобул-албоб» улар ҳақидаги бирдан-бир манбадир.

Авфий 1223 йилда араб ёзувчиси Абу Али ал-Муҳассин Аттануҳийнинг «Алфараж баъд аш-Шидда» («Қийинчиликдан кейинги шодлик») асарини арабча-

дан форсийга таржима қилади. Сўнгра ўзида ҳам шунга ўхшаш асар ёзиш шавқи қўзғалган бўлса керакки, 1233 йилда шундай асарни тугаллайди ҳамда унга «Жавомеъул ҳикоят ва Лавомеъур ривоёт» («Ҳикоялар тўплами ва ривоятлар зиёси») деб ном беради.

Китоб 2000 дан ортиқ ҳикоят ва ривоятни ўз ичига олган бўлиб, унда «Алфараж боъд аш-Шидда» китобидан олинганлари ҳам талайгина. Китоб тўрт қисмдан иборат, унинг ҳар қисми ўз навбатида 25 бобга бўлинади.

Асарнинг биринчи қисмида авлиё ва анбиёлар каромату мўъжизалари, халифалар тарихига онд, ажам тарихига онд, ҳокиму арбоблар қиёфасига онд, адолат фазилати ва шунга ўхшаш мавзулардаги ҳикоятлар жам этилган.

Иккинчи бўлимда эса ҳаё ва товозу, юмшоқлик, одоб, саховат, лутфу карам, сабру тоқат, шижоат, меҳру вафо каби инсоний хислатлар ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар жамланган бўлса, учинчи бўлимда бунинг акси бўлган хирсу ҳасад, тама ва ёлгончилик, бахиллигу зиқналик, золимлик, хиёнаткорлик ва ҳоказолар қаттиқ ҳажв қилинади. Аёллар зийраклиги, ақлу заковати, уларнинг хушахлоқлиги ва бад ахлоқи ҳақидаги ҳикоятлар ҳам шу бўлимдан жой олган.

Асарнинг тўртинчи бўлимини турли мамлакат ҳайвотлари ҳақидаги хилма-хил ҳикоятлар ташкил қилади.

Авфий ўз асарида юздан ортиқ бошқа китоблардан истифода этган. Булар орасида Абу Райҳон Берунийнинг «Осорул Боқия», «Китобул Ҳинд» асарлари, ўз тоғаси **Маждуддин Муҳаммад** бинни **адном Сурхакатий**нинг «Тарихи Туркистон», тирихчи Абу Жаъфар **Муҳаммад** бинни **Жарир** Табарийнинг (838—923) «Тарихи Табарий», Салжуқлар вазирини Низомулмулкнинг (1018—1092) «Сиёсатнома», Унсурул Маоллий Қайковусининг «Қобуснома» ва бошқа кўп тарихий ва бадний асарлари мавжуд. Бу манбалар ҳақида муаллифнинг ўзи маълумот бериб боради.

Авфийнинг «Жавомеъул ҳикоят ва Лавомеъур ривоёт» асари машҳур китоблардан бўлган. Унинг қўлёзмалари жаҳоннинг кўпгина кутубхоналарида мавжуд.

Китоб асосан сарой аъёну ақибирларига мўлжаллаб ёзилган ва кўпроқ ҳокимлар, шоҳу вазирлар ҳаётидан ҳикоя қилса-да, аммо ундан форс-тожик классик адабиёти илк давридаёқ халқдан кириб ривожлана бошлаган

гуманистик ғоялар, халқчил ахлоқий нормалар мавжуд ва шунинг учун ўз даври учунгина прогрессив бўлиб қолмай то ҳозирги кунгача ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганлари ҳам анчагина бор.

Бу китобнинг тарихий-адабий аҳамияти шундан иборатки, аввало баъзи тарихий шахслар, воқеалар, олим ва шоирлар ҳақида манбалар йўқолиб кетган ва фақат шул китобгина бир озгина бўлса-да, маълумотни бизгача сақлаб қолган, иккинчидан, Авфийнинг содда, бетакаллуф тил билан ёзилган бу асарини XII—XIII аср прозасининг ёрқин ҳайкали деса бўлади.

Энди Али Софий ҳақида тўхталиб ўтамиз. Зеро Али Софий ўз ҳикоятларининг кўпини энг зийрак ва энг истеъдодли ижодкор халқнинг ўзидан олади ва форсий тилда яратилган классик шеърятнинг беш асрлик анъанасига таянган ҳолда уларга сайқал беради.

Мавлоно Фахриддин Али Софийнинг «Лотонфуттавоиф» («Турли тонфалар латифалари») асари форс-тожик адабиёти тарихида беназир ҳисобланади. Муаллиф бунда турли табақа кишилари орасидаги латифаларни йиғиб, уларга ажиб шоирона завқ билан жило беради.

Али Софий катта адабий муҳит тарбиясини олган адиб. Унинг отаси Ҳусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомийнинг жияни, ўз даврининг забардаст шоир ва адабиётчиларидан бўлган. У ўз фарзандига яхши маълумот беришга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, Али Софий ўз замонасининг етук адиби, барча илмлардан яхши маълумотларга эга баркамол кишилардан бўлиб етишади.

Алишер Навоий «Мажолисун нафос» номли тазкирасида Али Софийни ўзининг кичик замондошлари қаторига қўйиб дейди: «Мавлоно Софий— Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўғлидур. Бағоят дарвешваш ва фонийсифат ва дардманд шева йигитдур... таъби хуб...»

У халқ орасидаги ва китоблардаги нозик фикр ва заиф ҳиссиёт тўлиқ асарларга алоҳида меҳр билан қараб, уларни жамлай бошлайди ва охири 1532—1533 йилларда уларни китоб ҳолига келтиради.

Али Софий 1533 йил Ҳиротда оламдан кўз юмади ва шунда дафн этилади.

У «Латонфут Тавоиф»дан ташқари «Рашахоти айналҳаёт» («Ҳаёт томчилари»), «Анисул орифин фил-Мавоиз» («Панду насиҳатда орифлар дўсти»), «Маҳмуд

ва Аёз», «Кашфул асрор» («Сирлар кашфи») номли асарлар қолдирган.

Ва ниҳоят, эндиги сўз юрнтадиганимиз Сурия адабиётининг классик шоири, адиби ва қомусий билим эгаси бўлган Абул Фараждир. У халқ орасидаги доно ҳикмат, латиф ҳикоятларни йиғди ва дилкаш тўплам тузиб, унга «Мароқли ривоятлар» деб ном қўйди. Унинг ҳаёти ҳам мўғул босқини даврига тўғри келади.

Абул Фаражнинг тўлиқ исми Григорий Иоан Бар Эбрей бўлган, у Кичик Осиёнинг Молатъя шаҳрида 1226 йилда дунёга келади.

Отаси раҳбарлигида яхши ўқиб, ўз замонасининг барча фанларидан яхши хабардор олим бўлиб етишади. Яқин Шарқ ва Закавказье бўйлаб кўп саёҳатда бўлади. Ўзи Сурия христианларидан бўлишига қарамай, турли элат, турли халқ ва турли дин вакилларига бир хил муносабатда бўлиш ўша вақт учун типик бўлмаган ҳодиса— бизнингча, интернационализм Абул Фараж ижодининг энг прогрессив томонларидан бири деса бўлади.

У фалсафа, астрономия, медицина, филология, тарихга оид ўттиздан ортиқ асарлар муаллифи.

У Абу Али ибн Сино фалсафасига садоқат кўрсатади ва унинг рационалистик қарашларини ривожлантиради.

Унинг бадиий ижоди ҳам кенг ва ранго-ранг. Булар орасида бир неча ахлоқий дostonлар, марсиялар, тўртликлар ва бошқа шеърлар бор.

У ўз она тилидан ташқари араб, форс, юнон, яҳудий, туркий тилларни билган.

Шунинг учун ҳам унинг «Мароқли ривоятлар» китобини варақлар эканмиз, ундаги латифа ва ҳикоялар юнонлар, форсий халқлар, ҳиндлар, яҳудийлар, араблар ва бошқа халқлардан тўпланганлигини кўрамиз. Булар орасида мусулмонлар, христиан, будда ва бошқа дин вакиллари бор.

У ўз халқ ижоди намуналарини чарчамай тўплади ва кўп йиллар давомида бу асарини қатрама-қатра йиғиб борди.

Абул Фараж 1286 йилда жанубий Озарбайжоннинг Мараға шаҳрида вафот этади.

Мазкур тўрттала адибга хос хусусият шундан иборатки, улар ўз асарлари орқали ота-боболаримиз тарихини, улар характерини, уларнинг бошига тушган оғир қунларни, уларнинг орзу-умидлари, дўсту душманлари, ур-

фу олатлари, майлу ихтиёрлари, маданий алоқалари, ижтимоий табақалари, фалсафий фикрлари ҳақида яққол тасаввур беради.

1973

## МАРД КИШИГА ОЛАМ КЕНГ

Бундан ўн беш-йигирма йиллар муқаддам мен бир йиғинга кириб қолдим. Ўтирганлар орасида икки қиморбоз йиғит ҳам бор экан, гап қиморбозлар ҳақида кетди. Шунда уларни ҳеч нарсани аямайдиган мард кишилар деб таърифлашди, бири бутун кийим-бошини бой бериб, аёз кечада яп-яланғоч кетгани, бири уйини қиморга қўйгани, бири ҳатто хотинини тикворганлиги ҳақида лоф аралаш гапиришар экан, буни мардлик ва ҳатто қаҳрамонлик тинсолди қилишди. Суҳбат қизиб кўтарилгунча мен ётсераб, жим ўтирар эдим. Суҳбат совий бошлагач, дабдурустан:

— Агар севиқли хотинини бировга тикиб юбориш мардлик бўлса, у чоқда номардлик деб нимага айтамыз? Ўз жуфти ҳалолини ёмон кўздан сақлаб қололмаслигининг отини нима деймиз?— дедим.

Орага жимлик чўқди. Мен ҳам қиморбоз мардлиги ҳақида ўйлаб ўтирар эдим, бировларнинг чўнтагига кўз тикиш, бир гардкам ила ўзгалар молини ўзиники қилиб олиш орзуси кетидан кетишнинг нимасини мардлик деб бўларкан? Бир зумда ҳаётим кўз ўнгимдан ўтди, ўн йил ўрта мактаб, икки йил ҳарбий мактаб, беш йил университет, уч йил аспирантура— жами йигирма йил ўқибман, ҳали унинг охири кўринмайди...

— Мардлик меҳнатда, — деди бир кексароқ колхозчи, меннинг фикрларимни уқиб тургандек, — ўз номини меҳнат билан топиб ейишда, бировнинг миннатини чекмай, биров молига, бахтига, бировнинг омадига кўз тикмай, ҳасад қилмай, ўз меҳнати лаззатини тотинмоқда эмасми, а, мулла, — деб менга қаради.

— Ҳа, — дедим мен, — фақат меҳнат аҳлигина мард бўлади. Баъзилар давлат ва халқ мулки ҳисобига мардлик қиладилар. Бебилиски давлат келиб турса, сахийлик кўрсатадилар, катта тўйлар қиладилар, юриш-туришда ҳам «пулнинг бетига қарамайдилар», ундайларни ҳам



«ҳа, бу жуда мард-да», дегувчилар топилади. Лекин келим тўхтаб қолса-чи, «мардлиги»ни ўшанда кўрасиз! «Мардона» сарфу харажатлари халқдан тийинлаб ёки граммлаб уриб қолиш йўли билан йиғилган бўлса-чи? Меҳнат аҳлида на бойликка эътиمود қўйиш бор ва на бирор эгри мақсадни кўзлаб сарфлаш бор...

Бу суҳбатни бўлиб ўтганига анча йил бўлди.

Энди мен мардлик ҳақида сўзлар эканман, яна ўша қишлоқ ҳовлисидаги сўри ва жўралар даврасидаги суҳбат эсимга тушди. Мен ундан кейин ҳам мардлик ҳақида баъзи-баъзида ўйлаб қўяр эдим.

Мардликнинг кўринишлари кўп, унинг ҳаракат майдони жуда кенг. Унинг жавлони ранго-ранг. Мен 1942 йил фронтдан огир яраланиб қайтгач, Мирзачўл ҳарбий комиссарлигида хизмат қилганман. Шунда ихтиёрий равишда Ватан ҳимоясига отланиб келган даста-даста йигитларни кўрганман. Эндиликда Абдураҳмон Жомийнинг:

Кўплар молини бериб, мардлик қилади,  
Мардлар жонин бериб, мардлик қилади,—

деган сўзларини ўқир эканман, ўша йигитлар қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳа, улар Ватан учун, эл-юрт озодлиги учун жонларини тиккан эдилар. Уларнинг кўплари қаҳрамонлик кўрсатдилар, шу даврда жанг майдонига отланиб борганлардан бири гулистонлик Турғун Аҳмедов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди.

Сирдарё чўлқувар, мард йигитлари ўз совхозларидан бирини унинг номи билан атаганлар. Бу совхозга чўлқувар комсомол мардларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Қувондиқ Абдураззоқов бошчилик қилмоқда. Мен бу совхозда студент ҳашарчилар билан бирга бўлдим. Унинг иссиқ-совуғини бошимдан ўтказдим, чодирларда яшаб, «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди» деб ном чиқарган чўлда оқ олтин етиштираётган азамат йигит-қизларнинг мардлигига гувоҳ бўлдим. Улар шунча меҳнат заҳмати чекар эканлар бир марта нолиш ёки ортиқча талаб қўйишни билмайдилар. Студентларга ўз уйларини бўшатиб, ўзлари палаткаларга чиққанларида ҳам бу ишни қош чимирмай, писандасиз ё оғринмай, қувноқлик ила бажо келтирардилар.

Турғун Аҳмедов Ватан душманларига қарши



жангга кирганида фақат 18 баҳорини кўрган навқирон йигит эди. Бундай қаҳрамонлар ичида номаълум қолиб кетганлари ҳам кўп, ёрқин қаҳрамонлик кўрсата олмаганлари ҳам.

Дема мингги жангга қириб ташлайини,  
Қани биттага жон беру «мард» дейини,—

деган эди Хисрав Деҳлавий.

Албатта, ёв қурол кўтариб келса, уни бутун имкониятлар билан қириш керак. Аммо мардлик фақат бугина эмас экан-да, мардлик адашган немисларга йўл кўрсатишда, ҳаёт бағишлашдадир. Совет Армиясининг мардоналиги ҳам мана шунда. У ҳамма немисни қириб кетавсрмади, аксинча, фашизмга қарши кураши билан немис халқининг жон сақлаб қолишига ҳам сабаб бўлди, унга ҳам ҳаёт бахш этди, фидокорлик қилди.

Совет кишилари ўч олиш пайида бўлмадилар. Бу жуда катта олимжаноблик, мардлик эди.

Мардликнинг кўринишлари жуда кўп, унинг таърифу тавсифи жуда кенг, аммо уни бир сўз билан ифода этмоқ лозим бўлса, мен уни фидокорлик деб таърифлар эдим. Уруш йиллари душманга қарши отилиб борган йигит-қизларнинг ҳаммаси ҳам қаҳрамон бўлолмадилар, аммо уларнинг барчаси мардлик — фидойилик кўрсатдилар.

Мардлик сўзи кўп тилларда эр, эркак сўзидан ясалган, форсийда «мардлик», туркий тилларда «эрлик», рус тилида «мужество», инглиз тилида «менҳад» (мен—эркак) ва ҳ. к. Бунинг тарихий-этимологик сабаблари бўлса керак. Аммо бу деган сўз мардлик фақат эркакларгагина хос фазилат деган гап эмас. Агар мардлик фидокорлик бўлса, демак, у аёлларда кўпроқ эмасми-кан?

Аввало онлага, эрга ва айниқса, она бўлгач, фарзандга фидойилик, меҳрибонликни кимдан ўрганамиз— оналардан — аёллардан эмасми? Оила тинчлиги, фаровонлиги деб, ўқиш, катта олим бўлиш каби орзуларидан кечиб ўзларини онлага бағишловчилар, оила аъзолари учун эса оромини қурбон қилувчилар аёллар эмасми? Ватанимиз бошига хавфу хатар тушганда мард ўғлонлар ўзларини аямай жонларини қурбон қилдилар. Аммо улар биргина жон бердилар, оналар-чи, икки-уч,

хатто тўрт фарзандидан жудо бўлган оналар-чи? Улар икки-уч хатто тўрт жонни қурбон этган фидойилар эмасми? Мен буларни мардлар мардонаси, одамийлик дурдонаси деб биламан. Демак, мардлик эркак ё аёлликка эмас, одамийликка боғлиқ экан.

«Шернинг эркак ё ургочи болалари баробар», деган эди Шота Руставели.

Модомки, мардлик фидойилик бўлса, у худбинликнинг акси, ўзига бино қўйишлик, таннарварлик, мардликка кирмайди. Мард киши ҳожатбарор, бошқалар юкини енгил қилувчи, ўзгаларга балоғардон, саховатли ва мурувватли бўлади. Фақат ўзгаларга меҳрибонликдангина одамнинг одамийлик эътиқоди маълум бўлади:

Ақал бир мушукка бўлсанг меҳрибон,  
Демак, саломатдир сендаги имон. —

деган эди Хисрав Деҳлавий.

«Инсон эришмоғи мумкин бўлган энг олий бахт, атрофга равшанлик таратишда, бошқалар учун ёруғ нур бўлишда»,— дейди Ф.Э. Дзержинский. Одамзоднинг улў фарзандлари — доно боболаримиз асрлар бўйи инсонлик шарафини ерга урмаслигини, инсонни инсон қилган ҳам, уни ҳайвонлар тўдасидан ажратган ҳам жамият эканлигини, бошқалар гамини егандагина у ҳақиқий одам бўлишлигини, бўлмаса ҳайвоний ҳисларга берилиб кетишлигини кўп мисолларда ва ажойиб мисраларда куйлаб келганлар, «Ҳақиқий киши кўз қорачигига ўхшайди, у ҳаммани кўради-ю, ўзини кўрмайди, яъни ўзига бино қўймайди», деганлар. Бағрикенглик, фидокорлик ва жонбозлик, қарам ва мурувват мардликнинг синонимлари деса бўлади. Мард киши ҳақида Абу Али ибн Сино:

Мард кишига ўн хил иш доим ҳаром,  
Олтисдан мард киши холис мудом:  
Ҳасислигу, ҳасад ҳам ёлғончилик,  
Заифлик, дарду йўқликка бўлиш ром,—

дейди. Ҳа, мард киши бошқаларга ҳасад ҳам қилмайди, ўз бошига қийинчилик тушганда унга ром ҳам бўлмайди, ўз дардини гапиравериб бошқалар ҳузурини бузиб, безор ҳам қилмайди. Аммо ўзи ҳожатбарор, бошқалар кўнглини овлайдиган бўлади. Хайём айтганидек:

Мухтожлик кўйида кўнгилни овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Бир дилча турмас юз лойхона каъба,  
Каъбада нима бор, бир дилни овла.

Одам кўнгилни олсини, дилни овлаш дунёда энг улур  
ни ҳисобланади. Бунинг учун эса ўз нафсидан кечиш,  
ўзини қўятуриб, бошқаларни ўйлаш лозим. Алишер На-  
воний ўз нафсониятини, яъни нафс итини енга олган ки-  
ши ўрмон шерини енгандан кўра мардроқ; деб ёзади:

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдан эмас,  
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо.

Ҳа, нафс балоси, қаноатсизлик кишини не балоларга  
солмайди, у одамда мардоналик ҳисларини хароб этади,  
ўзини хорликка ундайди. Умар Хайём рубоийларидан  
бирида:

Бир нон топиб агар есанг икки кун,  
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмак учун,  
Ўзингдан насларга ёлланмоқ нега,  
Ўзингдек хизматни қилмоқлик нечун?! —

деган эди.

Улуғ Фирдавсий эса:

Кимки ўз нафсига бўлибди банда,  
Ҳеч кимсadan олқини олмас жаҳонда, —

дейди.

Ўз нафсини жиловлай олмай, унинг васвасасига  
учиб, ўзини ўзи хор қилиб юрувчилар йўқми?

Учраб қолади.

Мен шундайлардан бир врачни билар эдим. Мен  
унинг юмшоқсупургиллигини, касалларга «меҳрибон»ли-  
гини кўриб ҳақиқий шифокор киройи шундай бўлса, деб  
ўйлаб юардим.

Зеро врачликдан олижаноброқ касб, врачлардан  
фидойироқ киши борми? Ажойиб врач ва мутафаккир  
ёзувчи А. П. Чехов: «Врачлик касби — бу жасорат, у  
фидойиликни, қалб софлиги ва фикр поклигини талаб

этади», демаганмиди? Мен ҳамма шифокорларни шундай мард кишилар деб биламан ва ўнлаб-юзлаб мисоллар келтиришим мумкин. Аммо, мен сўзлаётганим киши бундан мустасно.

Унинг бирор «меҳрибон»лиги тамасиз ўтмайди, бирор яхшилиги илмижсиз битмайди. Унинг уй-жойи, машинаси ҳам, амали ҳам, ҳунари ҳам, илми ҳам бор. Аммо шунга қаноат қилмай, у доим ҳаёгдан, одамлардан нолийди. У барча одамларни ҳаёсизликда, гаразгўйликда, қалбакиликда, худбинликда ва яна қанча-қанча пастликларда айблайди. Бу сўзларни ҳадеб қайтараверади.

Мен чуқурроқ назар ташлаб қарасам, буларнинг ҳаммаси ўзида мужассам экан. «Элдан тама қилмоқ асли гадолик», дейди Навоий. Бу муҳтарам нафс бандаси эса, аллақачон гадоликни бўйнига олиб қўйган экан. У жавзайи муҳтарамаси ва ўз нафси измидан чиқолмай молпарастлик, мешчанлик тузоғига илминиб, бирор бемор қўлига тушдими, ору номус нималигини унутиб уни безор, ўзини хор қилар экан.

Натижада эл ичидагина эмас, қариндош-уруғ ва шоғирдлар орасида ҳам беобрў бўлиб, қўни-қўшинидан ҳам яққаланиб қолган ва шунинг учун одамларнинг ҳаммаси уларга паст, номард кўринар экан. Ҳа, одатда шундай бўлади, бу жуда эски касал. Минг йил илгари улуғ Рудакий ҳам шундай зотлардан биринга танбеҳ бериб:

Борлигу йўқликда дунёнинг аҳли,  
Токи сенга хасис, номард кўринар.  
Дунёдан тамани узган чоғингда,  
Барча сенга сахий, жўмард кўринар,—

деган эди.

Бундай оилада ўсган болаларда мардоналик ҳислари тарбияланмаса, улар ҳам худбин ва тамагир, гадо-табиат ва алдамчи, бераҳм ва виждонсиз, ор-номусни пулга сотадиган, мол-дунёга ҳирс қўйган, пасткаш ва бешафқат бўлиб етишсалар, шуларни деб, ўзини не-не хорликларга солган ота-онага кексайган кунда раҳмат ўрнига лаънат, қувонч ўрнига ҳасрат-надомат келтирсалар бунга ажабланмай бўладими?

Бундай ҳаётнинг энг даҳшатли ва ачинарли, аммо мантиқий яқини шундай бўлиши табиий эмасми?

Бўлмас экан тама ва мардлик бирга,  
Кўп кўриб тушундим мен бундай сирга, —

деган Носир Хисрав тамоман ҳақ эмасми?

Мардлик олиҳиммат, олижанобликда намоён бўлади. Баъзи одамлар кекчи бўлади, бировдан бир хато ўтса, уни кечира олмайдилар, бу олижаноблик эмас, албатта. Бу айниқса танқидни кўтара билишда маълум бўлади. Бағрикенг раҳбар танқидни ҳам мардона кўтариб, ҳақ-ноҳақини ажратиб ўзинга хулоса чиқариб, қўлидаги турли савиядаги одамлардан ишда фойдалана олади. Номард раҳбар эса бирор масалада келиша олмай қолган, раъйини қайтарган ва айниқса камчилигини юзига солган кишини умрбод ёмон кўриб қолади, ҳатто қувғинга учратиб, пайини қирқиш билан овора бўлади. Бу мардликка кирмайди, албатта.

Мард киши дунёнинг икки-чиркига, мол-мулкига кўнгил қўймаганидек, кишиларда бўладиган камчиликларга ҳам торлик қилмайди, кенгроқ қарайди, унинг қалби қуёшдек саховатли, фёсли дунё каби кенг бўлади, оқиллик ва донолик ҳам шунда. Шунда унинг ўзинга ҳам олам ёруғ кўринади. Ҳа, кишининг кўнгли қанчалик кенг бўлса, унга олам шунчалик кенг, одамлар саховатли ва меҳрли шавқатли кўринади.

Мардлик ҳам, албатта, ўз замонига, маконига, ўз даври ва одамлар табақасига қараб, турли таърифларга эга бўлиши мумкин.

Масалан, XIII асрнинг илғор фикрли ажойиб сатрик шоири Убайд Зоконий ўз даври ҳақида ва оқсуяклар ахлоқи ҳақида ёзар экан: «Мардлик — бу ватан бошинга ёв бостириб келганда дадил чиқиб фидокорлик кўрсатиш», деб таъриф беради-да, давом этиб: «Аммо бу эски таъриф, ҳозирги оқсуякларга хотин, бола-чақага бақиришни, қўл остидагиларга дўқ уришни, хизматкорларини савалашни мардлик деб тушунадилар», дейди.

Инсон психологиясидаги бу иллат қолдиқларини ҳали ҳам топиш мумкин, қўл остида яшовчиларга тузукроқ маслаҳат, тўғрироқ йўлни айтиб бериш ўрнига, фақат дўқ-пўписа қилиб, буни мардлик деб билувчи ва

баъзан бошқалар олдида бу қилиқни кўз-кўз қилувчилар ҳали ҳам топилиб қолади.

Мардлик бошқаларнинг иззат-нафсига тегмасдан, дилига озор бермасдан, ҳеч кимга алам етказмасдан, ҳеч кимга қўрқув солмасдан, ҳеч кимнинг кўнглини огритмасдан, катта-кичикнинг ҳурматини жойига қўйиб, иложи борича бошқалар кўнглини олиб яшамоқда эканини билиш, ҳис қилиш учун киши ҳақиқий маданият эгаси бўлиши, ёшлигиданоқ онлада бир-бирига иззат-ҳурматда, инсон қадрини биладиган қилиб тарбияланиши лозим.

Модомики, шундай экан, демак, кишининг ҳар бир қадами мардлик ё номардлик деб баҳоланиши мумкин. Унинг катта-кичик ишларида, қилмишларида қалб ҳиссиётининг поклиги ва нопоклиги намоён бўлаверади.

Шунинг учун, мардликка майдон керак, уни намоён этмакка имкон керак... деган гап ноўрин. Мардликка ҳамма вақт майдон топилади.

Мард кишига олам кенг.

Мардлик шартларининг яна бири бировга қилган яхшиликни кўнгилга тугиб, уни қарз ҳисоб этиб юрмаслик. «Яхшиликни қилавер, ҳисоб-китоб не даркор», дейди Хайём. Яхшилик қилиб, кишилар кўнглини овлаб ҳожатини чиқарган киши ундан бирор нарса илнжиди бўлса, бу ҳам мардликка кирмайди. Яхшилик, ҳожатбарорлик тамомила беғараз бўлиши керак.

Модомики шундай экан, мардлик ҳақидаги суҳбатимизни улуг бобомиз Навоийнинг қуйидаги байти билан яқунлаш жоиз:

Кимгаки эрлик асари ёрдир,  
Бир демас, ар қилгани юз бордир.

1977

## ТУТУН ҲАМ ОЛОВ ФАРЗАНДИ

«Ўзбекистон маданияти» хайрли «баҳс» бошлабди. «Бола бошидан, ўғлон ёшидан» деганларидек, у бошиданоқ зўр қизиқиш билан ўқилади, адабиётимиз тараққиётининг бугунги жараёнида муҳим ўрни эгаллаб турган бир қатор масалаларни кўтаради.



Мен ҳам бу масалаларнинг баъзиларига ўз муносабатимни билдирмоқни лозим кўрдим.

Баҳс, асосан, талант тарбияси ҳақида борар экан, бу борадаги сўзини мен Эркин Воҳидов келтирган тамсиллий ҳикоятдан бошламоқчиман. Эркиннинг ёшлик йилларидан эсдалик деб келтирган ҳикояти ўз ҳаётида рўй берганим, йўқим, аммо у жуда ҳаётий. У оддий эсдалик эмас, рамзий ҳикоя, шунинг учун мен уни тамсил деб атадим. Унинг рамзида жуда муҳим огоҳлантириш ётибди. Санъатдан бошқа ҳамма соҳада суяб кетиш, оёқдан олиб юбориш мумкин, аммо санъатда, шу жумладан, адабиётда бу жуда қимматга тушади. Ахир талантни қарзга бериб бўлмайди-ку! Ўз истеъдодига эга бўлмаган ёшни бундай соҳаларга сургаб олиб кириш, адабиётимизга ҳам, ўшал ёшнинг ўзига ҳам зарар.

Бир кунни менинг ҳузуримга маданийгина кийинган бир кекса кириб келди:

— Мен биринчи совет мактабларида ишлаб, дарс берганлардан,— деди у қўққисдан,— сизга ўхшаганларнинг етишиб чиқишида менинг ҳам ҳиссам бор, ҳозирда маҳаллангизга қарашли нон дўконига мудирман.

— Хўш, ота, нима хизмат?— дедим бу «валинеъмат» эгасига.

— Шу, оқаси, бир ўғлим бор, у шарқ факультетига кирмоқчи, бир маслаҳат берсангиз.

— Ўғлингиз қани, суҳбатлашиб кўрайлик, нимага қобил экан, билайлик.

— Эй, қобилятини қўяверинг, жиндак ёрдам бўлса, одам бўлиб кетади. Мана, каттаси медик, ундан кейингиси бинойидек инженер бўлиб кетди, бунга ҳам озгина ёрдам бўлса бўлгани...

— Хўп, сиз маслаҳат деган эдингиз, олдин гаплашиб кўрайлик, билимини, қизиқишини аниқлайлик.

— Ҳе, қизиқиши шу факультет, гаплашиб нима қиласиз, мана мен биринчи маорифчилардан,— деб яна ўз хизматларини санай бошлаган эди, мен:

— Отаҳон, билдим, сиз олов экансиз, аммо тутун ҳам олов фарзанди, аммо бири олов, бири дуд-ку. Ҳазрати Жомий:

Тутунда йўқ-ку равшанлик зиёси,  
На фойда гарчи у оташ боласи,

деганлар. Ўғлингизни олиб келинг,— дедим.

Жавоб тополмай эртасига ўглини олиб келди. Ундан йилт этган зиё топилмади. Мен унга тил ўрганиш эмас, бирор ҳунар ўрганишга киришмоқ кераклигини уқтирдим.

Икки йилдан сўнг ота яна бир ўглини етаклаб келди. — Мана, домла, бу ўғилчам ўтқир, бу билан суҳбатлашиб кўринг,— деди.

Дарҳақиқат, бу бола бутунлай бошқа эди.

Менинг ёшликдан бирга ўсган ҳамсинф дўстим бор, у ҳозир ҳам қўшни, унинг ўн бир фарзанди бор, ўзи оддий хизматчи, шунча фарзандидан фақат бир ўғил ва бир қизини институтда ўқитди, қолганларига ўзига яраша ҳунар ўргатди. «Буларнинг қобилияти шунга мос», дейди у.

Ҳар бир фарзандини ўз қобилияти ва имконига қараб ҳаётга йўллаётган ва набиралар кўриб, пири бадавлат яшаётган шу оддий совет кишисидан кўплар ибрат олса бўлади.

Ота-она орзуси билан адабиёт даргоҳига кирмоқчи бўлганларни шаштини қайтариш нақадар муҳим бўлса, ҳақиқий талант нишонасини кўрсатаётган ёшларни пайқаб, улар истеъдодини авайлаб вояга етказиш ҳам шунчалик муҳим.

Бу талант нечоғлик барвақт пайқалиб тарбияга олинса, шунча яхши. Бу ҳақда Эркин Воҳидов яхши сўзлар айтиб мисоллар келтирган. Аммо мен талант тарбиясида классик адабиётимиз хазинасидек бой мактабдан ҳали етарли фойдаланмаётганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти таркибида ўзбек классик адабиёти редакциясининг очилиши натижасида классикларимиз асарларини системали ва планли равишда нашр қилиш йўлга қўйилди. Эндиликда эски араб алифбесидан унча хабарни бўлмаган ёшлар ҳам Навоий ва Лутфий, Атоий ва Сақокий, Муқимий ва Фурқат каби адабиётимиз бобокалонлари асарларини бемалол мутолаа этишларига имконият туғилди. Нур устига аъло нур, деганидек шу нашриёт таркибида Шарқ адабиёти редакциясининг ҳам ташкил қилиниши унда биз билан адабий-бадиий мактаблари бир бўлган, образ системалари муштарак бўлган илҳом чавқарлари бир дарёдан сув ичган араб, афғон, турк, ҳинд, форс-тожик адабиёти даҳолари асарлари таржималарининг эълон этилиши ва айниқса Хайём,

Ҳофиз, Камол Ҳўжандий, Бедил каби забардаст устодлар асарларининг асл нусхалари ҳам китобга илова қилиниши классик адабиётимиздек улуғ мактаб эшигини бир оз бўлса ҳам очиб берди.

Кейинги йилларда классик адабиётимиз ҳақида тадқиқотлар ҳам анча кенгайди. Аммо ҳали адабиётимиз даҳоларни ижодидаги бадий маҳорат сирларини яхши очиб беролганимизча йўқ.

Мен олимларимиз, шоирларимиз диққатини мана шу ажиб мактабга, унинг ёшлар учун ҳам, катталар учун ҳам инҳоят сабоқли маҳорат хазинасига тортгим келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу мактаб бадий меросимиз билангина эмас, уни ўрганиш мегоди, бўлажак шоирлар олдига қўйган талаби билан ҳам ибратли. Маълумки, Гёте, Пушкин, Фет ва бошқа ўнлаб жаҳон адабиёти даҳоларини қойил қолдирган форс-тожик классик адабиёти Х асрларда пойтахти Бухорода бўлган Самонийлар давлати чегараларида шаклланган. Шу даврда Урта Осиё адабий мактабида шоирлар тарбиялашининг ҳам алоҳида услуби юзага келди. Унда икки асосий нарса диққатимизни тортади.

Бирн шуки, ўз шеърлари билан танила бошлаган, яъни таланти бир қадар аниқланган киши устодлар, машҳур шоирлар ҳузурига келтирилган ва синов суҳбатидан сўнг улар орасида устод ва шогирд муносабатлари тикланган. Бу ҳозир бизда кенгроқ кўламда қўлланиладиган, талантли ёшларни бутуниттифоқ олий адабиёт курсларига юборишда кўрилади. Аммо бундан ташқари ҳам устод ва шогирдликни кенгроқ қўлланилса чакки бўлмас эди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров ҳақ гапларни айтибди. Иккинчиси шуки, бўлажак шоир, талантли ёшлардан илгари ўтган шоирлар ижодидан қирқ минг ва замондошлари ижодидан йигирма минг мисра шеър ёд билиш талаб этилган.

Бизнинг педагогикамиз қуруқ ёдлашга қарши чиқди ва чиқади, аммо тил ўрганишда ва бошқа соҳаларда ёдлаш ҳам ўз аҳамиятига эга, поэзия мактабида ҳам бу усул фойдадан холи эмас.

Ўз она тилини ўрганишда ҳам шеър ёдлашнинг фойдаси катта. Шу муносабат билан мен ёшларни луғат билан ишлашга ўргатиш масаласини ҳам ўртага ташлар эдим. Бегона тил ўрганиш учун эмас, ўз она тилини

ўрганиш учун ҳам доимо лугатлар билан ишлан керак. Шоир Тютчев ҳақида: «У ўз она тилини ҳам чет тилини ўргангандек ўрганар эди», дейдилар. Унинг ўилаб лугат дафтарлари бўлганлиги, ҳатто Даль томонидан тузилган рус тили изоҳли лугатини ўз дафтарларига кўчириб чиққанлиги маълум.

Бизда ҳанузгача классик адабиётимизга тузилган лугат йўқ. Ўзбек тилининг изоҳли лугати ҳам, этимологик лугати ҳам, тўлиқ синонимлар лугати ҳам нашр этилмади. Бу ерда мен 1969 йили чоп этилган тожик тилининг изоҳли лугати нақадар фойдали эканини, менинг ишларимда ва бошқалар ишида ҳам бебаҳо ёрдам кўрсатаётганини қайд қилиб ўтишим керак.

Классикларимиз улуғ мактаби ҳақида кўп гапириб мумкин. Бу улуғ неъматдан баҳра олиш аввало ёзувчи бўламан деган кишининг ўзига боғлиқ. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Гафур Ғулум, Уйғун, Шайхзода, Яшин каби ўзбек совет адабиёти дарғалари ўттизинчи, қирқинчи йилларда Шарқ қўлёзмалари институти кутубхоналарида ҳафталаб, ойлаб йўқолиб юрганлари, Алишер Навоий бошлиқ классикларимиз асарларини мутолаа қилиб, чуқур таҳлил этиб ўрганиб чиққанлари ибратли эмасми?

Классиклар наздида бадний адабиёт, у хоҳ кичик бир топилма, хоҳ буюк кашфиёт бўлсин, аввало нозик ва чуқур, бошқалар хаёлига келмаган бир нуқта, нозик фикр, тўғрироғи, фикрнинг янгича зиёланиши, бошқалар туймаган туйғу, сўнг унинг ифодаси, ифода учун ишлатилган санъатлардан иборат.

Шакл масаласига келганда эса, улуғ Навоийнинг:

Бодия ичра киши топса зулол,

Олтин оёқ қайда-ю, сингон сапол, —

деган ҳикмати эсимга тушади.

Зулол мазмун топилса, уни ҳар хил шаклда ифода этиш ҳам мумкин албатта. Аммо ўша зулол сувин сопол товоқдан кўра жаранг косада сипқориш кайфи бошқа эмасми?

Мана шунинг учун ишқ-муҳаббатдек олий туйғу асрлар давомида ўзига ғазал шаклини қонунлаштириб, никоҳлаб олгандир.

Ғазал ўз шаклига, ўз вазнларига (арузда) ва ўз

лугатига эга. Мен шоир билан танқидчининг аруз ҳақидаги баҳсини ўқир эканман танқидчи томонини олгим келади, унинг аруз тили мураккаброқ, ёки аруздаги шеърларингизда мураккабликка мойиллик бор деган сўзида жон бор, аммо бу аруздан эмас, ғазал жанри талабларидан келиб чиқади. Ғазал тили ўзига хос хусусиятларга эга. У равон, назокатли, латиф ва ширин, сшиқ қалбида қайнаб турган ҳис-туйғуларни ифода эта оладиган бўлиши керак. Ғазалда ишқ аҳли кечинмаларини, улар руҳий ҳолатини вазн, қофия, радиф уйғунлиги орқали ва шу билан бирга фавқулодда образли тилда ифода этиб бериш талаб этилади.

Демак, Умарали Норматов, сўзлашув тилидан узоқ кетиш, образларнинг қалашиб келишини арузнинг чекланганлигидан кўриб нотўғри хулосага боради.

Арузнинг чекланганлиги масаласига келсак, бу ҳам бор гап. Аммо ундаги чекланганликни имконият қолипининг торлиги десак тўғрироқ бўлармикин. Унинг бошқа табиатидан келиб чиқайлик. Ҳар бир шеърини нутқ маълум бир қолипга солинганлиги билан насрдан фарқ қилади. Аруз қолипи эса бармоқдан кўра торроқ, чунки бармоққа нисбатан бунда янги шартлар пайдо бўлади. Бунда ҳижолаар сонигагина эмас, балки уларнинг сифати, узун, қисқалиги ҳам муайян равишда такрорланиши керак. Демак, қолип торайди, имконият чекланди. Шунинг учун аруз тилимиз нормал фонетикасига тўғри келмайдиган ўз фонетикасига эга. Масалан, аруз тақозоси ила тилимизда донмо қисқа талаффуз этиладиган «и» товушини чўзиб «ий» қилиб, ё рус тилига хос узунликда талаффуз этишга, ёки «шаккар» сўзини «шаккар», «Гулистон» сўзини «Гул-ситон» ўқишга тўғри келади ва ҳоказо.

Аруз ҳақидаги баҳслар матбуотимизда кейинги йигирма йил ичида икки бора қизгин тус олди. Эндиликда яна у ҳақда баҳслашув мумкин. Аммо турмушнинг ўзи арузнинг ўзбек тили табиатига унчалик мос эмаслигини кўрсатди. Поэзиямиз ўзидан ўзи кўпроқ бармоққа ўтиб кетди.

Тожиқ поэзиясида ҳам бу баҳслар бўлган эди. Лекин тожиқ шоирларининг кўпи яна арузга қайтиб келди. Бу ҳақда яқингинада Мирзо Турсунзода ҳам «Литературная газета»да ёзган эди (8 декабрь, 1976).

Аруз қолипи торроқ экан, демак, унга санжоб фикр-

ларни жойлаш шоирдан ўзига хос маҳораг талаб этади. Аруз ҳақида эллигинчи йилларда матбуотимизда кўтарилган баҳс қатнашчиларидан кимдир (Менинча Ҳамид Фулом бўлса керак) арузни «чидаганга чиқарган» деган эди. Бу гапда жон бор албатта.

Шоирлар барча вазиларда ижод этаверсинми?

Баҳслашувчилар орасида Абдулла Орипов мақоласида бадий таржима ҳақида ҳам анча фикрлар айтилган, аммо бу соҳада ёш талантларни тарбиялаш масаласига унча жиддий эътибор берилмаган.

Бу бежиз эмас албатта. Бадий таржима халқлар ва адабиётлар, миллатлар ва элатлар орасидаги энг баркамол алоқа тури сифатида бизнинг давримизда жуда муҳим аҳамият касб этди. У бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда умумдавлат ишига айланган бўлса, жаҳон халқларининг тинч-тотув яшашга, бир-бирларини яқинроқ танишга, бир-бирлари дилини чуқурроқ тушунишга интилишлари натижасида, Хельсинки хавфсизлик кенгашининг ўттиз беш давлат вакиллари томонидан имзоланган якунловчи ҳужжатида ҳам ўз қадру қимматини топди.

Модомики, ҳозирги кунда таржима иши ҳам бадий асар яратиш ишидек қадрланмоқда экан, таржимон ҳам бадий дурдоналар яратувчи санъаткор экан, демак, уни тарбиялаш, бу соҳада кўринган талант соҳибларини авайлаб вояга етказиш вазифаси туради.

Бунинг учун нималар қилиш керак?

Менимча, аввало, бу соҳада универсалликка хотима бериш керак бўлади. Бир киши шарқдан то гарбгача бўлган катта кенгликда турли минтақадаги турли жанрларга, турли рангу бўйга эга бўлган шоирларни таржима қилаверишдан ўзини тийиши лозим.

Таржимонда аввало шоирона ҳис-туйғу, шоирона назар, шоирлик таланти бўлиши шартлиги баҳс талаб этмайди. Аммо шу билан бирга унга олимона синчковлик ҳам лозим. У ўзи таржима қилаётган ҳар бир шоир ижодининг сир-асорини оча билиши керак. Бу ишда унга ҳеч қандай олдиндан тайёрланган қолип ёхуд андоза бериб бўлмайди, балки махсус шеърини туйғу ва шоирона дидга эга бўлиш талаб этилади. Шоир ижодининг парда орқасидаги сирларига йўл топиш бахти ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди, бинобарин, таржимон бу йўлда ўзини ожиз сезса-ю, аини вақтда асарни



таржима қилишга киришса, шоирга ҳам, ўз виждонига ҳам хиёнат қилган бўлади.

Олайлиқ, Пушкин ижодини кўплаб олимлар ўрганадилар. Унинг ижодидан неча ўнлаб кандидатлик ва докторлик диссертациялари ёқланган, жиддий монографик асарлар ёзилган, Лермонтов, Некрасов, Маяковский ва бошқалар ҳам шундай. Аммо қарабсизки, бир шоир барчасини чуқур ўрганишга «улгуради»да, таржима қилиб ташлайверади.

Шунда Лермонтов, Пушкин ва Некрасовнинг лирик шеърлари ўзбек тилида бир хил услубда жарангласа бунга ажабланмай бўладими?

Ёки Пушкиннинг лирик мероси ўнлаб шоирлар томонидан ўзбекчаштирилса, Пушкин — Шайхзода билан Пушкин — Миртемир орасида, Пушкин — Шукрулло билан Пушкин — Мирмуҳсин орасидаги фарқ бўладими? Албатта бўлади. Чунки буларнинг ҳар бири ўз овозига эга шоирлар. Шунинг учун ўзбек тилидаги Пушкин битта эмас, таржимонлар нечта бўлса шунча ва кўпинча бу «Пушкин»лар орасидаги тафовут ер билан осмонча.

Бизда катта шоирлар ва ёзувчилар ижоди бўйича таржимонларни ихтисослаштиришга кадрлар етишмас экан, ҳеч бўлмаса адабиётлар, шу адабиётлардаги даврлар бўйича ихтисослаштириш керак. Ундан сўнг таржимонлар ўзи танлаган адабиёт, шоир тилини ўрганишга киришмоқлари лозим.

Ўзга тил (воситачи тил)дан ёки сўзма-сўз таржимадан ҳам фойдаланиш мумкин албатта (бу ҳақда баҳслар давом этади), аммо асл тилдан ўқиб, завқланиб таржима қилганга не етсин.

Ф. Энгельс Ҳофиз Шерозий асарларини асл тилда ўқиш учун форс тилини ўрганган экан. Нечун таржимон ўзи севиб қолган ва уни таржима қилмаса кўнглидаги армон ечилмай қоладиган шоир тилини ўрганишга бел боғламайди.

Подстрочникка келсак, ҳозирги таржимачилик ишимиз кўлами жуда кенг, ундан фойдаланиш керак. Аммо унга ҳам зўр масъулият билан ёндашмоқ керак. Масалан, ўзбек тилига туркий тиллардан ёки асрлар бўйи бирга яшаб, қуда-қудағай бўлиб келаётган, адабиётимизнинг образ системасидагина эмас, тилимиз луғат состида ҳам кўпдан-кўп муштараклик мавжуд бўлган

тожик адабиётини подстрочник орқали ёки рус тили орқали таржима қилсак бўладими?

Рус тили жаҳон адабиёти дурдоналарини бизга етказишда бебаҳо хазина вазифасини ўтамоқда.

Лекин сўзма-сўз таржимага суянар эканмиз, бундан уялмаслигимиз ва подстрочник таржимонларни шеърини тушунадиган, уни ҳис эта оладиган кишилардан танлашимиз, уларни авайлаб камолга етказишимиз ва ниҳоят уларнинг камтарин, аммо жуда муҳим меҳнатлари қадрига етишимиз, уларнинг номларини элдан яширмай, китобларда кўрсатишимиз лозим ва ниҳоятда муҳим.

Абдулла Орипов мақоласида бизнинг адабиётимиздан рус тилига қилинган таржима сифати ҳақида қайғуриш катта. Бу албатта ўринли қайғуриш. Рус тили орқали бизнинг асарларимиз бутуниттифоқ кўригидан ўтади ва ҳатто жаҳон адабиёти майдонига йўлланма олади.

Кўпчилик рус шоирларининг ўзбекчадан қилган таржималари ўзбек халқининг бадий бойлигига эҳтиёткорлик билан жуда оқилона муносабатда бўлиш намунасидир. Аммо мана шу бой тажрибани оммалаштиришда, бу маҳорат мактабининг эшикларини ёш таржимонларга очишда бизнинг адабий танқидчилигимиз орқада қолаётир.

Бу таржималарнинг ижобий томонларини кўрсатиб бериш билан бирга, баъзан бу ишга шахсий манфаатингизга кўзлаб, масъулиятсизлик билан қўл ураётган ёки ҳақиқий юрак нидоси билан киришса-да, тажрибасизлик, билимнинг етишмаслиги натижасида қўпол хатоларга йўл қўяётган ёки янглиш йўлга кириб кетаётган кишиларни огоҳлантириш ҳам шу танқидчиликнинг вазифасидир.

Бадий таржима — санъаткорлик, албатта. Аммо шу билан бирга у илм ҳамдир. Демак, унинг маълум муайян қонуниятлари бор. Мамлакатимизда жуда кенг кўламда олиб борилаётган таржима практикасини илмий яқунлаш керак. Уни чуқур ва изчил тадқиқ қилиш зарур.

Таржимонлик ишнинг жанрлар, турлар бўйича ёки тиллар бўйича яқунлаш вақти аллақачон етган.

Бундан ташқари Лев Пенъковский, Владимир Державин, Сергей Иванов каби таржимонларнинг иши, санъати, маҳорати ҳақидаги илмий асарлар ёзиш ҳам

таржима илмий назариясини яратишда катта роль ўй-наши турган гап.

Рус тилига қилинган таржималаргина эмас, ўзбек тилига қилинган таржималарга ҳам адабий танқидчиллигимиз лоқайд қарайди. Оригиналда пайдо бўлган ҳар бир катта-кичик асар ўз баҳосини олгани каби таржима асарлари ҳам ўз баҳосини олиши керак.

Бизда «зуллисонийлик», яъни — икки тиллилик анъанаси жуда қадимий анъана. Ҳозир иккинчи она тили рус тили бўлган адабиётшунос, танқидчиларгина эмас, бир талай шоирлар, ёзувчилар ҳам етишиб чиқмоқда. Улардан самарали фойдаланиш вақти етмадимикан?

Ҳўп, таржима соҳасида бунда қайд этилган ва бир мақола нчида ҳамда бир киши томонидан тўлиқ санаб чиқиш мумкин бўлмаган вазифаларни ким бажаради? Буни таржима совети қилиши керак. Бу ҳақда Абдулла Ориповнинг куюниб гапирганича бор.

Ўтган йилги ёзувчиларимизнинг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Поэзия, проза, адабий танқидчилик ва бошқа секциялар чиқиб ҳисобот беришди, аммо ҳозирги нашр этилаётган бадний адабиётимиз кўламининг етмиш процентини ташкил этиб келаётган таржима асарлари ҳақида ҳеч қандай гап бўлмади. Ёзувчилар союзи қошида на секция, на совет иш кўради!!!

Ҳар бир роман, повесть, дoston, янги шеърый тўп-лам босмага беришдан олдин союзимизда муҳокамадан ўтказилади, синналади, пишинтилади, аммо жиддий таржима асарлари бу неъматдан маҳрум. Ёш таржимонларга бундай мактаб қани?!

Адабиётимиз равнақини ўйлар эканмиз, дилимизда гупириб ётган гаплар кўп экан. Уларнинг ҳаммасини бирваракайинга айтиб бўлмас экан. Бу яна ушбу ва шунга ўхшаш баҳсларнинг нечоғлик зарурий эканидан далолат беради.

1978

## ТОШМУҲАММАД ДОМЛАНИНГ САБОҚЛАРИ

Мен бир ҳикоямда устозларни қизитилган темирга ўхшатган эдим. Қизитилган темир нимага тегмасин, унга ўз ҳароратини ўтказади. Устозлар ҳам шундай.

Аммо қизиган темир таъсирининг ўтиши унинг ҳарорат даражасига боғлиқ. Маълум даражага қадар темир

фақат бевосита теккан нарсагагина ўз иссиқлигини ўтказди. Аммо темир ҳарорати жуда баланд даражага етганда-чи? Унда темир ёлқиндек нурлана бошлайди ва унинг таъсир доираси кенгайиб кетади. У ўз нури етган жойгача таъсирини ўтказа бошлайди.

Тошмуҳаммад домла ҳам мана шундай устозлардан.

Ул кишининг таъсир доираси аллақачоноқ бевосита шогирдлари ёки умуман математиклар доирасидан чиқиб кетган.

Масалан, мен — шарқшунос, Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов — математик, аммо мен ўз устозларимни санагудек бўлсам, булар орасида албатта Тошмуҳаммад домланинг номлари қайд қилиниши зарур. Бу мен университетда ўқиган, ишлаган вақтларимда ул кишининг ректор ёки министр лавозимида турганлари учунгина эмас, йўқ. Бу менинг ул киши сабоқларидан кўп маҳал бевосита ва билвосита фойдаланганим туфайлидир.

Шу сабоқлардан бир нечасини келтирмоқчиман:

1-сабоқ:

Одамлар ақлининг чироғи билим,  
Балодан сақланиш яроғи билим.

(Рудакий)

1915 йилнинг ўнинчи сентябрида Фарғона водийсининг Шаҳрихон қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган болага узоқ умр тилаб Тошмуҳаммад номини бердилар.

Тошмуҳаммад кичиклигиданоқ зийрак ва тийрак, кўзига кўринган нарсанинг сирини билмай, эшитган сўзининг тагига етмай қўймайдиган, катталарни кетмакет савол-бўрон қиладиган бўлиб ўсди. Тез орада уни Шаҳрихон қишлоқ мактаби қониқтирмай қўйди.

Унинг бахтига оиласи Қўқонга кўчиб келди, бунда эса янги тузумда мактаб ва ҳатто рус мактаби мавжуд, унда илғор рус домлалари ишлашар эди. (Тошмуҳаммад Алиевич суҳбатларда улар номини катта ҳурмат билан тилга оладилар.)

3—4 йил эски мактабда ўқигач, Тошмуҳаммад катта жасорат билан рус мактабига ўтиб олади. Шу бўлди-ю, илмга чанқоқлиги қониқиш ўрнига кундан-кунга орта борди ва уни Тошкентга бошлаб келди.

У 1936 йилда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг физика-математика факультетини муваффақиятли битириб, икки йил ўтар-ўтмас, 1938 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1942 йили эса Совет Армияси сафида хизмат қила туриб докторлик диссертациясини ёқлайди ва профессорлик унвонига сазовор бўлади, Ўрта Осиёдаги энг йирик университетнинг масъулиятли кафедраларидан бирини бошқаради. Ёши ҳали ўттизга етмаган, аммо ўзи етук олим Тошмуҳаммад домла 1943 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланади.

Шундан бери ТошДУ ректори, академия президенти, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимларида ишлаб келмоқдалар.

Тошмуҳаммад домла инманки топган бўлса, ҳаммасини илмдан топди.

2-сабоқ:

Орзу-тилак йўли меҳнат тагида,  
Хазинанинг мўли меҳнат тагида.

*(Абу Шукур, Балхий)*

Фан соҳасидаги бундай беқиёс ютуқлар, эл орасидаги, олимлар сафидаги бундай улкан обрў-эътибор сабабини ўйлаганда мен буни Тошмуҳаммад домланинг меҳнатсеварлигидан, ёшликдан ул кишига одат бўлиб, табиатига сингиб кетган заҳматкашлигидан топдим.

Мен домлани бир ҳафта, бир кунгина эмас, бирор соат ҳам математикасиз яшамайдилар деб айтиш масъулиятини бўйнимга ола биламан.

Факультетда, кафедрада шогирдлар билан бирга бўлганда бу ҳол табиий, аммо домла министр бўлганларида ҳам шу ҳол эди. Унда мен шарқ факультетининг декани эдим. Факультет кичкина бўлса-да, халқаро аҳамиятга молик. Шунга яраша турли проблемалар пайдо бўлиб туради, айниқса, унга қабул ва битирганларни ишга жойлаш масалалари мураккаб.

Министрнинг вақтини топиш эса ундан ҳам мушкул. Шунинг учун мен кўпинча иш тугаш пайтида борар эдим. Домла қўлларида бўр билан Министрлик кабинетининг бир чеккасида ўрнатилган ва устидаги

пардаси очилган ёзув тахтаси олдида турган бўлардилар.

Қисқагина суҳбатда масалани ҳал қилар эдик-да, хайрлашар-хайрлашмас яна тахтадаги математик формулаларга юзланар эдилар. Дам олиш кунлари тоғ кезишни севардилар, бирга бўлган вақтларимизда яна ул кишини математикадан ажратиш қийин. Бирга кета туриб ҳам бирдан беш-олти қадам илгарилаб кетадилар-да, қандайдир формулаларни пичирлаб бармоқлари билан ҳавога ёза бошлайдилар... Сўнг дарров чўнтакдан карточка қоғоз олиб ёзиб қўядилар... Биз ҳамроҳлар кейинроқ қоламиз... Янги теоремалар туғилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ҳа, халқимиз баъзи шошқалоқ кишилар ҳақида «Мулла Ҳасаннинг тиними йўқ, қилган ишининг унуми йўқ!» дейди. Тошмуҳаммад домланинг бутун фаолият марказида аниқ мақсад — ҳозирги замон математикасининг катта-катта проблемалари туради.

Мана шу тиниб-тинчимаслик ва шу билан бирга ўз фанига садоқат, ўз ҳунарига фидойилик, бутун фикру ўйини аниқ мўлжалга йўналтира билиш домлага математиканинг янги ва муҳим соҳаси — эҳтимоллар назарияси, топология соҳаларида дунёга машҳур бўлган мактаб яратишдек улкан муваффақиятга олиб келди.

Мутахассисликка бўлган муҳаббат домлада ўзлари таълим олган ва кўп йиллардан бери раҳбарлик қиляётган Тошкент Давлат университетига бўлган садоқатни шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Математика фани даргоҳига биринчи қадамни босган кундан бери домлани ТошДУсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам университетдан чиққан бир гуруҳ олимлар билан бир суҳбатда мен «ТошДУ» сўзига «Тошмуҳаммад домланинг уйи» деган изоҳни берганимда барчага маъқул тушган эди. Менинг бу талқиним ҳазил, аммо «Ҳазил таги зил» деганларидек бунда ҳам жон бор.

3-сабоқ:

Билим бойлигига тўймайди одам,  
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.

(Асадий Тусий)



Домланинг математика соҳасидаги кашфиётлари тасвирланган асарлари юздан ортиқ, ammo ул кишининг асарлари орасида энг қимматлиги, энг кўп юрак қўри, дил меҳрини ўзига сийгдирган асарлари бор. Булар шогирдлари. Улар жуда кўпчилик. Улар орасида номи жаҳонга кетган математика фауналари докторлари, фауна кандидатлари бор. Улар республикамиздаги эмас, улкан мамлакатимиз илмий марказларида, олий ўқув юртларида ва мактабларида хизмат қилиб, совет математикаси фанига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Олимнинг иқболи унинг шогирдларида. Тошмуҳаммад домланинг шогирдлари эса беҳисоб, уларни ҳисобламоқчи бўлсак Ўзбекистон мактабларидан бошлашимиз керак бўлади. Чунки домланинг математикадаги ҳаётини мактабсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мактаблар учун математика программаларини тузиш комиссиясида ҳам, математикадан олимпиада ўтказишда ҳам, ёш математиклар мактабларини ташкил қилишда ҳам домланинг ўрни муайян. Бунга қирқ йил давомида тўғридан-тўғри ул кишининг лекцияларини эшитган студентлар, асарларини мутолаа қилган китобхонлар қўшилса... Эҳ-ҳе, ул кишининг шогирдлари ҳисобига етиб бўладими? Мен буни ўз зиммамга ололмайман.

Аmmo шуни уқиб олдимки, ул киши ҳормай-толмай ҳар хил поғонада шогирд тайёрлашни ўз бурчи деб билладилар. Улардан на вақт, на билимни аямайдилар. Бундан қашшоқланиб ҳам қолмайдилар, билъакс, ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам билим жиҳатдан бойликлари кундан-кунга ошиб-тошиб боради.

4-сабоқ:

Бойлик келди ҳимматдан нишона,  
Ки ҳимматсизни паст этди замона.  
(Навоий)

Мени қанчалик қаршилик кўрсатишимга қарамай университетнинг илмий ишлар бўйича проректори қилиб тайинлашди.

Домла мени чақириб, бу лавозим менинг ўз мутахассислигим соҳасидаги ижодий ишларимга анча путур ет-

казса-да, бир неча йил ишлаб беришга тўғри келишини айтдилар-да: «Ҳаммамиз ҳам шу ҳолдамиз, фанда ўз вазифасини бажаришдан ташқари уни ташкил қилувчилар ҳам керак»,— дедилар.

Мени янги вазифага йўллар эканлар, фақат биргина наслихат — кишиларга меҳру шафқат билан қараш, уларга имкон борича ёрдамда бўлиш, кишиларда учрайдиган камчиликларга олижаноблик билан ёндашиш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Улкан олим, катта давлат ва жамоат арбобининг бу гапидан мен шунча фаоллиятлари орасида энг муҳими шу эканлигини ўқидим. Авваллари ҳам домланинг юмшоқ табиат, ўта маданий киши эканликларига ўрганиб кетган эдим. Ул кишини кўпдан биладиган университет боғбон чолларидан бирининг «Тошмуҳаммад домла жуда ажойиб одам-да, агар эгинда чумоли кўрса, шунням қоқиб ташламайдилар, секин олиб ерга қўядилар», деб гапиргани ёдимда қолган эди. Аммо менга қилган бу наслихатларидан сўнг энди ўрганиш бўлган нарсага ҳам синчиклаб қарай бошладим ва ул кишидан олиҳимматлик, олижаноблик дарсини ўқий бошладим. Домла ҳеч қачон бирор кимса ҳақида ёмон фикр юргизмайдилар, барчага ўзларига ишонгандек ишонадилар. Бу ишончини суистеъмол қилувчилар чиқиб қолганда «Буни қаранг?!», «Буни қаранг?!» деб ҳайратланадилар. Бу ажабланиш математикада мантиқий икки карра икки тўрт чиқиб турган жойда нечуидир етти чиқиб қолгандек кўринади!

Ундай кишилар домланинг ҳаёт мантиқига асло тўғри келмайди.

5-сабоқ:

Ақллилар айтур бир уйда қачон  
Кушфармондор бўлса, ишлар саргардон.

(Фирдавсий)

Маъмурий ишда ҳам домла кишиларга ишонч билан қарайдилар. Ҳеч кимнинг ҳуқуқини поймол қилмаслик, илмга қайси соҳа топширилган бўлса, шунинг инон-ихтиёрини тўлиқ ўз қўлига бериб қўйиш, унинг ҳар бир фикру мулоҳазасига, хатти-ҳаракатига ҳурмат билан қараш ва керак жойда катта принципдаги масалалардагина маслаҳат бериб туриш, майда-чуйдага аралаша бермаслик домланинг одати.

Аммо шу билан бирга ул киши, В. И. Ленин: «Дове-

ряй, но проверяй», деган деб кўядилар. Бу жумлани тез-тез қайтаришни яхши кўрадилар.

Бирор тошириқ ёки пландаги иш бўлдим, тамом ўша иш бажарилгунча, қандай ҳолатда учрашмайлик, «Ҳа, фалон иш нима бўляпти, фалон кун-я», деб хабар олиб қўйишлари бор.

6-сабоқ:

Пўқ ҳунари ёлгуз эса юз киши,  
Қайда киши сонда ёлгуз киши.

(Навоий)

Домлада энг кучли ҳиссиёт нима?— деб сўрасалар мен ҳеч иккиланмай коллективизм ҳисси деб жавоб берар эдим. Бу ҳаётда дўстликка салоқат, доим ким биландир фикр алмашиш, самимий суҳбатга муштоқликда, севикли математикада доимо шогирдлар орасида бўлиш, янги-янги фикрларни улар билан ўртоқлашиш иштиёқидагина эмас, маъмурий ишда ҳам яққол кўринади.

Университетга тааллуқли қандай масала бўлмасин у ё шу иш мутасаддийлари билан, ё партия комитети аъзолари билан, ё мутасадди чақирилиб турадиган директор мажлисида маслаҳатлашиб ҳал қилинади.

Бу мажлисларда мен ўзни бошқалардан ажратмаслик, ўз фикрнинг амалдорлик асосига суяниб эмас, маънавий ва тафаккур, билим ва исбот асосида ўтказиш сабоқларини уқиб бораман.

7-сабоқ:

Мевали шох боши саломга эгик,  
Мевасиз шох бошин кўтаради тик.

(Жомий)

Бу сабоқни изоҳлаб бериш қийин. Жомийдан келтирилган байтда кишидаги камтарлик асоси жуда яхши очиб берилган. Тошмуҳаммад домлани шу байт исботига яққол намуна деса бўлади.

Мен домла билан жуда кўп ҳар хил шароитдаги суҳбатларда бўлдим, кўпдан бери бирга ишлашамиз. Аммо яқинда бир киши «домланинг учта Ленин орденлари борми? Мен календарда ўқидим» деганда, бу саволга аниқ жавоб беролмай сукутда қолдим. Ушбу мақола муноса-

бати билан кадрлар бўлимидан маълумот олишга тўғри келди.

Домла уч Ленин ордени, уч Меҳнат Қизил байроқ, Ҳурмат белгиси ва Октябрь инқилоби орденлари, бир неча Олий Совет фахрий ёрлиқлари, медаллар соҳиби, СССР Давлат мукофоти, Ўзбекистон Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, неча марталаб Ўзбекистон Олий Советига депутат бўлган, мана ўттиз йилдан ортиқ Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш соҳасида катта-катта лавозимлари эгаллаб, чин дилдан хизмат қилиб келаётган давлат арбоби.

Лекин ҳеч қачон ул кишининг ўзига ёки онасига нисбатан алоҳида эътибор талаб этганини, бошқаларга нисбатан ўзини алоҳидароқ қўйганини эслай олмайман.

Пахта терими вақтларида колхозчилар, совхоз ишчилари билан суҳбатда кўп кўрганим бор, барча ул киши билан тенгқурлардек тортинмай суҳбатлашадди, бирга овқатланишадди.

Бултур альпинистлар билан Чотқолин пиёда ошганларида, Помирга кўтарилганларида ҳам шу ҳол. Кўп-кўп домлани сал ёни ўтса-да, спортдан ажралолмаган киши сифатида қабул қилганлар, баъзилари эса альпинист деб билганлар.

Бундай кишиларни кўз қорачиғига ўхшатиш мумкин! Кўз қорачиғи барчани кўради ўзини кўрмайди!

Ҳа, бундай фарзандлари билан халқимиз фахр этади, уларни кўз қорачиғидек асрайди.

Тошмуҳаммад Аллевич Саримсоқов номзодининг Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига кўрсатиллиши ҳам халқ меҳри муҳаббатининг ифодасидир.

Депутатликка кўрсатилган кишиларга наказ бериш халқимиз одати, шу одатга кўра Тошмуҳаммад Аллевич Саримсоқовга топшириқ берадиган бўлсак — фаолнияти-нигиз шу тахлитда давом этаверсин, совет фани байроғини юксак тутиб, довонлар ошаверинг, хизматингиз эл дидидаги хизмат деймиз.

Шундай бўлишига аминмиз ҳам. Чунки домладаги бу сифатлар одатгина эмас, улар домла табиатига сингиб кетган, зеро улўф бобомиз Алишер Навоий деган эдиларки:

Табиатга ҳар неки одат бўлур,

Чу эскирди одат, табиат бўлур.

Ҳа, халқпарварлик, партия ишига садоқат, камтаринлик, ўз ҳунарига фидойилик, кишиларга ишонч ва муҳаббат... Тошмуҳаммад домла табиатига хос бу хусусиятлар кўпларга сабоқ бўлса арзийди.

1975

## ЯРИМ АСР ХИРМОНИ

Утади шубҳасиз яхши ҳам ёмон,  
Бахтлидур яхши ном қолдирган инсон!  
Қимми ўз ҳосилини ҳам еб тугатар,  
Қуз кунни хирмондан машоқлар терар.

(Саъдий. «Гулистон»)

Дарҳақиқат, инсон ҳаётга қадам босар экан, баъзилар овқат ва машат учун яшайдилар. Улардан инсониятга бирор наф ҳам етмайди, боз устига олам тарихида бир дамлик умрларидан ном-нишон ҳам қолмайди. Хайём айтганидек, дунёга бир чибин қўшилдим, камайдим, ҳеч ким бунни сезмайди. Иккинчи бир тонфа эса овқат ва машатни ҳаётларини давом этдириш воситасигина деб билдилар, ҳаёт вазифаси эмас. Бундай кишиларнинг ҳаёт вазифаси тинмай инсонга хизмат қилиш, ақл-заковатини дунёнинг тожи, олам эгаси бўлган инсонга, башарият эҳтиёжининг бирор томонини қониқтиришга сарф этадилар. Бунда уларнинг қилган ишлари оламшумул аҳамият касб этади, улканми ёки сизқидилдан ўтказилган мурғак бир ниҳолдек кичик эзгу ишми — бунинг аҳамияти йўқ. Чунки ҳар ким баҳоли қудрат инсоният хизматида бўлса бас.

Ижодий меҳнатини 14–15 ёшдан бошлаб, эсини танн-ганданоқ инсон хизматида бўлиб келаётган Совет Шарқшунос олими, филология фанлари доктори, Тожикистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Иосиф Самуилович Брагинский ҳам шундай кишилардан бири.

Иосиф Самуилович Брагинскийнинг эллик йиллик илмий-педагогик фаолияти кўп қиррали ижод билан ўтди.

Кейинги йилларда олим ўзининг кўп йиллик илмий тадқиқотларига яқун ясаб хирмон кўтармоқда. Унинг ил-

мий асарларини ўз ичига олган икки китоби нашрдан чиқди.<sup>1</sup>

Мана унинг иккинчи китоби ҳам қўлимизга келиб тегди.<sup>2</sup> Бу китоб — «Проблемы Востоковедения» («Шарқшунослик масалалари») деб номланган китоб билан биринчи учрашишдаёқ унга киритилган асарлар аввал эълон қилинган ишларнинг айнан ўзи эмаслиги, бунда чуқур илмий тадқиқот давом этаётганлиги, муаллиф ўзининг қирқ йиллик ишига яқин ясар экан, бутун ҳаёти меваларини саралаб, маълум проблемаларга бўйсундирганлиги ва уларни энди етук олим, мулоҳазакор кекса кўзи билан қайта кўриб жилолаб чиққанлиги кўзга ташланади.

Титул варақда китоб номидан кейин қўйилган «Шарқ адабиётшунослигининг актуал масалалари» («Актуальные вопросы Восточного литературоведения») деган жумла китоб характерини чуқурроқ очиб беради.

Дарҳақиқат бу жилд кейинги 15—20 йиллар давомида неча-неча бор мунозараларга сабаб бўлган ва айрим кичик ё катта конференциялардан тортиб, то шарқшуносларнинг бутунжаҳон конгрессларида мунозара ва муҳокама этилган масалаларни кўтаради.

Китоб ўн бўлимдан иборат, бу бўлимлар мундарижасига назар ташлашнинг ўзи ҳам мазкур фикримиз шохиди бўла олади: Ленин ва Шарқ; Шарқни ўрганиш борасида; Шарқнинг қаҳрамонлик эпоси ҳақида; Шарқ ренессанси масаласи; Шарқда маърифатчилик масаласи; Шарқ адабиётларида реализм масалалари; Фарби-Шарқий адабий синтез масалалари; Шарқ халқлари адабиётида интернационаллик ва миллийлик масалалари.

Кўришиб турибдики, олимнинг шарқшунослигининг турли актуал масалаларга оид кўп йиллик изланишлари самараси бунда жамланган. Аввало, шунини қайд қилиш керакки, муаллиф бу масалаларга илмий ёндашар экан кейинги йилларда совет олимлари томонидан ўтказилган катта илмий текширишлар, муҳокама ва мунозаралар натижасига суянади ва бу улкан бойликни истифода этишда ўзига хос маҳорат кўрсатади. Бунини унинг ўзи ҳам эътироф этиб: «Улуғ ташаккур ҳислари билан қайд қиламанки, бунга ўз ҳамкасбларим билан ҳамкорлигим,

<sup>1</sup> И. С. Брагинский. Из истории таджикской и персидской литературы. М., 1972.

<sup>2</sup> И. С. Брагинский. Проблемы Востоковедения. М., 1974.



улар билан бўлган муҳокама ва мунозаралар катта ёрдам берди» (4-бет), дейди. Бу нуқтан назардан китоб маълум даражада совет шарқшунослиги қўлга киритган ютуқларга ҳам яқин ясайди, уни маълум проблемалар бўйича хулосалайди.

Китобдан жой олган проблемалар орасида айниқса «В. И. Ленин ва Шарқ» боби ҳаммадан олдин киши эътиборини тортди. Бу боб шундай масаланинг муҳим ва актуаллиги билангина эмас, бу борада анча-мунча янги ютуқларга эришилганлиги ва коллектив ютуқларини хулосалаш йўлидан борилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

И. С. Брагинскийнинг ҳаётида биринчи ёзган мақоласи В. И. Ленинга бағишланган эди. Бу 1924 йил 28 мартда «Правда» газетасида босилган «Ленин» (штрихлар) деган мақола бўлиб, унда ёш марксист, комсомол аъзоси Иосиф Брагинский ленинизмга ва интернационализмга садоқатини эҳтирос жўш уриб турган юракдан намоён этган эди.

Шундан бошлаб, В. И. Ленин ғоялари шарқшуносларнинг барча ишларида, энг қийин мунозарали масалаларни ҳал қилишда ҳам унинг тафаккур йўлини ёритиб турган машъал бўлди. Мана бу соҳада эллик йиллик меҳнат ва фикру ўйлари яқин бўлган бу боб асосан икки бўлимдан иборат.

Бунда аввало олим «Ленин Шарқ ҳақида» деган бўлим очиб, унда В. И. Ленин назарий меросини ўрганиш, Шарқ масалалари, Шарқ халқларининг истиқболи, Шарқнинг кишилик жамияти тараққиёти тарихида бундан буён тутадиган муҳим ўрни ҳақидаги В. И. Ленин кўрсатмалари ва уларнинг бугунги кунда нақадар тўғри чиқаётганлиги, Ленин ғояларининг Шарқ халқлари революцион кураши учун ниҳоят улкан маёқ эканлиги бу ғояларнинг революцион-гуманистик моҳият, ўта сезгирлик ва ленинча марксистларга хос жанговарлик билан тасдиқлаб, таъкидлаб бера олган.

Ленин ва Шарқ проблемасининг иккинчи аспекти Шарқ халқларининг бутун дунё меҳнаткашлари доҳийси В. И. Ленинга муносабати, В. И. Ленин образининг оғзаки ва ёзма адабиётда тажассум топиши, Ленин номининг оғизма-оғиз Шарқ халқлари қўлоғига етганидан тортиб, то унинг илмий-революцион таълимотини ўрганиб, ўз мамлакатлари шароитига суяниб ўз озодлик

курашлари таянчига айлантириш даражасига стишларига ва бу улкан ҳодисанинг Шарқ халқлари адабиётидаги инъикоси ҳам чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб берилган.

Иосиф Брагинский кўп қиррали ижодкор, тиниб-тинчимас тадқиқотчи. У совет ва чет эл Шарқи тарихи ва адабиёти соҳасида доим янги-янги проблемаларни илгари суришида, уларни Шарқ адабиёти координация совети мажлисларига муҳокамага қўйишда ёки кўп йиллардан бери ўзи бош муҳаррирлик қилаётган «Осиё ва Африка халқлари» журнали саҳифаларида мунозаралар уюштиришда ёшларга ўрнатилган фаоллик кўрсатиб келаётган олим.

Биз таҳлил қилаётган китобга кирган материаллар ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Дарҳақиқат, китобда Шарқ тарихи, Шарқ фалсафаси ва филологияси, қадимий давр, ўрта аср ва ҳозирги замон адабиёти, фольклори, классик ва совет адабиёти, матншунослик, миллий масаланинг актуал масалалари, Ўрта Осиё ва Эрон адабиёти ва тарихига оид библиография масалаларига бағишланган тадқиқотларни кўрамиз.

Бу асарлар жанр жиҳатидан ҳам хилма-хил. Булар орасида кичик тақриздан тортиб катта монографиягача, адабий-танқидий очеркдан тортиб илмий конгресслардаги нутқлар ёки катта илмий мунозараларни бошлаб бериш учун тарқатилган тезисларгача топилади.

Булар орасида Шарқни ўрганишга бағишланган, Шарқшунослик фани тараққиётларининг асосий довоилари, Совет Шарқшунослиги ва халқаро Шарқшунослик «Чет эл эроншунослиги тарихидан» ва бошқалар.

Шарқ халқлари қаҳрамонлик эпоси ҳақидаги бўлимидан «Қаҳрамонлик эпоси генезисига доир», «Совет Шарқи халқларининг эпик ижоди ҳақида» («Гўрўгли» ва «Гэсэр») асарлари, «Қадим Шарқ адабиёти ҳақида», «Шарқ Ренессанси проблемасига доир», «Шарқда маорифчилик масалаларига доир», «Шарқ адабиётларида реализм проблемаси», «Гарб ва Шарқий адабий синтез масалалари», «Шарқ адабиётларида миллийлик ва байналминаллик проблемаси» ва бошқа бўлимлар мавжуд.

Бу масалаларни санаб ўтишнинг ўзи ҳам олим илмий тадқиқотларни диапазонни нақадар кенг ва хилма-хил эканлигидан далолат беради. Аммо уларнинг ҳаммаси

бир мақсадга, Шарқ адабиёти ва яна аниқроғи, форс-тожик классик адабиёти проблемаларига йўналтирилган.

Мазкур проблемалар орасида кўплари ҳозиргача ҳам мунозарали бўлиб келаётган ниҳоят мураккаб масалалардир. Аммо шунга қарамай олим асарлари билан танишар эканмиз, бу масалаларга катта истеъдод, баркамол билимдонлик ва энг муҳими, марксизм-ленинизм позициясида туриб жанговар партиявийлик билан ёндошилганлигини кўрамиз.

Баъзи масалалар ҳозирги замон совет шарқшунослиги ютуқлари поғонасидан туриб ҳал қилиб берилган, баъзилари эндигина илмий асосда қайтадан қўйилган, аммо уларнинг ҳаммасида бир улкан фазилат мавжуд — улар кишида фикру мулоҳаза қўзғатади, ўзига эргаштириб кетади, оромингизни ўғирлайди, хаёлингизни эгаллайди.

Бу кичик мақолада таҳлил қилинаётган китобдаги барча масалаларга қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтиш имконияти ниҳоят чекланган. Аммо бир масала ҳозирги кунда бутун жаҳон шарқшунослигида қизғин баҳслашувга сабаб бўлаётган ва тарафдорлари қанча кўпайса, муҳолифлари ҳам шунча ортиб бораётган масалага, яъни «Шарқ ренессанси» масаласига икки оғиз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ренессанс (ўзбекча «Уйғониш даври» истилоҳи анча аниқлик талаб этади)нинг типологик белгилари анчамунча. Уларни бу ерда санаб ўтирмоқчи эмасмиз. Лекин Ренессанс ва гуманизм бу бир-бирига уйғун тушунча.

Гуманизм Ренессанс идеологияси. Гуманизм ҳозир баъзи сектантлар иқдор қилмоқчи бўлаётганидек, буржуа жамияти ўйлаб чиқарган нарса бўлмай, одамнинг ўзи билан бирга пайдо бўлган инсоний ҳис-туйғудир. Бу туйғунинг ривожиди ва муайян бир оқим пайдо бўлиб шаклланишида, инсоннинг ўз-ўзини қайта кашф этишида Шарқ классикларининг хизмати ҳам каттадир.

Тарихимиздан олдин ўтган одамлар орасидан чиққан илк рассом ўз боласини шернинг қаттиқ ҳужумидан ҳимоя қилаётган урғочи фил расмини чизиб қолдирган. Жанубий Жазоир горларида топилган бу расм автори ҳайвонлар образида инсон туйғусини, оналик ҳиссиётининг ифода эта олгани учун кишини қаттиқ ҳаяжонга солади.

Шу расми ишлаган ибтидоий рассомнинг ўзи ҳам

қанчалаб фил болаларини тузоққа тушириб, гүштини егандир, аммо ўз расмида инсоний ҳисни, демак, гуманистик туйғунн ифода этганлиги учун унинг расми ҳатто ҳозирги кишиларни ҳам ҳайратда қолдиради.

Бу мисол санъатда гуманизмнинг қадимийлиги билан бирга, гуманистик санъатнинг абадийлигини ҳам кўрсатади.

Биз классикларимизнинг асарларини шу нуқтан назардан таҳлил қилиб, Рудакий ва Фирдавсий, Носир Хисрав ва Хайём, Саъдий ва Ҳофиз, Жомий ва Навоий асарларининг абадий навқиронлик сирин улардаги чуқур ва ҳар томонлама изчил гуманизмда эканлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Гуманизм Европада Италия Уйғониш даври идеологияси сифатида муайян бир оқимга айланди.

Умуман олганда, гуманизмни илк буржуа маданияти тараққий эта бошлаган давр — Уйғониш даври дунёқараши деб таърифлаш ҳам мумкин.

Бу дунёқараш классик характерда Италияда намойиш бўлди. У пополонлар, яъни шаҳар сокинликларини ва контадинлар — шаҳар атрофидаги деҳқонлар дунёқарашини, уларнинг феодал крепостнойликка қарши курашини, шахс эркинлиги учун курашини ўзида акс эттирди.

Аммо бу идеология қаттиқ тараққий топган феодал давлатлари бағрида вужудга кела бошлаган эди. Бундан катта шаҳарларнинг юзага келиши, шаҳар аҳолисининг ўсиши, саройлар, катта иморатлар, сугориш иншоотларини қурилишининг авж олиши, ўша давр миқёсида кенг халқаро савдо-сотиқнинг ривожланиши, шулар талаби билан филм-фаннинг ўсиши — гуманистик ғоянинг шаклланиши ва ривожига катта таъсир кўрсатган омиллар мана шулардир.

Аммо бунда шаҳар аҳолисини, улар орасида пайдо бўлган жавонмардлар ташкилотларининг шахс эркинлиги учун, черков асоратидан қутулиш учун олиб борган кураш ва интилишлари, золим ва эзувчиларга қарши катта-катта халқ қўзғолонлари гуманистик ғояни руҳлантирувчи нур манбаи бўлди.

X-XV аср Эрон ва Ўрта Осиёда бу шарт-шароитлар, бу омилларнинг барчаси мавжуд эди. Баъзи сабабларга кўра Шарқда буржуазия пайдо бўлолмаган бўлса-да, пул-товар муносабатлари, капиталистик муносабатлар туғила бошлаган. Энгельс таъбири билан айтганда,

«Инсоният тарихида энг улуг прогрессив ўзгаришлардан бири» бўлган Уйғониш даври тенденциялари пайдо бўла бошлаган, аввало, унинг идеологияси бўлган гуманизм тараққий топа бошлаган эди.

Бу тенденциялар ҳали эндигина бўрта бошлаган куртак, эмбрион ҳолида бўлса ҳам, буюк даҳо эгалари илғор ҳолатларни тез илғаб олиб, куртакда бутун бир дарахтнинг тасаввур этиб, эмбрионда мукаммал организмни кўра билган эдилар.

Гуманизм халқчилликнинг асосий омилидан бири эканлигини ҳам юқоридаги шоирлар ижодида яққол кўриш мумкин.

Хайём — Саъдий ва Ҳофиз — Навоий ижоди, ҳақиқий гуманистик асарлар шаклан ҳам, мазмуан ҳам халқчил асарлардир.

Улар, ҳақиқий гуманистлар, ўз асарларида халқнинг эрк ва меҳнатга, бахт ва саодатга бўлган интилишини ифода этганлар. Жисмоний ва руҳий бандиликка қарши исён қилганлар. Улар ўз асарларида шахс озодлиги, фикр эркинлиги, диний бидъатларга қарши ақлзаковатнинг, илм-фаннинг тантанаси учун курашганлар. Улар ижодидаги диний бандиликка, инсон руҳининг эзилишига қарши олиб борган курашлари умумбашарий аҳамиятга эгадир.

Бу жиҳатдан украин шарқшунос олими А. Крымскийнинг украин революционерни Иван Франкога (1896 йил, 18 апрелда) ёзган хати диққатга сазовор.

«Фикримча,— деб ёзади олим,—сиз Ҳофизнинг ким бўлганлигини биласиз ва унинг ижоди ҳақида тасаввурга эгасиз. Назаримда, сизга ҳам, менга ҳам унинг аҳлидинга қарши ёзилган шеърлари маъқул бўлади. Чунки уларда шоир умумбашарий заминда туриб, жуда чуқур ва фойдали фикрлар айтган».<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, классикларимизнинг ва жумладан, Навоий ижодидаги расмий динга қарши мотивлар Фарб Уйғониш даври гуманистларининг черков зулмига қарши кураши билан ҳамоҳанг бўлди, унга замин тайёрлаб берди ва бу Шарқ Ренессанси бошланишини кўрсатувчи далиллардан биридир. Чунки Фарба ҳам Ре-

<sup>1</sup> А. Крымский. Избранное. Киев. Изд-во «Днипро», 1965. (Биз «Садон шарқ» журналининг 1966 йил, 2-сонидан олдик. 166-бет).



нессанс даврининг асосий белгиси черков зулмига қарши исён эди.

И. С. Брагинский китобнинг Ренессанс масалаларига бағишланган бобида бу масалаларни тарихий ёритишга ва марксистик изчиллик билан асослаб беришга интилади ва бу проблеманинг ҳозирги ўрганилишига анчагина салмоқли ҳисса қўшади. Бу бобда Габр Ренессанси атрофидаги курашлар ҳам изчил ёритилар экан, аввало башарият тафаккури тарихда рўй берган бу улкан инқилобнинг типологик хоссалари аниқланади. Сўнг Ренессанс тараққиётининг социал-иқтисодий факторлари таҳлил қилинади-да, уларнинг X — XV асрда Эрон ва Урта Осиё шаҳарларида ҳам мавжуд эканлиги Совет тарихчилари далиллари билан исботлаб берилади. Булар шаҳар маданиятининг ривожланиши, халқ қўзғолонлари натижасида социал онгнинг ўзгариши ва ниҳоят гуманистик интеллигенция ижтимоий табақасининг юзага келиши эди.

Буларни тарихий далиллар билан исботлар экан, муаллиф форс-тожик классик адабиётига қисқа, аммо чуқур марксистик, жуда жонли обзор беради. Бу адабиётнинг жаҳоншумул довуғи, шон-шуҳрати сирларини ундаги гуманистик ғоя юксаклигидан топади:

«Биз биламизки... инсон қиймати ҳақидаги гуманистик концепция эроний халқлар шеъриятида X — XV асрларда туғилиши мумкингина эмас, балки ҳақиқатан ҳам майдонга келди. Бундан ташқари, у тасвирий санъатда — машҳур Эрон миннатурасида, хусусан, Шарқнинг XV аср Рафаэли деб топилган Беҳзод расмларида ўзининг кейинги тараққиётини топди...

Демак, форсий тилдаги классик шеърятни жаҳон поэзияси билан тарихий-типологик жиҳатдан илмий-объектив чоғиштиришда аниқ кўринадиким, олти аср давомида форсий тилда тараққий топган адабиёт — Эрон ренессанси адабиётидир», деб уқтиради.

Бу ишлар Шарқ адабиёти ҳам умумий жаҳон адабиёти тараққиётидан ажралмаган ҳолда унинг муҳим бир бўлаги бўлиб ривож топганлигини яққол кўрсатиб беради.

Максим Горький таърифлаганидек бадний инсоншуносликдан иборат бўлган жаҳон адабиёти тараққиёти гуманистик ғоянинг тинимсиз ривожидан иборат, тараққиётнинг турли даврларида инсон концепцияси



бойиб боради, ижтимоий мавжудот сифатида унинг янги-янги қирралари очилиб, бадний образларда ифодалана боради. Инсоннинг ўзини кашф қилишдек мана шу улуг жасоратида Шарқ адабиёти даҳоларининг хизмати ҳам ўз муносиб ўрнига эга.

«Агар адабиёт ҳаётини ўзгартиришда қудратли қурол бўлса,— дейди олим китобнинг 418-саҳифасида,— унда адабиётшунос адабий танқид воситаси ила бу қурол тақомилига ёрдам бериши мумкин ва лозим!»

Домла Брагинский ишларининг ҳаммаси ана шу вазифани ўз олдига қўйганлиги, унинг тадқиқотлари шу кунининг талабига ҳозиржавоблиги билан, бадний адабиёт фактларига, ўтмишнинг ўлмас бадний бойликларига партиявий ёндашиш билан ажралиб туради.

Тадқиқотчининг асосий вазифаси воқеалар аро алоқалар ипини пайқаб олиш, уларни чуқур идрок этиш ва натижада текширилаётган воқеликнинг объектив қонуниятини очишдан иборат.

И. С. Брагинскийнинг текшириш методи ана шу илмий талабга жавоб бергани учун ҳам унинг хулосалари мантиқига қарши чиқиш қийин бўлади. Бу жиҳатдан ҳам домла ижоди ёшларга ўрнак!

Иосиф Самуилович 70 ёшга тўлган шу кунларда унинг ўзбекистонлик шоғирдлари ва ҳамкасблари номидан деймизки, ҳорманг домла, хирмонингизга баракка! Биз сиздан кексалик донолиги анқиб, марксистик эҳтирос жўшиб, жанговар ёшлик ёлқини балқиб турган янги-янги асарларингизни кутамиз.

1977

## МУХТАСАРЛИК МАҲОРАТИ

(Абдулла Қаҳҳорни эслаш кечасида  
бадиҳа тарзида айтилган нутқ)

Мен Абдулла Қаҳҳорнинг икки бор шул айвонда бўлган суҳбатини эсладим, шу муносабат билан Абдулла Қаҳҳорнинг мухтасарлик санъати ва маҳорати ҳақида сўзламоқчиман.

Бир кун Пириқул Қодиров, Озод Шарафиддинов билан Абдулла акани кўргани келдик. Қибриёхон опа дарров сахий дастурхон туздилар. Шунда гаплашиб ўлтириб, Абдулла ака ароққа ишора қилиб:

— Бу баттолнинг бир томқиси қирқ оғиз гап-да,— дедилар ва изоҳ бериб,— кеча шаҳарга тушмоқчи эдим, уйда усталар бор эди, уларни меҳмон қилиб овқатда ароқ берибман, юз граммдан ичгач шундай гапга тушиб кетишдики, ташлаб кетолмадим, кеч қолиб шаҳарга ҳам тушолмадим,— дедилар.

У кишида бундай лўнда, жуда мазмундор, қисқа жумлалар кўп. Масалан, рус тили ҳақида: «Рус тили бизнинг учун она сутидай озиқ, унда ўсиш учун зарур бўлган ҳамма модда бор» ёки «Шеър — маъсум гўдак, риёни билмайди», деб айтган ҳикматли гаплари бор. Рус тилининг аҳамияти ҳақида жуда кўп гапирилган, ёзилган, аммо ҳеч ким бундай лўнда, қисқа ва чуқур айтолмаган. Бундай мухтасарлик манбани аввало ҳаётни чуқур ўрганиш, нозик кузатувчанлик, зийракликдан қидириш керак.

Мен бу ерда Абдулла Қаҳҳорнинг Ҳиндистон сафаридан кейин университет студентлари билан бўлган учрашувини эслайман. Абдулла ака Ҳиндистон таассуротларини сўзлар экан: «Энди Ҳиндистон мустамлакачилар асоратидан қутулиб, янги йўлдан ривожланимоқда. Кишиларни озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой билан таъминлашдан кўра ҳам уларга «Сен ҳам одамсан, сен ҳам уйларда яшашинг керак!» деган фикрни сингдириш қийин»,— деган эди.

Ҳиндистонни кўриб келиб, бу ҳақда гапирган ва ёзганларнинг кўпини эшитдим, ўқидим, аммо ҳеч кимда бундай нозик психологик кузатувни учратмадим.

Абдулла Қаҳҳор новатор бўлиши билан бирга ўта анъанавий шоир, унинг янги-янги топилмалари, услубий йўллари, биз учун фавқулодда кўринган бадиҳагўйлиги катта билим асосига қурилган. У рус адабиётини чуқур ўрганган, Фарб адабиёти дурдоналарини ўрганиб, ўзига керакли озуқани олган бўлса, Шарқ адабиёти унинг суяк-суягига сингиган, она сути билан кирган эди. У Умар Хайём рубоийларининг барчасини оригиналда ёд билган (Ғ. Ғулом ва Ойбек ҳам худди шундай), Саъдий Шерозий, Ҳофизларни чуқур ўрганган тадқиқотчи эди.

Мухтасарлик санъати ҳақида гапирилганда Шарқ адабиёти анъаналарини эшлаш шартмиди деган савол туғилиши мумкин. Шарт ва зарур. Фарб тадқиқотчилари орасида ва баъзилар наздида Шарқ поэзияси зерини

карли, қайтаришлардан иборат, деган фикр бор. Бу фикр тамоман ноўрини. Шарқда турли-туман шоир бўлган, шунинг учун паст савиядаги шеърлар ҳам кўп, албатта. Аммо ҳаққоний даҳо эгалари асарларига мурожаат этсак, улар дунёни забт этганлар.

Фирдавсий, Низомий, Умар Хайём, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби улкан санъаткорларнинг катта-катта дostonларида ҳам деярли барча байтлар афористик маънога эга, ҳикмат дурдоналарига тўла. Шарқда ҳар бир байтни дур деганлар ва унинг сайқалига алоҳида аҳамият берганлар, натижада юз минг мисрали дostonлар қатори, тўрт мисрали рубоий ёки иккигина мисрадан иборат фардлар ва ҳатто айрим мисра наср этилган.

Китобхонларда ҳар сўзга ўта зукколик, ҳушёрлик туйғулари тарбияланган. Уқувчи ва тингловчилар завқи-шавқи ва маданияти юксакларга чорланган. Масалан, Саъдий «Гулистон»ида: «Чаёндан сўрадилар:

— Нечун қишда кўринмайсан?— деганларида у:

— Езда қайси кўрган ҳурматларимга яна қишда кўринмай»,— деган экан. Ёки «Бўстон»да: «Бир деҳқон оёғини ит қошиб олди. У уйига келиб дод-фарёд солди. Кичик бир қизчаси югуриб келиб:

— Отажон, сенинг ҳам тишинг бор-ку, сен ҳам тишлаб олсанг бўлмасмиди?— деди.

Унга деҳқон:

— Оҳ, қизим, менинг оёғимни узиб олганда ҳам, мен унга тишимни теккизиб ҳаром қилмайман!— деб жавоб берди».

Бу қисқа тамсилларда қандай теранлик мавжуд. Улар бутун-бутун рисолалар мазмунини, бир жаҳон маъно дури эмасми.

Бундай тамсиллар Фирдавсий «Шоҳнома»сида ҳам, Навоий «Садди Искандарий»сида ҳам, Жомий «Ҳафт авранг»ида ҳам, Румий «Маснавий»сида ҳам кўплаб топилади.

«Бир жуфт тулкини овчилар тутиб олиб кетишмоқда. Мола тулки ёрига қараб:

— Энди қайда учрашамиз,— деган эди, у:

— Пўстиндўз дўконида,— деди».

(Румий).

Мумсиқ бой олдида ўлим нақд бўлди.  
Заридан бир табиб қисми тўлди.  
Тиллоси сарф бўлиб кетганичун бой,  
Сиҳат топган чоқда қайтадан ўлди.

(Бедил)

Биз Бедил рубоийларида бундай кичик тамсилий ҳикояларни ҳам тез-тез учратамиз. Шулардан бирини: «Куз. Атроф ранго-ранг, ердан бугдой донини кўтариб:

— Олам гўзал, нечун сенинг кўзинг юмуқ?— дедим.

— Қўй, кўзимни очсам тегирмон кўринади,— деди у».

Шу икки мисралик диалогда қандай улкан фалсафий мазмун ётади.

Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам бундай жавоҳирлар кўп. Уларнинг ҳаммасини санаб чиқишни вазифа қилмай «Аяжонларим»дан бир тамсилий ҳикоятни эслай:

«Жаннатда бир тахт яратилган эмиш, у яхши қайнонага аталган эмиш. Аммо у ҳануз бўш эмиш».

Абдулла Қаҳҳор бундай дурдона жумлаларни, кўпинча суҳбат чоғида филбадиҳа айтиб юборар эдилар. Ҳар гал ул кишининг суҳбатидаги бирор ҳикматли жумла, учлик, ўткир ифода эсда қолар эди. Бир кун суҳбат орасида: «Яхши гап етилган қазига ўхшайди, чайнаган сайин мазаси чиқаверади»,— деганлари эсимда. Бу аввало Абдулла Қаҳҳор асарларига тааллуқли деб биламан.

Адабиётимизда йилдан-йилга бундай асарлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг яна ҳам кўпайишида Абдулла Қаҳҳор маҳорат мактабининг сабоқлари ўз хизматини ўтайди.

1977

## ГУЛ ТУКИЛСА БУЙИ ҚОЛСА НЕ АЖАБ

Устоз Миртемир ҳаётдан кўз юмди...

Бу мудҳиш хабар юракларнигина ларзага солмади, суякларни ҳам зирқиратди, қаттиқ кўзлардан ҳам аччиқ ёш сирқиратди...

Ҳа, шундай бир ҳолатда газетадаги ўртоқлардан бири менга:

— Сиз ҳам домлашнинг шогирдларидансиз, икки оғиз сўз ёзиб берсангиз,— деганида мен хомушлик билан:

— Қайдам...— дедиму бирор ваъда беришга ожиз эдим.

Бу оғир жудоликдан кўзда ёш билан, бу зилдек аламдан эгик бош билан нима ҳам дея олардик, тил калмага келмай турардик.

Аммо, мана, иккинчи кун, дилда устоз муҳаббатидек чўнг қуёш билан унинг қабри устида турибмиз...

Миртемир орамиздан кетса-да, унинг буюк заҳмат билан яратган ва бизларни деб яратган мактаб дарвозаси очиқ, унинг халқимизга тортиқ этган жавоҳирлари сочиқ. Эндилликда уларни теран идрок билан теришимиз, авлодларга, янги-янги шогирдларга етказиб беришимиз лозим ҳамда вожиб. Бу бизнинг устоз олдидаги шогирдлик бурчимиздир.

Мен ҳам унинг таржимонлик мактабидан сабоқ олган шогирдлариданман.

Миртемир фазилатлари ҳақида, Миртемир мактабининг ҳикматлари ҳақида ҳали кўп ёзилар, аммо менинг хаёлимда бир нарса айланмоқда.

Наҳотки шундай сўз санъаткори, халқни, партияси хизматига доимо лаббай деб турадиган меҳнатчи инсон ҳаёти тугаган бўлса?!

Йўқ, шоир ҳаёти тугагани йўқ, албатта, у мангуликка қадам қўйди, холос, унинг ижоди ҳам ҳаракатдан сайқал топишдан тинмайди, энди унинг ижодида иккинчи сараланиш даври бошланди.

Ҳар бир шоир ўз асарларини умр бўйи қайта-қайта саралайди.

Шоир ўлиmidан сўнг эса, унинг асарларини тарих саралайди, йиллар нуридан, авлодлар шууридан ўтказди.

Устоз Миртемир бирор нарса ёзсалар «ёздим» сўзини ҳеч ишлатмас эдилар-да:

— Бир нарса қоралаб қўйдим, ўқиб берай, эшит, ортиқча жойлари йўқмикап,— деярдилар.

Еки бўлажак китоб қўлёзмасини тутқазиб:

— Мана буларни синчиклаб кўриб чиқ, аямай таҳрир қил, раҳмсиз равишда ўчир,— дер эдилар.

Бу талаб Миртемир домла мактабининг энг асосий талабларидан бири бўлиб қолади. Мен аминманки, ўзига нисбатан, юрак қони билан яратилдиган фарзанди — яъни ижодига нисбатан ўта талабчанлик устоз Миртемир мактабининг асосий ҳикмати бўлиб қолади.

Саралаш, саралаш ва яна саралаш, саҳифаларни тинмай қоралаш, шоир Миртемирининг ижодий шiori, унинг номус ва ори, шоир маҳоратининг жони, унинг ижод виждони эди.

Имонимиз комилки, шундай виждон билан ижод қилинган асарлар тарих сараловидан ҳам шараф билан ўтажак.

Миртемир қолдирган мерос кўп миллатли совет поэзиямиз чаманининг бир чеккасини ҳамisha мунаввар ва муаттар қилиб туражак.

Гул тўкилса, бўйи қолса, не ажаб,  
Шоир кетса, куйи қолса, не ажаб!  
Дилларда овозни жаранги не хуш,  
Мисраларда ўйи қолса, не ажаб!

1977

## УЧ ЁДГОРЛИК

(Дастлабки жанрлар хотираси)

### I

Менинг урушга киришим ҳам уруш бошида қатнашган бошқа кўплар қатори қўққисдан бўлди.

Мен 1941 йил 16 июнда Тошкентдаги Владимир Ильич Ленин номли пиёдалар ҳарбий мактабини битириб, лейтенант унвонини олган эдим.

Мени Вильнюс шаҳрига ишга тайинлашди.

19 июнда 52 ёш офицер ҳарбий мактабини битириб, Болтиқбўйи республикаларига ишга тайинланиб, ўша иш жойига йўл олдик. Поездимиз Минск орқали ўтиб кетиши керак эди.

Аммо 22 июнь эрта билан «уруш» деган сўз тарқалди. Гитлерчиларнинг ўз шартномасини бунчалик тез орада бузиб бизга қарши ҳужум қилишига унчалик ишоналмас эдик, биз бундай хойнона ҳужумни кутмаган эдик-да.

У вақтда вагонларда радио йўқ. Поездимиз бир кичик



станцияда тўхтаб, соат 12 да Москвани тингладик. Немис фашистларининг хиёнаткорона ҳужумини эшитиб ҳаммамизда газаб қайнади, ўз ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаган биз ёш офицерлар ўша заҳоти ёвга қарши ташланишга тайёр эдик. Поездимиз Минскга ҳам етолмади, унга бир неча соатлик йўл қолганида кечга яқин узоқда бомба ташлаётган самолётларни кўрдик. Поездимиз тўхтаб қолди. 52 офицер ўзимизга ўлчаб тикилган, ҳали оҳордан тушмаган ҳарбий кийимларда поездининг ёнига тушиб самолётларга қараб турдик. Бир маҳал бомбасини ташлаб бўлган самолётлар осмонда катта доира чизиб, пасайиб келиб бизни пулемётлардан ўққа тутди. Ҳаммамиз вагонлар остига кириб жон сақладик. Бу бизнинг биринчи тобланишимиз, порох ҳидини биринчи бор ҳис қилишимиз эди.

Поездимиз энди йўлни давом эттиролмас эди. Биз ҳаммамиз Москвадан Минскга борадиган катта бетон йўлга чиқдик.

Кўпчилик фронт штаби жойлашган Орша шаҳрига кетди.

Биз тўрт киши улардан ажралиб йўловчи машинага чиқиб фронтнинг олдинги чизигига йўл олдик. Қош қорайганда ўрмон ичидаги қисмларга етиб келдик. У ерда менга бир взводни кўрсатиб:

— Мана шунда ётган 45 киши сизнинг взводингиз бўлади. Бунинг командири техник лейтенант сизга ёрдамчи,— дейишди.

Бўлим командирларини чақириб, танишиб олишга улгурдим, холос.

Бизнинг батальон Борисов шаҳрининг бир чеккасида жойлашган, Березина дарёси орқали ўтган кўприклардан бирини ҳимоя қилиши керак экан. Шаҳар кўчасининг икки томонидан кетма-кет тизилиб кета бошладик. Бир оз юргач, қандайдир бир ён кўчадан узилган автомат ўқи чақмоқдек из қолдириб ўтди-ю, турнақатор кетаётган солдатлар кўчанинг икки томонига ётиб олишди. Бир-бирига қараб пала-партиш отишма бошланиб кетди. Командирлар отишмани зўр-базўр тўхтатишганларида бир неча киши ҳалок бўлган эди. Менинг қуролим ҳам йўқ эди, ёрдамчим қандайдир бир ўликдан менга бир пистолет олиб келиб берди.

«Ҳамма командирлар кўчанинг ўртасига чиқсин», деган буйруқ бўлди. Чиқдик. Командирлардан 4—5 киши

бор эканмиз. Менинг ёрдамчимдан бошқа офицерлар мени биринчи бор кўриб туришгани учун менга ҳадик билан қарай бошладилар. Улар мени немис парашютчиларидан бўлмасин деган шубҳа билан суриштира бошлашди.

Менинг шахсий гувоҳнома ё бошқа ҳужжатим йўқ, ҳужжатни биз иш жойимизга етиб борганимиздан сўнг ўз қисмимизда олишимиз керак эди. Мактабни битирганимиз ҳақидаги ҳужжатлар эса, умумий пакетда Оршага жўнаган ўртоқларимизда кетиб қолган.

Менинг ёнимда бир артиллерия младший лейтенанти турар, у асабийлашганиданми қўлидаги пулемётини ўқлашга ҳаракат қилиб бу оддий ишнинг уҳдасидан чиқолмас эди. Мен пулемётни унинг қўлидан олиб ўқладим-да, бўйнимга осиб олдим ва:

— Мана, буюринглар, қаёққа десангиз мен олдинда бошлаб бораман,— дедим. Ёнимга шу Борисов шахридан **бўлган бир белорус солдат йигитини қўйишди. Пулемётни олдинга ўқталганча иккимиз йўл бошлаб кетдик.** Батальоннинг узилиб қолган қисми бизнинг кетимиздан юриб, шаҳардан чиқа бошлаганимизда тонг ёришиб қолган эди. Шунда яна бир марта бизга қараб ўқ отилди, энди бу сафар орқадан отилган эди. Яна солдатлар ерга ётишиб тартибсиз отишма бошланди. Аммо бу сафар тезроқ тартиб ўрнатилди. Бир ҳарбий санитарни ушладик. Унинг санитар сумкасида дори-дармон ўрнида фақат озик-овқат, турли шоколадлар бор эди. Автоматида эса, ҳавода из қолдирадиган ўқ. Кечаси сафларимизга ўқ узиб юрганлардан бири шу экан. У бизнинг орамизга граната ташлаб қочган эди, шу жойнинг ўзидаёқ кетидан узилган ўқ уни ер тишлатди.

Эрта билан соат 8 ларда кўприкка етиб келдик. Кечаси батальонимиз учга бўлиниб кетган экан. Биринчи бўлими аллақачон кўприкка етиб келган, иккинчиси биз учун, учинчи бўлаги биздан бир соатча кейин бошқа ёқдан етиб келди. Комиссар ҳамма командирларни сўроқ қилиб, тартиб ўрнатди.

Менинг взводимга кўприкнинг сўл қанотидаги тепачалик — қирғоқнинг бир қисмидан жой эгаллаб мудофаа жангларига тайёргарлик кўриш топширилди. Биз жойлашиб, хандақлар қазишга киришдик. Пешиндан кейин алоқачи юбордим. У қайтиб келмади. На овқат бор, на бирор алоқа. Кечқурун яна бир одамни юбор-

дим. У қайтиб келиб, атрофда ҳеч ким қолмаганлигини айтди. Биз кечаси билан ўз жойимизда соқчилик қилиб чиқдик-да, эрта билан яна батальонимизни қидирдик. Ҳақиқатан ҳеч ким қолмади. Биз қандай буйруқ бўлганини ҳам билолмадик, алоқа ҳам ўрната олмадик. Овқат ҳам йўқ. Урмонда ҳаммага бир пачкадан кнсел қуруғини беришган эди, шундан еб, бир оз нафса ором бердик-да, ортимиздаги ўрмондан тик кесиб катта Москва — Минск йўлига чиқдик. Кун оғиб қолган пайт эди. Минскдаги омборларни ташиётган автомашиналардан қоғоз қопда қотган нон ва консервалар олиб солдатларга тарқатиб, овқатлантирдик, сўнг қайтаётган ўш машиналардан иккисини тўхтатиб, жангчиларни утқазиб гарба кетдик. Березина орқали ўтган бетон кўприкнинг икки томонида бизнинг қисмлар жойлашган экан. Биз етиб келганимизда кеч кириб қоронғи тушиб қолган эди, улар бизни ўққа тутиб, қарши олишди. Биз машиналардан ўзимизни гаппа-таппа ерга ташлаб, йўл четидаги чуқурга тушиб олдик ва «ўзимизникилармиз» деб бақирдик. Отиш тўхтади.

Мен чиқиб командирлари олдига олиб боришларини сўрадим, уч офицер турган жойга олиб боришди. Урмон ичида гаплашдик, улар бизни немис парашютчи-десантчиларни гумон қилишган экан, мен бирдан-бир ҳужжатим — комсомол билетимни кўрсатдим. Билет мени ва бутун взводимни қутқариб қолди, аммо шундай бўлса-да, улар эҳтиёткорлик қилишди ва мендан келган жойимга қайтиш ва ўз батальонимни топиб олишни талаб қилишди. Биз машиналарга ўтириб яна орқага қайтиб кетдик. Бир неча километр йўл юргач, машиналардан тушиб ўрмонда тунадик. Эртаси тонг отгач, яна қайтиб кўприк тепасига келдик. Уч-тўрт киши мени ўраб батальон командири ҳузурига олиб боришди. Мен комсомол билетимни кўрсатиб, бутун бўлган воқеани тушунтирдим. Тошкент ҳарбий мактабни битирганлигимни айтдим. Шунда унинг ёнида турган бир старший лейтенант менга:

— Тошкент Ленин мактаби қаерда жойлашган?— деган саволни бериб қолди. Биз мактабимизни қисқача «Ленин мактаби» деб, уни битирганларни эса, «ленинчилар», деб атаб эдик. Бу анъана ҳозиргача мавжуд. Менга савол берган старший лейтенант ҳам ленинчилардан экан. У мактабни 1939 йил, мен кирган йили битириб

кетгани учун бир-биримизни танимас эканмиз. Мен унинг саволига:

— Пушкин кўчасининг охири, Паркент кўчасининг бошланишида, Салор бўйида, учинчи трамвай боради,— деб жавоб бердим. У мендан яна, мактаб ошхонаси қаердалигини ва мактаб мудирни кимлигини сўради-да, жавобларимдан қаноат ҳосил қилиб:

— Бу бизники, ўзимизнинг тошкентлик ўзбеклардан,— деди. Мени унинг ротасига командир взвод қилиб тайинлашди. Унинг исми Михаил эди, фамилияси ёдимда йўқ. Ўзи жуда қувноқ табиатли, ажойиб киши эди. Ҳар гал бизни йиғиб буйруқ берар экан, буйруқ тамом бўлгач, албатта Пушкиндан бирор шеър ўқиб берар, кўпинча йўлда кетаётганимизда ёнимизда Пушкин эртакларини ёддан ўқиб борар эди. У билан кўп бирга бўлолмадик, бир неча кундан кейин қуршовдан чиқиш пайтида ҳалок бўлди.

Мен урушнинг бошланиш даврида, уруш бизнинг аскарларимиз учун тегирмон ёки қийма машина бўлган бир пайтда 31 кун жанг қилдим. Бу давр К. Симсеновнинг «Тириклар ва ўликлар» китобида ҳаққоний ва бемуболага кўрсатилган. Мен ундан яхшироқ тасвирлаб беришга ожизман. Мен билан ўша вақтда фронтга кирган сафдошларимдан бирортасини кейинчалик кўрганам, учратганим, эшитганим йўқ. Улар орасида тошкентликлар ҳам ўндан ортиқ киши эди. Ҳозиргача бирортасидан дарак йўқ.

Мен 31 кундан кейин кўкрагим ва елкамдан яраландим. Немислардан 30—40 метр масофада эдик, мени шундай дўзах орасидан қутқариб олиб чиққанлари ҳам, соғ қолганлигим ҳам мўъжиза кўринади.

Минск йўлидан Москвага ёриб ўтишни мўлжаллаган фашистлар биргина шу шоссе йўлга уч минг танк ва шунга яраша бошқа қисмлар ташлаган эдилар. Мен 31 кунда 300 йилда ҳам қайта кўриб бўлмайдиган воқеалар шоҳиди бўлдим. Якка-якка кишилар эмас, халқ қаҳрамонлигининг гувоҳи бўлдим. Тўфон каби босиб келаётган ажалнинг йўлини тўсишга бел боғлаган аскарларимиз билан халқ бир-биридан ажралмас эди. Чекиниб ўтган қишлоқларда бизни тезроқ қайтишлар деб йиғлаб кузатишар, ғамлаб қўйган озиқ-овқатларини, сигирбузоқларини бизга тутқазишар, сизлар энг, фашистларга қолмасин, дейишар, тунги жанглариимизда эса, оддий

халқ, чоллар, хотинлар бизга ўрмон ва ботқоқлардан ўтишга йўл кўрсатувчилик қилишарди.

Қўшинларимиз эса жуда кўп талафот кўришига, парокандаликка қарамай, яна бўлинмалар, қисмлар тузиб, ёвга ташланаверар эдилар. Азиз жонларини тикиб, Ватан озодлиги учун қурбон бўлаётганларнинг отини эслаб қолиш эмас, сонини, саногини олиш ҳам мушкул эди.

К. Симоновнинг ўша пайтда «Пиёдалар сафида жанг қилганларнинг ҳаммасига қаҳрамонлик унвонини берса бўлади» деган гапи, дарҳақиқат, умумий қаҳрамонликни тўғри акс эттирарди. Фақат пиёдаларгина эмас, барча шундай эди, мен бу ерда бир ҳаво жангини эслайман. Бу жангда 1—2 дақиқа ичида ҳар икки томондан 26 самолёт ёниб тушди. Бу бизнинг довурак учувчиларимиз ўзларидан икки-уч баробар кўп немис самолётларига қарши тўппа-тўғри ташланиб, жонларини аямай жанг қилганларини кўрмаган кишига тасвирлаб бериш қийин.

Мен ҳозирги кунда бу воқеаларни дилдан ўтказиб таҳлил қилар эканман, Совет Армияси ва айниқса пиёдалар Александр Матросов жасоратини мислсиз катта масштабда қайтарган эканлар-да, деб ўйлаб кетаман.

У вақтда совет солдатни Матросов фашист пулемёти оғзига кўксини тутгани каби совет қўшинлари ҳам дўзах ўтинини сочиб келаётган аждаҳо оғзига, тарихда мисли кўрилмаган улкан ва даҳшатли ҳарбий машина оғзига кўкракларини тутиб унинг йўлини тўсдилар.

Мен кўп оғир кунларни, очлик, ярадорларни орқалаб ботқоқликлардан ўтиш, уч маротаба қуршовдан чиқиш, ҳафталаб чўзилган тишимсиз уруш даҳшатларини кўрдим. Аммо энг оғир тунги чекинишлардан солдатларнинг «қай томга кетаётирмиз?»— деган саволи ва: «Яна Шарққами?»— деган аламли ва газабнок сўзлари эди.

Жангчиларимиз ўлимга тик қараб тўппа-тўғри борар, Ватанлари учун жонларини аямай қурбон бўлишар эди. Аммо ҳар бири ўз ҳаётини осонликча қурбон қилмай мумкин қадар кўпроқ фашистларни қиришга ҳаракат қилишарди. Фашистлар ўқни мўлжалсиз ва ҳисобсиз ёғдираверишар, бизникилар эса ҳар бир ўқни мўлжалга уришга ҳаракат қилишарди.

Менинг взводим том маъноси билан интернационал

взвод эди. Унда рус, украин, белорус, грузин, арман, қозоқ, тожик ва ўзбеклар бор эдилар. Чўлпонов деган бир самарқандлик бола, айниқса, ажойиб қаҳрамонлик билан жанг қилар, жанглардан ҳаммадан кейингилар билан бирга чиқар эди. Ярадорларни боғлашда ҳам, олиб чиқишни ташкил қилишда ҳам менинг энг яқин ёрдамчиларимдан эди. Биз, умуман, ярадорларни қолдириб кетмасликка ҳаракат қилардик. Мен Чўлпоновни ярадор бўлган чоғимда йўқотдим. Бу жанг ҳам жуда оғир жанглардан бири эди.

Менинг яраланишим 24 июль эрта билан соат 7 ларда юз берди. Биз ҳамма фронт бўйлаб умуман чекинаётган бўлсак ҳам, аммо ҳар доим немис қисмларига ҳужум қилиб турар эдик. Кейинчалик госпиталда ҳисоблаб кўрсам, биз бир ой ичида олдинга — орқага бўлиб, жами минг километрга яқин йўл босибмиз.

23 июль кечаси бизнинг қисм Кричев шаҳрини эгаллаб олган немисларга қарши ҳужум қилишни кераклиги ҳақида буйруқ олди. Бизнинг батальонга кечаси ўрмонга йиғилиб, шаҳарга яқин бориш, эрта тонг пайтида қўққисдан ўрмондан чиқиб фашистларга рўпарадан ҳужум қилиш ва уларнинг бутун ўт кучини ўзига жалб қилиш вазифаси топширилган эди. Биз тўппа-тўғри ўлимга бориб фашистларни чалғитиб туришимиз, бу вақтда бошқа бўлинмалар шаҳарнинг икки томонидан ҳужум қилишлари керак эди. Бунга командирлар билишар эди.

Эрта соат 4 да сигнал бўлди. Тонг ёришаётган эди, биз ўрмондан чиқиб, кўкракка урадиган балад ўсиб бошоқ тортган жавдар буғдой орасидан ўрмалаб бориб фашистларнинг тумшуғи тагига — атака чизигига куч йиға бошладик.

Шаҳар бўсағасидаги тепалик учун жанг бўлиши керак. Тепаликда мустаҳкам мудофаа иншоотлари йўқ. Аммо ўзларига мос окопларга кўмилган немис танкларни бетонлардан қуриладиган ўт очув иншоотлари вазифасини бажарар, ер бағирлатиб пулемёт ва тўплардан тежамсизлик билан ўт очиб турар эдилар. Дарахтларда мерганлар ва автоматчилар ҳам узлуксиз ўқ ёғдирав эдилар.

Биз уч марта атакага туриб, фашистларга ташландик...



Аммо батальонимизнинг учдан бир қисми ҳам тирик қолмаган эди.

Шунда мендан ўнг томонда ётган ҳарбий комиссар:  
— Ким бор командирлардан?— деб қолди.

— Мен,— дедим.

— Кўтар атакага!

Мен кўкрагимни бир оз кўтариб ва орқага қараб:  
— Ватан учун олға!— деганимни биламан, шу пайт кўкрагим ва ўнг елкамга қаттиқ зарба урилди-ю, буралиб йиқилдим.

Қўлимга таяниб турай десам, суякларим қиср-қиср қилиб қайта туролмадим.

Ўша сал орқага қараган пайтимда кўкрагимдан теккан портловчи ўқ ўнг қўлимнинг елка ости суягини ўпириб юборган экан.

Ўнг қўлим тери ва гўштида қамчиндек осилиб қолган эди.

## II

Аввало мен дала госпиталига тушдим. Мени операция столига ётқизиб қўйишган. Кўп қон кетганлиги натижасида мен гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўлиб ётибман.

Қулоғимга «ампутировать, ампутировать»... деган сўз чалиниб қолди. Мен қўлимни кесишмоқчи эканларини тушуниб қолдим-да, «Йўқ», деб туриб олдим. Қай бири ўнг қўлимга тегса, чап қўлим билан уриб ҳайдар эдим... Ўзимдан кетиб қолибман, бир маҳал қулоғимга «жоним, жоним...» деган овоз кириб, аста кўзимни очдим. Ёши 60 ларга бориб қолган биринчи ранг ҳарбий врач тепамда турар эди. У Ўзбекистонда ҳам кўп йиллар хизмат қилган бир киши экан.

— Бунинг қўлини кесмаймиз,— деди у қатъий қилиб. — Унинг суяги бутун қолмаган бўлса ҳам, томир ва пайлари бутун, суяк эса ўсиб кетади, бу ҳали жуда ёш.

Ўзи операция қилиб, суяк ва ўқ майдаларини териб тозаллади-да, темир шина қўйиб, боғлади.

Шундай қилиб, бир сўзни билганим туфайли мана шу сатрларни ёзаётган ўнг қўлим омон қолди. Урушнинг бошида қўл-оёқларни кесиб ташлайвериш ҳеч гап эмас эди. 2—3 ойдан кейин айрим буйруқ чиқди. Буйруққа биноан фақат махсус комиссиянинг қарори билангина кесиладиган бўлди.

Мени дала госпиталидан чиқариб поездга ўтқазishiб

ичкарироқдаги госпиталга юборишди. Бир суткадан кўпроқ юриб Сураж шаҳрига келдик. Бу ерда яна қўлимни кесиш масаласи қўзғалди, мен рози бўлмадим ва ёшман, суягим ўсади, деб туриб олдим. Энди бу соҳада тиббий маълумотим ҳам бор эди.

Бир неча кундан кейин уч кишини самолётга ўтқазиб Москвага жўнатишди. Биз Москвага келган биринчи ярадорлар эканмиз. Ватан ҳимоячилари келишяпти, деб бизни махсус кутиб олдилар. Самолётдан тушириб аэропортда бир залга олиб киришди, унда катта стол устида дастурхон ясоғлиқ эди. Бизни зиёфат қилишди-да, кейин Москвадаги область касалхонасига олиб кетишди.

Ҳар куни ёнимизда студент қизлар навбатчилик қилар, хат, телеграмма ва бошқа хизматимизни адо этиб, китоб, газета ўқиб бериб туришар эди. Мен уруш бошлангандан бери уйга хат ёзмаган эдим, «Соғ-саломат Москвадаман» деб телеграмма юбордим.

Москвада бир ҳафтадан кўпроқ ётганимдан кейин ҳамма текширишлар тугади, қўлимни қолдиришга қарор қилишди ва гипс-лаб Арзамас шаҳридаги ҳарбий госпиталга юборишди. Бунда чап қўлим билан хат ёзишни машқ қилдим ва бўлган воқеаларни муфассал баён этиб хат ёздим. Уйдан ҳам жавоб келди. Госпиталдан ёзган шеърим мактубим сақланиб қолган, мана у.

#### ОНАМГА МАҚТУЪ

Одам қалби гулзорининг шоҳгули — она,  
Одамзоднинг, соф дунёнинг жон-дили — она.  
Мен йўрғанда, қўйнингизда меҳр тўқасиз,  
Ҳеч дард кўрмай соғлом ўссин, жоним болам, деб.  
Мен бешикда, сиз уйқусиз алла айтасиз,  
Ухла қўзим, ором олгин, жоним болам деб.  
Оқ сут таъмин тамшанарди гунча дудогим,  
Сут эмас у, меҳрингиздан қайнар булогим.  
Нўлга кирдим, гилдираклаб митти оёқлар,  
«Сой қамич»ни тишлар эди зийрак қулоқлар,  
Мактаб ёшим, озиқ олар кичкина мия,  
Дур ёғдирган сўзларингиз менга тарбия...  
Мана энди кўп тўкилган қонларга келдим,  
Душман хонин, мен Ватан-чун жангларга келдим,  
Аямадим, кучим борча урдим фашистни,  
Турмуши қон, қилмиши қон, қутурган итни.

Яраландим, эркалайди Ватаним — онам,  
Согай дейди, сенга фидо жон-танним, онам.  
Мактубингиз ҳар бир сўзи дурларнинг дурин,  
Қўлга олсам дилга тушар шифобахш нури.  
Минг бор ўқиб, ҳеч қўлимдан қўя олмадим,  
Меҳрингизни эмиб асло тўя олмадим.  
«Тузал, болам, — дейсиз менга, — тез қасдингни ол,  
Вақтинчалик қўлдан чиққан ўз пўстингни ол!»  
Шундай қилиб мактубингиз менинг дилимда,  
Кўзимга нур оқ қоғози менинг қўлимда.  
Шул қоғозни қучиб, ўпиб хайрлашаман,  
Ажралолмай қайта ўқиб, хайрлашаман.

Арзамасда 3 ой даволаниб, 1941 йил ноябрида Тошкентга келдим.

Тошкентга келган ярадорларнинг ҳам биринчиларидан эдим. Халқимиз ҳали уруш ҳақида унча тасаввурга ҳам эга эмас эди. Мен чойхонада ўтириб: «Учиб келаётган ўққа чап бериб қолдим», деб ҳазил қилсам ростдан ишонувчилар анчагина топилар эди.

Аммо шунга қарамай ҳаммалари қандай бўлса-да, фронтга мадад беришга, кўплари эса, фронтга ўзлари бориб жанг қилишга қарор қилган, ёшлар тезроқ боришга ошиқар эдилар.

Буни мен кейинроқ — 1942 — 1944 йилларда ҳарбий комиссарликда ишлаганимда, айниқса, яхши сездим. Ҳарбий комиссарликка фронтга юборишни сўраган аризалар кетма-кет тушиб турар эди. Шундай ариза ёзган баҳодирлардан бири сирдарёлик Абдураҳмон номли йигитга атаб бир шеър ҳам ёзган эдим.

### ВАТАНПАРВАР ЙИГИТГА

Чин қалбимдан таҳсин ўқиб шеър битаман,  
Абдураҳмон номли ватанпарварга атаб.  
У сўради: жавоб беринг, ёвни йитаман,  
Дилда ғазаб ёнмоқдадир вулқондек тутаб.  
Рухсат этинг мен ўзбекка, гувоҳим офтоб,  
Қон-қариндош, оға-иниларни қутқарай,  
Мен жангларда қилган ишлар бўлсин зўр китоб,  
Сариғ вабо — фашист итдан қасос — ўч олай.  
Фигон дуди кўкка чиққан оналар учун,  
Туғилмасдан гўрга кирган болалар учун,

Куйдирилган шаҳарлар-чун ўч олайин ман,  
Бойқушларнинг маконига ўт солайин ман.  
Рухсат этинг жангга йўлланг, ўртоқ комиссар,  
Онам сути ҳаром бўлсин чекнисам агар.  
Рухсат этинг, қилич олиб, минайин отга,  
Дўстлик кучин кўрсатайин у жирканч зотга.

Рухсат келди, мард йиғитнинг талаби қонди,  
Жангга кетди, ёвга газаб кўзларда ёнди.

Бундай ўғил-қизлари бор халқни урушиб енгил мумкин эмаслигини бутун жаҳон кўрди.

Халқнинг меҳрибонлигини, армия билан халқнинг бир жону бир тан эканлигини мен фронтда ҳам, яраланиб ичкарига жўнаётганда ҳам — ҳамма жойда яққол кўрдим.

Бу уруш том маъноси билан халқ уруши бўлди. Ғалабамиз сири ҳам мана шунда. Халқ Ғалаба учун, Ватан мустақиллиги учун, улуғ Ленин ғоялари учун ҳеч нарчасини аямай, энг яхши ўғил-қизларининг қони билан Ватанимиз тупроғини фашистлар қора доғидан ювди.

Биз ғалаба қилдик. 1945 йил 9 майда мен Ватанимизнинг жанубий чегараларидан бирида хизмат қилар эдим, бир ғазал ёздим:

#### ХАНДОН БУЛИНГ

Бу баҳор айёмида гул-ғунчалар хандон бўлинг,  
Куйла, чал созингни, булбул, дўстларим, шодон бўлинг.

Кетди дунёдан абад ул қарға, қузғун, зоғлар,  
Қайғуси мардлар бу кун, халқ, меҳрибон мезбон бўлинг.

Кетди севги душмани, ҳижрон кўтармас энди бош,  
Ёр висоли чоғидир, қизлар юзи, ширмон бўлинг.

Гулла, ўс, эй илм-санъат, энди бўғмас ҳеч киши,  
Яллалар кўкка чиқиб, шодлик куйи чандон бўлинг.

Аммо беғамликка тушманг ҳур ватанинг шерлари,  
Ҳийлаларга донм ҳушёр бир посбон бўлинг.

Бу кураш ичра Шонсломдек кириб жавлон буриб,  
Ҳиссасини қўшган йиғитлар, энг азиз меҳмон бўлинг.

Бу курашда бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг  
асл фарзандлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшди.

Мен урушдан кейинги йилларда Ватанимиз ичкари-  
сида ҳам, хорижда ҳам кўп шаҳарларда бўлдим. Қай  
шаҳарга бормаи, ундаги солдатлар дафи қилинган ўр-  
тоқлар қабристонини зиёрат қилиб ўтаман.

Мен Москва атрофидаги бир неча қабристонни, Ле-  
нинграддаги, Киев, Севастополь, Боғча Сарой ва бошқа  
шаҳарларимиздаги ва шунингдек, Варшава, Братислава  
ҳамда Прага шаҳарларидаги ўртоқлар мазорини зиё-  
рат қилганим бор.

Бу қабристонларда бошқа халқларнинг фарзандла-  
ри билан бирга жуда кўп ўзбек ўғлонлари ҳам мангу-  
лик уйқусида ётишибди.

Масалан, Прага қабристонда 11 кишининг исми  
фамилиясидан уларнинг Урта Оснё халқларидан экан-  
ликлари кўришиб турибди. Улар орасида Совет Итти-  
фоқи Қаҳрамони сержант Юсупов ҳам бор. Уларга жу-  
да маҳобатли катта тош ҳайкал қўйилган.

### ҲАЙКАЛ

Кўкка мағрур бўй чўзибди мағрур тош,  
Қаранг кўзларида қайноқ ёш.  
Салобати ларза солар ҳар дилга,  
Хоҳи аёл, хоҳи қарн, хоҳи ёш.  
Кўкка мағрур бўй чўзибди совуқ тош,  
Совуқ тошга улугворлик тус берган,  
Унга гўё чин инсоний ҳис берган,  
Завол билмас қаҳрамонлар ҳиммати,  
Бу тош ҳайкал умрини олис берган,  
Совуқ тошга улугворлик тус берган.

Олтин шаҳар Праганинг шавкати,  
Озодлиги, меҳнат аҳлини давлати,  
Саодати учун ширин жон берган.  
Қаҳрамонлар сўнмас шону шуҳрати,  
Олтин шаҳар Праганинг шавкати.

Боболарнинг панди каби вазмин тош,  
Халоскорлар ниятидек азим тош.

Ота васияти каби ўткир у,  
Бунда ётган жангчилардек козим тош,  
Боболарнинг панди каби вазмин тош.

Барча миллат ўғлонлари ётар тек,  
Чех, словак, рус, украин ва ўзбек,  
Қозоқ, қирғиз, арман ҳамда белорус,  
Тожиқ, татар, румин, поляк ҳам грек,  
Барча миллат ўғлонлари ётар тек.

Ётишибди совуқ тошга шон бериб,  
Бари бирга бу гулларга жон бериб,  
Суяклари суякларга қовушиб,  
Ётишибди бир тана, бир жон бўлиб,  
Ётишибди совуқ тошга шон бериб.

Бу ҳайкалга қараб, тот ҳикмат тузин,  
Яна бир бор эсла оталар сўзин:  
Гар ўликнинг кўзин ёпса тириклар,  
Ўликлар-чи, очар тириклар кўзин,  
Бу ҳайкалга қараб тот ҳикмат тузин!

Мен ўзим билан Тошкент ҳарбий мактабида ўқиган,  
икки йил бирга ётиб, бирга турган, бир луқма нонни  
бўлиб еган, юришларда флягамиздаги бир қултум сув-  
ни баҳам кўрган сафдошларимни эсламай ўтолмайман.  
Улар ғалабамизни таъмин этдилару ўзлари кўролма-  
дилар.

Навқирон ҳаётларини Ватан мустақиллиги, бугунги  
бахтимиз учун қурбон қилдилар.

Ақлли, тадбиркор ва чуқур мулоҳазали Маҳкам  
Юнусов, ажойиб спортчи, қувноқ аскиячи, самимий  
дўст Камолжон Акмалов каби дўстлар номи доимо ди-  
лимда, уларнинг ёрқин сиймоси кўз ўнгимдан нари  
кетмайди.

Камолжондан охири олган мактубим туркман хал-  
қининг фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбон  
Дурди сурати билан босилган откритка эди. Откритка  
орқасидаги қисқа мактубни Камол шундай сўзлар бил-  
лан тугатган эди:

«Шонслом, бу откриткани олганингиздан сўнг, дар-  
ров хат қилиб, юборинг ва бу откриткани сақлаб қў-  
йинг, агар насиб қилиб кўришиб қолсак, откриткани  
сақлаганингиз учун зиёфат қилиб бераман, мени эсан



чиқарманг. Хўп, хайр, кўришгунча. Камол. 22 октябрь,  
1942».

Афсуски, у билан қайта кўришиш насиб этмади.  
Унинг қабри Ленинграддаги ўртоқлар мазориди.

Камолга ўхшаган кишиларни унутиб бўладими?!

Мана, 30 йилдан ошди, ammo мен уч муқаддас нар-  
сани кўз қорачиғидек сақлаб келаман. Булар комсомол  
билетим, яраланганимда кўкрак чўнтагимда бўлган,  
кўксим қонига беланган, мен билан бирга қон кечган  
сафдошларим — взводим рўйхати ва бадний юксак  
бўлмаса-да, юрак ҳаяжони билан тўла шеърый мактуб-  
ларим, ёзилган ён дафтарчам ва Камолнинг открит-  
каси.

Болаларим буларни жуда табаррук билиб, ажиб  
ҳаяжон билан томоша қиладилар. Камолнинг открит-  
касини кўрганларида албатта унинг ўз суратини ҳам  
сўраб олиб узоқ тикиладилар ва менга турли саволлар  
ёғдирадилар.

Майли, болаларимизга соф осмон, беғубор ҳаёт  
бахш этиш учун ўзларининг мусаффо қалблари, навқи-  
рон ҳаётларини қурбон қилган авлод ҳақида қанча са-  
вол ёғилса ёғилверсин. Фақат энди осмондан бомба-  
лар, пулемётлардан ўқлар ёғилмаса бас. Бу эса савол  
ёғдираётган авлод — ёшларимиз, болаларимиз қўлида.

Қурбон бўлган қаҳрамонлар руҳи эса ёшларга ҳар  
донм мададкор.

### НОМАЪЛУМ СОЛДАТ ҚАБРИ ЕНИДА

Кимга ота эдинг, кимнинг боласи,  
Сен қайси кўкламнинг тоза лоласи?  
Номинг ноаниқмиш...

Йўқ, номинг аниқ!

Ватан байроғида порлайди, ёниқ.  
Сен Ватан шухрати,

Ватан шонисан,

Жон фидо элингининг сен ҳам жонисан.  
Мен сени кўрганман, Москва ёнида,  
Сталинграднинг чўғ осмонида,

Курск бўсағаси, Берлин ичида,  
Сени кўрганман бор Киев кечиди,  
Мен асли сендирман,

Сен асли менсан,

Сен туфайли озод, эркин  
бу Ватан.

Оналар дилбандин истаса бу сен,  
Оталар фарзандин қўмсаса бу сен,  
Кўзларига нур бўлиб кирган бу сенсан,  
Дилга шуур бўлиб кирган бу сенсан,  
Қалбнинг ўти ёлқин бериб турибди,  
Елқиндан дил равшан бўлиб турибди,  
Сенинг таъзимингда эгикдир бошлар,  
Оқиб келмоқда халқ, кексалар, ёшлар,  
Улар сени фарзанд, ака, ота дер,  
Халқим мард ўғлони, эй жанговар шетр!  
Сенинг номинг тилда, дилда, самода  
Номаълуммас, маълум орзу-ҳавода,  
Барчанинг кўнглида аниқ изи бор,  
Ғолиб халқнинг сендек ўғил-қизи бор,  
Неча насл ўтиб кетар қошингдан,  
Абадий навқирон қолиб ёшингда,  
Сен яшайверасан халқнинг дилида!..

## ТУГАНМАС ХАЗИНА

Кишилик тафаккури тараққиёти тарихида, одамзоднинг буюк илмий кашфиётлари ва бадиний бойлик хазинасини яратиш тарихида, бир сўз билан айтганда, умум-башарият тарихида Шарқ халқларининг роли жуда катта бўлган.

Шарқ халқларининг ажойиб фарзандлари асрлар давомида илм-фан машъалини ёқиб, инсониятга хизмат қилиб келганлар.

Хитой ва Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Эрон, Арабистон ва Закавказье олимларининг астрономия, математика, медицина, кимё, геометрия ва бошқа соҳалардаги буюк кашфиётлари ҳаммага маълум.

Азамат фикр ва буюк талант эгалари Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Абул Аъло ал-Маорий, Қалидаса, Саъдий Шерозий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Ли Бо, Лу Синь, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Рабиндранат Тагор, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар номини кишилар ҳурмат билан тилга оладилар.

Халқимиз кўп асрлардан бери Шарқ халқларининг бой ва ажойиб адабиёти билан яқиндан таниш, унинг туганмас хазинасидан баҳраманд.

Шарқ адабиёти дурдоналари узоқ даврлардан бери улуг ватандошларимизнинг диққатини жалб қилиб келади. Атоқли рус шоири В. А. Жуковский ўтган асрнинг қирқинчи йилларида ҳинд қаҳрамонлик эпоси «Махабхарата»дан ва Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonидан айрим бобларни рус тилига таржима қилди.

А. С. Пушкин Ҳофиз ғазаллари йўлида «Ҳофиз»дан деган бир неча ажойиб шеър яратди. А. Фет Ҳофиз шеърларига жуда юқори баҳо берди ва унинг ғазалларини рус тилига таржима қилди.

Россияда шарқшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида Россия Академиясининг ташкил этилиши (1725 йил) катта аҳамиятга эга бўлди. Шу даврдан бошлаб Шарқ халқларининг ҳаёти, тарихи, адабиёти, урф-одатлари, маданиятини ўрганиш маълум режа асосида олиб бориладиган бўлди, бу соҳада қатор тадбир—чоралар амалга оширилди.

XIX асрнинг бошларида рус олий мактабларида Шарқ тилларини ўрганиш авж олди. 1804 йилдан бошлаб эса Петербург, Москва, Қозон, Харьков университетларида Шарқ тилларини ўрганиш кафедралари таъсис этилди.

Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганиш айниқса Совет ҳокимияти йилларида кенг тараққий этди. Бу соҳада қимматли тадқиқий асарлар майдонга келди. Ҳиндшунос олимлардан С. Ф. Ольденберг ва Ф. И. Шчербатскаяларнинг будда маданияти ва адабиётини ўрганиш соҳасидаги тадқиқий асарлари шу жумлага кирди.

А. П. Баранников эса совет ҳиндшунослигига асос солди. В. Д. Смирнов турк адабиётини ўрганишни бошлаб борди. И. Ю. Крачковский араб адабиёти ҳақида 450 дан кўп асар ёзди.

Совет даврида иттифоқчи республикаларда ҳам Шарқ халқлари тиллари, адабиётлари ва маданиятларини ўрганишга катта эътибор берилди. 1918 йилда Тошкент ва Киевда ҳам Шарқ институтлари таъсис этилди. 1944 йилда Боку, Тбилиси ва Ўрта Осиё Давлат университетида шарқ факультети ташкил қилинди.

Е. Э. Бертельс, А. Андреев, А. А. Семёнов каби йирик шарқшунос олимлар Ўрта Осиё Давлат университетида педагогик ва илмий ишлар қилдилар.

Совет олимлари илм-фанни кишиликни бирлаштирувчи улкан бир восита деб билдилар. Шунинг учун ҳам шарқшунос олимларимиз халқимизни хитой, ҳинд, араб, эрон, афғон, турк ва бошқа халқлар адабиёти билан кенг таништиришга алоҳида аҳамият берадилар.

Улуғ хитой халқининг ўзига хос адабиёти, кўп минг йиллик тарихи ва маданиятини ўрганиш юзасидан совет олимлари бирмунча иш қилиб қўйдилар. Чунончи, йирик хитойшунос олим, академик В. Т. Алексеев (1881—1951) ўзининг 50 йиллик илмий фаолияти даврида хитой адабиёти ҳақида жуда кўп асарлар ёзди. У хитой классиги Ляо Чжай асарларини юксак бадиий дид билан таржима қилиб берди. Улуғ Ватан уруши йилларида В. Т. Алексеев IV асрда яшаган хитой шоири Лу Цзинининг «Нафис сўз ҳақида қасида» поэмасини ва бошқа бир қанча асарларини ҳам таржима қилди. Кейинги йилларда хитой адабиёти ҳақида филология фанлари доктори Н. Т. Федоренконинг «ҳозирги замон хитой адабиёти очерки» китоби майдонга келди. Бу йирик илмий асар хитой тилига ҳам таржима қилинди. Булардан ташқари, хитой адабиётининг кўзга кўринган намояндалари қаламига мансуб бўлган асарлари рус тили орқали бошқа иттифоқчи республика халқлари тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб нашр эттирилмоқда, бу асарлар кўп миллатли халқимиз орасида кенг тарқалмоқда.

Араб адабиёти халқимизга кўп асрлардан бери маълум. «Қалила ва Димна», «Тўтинома», «Минг бир кеча» каби асарлар қадим замонлардан бери севиб ўқиб келинади. Аммо араб адабиётини мунтазам равишда ўрганиш ва ҳозирги замон араб ёзувчиларининг асарлари билан халқимизни таништиришда совет шарқшуносларининг хизмати катта бўлди. Академик И. Ю. Крачковский, профессор Е. А. Беляев ва бошқа арабшунос олимлар араб тили, маданияти ва адабиёти ҳақида жуда кўп илмий асарлар яратдилар. Сўнгги йилларда классик ва ҳозирги замон араб адабиёти намояндаларидан Ибн Ҳазм, Ибн Мунқиз, Маҳмуд Тай-

мур, Тоҳо Ҳусайнларнинг асарлари ва «Араб поэзияси» номли шеърлар тўплами босилиб чиқди.

Халқимизнинг ҳинд адабиётига бўлган муҳаббати ва ҳурмати мамлакатимизда ҳинд адабиёти классиги Калидаса юбилейининг байрам қилинишида яққол намоён бўлди. Рабиндранат Тагор асарлари рус тилида 8 томда босилиб чиққан эди. 1961 йилнинг май ойида ватанимиз халқлари ҳинд халқи билан биргаликда Р. Тагор туғилган куннинг юз йиллигини нишонладилар. Ҳозирги кунда бу донишманд талант эгасининг асарлари рус тилида 12 томда нашр этилмоқда. Унинг дилрабо шеърлари, ажойиб ҳикоя ва романлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинмоқда, ўзбек китобхони ҳинд классик ва ҳозирги замон ёзувчи ва шоирларининг асарлари билан кундан-кунга кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шарқшунос олимлар Эрон адабиётини ўрганишга ҳам катта аҳамият бериб келдилар. Энг йирик шарқшунос олимлардан Е. Э. Бертельс 1928 йилда «Эрон адабиёти тарихи очерки» асарини яратди. Унинг Фирдавсий, Саъдий, Жомий, А. Навоий ва бошқа классик шоирлар ижодига бағишланган асарлари катта аҳамиятга эга. 1960 йилда улкан олимнинг бутун ҳаётида олиб борган талқиқотларини якунловчи «Форс-тожик адабиёти тарихи» номли катта асари босмадан чиқди.

Муслиҳиддин Саъдийнинг машҳур асари «Гулистон»дан парчалар 1796 йилдаёқ рус тилига таржима қилинган эди. 1815 йилда улуғ Фирдавсий «Шоҳнома-си»дан айрим парчалар таржима қилинди. 1848 йилда эса шоир Жуковский «Шоҳнома»дан «Рустам ва Суҳроб» достонини русчага таржима қилди. 1891 йилда Умар Хайём рубойларидан бир нечтаси таржима қилинди. Бу яхши анъана совет даврида яна ҳам ривож топди. Ҳозирги замон Эрон прозасининг асосчиси Муҳаммадали Жамолзода, Мушфиқ Козимий, Аҳмад Худодод, Содиқ Ҳидоят, Бузург Алавий ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари таржима қилиниб, қайта-қайта босилиб турибди. 1960—61 йилларда ҳозирги замон Эрон адабиёти ҳақида икки китоб — Д. Комиссаровнинг «Ҳозирги замон Эрон прозаси очерклари» ва В. Ворожейкинанинг «Ирож Мирзо» монографияси босмадан чиқди.

Афғон тили ва адабиётини ўрганиш XVIII асрнинг

охирларида бошланди. Бу соҳада академик Б. А. Дорнинг хизмати катта бўлди. XIX асрда шарқшунос олимлардан В. Г. Григорьев ва Н. Ханиковлар афғон тарихи ва этнографияси ҳақида қимматли асарлар яратдилар. В. Григорьевнинг «Кобулистон ва Кофиристон» асари Афғонистонни ўрганишда жиддий қадам эди.

Афғон адабиёти ва маданиятини ўрганиш совет даврида профессор Е. Э. Бертельс, М. Г. Аслонов, Н. А. Дворянков, К. А. Лебедев, Г. Ф. Гире каби шарқшунослар томонидан тараққий эттирилди. Кейинги 10—15 йил ичида афғон фольклори ҳақида диссертациялар ёзилди, афғон адабиёти хрестоматияси тузилди. «Рус-афғон» ва «Афғон-рус» лугатлари чиқарилди. Афғон эртаклари нашр этилди. 1958 йилда ёш афғоншунос Г. Ф. Гирсинг «Пушту тилида бадний проза» номли асари босилиб чиқди, 1961 йилда эса Москва олимлари коллективи томонидан ёзилган «Ҳозирги замон афғон адабиётида ижтимоий йўналишлар» ва Т. И. Кухтинанинг «Муस्ताқил Афғонистонда маориф» деган китоблари босмадан чиқди. Умуман, СССРда шарқ мамлакатлари ёзувчиларининг асарлари кўплаб нашр этилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда Индонезия, Вьетнам ва шунингдек Африка мамлакатлари ёзувчилари ва шоирларининг асарлари ҳам бир неча тилларда нашр этилди. Жумладан, Индонезия халқ эртаклари, индонез ёзувчиси Абдул Мунсинг «Сурапати» романи, «Бирма эртаклари», «Вьетнам эртаклари» ҳамда бошқа қатор китобларини кўрсатиш мумкин.

25 ҳинд ёзувчисининг 200 дан ортиқ китоби 24 тилда 10 млндан ортиқ нусхада босилиб тарқалди. Булар орасида Р. Тагор асарлари 14 тилда 75 марта, Кришан Чандр асарлари 10 тилда 16 марта босилган.

Араб мамлакатлари адабиётидан 30 га яқин тилда 120 китоб босилиб чиқди. Машҳур «Минг бир кеча» эртакларигина Совет Иттифоқимиз халқларининг 26 тилида 89 марта босилиб чиқди.

СССРда Жанубий Африка ёзувчиларининг асарлари 1937—1958 йиллар орасида 12 марта босилиб чиққан эди. Кейинги уч йил ичида китобхонлар рус тилида яна бир неча китобларга эга бўлдилар. Бу даврда корейс адабиётидан 20 тилда 89 китоб, япон адабиётидан 32 ёзувчининг 88 китоби 14 тилда нашр этилди.



10 дан ортиқ турк ёзувчисининг 80 га яқин китоби 19 тилда босилди. Булар орасида Нозим Ҳикмат асарлари 16 тилда 39 марта, Сабоҳиддин Али китоблари 12 тилда 20 марта босилди. Турк адибларидан Суот Дарвини, Урхон Қамол, Қамол Маҳмуд, Азиз Несин ва бошқаларининг асарлари ҳам кўп тилларда ўқилмоқда.

Кейинги йилларда Эрон, Афғон, Бирма, Вьетнам, Индонезия ва бошқа халқлар адабиётининг Иттифоқимиздаги ҳамма республикалар халқлари ўз тилларида ўқимоқдалар.

Ўзбек китобхонлари ҳам Шарқ адабиётидан таржима қилинган ҳар бир янги асарни зўр қизиқиш билан кутиб оладилар.

Чунки бизнинг таржима традициямиз ҳам, Шарқ халқлари билан маданий ва адабий ҳамкорлик анъаналаримиз ҳам жуда қадимий.

Қадим замонлардан бошлаб Хитойда, Ҳиндистонда, Эронда ё Мисрда, Афғонистонда ё бошқа Шарқ мамлакатларида юз бераётган маданий воқеа, илмий кашфиёт ёки адабий асар тезлик билан Ўрта Осиёга етиб келган, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари томонидан яратилган бу соҳалардаги асарлар уларга ҳам етиб борган.

Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Улуғбек каби ўрта осийлик олимлар, Рудакий, Фирдавсий, Лутфий, Навоий, Бобир, Муқимий, Фурқат каби шоирлар қўшни Шарқ мамлакатлари илми, фани, маданияти ва адабиёти равиқидан жуда яхши хабардор бўлганлар.

Бу маданий ва адабий ҳамкорликни кучайтиришда Ҳиндистонга бир неча бор саёҳат қилиб санскрит тилини ўрганган, «Молул Ҳинд» ва бошқа асарларнинг автори X асрнинг буюк олими Абу Райҳон Беруний, XV асрда элчилар билан Хитойга борган Хўжа Гиёсиддин Наққош, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга саёҳат қилган машҳур сайёҳ ва талантли тарихчи Абдураззоқ Самарқандий, Ҳиндистондаги майда князликларни бирлаштириб, улуғ мўғул империясини вужудга келтирган йирик давлат ва маданият арбоби, тарихчи ва шоир Заҳриддин Бобир, Афғонистон ва Ҳиндистонга бир неча бор сафар қилган шоир Муҳий, ҳамда Туркия, Арабистон, Болгария, Греция, Ҳиндистонга саёҳат қилиб,

Қашқарда яшаб ижод қилган Фурқат каби шоирларнинг роли жуда катта бўлди.

Улар қўшни Шарқ мамлакатларида халқларнинг урф-одатлари, уларнинг маданияти, иқтисодий ҳаёти ва адабиёти ҳақида китоблар ёздилар.

Масалан, Берунийнинг «Ҳиндистон» (тўла номи «Тақиқи молили Ҳинд»), «Синд ва ҳинд рақамлари билан ҳисоблаш ва санаш тазкираси», «Ҳисобни ўрганишдаги ҳинд ўсулларининг кайфиятлари» асарлари, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон ҳақидаги «Икки содатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши» номли китоби, Бобирнинг «Бобирнома»си ва бошқа китоблар диққатга сазовордир.

Шарқ халқлари тилларидаги бадий адабиётни таржима қилиш ёки уларнинг сюжетлари асосида янги бадий асарлар яратиш традицияси ҳам жуда қадимий.

Мажнун, Лайли, Фарҳод, Ширин, Хисрав, Искандар, Жамшид, Ҳотамтой ва бошқа ўнлаб бадий образларнинг араб, ҳинд, Ўрта Осиё ва Закавказия шоирлари қаламида намоён бўлганлиги бунинг далилидир.

Аmmo биз бу ўринда ҳинд масаллар тўплами «Панчатантра» ва ундан олиниб араб, форс, ўзбек тилларига таржима қилинган «Қалила ва Димна» китобини, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари эртақларидан йнгилиб, араб тилида, сўнг ҳамма Шарқ мамлакатларида, кейинчалик Фарбда ҳам кенг тарқалган «Минг бир кеча» китобини эсламай ўтолмаймиз.

Форс ва араб адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш айниқса XIX асрда жонланди.

Бу борада Хоразм шоирлари Мунис, Огаҳий ҳамда Баёнийларнинг хизмати катта бўлди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX аср бошларида яшаган Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли — шоир Мунис ажойиб шеърлар ёзиш билан бир қаторда ўз замонасининг забардаст тазкирачиси ва таржимони ҳам эди. У тарихий ва бадий асарларни бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилишда ҳам ташаббускорлардан бўлган.

Унинг қалами билан Шарқда машҳур тарихчи Мирхонднинг «Равзатус сафо» асарларидан I жилди тўла ва II жилдининг ярми таржима қилинган.

Шуниси қимматлики, Мунис бу таржиманинг му-

қаддимасида кўп тарихий ва бадний китоблар форс тилида ёзилганлиги туфайли бу тилни билмаган кишилар улардан баҳра ололмаслигини, шунинг учун бу асарларни ўзбекчага таржима қилиш лозимлигини уқтириб, бу олижаноб ишга бошқаларни ҳам ташвиқ қилади.

Муниснинг тамомланмай қолган ишини Муҳаммад Ризо Огаҳий давом эттирди. Огаҳий Мирхонд китобининг кейинги жилди ярмини, III ва VII жилдларини ва яна бир қанча бошқа тарихий китобларини таржима қилган. Аммо Огаҳий таржималари орасида буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидан «Ҳафт пайкар», 1532 йилда қатл этилган тожик шоири Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳу дарвеш» дostonлари ва айниқса улуғ Саъдийнинг «Гулистон» китоби жуда катта аҳамиятга молик.

Бу таржималар ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фирдавсий «Шоҳнома»сининг насрий таржималари, «Калила ва Димна», «Минг бир кеча» эртаклари ва бошқа бир қанча китоблар халқ орасида кенг тарқалган, гузар ва чойхоналарда, бозор расталарида, касиб ва боққолларнинг дўконларида, айрим саводли кишилар топиладиган уйларда, хотинлар суҳбатида узоқ қиш кечалари ўқилган ва оғиздан-оғизга ўтиб, ўзининг янги ҳаётини бошлаган.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишидан сўнг эса қўшни халқлар маданияти ва адабиётини илмий равишда ўрганиш бошланди.

XIX асрда кўп соҳаларда Европа мамлакатларидан ўзиб кетган илғор рус шарқшунослиги ўрта осиелик олимларга, жумладан, ўзбек шоирлари, адибларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Кўп вақт Тошкентда истиқомат қилиб турган рус шарқшуносларидан В. В. Бартольд, С. Ф. Ольденбург сингари олимлар маҳаллий шарқшунослардан бир нечасини етиштирганлар. Ўзбек шарқшуносларидан Сайфий, Саидазиз Хўжаев, кейинчалик Ўрта Осиё Давлат университети Шарқ факультетида ва Ўзбекистон Фанлар академияси шарқшунослик институтида илмий ходимлик қилган Абдулғани Абдумуталовлар актив ишлаганлар.

Шарқшунослик Тошкент бўлимининг илмий органи «Ахборот»лари нашр этилган. «Туркистон вилояти» газетаси ҳам жамиятнинг фаолияти билан бевосита боғлиб турган.

Тошкентлик шарқшунослардан баъзиларининг довриги ўша даврдаёқ фақат Россиягагина эмас, балки чет элларга ҳам кетган эди. Масалан, тошкентлик Акрам Асқар тўплаган маданият ва ҳунармандчилик осори атиқаларининг подир коллекцияси бутун Россия ва чет элларга маълум бўлган. Акрам Асқар эса 1897 йилда Рус археология жамиятининг кичик кумуш медали билан мукофотланган.

1901 йил апрелида Тошкентда Шарқшунослар жамияти ташкил топди. Ҳатто академик Ольденбургнинг ташаббуси билан Тошкентда Шарқшуносликдан олий ўқув юрти очиш масаласи ҳам кўтарилган эди.

Бу жамият 1905 йилда чор амалдорлари тарафидан ёпиб қўйилган бўлса-да, 1909 йили яна очилди. Жамиятга А. П. Остроумов, А. А. Соменов, Н. Д. Ягелло ва бошқалар раҳбарлик қилди.

Аmmo бу шарқшунослик жамияти чор Россияси даврида гоҳ ёпиб қўйилар, гоҳ очилар, босмахона базасининг йўқлиги натижасида кўп тайёрланган асарлар босилмай қолиб кетар эди. 1919 йилларга келиб эса, бу жамият фаолияти бутунлай тўхтатилди.

Республикамызда ҳозирги замон савиясидаги ҳақиқий шарқшунослик фақат Улуғ Октябрь революцияси туфайлигина вужудга келди.

1918 йилдаёқ Тошкентда Туркистон Шарқ институти тузилиб Урта Осиё ва хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, адабиёти ва тилларидан мутахассислар тайёрлашга киришилди. 1924 йилда бу институт Туркистон давлат университетида бўлиб, 1937 йилгача ишлаб турди.

Ватан уруши йилларида партиямиз бундан буён кишилик жамияти тараққиёти тарихида Шарқ халқларининг роли яна ҳам ошиб боражаклигини олдиндан кўриб, мамлакатимизда Шарқшуносликни кучайтириш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширди. Жумладан, бизнинг республикамызда ҳам 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида шарқшунослик илмий-текшириш институти очилди. 1944 йил сентябридан эса САГУ (ТошДУ) факультетларига яна бир фа-

культет — шарқшунослик факультети қўшилди. Бу икки воқеа республикамиз илмий ҳамда маданий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги кунда Тошкент Совет Иттифоқини Шарқ билан боғлайдиган марказларидан бирига айланиб қолган.

Халқимиз ўртасида ҳозирги замон Шарқ адабиётига қизиқиши тобора ўсиб бормоқда. 50-йиллар бошида Ўзбекистон ССР давлат нашриёти Шарқ мамлакатларининг бир қанча ёзувчилари ва шоирлари асарларини нашр этди.

Бу китоблар орасида атоқли хитой ёзувчиси Мао Дуининг «Ҳикоялари», «Ҳинд ҳикоялари», машҳур ҳинд ёзувчиси Кришан Чандрининг ҳикоялар тўплами, турк шоири Нозим Ҳикматининг танланган асарлари, корейс шоири То Ги Ченянинг «Пектусан» поэмаси ва бошқалар бор.

Шарқ халқларининг маданият ва адабиётига бўлган катта қизиқишни ҳисобга олиб, республикамиз ҳукумати Ўзбекистонда ССР Давлат бадий нашриёти ҳузурда Шарқ халқлари адабиёти редакцияси ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу редакция 1957 йилнинг феврилида иш бошлади. Республикамиз меҳнаткашларни шарқ ёзувчиларининг ижоди билан таништиришда бирмунча ишлар қилди. Қисқа вақт ичида «Араб ҳикоялари», «Ҳинд эртаклари», «Афгон ҳикоялари», ҳинд адабиётининг классиги Робиндранат Тагорнинг ҳикоялар тўплами, «Индонезия эртаклари», форс-тожик классик адабиётининг асосчиси Абу Абдулло Рудакийнинг шеърлар тўплами босиб чиқарилди. Хуллас, икки йил мобайнида Шарқ авторларининг китоблари ярим миллион нусхадан ортиқроқ нашр қилинди.

Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 40 йиллигига бағишлаб нашриёт «Қуёшни қутлаб» тўпламини нашр этди. Бу тўпламга Осиё, Африка шоирларининг Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ҳақидаги, шарқ халқларининг революция доҳийси Ленинга бўлган муҳаббатини, шунингдек, Шарқ халқларининг содиқ дўсти — Совет Иттифоқига бўлган ва хайрихоҳликларини куйловчи шеърлар киритилди. Бу тўпламдан Хитой, КХДР, Мўғулистон, Ҳиндистон, Араб мамлакаatlари, Бирма, Афғонистон, Индонезия, Эрон, Туркия, Япония ёзувчиларининг асарлари ўрин олган.

1958 йилда корейс шоирларининг шеърлари, афгон ёзувчиларининг ҳикоялари, Эрон шоирларининг шеърлари ва бошқа китоблар китобхонларга тақдим этилди. Хитой ва Эрон ёзувчиларининг ҳикоялари, Вьетнам эртаклари, болалар учун «Сеҳрли кўза» номида ҳинд эртаклари ва форс адабиётининг классиги Ҳофиз ғазаллари, турк ёзувчиларининг ҳикоялари, ҳинд ёзувчиларининг анча катта ҳикоялари тўплами рус ва ўзбек тилларида тарқалди.

Нашриёт шарқ авторларининг кўп томли китобларини нашр қилишни планлаштирди. Робиндранат Тагорнинг 8 томлик асарлар тўплами, 8 томлик «Минг бир кеча» араб эртаклари, шунингдек, Лу Синь ва Го Мо-Жонинг уч томлик танланган асарлари, Аҳмад Аббос, Род Ананд, Прем Чанд, Кришан Чандр ва бошқа ёзувчиларнинг бир томлик асарларини нашр қилиш устида иш бошланди. Булардан ташқари, «Шарқ классиклари тўғрисида суҳбатлар» серияси, олимларимизнинг Шарқ мамлакатлари маданияти ва адабиёти ҳақидаги асарларини нашр қилиш ҳам яхши традиция бўлиб қолди.

1958 йил октябрь ойида Тошкентнинг қуёш нурларига ва турли-туман ноз-неъматларига бой куз фаслида Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияси очилди.

Бу конференцияда башариятнинг учдан икки қисмини ташкил қилган халқнинг вакиллари—Осиё ва Африка халқларининг ваколати билан келган 180 дан ортиқ делегат қатнашди.

Икки буюк қитъа ёзувчиларининг бу улкан ассамблеясида давримизнинг асосий проблемаларига тааллуқли энг муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Бунда Осиё ва Африка халқлари адабиёти ва маданиятини ривожлантириш инсоният тараққиётида, миллий мустақиллик ҳамда бутун дунёда озодлик ва тинчлик учун курашда адибларнинг роли каби масалалар кўриб чиқилди. Қадимий маданият ўчоғи бўлган Осиё ва Африка қитъалари адабиётининг ғарб адабиёти билан алоқаси тўғрисидаги ва Осиё, Африка ёзувчилари орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Конференцияда дўстлик ва ҳамкорлик руҳи, дилдан



дилга, қалбдан қалбга йўл топган Тошкент руҳи туғилди.

Конференция Оснё ва Африка халқлари адабиётининг янги тараққиёт йўлини ёритиб берди, кишилик жамияти тарихида энг жирканч доғ бўлган мустамлакачилик доғини ювиб ташлаш учун бел боғлаган халқлар курашида ёзувчи ва шоирларнинг ўрни бу курашнинг олдинги сафида бўлиши лозимлигини таъкидлади. У адабий ижоднинг халқлар кураши билан маҳкам боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтди.

Оснё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференциясининг очилишига Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёти нашриёти қирқдан ортиқ китоб нашр қилиб, бу китоблар орасида Хитой, КХДР, Мўғулистон, Афғонистон, Эрон, Бирма, Индонезия, Туркия, Араб мамлакатлари ва бошқа мамлакатларнинг классик ва ҳозирги замон адабиётидан намуналар берилган эди.

Бундан ташқари, ҳозирги Хитойнинг машҳур ёзувчиси Чжоу Ли-боннинг «Довул» романи ҳам босмадан чиқди.

Шарқ ва Ғарбда жуда машҳур бўлиб кетган файласуф шоир Умар Хайём рубоийлари таржимаси катта тиражда тарқалиб кетди ва халқимиз томонидан зўр қизиқиш билан ўқилмоқда. Шунингдек, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатлар ёзувчиларининг бир қатор асарлари босилиб чиқди. Булар орасида Р. Тагорнинг асарлари II томи, Анант Каршикнинг «Қашмир маликасининг сири» асари, М. Бандоподхойнинг «Падма дарёсининг қайиқчиси» романи, турк ёзувчиси Рашот Нури Гунтекиннинг «Чоли қуши» романи, «Эрон эртаклари» тўплами, «Минг бир кеча» китобининг уч томи ва бошқа асарлар бор.

Ҳинд адиби Бхаттачариянинг «Очлик», хитой ёзувчиси Ба Цзиннинг «Оила», индонез ёзувчиси Абулмуиснинг «Сурапати», вьетнам ёзувчиси Ньгуен Ван Бонгнинг «Қўтос» романлари, араб ёзувчиси Маҳмуд Тоймурнинг, турк ёзувчиси Сабоҳиддин Алининг ҳикоялари, япон ва форс эртаклари, Мирзо Бедилнинг «Комде ва Мудан» лирик поэмаси ва бошқа китоблар ҳам китобхонларга тортиқ қилинди.

Нашриёт конференциядан кейинги даврда Шарқ ёзувчиларининг кўплари билан шахсий алоқада бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Афғонистон ва бошқа мамла-

катларнинг адабиётларидаги янги асарлардан ўз вақтида хабардор бўлиб турибди.

Шарқ адабиёти редакцияси Осиё ва Африка ёзувчиларининг навбатдаги конференциясига ҳам тайёргарлик кўрмоқда.

Нашиётда Гана, Вьетнам, Индонезия, Непал, Банту каби Осиё ва Африка мамлакатлари адабиётлари намояндаларининг асарлари босилмоқда ва босмага тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, Шарқ халқларининг классик адабиёти ҳақидаги суҳбатлар серияси ҳам давом эттирилмоқда. 1960 йилда турк адабиёти классиклари ва уйғур адабиёти классиклари ҳақидаги икки китоб босмадан чиқди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда сўнгги 5 йил давомидагина Шарқ адабиётидан 1.200000 дан ортиқ нусхада китоб нашр этилди.

Хорижий Шарқ ёзувчилари асарларининг кўпи Шарқ халқлари тилларидан тўғридан-тўғри ўзбекчага ва русчага таржима қилинмоқда. Бу ишда Ленинград, Москва ва Тошкент шарқшунослари актив иштирок этмоқдалар, республикамизнинг атоқли ёзувчи ва шоирлари ёрдамлашмоқдалар.

Гана адабиётидан намуналар, Непал шоирларининг шеърлари, афғон прозаси, ҳозирги замон Эрон шоирларининг шеърлари ва бошқа бир қатор китоблар Иттифоқимизда биринчи бўлиб бизнинг республикамизда босилиб чиққанлигини ҳам қайд қилиб ўтиш лозим.

Бу китоблар Шарқ адабиётини чуқурроқ ўрганши, унинг битмас-туганмас хазинасидаги дурдоналардан кенгроқ фойдаланиш ва бу билан кишилик маданияти тараққиётидаги унинг ролини мустаҳкамлашга ва Тошкент конференциясининг ёрқин ғояларини — Тошкент руҳини халқ орасида кенгроқ ёйишга хизмат қилади.

## ИККИ ОФИЗ СУЗ

Инқилобдан аввалги традицион шарқшунослик Шарқ халқлари адабиётини, унинг айрим вакилларини кўпроқ филологик нуқтан назардан тадқиқ қилган ва шу маънода катта ютуқларга эришган эди. Бироқ унда ҳақиқий адабиётшунослик таҳлили анча заиф эди. Бу илмий меросни юксак қадрлаган ва айти чоқда унга танқидий муносабатда бўлган совет шарқшунослари Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йиллардан бошлабоқ марксча-ленинча методология билан қуролланган ҳолда секин-аста бундай бир томонламаликни, адабиётни ўрганишда филологик таҳлил билангина чекланишни енгиб ўтишга интилишди ва проблемали тадқиқотга кўпроқ эътибор бера бошладди.

Совет шарқшунослиги ривожланишида бу соҳадаги адабиётшуносларнинг 1961 йилнинг мартида Москвада ўтган Бутуниттифоқ сессияси катта воқеа бўлди. Бу сессияда фактографик баёнчиликдан, адабий воқеаларнинг қуруқ баёнидан илмий умумлаштиришлар ва Шарқ адабиётшунослигининг назарий савиясини юксалтириш томон жиддий қадам қўйилди. Шунинг эътиборга олиш керакки, сессия томонидан тасдиқланган «Тезислар»да таъкидланганидек «адабиёт ва ҳаёт» проблемаси бутун шарқ адабиётшунослигининг диққат марказида турган тақдирдагина назарий қолоқликни енгиб ўтиш мумкин».

Совет шарқшунослиги ривожигаги шу давр бошланганда Ш. Шомухамедов ўсиб келаётган ёш истеъдодли олим эди. У ўз илмий соҳаси — тожик-форс адабиётшунослигида салмоқли билимга эгаллигини намойиш этиш билан бир қаторда бевосита бадий ижод майдонида, шеърят бобида ҳам ўзини кўрсатиб улгурган эди. Ўз илмий камолотига кўра Ш. Шомухамедов бу вақтда Совет шарқдаги адабиётшуносликнинг юқорида тилга олинган йўналиши даражасида ижод қилишга тўла тайёрланган эди.

Сўнги йигирма йил Ш. Шомухамедов ўзининг барча ишларида мазкур йўналишни муваффақият билан давом эттирганлигини яққол намойиш қилди. Бу ишларнинг энг асосийлари олимнинг 60 йиллигига бағишланган мазкур тўпلامга киритилгандир. Мазкур ишларнинг барчасида филологик таҳлилнинг адабиётшуносликка хос умумлаштириш билан уйғунлашиб кетганлиги кўзга ташланди. Бу тўпلامга кирган асарларни уч асосий турга бўлиш мумкин:

а) форс тилида ижод этган Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Убайд Законий, Навоий — Фоний, Абдурахмон Жомий каби классиклар ижоди ҳақидаги очерк ва мақолалар:

б) бизнинг замондошларимиз бўлган ўзбек ёзувчилари ва олимлари (А. Қаҳҳор, Миртемир, Т. Саримсоқов) тўғрисидаги мақолалар:

в) ўйлар ва хотиралар.

Бироқ учала йўналишга мансуб асарларнинг барчаси авторнинг ўзи фикр юритган масалаларга муносабати воситасида узвий ички боғлиқлик касб этгандир. Мазкур асарларнинг барчасида адабиёт ҳаёт билан узвий алоқадорликда, органик боғлиқликда тадқиқ этилган. Хусусан, классиклар ижоди ҳақидаги асарларда ҳаёт реал тарихдан ажратилмаган тарзда ёритилган. Худди шу фикрни олимнинг ўй ва хотиралари тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Мазкур мақолаларда шундай нурли, илиқ услуб мавжудки, у ҳоҳ классик шоирлар ҳақида бўлсин, ҳоҳ бизнинг замондошларимиз хусусида бўлсин, ҳоҳ муайян бир масала тўғрисида бўлсин бутун таҳлил объектига нисбатан чуқур муҳаббат ва ҳурмат уларни бир сирага қўяди. Бунинг оқибатида турли-туман мақолалардан ташкил топган тўплам яхлит бир асардек тасаввур қолдиради. Авторга хос бўлган гўзаллик туйғуси ва маҳорат илмий аниқлик ҳамда изчиллик билан қўшилиб баёнга бадий асардагидек жозиба бахш этади. Шу сабабли бу китобни мутахассис олим ҳам, кенг китобхонлар оммаси ҳам, жиддий асарга ташна ўқувчи ҳам жуда катта қизиқиш, қувонч билан ўқиб чиқади ва ўз тафаккурига яраша озиқ ола билади. Ҳозир китобдаги барча мақола ва бўлимларни муфассал таърифлаб ўтишнинг зарурияти йўқ. Сермулоҳаза китобхон мазкур асарлар характерини, моҳиятини, фазilatларини ва хусусиятларини ўзи англаб олади. Лекин китобга хос бўлган яна бир муҳим хусусиятни, яъни унинг чуқур интернационализм руҳи билан суғорилганлигини қайд қилиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Ўзбек олими бўлган китоб муаллифи узоқ йиллар мобайнида ўзи учун иккинчи она тили ҳисобланиб қолган форсийда яратилган адабиётни чуқур тадқиқ этиш билан шуғулланди. Шу типдаги асарларнинг барчасида объективлик, тарихан конкретлик ва далилланганлик ўрганилаётган адабиётнинг, хусусан, қардош тожик халқининг бадий хазинаси вакилларига нис-

батан чуқур ҳурмат ва муҳаббат яққол кўзга ташланади. Бунда феодал ҳамда колоннал зулмга қарши биргаликда курашган. Россия пролетариати раҳбарлигида 1917 йил Октябрда баррикадаларда бирга жанг қилган, биргаликда Бухоро халқ инқилобни амалга оширган ва ўз миллий совет республикаларида ленинизм байроғи остида биргаликда социалистик жамият қурган тожик ва ўзбек халқлари ўртасида асрлар давомида шаклланган ҳамда тобланган дўстлик ўз ифодасини топган. Маълумки, бу дўстлик асосида инқила халқ адабиётида ёзувчиларнинг икки тилда ижод этишидек жуда ажойиб ҳодиса юзага келган. С. Айний ёзишича, Навоий — Фойнийнинг форсийда ёзган шеърлари шу халқ поэзиясининг дурдоналари ҳамда тожик ёзувчиларининг бутун бир авлоди учун намуна бўлиб ҳисобланади. Тожик совет адабиётининг асосчиси бўлган С. Айнийнинг ўзи ўзбек совет адабиётининг асосчиси бўлган Ҳ. Ҳ. Ниёзий тожик тилида ҳам жуда ажойиб шеърлар ёзган.

Ш. Шомуҳамедовнинг бу китоби совет халқлари оиласидаги бу дўстликнинг бузилмас эканлигини яна бир қарра яққол тасдиқлайди. Бу китобнинг босилиб чиқиши Октябрь туйғули озоликка эришган икки социалистик миллат ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга Ш. Шомуҳамедовнинг мазкур китоби ўзбек гуманитар фанига, шарқ адабиётшунослигига ва хусусан классик форс-тожик адабиётини ўрганиш соҳасига жиддий ҳисса бўлиб қўшилади.

И. БРАГИНСКИЙ

*Профессор, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тожикистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси.*

1980

## МУНДАРИЖА

Халқ хизматида\*. А. Ҳафитметев . . . . .

### Биринчи бўлим

#### ОЧЕРКЛАР

Умар Ҳайём	
Ҳаёт . . . . .	13
Ҳаёт шогирди . . . . .	38
Ҳаёт ошиғи . . . . .	55
Ҳаёт устоди . . . . .	97
Саъдий Шерозий	
Ҳаёт сабоқларни излаб . . . . .	105
Инсон тинчлигини кўзлаб . . . . .	120
Ҳаёт бўёқларини излаб . . . . .	139
Эроннинг буюк шоҳи ким? . . . . .	176
Абдурахмон Ломий	
Поклик шами . . . . .	187
Ҳаёт наққошхонаси . . . . .	224

### Иккинчи бўлим

#### МАҚОЛАЛАР

Фоний девони . . . . .	285
Давр дурдонаси . . . . .	308
Дилкаш ҳикоятлар . . . . .	320
Мард кишига олам кенг . . . . .	329
Тутун ҳам олов фарзанди . . . . .	336



Тошмуҳаммад домланинг сабоқлари . . . . .	345
Ярим аср хирмони . . . . .	353
Мухтасарлик маҳорати . . . . .	361
Гул тўкилса бўйи қолса не ажаб . . . . .	364
Уч ёдгорлик . . . . .	365
Туганмас хазина . . . . .	380
Икки оғиз сўз*. II. Брагинский . . . . .	393

На узбекском языке

ШАИСЛАМ ШАМУХАМЕДОВ

ОТЪЛЕСК СОҚРОВИЦ

Редактор *А. Қосимов*  
Рассом *Т. Каримов*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *Н. Жўраева*  
Қорректор *М. Қудратова*

ИБ № 1673

Босмахонага берилди 26.03.81. Босишга рухсат этилди  
31.07.81. P05029. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози  
№ 1. Алабий гарнитура. Юқори босма. Шартли  
босма л. 21,0. Нашр л. 20,4. Тиражи 10.000. Заказ  
№ 1390. Баҳоси 1 с. 70 т. Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Наво-  
ий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР. Нашриётлар, полиграфия ва китоб  
савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент  
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Шомухамедов, Шоислом.**

4006. **Ҳазиналар** жилоси.—Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

Ушбу «Ҳазиналар жилоси» деб номланган китобга инсоният бадий фикр газнасини ажойиб асарлар билан бойитган, неча асрлардан бери бадийёт денгизинда дуру гавҳардек порлаб турган шоирлар — Умар Ҳайём, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий каби сўз усталарининг ҳаёти ва ижоди ҳақида, шунингдек, Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиёти тарихида воқеа бўлган «Девони Фоний» ҳақида. Экологик латифалари ва яна муаллифнинг устозлари ҳақида қизиқарли ҳикоялар киритилган бўлиб, улар турли йилларда ва кам нусхада академик нашрда чоп этилган.

**Шамухамедов, Шаислам.** «Отблеск сокровищ».

83.3Тад + 83.3ЎзИ





63960

